

**ЎЗБЕКИСТОН  
ТАРИХИ**

**ХРЕСТОМАТИЯ**

**4**

80.12 (54)  
ЎА-40

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

ХРЕСТОМАТИЯ

4-жилд

1860-1917 йиллар

Тошкент – 2014



КБК 80.12 (5Ўзб)

М - 40

УДК 618.6.5.

Ўзбекистон тарихи хрестоматиясининг IV жилдида ватанимизнинг 1860-1917 йиллардаги тарихига оид манбалар – кўлёмалар, тошбосма асарлар, матбуот материаллари, архив хужжатлари, хорижий сайёҳлар сафарномалари, мемуарлар, тарихий адабиётлардан намуналар ва парчалар ўрин олган. Мазкур манбалар ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳамда маданий ҳаёт тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Инглиз, форс, рус тилидан таржима қилинган, араб алифбосидан замонавий кирилл алифбосига ўгирилган мазкур манбалардан намуналарнинг аксарияти ўзбек тилида илк бор чоп этилмоқда.

### Масъул муҳаррир ва лойиҳа раҳбари:

т.ф.д., профессор Д.Х. ЗИЯЕВА

### Таҳрир ҳайъати:

Т.ф.д.Б.Абдуҳалимов, т.ф.д. Р.М.Абдуллаев, т.ф.д., проф.  
Д.А.Алимова, т.ф.д.проф., Х.Зиёев

### Тақризчилар:

т.ф.д., проф. Д.Ю. Юсупова  
т.ф.д. Б.М. Бобожонов



Мазкур хрестоматия Ўзбекистон Республикаси II Фаз ва технологиялар қўмитасининг 2012-2013 йиллардаги ИФА-2012-1-3 “Ўзбекистон тарихи (1860-1917 йиллар)” ҳамда ИФА-2012-1-13 “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (4-жилд)” инновацион лойиҳалари доирасида ЎзР ФА тарих институтининг “Ўзбекистоннинг XIX аср ахири – XX аср бошларидаги тарихи” бўлимида тайёрланди ва чоп этилди.

ISBN 978-9943-381-35-3

© «Navro'z» нашриёти

## КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ижтимоий-маънавий ва сиёсий соҳада содир бўлган туб ўзгаришлар, тарих фанини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор, тарихчилар олдида “ҳаққоний тарихни тиклаш, ва халқни ўз тарихи билан қуроллантириш”<sup>1</sup> вазифасининг қўйилиши Ватан тарихшунослиги тараққиётида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Тарих – халқ маънавиятининг асоси сифатида жамият маънавий тараққиётининг устунига, ўзликни англаш омилига айланиб, унинг тарбиявий аҳамияти кескин ортди. Энг муҳими - тарихни бирламчи манбалар асосида ҳолисона ва ҳаққоний акс эттириш давр талабига айланди, тарихий тадқиқотларнинг илмий-услубий ва назарий асослари мафкуравий чеклашлардан ҳалос бўлиб, тубдан янгиланди.

Ушбу ўзгаришлар ўтмишнинг илгари сохталаштирилган ёки атайин эътибордан четлаштирилган масалаларига эътиборни кучайтириб, тарихшунослик ҳамда манбашунослик йўналишидаги тадқиқотларга бўлган талаб ва эҳтиёжни янада оширди. Зеро, тарихшунослик – тарихий тафаккур ҳамда илмий қарашлар тадрижини таҳлил этиб, ҳолисона баҳолаш имконини берса, манбашунослик – ўтмишни акс эттирувчи бирламчи манбаларни аниқлаш, таҳлил қилиш орқали тарихий ҳақиқатни тиклашга хизмат қилади. Айнан шу сабабли тарихий манбашуносликка замонавий тарих фанининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида сўнгги йилларда алоҳида эътибор берилиб, республикада Ўзбекистон тарихи бўйича илк бор кўп жилдли хрестоматия тайёрланди. Уни тайёрлашдан асосий мақсад - Ўзбекистонда ёзув маданияти шаклланган даврдан бошлаб бир неча минг йиллар давомида

<sup>1</sup> Каримов И.С. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.



яратилган муҳим ва қизикарли манбаларни аниқлаб, уларнинг мазмуни ва муаллифлари билан тарихчилар, ўқитувчилар, талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасини таншитиришдан иборатдир.

Зеро, мамлакатимиз худудидида ёзув пайдо пайдо бўлган даврлардан бошлаб аجدодларимиз тарихи маҳаллий, яъни қадимги туркий ва сўғдий манбаларда ҳамда хорижий, хусусан, юнон ва хитой манбаларида, кейинчалик эса араб, форс тилидаги кўплаб тарихий асарларда ўз аксини топиб келган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошига келиб эса тошбосманинг пайдо бўлиши, техника ва ижтимоий тафаккур тараққиёти туфайли мамлакатимиз тарихига оид манбалар турлари янада кенгайди. Бу даврда ҳам маҳаллий тарихчилар томонидан қўлёзма манбалар яратиш анъанаси давом эттирилди. Айни пайтда ўнлаб янги манбалар – тошбосма асарлар, архив ҳужжатлари, матбуот материаллари, картографик тасвирлар, мемуарлар, статистик тадқиқотлар юзга келди.

Бунга қадар, аниқроғи ўрта асрларда яратилган манбаларда тарихий жараёнлар талқини асар муаллифининг дунёқарashi, билим даражаси, фикрлаш доираси ва ҳукмрон диний қарашлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин этилган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошига келиб, бу масалада вазият ўзгарди. Зеро, минтақада кечаётган сиёсий ва ғоявий курашлар, зиддиятли жараёнлар гирдобига тортилган турли хил кучлар, ижтимоий тоифалар ҳамда манфаатдор тарафлар қарашларини акс эттирувчи, мазмуни ва ғоявий асослари турли-туман бўлган манбалар вужудга келди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. (Маъсул муҳаррирлар: т.ф.д., проф. Алимова Д.А., т.ф.д. Зияева Д.Х.). Тошкент, 2009.

Бу ҳолат, бир томондан, тадқиқотчилар учун тарихий жараёнлар таҳлилида турли манбалар билан ишлашга кенг имкониятлар туғдирса, иккинчи томондан турлича мазмундаги манбаларга атрофлича ва киёсий ёндашиш ҳамда уларга холисона баҳо бериш маъсулиятини кучайтирди.

Мазкур даврга оид манбаларнинг катта қисми Ўзбекистон Республикасининг Марказий давлат архивида ҳамда вилоят, туман ва шаҳар архивлари жамғармаларида сақланган ҳужжатлар бўлиб, уларнинг яратилиш тарихи мустамлака маъмурият фаолияти билан боғлиқ бўлган. Ушбу ҳужжатларнинг катта қисми рус тилида бўлиб, асосан расмий характердаги ёзишмалар, маъмуриятнинг метрополия ҳукуматига йўллаган ҳисобот ва ахборотлари, турли мақсадларда тўпланган статистик ахборотлар ва бошқа турдаги маълумотлардан иборат<sup>3</sup>. Мазкур ҳужжатлар мустамлака сиёсатининг моҳияти, стратегик мақсадларини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Архив жамғармалари орасида Бухоро амири қўшбеги-си (И-126) ва Хива хони маҳкамаси (И-125) жамғармалари алоҳида ўрин тутади. Бу жамғармаларнинг катта қисми араб алифбосида, форс ва ўзбек тилларида битилган бўлиб, улар асосан хон саройида сақланган ҳамда мамлакат ҳаётига оид қимматли маълумотларга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уларнинг катта қисми ҳозирга қадар илмий истеъмолга киритилмаган.

Шунингдек, архивда шарқ тилларидаги ҳужжатлар жамланган жамғармада (И-323) араб алифбосида форс ва ўзбек тилларида битилган маҳаллий манбалар сақланган бўлиб, уларнинг аксарият қисми илмий муомалага киритилмаган. Бу жамғармада вақф ҳужжатлари,

<sup>3</sup> Ўроков Д. Туркистонда Россия маъмуриятининг расмий ҳисоботлари – тарихий манба сифатида. (XIX аср охири – XX аср бошлари): тарих фан. ном... дисс. автореф. Тошкент, 2006.



вакфномалар, васикалар ва бошқа турдаги хужжатлар жамланган.

Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихини ўрганишда матбуот материаллари катта ўрин тутади<sup>4</sup>. Рус ва ўзбек тилларида чоп этилган расмий ва норасмий матбуот материалларидан ўлка тарихига оид турли маълумотларни олиш мумкин. Маҳаллий матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолаларда ўша давр зиёлиларининг жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммолари, миллий маданиятни ривожлантириш, хусусан, таълим тизими ислохотлари ҳамда маърифат масалалари ҳақидаги қарашлари ва маълумотлар кенг ўрин олган бўлиб, улар ижтимоий-маънавий ҳаётни ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Мустамлака давр тарихига оид манбаларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур даврда кечган ўта зиддиятли жараёнлар тарихини ёритишда масалага турли тоифа вакиллари ёндашувини акс эттирган манбаларни қиёсий ва танқидий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даврга оид тарихий маълумотларнинг хилма-хиллиги, уларнинг аксарияти ҳанузгача манбашунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилмаганлиги назарда тутилиб, мазкур тўпلامда илк бор Ўзбекистоннинг мустамлака давр тарихига оид маҳаллий, хорижий ва рус манбаларидан парчалар чоп этилмоқда.

Тўпلامдан ўрин олган материаллар манбаларнинг тури ва мазмунига қараб алоҳида гуруҳларга ажратилди. Бундай гуруҳлаш ўрганилаётган давр тарихига оид турлитуман манбаларни тизимлаштириш имконинини берди. Шу билан бирга манбалар мазмунига ва уларда тадқиқ этилган тарихий воқеликка эътибор қаратилди. Бу эса, манбалар билан танишиш асносида айни бир тарихий

<sup>4</sup>Ш о д м о н о в а С. Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870-1917). Тошкент: “Yangi nashr”, 2011.

жараён ёки воқелик бўйича маълумотларга эга бўлишга ёрдам беради.

Масалага бундай ёндашув мазкур даврга оид манбаларнинг алоҳида турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолашга имкон беради.

Хрестоматиядан ҳозирга қадар кам ўрганилган маҳаллий архив материаллари, хорижий сайёҳлар сафарномалари, мемуар тадқиқот, шунингдек, тарихий жараёнлар ва муаммоларни ёритишда муҳим аҳамият касб этувчи маҳаллий қўлёзмалар, матбуот материаллари ва тарихий адабиётлардан намуналар ўрин олган. Ватан тарихшунослигида мазкур давр бўйича илк қадам сифатида яратилган ушбу хрестоматияни тайёрлаш жараёнида мавжуд манбаларнинг барчасини қамраб олиш имкони бўлмаганлиги боис, турли манбалардан намуналар ва кичик парчалар келтирилди. Иш жараёнида, яъни манбаларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш жараёнида тарихий, этник, географик атамалар билан боғлиқ кўплаб ноаниқликларга имкон қадар аниқлик киритилди.

Матнларда, айниқса қўлёзмаларда араб, форс тилидаги иборалар, нотаниш сўзларга замонавий ўзбек тилига мос тушунчалар асосида изоҳ ва шарҳлар берилди. Баъзи ҳолларда манбанинг мазмунини сақлаб қолган ҳолда кўшимча сўзлар (масалан, заруриятга қараб, гапнинг мазмунидан келиб чиқиб, кесим ёки эга) қўйилди. Айрим ҳолатларда муаллифнинг субъектив, бир ёқлама мулоҳазалари, ўта чалқаш маълумотлар ўқувчини нотўғри фикр ҳамда хулосаларга олиб келмаслиги учун тушириб қолдирилди.

Матнлар билан ишлаш жараёнида уларнинг тарихий аҳамиятга молик қисмларидан парчалар келтиришга эътибор қаратилиб, айрим ортиқча тафсилотлар четлаб ўтилди.



Матнларни нашрга тайёрлашда зиммасига манбаларнинг таржимаси ва тегишли ўринларда изоҳлар бериш маъсулияти манбаларни тақдим этган муаллифлар зиммасига юклатилди, маъсул муҳаррир манбалар мазмуни ва тарихий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Манбалар билан тўлиқ танишишни истаган тадқиқотчилар уларнинг асл нусхаларини тегишли жамғармалардан олиб, ишлаш имконига эгаллиги назарда тутилиб, улардан кичик парчалар бериш билан кифояланилди.

Манбаларни нашрга тайёрлашда, хусусан, араб алифбосидаги ёки форс тилидан таржима қилиб, нашрга тайёрлашда етакчи олимлар билан бир қаторда ёш шарқшунос тадқиқотчилар фаол иштирок этдилар.

Хорижий манбалар асосан инглиз тилидан хорижий тилни мукаммал эгаллаган ёш тадқиқотчилар томонидан таржима қилинди.

Матбуот материалларини тўплашда ва танлашда асосий эътибор жаҳид тараққийпарварлари ва ёш бухороликлар томонидан Туркистон ва Бухорода чоп этилган миллий матбуот намуналарига қаратилди. Бунда ўша даврдаги энг ўткир ва долзарб масалалар кўтарилган мақолалар танлаб олинди. Бу ишда нафақат бўлим ходимлари, балки республиканинг бошқа тарихчилари ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

Рус манбаларини танлашда хрестоматия хажми чекланганлиги боис, асосан бир нечта архив ҳужжатлари, тарихий адабиётлар ва статистик тадқиқотлардан намуналар келтирилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, рус тилидаги маълумотлар камрови ниҳоятда кенг ва турлитуманлиги бу борада келажакда яна алоҳида манбалар тўплами тайёрлашни тақозо этади.

Хрестоматияга маҳаллий муаллифларнинг 6 та қўлёзма, 2 та тошбосма асарлари, 52 та архив

ҳужжатлари, 53 та матбуот материаллари, 3 та хорижий сафарномалар, 2 та мемуар тадқиқот, 4 та тарихий адабиётлар ва 1 та ҳарбий статистик тадқиқот, жами – 123 та манбалардан парча ва намуналар келтирилди. Улардан асосан, қизиқарли тарихий маълумотлар қайд этилган тегишли қисмлар танлаб олинди.

Ушбу хрестоматияга киритилган манбаларни тўплаш, таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш ишларида ЎзР ФА тарих институтидаги “Ўзбекистоннинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихи” бўлиминининг ходимлари – т.ф.д. С.Шодмонова, т.ф.н. А.Тоғаева, т.ф.н.М.Исакова, Қ.Якубов, Н.Исмамова, Н.Қориева, Х.Абдурасулов, В.Холов, Ж.Перемкулов, И.Азизов иштирок этдилар. Шунингдек, хрестоматиядан ўрин олган қўлёзма ва тошбосма асарларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлашда т.ф.н. О.Бўриев, т.ф.н. Ў.Султонов, т.ф.д. профессор Ш.Воҳидов, т.ф.д. Ш.Хаитов, ф.ф.н. И.Азизов, ф.ф.н. Н.Жумаев, т.ф.н. Н.Тошев, т.ф.н. М.Орзиев т.ф.н. Ш.Зиёдов, Ш.Тошева, Н.Мирзаевлар яқиндан ёрдам бердилар.

Хусусан, Бухоро, Хива хонликлари ҳамда Тошкент қози калонининг архив жамғармаларига тегишли араб алифбосида, форс ва ўзбек тилларида ёзилган вақфномалар, тилхат, ибро, далолатнома, васиқа каби маҳаллий ҳужжатлар Ў.Султонов, Ш.Зиёдов, Н.Исмамова, Қ.Якубов, И.Азизов, Н.Мирзаев томонидан таржима қилиниб, тегишли изоҳлар билан нашрга тайёрланди.

Маҳаллий матбуот материалларни тўплашда т.ф.д. С.Шодмонова, т.ф.д. Ш.Ҳайитов, т.ф.н. Н.Мустафаева, т.ф.н. К.Воҳидова, т.ф.н. М.Орзиев ва Н.Қориевалар иштирок этдилар.

Хорижий сайёҳлар сафарномалари Х.Абдурасулов ва В.Холов томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима



қилиниб, нашрга тайёрланди. Мемуар тадқиқотлардан парчалар т.ф.д., профессор Х.Зиёев ва т.ф.д., профессор Х.Зияева томонидан нашрга тайёрланди. Рус архив хужжатларидан намуналар эса т.ф.д. Ж.Исмоилова, т.ф.д., профессор Д.Зияева, Х.Абдурасулов томонидан рус тилидан таржима қилинди.

Рус тилидаги тарихий адабиётлар ва статистик тадқиқотларни т.ф.д. С.Шодмонова, Х.Абдурасулов, И.Азизов, В.Холов, Қ.Якубов ва Ж.Перемкулов рус тилидан таржима қилдилар.

Хрестоматия учун изоҳли лугат ҳамда кўрсаткичлар бўлим ходимлари томонидан тайёрланди.

Тадқиқот давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг “Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган нашрлар хизмати” бўлими, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон Марказий давлат архивининг қўлёзма ва архив жамғармаларида сақланаётган маҳаллий манбалардан унумли фойдаланилди. Мазкур муассасалар раҳбарияти ва ходимлари тегишли манбаларни тўплашда катта хайрихоҳлик билан яқиндан ёрдам бериб, тегишли шарт-шароитларни яратиб берганлигини алоҳида эътироф этиб, муаллифлар жамоаси номидан уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

*т.ф.д., профессор Д.Х.Зияева*

## І БОБ. МАҲАЛЛИЙ ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА АСАРЛАР

### 1 §. Қўлёзма асарлар

*Маҳаллий қўлёзмалар муҳим тарихий манба сифатида сўнги йилларда тарихчилар, шарқиунос олимлар томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилмоқда. Зеро, асосан маҳаллий муаллифлар қаламига мансуб бу асарларда тарихий жараёнлар тафсилотлари батафсил ёритилганлиги, кўп жараёнларга уларнинг ўзлари гувоҳ ва иштирокчи бўлганлиги уларнинг қимматини янада оширади.*

*Мустамлака давр тарихига мансуб қўлёзма ва тошбосма асарларда кенг ёритилган масалалардан бири – ўлкага Россия империяси итилоси тарихи билан боғлиқдир. Бу масалалар турли муаллифлар асарларида турли тафсилотлар билан қайд этилиши ўрганилаётган муаммони чуқурроқ таҳлил этиш имконини беради. Бу маълумотлар совет тарихшунослигида “Ўрта Осиё ўз ихтиёри билан қўшилган” деган мазмундаги уйдирмалар асосиз эканлигини, маҳаллий аҳолининг ватан мудофаасига шиддат билан отланганлигини асослаб бериш билан бирга, бу жараёнга таъсир этган бошқа маҳаллий омиларни ҳам аниқлашга ёрдам беради. Қуйида Тошкент итилоси билан боғлиқ масалалар ёритилган маҳаллий муаллифлар қаламига мансуб қўлёзмалардан парчалар келтирилади<sup>5</sup>.*

<sup>5</sup>Бу ўринда масалани тўлиқ очиб бериш учун қўлёзмалардан парчалар бериш тартиби уларнинг яратилган даврига эмас, балки тарихий жараёнлар силсиласига қараб келтирилади.



### Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий “Тарихи жадидаи Тошканд”

Муҳаммад Солиххўжа Раҳим Қорахўжа ўгли XIX асрда Тошкент шаҳрида яшаб, фаолият юритган маҳаллий тарихчилардан бири. У 1840–1852 йилларда Тошкентдаги Эшонқули додхоҳ, Бекларбеги ва Хўжа Аҳрор мадрасаларида, Қўқондаги Азимбой мадрасасида, 1856 йилда Бухородаги Кўкалдош мадрасасида таълим олган. 1863 йилдан бошлаб Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги масжидда имомлик вазифасини бажарган, айни вақтда, талабаларга дарс бериши билан машғул бўлган.

Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари 1863–1888 йилларда ёзилган бўлиб, Тошкент шаҳрининг ўша давр тарихи бўйича муҳим манба саналади. Унда нафақат Тошкент, балки Қўқон хонлигининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар ҳам қайд этилган.

Асарнинг муаллиф ўз қўли билан форс тилида битилган асл қўлёзма нусхаси ҳозирда ЎзР ФА Абу Райҳон Бериший номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида 7791 рақами остида сақланади<sup>6</sup>.

Қуйида асарнинг иккинчи жилдидан ўрин олган Тошкент шаҳрининг Россия империяси томонидан истило этилиши билан боғлиқ маълумотлардан парчалар келтирилади<sup>7</sup>.

т.ф.н. О.Бўриев, т.ф.н. Ў.Султонов

<sup>6</sup> Институт қўлёзмалар фондида асарнинг аслидан кўчирилган яна икки нусхаси мавжуд: бири Набирахўжа ибн Саидхўжа томонидан 1936 йилда кўчирилган нусхаси (икки муқовада, инвентарь рақамлари 11072, 11073); иккинчиси институт илмий ходими Абдулла Носиров қўли билан 1940 йилда кўчирилган нусхаси (инвентарь рақами – 5732).

<sup>7</sup> Нашрга тайёрлаш жараёнида тегишли қисмларга шартли равишда сарлавҳалар берилди.

### Тошкент шаҳрига ҳарбий хуружлар ва шаҳар мудофааси

...Мулла Алимқули Тошканд оқсоқоллари ва арбоблари, акобирлари ва аъёнларига фармон бериб, бу вилоятдан бўлган ҳар киши хоҳ туя ва хоҳ отда, арава ё пиёда бўлсин дин хотирида бўлиб, юкларни, подшоҳлик тўпхонаси ва замбаракларини, султонлик чодирини ва сарпардасини Фарак (Чирчиқ) сувининг у томонига ўтказишга буйруқ берди. Жума намози адосидан сўнг фармойиш бўлиб, суворий ва пиёдалар Фарак суви (Чирчиқ)дан ўтиб, қарийб аср намози вақтида Мингўриққа, шаҳзода боргоҳига етдилар ва аср намозини Султон Саидхон хокон ибн хокон Саид Маллахон шаҳид ва Мулла Алимқули амирлашкар ғозий ҳамроҳлигида адо қилдилар.

Шу орада Шўртепа юқорисида, Русия аскарлари томонида бир ҳавойи мушак осмонга отилди. Бу воқеадан сўнг Мулла Алимқули амирлашкар ўрнидан сакраб туриб, баланд овозда бу Русия аскарларининг ўзлариникига воқеадан огоҳлантириш бераётганини ва эртага жанг бўлиши мумкинлигини айтди...

...Ногоҳ Шўртепа томондан Сиддик тўра навкарлари келиб, Русия қўшинидан икки фирқа Шўртепа юқорисида Олтинтепа<sup>8</sup> тарафга келаётгани хабарини етказди. Улар (руслар) Олтинтепадан ўтиб, қарийб Назарбек кўрбоши кўргонига яқинлашди. Уларнинг ўртасида бир замбарак бўлган бир фирқаси суворийлар, бир фирқаси пиёдалар бўлган бу икки фирқа Салор ариғи бўйида тўхтади.

...Мулла Алимқули тамом тезликда Афросиёб тепалигидан Хўқанд дарвозасига бориб, аввало Жомадор тўпчибоши навкарларини оташхона ва замбараклари билан гуруҳ-гуруҳ қилиб, бир сафга тортди. Уларнинг сафлари

<sup>8</sup> Олтинтепа – Шайхонтоҳур даҳасидаги мавзе.



шу қадар тўғри эдики, кўрганлар бир одамнинг суврати дер эди. Ва бу сафлар ўртасига 36 та замбарак қўйдилар. Учқур отли дин мужоҳидлари эса, Тархон-сайёд ариғи<sup>9</sup> лабига, тархонлар ерига етдилар.

У томондан Русия аскарлари Салор ариғидан ўтиб рўпарама-рўпара бўлдилар. Камина ҳам ўз дўстлари билан ўша ерда эдим. Шу пайт Русия тарафдан замбарак ўт очиб, пиёда аскарлар ёнига тушди. Шундан сўнг, Мулла Алимқули амирлашқар ҳам Жомадор тўпхонабоши ва Ҳиндубача юзбошига, ўк отувчилар ва сарбозларга замбараклардан ўт очишга буйруқ берди.

...Душман томонга тўфанг ва замбараклардан отилган тинимсиз ўт очишлардан сўнг (мусулмонлар) уч томондан кенгайиб, суворийлар ва ўкчилар томон тез суръат билан Назарбек кўрбоши кўрғончасидан ўтиб, у ердан Олимбек йўли ва Олтинтепадан ўтиб Шўртепа тарафга, тепадан пастликка қараб тўхтадилар.

Русия аскарлари эса чекинишга мажбур бўлди. Мулла Алимқули амирлашқар жангда жонбозлик кўрсатган Жомадор тўпхонабоши, Ҳиндубача юзбоши, Хайрмухаммад афғон элликбоши, понсадғозилик Мирбобо понсадбоши ва уларнинг сарбозларини жасорати учун муносиб тақдирлади. Ярадорлар ва мурдаларни шаҳарга юборди.

...Шом намози адосидан сўнг бу даргоҳда ҳозир бўлгувчилар, бир томонда Тошканд, иккинчи томонда Кўқон ақобирлари (катталари) жой олсин ва эрганги муҳораба (жанг) тўғрисида қандай маслаҳат кўрадилар, айтсинлар, дейилди. Тошканд қабилалари сардорлари дедиларки, бугунги жанг ғалаба овозаси ҳар тарафга тарқалди. Жасур жангчилар ва тошкандликлар Сиддик тўра ва Арслон тўра ҳамроҳлигида Дашти Қипчоққа

<sup>9</sup> Тархон-сайёд ариғи – Шайхонтоҳур даҳасида, шаҳар деворидан ташқарида оқиб ўтувчи ариқ. Унга яқин ерлар шу ном билан аталган.

юборилса. Аввало Чимкент диёрига бориб, ул шаҳар эшиклари калитини қўлга киритсалар. Сўнгра икки фирқага (қисмга) бўлиниб, ҳар фирқага Дашти Қипчоқ қабилалари сардорларини ўзларига сарҳанг қилиб, бирини Туркистон қалъаси навоҳисидан Оқмасжид қалъасигача, бирини Авлиёота қалъаси, Тўқмоқ, Ашфара, Олматудан то Ғулжагача ҳарб ва жиҳод ила юборсак.

...Хабар етдики, Ҳиндубача юзбоши тўпхонаси юкорисидан Абдуллабек либосбардор кирғиз валади Олимбек кирғиз (дастаси) учқур отлари билан Жомадор Ҳиндустоний жанг қилаётган ерга етиб борди. (Барибир) аҳвол танг эди. Мулла Алимқули тартиб билан (шаҳарга) чекинишни тайинлади. Улар Абдуллабек либосбардор ҳамроҳлигида ва Хайрмухаммад афғон ва Жомадор Ҳиндустоний ёнига етган эдиларки, Абдуллабек либосбардор отининг кўзи тўфанг ўқидан жароҳат олди. Абдуллабек дарҳол ўк отган ўша насронийни шамшири билан ҳалок қилди. Мулла Алимқули эса бошқасини. Сўнг Абдуллабек бошқа тулпорни миниб Мулла Алимқули билан бирга Хайрмухаммад афғон тўпхонаси томон йўл олди.

Шундан сўнг, Хайрмухаммад афғон тўпхонасига келгач, Тошканд аҳлига секин-аста шаҳар ичига қайтишга, сарбоз ва мужоҳидларга эса жанг майдонида қолиб жангни давом эттиришни буюрди.

Сўнг Жомадор Ҳиндустоний ва Ҳиндубача юзбоши биргаликда барча замбарак ва тўпхона, кўрхона ва кўрғошин, дору ва асбобларни Мулла Алимқули олдига жамъ қилдилар. Замбарак ва тўфангдозлик қилиб, уч жойдан насронийлар томонга олти замбаракдан олти бор ўт очдилар. Насронийлар ҳам олти замбаракдан олти бор ўт очди. Жанг шундай давом этиб, Салор ариғигача етиб келдилар. Биз ҳам Тархон - сайёд еридан ўтиб шу ердаги



чорбогимиз томон равона бўлди. Мулла Алимкули ғозийлар билан катта кўчада жанг билан машғул бўлиб, бир оз туриб қолди.

...Бир пайт от ортида Асадуллабек табиб валад Абдуллабек Қобқозий Мулла Алимқулини елкасида кўтариб келарди...

Шу аснода Асадуллабек валади Абдуллабек ва Абдуллабек либосбардор Мулла Алимкули амирлашкар ғозийни жанг майдонидан Тошканд ўрдасига олиб бордилар. ... Ўрда томондан, Абдуллабек валади Мулла Алимкули амирлашкар подшоҳлик меҳмонхонасига ўз мулозимларини кўйиб, масжид<sup>10</sup> жиловхонасига келиб салом бергач, “Эй саодатпаноҳ, Мулла Алимкули бу дорулғурурдан дорулсурурга, завку хузур боғига рихлат қилди. Мен сизнинг амакзодангиз Юсуф Алихўжа валади Нўмонхўжа читфуруш ховлисига бориб ўз одамларим ва мулозимларимдан бир нечасини олиб шом намозини ўқиғач, Мулла Алимкули майитини Ҳазрат Шайх Хованд тахур (қабри нурга тўлсин) мазорига олиб бориб қафандлаб жанозасини ўкиб дафи қилсак”, – деди. Иккиланмасдан, бундан яхшироқ яна қандай йўл бўлиши мумкин деб жавоб бердим ва камина ҳам шом намозидан сўнг Катта кўчага бориб кутиб туришимни айтдим. Шом намозидан сўнг амакзодам кўчасига бориб билдимки, бир неча киши Қиёт маҳалласига юборилибди. Бир оздан сўнг Абдуллабек мурдага сароча ташлаб, Мулла Салом валади Додабой оғалиқ ва яна Қиёт маҳалласилик тўрт киши тобутнинг тўрт томонидан кўтариб келарди. Камина ҳам тобутнинг бир томонидан кўтариб йиғлашга тушдим. Бошқалар ҳам йиғи билан Шайхонтахур даҳаси ташқарисига чикдик. Тобутни Лангар ҳовузининг шимол

<sup>10</sup> Асар муаллифи Қиёт маҳалласидаги Бекмухаммадбий масжидида имомлик қилган.

тарафига, қайрағоч дарахти остига кўйдик. Ўша қайроғоч ҳозир ҳам бор бўлиб, қабрнинг жануб томонидадир. Аввало Қорабошхўжа мутаваллига хабар берилди. Сўнг Эшонкули додхоҳ мадрасаси аҳли, ғассол ва Мир Шафоат гўрков ҳозир бўлди. Такфин ва тажҳиз амалини<sup>11</sup> Мухаммад Раззоқхўжа валади Искандархўжа бажарди. Қорабошхўжа мутавалли исқот амалини<sup>12</sup> бажариб, даврани ҳозир қилди ва фонус ва шам келтириб атрофни ёритди. Бу орада Эшонкули додхоҳ мадрасасидан Али Акбархўжа эшон домудла, Абдурасулхўжа валади Абдуҳолик Марғилоний, Саид Ахмадхўжа муфти, Исмоилхўжа имом, Мулла Муҳаммад Исо охунд, Жаъфархўжа валади Бузургхўжа қози, Нурхўжа валади Қорабошхўжа мутаваллий ва бошқа талабалар ҳам ҳозир бўлдилар.

...Қорабошхўжа мутаваллий тинмай “Эй мўминлар, Амирлашкар дин ва Тошканд фуқоролари тинчлиги учун шаҳид бўлди”- дер эди. Абдуллабекдан марҳумнинг ибтидосидан интихосигача бўлган ҳаётидан сўрадим. Ғассол мурданинг кийимларини, жомасини, куртасини<sup>13</sup> ва ўша давр одамлари жига деб атовчи қизил-оқ рангли шимини ечди. Кўрдимки, ўқ Амирлашкарнинг орқасининг чап томони белининг пастки қисмидан тегиб, ўнг томони юкорисидан ўтиб кетибди. Мурда ювилгач, мушки анбар суртилиб, қафанланди ва тобут ўша ҳовуз бўйига кўйилди. Али Акбархўжа домудла имомликка ўтди, биз иқтидо қилиб жаноза намозини ўқидик. Сўнгра тўрт киши тобут-ни тўрт томондан кўтариб гўрхона томон равона бўлди. Шодмонхўжа (мурда учун тайёрланган) сағанани очиб, Мир Шафоат гўрков чироғ тутиб ёритиб турарди. Дарҳол тобутни шимол томонидан ерга кўйдик. Гўрков

<sup>11</sup> Такфин ва тажҳиз амали – мурдани ювиш ва қафандлаш тартиби.

<sup>12</sup> Исқот амали – мурдани қабрга кўйиш тартиби.

<sup>13</sup> Курта – уст кийим, кўйлак.



65799



(мурда-нинг) оёғидан тутиб кўтарди. Қорабошхўжа мутаваллий ва Абдуллабек белидан, камина эса бошидан охиста кўтардик. Сўнг гўрков мурдани сағанага олиб кириб лаҳадга кўйиб, йиғлаб юборди. Сўнг лаҳаддан чиқиб, сағана оғзига гишт тера бошлади. Мен гишт олиб бериб турдим. Каломи раббоний тиловат қилинган, гўристондан чиқиб ховуз бўйига, жанозагоҳга бордик. Али Акбархўжа домудла яна бир бор тиловат қилди. Абдуллабек 36 нафар жанозахон ва дафн маросими сарфини хат қилиб олди ва пайшанба куни яна келиб, маърақа ва худойи маросим-лари сарфини ўтказишини айтди.

Ҳижрий 1281 йил зулҳижжа ойининг 25 - куни якшанбадан душанбага ўтар кечада (милодий 1865 йил 21 май якшанба) замон баҳодири ва давр жангчиси, аср сипоҳсалори ва сарҳанги бўлган Мулла Алимқули амирлашкарни қабрга кўйдик.

#### Тошкент муҳорабалари якунидаги икки тараф мунозаралари

...Кўп ўтмай мулло Солиҳбек охундга ўз тобелари билан Ширинуф (Черняев)нинг<sup>14</sup> чодирига етиб келсинлар, деган хабар келди. Ўша заҳоти мулло Солиҳбек охунд, Бердибой саркор Себзорий, Ҳалимбой мирзо Азимбой кўшбеги (672а варақ) (Хўқандий ўғли); Файзбачча Тошкандий, Қосимбой Қаротутий Тошкандийнинг биродари Азимбой, санчикли (санчикли) жамоасидан<sup>15</sup> мулло Кўшқазок ва бошқа турли аъёнлар Чилдухтарон мавзеида<sup>16</sup> тўпландилар.

<sup>14</sup> Ширинуф (Черняев) – Михаил Григорьевич Черняев (1828-1898 йй.), Россия Империясининг харбий кўмондони.

<sup>15</sup> Санчикли жамоаси – Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Чакичмон (Сакичмон) маҳалласида яшовчилар.

<sup>16</sup> Чилдухтарон мавзеи – шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган мавзе, у ерга Салор кўпни орқали ўтиб бориларди (А.Ўринбоев, О.Бўриев. Тошкент Мухаммад Солих тавсифида. Тошкент, 1983. 41-бет).

Ширинуф уларнинг олдига келиб шундай деди: “Пойтахт Фетирбурх (Петербург)дан, яъни пошшоликдан менга маълумот келди. (Унда) сулҳ сабабини ва Туркистон заминининг (Россия) ҳукуматига бўйсундирилишини тўла-тўқис ўша вилоят аҳолиси гувоҳлигида хатга тушириб, бу томонга жўнатилсин, дейилган.

Шунга кўра, сизларга шуни ҳам айтмоқчи эдимки, мактуб қуйидаги мазмунда ёзилиши керак:

“Узоқ вақтлар ва замонлардан буён, бу Туркистонзамин<sup>17</sup> ўлкасида Фарғона ҳукмдорлари (томонидан) камбағалларга ва халққа жабр, зулм ва ситам қилиб келинди. Закот ва хирожни (кўпайтириб) кўчманчиларни турли томонга тўзитиб-тарқатиб юбордилар. Чорвадан олинадиган ва бошқа закотларни меъеридан ошириб, урф-одат, русум ва таомилдан қайтдилар, ҳеч бир меҳр-шафқат қилмадилар. Кўп йиллар давомида катта бошлиқлар ўртасида ҳукмронлик учун талаш кетиб, улар (672б варақ) кўпинча фитначилар, бузғунчилар ва иғвогарлар сўзига учиб ўртада ноҳақ қонлар тўкилди. Шариат ҳукмлари ва уламолар айтганини инкор этмишлар, уламо меҳр-муҳаббати ва фузало суҳбатидан узоқда эрурлар. Фарғона ва Туркистонзаминни кўпинча кипчоклар, киргизлар, козоқлар, авбошлар ва бебошлар бошқариб келмоқдалар. Шу сабабдан, биз ўз ихтиёримиз ва истак-хоҳишимиз билан, уларнинг жабр-зулмига хотима бериш учун, аҳоли ва мамлакатнинг тинчлигини ўйлаб, Русия ва насрониянинг аскарлари, кўшинлари ва сардорларини олиб келдик ва мамлакатни топширдик”. (Буни эшитган) Мулло Солиҳбек охунд хомуш ҳолатда ўйга чўмдилар ... бош кўтариб, шундай дедилар:

<sup>17</sup> Туркистонзамин – бу ерда, асосан, Тошкентдан шимоли-шарқдаги ерлар назарда тутилган.



“Бизлар бўлиб ўтган воқеаларни ўзгартирмасдан ва алмаштирмасдан ҳақиқатни айтамыз. Яъни Оқмасжид шаҳридан Хулжа (Фулжа) томондан Туркистонзамин ва Тошканд (га қарашли) қалъалар ва вилоятларни насрония ва Русия жанг, талаш ва уруш билан кўлга киритдилар. Улардан кўпи тунда шабохун йўли билан (6746 варақ) тўсатдан, ҳеч бир музокарасиз, ваъдасиз, муҳлатсиз, қаттиқ уруш-талашлар билан юз берди. Айниқса, Тошканд шаҳри зулхижжа (ойи)нинг ўртасидан то сафар ойининг ўн иккинчи кунигача сувсиз ва озик-овқатсиз (жанг қилди). Лашкарбоши (амири лашкар) мулло Алимкули шахид бўлгандан сўнг сардорсиз, султонсиз, аскарсиз, қўшинсиз, лашкарсиз ва Бухоро амири, Хоразм, Урганж, Фарғона ва турли Муҳаммадия ва исломияга мансуб вилоятлардаги элатлар ва қабилалар кўмагисиз, уруш асбоб-анжомлари, дору (порох) ва кўрғошини (ўк) бўлмаган ҳолда, фуқаро, аҳоли ва Тошканд шаҳрида яшовчилар ғазот эълон қилиб урушдилар.

Сешанба куни тонгга яқин Русия ва насоро Хиёбон дарвозаси ва девор (сафил) устидан фуқарони ғафлатда қолдириб ошиб тушиб, ошкор бўлиб қолгач, уруш қилмоққа киришиб, то пайшанба кунигача жанг-жадал давом этиб, кўп иморатларга ўт кетиб, (одамлар) сувсиз, оч ва ҳолдан тойган (бир ҳолатда), душман ва дўст (барча) елкама-елка туриб қаттиқ жанг бўлди.

Нихоят пайшанба куни пешиндан сўнг аҳли насоро ва Русия ярашиш истагида (675а варақ) ваъдалар бериб, аҳд-паймонлар қилиб, сулҳ тузишга рағбат кўрсатди. Бизлар ҳам (маълум) шартлар асосида сулҳ туздик”.

...Ширинуф жаҳл ва ғазаб билан: “Кимки мулло Солихбек охундга кўшилса, бир томонга ўтсин!” – деди. Охунд домулло, Бердибой сарқор Себзорий, Ҳалимбой мирзо Азимбой кўшбеги ўғли, мулло Кўш (қозок),

Азимбой, Файзбачча ва бошқалар (жами) етти кишини (Черняевнинг) буйруғи билан Русия саллотлари (солдатлари) ўртага олиб, Чимкент қалъасидан пўшта (почта) аравасига солиб, Қизилжар қалъаси томондан олиб кетиб, Қафол ва Дўм мавзеига элтмишлар.

...Ундан сўнг Ширинуф эшон Ҳакимхўжа қозикалонни чақиртириб, хатнинг ўша мусавваддасини бериб: “Хатни ёзиб бўлгач, шаҳарнинг аёнлари, оқсоқоллари, савдогарлар ва тожирларига муҳр бостириб етказинг”, – деди.

Сўнгра Ширинуф Абдусаид эшон ва Ҳодихўжани чақиртириб, хатни уларга берди. Улар пошшолик ҳисобидан ҳаж қилиш баҳонаси билан (хатни) Фетирбурхга етказиб, кейин Истанбулга, ундан Каъба уйига ўтишлари керак бўлган.

Улар ул мамлакатга йўл олганлар. Маҳаллалар ва манзилларни босиб ўтиб, Фетирбурхга етиб борганлар. (У ерда) хатни ҳукмдорга топшириб, сўнг Истанбулга борганлар. Улар бормасдан, Осиё Туркистонзамин мамлакатининг тўла-тўқис розилигидан иборат ўша хат, пўшта (почта) ахбороти воситасида (етказилиб), ахборномалар Истанбулнинг деворлари, бозорлари ва саройларига ёпиштириб чиқилган эди.



### Тошкент шартномаси<sup>18</sup>

Кўйида “Тарихи жадидаи Тошканд” асаридан берилган манбада Тошкент шаҳри генерал М.Г. Черняев бошлиқ ҳарбий кучлар билан кескин курашлардан сўнг босиб олинган, босқинчилар билан шаҳарнинг нуфузли кишилари ўртасида тузилган шартноманинг қисқача мазмуни ўз аксини топган.

...Биобарин, хуфтон намозидан сўнг, (руслар) дастлаб Хиёбон томонга, яна бир замбаракда Шайховантоҳур томонга отдилар. Саҳар намозидан кейин Кўкча дарвозасидан то Хиёбон дарвозаси, Шайховандтоҳур ва Ҳазрат Имом кўчасигача (бўлган маҳалла-кўйларга) аҳли насоро ўт кўярмиш, деган овоза тарқалди.

Одамлар саросимага тушиб қолган бир пайтда, элчилар келиши ҳақида одамларга хабар етди. Кўп ўтмасдан Мулло Солиҳбек охунд қошидан бир ишончли киши келиб, “Шайховандтоҳур қозиси, Азим оқсоқол, уламо ва фузалолар, ақобирлар ва вилоят аъёнлари Хиёбонга Мулло Солиҳбек охунд хузурига йиғилсинлар, ўша ерда Русия элчилари ва насороларга биргалашиб савол-жавоб қиламиз”, деб хабар етказди. Шунга кўра, ҳар бир масжиддан уч кишидан Хиёбонга етиб бордилар, у ердан ўтиб кўрғон ташқарисига – Хўжа Аламбардорнинг нурлари тўла маконига қирқ киши тўпланди. Ул ерда Бузрукхўжа эшон қозининг тўнғич азиз ўғли Саййид Аҳмадхўжа эшон муфтий келиб, кундалик (в.6676) воқеа-ходисалар (таърих)ни ёзиб берувчи (камина)нинг кўлидан ушлаб, уламолар даврасидан иборат мажлисга элтди, бир чеккага ўтказиб, ўзи ҳам менинг ёнимга ўтирди.

<sup>18</sup> Мазкур шартнома Убайдулла Тошкандий қаламига мансуб “Хулосат ул-аҳвол” асарида ҳам келтирилган. Шартнома 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган, ўз кучини йўқотган.

Бир оздан сўнг (менга) қараб: “Ноиттифоқлик (бизларни) шу кўйга солди, мана Ширинуф (генерал Черняев) келибди, энди у нима деркин” (деди). Шу пайт чодирдан Ширинуф ва Оқмасжиднинг хокими Куриз исмли (киши) етиб келишди. У дарҳол қози Ҳакимхўжа, Абдулқосим эшон, домла Солиҳбек, учта қози, уламолар, Тошкентнинг тўрт рукн (қисм)ининг оқсоқоллари, шаҳарнинг ақобирлари, сардорлари, савдогарлари ва кадхудолари билан бирма-бир исмини айтиб танишиб, ҳол-аҳвол сўради.

Шундан сўнг ваъдалар бериб, сулҳ тузиш ҳақида илтимос қилди. Бу ҳақда у ўз подшоҳлари номидан, бу томондагилар (тошкентликлар) эса ҳозирги ва келажак фуқаролар номидан аҳднома ва шартнома туздилар:

Тошкент шаҳрининг тўртта аркони учун тўртта аҳднома – бир аҳднома бешёғочликлар даҳаси учун, бир аҳднома Ҳазрат Шайх (Шайховандтоҳур даҳаси) учун, бир аҳднома себзорликлар учун ва Кўкча (даҳаси) учун бир аҳднома.

Тўрт арконнинг муфтилари, аъламлари (668-а варақ) ва қозилари тўртта аҳдномани ёзиб, унда кўйидаги шартларни кўрсатдилар:

1. Мусулмонлар ўзларининг қадимий тамойилларида қатъий қоладилар.
2. Ҳар йилги ҳосилдан закот ва хирожни ҳам Муҳаммад (пайгамбар) шариатига (шариат қонунларига) мувофиқ тарзда мусулмон амлоқдорлар йиғиб берадилар.
3. Ўт-ўланлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, умуман, халқ фойдаланиладиган, подшоҳликка тегишли (шунга ўхшаш) нарсаларни фойдаланиш қадимги таомилга кўра бўлади.
4. (Россия) подшоҳларининг аскарлари (маҳаллий) халқ ҳовлиларини қушхона қилмайдилар.



5. Аҳолидан йиллик даромад солиғи олмайдилар, чунки бу зулм қилиш демакдир;

6. Бир (миллат) вакили бошқа бир (миллат) вакилига шариятга хилоф тарзда зулм қилмайди. Агар шарият асосида сабаблар бўлса, у ҳолда ислом қозисига мурожаат қиладилар ва ўша пайтдаги шарият пешволари аниқлаб берадилар. Ношаръий йўл билан биров-бировдан битта хас ҳам олмайди.

(Ана шу тарзда) ҳамма нарсани шарият асосида тасдиқлаб, ўша ерда ҳозир муҳаррирлар ёздилар.

Русия ва насония томонидан сулҳ шартлари ва талаблари қайд этилган яна битта ахдномани ёзиб, уни Ширинуфга бердилар.

Мажлис ҳозирлари ахдномага тўла-тўқис муҳр босдилар (в. 668 б)...

...Домло (Солиҳбек охунд) менга: “Эй ўғлим, яқинроқ келиб, бу ахдномаларни диққат билан ўқиб чиқсанг, чунки (бу ҳужжат) бизлардан кейин сизлар учун асқотади”, – дедилар. Мен Бешёғоч ахдномасини ибтидосидан интиҳосигача ўқиб чиқдим...

### Муҳаммад Азиз Марғилоний “Тарихи Азизий”

*Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилоний XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб, фаолият юритган тарихчилардан бўлиб, 27 йил давомида Марғилон уездининг бошлиғи маҳкамасида мирзолик қилган. Унинг “Тарихи Азизий” асарида Қўқон хонлиги ва мустамлака даврида Фарғонадаги воқеалар тарихи ёритилди.*

*“Тарихи Азизий” асари фактларга бой бўлиб, муаллиф уни ёзишда турли манбалардан фойдаланиш билан бирга, ўз кўрган-кечирганларидан ҳам ҳикоя қилган.*

*“Тарихи Азизий” муаллифнинг қўли билан ёзилган ягона нусхаси ЎзР ФА Шарқишунослик институтининг қўлёзмалар фондида 11108 рақами остида сақланмоқда. Мазкур асар ўзбек тилида араб алифбосида ёзилган бўлиб, беш бобдан иборат. Асарнинг V боби изоҳлар билан 1999 йилда нашр этилган бўлиб,<sup>19</sup> унда XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1910 йилгача Фарғонада рўй берган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Қўйида мазкур асардан Марғилондаги машҳур тужжорлар (савдогарлар) ва уларнинг эл-юрт манфаати ва ободончилиги борасидаги хайрли ишлари ҳақидаги маълумотлардан парчалар келтирилади.*

*т.ф.д профессор. Ш.Воҳидов*

### *...Фарғона чор мустамлакаси даврида<sup>20</sup>*

*...Сўз бундайдики, генерал Скобелевни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман — ярим подшо Фарғона музофотига военний губернаторлик мансабига тайинлаб, ҳамма аскарния ва тўпу тўпхона, казинаю дафиналарни топширгани жихатидан тамоми ишларни шу Тупроккўрғонда туриб саришта қилиб, ниҳоятлик забту рафт (сиёсати) билан ҳар қандай иш тепасида ўзи турар эди. Бир даста отлик қозок, ўрус бир туғли одам билан бирга юрадур. Шуқуҳи рафтори мисли шамол гоҳ бу тарафга, гоҳ бошқа тарафга эсади. Гуноҳкор одамлар*

<sup>19</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: т.ф.д., профессор Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т., “Маънавият”. – 1999.

<sup>20</sup> Асарнинг ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган бешинчи боби аслида номланмаган бўлиб, уни нашрга тайёрлаган Ш.Воҳидов ва Д.Сангировалар асар мазмунидан келиб чиқиб, шундай атаганлар.



унинг сиёсатидан юраги садо қилиб туради ва ҳайбатидан амалдор ва фуқаро жонини қўлига олиб турарди.

Фарғонадаги тамоми мусулмон тўпу милтиқларини ва ҳар жойда ғамлаб қўнган милтиқ дорусини олдириб келиб, Туфроккўргонга йиғиб, тамоми милтиқ дорусини неча чакирим даштга олиб бориб, Скобелевни[нг] ўзи тепасида туриб, эл етиб келиши вақтида бирдан ўт берди, гўёки Марғилон шахрини жануб тарафининг тамомиси то осмонгача батамом оташ аланга олиб тўлиб кетди. Фарғона ахлига генерал-губернаторнинг шул қилган сипоҳигарлик сиёсати бутун кормори (қилмиш) бўлди.

Марғилонда қанча қишлоқ ва юртни қўшиб анинг номини Марғилон уезди деб дафтарга ёзиб, унга бир ҳоким насб қилиб Марғилонга туширди. Бу уезд ҳокимига бир ноиб ва яна бир ноиби кичик тайинлади. Марғилондаги подшолик боғ ичига келиб туриб, ҳокимлик ишига машғул бўлдилар. Бу ҳокими кабир<sup>21</sup> маҳкама қилиб берар экан. Ҳамма ишларни ва фармон ҳукмини, хату хутут ва дафтар-пафтари, ёзув ишлари шу маҳкамада бўлар экан. Унга бир мирзабоши, унга эса бир ноиб, яна беш-олти адад ўрус мирзолари ҳозиру фармонбардор экан. Ҳаммалари ойлик олар экан. Аммо фуқаролардан эса бир нимарса ололмас экан. Чунончи зокун низоми шундай мустаҳкам экан.

Мазкур ҳокимнинг номи Бекчурин деган нўғай боласи экан. Мусулмон тили ва хатига моҳир бўлган экан. Катта ноиб ва кичик ноиби ўрус боласидан эканлар. Хўқанд шаҳри ичига бир ҳоким тайин қилди ва ташқарисидаги ҳамма қишлоқларни уезд қилиб, унга бир ҳоким тайинлади. Андижонни ҳам бир уезд қилиб, унга Семёнов деган ўрусни тарих 1876 нчи исавияда, мусулмон ҳижрия 1294 инчида Андижон уездига ҳокимликка тайин қилди. Юрт

<sup>21</sup> Кабир – катта.

қишлоқлари кўплигидан тўрт адад ноиб қўлига топширди. Ўш, Наманган ва Риштоннинг ҳар қайсисига қишлоқ юртларини зам қилиб, номини уезд қилиб, ҳар қайсисига ҳоким ва ноиб тайинлаб, ҳокимият ишига фаол қилди.

Валекин, бу уездларнинг ҳаммаси Фарғона Убластной [Областной] маҳкамасига қарар экан. Убластной маҳкама деб, военный губернатор [тайин] қилиб, фармойиш жорий этиб, почтада фармойиш юбориб, хату ариза, яъни ропурт [рапорт] ва дафтарини олиб турадиган энг катта, ҳамма маҳкамаларнинг онасини айтар эканлар.

Военный губернатор[лик] ўзи қайси шаҳарда турса, ўшал шаҳарда очилур экан ва ҳам ҳазинахона очилур экан. Аммо военный губернатор[лик] ўша Туфроккўргонда фармон жорий қилиб турган маҳалда, вақтинча шул мавзеда очилиб турилди.

### ...Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш маъруфу машхур аҳли тужжорлар

Биринчи – Исмоил маҳзум, лақаби Карнай маҳзум. Кўп саховатли ҳурматли киши, кўп масжидлар, мадраса ва авқофлар (вақфлар) қилган. Қорихона ва мактабхоналар бино қилган. Катта бозордаги Хиштин мадрасани ҳам шу худо раҳматли бино этиб, ёнига ҳаммом солиб, унга (мадрасага) вақф қилган. Ўзи ҳам, отаси ҳам яхши одам эдилар.

Иккинчи – Муҳаммад Иброҳим бой отлиғ, кўп яхши савдогарларнинг ашрафи (шарафлиси) эди.

Учинчи – Мир Салимбой, катта савдогар киши эди. Қози гузар маҳалласига бир яхши ва катта мадраса бино қилган киши эди.

Тўртинчи – Муҳаммад Каримбек отлиғ савдогар одам бор эди. Тошлоқ маҳалласида бир яхши хишддан мадраса бино билиб кетди.



Бешинчи -- Эски Марғилонда Ҳожин Азимжонбой бача. Бу киши ҳам чанд адад масжидлар бино қилди.

Олтинчи -- Мулло Охунжонбой ҳожи. Мазкур Исмоил махзумнинг ўғли. Охири умрларида кўп вақфлар тайин этибди.

Еттинчи -- саховатпеша ва бечора одамларга қўллари очик ва аҳли қалам одамлари учун кўп шафқату мурувватлик эски марғилонлик Бобоёр Мирзо Салимбой ўғли. Бу киши ўз ёшлик вақтида мадрасаларда таҳсили улум қилиб юруб, билохир Султон Муродбек хизматида омборхонага мутасадди мирзо бўлиб обрў топди. Анча йил ўрда ичида бўлиб, андан сўнгра Эски Марғилон кўрбошиси билан туриб, подшоликка даркор бўладиган нимарсаларни тайёрлаб бериб турарга ва ҳам катта бозордаги ҳамма торозуларни пудрат қилиб олиб хар кайсиси тепасига ўзи саркор ва мирзо кўйиб, давлати кучли бўлган вақтда, Ўрусия давлати келиб дохил бўлгандан кейин шу ишда қолди.

Ҳар хил одамлар наф кўриб, давлатмандлик мартабасига етти. Бундан бошқа кўп катта ишларга мутасаддий бўлиб, охириги мартабада Эски Марғилоннинг катта бозоридаги Султон Муродбек вақфликка тайин этган яхши саройини то 25 йил пудрат қилиб олгандан кейин уни бузиб, ҳаммасини бозорлик расталар бино этиб, бозорни обод қилди. Халқ сўзига қараганда бу Мирзо (Салимбой) Поччони кўп катта ақчаси сарфу харажат бўлибди. Бир катта мартабалик ўрус: “Бир жонингиз учун бу қадар меҳнат тортурсизму?” – деганида: “Бу хил меҳнатлик ишларни қиламан ва мени ғараз ғоятим ҳар хил. Одамлар бу ишларга аралашиб, қўлимдан пул олиб, овқат қиладилар ва бўлак вақтда бу хил бечораларга нафъ етказолмайман”, – деб айтармиш.

Саккизинчи -- бу Эски Марғилонда яна бир яхши одам эмиш. Ўзи ёшлик вақтида мусулмон хонлари асрида мирзолик хизматида қалам ушлаб хизмат этиб, обрў топган Мулло Мухаммадшариф Мирзо ҳаммага маъруф ва машҳур эканлар. Машҳад даҳасига мингбоши эканлар. Илоҳо хамиша саломат бўлсинлар.

Яна Эски Марғилонда Маржонқизбой отлик катта аҳли тужжор маъруф киши бор экан. Ўз асрида кўп яхши шижоатпеша, садакаи жория ишларига саъйлик ва масжиду мадраса бино қилган одам экан. Марҳум бўлиб, ўрнида икки ўғиллари жойнишин (ўринбосар) қолибдур. Катта ўғиллари -- Мулло Мусажонбойвачча кўп олий-ҳиммат, хайру эҳсонлик ва закотни ўз вақтида берувчи ва муллоларни дўст тутувчи сахий киши эмишлар.

Яна Фарғонага қарашли ҳамма шаҳарларда мулку амвол (молу мулк), зобут (запод) ва гумашта фармонбардор одамлари бор, ўзи Хўқанд шаҳрида туриб оламдан кетган, катта савдогар номи оламда маъруф Олимжонбой. Бу кишидан, хусусан, бир яхши ўғли жойнишин қолубдур, номлари Мулло Солиҳжонбой. Яхши, ҳаммага ниҳоятсиз мақбулият топган, кўп маърифату машҳур бўлган, саховатпеша ва фуқаро халқига мурувватли. Қирк-эллик минг сўм пули мусулмонларга сарф бўлса, гўшай хотирига келмайдургон, турфа сахий ва хушатовор, бева-бечораларга кўп закот ва эҳсон қилувчи, аммо ўзи кўп донишманди пурдон кишидур. Сухан (сўз) марказида ҳайрон бўлган аҳли тужжор ва аҳли қаламларни йўллагувчи, йўлга солувчи одам бўлган эканлар. Ҳатто, бизларни бир кўриб дафъатан инъомидан сарафроз (инъомларидан миннатдор ва рози) қилган эди. Хўқандда доимо ва фазилятшиор ва ҳар хил ақобирларга хўб мақбул бўлган экан. Бир соат суҳбатида ўтириб мазмун олдим, хўб афлотунтабъ киши эканлигини имтиҳон қилиб эдим. Шундай беҳбуд киши



саломатлигини тиламоқ яхшидур, чунки оммаи халойик бошига мабодо бирор мушкул тушур бўлса, ўз мусулмонларини ҳар жойда қўллаб, мадад беришга урдасидан чиқадиган мартабадаги одам эканини оммаи халойик сўзлайдилар...

**Муҳаммад Юсуф Баёний**  
**“Шажарайи Хоразмшоҳий”<sup>22</sup>**

*Муҳаммад Юсуф Баёний (1840-1923) Хоразм илмий-адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларидаан истеъдодли шоир, тарихчи, тарғимон ва муסיқа билимдони эди.*

*Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг “Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи” асарлари билан Хоразмда узоқ асрлар давом этиб келган тарихнавислик мактаби анъаналарини давом эттирди. Хусусан, “Шажарайи Хоразмшоҳий” номли асари мазмуни ва гоёвий йўналишига кўра Мунис ва Огаҳий тарафидан ёзилган тарихий асарларнинг давоми ҳисобланади.*

*Муҳаммад Юсуф Баёний ўз асарида тарихий жараёнларни холисона ёритишга алоҳида эътибор қаратиб, “Тарих китоби ёзишни бир шарти бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди”, деган фикрларни алоҳида таъкидлайди.*

*“Шажарайи Хоразмшоҳий” асари 16 бобдан иборат. Асарнинг муқаддимасида қайд этилишича<sup>23</sup>, Баёний 1911 йил майда Хива хонидан Толибхўжа ибн Авазберди орқали*

<sup>22</sup>Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Масъул муҳаррир: Н.Жумаев, нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифи: И.Адизова.

<sup>23</sup>Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. Т.: Адабиёт ва санъат, 2002. Б.56-57

*мазкур асарни яратили ҳақида буйруқ олган. Қулёзма Хива хони Асфандиёрхон буйруғига кўра кўчирилган. Мазкур нусха 1915 йилда Уста Жума Ниёзнинг ўғли Муҳаммад Яъқуб томонидан наставлик хатида, фабрика қозоғига кўчирилган<sup>24</sup>.*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарининг 1913-1914 йилларда кўчирилган иккита қўлёзмаси нусхалари (274 ва 9596 рақамлари билан) сақланмоқда. Қўйида мазкур асарда Хива хонининг сўнги ҳукмдорлари – Муҳаммад Раҳимхон Феруз ва Асфандиёр Муҳаммад Баҳодирхон ҳукмдорлиги даврида ижтимоий маданий ҳаёт, адабиёт ҳамда мамлакат ободончилиги, мадрасалар қурилиши ҳақидаги қизиқарли маълумотлардан парчалар қисқартишилар билан келтирилади келтирилади. Тадбир жараёнида ўша даврга оид ибораларга тегишли изоҳлар берилди.*

*ф.ф.н. И.Адизова,*

*ф.ф.н. Н.Жумаев*

*...Маълум бўлсунким, хон хазратлари бағоят мушфикфукаро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар. Кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар...*

*Андоғким, Муҳаммадмурод девонбеги бир мадраса бино қилди, Юсуф махрамга буюруб бир мадраса бино қилди, Қадам ясавулбоши бир мадраса бино қилди, Иброхимхўжа бир мадраса бино қилди, Юсуф ясавулбоши бир мадраса бино қилди, Хусайн Муҳаммадбой бир мадраса бино қилди, Дўст Олим бир мадраса бино қилди, кози-ул куззот Қози Муҳаммад Салим бир мадраса бино*

<sup>24</sup>Хоразмда битилган қўлёзмалар. – Т., 1997. – Б.17.



қилди. Ислохўжа бир минорли мадраса бино қилди<sup>25</sup>. Бу биноларнинг ҳаммалари ул ҳазратнинг тарғиблари била бўлди. Яна Нуриллобек отлиғ ҳовлиларининг атрофида кўп беватанларни ватанли этдилар ва яна Тозабоб атрофида ҳам кўп беватанларни ватанли этдилар ва тўрт олий масжид бино қилдуруб, Тозабобда ватан тутгон беватанлар тўрт масжид қавми бўлдилар. Яна Янги қалъада Нуриллобек ҳовли ва боғларининг шарқи шимол тарафида кўп беватанларга ватан бериб ва бир олий масжид бино қилдуруб, ул ерни Султонобод исми била мавсум этдилар. Ул масжиднинг қавми юз уйли бўлди. Алҳақ, кўп ерларни обод этдилар.

Кўп масжидлар, мадрасалар ва қорихоналар бино бўлуб кўп ерлар ободон бўлди. Халойик ҳам “Анносун Ало дини Мулукахум” муқтазосича амали хайрға роғиб бўлуб, ҳатто, Муҳаммад Паноҳбой деган ҳам масжиди қалоннинг орқа тарафида бир мадраса бино қилди. Қори баззоз Юсуфбек ибн Фозилбий мағфурнинг ўз маҳалласидаги ҳовлиларининг ўрнида бир минорли мадраса бино қилди. Ҳижратнинг минг уч юз йигирма иккиламчисида Муҳаммад маҳрам мадрасасининг биносини итмомига еткуруб фақирдин тарих айтмоқ илтимосин этиб эрди.

...Хон ҳазратлари шеърға кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз таҳаллуси била мутаҳаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнрок шеърға кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кишининг шеър айтмоқға сахл қобилияти бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийға олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари камбеш қирқға ёвук борди. Али маҳрамнинг Аҳмад отлиғ бир ўғли бор эди. Ул ҳам ўзини Табибий таҳаллуси била мутаҳаллис этиб шеър айтмоқ бошлади.

<sup>25</sup> Матндаги ортикча сўз бирикмалари (ва...ва...) қисқартирилди.

Хон ҳазратлари ўз ғазалларидин юз ғазални шоирларға бериб буюрдилар: “Мунга пайравлик этиб ғазал айтинлар”. Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийға амр этдилар, токим, ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб бир китоб этгай. Табибий фармони мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жаъм қилиб ҳар ғазални ёзмоқчи бўлгонда, маснавий била ул ғазални айтгон қим эрканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб тамом этиб, ул китобға “Мажмуат уш-шуаро” от қўюлди...

...Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба окшомларида уламо била суҳбат тузуб китобхонлиқ этдурур эрдилар. Андоғқим, Юсуф хожи охунд ва Исмоил-хўжа охунд ва Худойберган охунд ва олиму улум маъқул ва манқулда Мулло Муҳаммад Расул ва фақир ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлуб китобхонлиқ этар эрдук.

Гоҳо домла Муҳаммад Расул била икковимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлиқ бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарға тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, “Анносун ало дини мулукахум”нинг муқтазосича тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар...

...Ҳижратнинг минг уч юз йигирма саккизламчи йилида хон ҳазратлариға бир қоттиғ беморлик ориз бўлуб, бир неча кунлардин сўнг андақ афоқат топдилар. Аммо ул мараз бадани муборакларидин зойил бўлмади. Тамоми атиббо онинг муолижасида ожиз бўлдилар. Ҳарчанд зоҳидлар ва обидлар дам солдилар, таъсир этмади. То борур эрди, беморликлари иштидод топар эрди. Оре, муқаддар бўлгон кун тугониб, ажали мавъуд етушса, ҳеч



кишида ул кудрат йўқдурким, онинг бир соат микдори тақдим ё таъхирга боис бўла олмай...

Хижратнинг минг уч юз йигирма саккизламчиси, мувофиқи ит йили ва сунбуланинг саккизламчиси ва шаъбон ойининг йигирма тўртламчиси ва душанба куни эрди, жаҳон бўстонидин жаннат гулистониға хиром этдилар. Амали таъмия била “ашк” лафзин исқот этилди. Ул ҳазратнинг айёми ҳаётлари олтмиш олти йил ва муддати салтанатлари қир(к) етти йилу ўн беш кун эрди. Ҳазратларидин олти ўгул ёдгор қолди. Аввалғиси Асғар тўра, иккиламчи Меҳдиёр тўра, учламчи Саййид Абдулло Тўра, тўртламчи ҳазрати валиаҳди даврон Саййид Асфандиёр тўра дома умраҳу ва давлатаҳу, бешламчи Убайдулла тўра, олтиламчи Муҳаммад Юсуф тўрадурлар.

...Вақтиким, ҳазрат Саййид Муҳаммад Раҳимхони жаннатмакон бу дорилфанодин бўстони жинонға равон бўлдилар, тамоми куззоту уламо ва тамоми тўралару беклар ва тамоми умарову арқони давлат Арққа келиб жамъ бўлдилар. Ҳамма иттифоқ била шахзодайн валиаҳднинг қомати қобилиятларин либоси салтанатға лойиқ билдилар. Бас, хижратнинг мингу уч юз йигирма саккизламчиси ва сунбуланинг йигирма бешу шаъбони муаззамнинг йигирма тўртламчиси ва душанба кунидаким, офтобнинг ғурубига икки ярим соат қолиб эрди, ҳазрат шахзодайн валиаҳд Саййид Асфандиёр тўра дома умраҳу давлатуҳу муборак бошлариға жиғали телфакни кийиб, хон бўлуб ота тахтида ўлтурдилар. Ҳамма хушҳол бўлуб муборакбодлиғ овозлари баланд бўла берди. Мунодогарлар кўчаларда “Давр – даври Саййид Асфандиёр Муҳаммад Баҳодирхон!” деб, мунодо ура бердилар... Эртанг била хони гардунтавон ҳазрати Саййид Асфандиёр Муҳаммад Баҳодирхони халладаллоҳу таоло мудуқаҳу ва султонаҳу шону шавкат ва шуқуҳи

ҳашамат била отланиб Арқ олдидаги мадрасанингким, хони мағфурнинг ўзларининг бино қилғон мадрасалари эрди, сахнида бир боргоҳи олий барпо қилиб эрдилар, бориб мадрасанинг пештоқининг олдида отдин тушуб, кириб бориб, ул боргоҳда қарор тутдилар. Тамоми куззоту уламо боргоҳнинг бир тарафида ва тамоми амалдорлар бир тарафида, олийқадр Мироб ҳам қарор тутдилар. Ул ҳолда тамоми тўралару беклар хони мағфурнинг маййитларин кўтариб олиб келиб, афзалил куззот Қози Муҳаммад Салим имомат этиб, намозлари ўқулди. Ондин сўнг, фақир тамоми беклар била маййитнинг изида иморатға бориб, ҳазрат Саййид Муҳаммад Маҳруйжоннинг жавори шарифларида бино қилғон қуббайи олийлари бор эрди, онда қўюб қайтдук.

Вақтиким, хон ҳазратлари тахти маврусийларида қарор тутдилар, ғояти лутфу қарамларидин тамоми омиллару амалдорларни бурунги амалларида барқарор этдилар. Ондин сўнг, амри олий судур топтиким, вилоятларининг умуман тамоми ерларига таноб урулуб мураттаб этилмай. Маъмурлар, филҳол, масоҳат 264 шиор муҳандисларни топиб Фатанг тарафидинким вилоятнинг бир тарафидур, таноб урмоқни оғоз қилдилар.

Чун Хевақ шахрининг орқа тарафи тамоми вилоят халқининг роҳгузарларидур, бағоят вайрон ва нозирларға боиси нафрат эрди. Хохладиларким, ул ерларни обод этиб, Тоза Хевақ исми била мавсум этгайлар. Бас, Отажон девонға буюрдилар, токим, қалъанинг орқа дарвозасиниким, они Урганч дарвозаси дерлар, йикиб тозадин ўрниға икки дарвозахона бино қилмай. Бири элнинг шаҳарға кирмақлари учун ва бири чикмоқлари учун, не учунким, бу йўл тамоми вилоят халқининг йўлларидур. Халқ издиҳом билан келганларида бир ароба дарвозадин ўтуб кетгунча неча аробалар йўлдин канораға чиқиб маътал



бўлуб турар эрдилар. Хон хазратлари фукаропарварлик юзидин тиладиларким, халқ шахарга духулу хуружда бир-бирларига мазохим бўлмағайлар.

Яна дарвозанинг ёвуқида йўл устида бир тилгирам-хона бино қилмоқни ҳам Отажон девонга буюрдилар, токим, халқнинг атрофдин хабар олмоқга эхтиёжлари бўлгонда, бетасдиъ хожатлари раво бўлғай ва онинг муқобилида йўлнинг шарқ тарафинда бир ғоятда васеъ дорушшифо бино қилмоқни Раҳимберганга буюрдилар, токим, вилоятларининг беморлари динору дирҳам харж этмай ройгон сихатлик давлатин топғайлар. Нечунким, вилоятнинг жаҳолатнишон турк табиблари беморларнинг динору дирахмланин олиб, мухлик дорулар бериб, ўзларин ўлтуруб ё ўлмакка қариб этиб юборур эрдилар. Хоҳлардиларким, халойиқ оларнинг шарларидин нажот топғайлар ва яна ул дорушшифонинг ва Пахлавоннинг жуйининг орка тарафида бир васеъ мадрасанинг биносин Муҳаммад Амин девонга буюрдиларким, жануб тарафдаги икки гулдастасининг ўрнида икки баланд минора бино қилғай. Бағоят вусъатли ва босафо мадраса бўлғай. Токим, кўп мустаҳиқ толиби илмлар ул мадрасада вазифали булуб, илм таҳсилига машғул бўлғайлар. Бас, маъмурлар муздурларга корфармойлик этиб, ҳунарли ва маҳоратли бонийларни топиб, ул биноларни бошлаб, тамоми лавозимларининг тайёрликига машғул бўлдилар.

Галланинг баҳоси ғоятда оғир эрди. Фақир ва дарвеш кишилар муздурлик била ҳолати маҳмасадин нажот топиб, хон хазратларининг умру давлатларининг дуосин этмакка иштиғол кўргузур эрдилар.

Ҳижратнинг мингу уч юз ўтгузламчисида дарвозахонанинг биноси итмомга етиб эрди... Ушбу йил тилгиром-хонанинг биноси ҳам итмомга етди... Ушбу йил зулқайда ойида дорушшифо, яъни духтурхонанинг биноси итмомга

етди. Хон хазратлари онда яхши тўй бериб, тамоми уламо ва тамоми-тўралару беклар ва тамоми амалдору оқсоқоллар ва тамоми элни даъват этдилар ва Русия духтурларидин икки духтурни талаб этиб келтурмиш эрдилар. Бири музаккар ва бири муаннас эрди, ул икови вилоятнинг тамоми зукуру аносдин бемор бўлгонлариға мудово этмакка мутакаффил бўлуб, ул духтурхонада қарор топдилар. Оларға вофир вазифалар таъйин этдилар. Тамоми халойиқ хушҳол бўлуб, зукур ва аносдинким, бемор бўлса, келиб шифо топиб кетар эрдилар.

Ҳижратнинг минг уч юз ўттуз иккиламчисидаким, мувофиқи барс йили эрди, муҳаррамнинг еттиламчи куни хон хазратларининг ўзлари Муҳаммад Амин девон бино қилиб юрган мадрасанинг тамошосин этдилар. Кўрдилар, ул мадраса бағоят тангу тор ва кўп кичик ва бадбичим бўлубдур. Хон хазратлари паришон бўлуб, ноилож они йиқдурмоққа фармон бердилар.

Ондин сўнг, карвонбошига буюрдиларким, йиқилгон мадрасанинг шарқи шимол тарафида ва Тоза Хевақда бино бўлгон тоза боғларининг дарвозаси олдида бир ғоятда васеъ мадраса бино қилғайким, тўрт кунжида тўрт гулдастанинг ўрнига тўрт минора бино қилғай ва ичида тўрт дарсхона биносин этгай. Карвонбоши таъзим қилиб, филҳол, камоли вусъатда аввал мадрасанинг биносин бошлади. Фақир хақир Баёний бу ерда ушбу китобнинг ифтитоҳин ихтимом сарҳалига еткурди.

### Ҳасанмурод Лаффасий “Гулшани саодат”

*Хивалик тарихчи ва тазкиранавис Ҳасанмурод Лаффасий (1880-1949) қаламига мансуб “Гулшани саодат” асари Асфандиёрхон (1910-1918) ҳукмронлиги тарихига маҳсус бағишланган маҳаллий асар бўлиб, у Хива*



хонлигининг мазкур даврига оид энг муфассал ва қимматли манбалардан бири саналади.

Асар муаллифининг тўлиқ исми Мулло Ҳасанмурод қори ибн Муҳаммадамин ибн Муҳаммадназар девон ибн Қилич-ниёзбой ибн Ниёзмуҳаммад маҳрамдир. Лафасийининг боболари хонлар саройида хизмат қилишган. У ўзи тугилиб ўсган Хива шаҳридаги анъанавий бошланғич мактаб ва кейинчалик, мадрасада ҳам таълим олган. 1933 йилдан Хива давлат музейида фаолият кўрсатган.

Асар Хива хонлари Асфандиёрхон, Саййид Абдуллахон ҳукмронлик қилган давр воқеаларини қамраб олади. Унинг иккита қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида 7771 ва 7797 инвентар рақамлари остида сақланмоқда. Қўйида асарнинг Хива хони Асфандиёрхоннинг тахтга чиқиш маросими, мамлакатда олиб борилган қурилиш, меъморчилик ишлари, хоннинг Петербургга сафари ва хонлик ижтимоий-сиёсий тарихига оид қисмидан лавҳалар келтирилади.

Асарда услубий (“Хон ҳазрат фуқаронинг осойиши ва фароғати учун буюрдиларким, тамоми фуқаро ва подшоҳлик ерлар[и]га таноб урмакга амр қилдилар) ва имловий (“гуноҳига” ўрнига “гуноҳсига”, “ясовул” ўрнига “ясовил” ва ҳ.к.) хатолар, гализ жумлалар учрайди. Табдилда бундай хатолар, шунингдек, “ва” боғловчисини ташлаб кетиш, “п” ҳарфи ўрнига “ф” қўллаш сингари ўша даврлар туркий ёдгорликларига хос хусусиятлар қайд этилмасдан, тuzатилди, кўпинча хатолар билан ёзилган арабий дуолар тушириб қолдирилди. Табдил, асосан, 7797-қўлёзма асосида амалга оширилди.

т.ф.н. Н.Тошев.

...Ҳижрияким, 1328 – мувофиқ ит йили – мохи шаъбон ул-мукаррам йигирма тўртида душанба куни [1910 йил 30 август; душанба – 29 август<sup>26</sup>] шомдин тўрт соат аввал ҳазрати хилофатпаноҳ, салтанатдастгоҳ, сипехрифъат, хуршидмартабат, исқандарнишон, сулаймонмакон, Жамол ул-Мулк ва-л-Милла, Жалол уд-Дин Саййид Асфандиёр Муҳаммад Баҳодурхони сонийи фаррухиқбол тахти салтанатга миниб, тожи хусравонани муборак бошига кийиб, нигини Сулаймони ҳукуматни қабзайи тахти тасарруфига олди...

...Чун асари фароғат, шарафи рафоҳиятдин шаҳару саҳроларда маҳофили айшу нишот ораста ва боғу мурғ-зорларда мажолиси завқ-шавқ бирлан инбисоти фароғатда бўлуб, ағниёдин то фуқаро сархуши бодайи маст сурур эрдилар ва умародин то раоё тамоми факиру гани бодайи майнушлиғ қилиб, хон ҳазратларининг ҳақларида дуойи санолар қилиб, фароғатда бўлдилар. Хон ҳазратлари тамоми фузалою супаҳолару амалдорларни (5<sup>б</sup>) ўз жой-амалларида барқарор қўйиб, Қутлукмурод ясовулбошини азл этиб, ўрнига Шайхназарбой валади Муҳаммадмурод девонбегини ясовулбоши қилиб, Саййид Ислом Хўжага вазири акбарлик мансабин бердилар...

...Хон ҳазрат фуқаронинг осойиши ва фароғати учун тамоми фуқаро ва подшоҳлик ерларга таноб урмакга амр қилдилар. Тамоми талабгорлар бел боғлаб, амрлариға куллуқ этиб, Хиванинг бир ҳадди шарқи Садбар ва Дорғонота эрди, ондин бошлаб таноб (6<sup>а</sup>) урмакга амр қилдилар. Талабгорлар руҳсат олиб чиқиб кетдилар...

...Ондин сўнг хон ҳазратимиз Саййид Ислом Хўжага амр қилдиларким, Хиванинг шимол тараф дарвозасиким, эски бўлуб эрди, ани йикиб, ўрнига тозадин икки қўш

<sup>26</sup>Хива манбаларида келтирилган ҳижрий саналар бир ёки, баъзан, икки кунга фарқ қилади. Бу нарса ҳафта кунлари берилганда маълум бўлади.



дарвоза бино қилдургил, нечунким Хиванингдурким, йўли омма<sup>27</sup> (6<sup>б</sup>) эрди, фуқаролар қалъага кириб-чиқувда кўп муаттал бўлур эрдилар. Саййид Ислому Хўжамиз амрлариға мувофиқ этиб Отажон девонга буюрдилар; кўшдарвоза биносия.

Ондин сўнг хон ҳазратимиз Саййид Ислому Хўжамизга фуқароларнинг фароғатлиги ва осойиши учун ва савдогарларнинг манфаати учун Хива қалъасининг шимолида ҳазрат Паҳлавон Отанинг анҳорининг жанубида роҳи омманинг ғарбида бир пўшта телеграмхона бино қилмоқга амр қилдилар, токим савдогарлар жамоасининг иши, сотув-олув муаттал бўлмасун. Ва яна йўлнинг шарқида, Паҳлавон Ота (7<sup>а</sup>) ёфининг<sup>28</sup> жанубида бир шифохона-хастахона бино қилмоқга амр қилдилар, токим фуқаро, ғариб, етим, бева, ғани, фақирлар манфаат олсунлар, ҳар наведе марази ва ҳар наведе касали бўлса, хастахонада шифо топсунлар. Хива ҳақимлари жоҳил, нодон турур, тиб кўрмай, маразин билмай, касалларга даво қилурлар, деб фуқаропарварлик қилиб, хайр-эҳсон қилмоқга амр қилдилар. Саййид Ислому Хўжа Раҳимберган маҳрамлариға буюрдилар, токим талабгор жам бўлуб, шифохона биносига машғул бўлдилар.

Бозор нархи – ғалла кўп қиммат эрди; буғдой, жўғари йигирма беш ва ўтгуз тавга эрди. Бечора фуқаролар чиқиб кунлик ишлар эрдилар. (7<sup>б</sup>) Ҳар кунда талабгорларга беш нон, уч танга берур эрдилар, токим бечора фуқаролар бир нонни ўзи еб, қолган тўрт нонни бола-чағалариға бериб авқот кечириб, хон ҳазратимиз ҳақиға дуо қилур эрдилар.

Ва яна хон ҳазратимиз кўнгиллариға вақф эҳсон қилмақ тушуб, Саййид Ислому Хўжаға буюрдиларким, ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд Ота ёфининг шимолида, йўлнинг шар-

<sup>27</sup> Йўли омма (ёки роҳи омма) – кўпчилик юридиган қатта йўл.

<sup>28</sup> Ёф – ариқ, канал.

қида бир мадраса бино қилдургил, токим икки буржида икки кўк минор бўлсун, ичида қирқ хужра, олти даҳмаи шоҳий бўлсун. Саййид Ислому Хўжа амрлариға мувофиқ (8<sup>а</sup>) мадраса биносига машғул бўлди...

...(10<sup>а</sup>) Ушбу йил 25-нчи моҳи зулқайда [1912 йил 5 ноябрь] пўшта телеграмхона биноси битиб эрди, хон ҳазратимиз хушнуд бўлуб, тамоми уламоларга тўй бериб, пўштахонани обод қилиб, юрт манфаати учун хушнуд бўлдилар...

...(17<sup>б</sup>) Санайи 1331-нчи – мувофиқ барс йили – 13 нчи моҳи раби ул-аввалда [1913 йил 20 февраль] хон ҳазратимиз иккинчи мартаба Оқ Подшоҳ тарафиға сафар этмақ учун ўрунларида фуқароларнинг арз-доди учун Қозийи дор ул-қазо Муҳаммадсалим охунд бирлан Қозийи аскар Ҳикматуллох охунд, Девонбеги Хусайнмуҳаммадбойни кўюб, қалъа муҳофазати учун Шайхназарбойни кўюб, 13 нчи моҳи раби ул-аввал сешанба кун сафарга чиқиб кетдилар. Иккинчи Ниқалович Оқ Подшоҳ хизматлариға бориб, ўн икки кун хизматларида туруб, яна Оқ Подшоҳ кўп меҳрибонлик қилиб, кўп ҳадя бериб, Хива қайтмоқга рухсат бердилар. 12 нчи моҳи жумодо ул-аввалда [1913 йил 19 апрель] инбисоти фароғат бирлан (18<sup>а</sup>) келиб, тахти салтанатда барқарор бўлдилар. Юртимизга ажаб бир хушҳоллик даст бериб, тамоми фақиру ғани фуқаролар хон ҳазратимиз ҳақиға дуойи хайр этиб, фароғатда бўлдилар...

...Мазкур йили моҳи зулқайдада [1913 йил октябрь] шифохона дўхтурхона биноси битиб эрди. Хон ҳазратимиз кўп хурсанд бўлуб, Русия давлатидин Оқ Подшоҳ Алексой Ниқаловичдин рухсат олиб, икки эркак дўхтур, икки ночор дўхтур келтуруб, тамоми уламою супоҳоларга касалхона (19<sup>б</sup>) ичра бир улуғ тўй бериб, дўхтурларни кўйдилар. Шулу тўйға Тошқанддин генерал-губурнатир



нойибн Ғалкин<sup>29</sup> ҳам келиб, Хива дор ус-салтанат уламо-ларининг оғизбир, дилжамлигин кўруб кўп хурсанд бўлуб, хон ҳазратимизга кўп-кўп хушомадлар айтиб, дўхтурларга ҳам кўп инъом-эхсон бериб, яна Тошканд қайтиб кетди. Тамоми фақиру ғани, супаҳолар ҳам андак марази бўлса, дўхтурхона бориб, шифо бўлур эрдилар. Хотун жамоасининг маразин хотун дўхтур қараб сихат қилур эрди. Тамоми фақиру ғани фуқаролар хон ҳазратимиз ва шаҳзода валиаҳд Темургози тўрамиз ҳақларида субхушом, балки ала-д-давомсалавати хумс адосидин (20<sup>а</sup>) сўнгра дуо қилиб, фароғатда бўлдилар.

Санайи 1332-нчи [1913-1914] йил эрдиким, хон ҳазратимиз кўрдиларким, ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд Ота ёфининг шимолидаги ўзлари бино қилдурган мадраса ва дахмайи шоҳоналари кўп зиқ ва ҳам зайхона эркан. Муҳаммадвафо карвонбоши бирлан Ошур махрамга буюрдиларким, бул мадрасани йиқиб, ҳазрат Тўрт Шаҳбоз жаворларида ҳазрат Абулвафойи Хоразмшоҳ устида бир олий мадраса бино қилғил, деб. Чун Муҳаммадвафо карвонбоши хон ҳазратимиз амрларига мувофиқ қирк хужра[ли] мадраса, икки кўк минор, олти шоҳи дахмани йиқиб, ҳазрат Абулвафойи Хоразмшоҳ устида бир олий мадраса биносига машғул (20<sup>б</sup>) бўлдилар...

<sup>29</sup> Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Сирдарё вилояти харбий губернатори (1911-1916 йилларда) генерал-лейтенант А.С. Ғалкин назарда тутилмоқда.

Абдулла Болтаев

“Хоразм тарихига материаллар”

Абдулла Болтаев (1896-1966) – хивалик тарихчи, наққош, Ўзбекистон халқ рассоми. Хоразм наққошлигининг йирик вакилларида бири бўлиб, Исломуҳўжа мадрасаси ва минорасининг қурилишида ва безашда, Кўҳна Арк, Тошховли, Нуруллабой саройи ва бошқа меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишида иштирок этган. Унинг қаламига мансуб “Хоразм тарихига доир материал документлар” қўлёзма авлодлари қўлида, яъни шахсий архивида сақланиб қолган бўлиб, 24 бет асосий матн ҳамда Хива хонлиги мадрасалари рўйхати келтирилган иловадан иборат.

Мазкур қўлёзмада XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги масжид, мадрасаларнинг вақф мулклари, уларнинг даромадлари, вақф муассасаси ходимлари ҳақида, шунингдек, сарой мансаблари ва амалдорлари, бекликлар сони ва улар ихтиёридаги ерлар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Қўида шу қўлёзмадаги маълумотлар илк бор чоп этилмоқда.

Қ. Якубов

Хива хонлари вақтидаги амалдорларнинг мансаб ўрунлари

1.	Амирлик ўрни	2.	Бекларбеги
3.	Оталик	4.	Бий – қозок, қорақалпоқ
5.	Шиғовул-элчиларни бошлиғи	6.	Чаноголоқбеги
7.	Эл оқсоқоли	8.	Чағотой Инок



9. Арбоб	10. Удачи
11. Инок	12. Мироббеги
13. Қўшбеги	14. Меҳтар
15. Вазир	16. Шайх ал-Ислом
17. Ясовулбоши	18. Маҳрамлар бошлиғи
19. Карвонбоши – савдо ишлари	20. Фарвоначи – хон олдида хизмат қилур
21. Тўшакчи	22. Бош Меҳтар
23. Йиллинг (Иллик)боши	24. Юзбоши
25. Даҳабоши (Ўн боши)	26. Тунқотар
27. Миршаблар боши Жаллод бошлиғи	28. Нақиб
29. Қозикалон	30. Қози Ўрда (Қози Аскар)
31. Қози хосс	32. Девонбеги
33. Мирзабоши	34. Хазиначи
35. Доруғабеги-Амирлик ўрни	36. Куржибоши
37. Мирохур-От Боқолис	38. Сарҳанг Охуб бошлиқ
39. Саритиб-Тўпчилар бошлиғи	40. Дастурхончи

*Хива хонлиги туманларидаги экин ерлари ва хўжаликлари (1911 йилга оид маълумот)*

№	Хон томонидан 1911 йилда хокимлар тайинланган туманлар номи	Экин экилган ерлар ҳисоби (таноб ҳисобида)	Шундан пахта, гўза (таноб ҳисобида)	Хўжаликларнинг сони
1.	Дарғон Ота	60000	900	500
2.	Питнак ва Садвор	10000	1500	1700

3. Ҳазорасп	25000	3750	5000
4. Беш Арик	30000	4500	4000
5. Хива	50000	7500	10000
6. Ҳонқа	12000	3000	2500
7. Ғози Обод	8000	1500	1500
8. Гурлан	30000	6000	4500
9. Манғит ҳам Каройилғин	45000	9250	2000
10. Қипчок	12000	3000	1500
11. Хўжайли	20000	8000	2000
12. Қородошли Туркмания	20000	3000	2000
13. Илёли	48000	9600	3500
14. Қиличбой	18000	3600	1500
15. Тахта Туркмания	40000	8000	7000
16. Манок	20000	3000	2800
17. Тошовуз	40000	12000	5500
18. Урганч	25000	5000	4500
19. Кат	12000	1800	2500
20. Шох Обод	10000	250	1500
21. Қўнғирот	1500	экилмаган	-
22. Фурси Човдур	30000	3000	7000
23. Кўҳна Урганч	40000	2250	8500
24. Чумоной	5000	2750	4000

*Хивадаги мадрасалар рўйхати:*

№	Мадраса номи	
1.	Пахлавон Бобо мадрасаси	31. Яъқуб Меҳтар мадрасаси
2.	Арабхон мадрасаси	32. Муҳаммад Мурад Девонбеги мадрасаси
3.	Шерғозихон мадрасаси	33. Иброҳим Хўжа мадрасаси



4.	Аллоҳқулихон мадрасаси	34.	Ислоҳ Хўжа мадрасаси
5.	Раҳимқулихон мадрасаси	35.	Юсуф Ясовулбоши мадрасаси
6.	Муҳаммад Аминхон мадрасаси	36.	Дўст Аълам мадрасаси
7.	Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси	37.	Қози Салим мадрасаси
8.	Мозори Шариф мадрасаси	38.	Шоҳ Қаландар мадрасаси
9.	Тўрт Шаббоз мадрасаси	39.	Тўрт Шаҳбоз мадрасаси
10.	Нуруллабек мадрасаси	40.	Абулғози Хоразми мадрасаси
11.	Саййид Муҳаммад Моҳи Рўй мадрасаси	41.	Эшмурод Мироб мадрасаси
12.	Саййид Муҳаммад Моҳи Рўй Кичик мадрасаси	42.	Қаро Кўз мадрасаси
13.	Отажон Тўра мадрасаси	43.	Саййид Ниёз Шоликор мадрасаси
14.	Мусо Тўра мадрасаси	44.	Муҳаммад Мурод Бой мадрасаси
15.	Қутлуқ Мурод Инок мадрасаси	45.	Муҳаммад Мурод Девонбеги мадрасаси
16.	Абдуллоҳхон мадрасаси	46.	Муҳаммад Ниёз Девонбеги мадрасаси
17.	Нуруллоҳбой мадрасаси	47.	Муҳаммад Расулбой Мирзобоши мадрасаси
18.	Рофинак мадрасаси	48.	Қадам Ясовулбоши мадрасаси
19.	Арабхон мадрасаси	49.	Уммат Маҳрам мадрасаси
20.	Мусо Тўра мадрасаси	50.	Абдурасулбой мадрасаси
21.	Муҳаммад Амин Инок мадрасаси	51.	Полвон Қори мадрасаси

22.	Кўхна Иморат мадрасаси	52.	Гадой Ниёз Ясовулбоши мадрасаси
23.	Амир Тўра мадрасаси	53.	Поза Бой мадрасаси
24.	Фозилбек мадрасаси	54.	Тиллабой мадрасаси
25.	Нуруллабой мадрасаси	55.	Худой Берган Карвон мадрасаси
26.	Меҳтар Ободлагӣ Муҳаммадхон мадрасаси	56.	Мирзо Сарроф мадрасаси
27.	Саййид Ҳомид Тўра мадрасаси	57.	Отажонхўжа мадрасаси
28.	Раҳмон Берди Бий мадрасаси	58.	Бегиниёзбой мадрасаси
29.	Чубин мадрасаси	59.	Бойжон Жувозчи мадрасаси
30.	Хўжаш Маҳрам мадрасаси		

#### А.Болтаев. Хива хонлиги тарихига оид материаллар

Абдулла Болтаевнинг "Хива хонлиги тарихига оид материаллар" қўлёзма асари ЎзР ФА Шарқишунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида 11645-инвентар рақам остида сақланади. Асарда Хива хонлигида масжид ва мадрасаларнинг сони ва қурилган санаси, вақф мулклари ва даромадлари, вақф муассасаси ходимлари сони, сарой мансаблари ва амалдорлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Мазкур манбада қайд этилган айрим маълумотларда, хусусан статистик маълумотларнинг умумий натижасининг ҳисоб-китобларида айрим чалкашликлар учрайди. Ҳужжатнинг асл нусхасини сақлаб қолиш



мақсадида, уларга тузатиш киритилмади. Аммо матндаги баъзи сўзларга аниқлик киритилди.

Қ.Якубов

Хива шаҳрини ичкари ва ташқари қалъасининг катталиги 468 танобдур. Ҳар икки ярим таноб бир гектар бўлади.

Ичкари қалъадаги масжидлар	34 та
Ташқари қалъадаги масжидлар	45 та
Жами масжидлар:	79 та
Хива шаҳри ичкарисиди ва ташқарисиди мадрасалар	62 та
Хива шаҳри ичкари қалъасиди хўжаликлари	909 та
Хива шаҳри ташқари қалъасиди хўжаликлари	4 049 та
Хўжалик жамъи:	4 949 та
Хива шаҳри ичкари қалъасининг жон ҳисоби	3 316
Хива шаҳри ташқари қалъасининг жон ҳисоби	1 3767

Ушбудаги материаллар Хива музейида сақланиб дурғон инвентар нумраси 3147. 1922 йилда ўзбек техника (мухандиси) Маткарим Наққош Неъматулло ўғлини ўз қўли билан чизиб олган пландин (режадан) кўчириб ушбуға ёздим. Болтаев Абдуллоҳ, Хива музейи.

Мадрасалар ичиди бўлгон хужраларни сони 1 229. Шул мадрасаларнинг вақф ерларини миқлори 244 104 таноб.

Хоразм бўйинча умумий вақф ўрунлари:

	Вақфга эғалик қилувчи муассасалар	Вақф ерлари (таноб ҳисобида)
1	Хоразмда Хивадин бошқа районлардаги мадрасалар	61
2	Масжидларининг жамъиси	1 363
3	Қорихоналарининг жамъиси	164

4	Мозорлар	74
5	Катта жомеъ масжидлар	63
6	Мактаблар	1 363
7	Катта дахмалар	10
8	Муқаддас зиёратгоҳлар	71

Юқоридаги вақф ўрунларининг вақф ерларининг жамъи – 284326 таноб. Шундан экилибдурғон ерлар 122855 таноб бўлуб, экилмай форков бўлуб дурғон ерлар 161417 таноб ер бўлгондир.

Хивадаги бўлгон 63 та мадрасадаги хизматчилар ҳисоби:

1	Дарс берувчи охундлар	158 нафар
2	Имомлар	74 нафар
3	Муаззинлар	62 нафар
4	Сартарошлар	56 нафар
5	Фаррошлар	60 нафар
6	Қудуқчилар	31 нафар
7	Сувчилар	43 нафар
8	Мутаваллилар	69 нафар

Мухаммад Али Балжувоний

“Тарихи нофеий” (“Фойдали тарих”)

Мухаммад Али ибн Мухаммад Саййид Балжувоний Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, давлат ишларида фаолият юритган. Унинг “Тарихи Нофеий” номли қўлёзма асари Бухоро амирлигининг XIX – XX асрлардаги тарихига оид муҳим манбалардан бири бўлиб, 1923- 1927 йилларда форс тилида яратилган<sup>30</sup>.

<sup>30</sup> Асар илк Ахрор Мухторов томонидан тожик тилида нашр этилгач, унинг таржимаси асосида 2001 йилда ўзбек тилига ўгирилиб, сўзбоши ва изоҳлар билан чоп этилган. Қаранг: Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи



Асар мазмунан 15 қисмга бўлинса-да, қўлёзмада 7 та бобда акс этган. Унда муаллиф Бухоро амирлигидаги XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни воқеалар гувоҳи сифатида ёритади. Асарда Бухоро амирлигининг маъмурий бошқарув тизими ва тартиблари, амалдорлар фаолияти, ҳарбий кучлари, шаҳарлари, таълим тизими, мадрасалари, масжид ҳамда қабристонлари мамлакат ҳаётидаги муаммолар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Куйида шу асардан нарчалар келтирилади.

т.ф.д.профессор Ш.Воҳидов

### Бухорон Шариф ўлкасининг фазилатлари ҳақида

Билмоқ лозимки, бу шаҳарни “илм боғчаси” дейдилар. Бухоро сўзининг асл маъноси илмдир. Бинобарин, Бухоро деб аташган. Бу шаҳарда уламо, фузало, сулаҳо (солиҳ одамлар) кўпдир. Унга “Ислоҳ маркази” деб ном берганлар... Подшоҳлар васиқаларида “Сонахуллоҳу анил-офоти ва ал-балиёт” (яъни “Оллоҳ уни офат ва балолардан асрасин”) деб ёзардилар. (Бухорода) шаҳид авлиёлар ва улуғлар кўп бўлган. Ҳазрати Аюб (а.с) Бухоро ва Бухоро аҳли учун кўп дуолар қилганлар. Бу баладни (шаҳарни) “Балдат ул-омон” (Тинчлик шаҳри) ҳамда “Фоҳира” (фаҳр этувчи) дейдилар. Сабаб шулким, киёматда бу ўлкадан, унинг аҳлидан пайғамбарларнинг фаҳри бўлмиш расул (с.а.в)имиз фаҳр қилар экан. Шунинг учун Бухорони “фоҳира” дердилар.

Бу ўлканинг халқи жуда раҳмдил ва фариштасифат, мусофирдўст, илмомуз, нозикфаҳм, ширинсўздирлар. Баъзи тарихий асарларда бу ўлкани шундай тавсиф этганлар: Бухоро жаннат бўстонларининг бири, унинг

Нофей. Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зонр Чориев. – Т., “Академия”. – 2001.

қишлоқлари зеболикда жаннатнинг кўшқларига ўхшар, ҳавзлари раъноликда фирдавс ҳавзларига монанд, унинг масжидлари ва мадрасалари жаннат ул-адан қасрларига ўхшайди, уламолари латофатда самарали дарахтларга ўхшайди, бу ўлканинг аҳли шарофатда фаришталарга монанд, девору қалъалари жаннатнинг иморатларига ўхшайди.

Банда бу ўлкани қанча васф қилиб, ҳамду санолар айтсам ҳам, сўзим камлик қилади, бу рисолага ҳам сизмайди. Агарда Бухоронинг васфини тўлиқ ёзсам, ҳамду саноим учун минг ман қоғоз керак бўлади.

Бу билдаи фоҳирада авлиё ва такводорлар кўпдир. Қарийб 400 та мадрасаси, бир қанча қабристонлари ва корихоналари мавжуд. Мен билган мадрасалар номини куйида келтираман:

1.	Кўкалдош мадрасаси	2.	Аълам мадрасаси
3.	Девонбеги мадрасаси	4.	Пушаймон мадрасаси
5.	Мухаммад Назар мадрасаси	6.	Абдулҳафиз мадрасаси
7.	Говкушон мадрасаси	8.	Рашид мадрасаси
9.	Мирзо Баҳром мадрасаси	10.	Модари хон мадрасаси
11.	Мухаммад Шариф мадрасаси	12.	Хўржин мадрасаси
13.	Ғозиён мадрасаси	14.	Мулло Ҳасан мадрасаси
15.	Ғарбия мадрасаси	16.	Ал Баноқо мадрасаси
17.	Қурбон Аттор мадрасаси	18.	Миракони Нав мадрасаси
19.	Қурбон Гўрков мадрасаси	20.	Жўйборча мадрасаси
21.	Фатхулло Қўшбеги мадрасаси	22.	Хиёбон мадрасаси



23. Мавлоно Шариф мадрасаси	24. Чучукойим мадрасаси
25. Чукур мадрасаси	26. Накиб мадрасаси
27. Заргарон мадрасаси	28. Салимбек мадрасаси
29. Камол Хўжа мадрасаси	30. Халифа Худойдод мадрасаси
31. Бозори чўп мадрасаси	32. Қалмоқжон Ойим мадрасаси
33. Мискин мадрасаси	34. Оли Сангин мадрасаси
35. Бадалбеки Кўхна мадрасаси	36. Оли Чўбин мадрасаси
37. Бадалбеки Нав мадрасаси	38. Шайх Ислоҳ мадрасаси
39. Мири Араб мадрасаси	40. Қофилон мадрасаси
41. Олимхон Нав мадрасаси	42. Абдуллахон мадрасаси
43. Турсунжон мадрасаси	44. Муҳаммад Али Ҳожи мадрасаси
45. Афғон мадрасаси	46. Асирия мадрасаси
47. Аёз мадрасаси	48. Аҳмаджон пўстиндўз мадрасаси
49. Ўткур Кўшбеги мадрасаси	50. Шодмон бий мадрасаси
51. Ҳожи Зоҳид мадрасаси	52. Болойи Ҳавз мадрасаси
53. Хусайнбой мадрасаси	54. Хўжа Нихол мадрасаси
55. Мирзо Ҳамдам мадрасаси	56. Дор уш-шиф <sup>о</sup> мадрасаси
57. Атолиқ мадрасаси	58. Аскарбий мадрасаси
59. Хўжа Давлат мадрасаси	60. Кофарободжон Баҳодур мадрасаси
61. Чўбини Ҳаммоми Кўхна (эски)	62. Фатхали даллол мадрасаси

ҳаммомнинг ёғоч мадрасаси)	63. Мирзо Улуғбек мадрасаси
64. Косагарон мадрасаси	65. Мулло Абдушукурбой мадрасаси
66. Сўфиён мадрасаси	67. Мулло Абдушукур Чўбин мадрасаси
68. Собунгарон мадрасаси	69. Гўсфанд мадрасаси
70. Турдиали мадрасаси	71. Назарча Хусайн мадрасаси
72. Миракони кўхна мадрасаси	73. Домулло Шер мадрасаси
74. Миён Молик мадрасаси	75. Садрбий мадрасаси
76. Жўйбори Калон мадрасаси	77. Халифа мадрасаси
78. Шайх Жалол мадрасаси	79. Хидирбой мадрасаси

Ҳамчунин бу баланднинг иккита машҳур каттакон масжидлари бор. Аслида, бу бинолар беш вақтлик намоз учун қурилган бўлиб, жуда ҳам кенгдир. Бу икки масжиднинг ҳар бирида тахминан 3-4 минг намозхон жамоат билан намоз ўқишлари мумкин. Аввали Лаби Ҳавзи (Лаби Ҳовуз) Девонбеги масжиди, иккинчи Болойи Лаби Ҳавзи Олий Масжиди. У ҳам жуда олий ва сервисдордир.

Бухорода яна 17 та жомеъ масжиди мавжуд. Аввалан масжиди Калон, биносига имом Қутайба (р.а)<sup>31</sup> асос солган, кейинги бино Шамс ул-мулкиниқидир<sup>32</sup>. Учинчи бинони Абдулазизхон ибн Абдуллахон ибн Маҳмуд

<sup>31</sup> Қутайба ибн Муслим – араб саркардаси. 705 йили Хуросонда ҳоким бўлган.

<sup>32</sup> Шамс ул-мулк Малик Шамс ул-мулк Наср ибн Иброҳим Тамғочхон Қорахоний 1073-1079 йилларда Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилган.



Султон<sup>33</sup> курган. У ҳозир Абдуллахон номи билан машхур. Бошқа бир ривоятга кўра, иккинчи иморат қизил Арслонхонники<sup>34</sup> бўлган экан.

Поянда (Пойи Остона–Ш.В.) масжиди, Усто Рўзи масжиди, Шайх Шона масжиди, Говкушон масжиди (Хўжа номи билан машхур), Мавлоно Муҳаммад Шариф масжиди, Шоҳ Аксо масжиди, Ғозиён масжиди, Шикастабанд масжиди, Хиёбон масжиди, Жўйбор масжиди, Мир Дўстум масжиди, бобо Порадўз масжиди, Шайх ул-ислом масжиди, Файзобод масжиди, Ҳазрат Имом Абу Ҳавс Кабир масжиди, халифаи Чин масжиди.

Мадҳ этилаётган ўлканинг учта масжидида идайн (икки ид – ҳайит) намозини ўқирдилар: биринчи масжиди Калон, иккинчиси масжиди Поянда. Шайх Жалол дарвозанинг ташқарисиди, Шамс ул-мулк Чорбоғида ҳам идайн намозларини ўқийдилар.

Бухорода машхур авлиё ва муршидларнинг қабрлари кўпдир. Мен уларни санаб ўтаман:

Энг биринчиси, авлиёлар сарвари бўлмиш Баҳо ул-ҳақ вад-дин<sup>35</sup>. 2. Ҳазрати шайх Сайфуддин-шайх уламо кут-би<sup>36</sup>. 3. Ҳазрат бобо Шавк<sup>37</sup>; 4. Ҳазрат Шайх Жалолиддин Бохарзий<sup>38</sup>; 5. Ҳазрати Имло<sup>39</sup>; 6. Ҳазрат Халифа Худой-

<sup>33</sup> Абдулазизхон ибн Абдуллахон – Шайбонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан, 1540-1550 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган.

<sup>34</sup> Қизил Арслон – Муҳаммад ибни Сулаймон Қорахонийлар сулоласидан, ҳукмронлик йиллари ҳижрий 1102-1130/1690-1717 йиллар.

<sup>35</sup> Баҳо ул-ҳақ вад-дин Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд, яъни Саййид Муҳаммад Баҳовуддин ибн Саййид Жалолиддин. 1319-1389 йиллари яшаган буюк ориф ва муршид.

<sup>36</sup> Шайх Сайфиддин – шайх Сайфиддин Бохарзий, 1174-1260 йилларда яшаган Абул-Маоли Саид ибн Муттаҳар назарда тугилмоқда.

<sup>37</sup> Бобо Шавк(ий) – (Муҳаммад) Шариф Шавкий Тўрақўргоний шоир. Милодий 1841-1875 йилларда яшаб ижод қилган.

<sup>38</sup> Шайх Жалолиддин Бохарзий – муршид ва ориф.

<sup>39</sup> Ҳазрати Имло – Мулло Муҳаммад Имло ибн Алоуддин ибни Азиз ибни Шайх Юсуфиддин ибни Хорунжўжа Араб. 1688 йили Афғонистоннинг Сангарак кишлоғида туғилиб, 1749 йили Бухорода оламдан ўтган.

дод Вали<sup>40</sup>; 7. Ҳазрати Хўжа Муҳаммад Ғинжор<sup>41</sup>; 8. Подшо Исмоил Сомоний<sup>42</sup>; 9. Чашмаи Ҳазрат Айюб; 10. Тож уш-шарианинг авлоди “Шаҳри Викоя”нинг муаллифи<sup>43</sup>; 11. Хўжа Чоршанбе, уни Хошид Гумном ҳам дейдилар. Араб султонларидан бўлган экан<sup>44</sup>; 12. Имом Қозихон<sup>45</sup>; 13. Мулло Аҳмад Жанди “Шарҳи Ақоид”(асарининг) муаллифи<sup>46</sup>; 14. Мавлоно Шамсиддин Қахистоний<sup>47</sup>; 15. Мавлоно Хусайн<sup>48</sup>; 16. Хўжа Нуробод Имом Абу Ҳафс, Мир Умодуддиннинг шогирди. У эса Абу Ҳанафия раҳматлининг шогирди бўлган; 17. Ҳазрат Имом Абу

<sup>40</sup> Худойдод Вали – XVIII асрда яшаган. Бухорода шухрат қозонган ишқия сулуқининг муршидларидан.

<sup>41</sup> Хўжа Муҳаммад Ғинжор – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абубакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил Бухорий Варрокий Ғунжор. 1021 йили оламдан ўтган.

<sup>42</sup> Исмоил Сомоний – Сомонийлар сулоласидан, 874-907 йилларда амир бўлган.

<sup>43</sup> Тож уш-шариа – Умар ибн Садр уш-шариа, 1274 йилда вафот этган. Бу олим “Мисор ул-икбол фи мафоҳири шол фи тарих” (форс тилида), “Мин ал-буъсати пла хилофати Али” ва “Нихоят ул-кифоя фи диоят ул-хидоя-ал-Марғиновий фи-фуруъ”(араб тилида) асарларининг муаллифидир.

<sup>44</sup> Хошиди Гумном – Абу Абдуллоҳ Хошид ибн Абдуллоҳ ас-Сўфи ал-Обид ал-Бухорий. Ҳижрий 246/860 йили Бухорода вафот этган. Асли араб амирларидан бўлган. Амирликни сўфиликка алмаштирган олим.

<sup>45</sup> Имом Қозихон – Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Марғилоний, “Ғатовий”, “Жомий ул-кабир” ва “Жомий ус-Сағир” асарларининг муаллифи. Ҳижрий 592/1195 йили вафот этган.

<sup>46</sup> Аҳмад Жандий – шайх ул-имом Абу Наср Аҳмад ибн ал-Ғазл ибн Мусо ал-Жандий бўлади.

<sup>47</sup> Мавлоно Шамсиддин Қахистоний – Мулла Шамсиддин Муҳаммад ал-Қахистоний (XVI а.) “Ал-кофия” асарининг шорехи.

<sup>48</sup> Мавлоно Хусайн – Муҳаммад Шариф ибн Мавлоно Муҳаммад ал-Хусайний ал-Алавий “Шариф ал-Бухорий”, “Хошия ала ал-Ғавоиди зиёя” асарига шарҳ ёзган олимдир.



Ҳафси Кабир Бухорий<sup>49</sup>; 18. Ҳазрат Хўжа Исма<sup>50</sup>; 19. Сиёвуш Вали<sup>51</sup>.

Чаҳор Бакр ҳам борлар<sup>52</sup>. Жуда мухтасар қилиб зикр қилдим, илло бу шаҳарнинг ҳар бир кўчасида юздан уч юзгача авлиёи комил кўмилган. Қизил Арслонхоннинг қабри ҳам Бухородадир.

Бухоро шаҳри ва ноҳияларида бошқа азизлар ҳам кўп ўтган, ҳар бирларининг маноқиблари ҳақидаги китоб икки юз – уч юз бет келади ва ёшу қариларга манзур бўлган.

Шулар жумласидан авлиёлар сарвари Ҳазрат Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийдир<sup>53</sup>. Яна Саййид Амир Кулол<sup>54</sup>, Бобо Самосий<sup>55</sup>, Хўжаи Ориф Ревгари<sup>56</sup>, Хўжа Убонким Усмон зун нураинга тутунган ўғил бўлади. Бухоро ноҳияларида тахминан 8 фарсах келадиган масофада бир қанча ҳақиқат пирлари ётибди. Ҳар бирлари қутб ва ғавс мартабасигача етганлар.

Бу заиф банда сочларининг ҳар бир толаси бу жўмардларнинг васфини қилса ҳам минг йил етмайди.

<sup>49</sup> Имом Абу Ҳафс – I. Аҳмад ибн Ҳавс ибн ал-Забиркон ал-Бухорий “Абу Ҳафси кабир”. II. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Сафкардарий “Абу Ҳафси Сағир”. Биринчи имом ҳижрий 150-217/767-832 йилларда яшаган. Абу Ҳафси Сағир ҳижрий 264/877 оламдан ўтган.

<sup>50</sup> Ҳожа Исма<sup>50</sup> (Бухорий) – Хўжа Фахриддин Исма<sup>50</sup> Бухорий. Милодий 1426-1436 йиллар орасида вафот этган шоир.

<sup>51</sup> Сиёвуш Вали – Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида васфи келтирилган Сиёвуш назарда тутилган.

<sup>52</sup> Чор Бакр – Абу Бакр Ригдамуний, Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Тархон – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али, Абу Бакр Фазл – Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорийлар назарда тутилган.

<sup>53</sup> Хўжа Абдуллоҳиқ Гиждувоний – ибн Абдулжалил “Хўжаи жаҳон” Хўжагон тариқатининг асосчиларидан. Милодий 1103-1179 йилларда яшаган.

<sup>54</sup> Саййид Амир Кулол – Саййид Умар ибн Саййид Кулол. 1400 йилда вафот этган пир ва муршид.

<sup>55</sup> Бобо Самосий – Хўжагон тариқатининг муршидларидан.

<sup>56</sup> Хўжа Ориф Ревгарий – Хўжагон сулоласининг пирларидан. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшаб ўтганлар. Милодий 1259 йилда вафот этганлар. “Орифнома” номли асарнинг муаллифи.

Бу шаҳарда 196 та маҳалла, 299 та беш вақт намоз ўқиладиган масжид мавжуд. Бу диёрнинг атрофи девор ва қалъа(лар) билан ўралиб олиниб, 11 та дарвоза ўрнатилган:

1. Қарши дарвозаси, уни Қавола дарвозаси ҳам дейдилар. 2. Бобои Порадуз дарвозаси. 3. Намозгоҳ дарвозаси, Силоххона (кўрхона) дарвозаси ҳам дейилур. 4. Шайх Жалол дарвозаси. 5. Қоракўл дарвозаси. 6. Тиргарон дарвозаси. 7. Талопоч дарвозаси. 8. Ўғлон дарвозаси. 9. Ҳазрати Имом дарвозаси. 10. Самарқанд дарвозаси. 11. Мазори Баҳовиддин дарвозаси.

Қалъа биносига имом Қозихон асос солган. Ҳалоку<sup>57</sup> даврида қуриб битказилган, иккинчи биноси ҳозиргача сақланиб турибди. Шаҳарда қабристон ва макбаралар кўп. Шаҳарнинг ўртасида Афросиёб курган бир қалъа бор. Ҳозир уни Арки Олий дейдилар. Шаҳарда баландлиги 96 газ келадиган бир минора бор. Уни Қизил Арслонхон қурдирган. Ўша минорадан туриб намозга азон айтилган. Камина бу шаҳарнинг сифатини қанча гапирсам ҳам миллиондан бирига тенг келмас...

### Бухорои шариф салтанати ва подшолигининг тартиби ҳақида

Шуни билмоқ лозимки, Бухоро подшолари аслида Саййид насабларидан бўлиб, ота ёки она томондан Чорёри азим авлодларига боғланадилар. Шу авлоди пок бахти кимни қўлласа, у султонлар даражасига мушарраф бўлмай. Лекин Бухоро султонлиги мерос қолдирилган. (Подшо) ҳаёт вақтида лойиқ фарзандини “валиаҳд” қилган. Унинг тартиби шундаки, давлатхона аъёнларини йиғиб аҳду паймон қилиб, валиаҳдини салтанатга лойиқлигини эълон

<sup>57</sup> Ҳалокухон – Элхон Ҳалука. 1256-1265 йилларда ҳукм сурган мўғул ҳукмдори.



қилган. Отаси ҳаётлиги вақтида уни “валиаҳд” деб атаганлар.

Подшолик тахтига кўтарилиш қуйидагича бўлган: ҳамма вазирлар, қози ул-қуззот ва муфтилар кигизнинг тўрт бурчагидан кўтариб подшолик тахтига қўйиб, султонлик тожини бошига кийгизиб, ислом байроғини қўлига берганлар. Кейин Куръонни олдига қўйиб айтганлар: “Шариат йўлидан чиқиш мумкин эмас, ҳукми шариатга мос келган аҳкомларга риоя қилиб, иқрор ва фармонбардор бўлиш зарур”, – деб оит ичирганлар. Агар шаръий ҳукмларга, Каломуллоҳ ҳукмларига тажовуз этса, Куръонга ҳавола этиш жоиз бўлмагай. Диний шарт-шароитларни тушунтириб шох номига шохона табл (ноғора)ларни уриб: “Ислом подшоси, амир ал-мўминин саййид амир фалон ибн фалоннинг салтанат даври бўлди, Оллоҳ унинг ҳукмронлигини ва султонлигини абадий қилсин”, – деб жар солганлар.

Мамлакатнинг ҳамма ихтиёри унинг қўлига ўтиб, ҳокимларни тайинлаш ва у(лар)ни ишдан олиш ҳам шохнинг буйруғи билан бўлган.

Подшоҳ тахти олдида бир қанча Шиғовул, Маҳраму Маҳрамбоши, меҳмонхона маҳрамлари хизматда турганлар. Ариза ва муборак номларни олиб подшога берганлар. Худайчи ҳам амир хизматида бўлиб, амирни доим дуо қилиб турган. Худайчининг амали Шиғовул амалидан юқори турган. Сафар ва ҳаракат чоғида (узангуда) Шиғовул ва Худайчи амир билан юрганлар.\*

Худайчи ва Шиғовул қўлларига тилло ва кумушдан асо олиб, белларига тилло ҳамда кумуш билан безатилган камарбанд такканлар.

Уларнинг ҳашамати, сиёсати ва зийнати шу даражага етган эди.

Хизмат учун маҳрамлар – маъмур, меҳмонхона маҳрамлари эса “меҳмонхона амалдорлари” деб аталган. Улар вилоят ва шаҳарлар хизматида маъмур ҳокимларни насбу аزل қилиш (лавозимга тайинлаш ва озод этиш), даъвогарлар талабларини ислоҳ қилиш каби ишларни бажарганлар. Уларнинг ҳар бири жибачи, қоровулбеги, мирохўр, тўқсабо ёки беклик амалида бўлган. Амирнинг олий марҳамати билан чорбоғ, тегирмон ёки бой сарполарга эга бўлишлари мумкин бўлган.

Амалдор бир ном (мансаб) ила машҳур бўлган. Масалан, чухра оқоси, мироббоши. Агар бекзода бек авлоди бўлса, аввало, тунқотар, кейин жибачи бўлган. Бекзода бўлмаса, икки амалдан сўнг, яъни, аввал тунқотар, кейин жибачи лавозимига эришган, қоровулбеги, мирохўр, тўқсабо, эшик оқобоши, бий, парвоначи, додхоҳ, иноқи хурд (кичик иноқ), иноқи калон, девонбеги, қўшбеги, оталик.

Агарда бирор шаҳар ва вилоятга ҳоким тайинламоқчи бўлсалар, аввало, тўқсаболардан тайинлаганлар. Унга ёрлик бериб юборганлар. Бухорода – пойтахт бўлгани учун машварат қилиш, ислоҳ ва тартиб учун катта мансаб, аҳли ҳукумати Бухоро қонуни билан айтганда, Қўшбеги вазифасини жорий этганлар. Бири қўшбеги поён (кичик қўшбеги), уни закотчи дейдилар, иккинчиси ҳокимлардан миршаб – шаҳар ва музофотлар аҳолисидан хабар олиб турадиган шахс бўлган.

Шунингдек, навкарларнинг саркардаси (бошлиғи) бўлган. Улар аксар ишончли шахслар бўлиб, ҳар бирининг қўши ва танҳохи бўлган. Улар амир марҳамати соясида бепарво яшаб юрганлар. Зикр қилганларимиз сиёсатчи ҳукуматдорлар ҳисобланган.

Улуғ вазирлар шариат асосида ҳукм чиқарганлар. Уларнинг бири қози калон, уни қози ул-қуззот деб



атаганлар. Унинг қўлида ҳамма вақфлар, султоний дахяклар, хужра ишлари ва имомлар бўлган. Уни яна “Қози шаръи шариф” ҳам деганлар. Шариат ҳукмларини ижро этиш учун раиси калон бўлган. У ислом ишлари, бозору расталар, масжид ишларини текширган. Раиси калон ва қози калоннинг ноиблари кўп. Ҳар бирлари ўзларига тегишли ишга жавоб берганлар.

Жаноби шайх ул-ислом, охунд, аълам, муфтийи аскар ва ҳамма муфтилар шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилганлар.

Яна бири мир закотчи – уни қўшбеги поён деганлар. Мол закоти, дарё, чегара, йўл қоровуллари унинг қўлида бўлган. Савдогарлардан бож ва закотларни унинг ноиб ва мулозимлари олганлар. Улар подшо манфаати учун ниҳоятда жонбозлик кўрсатганлар.

Қўшбеги калонни “Вазорати олий” деб айтишган. Давлатнинг ҳамма ишлари унинг қўлида бўлган. Унинг шавкати ва ҳашамати тожу тахтда амирдан пастрок турган. Хазина манфаати учун бажарилган ишлари шаҳар қалъасининг дарвозалари, маҳбуслар, ўғри ва қароқчилар, умуман давлат маҳбусларининг ихтиёри унинг қўлида бўлган.

Мири хазина. У ҳам вазирлар жумласидан ҳисобланиб, давлатнинг муҳим ишлари бўйича қози калон, раис калон, қўшбеги калон, қўшбеги поён ва мир хазиначилар билан биргаликда машварат қилиб, амирга фикрларини айтганлар. Подшо уларнинг иттифокига таяниб, маслаҳатларига қулоқ солиб иш тутса, натижаси яхши бўлган. Бу вазифалардан бирортасининг фикри бошқаларникига қарши бўлса иш тез ҳал бўлмай, подшо фикру мулоҳазага бориб, ўз фикри билан иш тутган.

### Амалдорлар ва уларнинг сиёсатлари ҳақида

Салтанатда амалдорларнинг сони кўп бўлган. Аввал қўшбеги хизматида шогирдпешалар турган. Улар чухраокоси, мирохўр ва тўқсабо мансабларигача кўтарилган. Бу жамоа жосуслик, элчилик, хусусий қоровулликка ўхшаш ишларни бажарганлар.

Булар қўшбегининг буйруғи билан яқин ва узок маҳаллаларга хизмат ва даъво учун юборилганлар. Улар зарур ишларни тартибга келтирар эдилар.

Қўшбегининг бу амалдорлари бий ёки додхоҳ мансабига ёки бошқа мансабга эга бўлсалар, уларни мири даста, амири нўқария ёки саркарда деб атаганлар.

Беш юз, минг, ундан ҳам зиёд навкарлар уларнинг қўл остида бўлган. Бек ўз вазифаларини амир фармони билан бажарган.

Улар қўш, танҳо, боғу тегирмон ва бошқа мулкларга эга бўлганлар. Саркарданинг нўқари (новқари) ҳам бирор бир амалга, масалан, чухраокоси, мирзабоши ва бошқаларга эришиши мумкин бўлган. Улар ҳам мирохўрлик ва тўқсаболик амалига етганда саркарда бўлиб, даста олганлар. Бу жамоа бошқа шаҳарларга ҳам хизмат учун юборилган.

Яна қўшбегининг шотири ва бир неча дарвозабони (соқчиси) бўлган. Низомий аскарларидан ҳам қоровуллари бўлган. Қўшбегининг ҳуқуқи бошқа вазирларникидан кўп даражада ортиқ бўлган, у хибсга олиш, жазо бериш, қатл этиш, гуноҳкор молини мусодара этиш ҳуқуқларига эга бўлган. Унинг бир неча умумий девонбегилари бўлиб, улар минглаб кишиларга таом ва сарпо беришлари мумкин эди. Қўшбегининг ҳашамати подшонинг ҳашаматига яқин бўлган.



Қози калон ва раиси калон вазирлардан ҳисобланган, сиёсатлари ҳам шаръи шариф юзасидан бўлган. Чунончи, жазо бериш, молини мусодара қилиш, мурофияи шаръий (шариат бўйича суд қилиш), ҳибсга ташлашга батамом ҳуқуқлари бор эди. Аммо низомий аскарларидан хизматчилари йўқ, чунки улар ҳақиқатда, шариат ҳокимлари бўлиб, уларнинг сиёсат жараёнидан ташқари аскарга ишлари тушмаган. Бошқа жиҳатдан, одамлар муҳим ишлар билан, асосан, қози калонга мурожаат қилганлар, чунки у раиси калонга яқин турган.

Сиёсий ҳукуматга тегишли ишлар миршаб кўлида бўлиб, у шаҳар муҳофазасига маъмур ҳисобланган. Давлатнинг маҳбуслари унинг ихтиёрида бўлган. Амирнинг шиғовуллари, ҳудайчилар (удайчилар)и ўз ихтиёрлари билан бирор ишни қилмаганлар, фақат амир бўйруғига бўйсунганлар.

#### **Бухоро вазирлари ва ҳокимларининг тайинланиши ҳамда ишдан олиниши ҳақида**

Бухоро вазирларининг энг улуғи кўшбеги ҳисобланган. У давлатнинг эски, таржибали, ишбилармон, сиёсий аҳволдан хабардор одамларидан тасдиқланган. Номзод, аввал, Девонбеги мансабига мушарраф бўлмоғи лозим бўлиб, шунда Кўшбеги бўлишга лойиқ саналган.

Агарда Ҳоким бўлса, уни вазирлик мансабига тайинлаганлар. Ҳамма олий ва давлат ишлари унга буюрилган. Ҳақиқатдан ҳам подшонинг энг улуғ сиёсатга эга кишиси – вазири (кўшбеги) бўлган. У подшо, аскар, аҳли вазифа фуқаро манфаати учун ҳаракат қилмоғи зарур эди. Шунда давлати олий узоқ муддат давом этади. Акс ҳолда бу ишнинг уддасидан чиқмаса, манфаатидан зарари кўп тегса, бепарво бўлса, кундалик ва вилоят ислоҳини

билмаса, мансабидан олинган... Кўшбеги поён ҳарбий юришлар вақтида лашкарбоши этиб тайинланган.

Қози ул-қуззотни раисликдан олиб, қози калонликка қўйганлар. Раиси калонлик мансабига аълам ва муфти аскардан олиб қўйганлар. Аълам охундликка охундни, шайхулисломликка шайхулисломни, дин аъёнларини нақиб ва мирасад мансабига насб қилганлар. Лекин қози калонлик, раиси калон, шайхулислом ва муфтию мир асаднинг ҳукумати ва сиёсати юқори бўлиб, бошқа мансабларда бундай шавкат ва ҳуқуқ бўлмаган.

#### **Ҳокимларни тайинлаш баёнида**

Шаҳарларда сиёсат юритиш, ҳокимлик мансабига мушарраф бўлмоқ ва аълоҳазрат Бухоро подшохининг лутфи шарафига муяссар бўлиш учун салтанат пойтахтидан узоқда жойлашган шаҳарларда подшо томонидан учта ҳоким тайинланган. Аввало, мирбекким, уни мир дейишган. У мамлакатнинг муҳофазаси, сиёсати ва фуқаролар ўртасида адолат ўрнатиш ҳамда хирожу даҳяк олиш учун тайинланган.

Ҳоким яна иккита ҳукмдор тайинлаган. Уларнинг бири Амлокдор бўлиб, у подшолик хирожу-ушри (даҳяк солиғи)га номзод бўлган. Амлокдор ҳузурида баъзи баҳсли масалалар кўриб чиқилган. Амлокдорнинг ҳам бир қанча хизматкорлари бўлиб, доруға ва мингбоши деб аталган, улар амлокдор (туркчаси “бек”, русчаси “волостной”)га ёрдам берганлар.

Султон (амир) яна (вилоятда) шаръий (шариат асосида) масалаларни кўриб чиқиш учун қози тайинлаган. Уни ҳам бир неча хизматкорлари, муҳаррир ва ноиблари бўлган. Низо ва жанжаллар, шаръий мурофиялар, масалалар, ривоятлар тузиш ўша шахс ҳукми билан бўлган.



Ҳокимларнинг яна бири (амир тайинлайдигани) раисдир. У шаръий муруфиъа, масжидлар ва бозорларни текшириш, шу ўлка ахлидан бўлмиш мусулмонлар аҳволи шу жаноб қўлида бўлган. Ўнлаб мирзою муҳаррир, ноибу хизматкорлар доим қишлоғу бозорларда юриб, маъмурият ишларини ижро этганлар. Раис ҳам ривоят ҳозирлаб, низо ва баҳсли масалаларни амир номидан ҳал қилган.

Изоҳ: бу учала ҳоким (бек, кози ва раис) подшо томонидан тайинланганлар. Булар узри шаръий билан гуноҳкор молини мусодара этиб, жазо беришга ҳақлари бўлган. Лекин бировни подшо амрисиз ва муфтиларнинг ривоятисиз қатл қилолмаганлар.

Бухоро мулкининг ҳар бир шаҳрида шу учала ҳокимнинг ҳукми жорий ва мансуб ҳисобланган ва ҳар жума улар подшодан кўнгил сўраб, садокатларини изҳор қилиш учун “жумагий, бандаги ва дуоғўй”, деб амир саройига ариза юборишлари лозим бўлган. Акс ҳолда қаттиқ жазо берилиб (мол-мулки мусодара қилиниб), вазифасидан олинган ёки ҳибс этилиб, ўрнига бошқа ҳоким тайинланган. Бухоро тобеотига ҳокимларни тайинлаш шу тартибда бўлган.

#### **Бухоронинг низомий аскарлари ва асбоби ҳарб сиёсати ҳақида**

Билингларики, Бухоронинг низомий ва аскарӣ қуввати бошқа давлатларга қараганда заиф ва енгилроқдир. Чунончи, бу давлатнинг аскарӣяси фақат икки юз минг нафарга етган. Лекин шулар орасида тажрибали ва жасур баҳодурлари ҳам кўп бўлган.

Аммо уруш асбобларидан, яъни ҳар давлат учун лойик бўлган қурол-аслаҳалардан 40 та тўп, юз адад пулемёт, 500 минг тўпдонча ва милтиғи бўлган. Сиёсат бобида Бухоро кўп давлатлардан заиф турган. Илм кучи етмаган.

Илм ҳамда сиёсий билимларни билмаганлар, шунинг учун ҳам хорлик ҳам заифлик оstonасини ўпганлар. Аслида подшо аскарӣяти ҳақида ғамхўрлик қилиши, уларга сиёсий илмларни, сиёсий куч-қувватни бериши лозим эди. Аммо ачинарлиси шуки, қадим замонда бошқа давлатларда сиёсий илм тараққий топмаган даврда Бухоро давлати бир буюк давлатга айланиб бўлган эди. Бугунга келиб эса, бошқа давлатлар янги саноат ва фанларга эга бўлиб, Бухородек бир неча давлатларни босиб олиб, ўзларига тоъбе қилганлар...

...Бухоро нега хору зор ва тушкун бўлди? Илмсизликдан, яъни Бухорода сиёсат илмига умуман йўл бермаганликларидан. Бухоро салтанатининг равнақи машҳур, лекин сиёсати йўқдир. Ваҳоланки, подшолар сиёсат илмини билишлари лозим бўлган. Душманга қарши сиёсат қилиш билан бирга одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш даркор. Минг афсус! Давлатимизда аскарӣ қурол бору, аммо бу аскарӣда сиёсат ва жасорат йўқ! Сиёсий ҳокимларимиз сиёсат тартибидан беҳабардирлар.

Давлатимиздаги беҳисоб хазина ва бойлик вазирлару амалдорлар зийнати учун сарфу ҳарж қилинган. Жаҳон давлатлари Бухоро давлатларидек бўлишни орзу қилардилар.

Илгари Бухоронинг илмга рағбати бор эди, ҳозир эса зийнатга бино қўйган. Бундан нима фойда? Бу эса ўзига-ўзи оро берганга ўхшайдур. Давлатга эса сиёсий зийнати арзийди. Бухоро давлати сиёсат шукуҳидан бебаҳрадир.

Бухоро давлатининг ҳашамати, зебу зийнати ҳеч бир давлатда йўқ. Бошқа давлатлар эса сиёсий илмларда кўзга кўринганлар. Шунга қарамасдан, Амир Темур замонидан бу давлат барқарор ва бегона қўлига гирифтор бўлмаган.

Бухоро Турон китъасида, яъни Туркистонда маъмур ва ободон бўлган. Унда диний илмлар тараққий топган. Тур-



кистон масоҳати кенг бўлиб, аҳолиси 3,5 миллион бўлган. Бешинчи ва тўртинчи иқлимнинг ўртасида жойлашган.

Бухоро шаҳри Жайхуннинг бу тарафидаги Хуросон билодларига кириб, 30 та ҳоким ўтирадиган катта шаҳар бўлган, ҳар бир шаҳарда 300 дан то мингтагача низомий аскарлари бўлиб, баъзи вилоятларда тўп ва уруш қуроллари кўриқхоналарда сақланган.

Бухородаги тоъбе шаҳарларнинг номларини эслатиб ўтмоқчиман, булар: Чоржўй, Карки, Калиф, Қарши (уни Насаф дейдилар), Кармина, Нурота, Зиёвуддин, Хатирчи, Ғузур, Шахрисабз (яъни Кеш) Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Жомчи ва Шеробод, Бойсун, Дехнав, Сарисийе, яъни Сарижўй, Ҳисор, Қоратегин, Дарвоз, Балжувон, Кўлоб, яъни Хатлон, Кўрғонтепа, Кубодиён. Бу шаҳар (Бухоро) Бухоро салтанатининг ҳокимлари ўтирадиган марказ бўлган. Баъзи шаҳарлар шу вилоятларга тобе бўлганлар. Масалан, Кўлобга Мўминобод, Балжувонга Хаволинг ва Кўнғирот, Ҳисор тобелигига Душанбе ва Қоратоғ кирган. Балдаи муаззама Бухорога ҳам бир қанча шаҳар ва кўрғонлар тобе саналган. Жумладан, Ромитон, Хайробод, Қоракўл, Баҳовуддин, Хўжа Бўстон – Вардонзе<sup>58</sup> ҳам дейдилар, Хўжа Убон, Хўжа Ориф Моҳи Тобон, Вобканд, Зандана ва бошқалар.

Ҳар бир шаҳарда учта амлокдор бўлиб, йигирма беш ёки ўн саккиз амлокка бўлинган. Шунингдек, уларда яна қози, раису миршаб ва битта лашкарбоши бўлиб, мамлакат тинчлигини таъминлаганлар.

Бухоро мамлакатининг низоми, тобиотининг асбобу олоти шу каби бўлган.

<sup>58</sup> Вардонзе – эрамизнинг V-VIII асрларида мавжуд бўлган вардонхудотлар салтанатининг махсус қароргоҳи, ҳозирда Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳудудида жойлашган. Наршахийнинг ёзишича, Вардонзе Бухоро шаҳридан қадимийроқ бўлган. Халқ ўртасида “Кўрғони Вардонзе” номи билан машҳур.

**Бухорода илм, дунёвий ва ухравий фанларнинг ривожини, олимлар, шайхлар ҳамда аҳли вазифа ҳақида**

Билгинки, Бухоро Туркистон ва Мовароуннаҳрдаги давлатлар орасида илму маданият, шариат фанларининг таракқий этганлиги билан афзал. Тафсир, ҳадис, фикх, калом, усул, сарфу нахв илмларидан иборат бўлган шариат илмлари шу муаззам диёрда ривожланган, ҳикмат илмини ҳам мадрасаларда зарурат юзасидан ўқитадилар.

Бу илми ҳикмат мантиқ, қисмати илоҳилардан иборат бўлган, бироқ риёзий ва сиёсий илмлар азалдан ҳам бу шаҳарда кенг тарқалмаган. Шунинг учун Бухоро давлатининг сиёсати бошқа исломий давлатлар сингари орқада қолгандир. Бу давлатда тахминан уч-тўрт минг талабалар ўқийдилар. Дарс берувчи мударрисларнинг сони тахминан 800 нафар.

Бухорои шарифнинг аъло даражали мударрисларига эшон қози ул-қуззот, эшон-раиси калон, эшон-шайх ул-ислом, эшон-охун, эшон-аълам ва эшон-муфтий аскар қирадилар. Бундан ташқари, шариат фатволари соҳасидан дарс берувчи муфтийлар ҳам бор. Уларнинг сони 22 нафар. Булар аъло ва авсатлар бўлиб, ўрта даражали мударрисларга бўлинадилар.

Бу муфтилар ўроклик мансабига эришиши мумкин бўлганки, у эшик оқобоши амали даражасига тенг келган, шу билан бирга судурлик, садрлик, шайх ул-ислом, нақиблик, мири асадлик мансабларига ҳам етишганлар. Бу жамоага умумий имтиҳондан сўнг “Ҳидояи шариф”ни ўқиб тугатишлари билан амир буйруғига кўра даҳяк (ушр) берилган. Агар толиби илм таҳсили илмда пешрав бўлса ёки бундан ҳам кўп билимларга эга бўлган бўлса, “Ҳидояи шариф”дан ўқитиб – имтиҳон қилиб даҳяк берганлар,



мансабдор қилганлар. Даҳяклар мансабига эга бўлиш Бухоронинг исломий қонунларидан бири бўлган.

Банда 1337 ҳижрий йили (милодий 1919 йили) ҳазрати эшон қози калон хузурларида “Ҳидояи шариф”дан “Китоби никоҳ”, “Авлиё ва акфо” бобини ўқиб, даҳяк олиш учун имтиҳон топшириб, даҳякка мушарраф бўлган эдим.

Мударрисларнинг яна бир жамоаси – “банораспўш” (банорас кийинадиганлар) бўлган, банораспўшликлардан чиққанлари муфтий мансабига эришганлар. Улар тахминан 200 нафардирлар. Буларни яна “авсата тадрийсий” – ўрта мударрислар ҳам дейдилар. Яна бир гуруҳ – “асфал тадриси” (паст даражадаги) мударрислар ҳисобланган. Уларни “беқасампўш”лар дейишган. Яна имом, мударрис ва шунга ўхшашлари ҳам борки, уларнинг сони уч юздан кўпроқдир.

Бу шаҳарда 400 мадраса ва 296 та беш вақт намоз ўқиладиган масжид, 18 та жомеъ масжиди, 80 та қабристон мавжуд. Бу ҳақда ўтган бобда айтиб ўтган эдик. Бухорода 13 та китобхона, 96 та қорихона (қироат хона) ва мактабхона фаолият кўрсатади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илм ва фан бобида бошқа ўлкаларга қараганда Бухоронинг имкониятлари кенгрокдир.

Мадраса, масжид, макбара, мактабхона ва қорихоналарнинг ҳар бирига вақф тайинланган. Мадрасаларнинг хужралари олди-сотди ҳам қилинади. Аммо подшолик мадрасалари (хужраларининг) олди-сотдиси ман қилинган.

Бухоро шайхлари ва Саййидлари ҳақида. Булар ҳам Бухоронинг аҳли муаззам ва мукаррамларидан ҳисобланадилар. Саййидларга ҳам амалдорлар каби қўш ва танҳо ажратишган. Аҳли уламо каби уларга ҳам маъмурий, судурлик, садрлик ва мирасадлик ва нақиблик ман-

сабларини берганлар. Шайхларга ҳам маълум вазифалар бериб, машҳур хонақоҳ ва масжидлар ажратганлар. Улар асосан, дуоғўйлик вазифасини бажарганлар.

Нихоят, “Шоҳ ақсо” мартабаси ҳақида. Ундан юқори мартаба ва манзарат бўлмаган. Юқоридагилар амир ва вазир зиёратига бориб, ҳар хил инъом ва ҳадялар олиб турганлар. Шоҳ ақсонинг ҳашамати ва силсиласи саркардаларникига қарийб яқин келган. Бухоро шайхлари ва Саййидларининг қисқача баёни шулардан иборат.



## 2 §. Тошбосма асарлар

### Абдурауф Фитрат “Ҳинд сайёҳининг қиссаси”

Абдурауф Фитратнинг инқилобга қадар яратган насрий асарлари ичида тожик тилида ёзилган “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” ҳикояси алоҳида ўрин тутади. “Ҳинд сайёҳи” 1912 йили Истамбулда нашр этилган.

Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи” асарида воқеалар Бухорога келган ҳиндистонлик мусулмон сайёҳ билан савол-жавоб тарзида мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар хусусида кескин мунозара тарзида баён этилади. Аслида ҳинд сайёҳи тўқима образ бўлиб, унинг муаллиф унинг тилидан мамлакатдаги турли соҳалардаги, хусусан, шм-фан, таълим ва халқ ҳўжалигидаги қолоқлик, амир ҳукумати, амалдорлар адолатсизлиги, диний уламолар мутаассиблигини кескин танқид остига олади. Эътиборлиси шундаки, муаллиф бу масалаларни шариат нуқтаи-назаридан, ислом дини тушунчалари билан солиштирган ҳолда таҳлил этади. Бу муаммоларни ислоҳ этиш, жамият ҳаётига янгиликлар олиб келиш шариат қонунларига зид эмаслигини ишончли далиллар билан асослаб беради. Қуйида Бухородаги ижтимоий-маданий муҳитни ўрганишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу асардан парчалар келтирилади<sup>59</sup>.

Т.ф.н. А.Тоғоева

<sup>59</sup> Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асари адабиётшунос олим, таржимон Ҳасан Қудратуллоев томонидан тожик тилидан ўзбекчага ўгирилиб, илк бор “Шарк юлдузи” журналнинг 1991 йил, 8-сонида чоп этилган. 2000 йилда эса унинг рус тилига таржимаси эълон қилинган.

...Бухорода икки юзга яқин мадраса бўлиб, улар уч тоифага бўлинади: олий, ўрта ва ибтидоий.

### Олий тоифадаги мадрасалар ва уларнинг йиллик вақф даромади

№	Мадрасаларнинг номи	Йиллик вақфи (танга хисобида)	№	Мадрасаларнинг номи	Йиллик вақфи (танга хисобида)
1.	Кўкалдош	150000	2.	Жаъфархўжа	250000
3.	Жўйбор	130000	4.	Мири Араб	150000
5.	Муҳаммад Али Ҳожи	150000	6.	Фурсунжон	140000
7.	Девонбеги	150000	8.	Говкушон	190000
9.	Абдулазизхон (икки мадраса)	120000	10.	Мирзо Улуғбек	60000
11.	Калобод	80000	12.	Хўжа Порсо	50000
13.	Иброҳим Охунд	40000	14.	Фатхулло Қўшбеги	80000
15.	Биби Халифа	50000	16.	Халифа Ниёзкул	55000
17.	Мулло Муҳаммад Шариф	60000	18.	Ғарибия	40000
19.	Хиёбон	60000	20.	Жўйборча	60000
21.	Абдуллохон	50000	22.	Модари хон	40000
23.	Асирий	40000	24.	Хўжаниҳол	50000
25.	Шодимбий	40000	26.	Дорушшифо	40000
27.	Чорбакр	70000	28.	Бадалбек	40000
29.	Хўжа Давлат	120000	30.	Мискин	60000
31.	Домулло Шер	40000	32.	Дўстчехра Оқоси	40000
33.	Накиб	120000	ЖАМИ:		2815000



**Ўрта тоифадаги мадрасалар ва уларнинг  
йиллик вақф даромади**

№	Мадрасаларнинг номи	Йиллик вақфи (танга)	№	Мадрасаларнинг номи	Йиллик вақфи (танга)
1.	Хизр	25000	2.	Афгон	15000
3.	Раҳмонкул	30000	4.	Ўткур қўшбеги	25000
5.	Хусейнбой	30000	6.	Олимжон	20000
7.	Атолик	25000	8.	Исмоилхўжа	30000
9.	Модари хони хурд	30000	10.	Рашид	25000
11.	Ғозиён	25000	12.	Гирибони чок	30000
13.	Чучук ойм	25000	14.	Шарофатбону	30000
15.	Накиби хурд	25000	16.	Чўбини калон	30000
17.	Болои ҳавз	30000	18.	Маржон Али	30000
19.	Асқарбий	30000	20.	Садрбий	25000
21.	Эски Бадалбек	25000	22.	Қўнғирот хофизи	35000
23.	Искандархон	25000	24.	Чорбаққолий	22000
25.	Сартарош	30000	26.	Мирзо Фузайл	25000
27.	Тўпчибоши	20000	28.	Саййид Камол	22000
29.	Абдулшукурбой	20000	30.	Карбос	24000
31.	Чукур	30000	32.	Кози Латиф	18000
33.	Бадриддин	6000	34.	Пушаймон	2000
35.	Эрназар	35000	36.	Домулло Ҳасан	15000
37.	Эшони пир	16000	38.	Миркамол	14000
39.	Жўрабек	12000		<b>ЖАМИ</b>	<b>961000</b>

Ибтидоий (бошланғич) тоифага мансуб мадрасалар юздан ортиқ бўлиб, уларнинг вақфи минг тангадан ўн минг тангагачадир. Бу мадрасаларнинг умумий вақф миқдори 500 минг тангага етади. Бухоро уч юзта ибтидоий мактаб ва ўн битта катта кутубхонага эга.

**Бухородаги кутубхоналар ва уларнинг  
йиллик вақф даромади**

№	Кутубхоналарнинг номи	Йиллик вақфи (танга)	№	Кутубхоналарнинг номи	Йиллик вақфи (танга)
1.	Жаъфархўжа	18 000	2.	Говкушон	5 000
3.	Хўжанихол	8 000	4.	Кўкалдош	1 000
5.	Абдулазизхон	2 000	6.	Мирзо Улуғбек	800
7.	Бадалбек	800	8.	Дорушшифо	3 000
9.	Бозори	1 500	10.	Болои ҳавз	1 600
	Гўсфанд				
11.	Жўйбор	1 400		<b>ЖАМИ</b>	<b>43 100</b>

Бухорода йигирмадан ортиқ йирик ва кичик таомхоналар бор. Йирик таомхоналарнинг ҳар бирининг йиллик вақфи ўн мингдан қирқ минг тангагача кичик таомхоналарнинг ҳар бирининг йиллик вақфи эса тўрт мингдан тўққиз минг тангагачадир. Булардан ташқари, беш ёки олтига қорихона ва қирққа яқин таҳоратхона ҳам бор. Уларнинг ҳар бири учун кўп миқдорда йиллик вақф тайинланган...

...Бизнинг оталаримиз... илм олишнинг аҳамияти ва даражасини тушуниб етиб, икки юз мадраса, ҳар мадрасада эса ўнтадан ўн бештагача хужралар қурганлар. Мударрислар ва шогирдларнинг кундалик харажатларини инобатга олган ҳолда, йилига тўрт миллион тангадан ошиқ вақф пули ажратганлар. Бу билан ҳам кифояланмай, талабаларнинг ўқишларини тўла таъминлаш учун ўн битта кутубхона қуриб, ўз даврларининг жами китобларини шу ерда тўплаганлар. Илму фаннинг кундалик тараққиётини инобатга олиб, ҳар йили китоб ва турли мажмуаларни яратиш учун қирқ минг танга вақфия ажратдилар. Шарқ илмига алоҳида аҳамият бердилар.



Мадрасалар билан кифояланмай, беш ёки олтита қироатхона қуриб, унинг ҳам йиллик вақфини тайинладилар. Биз — бу қиммат эгаларининг азиз фарзандлари эса шунчалик бахтли шароитга қарамасдан, бадбахт, жоҳил ва мискин ҳолда қолдик. Мадрасамиз бор, кутубхонамиз бор, бироқ юртимизда тафсир ва ҳадиснинг бир бетини, ҳатто араб тилидан бир байтини хатосиз ўқиб, комил равишда тушунтириб берадиган биронта алломага эга эмасмиз! Оҳ, ё раббий! Шараф эгаси бўлган бир қавм учун қанчалик хўрлик!...

...Ҳаммага маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти учун илм асосий сабабдир. Сизнинг илмингиз йўқ. Лекин тўла ифтихор билан айтаманки, бугун илм олиш учун сизнинг шаҳрингизда барча шароит муҳайёдир. Масалан, бир жоҳил миллатнинг олим бўлиши учун уч нарса зарурдир: пул, мадраса, саъю амал. Сизнинг Бухоронгизда мадраса ҳам, пул ҳам бор, чунки бу вақфларнинг барчаси илм олиш учун вужудга келган; саъю амал — интилиш ҳам мавжуд; чунки Бухоро аҳли илм таҳсилга муҳаббатликдир. Фақат шуни айтиш керакки, сизларнинг дарс бериш ва дарс олиш тартибларингиз ёмон, мадрасаларнинг вақфи эса ҳисобсиздир. Ҳар иккаласини ҳам тузатиш осон. Тўла ишонч билан айтаманки, бир одил, тўғри фикрловчи амир ва тадбиркор, худодан кўрқадиган вазир бўлса, бу ишларнинг барчасини ислоҳ этса бўлади.

Ҳақиқатан ҳам шукр қилишингиз мумкин, чунки бир одил подшоҳ ва бир доно вазир Бухоро мадрасаларининг ислоҳи учун бел боғласалар, ўша куни Бухорода элликта олий, элликта ўрта мадраса ва уч юзу олтишта ибтидоий мактаб очилиши муқаррардир.

Оврупа аҳли бу орада мусулмонлар билан яхши муносабат ўрнатиб, жуда кўп моддий ва маънавий фойда кўрдилар. Масалан, Фарангистон дорилфунунининг Шарл

Санивиюс исмли муаллими куйидагиларни қайд этган: “Ўн биринчи асрда Оврупа ва ислом олами бутунлай бир-бирларига қарши эдилар. Оврупа шаҳарлари кичик ва оддий, кишлоқлари вайрон қулбалардан иборат эди. Йўлда ўлдиришларидан кўрқиб, ҳеч ким ўз уйдан ўн фарсах узоққа боролмас эди. Ислому олами эса, Бағдод, Шом, Миср ва Андалус сингари бутунлай обод ва кўркам шаҳарлар, мрамор билан безалган саройлар, мукаммал корхоналар, ҳашаматли мадраса ва мактаблар, музайян ва озода бозорларга эга эди. Далаларининг ҳар қадамидаги сўлим гўшалару хирмон-хирмон ҳосилни кўрганнинг кўзи қувонар эди. Испания билан Туркистон ўртасида савдо қарвонлари бемалол бориб-келарди. Оврупаликлар мусулмонлар тараққиётини холис ниёт билан қабул қилиб, касб ва илм ўрганиш ниятида ислом шаҳарларида таҳсил кўрар эдилар. Оврупа мусулмонлар билан муносабат ва алоқада бўлиш йўли орқали тараққий этган. Овруполикларнинг ислом оламидан қабул қилган ишлари куйидагилардир:

Зироат: кўк бугдой, тут дарахти, гуруч, хурмо, лимон, мандарин, пахта, қаҳва ва найшакар.

Саноат: шохӣ газламалар, зар тўқиш, шиша, ойна... ва қоғоз.

Илм-фан: алжабр ва ал-муқобала, хандаса, чизмачилик кимё ва ҳоказо. Ислому аҳли Юнон, Эрон, Ҳинд ва Чиннинг илму фан ихтироларини тўплаб ва ўзларидан кўпгина нарсаларни қўшиб, оқибатул-амр, буларнинг барини оврупаликларга топширдилар”.

Бу бир бузук фаранг муаллимининг ислом олами тараққиёти ҳақида билдирган иқроридир. Энди диққат билан назар солсак, дарҳақиқат, оврупаликлар ўзларининг юксалиш асосларини ислом аҳлидан олганликларини кўрамиз. Бугун эса, ё раббий, кўлдан кетган маданиятимиз-



ни тиклашга ҳаракат қилган заҳотимиз уламоларимиз “кофир бўлдинг” деб, бизни йўқ қилиш пайига тушадилар...

...Бухоро мадрасаларидан бирини тиббий мадрасага айлантириш, сизни унга мудир этиб тайинлаш, Оврўподан муаллимлар олиб келиш ва ҳар йили бир неча истеъдодли ёшларни тиббий таълим олиш учун Ўрусияга юбориш — буларнинг биронтаси шариатимизга қарши ишлар эмас. Зеро, оламнинг фаҳри бўлмиш алайҳи салавоту вассалам буюрганлар: “Утлубул-илма ва лав биссини”, яъни илм агар Чинда бўлса ҳам уни тилаб ўқингиз”. Ана шу Ҳадиси шариф мазмунига диққат билан эътибор берайлик. Пайғамбаримизнинг Чинни мисол келтиришларидан мақсадлари албатта фикҳ ва тафсир илмини ўрганиш эмас, чунки Чин кофиристондир (бу ўринда, ўша даврда мусулмон бўлмаган халқлар назарда тутилган). Бу ҳадисда тилга олинган илм дунёвий илм, яъни, тиб ва санъатдир. Маълум бўлдики, дунёвий илмларни ғайридинлардан ўрганиш ҳам бизнинг шариатимизга мосдир. Бу ҳадисдан ташқари яна бир ҳадис мавжуддир... “Ҳикмат — мўъминларнинг йўқотган молидир, уни ҳар қаерда кўрсангиз, олишингиз мумкин. Таҳсил қилингиз, ҳикматга ҳикмат кўшилса, у қайси манбадан келиб чиқмасин, зарар қилмас”. Расул алайҳиссаломнинг ушбу ҳадислари шундан далолат берадики, сўзларингиз шаръи шарифга мутлақо қарши эмас.

Энди ислом тарихига бир назар солсак: исломнинг буюк вакиллари жуда кўп насроний ва маъжусий табибларга пул бериб, ўзларининг сихатларини яхшилаганлар, уларнинг айримларини ўзларининг хос табиблари этиб тайинлаганлар ва айримларини ўз даврларида тиббиёт муаллими этиб белгилаганлар...

Халифа Мансур аббосийларнинг иккинчи тоифаси бўлиб, Журжис бинни Бахтяшў исмли бир насроний

табибни Бағдоднинг бош табиби этиб тайинлаган эди. Халифа Хорун-ар-Рашид аббосий ҳам Монко исмли бир маъжусийни ва юқорида зикр этилган Бахтяшўнинг ўглини ўзининг шахсий табиби этиб тайинлаган эди. Юқорида номлари зикр этилган табиблардан ташқари жуда кўп насронийлар ҳам аббосий халифалар томонидан мансаб ва давлатга эга бўлиб, иззату икромга мушарраф бўлгандилар. Аббосий халифалар юнон китобларини араб тилига таржима эттириб, Бағдод мадрасаларида нашр этар эдилар. Мен юнон китобларини Бағдод халифалари насроний табибларига буюриб таржима қилдирганликларини сизларга арз этсам:

1) Китоб-ал каср; 2) Китоб тақаддимат-ал-маърифат; 3) Китоб-ал-ахлод; 4) Китоб қотитюн; 5) Ал-маъ ва ал-ҳаво; 6) Табиат ал-инсон. Бу китобларнинг муаллифи Букротдир. Яна: 1) Китоб-ал-фарқ; 2) Китоб-ал-мавлуд лисбаата аш-шаҳр; 3) Китоб-ал-мизож; 4) Китоб ридоъ-ал-нафс; 5) Китоб-ал-набз; 6) Китоб-ал-жабул; 7) Китоб шифо-ал-амроз; 8) Китоб қавий ағзия; 9) Китоб-ал-илал ва ал-амроз; 10) Китоб-ал-тадбир-ал-мулассаф; 11) Китоб-ал-ҳимоёт; 12) Китоб мудовот ал-амроз; 13) Китоб-ал-бухрон; 14) Китоб илал савт; 15) Китоб ал-табиб ва ал-файласуф... Бу китобларнинг муалифи юнонлик Жолинуздир, халифа Маъмун аббосий топшириғи билан Ҳанин номли насроний араб тилига ўгиргандир. Шундай қилиб, аббосий халифалар даврида илмга энг чанқок одамлар - олимлар ва фақиҳлар яшаган бўлса ҳам, жуда кўп табибларга ва ғайридин фозилларга пул ва мансаб бериб, Юнон ва Ҳинд фанидаги ютуқларни араб тилига ўгириб, Бағдод мадрасаларида ўқитганлар.

Юқоридаги мисоллар тиб илмининг таҳсили учун Оврўпага талабаларимизни юборсак ва у ердан донишманд табибларни чақириб, мадрасаларимизда муал-



лим этиб тайинласак, ёмон бўлмаслигини исботлаб турибди. Бухоро ҳукумати ишбилармон ва доно одамларга эга бўлиши керак. Сиз бу фикрни уларга айтинг, умид қилмазмики, қабул қиларлар. Дўхтур менинг бу сўзларимдан мамнун бўлиб, биздан рухсат сўраб чиқиб кетди.

Бутунлай тузалганимдан кейин, яна бир неча кун Бухорода бўлиб, кейин саёҳатга чиқиш режасини туздим. Уйнинг эгаси Бухоронинг мўътабар кишилари номидан катта шаҳарларнинг қозиса, хокимлари номига мактублар олиб берди. ... Биз Қарши қозисининг уйига тушдик...

Қарши Бухоронинг катта шаҳарларидан биридир. Бир вақтлар бу шаҳарнинг тижорати Бухородагичалик экан. Бироқ, темир йўл бўлмаганлиги сабабли, савдо анча орқанда қолибди. Илм ва маориф ҳам анқонинг уруғи. Кўпчилик ҳатто хат-саводдан ҳам маҳрум. Саноатия хунармандчилиги пойтахт саноатидан яхшироқ. Халқи обдаста яшаш ва гилам тўқишда ўта моҳир, айниқса, алоча тўқишда тенги йўқдир. Бироқ, афсуски, ушбу нарсаларнинг барчасини эски усулда тайёрлайдилар, яъни корхоналарнинг барчасида кўл меҳнати устун. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва уни яратиш хаёлларига ҳам келмайди.

Кунлардан бирида қози мулозимларининг бири билан бирга машҳур бир алоча тўқувчи устанинг уйига бордик. Устахона эгаси мени жуда эъзозлади. Бир соатча суҳбатлашдик. Шунда сўрадим:

-- Сизнинг корхонангиз Қарши шаҳрининг бошқа корхоналаридан катта ва сизнинг алочангиз бошқа алочалардан нафис ва нозукроқдир. Ўрусларнинг ипак матохлари нозик ва чиройли, аммо пишиқлик ва чидамликдан маҳрум. Сизнинг алочаларингиз эса ҳам нозик, ҳам чидамли экан. Бу борада ажиб бир ҳикоя ҳам эшитган эдим. Уни сўзлаб берсам. Бухоро хожиларидан

бири бир кийимлик алочангизни ҳадя этиш учун Мадинаи мунавварага олиб борган. Аммо (билмадим, нима сабаб экан) алочани қайтариб Бухорога олиб келмоқчи бўлган. Ҳаждан қайтиб, Одесса шаҳрига етиши билан Россия божхонасининг маъмурлари ўша сизнинг алочангизни Фарангистон моли гумон этиб, ундан бож талаб этганлар. Бечора ҳожи бор товуши билан "бу алоча Бухоронинг махсулидир", деб фарёд чекса ҳам, божхонадагилар "ҳали Бухорода бу даражадаги молни тўқийдиган фабрика қурилган эмас. Бу Фарангистон молидир. Сен буни Истанбулдан сотиб олгансан", деб айта берганлар. Бечора ҳожи, ноилож, бир неча сўм бож пули бериб, ўзининг алочасини қайтариб олган экан. Эътибор беринг-а, бунда гуноҳ Россия божхонасининг хизматчиларида эмас, балки сизнинг тайёрлаган алочангизда. У бир қараганда Фарангистон молининг ўзи, балки чидамликда ундан ҳам устундир. Дўконнинг эгаси ушбу сўзлардан мамнун бўлди...

...Бир куни қозининг хузурида бўлиб, Шаҳрисабзнинг ахволи ҳақида суҳбат қилдик.

Қози: Жаноби мусофир бу вилоятни қай аҳволда кўрдилар?

Мен: Жуда маъқул мулкдир, мувофиқ ҳавоси ва аҳолисининг кемил истеъдоди бор, бироқ не чораки, бошқа ислом мамлакатлари қатори бу шаҳар ҳам харобага айланган.

Қози: Тўғри, биз мусулмонлар ҳеч вақт мамлакат ободлиги ҳақида бош қотирмаймиз.

Мен: Сизнинг бу вилоятингиз Самарқанд билан қўшнидир. Ҳавоси ва бошқа фазилатларининг Самарқанддап кам жойи йўқ. Шаҳрингизнинг Самарқандчалик обод эмаслиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисизлар? Қози жаноблари, маълумки, бутун бутун ислом олами хунарсизлик ва



илмсизлик туфайли абадий фалокат томон кетмоқда. Сиз ҳам мусулмонларнинг мамлакат ободлигига эътиборсиз эканлигини таъкидладингиз... Ажабо, Муҳаммад умматлари нега фақир ва нодон эканлар? Ислоҳ мамлакатлари нега вайрона ва харобазор бўлиб қолиши керак? Масалан, Қарши ва Китобнинг бирон бир алоча тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан-оёқ зар-зеварларга ботар эди. Бу бечораларнинг эса, ейишга нони йўқ. Агар шу Шаҳрисабз ерлари Ёпон элида бўлганида эди, зар экиб, зар ундирадидилар. Бу ерлар нега шўразорга айланган?

Саволларнинг ҳар бири ҳар қандай мутафаккирни довдиратиб қўяди. Фақат шуни тушунмайман: нега бу масала сизларнинг хаёлларингизга келмайди?

Қози: Биродар, яхши биласиз, халқимизнинг фикр доираси тараққий этмаган, улар бу ишларнинг моҳиятини тушунмайдилар. Тафаккури юксак бўлмаган кишилар қўйларга ўхшайдилар, ҳар хусусида чўпонга тобедирлар ва ўз буюқларининг пайравидирлар. Мен шунга ҳам иқроор бўлиб айтаманки, биз буюқлар ҳам умримизнинг ақалли бир дақиқасини халқимиз осойишталиги ва саодати йўлида сарф этганимизча йўқ. Халқнинг тинчлиги, мамлакатнинг ободлиги каби масалалар биронтамининг хаёлимизга келган эмас.

Ҳар бир ҳоким ўзини уч томоннинг вакиллари танишини истайди: биринчи — мамлакат, иккинчи — раият, учинчи — подшоҳ. Чунки, ҳокимият ватан ва миллат вужуди билан боғлиқдир. Агар миллат маҳв этилиб, ватан хароб бўлса, на биз ҳоким бўлаемиз, на подшоҳ. Тўғри, бизни амир ҳазратлари ҳоким этиб тайинлаганлар. Лекин қаерда? Шаҳрисабзда. Агар Шаҳрисабз ва бу жойнинг халқи бўлмаса, бизнинг ҳокимлигимиз худди ғўристонга оқсоқол бўлишдек маъносиз ва кулгили бўлар эди. Биз бухороликлар, бир

шаҳарда ҳоким бўлдик дегунча, мамлакат ва халқ ҳуқуқини бугунлай эсдан чиқарамиз. Ҳатто худони ҳам унутамиз. Вақтимизни подшоҳни шод этиш йўлида сарф этаемиз. Қизиқ жойи шундаки, бунга ҳам тузук-курук эришолмаймиз. Подшоҳлар қанчалик тошбағир бўлишмасин, мамлакатнинг вайроналиги ва халқнинг бечоралигига чидашолмайди.

Шоҳимизнинг адолатпарварлик, раият-дўстлик ва халқпарварликда назири йўқдир. Имоним комилки, у зот ҳамини миллатнинг тинчлиги, ватаннинг ободлиги билан шуғулланадилар, бироқ шу ҳам аниқки, бир кишининг донишмандлиги ва адолатпарварлиги тўрт миллион кишилик элга таъсир этиши қийин. Тўғри, амиримиз одиллар, бироқ хизматчиларининг кўпчилиги адолат кўчасидан ўтмаган. Шунинг учун, мамлакатимиз ҳалигача обод бўлмайди ва аминмизки, агар шу ҳол давом этса, бир умр обод бўлмас.

Бир ҳафта Шаҳрисабзда туриб, кейин Самарқанд томон йўлга тушдик. “Фирдавсмонанд” бу шаҳар Бухорога нисбатан анча тартиблидир, аҳолисининг руҳияти ҳам Бухоро аҳолисининг руҳиятидек эмас. Самарқандликлар икки-уч ибтидоий мактабга эга, уларнинг энг яхшиси Шакуррий мактаби. Агарчи бу мактаб унчалик тараққий этган бўлмаса-да, ҳар ҳолда, мудир ва муаллимларининг олийжаноб ҳимматлари соясида қисқа вақт ичида ривож топиб, камолотга етишишига умид боғласа бўлади.

Яна шуки, нуктадон муҳаррирлар ва зукко фозиллар кўплигига қарамасдан, самарқандликлар ҳалигача биронта миллий газетга эга эмаслар. Самарқандлик биродарларимизга “ҳимматингиздан умидворли-гимиз каттадир” деб, сафаримизни давом эттирдик.



Самарқанддан вагонга ўтириб, Хатирчи станциясигача етдик. Станциядан Хатирчигача икки фарсах йўл. Бир бузук аравага мен билан олтига хатирчилик ўтиришди. Улар Хатирчининг мўътабар кишилари бўлиб, бутунлай саводсиз эдилар. Йўлнинг машаққати шу даражада эдики, агар уни Пули сирот ўрнида дўзах устидан ўрнатсалар, ҳеч ким жаннатнинг орзусини қилмас эди! Арава одамларни гўё зилзила бўлгандек, бир-бирларининг устига олиб отар, жуда нохуш тарак-тарак билан юрар эди. Мен Самарқанд станциясига олиб борадиган йўлни эслаб, бу бало йўл билан ўшани қиёслаб, ўзимча дер эдим: “Қара, йўлнинг фарқи қаёқдан қаёнгача!”

Шундай қилиб, бу дўзахсимон йўлдан тўрт соат юриб, Хатирчи мулкига етдик. Ҳоким уйини манзил этдик. Бизга алоҳида хона ажратдилар. Бу шаҳарнинг аҳволи Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларига ўхшаш, яъни уларга ёпирилган балоларга бу шаҳар ҳам мубатало бўлган. Бу шаҳарнинг аҳволи у шаҳарлардан баттарроқдир. Кишлоқларнинг жуда кўп ерларига экин экилмаган, халқи фақир ва фалак қарғишига учраган кишилардир. Масалан, мен ўзим бир кишини Хатирчи кўргони атрофидаги бир неча таноб ернинг ҳар танобини ўн етти тангадан сотиб олганини кўрдим...

Хатирчида бир ҳафта туриб, кейин Бухоро йўлига равона бўлдик. Хатирчи станциясига келиб, поездга ўтирдим. Мен билан бирга икки тожир ва бир бухоролик мулла ҳам йўлга чиқишган экан. Сўрадим, дедилар:

— Самарқанддан келяпмиз. Бухорога борамиз.

Вагон тез суръат билан кетиб борар эди. Ҳар ким ўз иши билан машғул. Тужжорлар савдо ишлари мавзуида суҳбатлашар эдилар. Мен бир китобни олиб мутолаа қила бошладим. Мулла ўзини уйқуга солди. Бир станция йўл юрдик, ҳали ҳам ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Бирок,

мулланинг уйқуси келмай, ахийри юраги сиқилиб, чуқур “ух” тортди-да, менга қараб, деди:

— Биродар, бу икки киши ўз суҳбатлари билан машғуллар. Сиз билан биз илм аҳлимиз, нега бир-биримиз билан суҳбат қилиб кетмаймиз?

Мен: Фақир китоб мутолаа этмоқдамен, бироқ сиз нега шерикларингиз суҳбатига қўшилмайсиз?

Мулла: Биролар, биз илм аҳлидирмиз, булар эса дунё аҳли. Биз уларнинг суҳбатидан ҳеч нарса тушунмаймиз.

Мен: Яхши, Сиз булар билан суҳбатлашинг, зора булар Сизнинг сўзларингиздан баҳраманд бўлсалар.

Ҳар иккала тужжор ўз суҳбатларини тўхтатиб, бизнинг гапларимизга кулоқ солар эдилар.

...Домулла жаноблари, биринчидан пайғамбар ҳазратлари ифтихор қилган нарса қашшоқлик эмас, балки Оллоҳ розилиги билан нафси тийишдир. Бундай фақирлик давлатдор кишиларда ҳам мавжуддир. Масалан, бир давлатманд киши рамазон ойи тўла рўза тутмасдан кундузи уйда бекиниб олиб, лаззатли таом пишириб, еб кечалари уйда мажлислар тузаб, ичкиликбозлик билан шуғулланиб, шароб шишаларидан фойдаланиши мумкин. Лекин у буларнинг ҳеч бирини қилмайди, ҳеч қандай жабр ва ифросиз, фақат худони рози этиш учун кундузлари рўза тутиб, кечалари намозу ибодатга тайёр туради. Унинг бу ишини “нафси жиловлаш ва Оллоҳнинг ризолиги” дейдилар. Ана шу — ҳазрат пайғамбар ифтихор этган фақирликдир. Кейин, Сиз Бухоро уламолари қашшоқлик тарафдоридирлар, дедингиз. Тўғри, Бухоро уламолари қашшоқлик тарафдоридирлар, бироқ ўзлари қашшоқ эмаслар. Сизнинг уламоларингиз қашшоқликни ўзлари учун эмас, балки ўзгалар учун муносиб биладилар. Шунинг учун улар “сен ўлгину мен қолай”, дейдилар. Энди асл мақсадга қайтайлик.



Шариатнинг ҳам пулни муҳофаза этиш ва тижорат гашиқи ҳақида кўп топшириқлари бор. Шу жумладан, айримларини зикр этай: “Ниса” сурасида Роббул иззат ҳазратлари буюрганларки, “ўз молларингни ақли паст ва билимсиз, маданиятсиз кишиларга берманглар, чунки Оллоҳ таоло сизни бор-будингизнинг шаклланиши ва манфаатингиз учун яратгандир”. Расулulloҳ ҳазратлари ҳам ўз Ҳадиси шарифларида бундай деб айтганлар: “Ростгўй тожир ва амин пайгамбар содиқ кишилар ва саидлар каторида туради...”

Шундай қилиб, ислом шариати тижорат ва давлатдорликни ман этган эмас, балки амр этган. Бироқ, шуни ҳам билишимиз керакки, ислом бизни тижоратдан ман этмагану бироқ бахиллик, исрофгарчилик ва тамагирликдан қаттиқ тергаган. Шундай экан, ҳар ким худонинг ва унинг расулунинг мутеи экан, пулдорлик ва тижорат ишига интилиши керак ва тама ҳамда исрофгарчилик касалидан ҳазар этиши зарур.

...Тожир (тужор): Сизнинг сўзларингиздан жуда мамнун бўлдим. Бухоро муллалари бизни “дунё одами” деб кўп дакки берадилар. Мен: Тўғри, агар давлатманд киши ростлик ва саховатдан узоқ бўлмаса ҳам ақлан ва ҳам шаръан мадҳу санога сазовордир. Ўйлаб кўринг, мусулмонлар ўз динлари ҳақида қаерда таълим оладилар? Мадрасада. Намозларини қаерда ўқийдилар? Масжидда. Бу масжид ва мадрасани биз учун ким қуради? Давлатманд кишилар. Шунинг учун, давлат эгалари ҳақоратлашга эмас, мадҳ ва мактовга лойиқдирлар. Мен бизнинг динимиз тижоратга тарафдорлик қилиш ҳақида сизларга фикр билдирдим. Бироқ бу масала борасида ҳеч нарса демадим. Энди шу ҳақда баҳс қилмоқчиман. Ажабо, ислом дини нега тижоратни қўллаган? Чунки, тижорат масаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масаласидир. Дунё

халқларидан биронтасининг иши тижоратсиз амалга ошмайди. Айниқса, бизнинг давримизда савдо иши жуда эътиборга сазовордир. Қадим замонда оламнинг амир ва подшоҳлари фақатгина ўзларининг шахвоний нафслари учун бир-бирлари билан ярашар ва урушар эдилар. Агар қадимги жангларга диққат билан назар солсак, уларнинг асл сабаби ўша подшоҳлардан бири қизини иккинчисига бермаганлиги ва уни иззат-икром этмаганлиги бўлиб чиқади.

Лекин бизнинг давримизда бўладиган урушларнинг асл сабаби савдо можароларидан бошқа нарса эмас. Масалан, тараккий этган бир давлат ўз тижоратини кенгайтириш ниятида бошқа қолоқ давлат ерига боради ва айрим имтиёзларга эга бўлиб, у мулкнинг йўлини ўз тижорати учун очади ва маълум муддатдан кейин бу мулк ахли унинг тижоратига монелик қилиб халақит бера бошласа, шу заҳотиёқ уларнинг устига лашкар тортиб, ҳар қандай йўл билан уларнинг ерларини ўзиники қилиб олишга ҳаракат қилади. Агар бошқа бир кучли давлатда ҳам ўша пайтда тижорат ишлари юксалган бўлса, у ҳам ўз савдо миқёсини ҳимоя этиш учун қарши томондан лашкар тортиб урушга кирилади. Шундай қилиб, икки буюк давлат бошқа бир кичик давлатнинг ерида тижорат равақи учун лашкар тортадилар.

Тожирлар: Ажабо, давлатлар савдоларининг ҳимояси учун бунчалик ўзларини қурбон қилмасалар? Фараз этайлик, уларнинг икки-уч одами фойда қилди ёки зарар кўрди, бунинг давлатга нима дахли бор?

Мен: Бу давлатлар ҳар мулкнинг молини ўзига сарф этадилар ва фақат ўша ернинг тижоратидан фойдаланадилар. Масалан, бугун Ҳиндустон инглизларнинг қўлида, бироқ Ҳиндустон молиётидан бир пул ҳам инглизлар хазинасига қирмайди. Барчаси фақат Ҳиндустон ободли-



гига сарфланади. Инглиз давлати фақат у ернинг тижоратидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам, бу тижорат учун жони борича ҳаракат қилади. Чунки, маълумки, агар Ҳиндустонда Англия тижорати ўрнини Германия эгалласа, унда Англия учун Ҳиндустоннинг бор-йўқлигининг фарқи қолмайди. Энди озгина бўлса-да бухоролик тужжорлар ахволини тадқиқ этайлик. Менимча, сизларнинг бугунги тижоратларингиз бизнинг пайгамбаримиз амр қилган тарздаги эмас, балки абадан фойда келтирмайдиган, ўзгача тижоратдир. Пайгамбаримиз бизга амр этган тижорат бугунги овраполикларнинг тижоратидир, чунки улар бундан манфаат кўриш учун фойдаландилар.

Бироқ, сизларнинг савдогарларингизнинг аксарияти бугунгача фақатгина фойда кўриш учун эмас, балки ўзларининг нафсоний ҳаваслари туфайлигина бу иш билан шуғулланганлар. Масалан, Бухорода фалон бой олганиш минг тери олади. Нега? Чунки бошқа бир бой ҳам шунчалик тери олган. Бу йил фалон бой тижорат учун Америкага боради. Нега? Чунки, кўнгли саёхатни тилабди. Бу ишларни тижорат демайдилар. Ана шу ўйинларни тижорат деб қабул қиладиган ҳар бир қавм албатта махв ва нобуд бўлиши муқаррардир.

Бу фикримни исботлаш учун бир оз баҳс қилмоқчиман. Сиздан сўрасам: Бухоро тужжорлари аввал пахта савдоси билан шуғулланганлар. Энди эса шуғулланмай қолдилар?

Тоғжир: Чунки пахта савдосидан кўп зарар кўрдилар.

Мен: Шу кунлар (яъни бухоролик тужжорлар пахта савдосидан қўл тортганларидан кейин) Бухородаги бегона савдогарлар ҳам пахта савдоси билан машғулмилар ёки улар ҳам бу ишдан қўл тортдиларми?

Тоғжир: Шу кунларда Бухорога жуда кўп кишилар пахта сотиб олиш учун келдилар ва кўп пул ишлайдилар.

Мен: Ана шу бегоналар Бухоро савдогарлари каби зарар кўрадиларми ёки фойда олмақдаларми?

Тоғжир: Агар улар ҳам бизнинг тоғжирларимиздек зарар кўрганларида эди, пахта сотиб олишдан қўл тортар эдилар. Бироқ, ҳозирча бу ишдан тўхтаганларича йўқ, аксинча, ҳар йили аввалгисидан кўра кўпроқ даромад олмақдалар. Айтиш мумкинки, зарар кўрмайдилар, балки фойда оладилар.

Мен: Ажабо, Бухоро тужжорлари бухоролик бўла туриб, ўз шаҳарларининг паст-баландини бегоналардан яхшироқ билсалар-да, нега пахта савдосидан зарар кўрмақдалар? Бегоналар бегоналигига қарамасдан, Бухоронинг йўл-йўригини билмай, қандай қилиб фойда олибдилар?

Тоғжир: Бегоналар барча усқуналарини ўзлари курадилар, тузатадилар, биз бу жиҳатдан уларга муҳтожмиз ва шунинг учун ҳам бизнинг харажатимиз уларнинг харажатидан кўпроқдир.

Мен: Сизларнинг фалокатга ботишларингизнинг сабаби фақат бугина эмас. Яна бир йирик иллат ҳам бор. Ажнабийлар ўзлари иттифоқ ва бирликка эга. Сизлар эса, пулларингизни ҳаминша ўзаро қарама-қаршиликларингиз йўлида сарф этасизлар. Молни сотиб олаётган пайтда сизнинг фикр-ўйингиз бухоролик фалон бой устидан ғалаба қозониш борасида бўлади. Ундав кўпроқ мол олиб, уни сандирсангиз бас. Шунинг учун жуда кўп ҳолда бир-бирларингизга қасд этиб, пахтани Москов нархидан тўрт баравар ошиқ олиб, тенгсиз зарар кўргансизлар. Тери сотиб олишда ҳам ахвол шу. Бироқ ажнабийлар бу йўлни тутмайдилар. Улар бозорга кириб савдо қилишдан олдин, тўпланишиб маслаҳат қилишади. Кўрадиларки, пахтанинг нархи Масковда ўн беш сўм, улар бу ерда ўн сўмдан оширмасликка қарор қилишади. Кейин бозорга кириб, ўз



аҳдларида туриб савдо қиладилар. Пахта нархи ўн сўму бир тангага тенг келиши биланок, барчалари ҳамёнлари өзини бекитадилар. Чорасиз қолган дехқон яна бир танга тушиб, арзон сотади. Энди сизнинг фикрингиз ва менинг қарашларимни бир жойга жамласак, қуйидаги натижа ҳосил бўлади:

1. Бегоналар ўзаро иттифоқ тузиш ва бирлашиш кучига эга, сизларда эса нифоқ ва бегоналик бор.

2. Бегоналарнинг ўз фабрикалари бор, сизларда йўқ.

3. Улар савдо илмини неча йил зўр бериб ўқиганлар ва билладилар, сизлар билмайсизлар.

Шунинг учун ҳам улар фойда кўрадилар, сизлар — зарар. Шунинг учун пахта тижоратини бутунлай ва пилла тижоратини қисман сизлардан олганлар ва аминманки, агар ускунасилик ва илмсизлик, ўзаро нифоқлар тугамаса, тери тижоратини ҳам бой беришингиз шакл-шубҳасиздир. Бошқалар сизларнинг тижоратингизни тартиб олмаслиги учун нима қилиш керак?

Энг аввало, ўртангизда иттифоқ ва бирлик бўлмоғи лозим. Дини мубийнимиз ислом ҳар хусусда ҳам иттифоқ ва бирликни амр этган. Оҳ, агар уламоларимиз шундай бир муҳим илоҳий амрни бизга дурустроқ тушунтирсалар эди ва биз ҳам амал қилсак эдик, бугун бунчалик қаттиқ балоларга учрамас эдик. Кейин, сизларнинг ўз фабрикаларингиз бўлмоғи лозим.

Шуни тан олиб айтаманки, бугун Бухорода сармоёси ҳам фабрика қуриб, ҳам тужжорлик қилишга етадиган киши йўқ. Агар ўрта бухоролик сармоёдорнинг пули бир жойга тўпланса, тўртта фабрикага эга бўлиш мумкин ва бу сармоё эгалари мўваффақият билан савдо ишини юрита оладилар. Оврўполиклар ширкатларнинг афзаллигини яқинда кашф этиб, ўз миллатларини бу ширкатларни тузишга даъват этдилар. Бироқ, бизнинг пайғамбаримиз

бундан бир минг уч юз йил олдин амр этиб деган эдилар: “Оллоҳ таоло дейдики, иккита бир-бирига хиёнат қилмайдиган шерикларни мен ҳимоя этаман ва қачонки хиёнат этсалар, менинг ҳимоямдан маҳрум бўладилар”.

Учинчидан, сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо илмида ўқитингиз, чунки бегоналар тижорат илмидан хабардор, сиз эса беҳабарсиз. Оллоҳ таоло бу маънини Куръонда хабар берган: “Билмаганлар билганларга тенглаша олмайдилар”. Яна бошқа масала ҳам бор. Буни ҳам арз этай. Тижоратдан мақсад — бойлик орттиришдир (яъни пул топиш). Аммо, сарватни кўлга киритишнинг йўли фақатгина тижорат эмас. Бунинг жуда кўп йўллари бўлиб, тижорат — шулардан биридир. Бошқа йўл: “ихрож санъати”, яъни ер ости бойликларини чиқариб олиш ва “амал санъати”, яъни ускуналар (фабрика, заводларни) яратишдир. Афсуслар бўлсинки, сиз бухороликлар бу иккала томонга мутлақо эътибор бермагансизлар. Бухорога тегишли ерларда тилла, мис, темир, кўмир, лампа мойи ва бошқалар кўпдир. Сиз бухороликлар улардан баҳраманд бўлмаганларингдан кейин, бу бойликлардан нима фойда? Яна қайтараман, йирик ширкатлар тузиб, нифоқ ва бегоналикни бир томонга йиғиштириб, интилиш ва ҳаракатларингизга мунтазир қолган ва худонинг неъматини бўлган ер ости бойликларидан баҳраманд бўлингиз. Аммо бу бойликлар, рудалардан фабрика ва машиналар ёрдами билан тоза ва озода ҳолда фойдаланиш лозим.

Шуни ҳам билингки, агар сиз бухороликлар, таъкидлаганимдек, бу худо берган неъматдан фойдаланмасангиз, албатта ҳаял ўтмай бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирининг устида фабрикалар ва хайратангиз машиналарни ўрнатадилар. Дунё-дунё пул ишлаб оладилар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар



қилинади. У вақтда сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолди, уларнинг хизматларига бўйин эгишлари муқаррар.

Бугунги кунда “аъмал санъати”нинг бир қисми, масалан, алоча тўқиш ва бошқалар сизнинг мамлакатингизда мавжуд, бироқ буларнинг барчасини эски усул билан қургансиз. Агар уларни қайтадан, янгича қурмасангиз, санъатларнинг барчаси ҳам кўлингиздан кетиши муқаррар.

Муродим насихат айтмак, айтдим.

Худога топширдим, дедим-у, кетдим.

### Садриддин Айний “Бухоро инқилобининг тарихи”<sup>60</sup>

*Садриддин Айний (1878-1954) XX асрнинг биринчи чорагида Бухоро амирлиги ва БХСРда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, таниқли адиб, ўзбек ва тожик халқларининг сеvimли ёзувчиси эди. У Ўзбекистон ФА нинг фахрий аъзоси (1943 й.), Тожикистон ФА нинг биринчи президенти (1951-54) ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940) бўлиб, кўплаб тарихий, бадиий ва илмий асарлар яратган. Унинг ижодий мероси асосан тарихий мавзуларда эди.*

*Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилобининг тарихи” номли асари 1920-1921 йилларда ёзилган бўлиб, XX аср*

<sup>60</sup> Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилобининг тарихи” асари Бухоро Республикаси Маориф вазирлигининг маълумотида (1920 йил сентябрь) инқилоб тарихини ёзиш учун тузилган махсус комиссия буюртмаси асосида ўша йили мартда ёзи, тугатилган. Бунга қадар у 1918 йилда ўзининг илк йирик тарихий асари – “Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро” (Бухорода фикрий инқилоб тарихи) асарини ёзган эди. Мазкур асарнинг ўзбекча қайта ишланган вариантыга 1919-1920 йиллар воқеаларини киритилган ва илк бор 1920 йил сентябрь-1921 йил февралда “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг бир неча сонидида чоп этилган.

*бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий жараёнлар, ислохотчилик ҳаракатлари воқеалар гувоҳи ва иштирокчиси томонидан ёритилган муҳим манба ҳисобланади.*

*Асар тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг 1908-1917 йиллардаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихига бағишланган иккинчи қисмида янги усул мактаблари, мутаассиб уламо билан тараққийпарварлар орасидаги баҳс-мунозаралар, Ёш бухороликларнинг яширин жамияти ва унинг фаолияти тўғрисида муфассал маълумот берилади<sup>61</sup>.*

*Асар илк бор 1926 йилда Москвада мафкуравий тазйиқлар таъсирида катта қисқартиришлар билан араб имлосида нашр қилинган. Садриддин Айнийнинг саккиз жилдлик танланган асарларининг биринчи жилдига ҳам асар катта қисқартиришлар билан киритилган.*

*2010 йилда асарнинг ЎЗР ФА Шарқишунослик институтининг кўл ёзма асарлари жамғармасида 2125 ва 36 рақамлари остида сақланаётган нусхалари асосида илк бор илмий-танқидий матни тайёрланиб, нашр этилди<sup>62</sup>. Қўйида ушбу нашр асосида асардан Бухоро амирлигида Россия империясига сиёсий қарамлик шароитида Рус сиёсий агентлиги томонидан олиб борилган тазйиқлар, ёш бухороликларнинг яширин жамиятлари ҳақидаги парчалар келтирилади. Асарни табдил қилиш жараёнида матн мазмунининг тушунарли бўлиши учун тиниш белгилари ўзбек тилининг ҳозирги имло қоидаларига мос*

<sup>61</sup> Асарнинг ёш бухороликлар ҳаракатига оид қисми мустақиллик даврида Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллиги муносабати билан тайёрланган илмий тўпламда чоп этилди. Қаранг: Файзулло Хўжаев 100 йил. Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Д.А. Алимова. Тошкент, Фан, 1997.

<sup>62</sup> Sadral-Din Ayni. Bukhoro inqilobining tarixi. Nashrga tayyorlovchilar: Shimada Shizuo, Sharifa Toshva. Tokyo, 2010.



*равшида ўзгарттирилди, синиқ қавс орасида баъзи форсий ва арабий сўзларнинг ўзбекча таржимаси берилди.*

*Ш.Тошева*

### Жаҳон уруши ва рус элчихонаси

1914 йил июль ойинда жаҳон муҳорабаси [уруши] бошланиб, дунё тарихинда янги фасл ва боблар очилди. Рус элчихонаси маъмурлари уруш чоқларинда умумий аҳволни диққат билан, фақат мутаваҳхимона [ваҳимали] бир суратда таъкиб этмакда эдилар.

Рус маъмурларининг уруш чоғинда тутган ҳатти-ҳаракатларини баён қилмасдан бурун буларнинг умуман тутган йўллариндан бир оз маълумот бериб ўтмак лозим кўрунадир.

Рус ҳукумати мустабидаси давринда Бухородаги рус маъмурларининг мақсад ва ҳолатларини икки нуқтага хулоса қилмоқ мумкиндир. Биринчиси, ўз шахсий манфаатларини ҳар восита билан бўлса-бўлсун, ҳосил қилмоқ. Иккинчиси, ҳақ бўлсун, ноҳақ бўлсун, ҳар ерда рус ҳукумати мустабидасининг қуввату нуфузини кўрсатмак эди. Ушбу икки матлабни шундоқ йўллар билан ҳосил қилар эдиларки, рус давлати муаззамасининг мужассам мисоли бўлмоқ ўрнида давлатнинг обрўй ва номусининг барбод бўлишига сабаб бўларлар эди.

(152) Авбош ва фирибгарларни рус раияси деб ҳимоя қиларлар, булар ҳар кимсага ҳар қандай таарруз [ҳамла, зиён, ранж] қилсалар, машруъ [қонуний, шаръий] саналар, номусу моли талаф бўлгон Бухоро раияси гуноҳкор ва айбдор ҳисобланар эди.

Банк ва фирмалардан қарздор бўлгон Бухоро раияси эфлос (банкрот) эълон қилдиғи (синдиғи) тақдирда ёки ўлса, уйи ва хотун-болаларининг кийимларигача сотилиб олди, қарзнинг қоламаси онинг қавму қариндошлариндан тўлатилар, агар бу билан ҳам қарз адо бўлмаса, онинг

ҳисоблари (нотўғри бўлса ҳам) бир тийин қолмасдан берилар эди.

Ҳатто бирон рус раияси Бухоро раиясиндан сохта бир вексел билан ҳақ талаб қилса ҳам Бухоро ҳукумати рад қила олмас ва онинг матлабини ижро қилишга мажбур эди.

Бухоро шаҳрининг ичи ва машҳур вилояту туманлари рус хуфияси ва рус воқеанавислари билан тўлдирилгон, бу воқеанавислар ҳар бир кимсанинг молу номусига ҳокими мутлақ эдилар.

Сўнг замонларда Бухоро дарвозасининг остинда вокзал майдонинда рус пўлис [полиция] идораси очилди. Бу идора Бухоронинг ичинда ҳар бир ишга мухтор ва муктадир [қодир] эди. Бухоро ҳукумат маъмурлари ва Бухоро раиялари ушбу идоранинг амрлариға бўйинсунмоқдан бошқа чоралари йўқ эди.

Ҳусусан, ушбу идоранинг бошиға Вельман исмли бир кимса ўлтурғондан сўғун шаҳардан амният бутун барҳам еди. Яроқ ахтармоқ баҳонаси ила ҳар бир уйни бориб босар, истаган кимсаларини обрўйсиз қилдирар эди. Хуфиялик (воқеанавислик) учун Бухородан ҳар бир номуссиз ва авбош кимсаларни ўз теварагига йнган, булар кечаю кундуз маст бўлиб, очикдан-очик ҳар бир фасодни қилиб, истаган одамлариндан ришва олиб, истаган ўғул ва қизлариға таарруз қилиб юрарлар эди.

(153) Бухоро вокзалинда бир қиморхона бор эди. У қиморхона Вельманнинг ҳимояси остинда саналдиғиндан ҳар бир таарруздан маҳфуз эди. Бутун бузуклар, бутун ўғрилар, бутун воқеанавислар онда йнғиларлар, ҳар бир фасоднинг плани ўшал ердан қизилиб чиқар эди. Вельман жанобларининг бир танаффусгоҳи (дам олатурғон ўрни), бир манбаи воридоти у қиморхона эди.



Умумий уруш чоқларинда император бандаларининг бузук ва мустабидона ишлари тараккий қилди. Элчихона маъмурлариндан Шулга (Шульга) исмли бир кимса рус давлатининг қувват ва нуфузиндан истифода қилиб, ўз манофеи хасисаси учун яхшигина хизмат қилди.

Шулга баъзи каттароқ ҳоким ва қозиларга хат ва хабар йўлини очиб, дўстлик кўрсатар, лозим бўлдиғи вақтларда ўз ҳимоят ва муовинатини ваъда қилар, шу билан ҳадя ва таоруф йўли (тўғри иборат билан, ришва тариқи) очилар эди. Бухоро ҳукумат маъмурлари ҳам бу тўғрида “қушлар тилини қушлар тушунарлар” мақолинча румузи фаҳм эдилар.

Шундоққа вақтларда ош қилиб, элчи ноиб жанобларини хурсанд қиларлар эди. Агар ушбу ҳокимлардан биронтаси ноиб жанобларининг муддаосини англамаса ёки ўзини билмасликка солса, вой, онинг ҳолига вой! Онинг бошига бирон фалокат келиши аниқ эди.

Чунончи, Шулга машҳур қозиларнинг бирисига бир неча қатла мактуб ёзиб, дўстлик кўрсатди. Бунга муқобил мазкур қози ҳам қуруқ дўстлик мактубиндан бошқа бирон нарса юбормади. Зеро, Шулга воситаси ила тараккий қилишни нафси қабул қилмади. Оқибат Шулга бир нафар фирибгар рус раиясининг муурофааси [даъволашиш, судлашув] баҳонаси ила Бухоро ҳукуматиндан мазкур қозининг азлини [лавозимидан четлатишни] талаб қилди. Амир ва қўшбеги мазкур қозини бир неча кун маъмуриятиндан олиб, Бухорода сақладилар ва журмона [жарима] баҳонаси ила бир маблағ ақча элчихонага бергандан кейин қозини яна ўрнига юбора олдилар.

Шулга ўзининг хусусий манфаатини кўпроқ элчихонада эскидан бери хизмат қилиб келган Мирзо Аҳмадбек воситаси билан ҳосил қилар эди. Бирон кун

ишнинг усти очилиб, масъулият ўз бўйнига тушмак эҳтимолиндан кўркиб, ҳар кимнинг олдинда Мирзо (154) Аҳмадбекни гайримўътамад [ишончсиз] ва ришвахўр [порахўр] кўрсатар эди. Ушбу тадбир соясинда, агар Мирзо Аҳмадбекнинг бирон кимсадан Шулга исмига ришва олдиғи билиниб қолса, Мирзо Аҳмадбекнинг ўз хиёнатиндан саналар ва Шулга жаноблари оппоқ оқланиб қолар эди.

Шулга жаҳон муҳорабаси чоқларинда ҳар вақтдан кўпроқ манфаат ҳосил қилмоққа киришди. Сиёсий тухматлар билан одамларни тухматлаб, масалани ришва [пора] билан ҳал қилаберди.

Шулга Бурҳониддин қозикалон ва онинг иниси Мир Икром маҳдум билан ўзини қалин ва қил ўтмас ошна ҳисоб қилар эди. Ушбу дўстлик Бурҳониддиннинг қози бўлиши муқаддимасидан бошланиб эди. Бурҳониддиннинг қозикалон бўлишига муҳим ўйинни Шулга ўйнагон эди. Табиий, мунга муқобил қозикалон ҳам дўстлик нишонасини Шулганинг орзусиндан ортиқроқ кўрсатган эди.

Қозикалонлик мансабига ёрлашгандан кейин на Бурҳониддин, на Икром маҳдум дўстона зиёфат ва мактублардан бўлак кўзга кўринарлик бирон хизмат кўрсатган бўлмасалар керакки, Шулга бошқа бир йўл тутди: “Қоракўл қозиси Икром маҳдум сиёсий суҳбатлар қилар эмиш, мунга танбех бермак лозим”, деб қўшбегига мактуб ёзди.

Элчихона олдинда туратурғон Бухоро маъмури Ато Хўжа воситаси ила Икром маҳдумнинг ўзига ҳам юқоридаги мазмунда хат юборди. Натижада, масала буюк бир ҳадя билан ҳал бўлди.

Бурҳониддиннинг ўзига ҳам “куёвингиз ва ўглингиз сиёсий суҳбатлар қилар эканлар”, деб хусусий хат ёзди.



Ушбу хатдан муддао ҳосил бўлмагониндан кейин иккинчи қатла шиддатлироқ “ўғлингиз ва куёвингиз маъхаз [оваза, миш-мишлар] ва мансабларга тадохил [дахл] қилар эмишлар. Ўзингиз мурофааларни шариатга мувофик сўрамас экансиз. Халқ сиздан ҳамиша норозилиқ қилиб, бизга мурожаат қиларлар...”. Мактубнинг охирида “мактубнинг ҳомили [етказувчиси] ҳар нима сўйласа, тўғри саналсин” жумласини илова қилиб, Мирзо Аҳмадбек ила юборди.

Бурхониддин мазкур мактубни ўқуғондан кейин Мирзо Аҳмадбекдан шифоҳий сипоришни [оғзаки топшириқни] ҳам бу муаммонинг ҳали чорасини сўради. Мирзо айтди: “Сиз дўстларнинг кадрини билмайсиз. Ноиб жаноблари сизга кўп хизматлар қилдилар. Сизнинг ушбу мансабга етишмагингизга чадашдилар. Аммо сиз хайрихоҳ дўстларингизни эсдан чиқардингиз. Шулга жаноблари бу йил уйландилар. Сиз бирон нарса тўёна гуён ҳам юбормадингиз!...”

(155) Ушбу мусохабанинг [суҳбатнинг] натижасинда қозикалон Шулгага муҳим ва тузук бир ҳадя (сода ибора ила, ришва) юбормоқчи бўлди. Мирзо Аҳмадбек ушбу маблағнинг олтин (тилла) бўлишини шарт қилди. Хулоса, Мирзо Аҳмадбек ила бир маблағ олтин (сова эсимдан чиқибди) Шулгага юборилди.

Мирзо Аҳмадбек ушбу олтин воситаси ила бу икки дўсти холиснинг ораларини тузатди. Мунинг кетиндан Шулга қозикалонга розилиқ ва дўстлик изҳор қилиб, яна бир мактуб юборди. (Қозихонадаги бир дўстим воситаси ила ушбу мактубларни биззот [моҳиятан, шахсан] мутолаа қилган ва мусохабаларни тафсилоти билан онглагон эдим. Ушбу воқеа 1915 йилда эди.)

Энди бу ерда бир оз муҳокама юритайлик. Агар ҳақиқатан сиёсий суҳбатлар бор бўлуб, они йўқотмок

мақсад эса ёки мумтанъ ул-ислоҳ [ислоҳ этиб бўлмайдиган] бўлгон қозихонанинг ислоҳи матлаб бўлса, нима учун бир миқдор ҳадя билан масала ҳал бўлди? Мундан очик билинадирки, у замондаги рус маъмурларининг мақсадлари ўз манфаатларини ҳосил қилмоқ ва бу йўлда ҳар турли тухмат ва разолатлардан кейин турмак экан.

### Рус маъмурлари ва ёшлар<sup>63</sup>

Умумий уруш бошлангондан кейин рус маъмурлари кўпроқ ёшларни таъкиб қила бошладилар. Шаҳарни воқеанавис билан тўлдириб, бутун амниятни барҳам бердилар.

1915 йил ёз фаслида Шулга ичкари Русияга кетди. Ушбу дипломат қайтиб келгунча аҳвол бир оз тинчланиб турди. Эсимдан чиқгон бўлмаса, 1915 йил август охирлари ё сентябрь бошларинда Ғиждувон туманига ўз уйимга борган эдим.

Бир кун Ғиждувон бозоринда Бухородан янги келган бир дўстим билан кўрушиб, шаҳарнинг аҳволини сўрадим. Дўстим тинчлик ва омонлик жавобини бергандан кейин Шулганинг Русиядан келганлиги хабарини берди. (156)

Мен: “Шулга келган бўлса, бирон янги ҳодиса ижод қилмадимми?” – дедим. Дўстим: “Шулганинг келишига уч кун бўлди. Бир-икки кунни расмий зиёратлар билан ўтказди. Бирон нарса тўратмоқчи бўлса, мундан буён тўратар”, – деди.

Ушбу ҳодисанинг эртаси куни ўзим Бухорога бордим. Хужрамга кираётгонда мадраса муаззини: “Бугун сизни кўшбеги одами ахтариб келиб эди”, – деди.

Рухшунослик фаросати билан Шулганинг бирон ўйин ўйнадиғини муқаррар қилдим. Оқшом аҳволни кўшбеги

<sup>63</sup> “Ёшлар” деганда Садриддин Айний “Ёл бухороликлар”ни назарда тутган.



котиблариндан бўлгон бир дўстимдан таҳкик этдим. Дарвоқе, бугун кўшбеги бир неча одамларни олдиға чақириб, “сизлар сиёсий суҳбатлар қилар экансизлар” деб танбеҳ қилгон экан ва меним отим ҳам оларнинг орасинда бор экан.

Кўшбеги одамнинг такрор келишини кутмасдан, эрта билан ўзим туриб кўшбеги олдиға бордим. Насруллоҳ кўшбеги мани танимас эди. Исм ва лақабимни айтиб, нима учун чақирилдиғимни сўрадим. Кўшбеги тиззасининг олдиндан бир коғозни кўтариб ўқиб, менга қараб айтдики: “Рус ахборнавислари бир неча кишини сиёсий суҳбат қиларлар, Русиянинг шикасти, Германия ва Туркиянинг ғалабасиндан сўйлашарлар, деб ёзмишлар. Сизнинг исмингиз ҳам шул орада бор”.

Мен: “Мен бирон киши билан бориш-келиш қилгон эмасман. Сиёсий суҳбат нари турсин, оддий суҳбатлардан ҳам хушланмайман. Аҳволимни мадраса аҳолисиндан тафтиш қилсангиз маълум бўлур”, – дедим.

Кўшбеги: “Фитрат ила бориш-келишингиз йўқми?”

Мен: “Йўқ!”

Кўшбеги: “Маърифат кутубхонасиға борасизми?”

Мен: “Маърифат кутубхонасиға китоб, қалам, коғаз каби нарсалар олмок учун кунда бораман. Лекин онда ўлтуруб бирон кимса билан суҳбат қилгон эмасман”, – дедим.

Кўшбеги: “Ундок бўлса, сизнинг исмингиз бу рўйхатда яна учинчи даражасинда нима учун ёзилгон?”, – деди.

Мен: “Мунинг ҳақиқий сабабини албатта ёзгон одам билур. Эҳтимолки, меним доиман газета (157) ўқушимдан воқеанавислар сиёсий суҳбатларни интизо қилгон бўлсалар”, – дедим.

Кўшбеги: “Сабаб маълум бўлди. Нима учун газета ўқийсиз?”, – деди.

Мен: “Газета ўқуш мамнуъ [ман қилинган] бир нарса эмас. Газеталар рус матбааларинда босилиб, рус сензуларининг [цензорларининг] кўлиндан ўтиб, рус почтаси билан кунда юзларча нусхаси Бухороға кела, мингларча одамлар ўқийдирлар. Менга қолгонда нима учун бу иш мамнуъ бўлсун?”, – дедим.

Кўшбеги: “Сиз машҳур бир мулло. Сизнинг газета ўқушингиз диққатни жалб қиладир. Сиз китоб ўқунг, Куръон ўқунг, муносиби шул!”, – деди.

Мен: “Куръон ва китоблар ҳам ўз вақтинда, ўз навбатинда ўқилур. Мен мутолааға ҳарис бир кимса. Ҳам ҳирсим ишқ даражасинда етишган. Агар бирон кун газета ўқимасам, хафакон хасталиғига учраб, ҳароб бўламан”, – дедим.

Кўшбеги ушбу жавобдан бир оз кулгандан кейин: “Ундок бўлса, муҳораба битгунча газета ўқиманг”, – деди.

Мен: “Бир неча газета ва мажмуаларға муштарийдирман. Хоҳ ўқисам, хоҳ ўқимасам, рус почтаси келтириб берадир. Шунинг учун бу ваъдани бера олмайман”, – дедим.

Кўшбеги қайси газета ва мажаллаларға муштарий эканлигимни сўраб, муносиб жавобларни олгондан кейин, тиззасининг олдиға ишорат қилиб: “Мана бизга ҳам ҳар турли газеталар келадир. Ўқимайман денг, сизга рухсат”, – деди.

Ҳар нима бўлса, ушбу дарма-дароз истинток [сўроқ] ёки мусохаба натижасинда танбеҳ ва таҳдид кўрмасдан, кутулиб кетдим. Ушбу рўйхатда Мирзо Саҳбо, Ҳожи Додхоҳ, Ғозибек, Ҳожи Абдусаттор, Мирзо Абдувоҳид, Аҳмаджон маҳдум, Мухйиддин маҳдум, Фитрат ва бошқа қиркға яқин одамларнинг исми бор экан. Буларнинг бир



кисми ёшлардан бўлуб, қолгон бир кисми Мирзо Урганжийнинг ўгли каби кимсалар бўлуб, буларнинг отларини бу орада ёзмок кўрkitиб ришва (158) олмок учун эканлиги беиштибох эди.

Таажжуб бу ердадирки, ушбу рўйхатда тафтиш кунидан икки ой бурун Русияга сафар қилиб ва у кунларда Макарияда<sup>64</sup> бўлгон Порсо Хўжа, Мирзо Иззатулла ва Хожки Хамроҳ каби зотларнинг ҳам исмлари ёзилгон эди. Мундан маълум бўладирки, рус маъмурлари ҳеч бир ишни тафтиш қилмасдан, маълум бир мақсад ила яширин вақтларинда ёзилиб кўюлгон исмларнинг нухасини кўтариб, кўшбегига юборган эканлар. Кўшбеги рўйхатда исмлари ёзилгон кимсаларнинг Бухорода топилгонларини ўз олдиға чақириб, танбеҳ қилди. Шу билан ушбу масала бир даража битди.

Бухорода истибдод замонинда бўлмагонлар ёки мундан буён дунёга келатургонлар истибдоднинг бу даражасиға хайрон қолиб, эҳтимол, муболагага ҳамл қилсалар [йўйсалар] ва расман нашр бўлуб тургон ғазеталар ўқишининг манъини [ман этилганиға] инонмасалар. Лекин бу ҳақиқат эди.

Бизнинг хушбахтлигимиздан ушбу воқеа чоғинда Бухоро кўшбегиси Мирзо Насруллоҳ эди. Худо кўрсатмасун, агар бу ишнинг асосинда Мирзо Урганжий каби бир одам кўшбеги бўлса эди, ҳеч бир сўзсиз, сўроғсиз бизнинг ётатургон еримиз обхона бўлур эди.

Мундан сўгун Шулга қози Бурҳониддинға ҳам бир мактуб ёзиб, ёшларға қарши ҳаракат қилишға ундади. Мактубнинг бир еринда: “Сиз кўркмасдан ушбу фирқани йўқотишға чалишингиз! Бу тўғрида биздан ҳар бир ҳимоятни кўрарсиз” – деди.

<sup>64</sup> Макария – Нижний Новгороддаги савдо ярмаркаси.

Хулосаи калом, Бухоро халқининг орасинда “ноибча” деб машхур бўлгон ушбу дипломат ўзининг ким эканлигини ёлғиз ёшларғагина эмас, бутун Бухоро аҳолисиға танитди.

### Яширин жамиятни таъқиб<sup>65</sup>

Жахон уруши асосинда рус маъмурлари Бухоро ёшларини диққат билан таъқиб қилдиклари учун яширин жамият тез-тез йиғилмас ва йиғилгон чокларда ҳам шаҳарнинг бирон бурчагинда йиғилиб, ишини камоли эҳтиёт билан юритар эди.

Рус элчихонаси тўғри бир ахбор билан эмас, қиёсан бир яширин жамият борлигини сизди. Кўкалдош мадрасасинда ушбу сатрларни ёзғучи турдигиндан, Дастурхончи гузаринда Фитрат афанди ва Фазлиддин маҳдум каби машхур таракқийпарварлар бўлдиқлариндан яширин жамиятнинг йиғилатургон ўрни ушбу ерларда бўлур, деб гумон қилди.

Ушбу қиёс ва гумонларға биноан кўшбеги қозикалонға: “Кўкалдош мадрасасинда ва Дастурхончи гузаринда яширин жамият бор экан. Яширин одамлар воситаси ила ушбу жамиятдан йиғилгон чоғинда хабардор бўлиб, аъзоларини ҳибс ва дафтарларини забт қилингиз”, деб мактуб юборди (Ушбу мактуб келган кун ёшларға маълум бўлиб эди).

Кўшбеги билан қозикалон мазкур ерларда яширин терговчилар қўйиб, бир ой чамаси кўзлатдилар. Терговчилар Кўкалдош мадрасаси ичинда опналар пайдо қилиб, оқшомлар пойландилар. Табиий, ушбу таҳқиқ ва тафтишлар натижасинда бирон фойда қўлға кирмади. Лекин элчихона аъзолари ва пўлис (полиция) маъмурлари

<sup>65</sup> “Яширин жамият” деганда Садриддин Айний ёш бухороликларнинг яширин уюшмалари ва фаолиятини назарда тутган.



хақиқат даражасинда аниқ деб гумон қилдиклари яширин жамиятни тола олмайин, жонлари сиқилар ва тобора диққат билан таъкиб қилар эдилар.

Рус пўлисининг бошлиғи Вельман ўзи биззот ишга киришиб, Бухоро ҳукуматининг воситачилиғидан бошқа тафтиш қила бошлади. Бу жумладан, Кўкалдош мадрасасинда турғучи Акбархон билан ошна бўлуб, онинг воситаси билан ҳар турли хабарлар топмокчи бўлди. Табиий, Акбархон ҳам мадрасадан бирон хабар топиб бера олмади. Зеро, мадрасада ҳеч бир нарса йўқ эди. У кунларда мен Акбархоннинг Вельман одами эканлигиндан хабарсиз эдим. Ҳар бир баҳона ила хужрамга келиб кетар эди.

(160) Бир оқшом шом билан хуфтан орасинда Акбархон келиб, мени ўз хужрасига чақирди ва: “Хужрамга бир татар меҳмон келди. Сиз билан кўрушмак истайдир” деди. Қабул қилиб, бордим. Хужранинг эшигиндан кирар-кирмас кўзим меҳмоннинг кўзига тушди. Диккат қилиб қарасам, беқасам тўн кийиб, юзини театр сахнасига чикатургон артистлардек бўяб, тўрға ўлтургон татар афанди пўлис мудирини Вельман жаноблари эди.

Табиий, мен ўзимни билмасликка солиб, кўрушуб, ҳолу ахвол сўрашдим. Асли қайси губурнадан<sup>66</sup> бўлуб, ҳозир қайда турдиғини ва нима иш билан машғул бўлдиғини сўрадим. Биринчи саволимнинг жавобини берар-бермас, иккинчи, учинчи, тўртинчи саволлар берар эдим. Ярим соат чамаси шундоққа маънисиз саволлар билан меҳмон татар қиёфасига кирган пўлис мудирини жанобларининг бошини шишдуруб, “хужрамда зарур ишим бор”, деб мусоада олиб, “бисмиллоҳ” деб ушбу шайтоннинг олдиндан чиқиб кочдим.

<sup>66</sup> Губерния.

### Уруш чоқларинда ёшларнинг ишлари

Уруш чоқларинда ёшлар кўзга кўринарлик бирон иш қила олмадилар. Юқорида ёзилдиғидек, расман мактаблар боғлиқ бўлдиғиндан маориф иши сактага [турғунликка] учрагон эди. Шунинг ила баробар ёшлар орасинда хусусий ўқиш ва ўқитиш яхшигина борар эди. Абдурауф Фитрат ўз уйинда ўлтуруб, мурожаат қилгон ёшларга дарс берар, таълим ва тарбия йўлинда кўшиш қилар эди.

Абдурауф Фитрат уйиндан бошқа яна бир неча жойда хусусий мактаблар бор эди. Бу жумладан, қаршилиқ Ҳожи Абдумажид уйинда Мукмилиддин махдум қўл остинда, Мирзо Муҳиддин уйинда, Фулом Қодир қўл остинда, яна бир неча жойларда яширин суратда (161) бошқа муаллимлар қўл остларинда хусусий мактаблар давом қилмокда эди.

Шаҳрисабзда шаҳид Ислонқул тўқсоба ҳимоятдаги мактаб расман давом қилмокда эди. Ушбу мактабда бир неча вақт бухороли Ато Хўжа муаллимлик қилди, сўнгра Шаҳрисабзнинг ўзиндан шаҳид Мирзо Юсуф ва шаҳид Низом махдум етишиб, ўз ишларини ўзлари бажара бердилар. Каркида ҳам ишлар яхши бормокда эди. Карки биззот рус ҳимоятига бўлиб, ондаги илмий ҳаракатларга Бухоро ҳукумати ва онинг қозикалони таарруз қила олмади.

Бухорода “Баракат ширкати” ва “Маориф кутубхонаси” теварагинда муҳим бир қисм ёшлар йиғилгон, камоли жиддият билан халқга янги адабиёт ва янги фикрлар таркатмокда эдилар. Мухораба муносабати ила халқнинг ҳар бир табақаси матбуот ва газеталарга рағбат кўрсатган ва бу сояда ёшларнинг ташвиқотиға кенг йўл очилгон эди. Самаркандда муфти Маҳмуд Хўжа (Маҳмудхўжа Бехбудий) қўл остинда чикатургон “Ойна”



мажалласи бир даража ёшларга ношир афкорлик вазифасини ўтаб турар эди.

Атрофда ҳам адабиёт тарқалиши яхшигина эди. Гиждувон, Вобканд, Қорақўл ва Чоржуй туман ва шаҳарларинда даста-даста газеталар ва китоблар тарқалар эди. Карки кутубхонаси ҳар турли асарларни йиғиб, бутун Кийикчи ёшларини ўз теварагинда тўплади.

Уруш чоқларинда, хусусан, рус маъмурлари ва Бухоро ҳукуматининг шиддатли таъкиботлариндан кейин ёшларнинг муҳим ишлари халқга сиёсий фикр тарқатмоқ эди. Бу ишга бир даражада мувофиқ бўлган каби ҳам кўринар эдилар.

Уруш вақтинда Бухоро ёшлариндан Зиёуддин махдум Уфага, Зухуриддин Фатхиддинзода Ўрунбурғга таҳсил илм учун сафар қилдилар.

#### (162) Яширин ташкилотнинг ҳоли

Уруш ватқинда яширин жамият тез-тез йиғилмас эди. Ёлғиз бирон муҳим аҳвол юз бердиги тақдирда бир кеча йиғилар ва лозим кўринган қарорларни қабул қилиб, тарқалар эди. Шундоқ ҳам бўлса, яширин жамият 1917 йил февраль инқилобига доғур Бухоро ёшларига марказлик ва раҳбарлик вазифасини ўтаб турди. Февраль инқилоби асносинда ушбу жамиятнинг сиёсий ишлари бошқа бир жамиятнинг қўлига ўтганлигиндан, табиий, мунинг сиёсий вазифаси тамом бўлди. Шундоқ ҳам бўлса, бу жамиятнинг сирлари умум ёшларга очилмади.

Яширин жамият Бухоронинг илмий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий инқилобига бошлаб хизмат қилдиги сабабли, буюк тарихий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ушбу жамиятга аъзо бўлган зотларнинг исмларини тўплаб, ушбу саҳифаларда ёзиб қўйишимиз лозимдир:

Мирзо Абдувоҳид Манзум, Аҳмаджон махдум Ҳамдий, Фазлиддин махдум, мударрис Ҳожи Рофеъ, мударрис Ҳожи Сирож, Ҳомид Хўжа Мехрий, Мирзо Абдуқодир Муҳиддин ўғли, Аминжон махдум Зиёий, Муҳиддин махдум Судурзода, Абдунаср махдум Судурзода, Порсо Хўжа Ҳасан Хўжа ўғли, Ҳожи Ҳамрох Йўлдош ўғли, Аҳмад Камол, Мукмилиддин махдум Бурҳон ўғли, Мазҳар махдум Бурҳон ўғли, Муҳаммад Назар махдум, Мусожон Йўлдош ўғли, Исмоил Садрий, Ҳожи Абдусаттор даллол, Қори Ҳошим Шоик, Курбонбек юзбоши Шамс ўғли, Мирзо Назруллоҳ Абдуғафур ўғли, Сўфи Абдурахим, Мирза Иззатуллоҳ Амин ўғли, Мирзо Муҳаммад ва Садриддин Айний.

Илм ва маориф йўлига ёшлар ва ёш фикрлилар томонлариндан қилинатурғон иттифоқий ионалар [ёрдам, хайрия] жамият аъзолари воситалари ила ушбу жамият хазинасига йиғилдигидек, жамият аъзолари жамиятнинг сирини очмасдан, бир неча маорифпарварларни муайян ойлик ионага ҳам боғлағон эдилар.

Бу жумладан, Мирзо Муҳиддин Мансур ўғли, қози Шарифжон Садр, қози Саййиджон ва яна исмлари эсимда қолмағон бир неча зот ҳар ой бошинда (163) муайян бир миқдор ойлик бериб турар эдилар. Шунинг ила баробар, маънавий жиҳатдан бўлдиғидек, моддий жиҳатдан ҳам ушбу жамиятнинг оғир юки шул бир ҳовуч ўз аъзоси бўйнига тушар эди.

Жамият хазинасинда тўпланган ақча жамиятнинг умумий мажлиси қарори билан лозим кўринган ерларга сарф қилинар ва ҳисоби жамият дафтарига қайд бўлар эди.



### Жамият аъзолариндан вафот ва шаҳид бўлганлар

Мирзо Фўлад (Пўлат), Салимжон ва Сўфи Абдурахим Бухорода тинчлик вақтинда ўз ажаллари билан вафот қилдилар. Мирзо Назрулла 1917 йилда амирнинг ислохот фармони муносабати билан кўзғолғон аксил ҳаракатда амир томониндан 75 таёқ урилди, уч кундан кейин ушбу жароҳат билан Когон хастахонасинда шаҳид бўлди.

Ҳомид Хўжа Мехрий, Ҳожи Абдусаттор даллол, мударрис Ҳожи Сирож 1918 йилда Қолисиф (Колесов)<sup>67</sup> воқеаси муносабати ила қўлга олиниб, муллоларнинг фатвоси, амирнинг буйруғи билан амир жаллодлари томониндан Бухоро аркинда дегхона дедиклари обхона ичинда бошқа юзларча мазлумлар қаторинда энг каттиг азоблар билан бўғулиб, шаҳид қилиндилар.

Фазлиддин махдум, мударрис Ҳожи Рофеъ 1918 йилда Қолисиф воқеаси муносабати ила Тошкандга хижрат қилгондан кейин у ерда тер хасталиғи (тиф) билан марҳум бўлдилар.

Дунё уруши чокларинда жамият аъзолариндан Мазҳар махдум, Муҳаммад Назар махдум ва Қори Ҳошим Шоик Истанбулда бўлуб, қолгани Бухорода эди.

### Мухаррир тарафиндан ихтор

Жамиятнинг тарихини ёзаётгонимда қўлимда жамиятнинг дафтари йўқ эди. Шунинг учун ҳар бир маълумотни ёддан ва эсдан ёздим. Жамият аъзолари бутун эсимда қолдиклари ила баробар, оларнинг духул [кириш] тарихлари очик бир суратда хотирамда қолмагон эди. Шунинг учун жамият аъзоларининг исмларини ёзаётгонимда духул тарихлари риоя (164) қилинмади.

Юқоридаги сабабга биноан, жамиятнинг харжу дахли

<sup>67</sup> Туркистон Халқ комиссарлар советининг раиси Ф.И. Колесов.

ва Истанбулга қанча талаба юбордиғи ва бошқа ҳисоблари тўғрисида муфассал маълумот бермакдан оғизман.

Шунисини ҳам эсга тушуриб ўтаманки, жамият аъзоларининг бутун исмлари эсимда бор, деб даъво қилдиғим ҳолда, баъзи бир биродарларнинг эсимдан чикиб қолгон бўлиши эҳтимолдир. Агар баногоҳ исми унутилгон жамият аъзоси бўлса, ондан ҳам афв ўтинаман...



## П БОБ. МАҲАЛЛИЙ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

### 1 §. Маъмурий ҳужжатлар

Мазкур бобдан эъжой олган маъмурлар маҳаллий архивлар, хусусан Бухоро амирлиги кўшбегиси ҳамда Хива хонлиги саройида сақланган ҳужжатлардан иборат бўлиб, араб алифбосида форс ёки ўзбек тилларида битилган. Уларнинг аксарияти ҳалигача тўлиқ эълон қилинмаган ва илмий истеъмолга тортилмаган. Ваҳоланки, бу ҳужжатлар ўша даврда хонликларнинг маъмурий-худудий тuzилиши, сиёсий мавқеи, Россия империяси билан муносабатлари ҳақида қимматли маълумотларга эга. Қуйида шу ҳужжатлардан айрим намуналар келтирилади.

#### Бухоро амирлиги маъмурий-худудий тuzилмасига оид ҳужжатлар

Бухоро шаҳри маъмурий-худудий тuzимида гузарлар алоҳида аҳамият касб этган. Бу ҳақдаги маълумотлар О.А. Сухареванинг "Бухоро шаҳри гузарлари"<sup>68</sup> ҳамда академик А.Р. Муҳаммаджонов таҳрири остида чоп этилган "Бухоро амирлигидаги аҳоли пунктлари"<sup>69</sup> тўғрисидаги тадқиқотларида ўрин олган. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг "Бухоро амирлиги кўшбегиси" жамгармасида сақланаётган Бухоро шаҳрида мавжуд бўлган гузарларнинг рўйхати<sup>70</sup> келтирилмоқда.

Н.Исмаилова

<sup>68</sup> Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. М., 1976.

<sup>69</sup> Населенные пункты Бухарского Эмирата (конец XIX – нач. XX вв.). Материалы к исторической географии Средней Азии. Ответственный редактор – академик АН РУз А.Р. Мухамеджанов. – Т., 2001.

<sup>70</sup> ЎзР МДА, И-126 жамгарма, 1-рўйхат, 73-йиғма жилд.

1. Фатхуллох Кўшбеги;
2. Хўжа Таббанд;
3. Саъдагон;
4. Муҳаммад Қосим;
5. Кокилаи Калон;
6. Хуллабофон;
7. Куйи Мўрғкўш;
8. Хўжа Булғор;
9. Пўшти Зоғон;
10. Бозорхўжа;
11. Мехтари ғайр;
12. Имом Қозихон;
13. Муллоён;
14. Мирзо Зухур Девони Калон;
15. Корхона;
16. Калобод;
17. Мехтари Шофёеъ;
18. Ислом;
19. Баракиён;
20. Эшони Пир;
21. Арабон;
22. Шайхшоҳ;
23. Кутлуқ;
24. Мулла хокироҳ;
25. Обиравон;
26. Пўстиндўзон;
27. Сесуқи Тароҳи;
28. Говкушон;
29. Жаъфар Хўжа;
30. Қора Камол
31. Кўчабоғ;
32. Дилкушои Дарун;
33. Марвихона;
34. Хўжа Нуробод;
35. Жуйи Чаппа;
36. Маҳаллаи Песхона;
37. Дўст Чехра Оқоси;
38. Кўчайи Сангин;
39. Масжиди Бисутун;
40. Мирзо Қора;
41. Алока Бандон;
42. Хўжа Низомиддин;
43. Қатакон;
44. Раъадзода;
45. Қалтикиён;
46. Мукулмон Энага;
47. Модархон;
48. Амири;
49. Почоқули Ҳожи;
50. Хўжа Зайниддин;
51. Ҳаммоми Кунжак;
52. Шарифжон;
53. Сиддикиён;
54. Сузангарон;
55. Ҳофиз Кўнғирот;
56. Бозори гул;
57. Дегризи;
58. Мавлоно Шариф;
59. Кимухтгарон;
60. Муллошоҳ;
61. Забуда;
62. Мохитобон;
63. Мағоки Кўрпа;
64. Ҳай;
65. Сиёҳгарон;



66. Хожи Омонбой;  
 67. Махзуми Аъзам;  
 68. Ғозиён;  
 69. Ғарибия;  
 70. Чаҳор Харос;  
 71. Куйи Дарахт;  
 72. Дабиён;  
 73. Мирзожон Қассоб;  
 74. Лаби Ҳовузи Арбоб;  
 75. Бобои Нонкаш;  
 76. Кўхна Махалла;  
 77. Масжиди Алвонж;  
 78. Хўжа Ҳалим;  
 79. Шамсиддин Муҳаммад Шаршара;  
 80. Махаллаи Нав;  
 81. Амиробод;  
 82. Мехтари Қофлон;  
 83. Кўшмадраса;  
 84. Абдуллоҳ Кўшбеги;  
 85. Хўжа Асбгардон;  
 86. Миёнколиён;  
 87. Сўфиён;  
 88. Морқуш;  
 89. Қосагарон;  
 90. Сўрхиён;  
 91. Куйи Хонақоҳ;  
 92. Сарипули Ругангарон;  
 93. Пойи Остона;  
 94. Мир Иброҳим;  
 95. Мехчагарон;  
 96. Хўжа Зомуча;  
 97. Хўжа Порсо;  
 98. Ҳовузи Ойботоқ;  
 99. Кокилаи Хўрд;  
 100. Абдуллоҳ Кўчқор;  
 101. Куйи Дехқонон;  
 102. Шайх Рангина;  
 103. Мирзо Ғофур;  
 104. Мирхошим;  
 105. Муҳаммад Али Ҳожи;  
 106. Хўжа;  
 107. Миртабиб;  
 108. Муддохон;  
 109. Чоршанба Қозоқ;  
 110. Искандархон;  
 111. Комонгарон;  
 112. Тағбанди Бўфон;  
 113. Қосимшайх;  
 114. Қози Зоҳид;  
 115. Хўжа Авлиёи Ғариб;  
 116. Губхона;  
 117. Сарожон;  
 118. Кўқалтош;  
 119. Хўжаи Аробон;  
 120. Миржонқелди;  
 121. Ҳаммоми Қапа;  
 122. Яланги Боқижон Кўшбеги;  
 123. Мехтари Идрок;  
 124. Мирагон;  
 125. Шайх Жалол;  
 126. Урганжиён;  
 127. Ҳовузи Нав;  
 128. Пўхтабофон;  
 129. Хонақоҳи Жўйбор;

130. Чақир (Чақар);  
 131. Чаҳордара;  
 132. Дасторбандон;  
 133. Жуйи Зар;  
 134. Халифа Ҳудойод;  
 135. Шаҳри Нав;  
 136. Жанфари;  
 137. Қарчигай;  
 138. Чармгарон;  
 139. Қирғизойим;  
 140. Эшони Амло;  
 141. Собунгарон;  
 142. Волидахони Шоҳид;  
 143. Боқихон;  
 144. Чуқур Махалла;  
 145. Ахтачи;  
 146. Масжиди Бўланд;  
 147. Хожи Туйғун;  
 148. Шишахона;  
 149. Ҳовузи Бўланд;  
 150. Мирзоён;  
 151. Ўзбек Хўжа;  
 152. Кўчаи Бодом;  
 153. Масжиди Кунжак;  
 154. Баҳодир Қалмоқ;  
 155. Оқмасжид;  
 156. Қулмуҳаммад Хўжа;  
 157. Зиндафил Аҳмади Ҳожи;  
 158. Қобилато;  
 159. Лунги Араб;  
 160. Пахса;  
 161. Муҳаммад Пай;  
 162. Жандагиён;  
 163. Усто Руҳи;  
 164. Муддаё;  
 165. Тақя;  
 166. Дўрмон;  
 167. Шикастабандон;  
 168. Чашмаи Айюб;  
 169. Миржон Али;  
 170. Подшоҳ Исмоил Сомоний;  
 171. Мирзо Бекпоён;  
 172. Жилухонаи Мурдашуён;  
 173. Табибон;  
 174. Писташиқонон;  
 175. Ўрусон;  
 176. Ароқи;  
 177. Абдулбоқи;  
 178. Шермуҳаммад Жавозкон;  
 179. Хўжа Қурбон;  
 180. Назарча;  
 181. Аскарбий;  
 182. Шодимбий;  
 183. Мирзобек Боло;  
 184. Хоссаи Фўлод;  
 185. Жонқувват;  
 186. Гузари Ҳожихо;  
 187. Қуттисозон;  
 189. Бируний;  
 190. Азизон;  
 191. Чуббоз;  
 192. Чоҳи Занжир;



193. Хўжа Калон;  
 194. Олим Хўжа;  
 195. Бурёбоф;  
 196. Чаҳор Бакколи;  
 197. Хўжа Ҳаким Собунгар;  
 198. Шох Оқси;

199. Мавлави Мирзожон;  
 200. Мир Дўстумбий;  
 201. Хонақоҳи Атолик;  
 202. Хонақоҳи Турки Жан-ди Алайх ал-Раҳматуху.

### Бухоро амирлиги ҳокимлари

*Бухоро амирлигидаги энг йирик маъмурий бўлинма – бекликлар ҳокимлар томонидан бошқарилиб, улар мамлакат ҳукмдори амир томонидан тайинланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивидаги И-126-рақамли “Бухоро амирлиги кўшбегиси” жамғармасида сақланган кўшиқдаги ҳужжатда<sup>71</sup> XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вилоятлар ва туманларни бошқарган ҳокимларнинг рўйхати келтирилади. Бу рўйхат ўша даврдаги йирик амалдорлар, мамлакатнинг маъмурий тuzилиши ҳақидаги маълумот беради<sup>72</sup>.*

Н.Исмамова

1. Остонакулбек кўшбеги – Ҳисор вилоятининг ҳокими;
2. Пирназар парвоначи – Кўлоб вилояти (ҳокими);
3. Абдулқодир парвоначи – Балжувон вилояти (ҳокими);
4. Муҳаммад Муродбий додхоҳ – Дарвоз вилояти (ҳокими);
5. Алмосбий додхоҳ – Қоратегин вилояти (ҳокими);
6. Абдулқаримбек тўқсоба – Денов вилояти (ҳокими);
7. Тўра Мўминхон – Бойсун вилояти (ҳокими);
8. Абдулҳалилбий парвоначи – Шеробод вилояти (ҳокими);

<sup>71</sup> ЎзР МДА, И-126 жамғарма, 1-рўйхат, 69-йиғма жиғд.

<sup>72</sup> Мазкур ҳужжатда бекликлар вилоят деб берилди.

9. Эрназарбий додхоҳ – Керки вилояти (ҳокими);
10. Фозилбекбий – Калиф вилояти (ҳокими);
11. Ақромхонтўра – Ғузур вилояти (ҳокими);
12. Жонмирзобий парвоначи – Шаҳрисабз вилояти (ҳокими);
13. Авлиёкулбекбий додхоҳ – Китоб вилояти (ҳокими);
14. Сайидкулбек тўқсоба қалмоқ – Чирокчи вилояти (ҳокими);
15. Тўрахўжа Судур – Қарши вилояти (ҳокими);
16. Абдулрахимбекбий – Яккабоғ вилояти (ҳокими);
17. Кулмуҳаммад тўқсоба – Наразум вилояти (ҳокими);
18. Ҳайдаркулбекбий додхоҳ – Чоржўй вилояти (ҳокими);
19. Хўжабек Қовоқли – Усти вилояти (ҳокими);
20. Мўминбек Мирохўр – Қорақўл вилояти (ҳокими);
21. Муҳаммад Тақобий – Хатирчи вилояти (ҳокими);
22. Қорабек тўқсоба – Зиёвуддин вилояти (ҳокими);
23. Раҳматуллоҳбек тўқсоба – Кармана вилояти (ҳокими);
24. Абдулқорбек тўқсоба – Нурота вилояти (ҳокими);
25. Абдулрахимбек тўқсоба – Қорабоғ вилояти (ҳокими);
26. Абдулсатторбий Баҳрайни – Қабодиён вилояти (ҳокими);
27. Мирзо Муҳаммад тўқсоба – Хўжа Жаҳон (Ғиждувон) тумани (ҳокими);
28. Абдулқодирбек мирохўр – Вобқанд тумани (ҳокими);
29. Мусо Хўжа Ўроқ – Вағонзи тумани (ҳокими)



**Хива хонлиги маъмурий-ҳудудий тузилмаси ва  
хўжалигига оид ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг "Хива хонлари архиви" (И-125) номли жамғармасида сақланаётган Хива хонлигига оид архив дафтари<sup>73</sup> 1910 йилда тузилган бўлиб, хонликнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолиси, аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби, чорва моллари, ер турлари ва миқдори, асосий экин турлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Қўйида ушбу дафтардан мамлакат тарихига оид муҳим фактлар келтирилади. Матн ҳозирги ўзбек тили қоидаларига мос равишда таҳрир қилинди.

Қ. Якубов

**1328 мох-и Жумодил-аввал 17 сйда (26 май 1910 й.)  
тахминан ёзилган Хива тобейининг ҳисоби**

*Даргон Отада ўлтурумли-кўчмали чорвалар*

Хонадонлари	500 адад	экин ерлари (ахё ерлар)	6000 таноб
экилмайдиган ерлари (адро)	5000 таноб	отлари	500 адад
хўкиз ва сигирлари	700 адад	Эшаклари	300 адад
қора кўйлари	10000 адад	Туялари	200 адад

*Садбар тобейлардаги ўлтурумли чорвалари (168-в.)*

Хонадонлари	700 адад	Экин ерлари (ахё)	5000 таноб
экилмайдиган ерлари (адро)	3000 таноб	отлари	500 адад
хўкиз ва сигирлари	700 адад	эшаклари	100 адад
Кўйлари	10000 адад	туялари	300 адад

<sup>73</sup> ЎЗР МДА, И-125 жамғарма, 1-рўйхат, 527- йиғма жилд, 97-170 вариетлар

*Питнак тобейи доғи фуқаролар*

Хонадонлари	1000 адад	экин ерлари	500 таноб
экилмайдиган ерлари	3000 таноб	отлари	700 адад
хўкиз ва сигирлари	1000 адад	эшаклари	500 адад
Кўйлари	10000 адад	туялари	300 адад

*Ҳазорасп тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	5000 адад	экин ерлари	25000 таноб
экилмайдиган ерлари, кўллари	10000 таноб	отлари	2000 адад
хўкиз ва сигирлари	2500 адад	кўйлари	15000 адад
эшаклари	1000 адад	туялари	500 адад

*Беш Ариқ тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	4000 адад	экин ерлари	30000 таноб
экилмайдиган ер ва кўллари	10000 таноб	отлари	2000 адад
хўкиз ва сигирлари	2000 адад	кўйлари	10000 адад
эшаклари	1000 адад	туялари	500 адад

*Хива қалъаси атрофлари*

Хонадонлари	10000 адад	экин ерлари	50000 таноб
экилмайдиган ер ва кўллари	15000 таноб	отлари	3000 адад
хўкиз ва сигирлари	4000 адад	эшаклари	2000 адад
Туялари	2000 адад	кўйлари	15000 адад

*Хива қалъаси ичидоғи ўлтурумли фуқаролар*

Хонадонлари	7000 адад
Машғулотлари	Косиб(чилик)



*Хонқа тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	2500 адад	экин ерлари	12000 таноб
экилмайдиган ер ва тўқайлари	5000 таноб	отлари	500 адад
эшаклари	1000 адад	хўкиз ва сигирлари	1000 адад
Туялари	300 адад	қўйлари	6000 адад

*Ғозиобод тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	1500 адад	экин ерлари	8000 таноб
экилмайдиган ер ва тўқайлари	7000 таноб	отлари	700 адад
хўкиз ва сигирлари	1000 адад	туялари	5000 адад
эшаклари	300 адад	қўйлари	5000 адад

*Урганч тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	4500 адад	экин ерлари	25000 таноб
экилмайдиган ерлари ва кўллари	10000 таноб	отлари	1000 адад
эшаклари	800 адад	туялари	500 адад
хўкиз ва сигирлари	1000 адад	қўйлари	8000 адад

*Кат тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	2500 адад	экин ерлари	12000 таноб
экилмайдиган ерлари, тўқай ва кўллари	5000 таноб	отлари	500 адад
эшаклари	200 адад	туялари	300 адад
хўкиз ва сигирлари	1000 адад	қўйлари	3000 адад

*Шоҳобод (Шовот) тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	1500 адад	экин ерлари	10000 таноб
экилмайдиган ер ва тўқайлари	5000 таноб	отлари	500 адад
эшаклари	200 адад	хўкиз ва сигирлари	500 адад
Туялари	200 адад	қўйлари	3000 адад

*Маноқ тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	2800 адад	экин ерлари	20000 таноб
экилмайдиган ер ва тўқайлари	5000 таноб	отлари	700 адад
эшаклари	200 адад	хўкиз ва сигирлари	700 адад
Туялари	200 адад	қўйлари	300 адад

*Тошховуз тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	5500 адад	экин ерлари	40000 таноб
экилмайдиган ер ва тўқайлари	1500 таноб	отлари	1500 адад
хўкиз ва сигирлари	1500 адад	эшаклари	300 адад
Туялари	500 адад	қўйлари	7000 адад

*Ҳилоли (Илёли) тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	1500 адад	экин ерлари	18000 таноб
экилмайдиган ер ва кўллари	10000 таноб	отлари	700 адад
Туялари	300 адад	эшаклари	200 адад
хўкиз ва сигирлари	500 адад	қўйлари	5000 адад

*Қиличбой тобёйи фуқаролари*

Хонадонлари	1500 адад	экин ерлари	18000 таноб
-------------	-----------	-------------	-------------



экилмайдиган ерлари	10000 таноб	отлари	500 адад
хўкиз ва сигирлари	500 адад	туялари	200 адад
эшаклари	100 адад	қўйлари	4000 адад

*Гурлан тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	4500 адад	экин ерлари	30000 таноб
экилмайдиган ер ва кўллари	10000 таноб	отлари	1000 адад
хўкиз ва сигирлари	1000 адад	туялари	500 адад
эшаклари	500 адад	қўйлари	5000 адад

*Мангит тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	3000 адад	экин ерлари	25000 таноб
экилмайдиган ерлари кўллари билан	5000 таноб	отлари	500 адад
хўкиз ва сигирлари	500 адад	эшаклари	200 адад
Туялари	200 адад	қўйлари	10000 адад

*Қипчоқ тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	1500 адад	экин ерлари	12000 таноб
экилмайдиган ерлари	5000 таноб	отлари	200 адад
хўкиз ва сигирлари	200 адад	туялари	200 адад
эшаклари	100 адад	қўйлари	4000 адад

*Хўжа Эли (Хўжайли) тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	2000 адад	экин ерлари	20000 таноб
экилмайдиган ер, тўқай ва кўллари	40000 таноб	отлари	500 адад
Туялари	500 адад	эшаклари	200 адад

хўкиз ва сигирлари	1000 адад	қўйлари	2000 адад
--------------------	-----------	---------	-----------

*Кўхна Урганч тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	3000 адад	экин ерлари	15000 таноб
экилмайдиган ерлари	4000 таноб	отлари	1000 адад
хўкиз ва сигирлари	700 адад	туялари	700 адад
эшаклари	100 адад	қўйлари	2000 адад

*Чуманой тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	4000 адад	экин ерлари	5000 таноб
экилмайдиган ва тўқай ерлари	100000 таноб	отлари	500 адад
хўкиз ва сигирлари	6000 адад	туялари	200 адад
эшаклари	200 адад	қўйлари	2000 адад

*Кўнзирот тобейи фуқаролари*

Хонадонлари	5000 адад	экин ерлари	15000 таноб
экилмайдиган ва тўқай ерлари	200000 таноб	отлари	2000 адад
Туялари	1000 адад	хўкиз ва сигирлари	6000 адад
эшаклари	500 адад	қўйлари	5000 адад

*Кулли<sup>74</sup> вилоят фуқароларининг тахмин ҳисоби*

Жами	75000 хонадон	мазкур халқларнинг экиб ўтирган ерлари	4006000 таноб
Ва мазкур халқларнинг экилмай-		518000 таноб	

<sup>74</sup> кулли – барча



диган ер, тўқайлари ва кўллари			
Ҳар йили мазкур ерларга экиладиган ҳосилнинг тахминий ҳисоби	амиркони ғўза ва жайдари ғўза – 50000 таноб	бугдой	181000 таноб
жўхори	50000 таноб	шоли	25000
тарик, кунжут, мош, арпа ва ковун, йурунжа (беда)			100000 таноб

*Мазкур вилоят халқларининг*

жами отлари	21000 адад	туялари	10000 адад
ҳўкиз ва сигирлари	34300 адад	қўйлари	144000 адад
эшаклари	10000 адад		

*Мажмуъийи Хива тобейининг ер, уй ва мол ҳисоби*

Хонадони	106000 адад	Ҳар уйга 7 жондан 742000 нафар (ярми хотун) 15000 таноб
Мазкурларнинг экиб турғон экин ерлари	571000 таноб	мазкурнинг 120000 таноби тахминан вақфдур
экилмайдиган ерлари ва тўқайлари (тахминан)	1018000 таноб	экилмайдиган ерлари ондин зиёд бўлса ҳам эхтимолдур

**Сулҳ шартномалари, расмий келишувлар билан боғлиқ ҳужжатлар**

*Россия империясининг 1860-1870 йилларда Ўрта Осиёга тажовузи натижасида Бухоро ва Хива хонликлари ўз сиёсий мустақиллигидан ҳамда ҳудудларининг катта қисмидан маҳрум бўлдилар. Мазкур ҳолатни расмийлаштирган ҳужжатлар – яъни Россия империяси билан Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ўртасидаги сулҳ шартномалари маҳаллий архивларда сақланган бўлиб, улар икки тилда – рус ва ўзбек тилларида битилган. Қуйида уларнинг араб алифбосидаги нусхаларининг тўлиқ матни келтирилади.*

**Россия-Бухоро сулҳ шартномаси (1873 йил)**

*1873 йилнинг 28 сентябрида Шаҳрисабзда Россия империяси ҳамда Бухоро амирлиги ўртасида 1868 йилнинг 23 июнида тузилган Россия - Бухоро сулҳ шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида, янги шартнома имзоланади. Мазкур шартнома икки – рус ҳамда ўзбек тилларида битилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг И-126 “Бухоро амирлиги қўшбегиси” жамгармасида сақланади<sup>75</sup>. Қуйида шу ҳужжатнинг ўзбек тилидаги нусхаси келтирилади.*

*Н.Исмамова*

**Бухоро мамлақати билан Русия ўртасида дўстлик хусусида воқеъ бўлгон ахду паймон ушбудур**

**Аввалги боб**

Императур подшохи аъзамнинг маҳкумлари билан жаноби оли(й) амири Бухоронинг маҳкумини чеги (чегараси) илгариги ёзилгон ахднома, яъни май ойини(нг)

<sup>75</sup>ЎЗРМДА, И-126 жамгарма, 1-рўйхат, 1139-йигма жилд, 5-7 орка варақлар.



йигирма учунчи куни 1868 йилда Самарқанд шаҳрида мактуб бўлгон аҳднонинг аввалги бобида тайин бўлгон эрди. Ўшал аҳднода ёзилгон чег хусуси мазкур холида боқи қоладур. Аммо Хивага тобеъ бўлуб тургон дарёи Амунинг ўнг тарафи ушбу кунда мамлакати Русияга дохил бўлгон сабабдин акун (энди) Бухоро мамлакати билан Хива мамлакатининг орасида чег воқеъ бўлмайдур. Чунончи, Бухоро билан Хиванинг қадимги чеги Қолотодин жониб қибласи то Гугердлиғача эрди, алҳол бархам бўлди. Энди жаноби оли(й) амири Бухоронинг мамлакатлариға Бухоро билан Хиванинг қадимги чегидин Гугердлиғача ва андин то Мешиклиғача ва Мешиклидин қадимги Бухоро билан Хива мамлакатининг чеги Русия мамлакатининг чегига етгон ерғача қўшуладур.

#### **Иккинчи боб**

Алон дарёнинг ўнг тарафи қўллан Хива мамлакатидин жудо бўлгон(и) учун Бухоро вилоятидин чикиб шимол тарафиға қараб юродургон карвониялар махз (фақатгина) Ўрусия маҳкуми билан ва юруб борадур. Ушбу икки давлатхона, яъни Русия билан Бухоро мамлакати ўшал карвонияларни мазкур йўлларда ўзини маҳкумидин саломат ўтуб кетмоқларидан хабардор бўлуб турсалар керак.

#### **Учунчи боб**

Ўрусиянинг ўт кемаси ва ғайри кемалари, хоштан хош подшоҳликға тааллуқ бўлсун ва хош фуқароларға, дарёи Амунинг амири Бухорога тобеъ ерларида Бухоронинг кемаларидек юрмоқлариға рухсатдур.

#### **Тўртинчи боб**

Агар Бухорога тобеъ дарёни ҳар икки тарафида кема тўхтатмоқға ва мол сотмоқға ер даркор ва лойиқ бўлса, ул ерға тўхтатмоқ учун ва мол қўймоқ учун жой тузатмоқға Ўрусиянинг ихтиёри бордур. Мамлакатдорла(р) ул ерларни хавф-хатардин сақламоқни зиммалариға оладур. Кема ва мол қўймоқға хоҳлагон ер Моварауннаҳрда Урусиядин тургон ҳукмроннинг қабул қилмоғи билан бўладур.

#### **Бешинчи боб**

Бухоро мамлакатадиғаи жумла шаҳарлар ва кишлоклар мундин сўнгра рус савдогарлариға кашодадур (тегишли). Рус савдогарлари ва карвониялари баҳузур барча Бухоро мамлакатининг ичида юрадурлар ва ҳар ерни ҳукуматдорлари аларға қўб яхши ҳомий бўлуб турсалар керак. Карвонларни ва яна молларини хатардин сақламоқни Бухоро мамлакатдорлари зиммалариға оладур ва ушбу мазмун баъайна илгари Самарқанд шаҳрида ёзилгон аҳднонинг иккинчи бобида мазкурдур.

#### **Олтинчи боб**

Барча махсус Русия савдогарларини молидин, хош ул мол Русиядин Бухорога келсун ва хош Бухородин чикиб, Русия вилоятлариға борсун, Бухорода ул молдин юздин икки ярим, яъни қирқдин бир закот олинадур. Чунончи, Туркистон мамлакатадида ҳам қирқдин бир закот олинадур. Ушбу қирқдин бир закотдин ўзга ғайри ортиқ чиқим олинмайдур.

#### **Еттинчи боб**

Рус савдогарлариға Бухоро мамлакати орқали жумла ҳамсоя ерларға молларини бож бермасдин олиб бормоққа ихтиёри берилладур.



### Саккизинчи боб

Рус савдогарларига ихтиёр бериладур Бухорода ва Бухорога тобеъ ўзга вилоятларда молларини кўймоқ учун. Агар хоҳласалар сарой солмоқга, чунончи, ушбу ихтиёрни Бухоро савдогарларига Туркистон вилоятларида бериладур.

### Тўккузинчи боб

Рус савдогарлари, агар хоҳласалар, Бухоро шаҳрида ва ё Бухорога тобеъ ўзга вилоятларда хокимлар билан сўзлашиб турмоқ учун ва савдо иш(и)ни тўғрилик билан қилмоқни қараб турмоқ учун ва зақунга мувофиқ зақут бермоқларига қараб турмоқ учун ўзларига қарвонбоши қилмоқни ихтиёрлари бордур. Чунончи, ушбу ихтиёрни Туркистон вилоятларига Бухоро савдогарларига ҳам бериладур.

### Ўнунчи боб

Рус билан бухороликлар орасида савдо тўғрисида бўлгон ваъдаларни ҳар икки тараф бузмай, дуруст бажо келтуруб турсалар керак. Бухоро мамлакатдорлари ваъда берадурлар ҳар иш тўғрисида одиллик билан турмоқни ва яна савдогарлар иши хусусида ҳам ҳалоллик билан иш қилиб турмоқга.

### Ўн биринчи боб

Агар Русга тобеъ одамлардин Бухоро мамлакатларига келиб иш қилмоқ ва касб қилмоқни хоҳласалар, мисли Бухоронинг ўз одамларидек аларга ҳам ихтиёр бериладур. Аммо башартике алар ўшал ишни қилмоқни шарият буюрган бўлса, чунончи, Бухоро одамлари Рус мамлакатларига бориб Русия зақуни буюрадургон ишни қилмоқга ихтиёрлари бордур.

### Ўн иккинчи боб

Русга тобеъ одамлар Бухоро мамлакатида ер ва иморат олмоқни хоҳласалар ихтиёр бериладур. Аммо ўшал олгон ер ва иморатлари тўғрисида Бухоро халқи не тарика чиқим бериб турсалар алар ҳам андоғ чиқим тўлаб турсалар керак ва инчинин Бухорога тобеъ одамларга Туркистон вилоятларида ушбу ихтиёрни бериладур.

### Ўн учинчи боб

Русияга тобеъ одамлар Бухорога келсалар, албатта ўз мамлакатдорларидин билит, яъни ҳамсоя вилоятига ўтмоқга йўл хат билан келсалар керак. Ўшандоғ рухсатнома билан келгон кишига барча Бухоронинг маҳкумига бормоқга ихтиёр бериладур. Аммо Бухоро мамлакатдорлари ҳар ерда аларга ҳомий бўлуб турсалар керак.

### Ўн тўртинчи боб

Русия мамлакатидин чиқиб келгон ва рус мамлакатдорларидин бехат келгон қайси мазҳабдаги киши бўлса ҳам Бухоро мамлакатдорлари ҳеч бир важҳ билан ўз маҳкумига киргузмайдур ва агар рус маҳкумидаги гуноҳкор одамлардин ўзларини зақундин қочуруб, Бухоро мамлакатида юрсалар, Бухоро мамлакатдорлари ул одамни тутуб, тайин ерда турғучи рус ҳукуматдориға тобшурмоқни зиммасига оладур.

### Ўн бешинчи боб

Мовароуннаҳрда Русиядин тургон ҳукмрон билан ғайри кишини орага аралоштурмай, сўзлашиб турмоқ учун амири Бухоронинг тарафидин Тошканд шаҳрида бир эътимодлик одам доимо турса керак. Ушбу амири Бухородин Тошкандга бориб турғучи элчи ўзга вилоятлардин ошнолик тўғрисида келиб тургон



элчилардек ховли ва ўзга сарф-харажотлари ўзини подшоҳсини устудин бўлуб турса керак.

#### Ўн олтинчи боб

Русия давлатхонаси бир эътимодлиғ (эътиқодли) кишини Бухороға келиб турмоқни лозим кўруб, агар хоҳласалар ихтиёрлари бордур. Русиядин Бухороға келиб туродурғон элчини барча сарф ва харажот ва уйлари мисли Тошкандға бориб турғон Бухоро элчисидек ўз подшоҳсидин бўлуб турса керак.

#### Ўн еттинчи боб

Барча Русия мамлакатининг императур подшохи аъзамларининг хурсандлиғлари учун ва ҳам аларнинг номлариға колмоқ учун жаноби олий Саййид Амир Музаффар мукаррар қилдиларки, ушбу кундин буён Бухоро маҳкумида банда савдосиға Худоға хуш келмайдурғон иш то охир вақтгача бархам бўлсун деб. Саййид Амир Музаффар ушбу амрни бажо келтурмоқ учун барча ўз маҳкумидағи мамлакатдорларға мазкур хусусда қаттиғ фармойишнома юборадурларки, бандафурушлик минбаъд бўлмасун деб ва яна сарҳадларидағи вилоятлариға алоҳида фармойишнома юборадурларки, ўзга одамлар Бухоро одамлариға сотмоқ учун банда келтурса қўлидин бандасини олиб, озод қилиб юбориб ўзини ҳибс айламоққа.

#### Ўн саккизинчи боб

Самарканд шаҳрида июнь ойида 1868 йилда мустаҳкам қилинғон аҳдномадин сўнг фуқаронинг манфаати учун Русия билан Бухоронинг ўртасида муддати беш йилдин буён ошнолик пайдо бўлуб барқарор туруб эрди. Ушбу нов ошнолик хусусининг жаноби оли(й)

амири Бухоро хоҳлайдурларки, мундин буён яна ҳам ошнолик ошкора ва мустаҳкам бўлуб турмоқни. Шул сабабдин Туркистон генерал-губернатори генерал адъютант фон Кауфман тайин қилиб юборғон ушбу юқорида мазкур бўлғон ўн етти боб аҳдномани қабул айладилар ва мазкур ўн етти бобни жамъ, қилиб Русия мамлакати билан Бухоро мамлакатининг орасида аҳд паймон бўлуб, ушбу аҳдномадин икки нусха ёзилди ва ҳар нусхасида русияча ва ҳам мусулмон (ўзбек) тилида ёзилғондур. Ушбу аҳднома Шаъбонни(нг) ўн етти, (яъни сентябрни(нг) йигирма(нчи) сана(си)) 1290 йилда (хижрий), (яъни Русиянинг 1873 йилида) Шаҳрисабз вилоятида таҳрир бўлди (тузилди).

Ушбу аҳдномининг равшан айлаб ўзумнинг, умрим борица ва авлодларим умрларида ҳам маҳкум бўлуб қолмоғи учун туркий тилида ёзилғон хатға Саййид Амир Музаффар мухримни бостум (босдим).

#### Россия – Бухоро бож шартномаси

*Бухоро амирлиги 1894 йилдан Россия империясининг божхона тизимиға киритилгандан сўнг амирликнинг ташқи савдо алоқалари империя манфаатиға бўйсундирилиб, чет мамлакатлар билан савдо-сотик алоқалариға чекловлар қўйилган. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда амирлик ўртасида махсус низом асосида тартиб-қоидалар белгилаб берилган. Қўйида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг "Бухоро амирлиги қўшбегиси" жамғармасида сақланаётган ушбу низомнинг<sup>76</sup> араб алифбосида ўзбек тилида ёзилган нусхаси матни келтирилади. Хужжатнинг мазмунидан маълум бўлишича, 1894 йилда Бухоро амирлигининг*

<sup>76</sup>ЎзР МДА, И-126 жамғарма, I-рўйхат, 1101-йиғма жилд. 1-4 орқа вараклар.



*Россия империяси бож тизимига киритилиши унинг таъқи алоқаларини анча чеклаб қўйган.*

*Матн ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун унга замонавий ўзбек тили қоидаларига мувофиқ баъзи аниқликлар киритилди.*

*Н.Исмамова*

### **Бухоро станцияси божхона шартномасининг нусхаси (Нусхаи шартномаи божхонаи истансаи Бухоро)**

Божхонанинг таъриф, яъни қоидаларини савдогарларга бир жойларига аниқ тушунмас, деб манъ бўлгон молни ва ҳар қайсисидан қанча бож олиш кайфиятини ушбу илан зикр қилдим:

Бухорои Шариф бозорида манъ бўлгон, яъни рухсат берилмагон [маҳсулотлар]: Европа иқлимидан ...келинатурғон фаранг мол бамулаққаб [деб номланган матолар]: бирламчи, Истанбул ё Ҳиндистондин келатурғон анбар бўй, иккиламчи саф, учламчи кимхоб, тўртламчи шол анбар сари. Ушбу зикр этилгонлардин бошқа ғайр мамлакатлардин келатурғон мис ва фағфурдин [чиннидан] қилингон моллар ва ғайри нарсаларнинг келтурмоғи ҳам манъдур.

Ҳиндистон чармидан қилгон этикни ҳар қадоқидан бир сўм тилло ҳисобида бож олинадур. Қимматбаҳо тош ва мазкурға ўхшаш ғайри тошлар, ҳар хил тоза марварид, ипға чизилгон, ё бўш келтурилгон ақиқ ва маржон, ё маржонға ўхшаш бошқа тешилгон, ё тешилмагон, нақшлик ё бенақш тошнинг ҳар қадоқидан тилло ҳисобида уч сўм бож олинадур. Қимматбаҳо тошларға тилло, ё нукра [кумуш], ёки бошқа ҳалқа қилингон бўлса, ул вақтда онинг божи божхонанинг 148 ламчи бобиға мувофиқ олинса керак.

Нил [тўқ қўк ранг бўёк], нукра ва бошқа хилдан ҳар пудидан олти сўм қоғоз бож олинадур. Оқ доканинг ҳар қадоқидан бир сўм қоғоз бож олинадур. Мураббо ва қандлик нон, конфет ва қандлик мева, ноббот [новвот]нинг пудидан бир сўм олтмиш беш тийин қоғоз бож олинадур.

Учламчи, Европа савдосига мувофиқ моллар, афюн ва кўлл [буткул] кайф қилатурғон нарсалар, ҳар хил тўфанг [милтик]; ҳар қандоғ жангға даркор асбоб ва селохлар [курол-яроғ] келтурмакға манъдир.

Тўртламчи, бул тарафдин бошқа юртға ифак [ипак] куртининг тухуми, яъни уруғи, ҳар қандоғ дарахт ва анинг кўмири, асбоби жанг ва милтик доруси [дориси олиб борилиши манъдир].

Бешламчи, мазкур зикр этилгон моллардин бошқаларини бу тарафдин бошқа мамлакатларға бебож олиб боришға рухсат ва ижозат берилгандир.

...Вазири молиёт [молия вазири] 1894 йилдан олиб келинадургон амволларнинг [қуйидаги] таъриф ва қоидаларини мустаҳкам [жорий] қилди:

Закаспийский вилояти [Каспийорти орқали] билан Бухорои Шарифға бошқа мамлакатлар, бирламчи, Эрон ва Афғонистондан келатурғон молнинг божи анинг баҳосининг бешдан биридур [яъни, келтириладиган мол баҳосининг бешдан бир қисми миқдоридан]. Иккиламчи, Европа билан инглиз ва Ҳиндистон молларининг тубинда зикр қилгондин бошқаларини олиб келиши манъдур: апелсин ва лимун [лимон] нинг божи ҳар бир қопи ва ё қутиси бирлан ўлчалгон пудидан тилло ҳисобида етмиш тийин олинадур. Курук хурмо ва туркнинг “роҳати лукум” деган комфети [конфет], ҳалвонинг ҳар пудидан бир сўм саксон тийин бож тилло ҳисобида олинадур. Кичик қутиларға солиб келтургон курук мевалардин бож мазкур



кутилари билан бирга ўлчаниб олинадур. Ширини биринчи [ширин гуруч], нил, заъфароннинг ҳар пудидан ўн тўрт сўм қирк тийин бож тилло ҳисобида олинадур. Иккиламчи карвон ва сипорийдин тўрт сўм саксон тийин тилло ҳисобида ҳар пудидан олинадур. Қаланфур [қалампир] ва анинг боши, долчин, мурч, бодиён ва ғайри шуларга ўхшаш нарсалардин ҳар бир пудидан тилло ҳисобида уч сўмдин бож олинадур. Мазкур зикр этилган нарсалар майдаланиб келинса, ул вақтда аларнинг божи мазкур уч сўмнинг устига боз ҳар юз сўмга эллик сўмдин зиёда бўлса керак. Лавровий лист [лавр япроғи] ва анинг мевасининг ҳар пудидан божи тилло ҳисобида бир сўм ўттуз тийиндур. Қора чойнинг ҳар пудининг божи йигирма беш сўм қоғоздур. Халмураининг ҳар пудининг божи ўн тўрт сўм қирк тийин қоғоздур. Паст хили, масалан, нав зухур...нинг ҳар пудининг божи олти сўм қоғоздур.

Олтиламчи, кўк чойни Закаспийски областига [Каспийорти вилояти] ва Бухоро мамлакатига транзит бирлан Ботум, Боку ва Узунода устидин Ашхобод ва Бухоро божхонасига олиб келишга рухсат берилгондур, лекин мазкур божхоналарда юқорида зикр этилгон божини берсалар керак.

Еттиламчи, Эрон молини Ашхобод ва Узунода устидин транзит бирлан бебож ўтказишга рухсат берилгондур.

Саккизламчи, Хуросондин Эрон молларини Ашхобод ва Узунода устидин транзит бирлан Каспий денгизи лабидаги шаҳарларга ва алардин боз Хуросонга бебож олиб боришга рухсат берилгондур.

Тўққизламчи, Эронга қандни ... пулини қайтариб олиб ва нечтадан қилгон матоларнинг қфитонсаларини [квитанция] маълум қилиб, мазкур нарсаларни нечтадин

мато қилғонига харажат қилгон пулини қайтариб олиб, Ашхобод ва Душоҳ божхоналарини устидин ўтказуб олиб боришига рухсат берилгондур.

Ўнламчи, йўловчи ва мусофирларнинг нарсаларини 1892 ламчи йилда жорий бўлгон бож законини, 1293 ламчи бобиға мувофиқ юборадилар.

Ўн бирламчи, Закаспий области (Каспийорти вилояти) ва Бухоро мамлакатига бошқа атрофлардин келтуратургон нарсалардин бож чой, нил, дока ва қанд кўшуб қилгон нарсалардин бошқадан тилло ҳисобида олинадур. Хулосайи калом, божни нечук тарика билан олиш вазири молиёт [молия вазири] нинг фармойишига мувофиқ бўлса керак. Лекин Узунода божхонаси ҳар қандоғ молдин божини тилло бирлан оладур.

Ушбу таъриф ва қоида, яъни низомга вазири молиёт [молия вазири], жаноб военний (ҳарбий) кўлларини кўйгондурлар. Ушбунинг ҳақиқатлиғига кўлли Туркистон вилоятининг божхоналарини бошлигининг лавозимин адо қилғучи окружной [окружной] ревизур, яъни терговчи Арсенуф [Арсеньев] кўлини кўйгондур.



**Россия-Хива сулҳ шартномаси<sup>77</sup>**  
**(1873 йил)**

*Россия империясининг 1873 йилда Хива хонлигига қарши ушютирган ҳарбий таъжовузи натижасида мамлакатнинг катта қисми истило қилинди. Ҷша йили 12 августда Хива яқинидаги Гандимён қишлоғида мамлакат ҳукмдорининг ёзги боғида Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман ва Хива хони Саййид Муҳаммад Раҳим II (Феруз) ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Мазкур шартнома Хива давлат “Ичан-қалъа” тарихий-меъморий музей кўриқхонаси ҳужжатлар жамғармасида 3241- инвентар рақами остида сақланади.*

*Сулҳ шартномаси 18 бобдан иборат бўлиб, унда Хива хонлигининг Россия империясига тобелиги ва рус савдогарларига мамлакат ҳудудида берилган имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган.*

*Қ.Якубов*

Хива шаҳрига жамъ бўлгон аскарларнинг сардори генерал-адъютант Фон Кауфман қилгон таклиф ва Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон қабул қилгон Русия мамлакати ийлан Хива мамлакатининг ўртасида бўлгон аҳд паймоннинг шартлари ушбудур.

Туркистон мамлакатининг генерал-губернатори ва яна Хива мамлакатига келиб иш килиб турғон барча Ўрусия аскарининг сардори, яъни, генерал-адъютант Фун Кавуфмон (фон Кауман) барча Ўрусия мамлакатининг имперотур аъзим подшоҳ ҳазратларининг муборак ихтиёрларини бажо келтуруб, май ойининг йигирма тўккузунчи куни Хива шаҳрига кириб, барча Хива мамлакатини тобеъ айладилар...

<sup>77</sup>Хива давлат “Ичан-қалъа” тарихий-меъморий музей кўриқхонаси, КП 3241.

Хивадин урус аскарини чикормасдин илгари онинг сардори Туркистон генерал-губурнатори, генерал адъютант Фун Кавуфмон жаноби олий Саййид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодурхон ийлан сўзлашиб ушбу мин баъд (қуйида) ёзилгон шартларни қилдилар.

**Аввалғи боб**

Саййид Муҳаммад Раҳимхон ўзини Ўрусия мамлакатининг имперотурига мутиъ ва хизматкор биладур. Ул ўз тўғрисидин ҳамсоёдоғи хонлар ва ҳукуматдорлар бирлан макотабат ва ошнолик қилмоқдин сақланадур ва ҳам алар бирлан ҳар қандоғ савдо ва бошқа тўғрида аҳдиён қилмоқдин сақланадур. Мовароуннахрда турғон ўруснинг улуғ ҳукмронидин берухсат ва бежавоб ҳамсоёдоғи вилоятлар бирлан ҳеч бир муҳораба ишни бошламайдур.

**Иккинчи боб**

Ўрусия мамлакатининг ери бирлан Хива мамлакатининг ери сарҳади Амударё бўладур. Сарҳади ер Кукурдлиндин тубан дарё ёқаси илан то кун ботар тарафдағи ерчадин охири дарёдин чикғон дарё бирлан бориб, шул ердин то Орол тенгизи (денгизи), яъни, Сир тенгизиға (денгизиға) қуюлгон ергача ва ул ердин сарҳади ер ва тенгизининг бўйи илан то Урганинги айланмасиға бориб, андин Устурт яъни кумнинги қибла жонибидағи ёрнинг теги илан бориб қолган Амударёнинг бўйи сарҳади бўладур.

**Учинчи боб**

То ушбу вақтгача Хиваға тобеъ бўлуб турғон дарён Амунинг барча ўнги тараф барча таълуқлари илан Хиванинги ҳукуматидан чикиб жумла ўлтурғон одамлари бирлан ва элатиялари бирлан Ўрусия мамлакатига тобеъ бўладур. Дарёнинг ўнги тарафидағи хония ерлар ва хоннинг ўзга мулозимлариға фойдаланмоқ учун берган



қитъа-қитаъ ерларнинг жумласи ўрус подшоҳсиға тейишлидур. Илгари тусарриф қилиб турған эгаларини(нг) ҳеч бир дахли қолмайдур. Ўшал ерларнинг эгалари кўрган зарарларини хон дарёнинг чап тарафинин ер бериб қайтарса бўладур.

#### **Тўртинчи боб**

Агар имперотур подшоҳ хазратларининг ихтиёрлари бўлуб дарёнинг ўнг тарафидаги ерни бир ҳиссасини Бухоро амирига марҳамат қилсалар Хиванинг хони ўшал қадам ўзига тобеъ бўлуб турған ерга Бухоро амирини подшоҳ-и шаръий биладур ва мазкур ерда ўзининг ҳар турлук ҳукумат юргузмак мақсадини кўнглидин чиқорадур.

#### **Бешинчи боб**

Ўрусия ўт кемаси ва ғойри (бошқа) кемалари хоссатан хоҳ подшоҳликға таълуқ бўлсун ва хоҳ фуқароларға таълуқ бўлсун баҳузур дарёи Амуда юрмакка рухсатдур. Ушбу ихтиёрни Хиванинг ҳам, Бухоронинг кемалариға ҳам бериладур, аммо Ўрусиянинг Мовароуннаҳрда кўйған улуг ҳукмронини берухсат бўлмаса керак.

#### **Олтинчи боб**

Агар дарёнинг чап тарафининг ёқасида кема тутмоқға зарур ва лойиқ ер бўлса, ул ерга кема тўктоқ учун ўзларига жой тузатмакка Ўрусияға ихтиёр бордур. Хива мамлакатдорлари ул кема тўқтойдурған жойларни хавфхатардин сақламоқни зиммалариға оладур. Кема учун хоҳлаган ер Мовароуннаҳрда Ўрусиядин турғон ҳукмронинг қабул қилмоқи илан бўладур.

#### **Еттинчи боб**

Кема тўқтайтурғон (тўхтайдиган) жойлардин ўзга дарё-и Амунинг чап тарафида юк қўймоқға ва юкни сақламоқға сарой (фактория) солмоқға Ўрусияға ихтиёр бериладур. Саройда хизмат қилиб юрган одамларға мавзё қилмоқға ва Саройда иши бор одамларға жой қилмоқға, бой савдогарлар ўзларига ҳисобхона солдурмоқға ва зироат қилмоқға жойни фуқародин холи ердин ... Мовароуннаҳр ҳукмронини кўрсатган еридин Хива мамлакатдорлари даркорлигинча ер бермакни зиммалариға оладур. Шул жойларда турғон одамларни ва саройға қўйгон молларни сақламоқ худ-и Хива мамлакатдорларининг ўзининг ҳимоятида бўладур ва Хива мамлакатдорлари хавофхатардин оларни сақламоқни зиммасиға оладур.

#### **Саккизинчи боб**

Хива мамлақатидаги барча шаҳарлар ва кишлоклар мундин сўнгра урус савдогарлариға кушодадур (очиқдур). Урус савдогарлари ва қарвонлари баҳузур барча Хива мамлақатининг ичинда юрадурлар ва ҳар ернинг ҳукуматдори оларға кўб яхши хомий бўлуб турсалар керак ва қарвонларни ва яна солиб кўйгон молларни хатардин сақламоқни Хива мамлакатдорлари зиммасиға оладур.

#### **Тўққизинчи боб**

Хива мамлақатида туруб савдо қилатурғон урус савдогарлари закот бермакдин ва савдо тўғрисида ҳар турлук чиқимлардин халос бўладур. Чунончи, Хива савдогарлари кўп замондин буён Қазолидин (Казалинскдан) ўтганда Урумбурғда (Оренбургда) ҳам Аштархон тингизининг кемаси тўқтайдурған жойда закот бермас эрдилар.



### **Ўнинчи боб**

Урус савдогарларига Хива мамлакати орқали барча хамсоя ерларга молларига бож бермасдин олиб бормоқга ихтиёр бериладур.

### **Ўн биринчи боб**

Урус савдогарлари агар хоҳласалар Хива шаҳрида ё Хивага тобеъ ўзга вилоятда ҳокимлар бирлан сўзлашиб турмоқга ва савдо ишини тўғрилиқ илан қилмоқни кўрмакка, ўзларига карвонбоши қилмоқнинг ихтиёри бордур.

### **Ўн иккинчи боб**

Ўрусияга тобеъ одамлар Хива мамлакатида ер ва иморат олмоқни хоҳласалар ихтиёр бериладур. Олгон ерлари тўғрисида оларга чиқимни Мовароуннаҳрнинг хукмронининг маслаҳати илан соладур.

### **Ўн учинчи боб**

Урус илан Хивалиқларнинг орасида савдо тўғрисида бўлгон ваъдаларни ҳар икки тараф бузмай дуст юбо(риб)-келтуруб турсалар керак.

### **Ўн тўртинчи боб**

Ўрусияга тобеъ одамларнинг Хивага тобеъ одамларнинг устидин арз даъволари бўлса Хива мамлакатдорларига тафтиш қилмоқни зиммаларига оладур ва агар рост айтган бўлса дафъатан розилиқга етурса керак ва агар бир киши ўрусдин ҳам хивалиқлардан қарздор бўлуб тафтишга тушса аввал ўруснинг сўзи илгари юрса керак.

### **Ўн бешинчи боб**

Ўрусга тобеъ одамларнинг қилгон арзи даъволари, агарчи алар Хива мамлакати ичида тургон бўлсалар ҳам, ишларимиз ўруснинг яқин ерида тургон ҳукуматдорига юборилиб тафтиш қилиб тофшуруладур.

### **Ўн олтинчи боб**

Ўрусия мамлакатиндин чиқиб келган ўрус мамлакатларидин бехат юрган қайси мазҳабдаги киши бўлса қочуруб Хива мамлакатида юрсалар, Хива мамлакатлари ул одамни тутуб яқин ерда турғучи Ўрус ҳукуматдорига топшурмоқни зиммасига оладур ҳам Хива мамлакатлари ўз маҳкумига ҳеч бир ваҳж бирлан киргузмайдур, маҳкумидаги гуноҳкор одамлардин ўзларини зақўн.

### **Ўн еттинчи боб**

Саид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон 12 ўткан ўюнда Хива мамлакатдаги қулларни озод қилмоқ ва одам сотмоқ мутлақо йўқ бўладур, деб ёзиб маълум қилгон эъламномаси комил бир қарор турадур. Хива мамлакатлари ушбу иш хусусида қўлларидин келгунча маҳкамлик илан ва эҳтиёт илан бажо келтуруб турмоқни зиммаларига оладур.

### **Ўн саккизинчи боб**

Хива мамлакатлари ва Хива халқининг ўзлари сабаб бўлуб кейинги муҳорабада ўрус хазинасидин сарф бўлгон ақчани тўламоқ учун Хива мамлакатининг устига икки миллийўн ва икки юз миңг манот, яъни, йиғирма икки лак манот солинди. Хива мамлакатида кифоя қилғудек ақча бўлмаган учун, хусусан, Хива мамлакатлари ушбу таъин қилгон ақчани яқин фурсатда бериб ўхда қила (уддалай)



олмайду. Шулу мушкул ахволни фахмлаб ва иддаъ кесиб, ҳисоб қилиб, ҳар йилда манот бошига беш тийиндин фойдаси илан бермакка онга ихтиёр бериладу, шулу шарт бирланким, аввалги икки йилда Ўрус хазинасига юз минг манотдин бериладу. 1878 йилда юз эллик минг манотдин бериладу яна юздан сўнгги икки йилда бир юз етмиш минг манотдин бериладу ва баъд аз он 1881 йилда, яъни, саккиз йилдин сўнг ҳар йили икки юз минг манотдин берса керак. То ақчани ғам бериб бўлгунча ҳар йили икки юз минг манотдин кам берилмаса керак. Ақчани берганда ўруснинг қоғоз ақчани берса ҳам мумкин, ё Хиванинг юриб турғон тангасидин берса ҳам мумкин, қайсисидан берса Хива мамлакатларининг ихтиёридаду аввалги бошлаб бератуғон ваъдаси дикабр ойининг аввалги кунда 1873 йилдаду. Ушбу бератуғон ақчанинг ичига дарёнинг ўнг тарафида турғучи одамлардин ҳозир ўтуб турғон йил учун солиқ олмоқни рухсат бериладу, То ушбу вақтгача йиғнаб турғон ақчани миқдорига ушбу ақчаларни Хиванинг ақча жамъ қилатуғон кишиси ўрус ҳокимиға машварат илан, ушбу йил дикабр аввалги кунигача йиғиб ғам қилса керак. Қолғон ақчани ҳар йили нўйабрда фойдаси илан то солинғон ақча ғам бўлгунча берилиб турса керак. 19 йилдин сўнг 1892 йилда аввалги ноябрда ўшал 1892 йилнинг икки юз минг манот ақчасини бергандин сўнг Хива мамлакатадаги етмиш минг эллик тўрт манот қоладу. Баъд аз он 1893 йилда аввалги нўйабрда охириги қолғон етмиш минг манотни фойдаси ойда ҳисоб қилиб, етмиш уч минг беш юз эллик етти манот бермак лозимду ва агар Хива мамлакати ақча берутғон йилни кам қилмоқни хоҳлаб ва қолғон ақчанинг фойдасини кам қилмоқни қасд қилиб, ҳар йилги бермакни таъин қилғон ақчадин зиёдароқ қилиб, бермакни хоҳласа Хива мамлакатлариға ихтиёр бериладу.

*Туркистон Генерал Губернатори, Генерал Адъютант фон Кауфман имзоси.*

*Шартноманинг туркий матнида Саид Мухаммад Раҳимхон II нинг муҳри ва имзоси.*

### **Хива хонлиги томонидан Россия империясига тўланган ўлпон (контрибуция) ҳақида маълумотлар (1875 йил)**

*Россия империясининг Хива хони билан тузилган, юқорида матни келтирилган сулҳга асосан, Хива хонлигига юклаган ўлпон – контрибуция халқнинг зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Хива хони келишувга асосан, контрибуцияни бир неча йил давомида тўлаб борган. Хива хони архивида мазкур масала юзасидан олиб борилган расмий ёзишмалар, яъни контрибуцияни тўлаш жараёнини тасдиқловчи тарихий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви “Хива хонлари архиви” деб номланган И-125 жамгармада сақланиб қолган<sup>78</sup>. Қуйида ана шу ҳужжатлардан нарчалар келтирилади.*

*И. Азизов*

...Баланд мартабали олий даражали жаноб олий Хиванинг хони ҳазратларига. Сиз жаноб олийнинг Абдуллоҳ билан бериб юборган 3584 манот бирлан 70 тийин ақча тегди. Етганлигига Абдуллоҳга санод<sup>79</sup> берилди. Шуни сиз жаноб олийга маълум қилиб, ...ушбу хат сентябрь ойининг 8-кунда 1875 йилида битилди.

*Амударё музофотининг ҳокими, полковник Иванов.*

<sup>78</sup>ЎзР МДА И-125 жамгарма, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 9, 20 варақлар

<sup>79</sup>Санод – квитанция (тўлов қоғози)



...Ноябрь ойининг биринчи кунидир. Энди шул ақчани берадиган вақти якин бўлгани учун шуни сиз жаноб олийнинг ёдларига солмоқни даркор кўрдим.

...ушбу хат октябрь ойининг 11-кунида 1875 йилда битилди.

*Амударё музофотининг ҳокими, полковник Иванов.*

...Туркистон ҳарбий округи Амударё бўлими. 1875 йил. 2 ноябрь. Олий даражали Хива хонига!

Авваламбор, сиз мартабали Хонга сиз тўлашингиз лозим бўлган 14500 тилло(ни) (ёки 26100 рубль) ўз вақтида тўлаганингиз учун самимий миннатдорчилигимни билдираман. Ушбу ходиса ҳақида ҳозирнинг ўзидаёқ генерал-губернатор жанобларига маълум қиламан.

Бериб юборган 14500 тиллонгизнинг 18800 маноти ушбу 1875 йилда беражак, 125000 манот ақчанинг ҳисобиға киродур. Қолғон 7300 манот ақча мамлакатингиздин келар 1876 йилда битишли ақчанинг ҳисобиға киродур. Шул ақчанинг тигкониғига ақчани саноб бергон кишиларингизға санаб бериладур.

Баланд мартабали, олий даражали жаноб олий Хиванинг хони ҳазратларига.

Сиз жаноб олийға маълум қиламанки, Юсуф махрам билан бериб юборган 4300 тилло, манот ҳисобиға 7740 манот ақча тегди. Шуни ушбу билан берган генерал губернаторга маълум қилиб турубман. ...ушбу хат декабрь ойининг 13-кунида 1875 йилда битилди.

*Амударё музофотининг ҳокими, полковник Иванов.*

Баланд мартабали, олий даражали Хиванинг хони ҳазратларига.

Октябрь ойининг 2-кунида ман сиз жаноб олийға хат юбориб тилаб эдимки, гузарларнинг даракидин қолган 406

тиллони ноябрь ойида менга бериб юборсангиз деб, лекин у ақча бу вақтига бериб юборгани йўқ. Шу сабабли сиз жаноб олийдан яна тилайманки, шу ақчани менга бериб юборсангиз. ...ушбу хат декабрь ойининг 18-кунида 1875 йилда битилди.

*Амударё музофотининг ҳокими полковник Иванов.*

### Маълумнома

Декабрь ойининг ўн иккинчи куниди эрта бирлан ўн бир соатда Амударё музофоти ҳокимининг маҳкамасинда Амударёнинг олти гузарини 1875 йилининг биринчи февралидин то 1875 йилининг биринчи январигача сотгун бермак учун савдо бўлўбдур. Савдоси уч кундин сўнгра олғай. Декабрнинг 16-кунида яна бўладур, савдоси юзмаюз бўладур ва ҳам яна тилаб маълумнома хатлар берса ҳам бўладур. Бериладургон гузарлар шулдурки 1. Ҳазодбоб гузари, 2. Хонках гузари, 3. Урганч гузари, 4. Гурлан гузари, 5. Қифчок гузари, 6. Хўжайли гузари савдоси ушбу йилда олғон баҳодин бошланадур ваъдаси шулдурким:

Биринчи, гузарлар савдо бирлан кимда қолса, шул одамлар ўз харажатидин яхши кемалар даркорлик кема ҳеч бирлан қўймоқға ниятли бўлса керак. Қўётургон кемалари бир гузарда иккидин кам бўлмаса керак.

Иккинчи, дарёнинг орқа тарафидин қибла тарафға ва қибла тарафдин орқа тарафига ўтаман деган одамларни мазкур олти гузарнинг биттасини олғон одамлар тўқтовсиз ўтқузуб турмоқға миннатли бўлса керак ва ҳам кемани дарё лабина чиқоргонда одамлару моллар сув булмамай осонлик бирлан чиқатургон ерда тургузсалар керак.

Учунчи, ўтқузгоннинг ҳақисига келгон баҳодин ортик пул олмаса керак. Келгон баҳоси шулдурким, юксиз тивадин (туя) ярим танга, отдин ярим танга, юксиз отли



аробадин икки танга, тойдин ярим шойи (шоҳи танга), ошоқдин бир шойи, қорамолдин бир шойи, тида ёки ғалладин ва курдин ва балиқдин ярим танга ва ўтундин бир шойи, пиёда кишидин ярим шойи, савдогар юкларининг ҳар бир тойидин ярим.

Тўртинчи, ночордин кема бирлан келиб дарёнинг орқа тарафиға чикгон савдогар молларидин гузарларни олгон кишилар бож ҳаққи сўрамаса керак.

Бешинчи, агар савдогарлар Бухороға, ё Чимбойға, ё Кўнгиротға, ё Қазолиға молларини юбормак учун бошқа кема топиб солсалар, аларға гузарбонлар даҳл қилмасалар керак.

Олтинчи, аскарлардин ва сипой (оддий) тодамлардин дарёнинг кайси тарафиға ўтса ҳам, ҳақ олмаса керак.

Еттинчи, савдогарлардин ва фуқаролардин ҳеч бир одам сотгун берилгон гузарлардин бошқа еридин ўтмасак керак. Муни қилмагон кишилар жазо кўрса керак ва аъйби учун гузар ҳаққисини гузарбонға, икки ҳисса берса керак.

Саккизинчи, гузарларнинг ҳаққисини ҳазинаға уч бўлак қилиб берса керак. Аввалги бўлаги май ойининг биринчи кунда, иккинчи бўлаги сентябрь ойининг биринчи кунда, учинчи бўлаги декабрь ойининг биринчи кунда 1876 йилда бериладур.

Гузарларни олгон одамлар гузар ҳаққини ҳазинаға дурустлик бирлан топшурмоқлари (лозим бўлади)...

1875 йилда декабрь ойининг 16-кунда савдо бўлуб-дурким, Амударёнинг гузарлари 1876 йилининг биринчи Январигача сотгун бермак учун сўнгги савдо гузарларини олгон одамлар гузарини Хиваға тобеъ мулло Аваз Раҳимберди ўгли 916 манот бирлан икки танга қолди (яъниб шунчага олди).

## 2 §. Вақф хужжатлари

*Вақф хужжатлари ижтимоий-маданий масалалар тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Зеро, бу хужжатлар таҳлили орқали жуда кўп масалаларни, хусусан, таълим ва диний муассасаларнинг моддий таъминоти, вақф мулкларидан фойдаланиш тартиби, вақф маъмуриятининг фаолияти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида, мерос масалаларида вақф мулкларининг ўрни ва роли, мусулмон жамияти ҳаётида хайр-эҳсон, илм-фан ва динга муносабат каби масалаларни ўрганиш мумкин. Ўзбекистон архивлари ҳамда қўлёзмалар фондларида жуда кўплаб вақф хужжатлари сақланган бўлиб, уларнинг катта қисми ҳанузгача илмий истеъмолга тортилмаган. Қуйида Тошкет, Бухоро ва Хива масжид ва мадрасаларига тегишли вақф хужжатларидан намуналар келтирилади. Хужжатлардаги ўша замонга хос баъзи тушунчалар ва ибораларга таржима ва наирга тайёрлаш эсараёнида замонавий ўзбек тили қодаларига мослаштирилган айрим аниқликлар киритилди.*

### Тошкент мадрасаларининг вақф мулкларига оид хужжатлар

*ЎзР Марказий Давлат архивида сақланаётган Тошкент шаҳар бошқармасига тегишли 36-тарихий жамғармасида 2 та рўйхат – 449-рақамли йигма жилдда 1868 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги мадрасалар рўйхати<sup>80</sup> ҳамда 2482-рақамли йигма жилдда Тошкент шаҳридаги мадрасаларнинг 1884 йилда тузилган рўйхати<sup>81</sup> сақланган.*

<sup>80</sup>ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йигма жилд.

<sup>81</sup>ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йигма жилд.



Бу рўйхатлар шаҳарнинг тўрт даҳасида алоҳида белгиланган кишилар томонидан тузилиб, рус тилига таржима қилинган. Бундан мақсад вақф қилинган катта ер майдонлари, кўлаб дўконлар ва бошқа кўчмас мулк шакллари мустамлака таъмуриятининг рўйхатига олиш, уларнинг даромадини аниқлаб, назорат қилиш, солиққа тортиш масалаларини ишлаб чиқишдан иборат эди.

Мазкур ҳужжатлар тарихий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Зеро уларда Тошкент шаҳридаги катта-кичик мадрасалар, уларнинг моддий таъминоти ва даромад манбаини аниқ эътирувчи вақф мулклари, шаҳар тузилишига оид топографик маълумотлар, хусусан, шаҳарнинг ички қисми ва ташқарисидаги маҳалла ва мавзелар, бозорлар, савдо расталари, шаҳар сув тармоқлари ҳамда уларнинг ўша даврдаги ҳолати ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

Қўйида ана шу ҳужжатлар араб алифбосидан таъдил қилиниб, қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда.

т.ф.н. Ў.А. Султонов

### Тошкент мадрасаларининг 1868 йил рўйхатидан Шайх Хованд Тохур даҳасида:

Маҳмуд дастурхончи мадрасаси<sup>82</sup>. Юқори Дегрез маҳалласида масжид ва мадраса, Маҳмуд бобо дастурхончи Ҳасанжон ўғли бино қилган<sup>83</sup>. Имомлари - мулла Мирраҳим мулла Алимбой ўғли ва Шоҳ Аҳмадхўжа Шоҳ Мансурхўжа ўғли, сўфиси Авлиёхўжа Муҳаммад

<sup>82</sup> ЎЗР МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йигма жилд. 116-орка варақ, 117-варақлар.

<sup>83</sup> Мазкур шахс Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1822-1841) вазири ва Тошкент ҳокими Лашкар бекларбегининг яқин дўсти бўлиб, Тошкент, Қўқон ва Андижонда мадрасалар қурдириб, кўлаб вақф мулклар ажратган. Тошкентдаги вақф мулкларини бошқариш ҳам унинг Қўқондаги авлодлари қўлида бўлган.

Раҳимхўжа ўғли, сартарош Иброҳимхўжа Шоҳхўжа ўғли, сартарош Назар Муҳаммад Қўйлибой ўғли. Мутавалли Исҳоқхон Маҳмуд дастурхончи ўғли.

**Вақфлари.** Маҳмуд дастурхончи Эски Жўва мавзеида 34 хужрали карвонсарой, Намат бозорида бир ҳаммом ва 18 та дўкон вақф қилган. Мазкур вақфларнинг йиллик даромади 240 тилла. Шундан 60 тилла иморатлар таъмирига сарфланади. Сўнг мутавалли 18 тилла олгач, қолгани тўққиз қисмга бўлиниб, 1/9 қисмини имом, сўфи, сартарош ва фаррош қўйидаги тартибда олади: икки имом 3 тилладан, сартарош ва фаррош 4 тилладан. Имомларнинг маҳалла аҳлидан ҳам даромади бор.

Қолган 144 тиллани учга бўлиб, 1/3 қисми уч мударрисга берилади. Шундан Лутфуллоҳ охунд мударрис мулла Мирхон ўғли 24 тилла, Мулла Раҳимжон мударрис мулла Миралим ўғли 12 тилла, Мулла Салимжон мударрис Ҳалимжон ўғли 10 тилла олган. Қолган 96 тиллани мадрасанинг 25 та хужрасида истиқомат қилиб таҳсил олаётган талабалар олади.

Яна ушбу саройга туташган 1 та дўкон мадрасанинг таҳоратхонасига вақф қилинган. Дўкондан келадиган бир йиллик даромад 90 танга бўлиб, унинг 45 тангаси таҳоратхона қаровчисига, 45 танга фаррошига берилади.

**Юнусхон мадрасаси**<sup>84</sup>. Шайх Хованд Тохур [мозори] ичида Ҳазрат Юнусхон<sup>85</sup> [қабри] қибла тарафида Бобобой деган қурдирган мадраса бор<sup>86</sup>. Мазкур Юнусхон мадрасасининг вақфномалари Бухорода Хонхўжа

<sup>84</sup> ЎЗР МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йигма жилд. 115-варақ орқаси.

<sup>85</sup> Юнусхон – Юнусхон ибн Вайсхон (1462-1487), Чигатойхон авлодига мансуб. 1485 йилда Хўжа Аҳрорнинг қўллаб-қуватлаши сабабли вақтинчалик Тошкент бошқарувини қўлга киритган.

<sup>86</sup> Юнусхон мадрасасини қурдирган шахс ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Юқоридаги рўйхатга қараганда, бу мадраса кейинги даврда Бобобой деган шахс тарафидан қайта таъмирланган бўлса керак.



эшоннинг Абдурахмонхўжа деган ўглининг кўлида эканлиги сабаб вақфлари аниқ зикр этилмаган.

**Эшонкули додхоҳ мадрасаси**<sup>87</sup>. Шайх Хованд Тохур [мозори] ичида Занжирлик маҳалласида бир хиштин мадраса (бўлиб), Эшонкули додхоҳ Лашкар бекларбеги ўгли курдирган<sup>88</sup>. Мадрасанинг бир масжиди, бир дарсхонаси ва 34 та хужрали, хужраларнинг барчасида талабалар бор.

Мутаваллилар - Турсун Муҳаммад ва Ниёз Муҳаммад Лашкар бекларбеги ўғиллари. Мударрислари тўққизта: Алиакбархўжа эшон Абдурахимхўжа ўгли, Абдурасулхўжа қози Яъқубхўжа эшон ўгли, Яъқубхўжа эшон аълам Бобоҳон эшон ўгли, Махмудхўжа аълам Неъматхўжа ўгли, Отаподшоҳхўжа аълам Подшоҳхўжа ўгли, Неъматхўжа муфти Шодихўжа ўгли, Насруллохўжа Азаматхўжа ўгли, Баҳоуддин махзум мулла Мирисо ўгли, Зайнуддин махзум муфти мулла Мирисо ўгли.

Мадраса масжидининг имоми - Исмоилхўжа Абдурахимхўжа ўгли, сўфиси Довудхўжа Сулаймонхўжа ўгли, мадраса сартароши уста Абдулвахҳоб, фарроши Ҳайит Муҳаммад.

**Вақфлари.** 1) Эшонкули додхоҳ бозорда 2 та сарой вақф қилган, ҳозирги вақтдаги даромади 270 тилла, баъзида бундан камроқ. 2) Регистон мавзеида 11 та дўкон ижарасидан олиндиған даромад 49 тилла, баъзи йилда кам, баъзида кўп. 3) Закотхона саройида, Лижомгарон<sup>89</sup> растасида, Фўстиндўз, Заргарон расталарида 15 та дўкон ижарасидан бир йилда 82 тилла. 4) Закотхона саройининг

<sup>87</sup> ЎзР МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд. 115-115-варақ орқаси.

<sup>88</sup> Эшонкули додхоҳ - Тошкент ҳокими Лашкар бекларбегининг тўнғич ўгли, отаси Тошкентда ҳоким бўлиб турган йиллари Туркистонда ҳокимлик қилган. "Тарихи жадидайн Тошканд" асаридаги маълумотларга қараганда, ушбу мадраса хижрий 1256/1838-1839 йилда Юнусхон мадрасасининг жануби-шарқила, Катта кўчага туташ ерда қурилган.

<sup>89</sup> Лижомгарон растаси - бозордаги отга юган ясаб сотувчи хунармандлар жойлашган раста.

қуи ботиш тарафида бир бўлак ер, Эшонкули додхоҳ вақф қилган. Ҳозирда читфурушлар, тақачилар, дурўяфурушлар<sup>90</sup> 30 та дўкон қилган, 18 тилла берадилар. 5) Эшонкули додхоҳ Қиёт маҳалласида 2 та тегирмонни жойлашган ери билан бирга вақф қилган, ижараси ҳар йилда 50 тилла. 6) Турк маҳалласида 1 та, Занжирлик маҳалласида 1 та тегирмон жойлашган ерлари билан вақф қилинган. Иккаласидан ҳар йилда 30 тилла ижара пули.

Жами пулдан аввал ўндан бирини иккала мутавалли олади. Қолганидан мазкур иморатлар таъмирига, баъзи йилларда 200 тиллагача бўлади. Шулардан ортган пулни уч қисмга бўлиб, 1/3 қисми тўққизта мударрисга қуйидагича тақсимланади: Яъқубхўжа аълам бир қисмининг 1/7 қисмини олади. Қолган олти қисм ўнга бўлиниб, 2/10 қисми Алиакбархўжа мударрис, 3/10 қисмини Эшон қози мударрис ва Мамудхўжа аълам мударрис олади. Қолган 5/10 қисмини Неъматхўжа муфти мударрис, Отаподшоҳхўжа аълам мударрис, Насруллохўжа мударрис, Баҳоуддинхўжа мударрис ва Зайнуддин махзум мударрис ҳаммалари тенг олади.

Юқоридаги уч қисмининг қолган икки қисмини ҳам ўн қисмга бўлиб, 1/10 қисмини саккизга бўлинади. Шу саккизнинг 3/8 қисми масжид имомига, 2/8 қисмини сўфи, 3/8 сартарош ва фаррош олади. Ўнга бўлинган қисмининг қолган тўққизи 34 та хужрадаги талабаларга бўлиб берилади.

Себзор даҳасида

**Бекларбеги мадрасаси**<sup>91</sup>. Регистон мавзеида, бозорда. Мадраса 59 та хужра, бир масжид ва бир дарсхонадан

<sup>90</sup> Дурўя фуруш - мато четига тикиладиган махсус қисми тайёрлаб сотувчи хунарманд.

<sup>91</sup> ЎзР МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд. 223-варақ. Бекларбеги мадрасаси 1838-1840 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги томонидан қурилган.



иборат. Мударрислари – Шарофуддин махзум, имом Мулла Шоҳмаҳмуд. Мутавалли – Саййид Умар махзум, Музаффар махзум, Турсун Муҳаммад ва Ниёз Муҳаммад<sup>92</sup>. Муаззинлари – Улуғхўжа ва Хўжамберди.

**Вақфлари.** Учта сарой: Закотхона, Маҳрамбонни, Хиштин. Бу уч саройдан 300 тилла ижара [пули], юз дўкондан 30 тилла тағжой, бир тегирмондан 12 тилла ижара пули. Жами вақф даромади 542 тилла. Бул вақфдан учдан бири – 180 тилла 12 танга мударрис олади. Ўндан бири 54 тиллани мутаваллиллар олади. Қолганини вақфнома бўйруғича имом, муаззин, сартарош, фаррош ва талабалар олади. Талабалар сони ҳар бир ҳужрада 4 тадан. Аммо мазкур мадрасани бузилган ери бўлса, аввал анга сарф килурлар. Агар ортса қуйидаги шарт бўйинча олулар. Талабалар учга бўлинган: бир бўлаги аъло, бир бўлаги авсат ва бир бўлаги адно. Адно бир хисса олу, авсат анга икки хисса [кўп] олу, аъло авсатга икки хисса олади.

**Шукурхон мадрасаси**<sup>93</sup>. Мударрислар Мирзо Муҳаммад аълам ва Мулла Мавлон. Бир масжид ва бир дарсхонадан иборат. Толиби илмлар сони ўттизта, йигирматаси Мирзо Муҳаммад аъламда, ўнтаси Мулла Мавлонда ўқур. Мулла Мавлоннинг мударрислиги олтидан бир. Имомлари Мулла Абдумавлон муфти ва Мулла Абдуҳолик, Муаззин Мулла Усмон.

**Вақфлари.** 1) Икки адад сарой ижараси 180 тилла. 2) Саккиз адад дўкон ижараси 11 тилла, жами 191 тилла. Бундан учдан бири учун мударрислар 60 тилла олу. Мутаваллиси ҳам мазкур икки мударрисду, мутавалли-

<sup>92</sup> Турсун Муҳаммад ва Ниёз Муҳаммад – Лашкар бекларбегининг ўғиллари. Ниёз Муҳаммаднинг аълолари ҳозирда ҳам Тошкент шаҳрида истиқомат қилади.

<sup>93</sup> ЎзР МДА. И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд. 223-варақ. Тошкентда Шукурхон номида иккига мадраса бўлиб, улардан бири Себзор даҳасининг Тинчбоф гузариди, иккинчиси Кўкчада жойлашган. Қурилган йили номаълум.

лигига 19 тилла олу. Мирзо Муҳаммад аълам мударрис 67 тилла, Мулла Мавлон мударрис ва мутаваллилигига 13 тилла олу. Қолган вақфини имом, муаззин, сартарош, фаррош ва толиби илмлар вақфнома ҳукми бирла мадрасани сарфидан ортса, олулар. Аъло, авсат ва адно мартабаси бўйича.

**Ҳазрат Мўйи Муборак мадрасаси**<sup>94</sup>. Мирзо Аҳмад парвоначи бино қилган, ўн уч ҳужра, бир масжиддан иборат. Мударрислар – Имомхон махзум ва Абдулмажидхон махзум<sup>95</sup>. Мутаваллиллар – Миртоҳиршоҳ ва Мулла Яъқубжон. Муаззинлар – Содик сўфи ва Ирис Муҳаммад сўфи. Яна бир сартарош, бир фаррош ва бир дарбон. Толиби илмлар ҳар бир ҳужрада тўрттадан.

**Вақфлари.** Мирзо Аҳмад парвоначи тарафидан Эски Тошканд, Саривоғоч, Оқтепа, 1 таноб<sup>96</sup> ток ва ярим таноб бедазор вақф қилинган. Ҳосилнинг учдан бирини икки мударрис олу, ўндан бирини икки мутавалли олу. Қолгани вақфнома ҳукми бирла мадраса сарфидан ортса имом, муаззин, сартарош, фаррош, дарбон ва толиби илмлар олу. Аъло, авсат ва адно мартабаси бўйича.

<sup>94</sup> ЎзР МДА. И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд. 223-варақ. Мадраса Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбеги томонидан 1856-1857 йилларда қурилган. Баъзи маълумотларга қараганда эски мадраса ўрнида қайта тикланган.

<sup>95</sup> Имомхон махзум ва Абдулмажидхон махзум Юнусхон ўғиллари – шаҳарнинг обрўли ва илми кишиларидан бўлиб, иккаласи ҳам Тошкент, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Хусусан, Бухорода таҳсил олиб қайтган Имомхон махзум Бухоро ва Тошкент уламолари орасида катта макега эга бўлган. Абдулмажидхон махзумнинг ўғли Эшон Бобохон 1943-1957 йилларда Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлар диний идораси биринчи муфтийси бўлган.

<sup>96</sup> Таноб – Ўрта Осиёда кенг тарқалган сатх ўлчов бирлиги, минтакалар бўйича турлича. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида XIX асрнинг 2-ярмида 1 таноб 1820,83 кв метрга тенг бўлган. Бу ҳақда қаранг: Давидович Е.А. Материалы по метрологии Средневековой Средней Азии. М., 1970. С.130.



**Барокхон мадрасаси**<sup>97</sup>. Ўттиз тўрт хужра, бир масжид ва бир дарсхонадан иборат. Мадрасанинг ярмига мударрис – Мулла Саййид Аҳмад охунд<sup>98</sup>. Имоми – Акбар кори, муаззин – Мулла Жиян сўфи, яна битта сартарош ва битта фаррош бор. Толиби илмлар 42 та. Шундан 12 таси аъло, 12 таси авсат ва 18 таси адно. Мутаваллиси – Эшон Ойхўжа шайх ул-ислом.

**Вақфлари.** 1) Нормухаммад кўшбеги вақф қилган бир сарой. Ижараси 200 тилла, шундан 20 тиллоси бўлак жойга вақф. 2) Чигатой дарвозасида Аллон мавзеида 15 таноб ер. 3) Оқсоқ отага қарашли ер, Қаноат оталиқ ўз отасидан қолган меросий мулкани вақф қилган. У ерда қангли, санчикли, сергили, қирғиз, чакчим ва сартия жамоалари дехқончилик қилади. 4) Мадраса олдидаги саккизта дўкондан 50 танга ижара. Даромаддан 1/3 қисмини мударрислар, 1/10 қисмини мутаваллиллар олур. Қолгани вақфнома ҳукми бирла мадраса сарфидан ортса имом, муаззин, сартарош, фаррош, дарбон ва толиби илмлар олур. Аъло, авсат ва адно мартабаси бўйича.

**Эшон Қози калон мадрасаси**<sup>99</sup>. Бир масжид, бир дарсхона, ўн тўрт хужра ва таҳоратхонадан иборат. Мадрасанинг кунчиқар тарафида катта мазор жойлашган. Мударрис ва имом – Муҳаммад Ҳакимхўжа қози<sup>100</sup>,

<sup>97</sup> ЎЗР МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд. 222-варақ орқаси. Мадрасанинг қурилиши Барокхон номи билан танилган Наврўз Аҳмадхон ибн Суюнчўжахон (1533-1551 йилларда Тошкент ҳокими, 1551-1556 йилларда Шайбонийлар давлати олий ҳукмдори) даврида яқунланган.

<sup>98</sup> Иккинчи мударрис номи келтирилмаган.

<sup>99</sup> ЎЗР МДА. И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд. 222<sup>о</sup>-варақ. Мазкур мадраса Қўқон хони Муҳаммад Алихон даври (1822-1841)да Тошкент қозикалони Исохўжа Юнусхўжа ўғли томонидан қурилган. Исохўжа қозикалон қабри Себзор даҳасининг Қозикўча маҳалласидаги Исохўжа мазорида бўлган.

<sup>100</sup> Ҳакимхўжа қози – Эшон Муҳаммад Ҳакимхўжа қозикалон Норхўжа эшон ўғли (тахм. 1815-1875). Бухорода таҳсил олган. 1864 йилда Қўқон хони Султон Саййидхоннинг (1863-1865) Иконга юришидан олдин Ҳакимхўжа эшонни қозикалон, унинг акаси Ойхўжа эшонни шайх ул-ислом этиб тайинлаган. Ҳакимхўжа қозикалон 1865 йилда Тошкент мудофааси раҳбарларидан бўлган.

мутавалли – Ойхўжа шайх ал-ислом<sup>101</sup>, муаззин – Мулло Ашур сўфи. Толиби илмлар сони – ҳар бир хужрада 4 тадан.

**Вақфлари.** 1) Ўнга дўкон, ҳозирда ҳар қайсисини танидан чиқариб, ўн бешта бўлган. Ижараси 12 тилла. 2) Мадрасани олдида бир ҳовли ва майдон. 3) Жангалзор мавзеида тахминан 3 таноб боғ ер, бедазор ва бўш ер. 4) Оққўрғон мавзеида 2 тарновлик<sup>102</sup> ер. 4) Қорамурт мавзеида ...<sup>103</sup>.

Даромаддан 1/3 қисми мударрислар, қолгани(ни) вақфнома ҳукми бирла имом, муаззин, сартарош, фаррош ва толиби илмлар олур. Аъло, авсат ва адно мартабаси бўйича.

**Жуманбий мадрасаси ва масжиди**<sup>104</sup>. Мадраса-масжид 8 та хужрадан иборат. Мударрислар – Мулло Абдушукур муфтий ва Мулло Раҳимберди, имоми – Шох Абдуқаҳҳорхўжа эшон, муаззин – Мирсаййид сўфи. Иккала мударрис кўлида йигирма нафар талаба таҳсил олади.

**Вақфлари.** Жуман масжид, Учтепа, Юқори Тарнав, Ўрта Тарнав мавзеларида [ерлар] ҳамда Пояки мавзеида

истилодан кейин ҳам қозикалонлик мансабида қолдирилган. Н.Остроумовнинг ёзишича, вафотидан сўнг Себзор даҳасидаги Қозикўча маҳалласи қабристонига дафн этилган. Унинг ўғли Мухиддинхўжа узок вақт Себзор даҳасида қози бўлган. Остроумов Н. Последние по времени Шейх ул ислам и Казы калан города Ташкента, братья Айходжа и Хаким ходжа // ПТКЛА. Год 20-й. -- Т., 1915. -- С.11-24.

<sup>101</sup> Ойхўжа шайх ул-ислом – Ойхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли, 1864 йилда Тошкент шайх ул-исломи этиб тайинланган. Ҳаж пайтида Мадинада вафот этган. Унинг ўғли Азизлархон эшон ва набиралари қози ва мударрис амалларида хизмат қилган.

<sup>102</sup> Тарновлик ер – бош ариқдан келган бир тарнов сув миқдори билан сугориладиган ер бирлиги.

<sup>103</sup> Матнда бўш қолган.

<sup>104</sup> ЎЗР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд, 227-варақ. Жуманбий Тахтапулий мадрасаси 1856 йилда қурилган, 1884 йили эса Жуманбийнинг ўғли мутавалли Мулла Яъқубжон тарафидан таъмирланган.



бир сарой ва бир дўкон вақф қилинган. Вақфдан ҳосил бўлган даромад аввало бинолар иморатига сўнг мударрислар, имом, муаззин ҳамда талабалар ўртасида тақсимланади.

Кўкча даҳаси:

**Сақичмон маҳалласидаги масжид-мадраса**<sup>105</sup>. Бўрихўжа Бобошайх ўғли бино қилган<sup>106</sup>. Имоми Исо Муҳаммад кори домулло Холдор ўғли, сўфиси Кувондик Норбўта ўғли. Исмоилжонбой Бобожонбой ўғли Бўрихўжанинг мазкур маҳаллада қурдирган мадрасаси ва масжиди сарфлари учун Сақичмон маҳалласида бир ҳаммом вақф қилган. Бўрихўжа ва мулла Абдумуталлиб Исмоилжонбой мазкур ўғли масжид сарфи учун шу маҳаллада сарой вақф қилган. Иккисининг ҳам вақфномаси бор.

**Тошкент мадрасаларининг 1884 йилги рўйхатидан**

Шайх Хованд Тохур даҳасида

**Эшонқули додхоҳ мадрасаси**<sup>107</sup>. Мадрасага 47 йил бўлган. Вақфлари: 1) Себзор даҳасидаги чит бозори, шоҳи бозорида 47 адад ускуналик дўкон, 170 адад таг-жой оладиган дўкон. 2) Қиёт маҳалласида 2 та, Турк маҳалласида 1 та, Занжирлик маҳалласида 2 та, жами 5 та тегирмонлардан келадиган ижара, тагжой пули 31800 сўм.

Мутаваллилар - Ниёз Муҳаммад Бекларбеги ўғли ва Саййидалихўжа Сулаймонхўжа ўғли 3180 сўм олади.

<sup>105</sup> ЎзР МДА, И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 449-йиғма жилд, 206-варақ.

<sup>106</sup> Бўрихўжа Бобошайх ўғли - Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Эшон Бўрихўжа Санчикмонийнинг Кўкча даҳаси Сақичмон маҳалласида қурдирган мадрасанинг таркибида катта жомеъ масжид бўлган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, мадраса 1820 йилда қурилган. Масжид ва мадрасанинг 1847-1887 йилларга мансуб вақф ҳужжатларида келтирилишича, бу вақтда Бўрихўжа жомеъ масжиди хонакоҳ, айвон, бир неча хужралардан иборат бўлган кичикроқ мадраса ва масжид саҳнидан таркиб топган.

<sup>107</sup> ЎзР МДА, И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 26-варақ.

Қолган 31620 сўмдан<sup>108</sup> учдан бир қисми вақфномада кўрсатилганидек, тўққиз адад мударрисга берилади: Тўрахўжа эшон Хонхўжа эшон ўғли - 381 сўм 45 тийин, Махмудхўжа эшон Неъматхўжа эшон ўғли - 392 сўм 60 тийин, Яъқубхўжа эшон - 388 сўм, Раҳматуллахўжа Аъзамхўжа эшон ўғли, мулла Зайнулдин махзум, Насруллохўжа эшон Қорахўжа эшон ўғли, Абдусаттор махзум Алиакбархўжа эшон ўғли, Орифхўжа махзум Шарифхўжа эшон ўғли, Эшонхўжа махзум Махмудхўжа эшон ўғли баробар яъни 346 сўм 40 тийиндан [жами 2078 сўм 4 тийин] олади. Мадрасадаги имом, сўфи, сартарош ва фаррошга 3108 сўм берилади. Қолган пул мадрасадаги 14 адад аъло, 14 аъдад авсат ва 14 адад адно босқичидаги талабаларга тақсимланади.

**Шайх Хованд Тохур мозори ичидаги мадраса**<sup>109</sup> [Юнусхон мадрасаси]. Мадрасага Оқмасжид маҳалласида- [ги] икки кўча ўртаси ва Ниёзбек волостида Пулемас ариғи вақф қилинган. Аммо неча вақтдан бери жорий бўлиб, ер ҳаққи олинмас, вақфномаси эса Алчакуф тўра<sup>110</sup> кўлида экан. 1881 йилда сайлов билан Султон Махмудхўжа эшон Султон Саъидхўжа эшон ўғли мударрис бўлган. Мадрасада 20 адад талаба дарс ўқийди, аммо ҳеч қандай вақф даромади йўқ.

**Дегрез маҳалласидаги мадраса**<sup>111</sup>. Хўқандлик Махмуд дастурхончи бино қилган.

**Вақфлари.** 1) Себзор даҳасида Эски Жўва мавзеида ичида 23 та хужраси бор бир сарой. Сарой олдида 9 та

<sup>108</sup> Бу ерда мутаваллилар улушидан сўнг қолган маблағ аслида 31620 эмас 28620 сўмни ташкил қилади. Мадраса даромадини тақсимлашда кейинги ўринлардаги ҳисоб-китобларда ҳам бир оз ҳатолик кетган.

<sup>109</sup> ЎзР МДА, И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 26-варақ оркаси.

<sup>110</sup> Алчакуф тўра - рус амалдори ёки савдогарларидан, исми шарифини аниқлаб бўлмади.

<sup>111</sup> ЎзР МДА, И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 26-варақ оркаси - 27-варақ.



дўкон бор. 2) Намад бозорида бир мурча, унинг олдида 17 та дўкони бор. Мазкур сарой, мурча ва дўконлар ижараси жами 3900 сўм. Баъзи йил кўп, баъзи йил кам бўлади.

Мутавалли – хўқандлик мулла Эшонжон Махмуд дастурхончи ўгли ўндан бир қисм 390 сўм олади. Мударрислар – Нажмиддинхўжа Каттахўжа ўгли ва мулла Мавлонхон Зиё махзум ўгли. Ҳар иккиси баробар 380 сўмдан олади. Бир имом мулло Сиддик мулло Миррахим ўгли 340 сўм, сўфи Қодир Абдуллоҳ ўгли 317 сўм, саргарош 312 сўм, хатми хўжа<sup>112</sup> учун 320 сўм берилади. Қолган пул 50 адад талабага аъло, авсад ва адно даражасида тақсимланади. Мутаваллининг вакили – Эшонхўжа Нажмиддинхўжа ўгли. Мадраса вақфини бўлганига 48 йил бўлган.

**Мўғулкўча маҳалласидаги масжид ва мадраса**<sup>113</sup>. Қосимбой бино қилган<sup>114</sup>.

**Вақфлари.** Мазкур Қосимбой 1000 тилла, Иброҳимбойвачча Аъзамбой ўгли 50 тилла нақд пул вақф қилган. Мазкур пулларга вақфнома йўқ, бир жойдан ускуна қилиб, сўнг вақфнома қилурман, дебдилар.

Қосимбой 1883 йилда мадрасанинг ёнидан бир ховли олиб, Аъзамбой Мирзо Юсуф мавзеида 1,25 таноб теракзор олиб, вақф қилган. Мадраса мутаваллиси – Қосимбойнинг ўгли Иброҳимбойвачча. Қосимбой мулло Минҳожиддин мулла Неймат ўғлини мударрис-хатиб қилган. Мадрасанинг 21 та хужрасида юз адад талаба илм

<sup>112</sup> Хатми хўжа – тасаввуф аҳли тарафидан ўтказиладиган махсус хатм маросими, “хатми хўжагон” деб ҳам аталади. Тилга олинган давр архив ҳужжатларига қараганда, Тошкент шаҳри мадраса ва масжидларида, зиёратгоҳ мазорларда ўқиштириладиган бундай маросим, одатда, вақф даромади ҳисобидан ўтказилган.

<sup>113</sup> ЎзР МДА, И-36-жамгарма, 1-рўйхат, 2482-йигма жилд, 27-варақ.

<sup>114</sup> Мадраса икки томони айвонли, бир хонакоҳдан, 10 та хужра ва гиштли гумбаздан иборат бўлиб, пишиқ гиштдан қурилган. У архив ҳужжатларида жойлашган маҳалла номи билан Мўғулкўча мадрасаси деб тилга олинган ва 1871 йили қурилгани қайд қилинган.

олади. Мулло Олим, Қосимбой, Иброҳимбойваччалар вақф пули ижараси деб, мударрис, мулло, имомга йилига 3120 сўмни тақсимлаб берар эканлар. Мадрасага 12 йил бўлган.

**Ўқчи маҳалласи масжидидаги мадраса**<sup>115</sup>. Масжиднинг 10 адад хужрасида мулла Абулқосим мулла Боймуҳаммад охунд дарсгўйлик қилади. Хужралардаги талабалар сони 34 адад. 1883 йилда Миржалил оқсоқол Гулмирза оқсоқол ўгли масжид эҳтиёжи ва хатми хўжа учун бир дўкон вақф қилган. Ижараси 312 сўм. Аммо мадрасанинг ҳеч бир вақфи йўқ.

Себзор даҳасида

**Бекларбеги мадрасаси**<sup>116</sup>. Мударрислари – домулло Шохмаҳмуд охунд, домулло Ходи аълам, Саййид Умар махзум, Саййид Музаффар махзум, Мулло Азимбек. Мутаваллилар Саййид Умар махзум, Саййид Музаффар махзум, Нўъмон махзум ва Ниёз Муҳаммад.

**Вақфлари.** Базозлик растасидаги Хиштин саройи, жомафурушлик растасида 26 та дўкон, жомафурушлик растасида бир саройча, Закотсаройнинг ўрнида 71 та дўконга тағжой, Закотсарой ўрнида 26 та дўкон ускунаси билан, базозлик растасида 2 та дўкон, шам бозорида 93 та дўконнинг тағжойи, Регистон мавзеида 1 та тегирмон. Буларни Бекларбегининг ўзи қилган вақфдур. Улардан ҳар йилда келадиган 1000 сўмни ўн қисмга бўлиб, 1/10 қисмини мутавалли олади. Қолган тўққизини уч қисмга бўлиб, 1/3 қисмини мударрислар олади. Қолгани иккисини ўн қисмга бўлиб, 1/10 имом, сўфи, фаррош ва саргарошга, қолгани мадрасанинг бошқа вазифадорларига берилар экан.

<sup>115</sup> ЎзР МДА, И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 2482-йигма жилд, 27-варақ орқаси.

<sup>116</sup> ЎзР МДА, И-36 жамгарма, 1-рўйхат, 2482-йигма жилд, 41-варақ орқаси.



Мадрасага яна Назарбек қилган вақф ҳам бор экан<sup>117</sup>. Олти йилдан бери муллоларга тегмай подшоҳликка олинур экан. Муллолар бош ҳокимларга шул вақф тўғрисида ариза ҳам берганлар.

**Мўйи Муборак мадрасаси**<sup>118</sup>. Мутавалли - Мирзо Аҳмад қўшбеги. Мударрислар – Имомхон эшон ва Абдулмажидхон.

**Вақфлари.** 1) Эски Тошканд мавзеи бутунлай вақф. Шундан Мирзо Аҳмад қўшбеги йилига 400 сўм мадрасага бериб, қолгани нимага сарф бўлишини муллолар билмайдур. Лекин қўшбегидан аввалги мутавалли даврида [мадрасага] йилига 1000 сўм берар экан. 2) Сариоғоч мавзеи бутунлай вақф. Бу ерни Собункуб деган тўра зўрлуқ қилиб тортиб олган экан. Шу сабаб бу мавзедан ҳеч бир фойда йўқ. 3) Оқтепа мавзеи бутунлай вақф. Бу ерни Хўжа Ахрор Валий [мадрасаси] муллолари даъво қилиб, қозига ҳужжат кўрсатиб олган экан.

**Бароқхон мадрасаси**<sup>119</sup>. Мударрислар Саййид Аҳмад охунд, Мулло Абдулложон қози. Мутавалли Саййид Ғанихўжа.

**Вақфлари.** 1) Нормухаммад қўшбеги саройи олдидаги дўконлари билан. Унинг ҳосили аввал мадраса ва саройнинг таъмирига сарфланади. Шундан ортса, 1/10 қисми Шайх Хованд Тоҳур [мозори]даги қорихонага берилади. Қолгани яна ўн қисмга бўлиниб, 1/10 қисми мутаваллига, 1/10 қисми имомга, сўфига, фаррошга, сартарошга берилади. Қолган саккизини уч қисмга бўлиб, 1/3

<sup>117</sup> Назарбек вақфи – ушбу вақф аслида ўрта асрларга мансуб бўлиб, вақфи авлод тарзида Назарбий авлодлари учун қилинган. Назарбий авлодлари қолмагач, Тошкент қозихонаси ижозати билан тахминан Лашкар бекларбеги ҳокимлиги вақтида унинг мадрасаси ихтиёрига ўтказилган бўлса керак. Мазкур рўйхат 1884 йилда тузилганини ҳисобга олсак, Назарбек вақфининг мадраса ихтиёридан олиниши 1878 йилга тўғри келади.

<sup>118</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд. 38-варақ орқаси.

<sup>119</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 42-варақ.

қисми мударрисларга, 2/3 қисми муллоларга берилади. 2) Оқсоқ ота мавзеи бутунлигича вақф. Вақфномалари, хонлар берган иноятномалари ва ўша ер одамлари тилидан берган васиқалари ҳам бор экан. [Мадраса ахли] шу мавзедан таноб ва хирож олар эканлар. Лекин Ўрусия келгандин кейин учинчи йилда мадрасанинг мазкур вақфи подшоҳликдан ўтмаган экан. 3) Мадраса мутаваллисини [нг] қўлида яна 250 тилла [маблағи] ҳам бор экан. Бундан келган фойда – 32 тилла муллоларга тақсимлаб берилар экан.

**Исахўжа қози мадрасаси**<sup>120</sup>. Мударрислар – Мухиддинхўжа қози ва Аҳмадхўжа эшон. Мутавалли – Эшон Бобохўжа махзум.

**Вақфлари.** 1) доқафурушлик растасида 1 та дўкон. яхтак бозорида 7 та дўкон, гулбозорида, қозонфурушлик бозори яқинида 4 та дўкон, базозлик растасида 1 та дўкон, чархчиликда олдида 3 та дўкони бор бир ховли, Лабзак маҳалласида бир жуфт обжувоз ва бир тегирмон. 2) Қорамут мавзеида 500 таноб арпа, бугдой ва беда экиладиган ерлар. Бу ерлар ҳосилининг 1/3 қисми мазкур мадрасадаги масжидга вақф экан. Қолганини бошқа вақфлар ҳосилига кўшиб, ўн қисмга бўлиб, 1/10 қисми мутаваллига, 1/10 қисми имом, фаррош, сартарош ва сўфига (берилар экан). Қолган саккизи уч қисмга бўлиниб, 2/3 қисми муллоларга, 1/3 қисми мударрисларга берилар экан. 3) Оққўрғон мавзеидаги ерларни Инъомхўжа мингбоши хатлаб олган экан.

**Жуманбий мадрасаси ва масжиди вақфлари**<sup>121</sup>.

1) Бир сарой, поякилик [растаси]да. Ўрта Тарнав мавзеида тахминан 1 манн<sup>122</sup> ер, Туябўтзи мавзеида 6

<sup>120</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 42-варақ.

<sup>121</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд. 36-варақ орқаси.

<sup>122</sup> Манн – 1) ер ўлчов бирлиги. Ўрта Осиё худудида ер юзасини ўлчашда катта (20 кг гача) ва кичик (4,32 кг гача) мани ишлатилган. Ерни ўлчашда маълум бир



ботмон ер. Мутавалли Яъқубжон 1/10 қисмини олади. Қолгани тўртга бўлиниб, 1/4 қисми мударрисларга, 1/4 қисми мадраса таъмирига, 2/4 қисми талабаларга аъло, авсат ва адно даражаларида берилади. 2) Аччи мавзеида тахминан 150 таноб ҳосили бор дарахтзор ер. Вақф даромади учга бўлиниб, мутавалли Холиқбек 1/3 қисмини, мударрислар 1/3 қисмини ва Шоҳ Юнусхўжа авлодлари 1/3 қисмини олган. 3) Шу маҳаллада<sup>123</sup> бир дўкон, даромади олти қисмга бўлиниб, 1/6 қисми мутаваллига қолгани мадрасадаги масжид эҳтиёжларига сарфланган.

Кўкча даҳасида:

**Шукурхон мадрасаси вақфлари**<sup>124</sup>. Вақфи бир сарой, даромади 600 сўм. Воқиф ва мутавалли Мирзо Аҳмад қўшбеги. Шундан мударрис ва муллоларга 100 сўм берилар экан. Мударрислар Фазл Аҳад қори, Мулло Абдумавлон ва Мулло Али Мухаммад охунд. Яна 7 та дўкон мадрасадаги масжид имоми ва сўфисига вақф қилинган. Даромади 14 сўм.

**Сақичмон маҳалласидаги Бўрихўжа эшон мадрасаси вақфлари**<sup>125</sup>. Мадрасага бир ҳаммом ва бир сарой ва 5 та дўкон вақф қилинган, Даромади 300 сўм. Мутаваллиси Абдуҳаким Мирзо ўғли. Даромади мадраса ва масжид эҳтиёжлари, мударрис, имом, сўфи ва

оғирликдаги дон экиладиган ер назарда тутилган. 2) оғирлик ўлчови, минтака бўйлаб турли оғирликда қўлланилган. Тошкентда манн ўрнида кўпроқ ботмон ишлатилган бўлиб, 19 асрда 1 ботмон 10 – 10,5 пудга, яъни 163,8 – 171,99 кг га тенг бўлган. Бу ҳақда қаранг: Д а в и д о в и ч Е. А. Материалы по метрологии Средневековой Средней Азии. М., 1970. С.92, 124.

<sup>123</sup> Мадраса жойлашган Тахтапул маҳалласи назарда тутилган.

<sup>124</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 19-варақ.

Кўкча даҳасидаги Шукурхон мадрасаси даҳа бозор ёнида бўлиб, архив ҳужжатларига қараганда, бу мадраса кейинчалик хароба ҳолига келиб қолган ва мадраса 1901 йилда Туркистон Ўлкаси маориф бошқармаси буйруғи билан ёпилган.

<sup>125</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 19-варақ.

талабаларга тақсимлаб берилади. Мударрис Мулло Зуннун қори.

Бешёғоч даҳасида

**Хўжа Аҳрор Валий мадрасаси вақфлари**<sup>126</sup>. 1) Оққўргон мавзеидан бир йилда олинадиган таноб ва хирож 1140 сўм. 2) Оққўргон мавзеидаги Янги тарнав деган ердан бир йилда 152 сўм. 3) Кўнғроқ мавзеидан бир йилда ... сўм<sup>127</sup>. 4) Отчофар ва Оқтепа мавзелари нобудлик сабабидан ҳеч қандай даромад йўқ. 5) Бешёғоч даҳасидаги Кичик Қозиработ ва Курама уездига қарашли Катта Қозиработ мавзеларидан ҳар йилги хирож ва таноби 380 сўм. 6) Шаҳар ичидаги биринж (гуруч) бозоридаги 18 та дўкондан бир йилда 234 сўм. Шу бозорда бир каффон даромади бир йилда 60 сўм. 7) Арфа (арпа) бозорида бир каффон даромади бир йилда 80 сўм. 8) Ун бозори, мош бозори, арфа бозори, сабзи бозори, биринж бозорида жами 255 та дўконнинг тағжойи бир йилда 336 сўм. 9) Биринж бозорида 200 адад фуқаро фойдаланадиган бир каффон бор экан. Аммо 3 йилдан бери фойдалангани учун ер ҳаққи бермас эканлар. 10) Себзор даҳасига қарашли поякилик бозорида бир саройчанинг тағжой даромади бир йилда 12 сўм. 11) Себзор даҳасига қарашли ерда бир саройча ва у ердаги 8 та дўкон ижараси бир йилда 1140 сўм. 12) Курама уездига қарашли Аччи ҳамда Кўкча даҳасига қарашли Қорақамиш мавзеларининг бир йиллик таноби 1140 сўм. Хирожига эса 150 ботмон ғалла.

Мадраса мударрислари - Шарифхўжа қози мударрис Подшоҳхўжа ўғли, домулло Умарбек охунд мударрис Мулло Жонибек ўғли, Азизлархон қози мударрис Ойхўжа эшон ўғли, домулло Мухаммад Обид охунд мударрис

<sup>126</sup> Хўжа Аҳрор мадрасаси – Тошкентнинг қадимий мадрасаларидан, 1451 йилда Хўжа Аҳрор Валий тарафидан қурдирилган. ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 59-варақ орақаси-60-варақлар.

<sup>127</sup> Архив ҳужжатига қоғоз букланган жойида рақам кўринмай қолган.



Мулло Бобожон охунд ўгли, Мулло Абдусаттор мударрис Ярашбой ўгли, Мулло Салимхон охунд мударрис.

Мадраса мутаваллилари - Мўминхонтўра Саййидхонтўра ўгли, Насриддинхонтўра Тўражонтўра ўгли ва Хусайнбек махзум домулло Солихбек охунд ўгли.

Хўжа Ахрор валий мадрасасининг жамаи вақф даромади 5586 сўм. Шундан мутаваллилар ўндан бир, мударрислар учдан бир олиб, қолгани мадраса аҳлига тақсимланади.

**Кўкалдош мадрасаси вақфлари**<sup>128</sup>. Шаҳар ичида 7 та дўкон хужжатлик ва яна 230 та дўкон [ўрни] ижараси, ҳаммаси бир йилда 570 сўм.

Мадрасанинг мударрис ва айни вақтда мутаваллилари - Мулло Яъқуб охунд Неъматшайх ўгли, Юнусхон эшон Хонхўжа эшон ўгли, домулло Абдурахмон Худойберганбой ўгли, Нуриддин махзум Қори қози марҳум ўгли.

**Абулқосимхон эшон мадрасаси вақфлари**<sup>129</sup>. Янги маҳаллада вақфлар куйидагича: 1) шаҳар ичида, қовун бозорида бир сарой 12 та дўкони билан, ҳар йили 1400 сўм. 2) Шам бозорида 1 та дўкон ижарасидан ҳар йилда 20 сўм. 3) Саррожлик бозорида 1 та дўкондан 16 сўм. 4) Беда бозорида 1 та дўкондан 10 сўм. 5) Товоқ бозорида 1 та дўкондан 10 сўм. 6) Қурама уездига қарашли Бобохон ота мавзеининг хирож ва танобонаси ҳар йилда 60 сўм. 7) Бир обжувознинг ярим даромадидан 50 сўм. Юқорида зикр қилинган вақфлар даромади жамаи 1566 сўм. 8) Эски Намозгоҳ деган жойнинг тағжойи ҳар йилда 150 сўм. Аммо мазкур Эски Намозгоҳни тафтиш қилиб сўралган

<sup>128</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 59-варақ.

<sup>129</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 58-варақ орқаси. Ушбу мадраса Абулқосим шайх, Қорахон эшон, Маъдихон эшон, Бокихон қози мадрасаси каби номлар билан ҳам аталган. Архив хужжатларида унинг очилган йили 1790 ва 1855 йил деб кўрсатилган. Лекин мадраса фаолияти асосан Абулқосим эшон фаолияти билан боғлиқ бўлгани сабаб иккинчи сана тўғриворк бўлса керак.

вақтда бир неча қария ишончлик одамлар айтурларки, мазкур эски Намозгоҳ мавзеи қадим вақтлардан Ҳазрат Хўжа Аъламдор<sup>130</sup> [мозори]нинг вақфлари деб жавоб бердилар<sup>131</sup>.

Мадраса мударрислари - Мулло Муҳаммад охунд Мулло Бобожон охунд ўгли ва Мир Бадий махзум. Мутавалли - Абулқосим эшоннинг ўзлари<sup>132</sup>.

**Мулло Отабойхожи маҳалласидаги масжид-мадраса вақфлари**<sup>133</sup>. Мулло Отабойхожи бино қилган. Вақфлари: 1) Чорсуда бир ҳаммомнинг ярим даромади, йилига 500 сўм. 2) Читбозорда 1 та дўкондан йилига 15 сўм. 3) Оқмасжид вилоятида бир қарвонсарой вайрон бўлгани учун даромади йўқ. 4) Ҳайитбой тол деган мавзеда 6 ботмон шоликдор ер қуруқ бўлиб қолгани учун даромад йўқ.

Масжид ва мадрасанинг мударриси Мулло Ахмадулло махзум мулла Мўминжон ўгли вақф даромадидан 1/5 қисм олар экан. Мутаваллилари Ҳакимбойвачча ва Азимбойвачча Отабойхожи ўғиллари.

<sup>130</sup> Хўжа Аламдор – Хўжа Аламбардор, Тошкентнинг Бешёғоч даҳасига қарашли Камолон маҳалласида жойлашган йирик мазор ва зиёратгоҳ.

<sup>131</sup> Ушбу масала ҳақида қаранг: Султонов Ў.А. Қўқон хони Султон Саъидхоннинг Тошкентдаги бир вақфномаси хусусида // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Фарғона, 2009. 194-199-бетлар.

<sup>132</sup> Абулқосим эшон - Абулқосимхон эшон Хонтўрагон эшон ўгли (ваф. 1892 й.) XIX асрда Тошкентдаги таникли тасаввуф намояндаларидан бўлиб, насаби Исҳоқ бой воситасида Ҳазрат Али (р.а.) га уланган. Абулқосим эшон вафотидан сўнг мадрасада унинг ўгли, Бешёғоч даҳаси қозиси Бокихон мударрислик қилган.

<sup>133</sup> ЎзР МДА, И-36 жамғарма, 1-рўйхат, 2482-йиғма жилд, 58-варақ.



### Бухоро амирлиги вақф хужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган “Вақф ёрлиқлари коллекцияси” деб номланган И-323 жамғармасида катта ҳажмдаги вақф хужжатлари жамланган. Мазкур жамғарма таркибидаги вақф хужжатлари 2 рўйхатда тавсифланган бўлиб, 2 та китобдан иборат. Биринчи рўйхатда жами 2152 та вақф хужжатлари, иккинчи рўйхатда эса 97 та архив хужжатлари сақланмоқда.

Жамғармадаги хужжатлар мазмуни даврий жиҳатдан IX асрдан то XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврга тегишли бўлиб, улар асосан ҳукмдорлар, амалдорлар, мулкдорлар томонидан мадрасалар, кутубхоналар, шифохоналар, мақбаралар, масжидлар ва хонақолар фойдасига тузилган.

Қуйида Бухорода таҳсил олган талабалар, шунингдек, амирликда фаолият юритган мадрасалар, шифохоналар ва кутубхоналар фойдасига тузилган вақф хужжатларидан намуналар келтирилади.

Бухоро амирлигига тегишли вақф хужжатлари форс тилида бўлганлиги сабабли, уларнинг таржимасини тайёрлашда хужжатлар мазмуни сақланган ҳолда, матн ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун ўзбек тилининг замонавий грамматик қоидаларига мувофиқ ҳамда тиниш белгилар қўлланилган ҳолда тақдим қилинди.

Н.Исматова  
Н.Мирзаев

**Вақфнома №1<sup>134</sup>.** Мизроббой Раҳимбой Андхуйи [андхуйлик] ўғли ўзи номидан ҳамда вакил сифатида

<sup>134</sup>ЎзР МДА, И-323 жамғарма, 1-рўйхат, 127- йиғма жилд.

тўртта шамфурушлик дўкони сукниётини<sup>135</sup> Андхуй вилоятидан Бухоро шахрига таҳсил олиш учун келган талабаларга бергани хусусидаги вақфнома.

...1284 йил Ражаб ойн (1867 йил 29 октябрь–27 ноябрь)да қизил соқолли ва ўрта бўйли Мизроббой Раҳимбой Андхуйи [андхуйлик] ўғли фахрли [машхур] Бухоройи Шариф шаҳар қозихонасига келиб, шаръан мўътабар, саҳих [ҳолда] ўзи ҳамда мусаммот<sup>136</sup> Ўғилой Гаффорберди қизи, Холбиби Одина қизи, Ниёзали, Зухроббой, Муҳаммад Ризо, Ойбиби ҳамда Ёкутой Муҳаммад Раҳимбой авлодлари номидан, Мулло Ҳайит Мулло Хусайн ўғли ва Мулло Остонакул Кулмуҳаммад ўғли [ҳар бири адолатли ва шохидлик беришга муносиб эдилар] гувоҳликларида [тасдиқланган] вакил сифатида шариятга кўра иқрори ўтадиган [жоизлиги] ҳолатда қуйидагича иқрор қилди:

“Ўзим ҳамда мазкурларнинг вакили сифатида ўзимнинг ва мазкур муваккиларимнинг<sup>137</sup> энг пок моллар ҳамда энг яхши мулкларимиздан ўзимнинг ҳамда мазкур муваккиларимнинг ҳақ ва мулки бўлмиш бир-бири билан туташган тўртта шамфурушлик дўкони сукниётини(нг) ҳаммасини ва тўлалигича вақф қилдим. [Дўконлар] мазкур шаҳардаги Лаби Ҳовузи Девонбеги растасидаги даромадлари муайян мақсадларга сарфланадиган вақф ерида

<sup>135</sup> Сукниёт ёки ускуна атамаси кўпгина тарихий хужжатларда учрайди. Бу атама маълум бир жойда барпо қилинган объектни [уй, ҳаммом, тегиримон, дўкон, дарахтзор ва х.з.] аниқлашга ў.А. Вақф ускуналари хусусида / Ёш шарқшуносларнинг академик У.Каримов номидаги X илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2013. 49-52-бетлар.

<sup>136</sup> Мусаммот – (арабча "مسى" "самма" феълидан олинган, “атамоқ” деган маънони билдиради) тадқиқ этилаётган давр юридик хужжатларида “мусаммот” ибораси аёл кишининг исми олдидан қўйилиб, хоним маъносини аниқлашга

<sup>137</sup> Муваккил – (арабча "وكيل" “ваккала” феълидан олинган, “ишонч билдирмоқ”, “топширмоқ”, “зиммасига юкламоқ” каби маъноларни билдиради) тадқиқ этилаётган давр ҳуқуқий хужжатларида вакилга ишонч билдирувчи шахсга нисбатан қўлланилган.



жойлашган. Мазкур тўрт дўконнинг тўрт тарафи чегаралари ғарбдан Фозилжон Абдуллоҳ ўгли тасарруфидаги вақф дўконига, шимолдан омма йўлига, шарқдан Усто Мулло Абдуллоҳ ўгли тасарруфидаги вақф дўконига, жанубдан Мир Убайд шайх Мир Ҳомид ўглининг нонвойлик дўконига туташган. Чегаралари барча ҳуқуқлари ҳамда белгилари билан аниқ ажратилган”.

Мазкур воқиф ўзи ҳамда вакил сифатида ушбу вақфнинг шаръий мутаваллиси мазкур Мизроббой то ҳаёт экан ўзи, унинг вафотидан сўнг унинг ўғил авлодларидан кимки солиҳ ва лойиқ бўлса, ўша бўлишини шарт қилди. Яна мазкур воқиф ушбу вақф дўконларидан ҳар нимаики ҳосил бўлса, мазкур мутавалли аввало ушр<sup>138</sup> олсин, деб шарт қилди. Қолганини Андхуй вилоятдан Бухоройи Шарифга диний илм олишга келиб, ушбу шаҳарда истиқомат қилувчи талабалар ўртасида тенг миқдорда тақсимлаб беришини шарт қилди...

*Мажлисда ҳозир бўлганлар:*

*Сайид Аминбой, Туроббой, Мулло Мир Ҳоди, Мирзобой Оқсоқол, Мавлонберди Карвонбоши, Мулло Ҳайит Мурод, Олимбой, Остонақул, Султон Хўжа, Ҳайит Ниёз;*

*Мухрлар:*

*Сайид Амир Абдулҳадга тегишли 1 та муҳр;*

*Қози ал-қуззот қози Мулло Абдулижур бин Абдулрасул Бухорийга тегишли 2 та муҳр.*

**Вақфнома №2<sup>139</sup>.** Абдулҳакимбой Файзибой ўгли ўзининг етти дўконини Муҳаммад Солиҳ Хўқандий масжидида рамазон ойи хатми учун ва ушбу масжидда

<sup>138</sup> Ушр - ўндан бир хиссани англатади.

<sup>139</sup> ЎзР МДА, И-323 жамғарма, 1-рўйхат, 400-йигма жилд.

“Солати Масъудий”<sup>140</sup> китобини ўқиш ҳамда Нодир Девон хонақоҳида маснавийхонлик қилиш учун вақф қилгани хусусидаги вақфнома.

...1316 йил Зулқаъда ойи (1898 йил 24 март – 21 апрель)да фахрли [машхур] Бухоройи Шариф шаҳар [Аллоҳ бу шаҳарни офатлардан асрасин] козиҳонасига келиб саҳиҳ бўлган ва барча тасарруфотларни амалга оширишга муносиб [бўлган ҳолда] шариатга кўра иқрори жоиз ҳолда куйидагича иқрор қилди:

“Мен иқрор қилувчи бошқанинг ҳақидан холи ўз тоза ва пок молларимдан ва вақфни манъ қилувчи шартлардан холи бўлган [ҳолда] ўз ҳақим ва мулким бўлмиш етти дўконнинг ҳаммасини ва тўлалигича вақф қилдим ва шаръий садақа қилдим. Улардан икки дўкон Жануби Руднинг Қаволаи Кажидида жойлашган. Биринчи дўкон ғарбдан Усто Содикнинг мерос дўконига, шимолдан мусулмонлар қабристонига, шарқдан омма йўлига, жанубдан ҳам [омма йўлига] туташган. Иккинчи дўкон ғарбдан Аброр Хўжа Ҳоди Хўжа ўгли дўконига, шимолдан омма йўлига, шарқдан ҳам [омма йўлига], жанубдан мазкур Аброр Хўжанинг сарой дўкончасига туташган.

Мазкур етти дўкондан бошқа яна бир [дўкон] шаҳарнинг Мулло Шамсиддин Муҳаммад гузарида жойлашган бўлиб, ғарбдан Одил Бойжон ўглининг дўконига, шимол ва шарқдан Ота Фозилнинг мерос юкхонасига, жанубдан омма йўлига туташган.

Етти дўкондан яна бошқа бир дўкон сукниёти мазкур шаҳар Қулбобо Қўқалтош мадрасасининг саҳни остидаги намақфуруший<sup>141</sup> растасидаги вақф еридаги майдонда

<sup>140</sup> Самарқандлик Масъуд бин Маҳмуд Юсуф (XIII-XIV) томонидан форс тилида ёзилган ушбу китобда ханафий фикрига оид масалалар ёритилган.

<sup>141</sup> Намақфуруший – туз сотиладиган раста.



жойлашган бўлиб, ғарбдан Абдулжалилнинг мерос дўконига, шимолдан мазкур мадраса саҳнига, шарқдан Мулло Нуруллохнинг мерос дўконига ва жанубдан омма йўлига туташган.

Мазкур етти дўкондан яна бири ушбу шаҳардаги Шур деган жойнинг пастки қисмидаги қассоблар растасидаги вақф ери саҳнида жойлашган. Ғарбдан мазкур растадаги таҳоратхонага, Мулло Абдуллоҳ Мулло Мўмин ўғлининг дўконига, шарқдан омма йўлига, жанубдан Ҳожи Мулло Остон Кулмуҳаммадбой ўғлининг дўконига туташган.

Вақф саҳнида жойлашган етти дўконнинг бошқаси Мирзо Ҳайдар гузарининг мазкур шаҳар тепасидаги кадуфуруший<sup>142</sup> растасида жойлашган. Ғарбдан омма йўлига, шимолдан Муҳсиннинг мерос дўконига, шарқдан майизфуруший<sup>143</sup> саройининг маркабхонасига<sup>144</sup>, жанубдан эса Мулло Факирнинг мерос дўконига туташган.

Мазкур [Бухоро] шаҳарнинг Бозори Гул гузарида жойлашган ушбу етти дўконнинг [яна бошқа] бири ғарбдан омма йўлига, шимолдан Курбон Абдуллоҳ ўғлининг ҳовлисига, шарқдан Муқимбой Абдуллоҳ ўғлининг ҳовлисига, жанубдан баъзиси мазкур Муқимбойнинг ҳовлисига ва баъзиси Музаффархўжа Бадалхўжа ўғлининг ҳовлисига туташган. Чегаралари барча ҳуқуқлари ҳамда белгилари билан аниқ ажратилган”.

[Мазкур вақф қилинган дўконлар] Жаъфархўжа гузаридаги чўп [ёғоч] ва хом ғиштдан бино қилинган халифайи Муҳаммад Солих Хўқандий масжидида рамазон ойи хатми учун ва ушбу масжидда “Солати Масъудий” китобини дарс қилиши учун ҳамда имом ҳаққи учун вақф қилинган. Шунингдек, халифа Хусайн масжиди учун,

<sup>142</sup> Кадуфуруший – ковок сотиладиган раста.

<sup>143</sup> Майизфуруший – майиз сотиладиган жой.

<sup>144</sup> Маркабхона – от-уловлар турар жойи.

масжид пишиқ ғишт, ёғоч ва ганждан бино қилинган. Мазкур масжидда ҳам “Солати Масъудий” китобини дарс қилиш учун вақф қилинган<sup>145</sup>.

Нодир Девон хонақоҳида маснавийхонлик қилиш учун ҳам вақф қилинган. Хонақоҳ пишиқ ғишт ва ганждан бино қилинган. Шунингдек, Хуллабофон гузаридаги масжидда маснавийхонлик қилиш шарт қилинди. Масжид пишиқ ғишт, ёғоч ва ганждан бино қилинган. Юқорида зикр қилинган масжидлар машхур бўлганлари сабаб чегаралашга ҳожат йўқ. Мазкур воқиф то ҳаёт экан ушбу вақфларга ўзи мутавалли бўлишини шарт қилди...”

*Мухрлар: Қози ал-қуззот қози Мулло Мирзо Бадриддин бинқози ал-қуззот қози Мулло Мирзо Садриддин. [Мазкур қозига тегишли] 3 та муҳр.*

**Вақфнома №3<sup>146</sup>.** Мулло Жўрабой Фозилбой ўғли ўзининг уч дўконини Шўркўл гузаридаги масжид ҳамда Чаҳоршанбайи Карвонбошийдаги икки масжид фойдасига вақф қилгани хусусидаги вақфнома.

Ҳижрий 1317 йилнинг 29 муҳаррам ойи (1899 йилнинг 8 июнь)да Мулло Жўрабой соқолли, ўрта бўйли, Фозилбой ўғли фахрли [машхур] Бухорои шариф шаҳрининг қозихонасига келиб, шариатга кўра иқрори жоиз ҳолда қуйидагича иқрор қилди:

“Мен иқрор қилувчи бошқанинг ҳақидан холи ўз тоза ва пок моларимдан ва вақфни манъ қилувчи шартлардан холи бўлган [ҳолда] бир-бирига ёпишган вақф саҳнида жойлашган уч дўкон ўз ҳаққимни вақф қилдим ва шаръий

<sup>145</sup> Тарихий маълумотларга қараганда, сўнгги ўрта асрларда Бухоро шаҳрининг аксарият масжидларида бомдод ва хуфтон намозларидан кейин ушбу китоб одатий равишда тез-тез жамоага ўқиб берилган. Шу сабабли китобни бошқа масжидларда ҳам ўқиб-ўрганишга қайта-қайта ишора қилинапти.

<sup>146</sup> ЎЗР МДА, И-323 жамғарма, 1-рўйхат, 369-йигма жилд.



садақа қилдим. Вақф ширинфуруший<sup>147</sup> растасида бўлиб, мазкур шаҳарнинг Лаби Ҳовузи Девонбегида жойлашган. Ғарбдан омма йўлига, шимолдан даромадлари муайян мақсадларга сарфланадиган вақф ерига, шарқдан Ҳожи Насруллоҳ Раҳматбой ўғлининг дўконига, баъзиси вақф дўконига, жанубдан Мирсаид Ғиёсиддин ўғлининг дўкони билан туташган. Чегаралари барча ҳуқуқлари ҳамда белгилари билан аниқ ажратилган ҳолда вақф Шўрқўл гузаридаги масжид [фойдасига], Чаҳоршанбайи Карвонбошийдаги икки масжид [фойдасига], Ҳақим собунгарнинг масжиди рамазон хатми учун [берилди], буларни чегаралашга эҳтиёж йўқдир”. Аллоҳ Таоло ундан қабул қилсин.

Мазкур воқиф ушбу вақфнинг мутаваллиси то ҳаёт экан ўзи, вафотидан сўнг ўгли Хусайн, Хусайннинг вафотидан сўнг унинг ўғил фарзандлари бўлишини шарт қилди...

*Муҳрлар: Қози ал-қузот қози Мулло Мирзо Бадриддин бинқози ал-қузот қози Мулло Мирзо Садриддинга тегишли 2 та муҳр.*

*Мажлисда ҳозир бўлганлар: Абдулҳафиз оқсоқол, Жўрабой оқсоқол, Ўринбой, Абдулвосиъ оқсоқол, Тоҳирбой, Мулло Мир Камол.*

**Вақфнома №4<sup>148</sup>.** Мусаммот Мунаввараой Мирзо Умар кизининг 5 таноб бўлган мулки хурр<sup>149</sup> ерини Мир Дўстумбий масжиди мадрасаси хужралари фойдасига вақф қилгани хусусидаги вақфнома.

...1334 йил Сафар ойининг 19 куни (1915 йил 26 декабрь) мусаммот Мунаввараой Мирзо Умар кизи

<sup>147</sup> Ширинликлар сотиладиган жой/раста.

<sup>148</sup> ЎзР МДА, И-323 жамгарма, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд.

<sup>149</sup> Мулки хурр – солиқлардан озод ер.

фахрли [машхур] Бухоройи Шариф шаҳар қозихонасига келиб, шаръан мўътабар қуйидагича иқрор қилди:

“Мен иқрор қилувчи бошқанинг ҳақидан ва вақфни манъ қилувчи шартлардан холи бўлган ўзимнинг энг пок молларим ҳамда энг яхши мулкларимдан ўз ҳаққим ва мулким бўлмиш беш таноб мулки хурр еримни ҳаммасини ва тўдалигича вақф қилдим ва шаръий садақа қилдим. [Мазкур ер] Сомжин туманидаги Кўрғуна мавзесида жойлашган бўлиб, ғарбдан марҳум Поччо Хўжанинг ерига, шимолда Қаландар Хўжа Абдуллоҳ Хўжа ўғлининг ерига, шарқдан Файзибой Абдулмўминбой ўғлининг ерига, жанубдан Раҳимқулбой Абдулҳақимбой ўғлининг ерига туташган. Чегаралари барча ҳуқуқлари, белгилари, ариқлари билан аниқ ажратилган ҳолда Мир Дўстумбий масжиди мадрасасининг хужралари [фойдасига берилди]”.

Мазкур воқиф ушбу вақфнинг мутаваллиси Мулло Нажмиддин Мулло Шамсиддин ўгли бўлишини шарт қилди. Унинг вафотидан сўнг унинг авлодлари, авлодларининг авлодлари, кимки солих ва лойиқ бўлса, ушбу вақфнинг мутаваллиси бўлишини шарт қилди. Яна воқиф вақфнинг ҳосили жихатидан [мутавалли] ҳар йили корандалардан ҳар таноб ердан олтмиш тангадан олиб, аввало тавлийят ҳақи сифатида ушр олишини ва ушр олгандан сўнг қолганини Мир Дўстумбий гузари масжиди мадрасаси хужраларида истиқомат қилувчи талабаларга беришини шарт қилди...

*Муҳрлар: Қози ал-қузот қози Мулло Мир Бурҳониддин бин қози ал-қузот қози Мулло Мир Бадриддинга тегишли муҳр.*

**Вақфнома №5<sup>150</sup>.** Муҳаммад Шарифбий парвоначининг шаръий вакил сифатида Бухоро амири номидан

<sup>150</sup> ЎзР МДА, И-323 жамгарма, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд.



битта Саройи Сангинни Сангини Олий мадрасаси фойдасига, Ҳазрати Ғўфрон паноҳ мозори Шимолий масжидининг ўн икки нафар даврахон қорилари фойдасига, шунингдек, Ҳазрати Ғўфрон паноҳ қабрининг беш нафар максурахонаси фойдасига бергани хусусидаги вақфнома.

...1303 йил Раббий ал-аввалнинг 1 куни (1885 йилнинг 8 декабрь) хурматли, султонлар ифтихори, мусулмон-лар имоми, миллат ва дин халоскори [амирга ишора қилинмоқда] тарафидан машҳур закотчи Муҳаммад Шарифбий парвоначи шаръий вакил сифатида Бухорои Шариф шаҳар қозихонасига келиб, шариатга қўра иқрори ўтадиган [жоизлиги] ҳолатда шаръан мўътабар, саҳих шу тариқа иқрор қилди:

“Ушбу ваколатдан [фойдаланиб] мазкур муваккилимнинг энг пок моллари ҳамда энг яхши мулкларидан битта Саройи Сангинни ҳаммасини ва тўлалигича вақф қилдим ва шаръий садақа қилдим. [Бу сарой] ўн тўққизта қуйи хужралардан ҳамда йигирма олтита юқори хужралардан, иккита омбордан, сарой ўртасидаги олтита дўқондан, мазкур сарой дарвозаси олдидаги иккита хужра, [ҳамда] мазкур сарой билан туташган ўнта ташқи дўқонлардан иборат. [Сарой] мазкур шаҳардаги [яъни Бухоро шаҳридаги] Ҳазрати Бобой алайҳи ал-Роҳма гузарида жойлашган бўлиб, тўрт тарафи чегаралари ғарбдан ...бий мадрасасининг вақфи [бўлмиш] саройга ва қисман омма йўлига, шимолдан ҳам омма йўлига, шарқдан Исҳоқ яҳудий Якуб яҳудий ўғлининг ҳовлисига, қисман Юсуф яҳудийдан қолган ҳовлига, қисман Юсуф Мусо яҳудий ўғлининг ҳовлисига, жанубдан Шамтуб яҳудий Илёъ яҳудий ўғлининг ҳовлисига, қисман Фулод яҳудий Мулложон яҳудий ўғлининг ҳовлисига туташган. Чегаралари барча ҳуқуқлари, белгилари, ариқлари билан

аник ажратилган ҳолда Сангини Олий мадрасаси [фойдасига берилди]. [Мадраса] ўнта қуйи хужралардан иборат бўлиб, нурли Ҳазрати Ғўфрон паноҳ, қабри нурга тўлсин, мозорининг шимолий сарҳадида жойлашган... [ҳамда] мазкур мазор Шимолий масжидининг ўн икки нафар даврахон қорилари [фойдасига берилди]. [Масжид] ушбу мазор ҳамда мадраса оралигида жойлашган [ҳамда] чегаралари маълум бўлган нурли Ҳазрати Аъло алайҳи ар-Роҳма мозорида жойлашган нурли Ҳазрати Ғўфрон паноҳ, қабри нурга тўлсин, қабрининг беш нафар максурахона [фойдасига берилди]”.

Ушбу ваколатдан [фойдаланиб] мазкур вакил ушбу вақфнинг шаръий мутаваллиси мазкур шаҳарнинг қози ал-қуззоти бўлишини, [мутавалли] тавлийят ҳақи сифатида ҳеч нима олмай, мазкур вақф саройини бошқариб, шакллантириб, унинг ободлиги йўлида сайъ-ҳаракат кўрсатиб, мазкур саройдан нимаки ҳосил бўлса, тўрт юз қисмга бўлиб, йигирма беш қисмини таҳсил кунларида талаба аҳлига дарс берувчи ва шаръий узрларсиз [дарс беришни] тарқ қилмайдиган мазкур мадрасанинг мударрисига беришини, бир юз йигирма қисмини ўнта қуйи хужраларда истиқомат қилувчи [ҳамда] диний илм олувчи йигирма нафар талабаларга тақсимлаб беришини, бир юз қирк тўрт қисмини ҳар рўза бир маротаба Малик ал-Аълом каломини хатм қилувчи ва шаръий узрларсиз тарқ қилмайдиган мазкур Шимолий масжиднинг ўн икки нафар даврахон қориларининг ҳар бирига ўн икки қисмдан беришини, беш қисмини бепарволик қилмай, мазкур мадрасани супуриб-сидировчи ҳамда қиш вақтида ҳам қорларини тозаловчи бир нафар фаррошга беришини, олти қисмини мазкур мадрасада яшовчиларни соч-соқолларини олувчи сартарошга беришини, юз қисмини Ҳазрати Ғўфрон паноҳ [қабри нурга тўлсин] қабридаги бешта максурахонага



беришини қайсики, қори ҳар жума ва душанба кечки пайт мазкур қабрга бориб, Малик ал-аъллом каломини<sup>151</sup> хатм қилишини, бошқа кунлари эса қайси жойда бўлмасин, шаръий узрсиз тарк қилмасдан Малик ал-аъллом каломдан олти пора ўкиб, савобини аввало Ҳазрати расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам руҳларига, сўнгра Ҳазрати Ғўфрон паноҳ [қабри нурга тўлсин] руҳларига бахшида этувчи қориларнинг ҳар бирига йигирма қисмдан беришини шарт қилди...

*Муҳрлар:*

*Қози ал-қуззот қози Мулло Абдулушукр бин Мулло Абдулрасул Бухорийга тегишли 2 та муҳр;  
Саййид Амир Абдулаҳадга тегишли 2 та муҳр.*

**Вақфнома №6<sup>152</sup>.** Мулло Жўрабой Мулло Юнус ўғли ва Акрам Турсунбой ўғлининг Қучор Қуръий гузаридаги ҳужжатлари йўқолган вақф мулклари учун гувоҳлик берганлари хусусидаги вақф ҳужжати.

...Бухоро шифохона мадрасаси саҳнида жойлашган бир дўконнинг чегаралари ғарбдан омма йўлига, шимол ва шарқдан мазкур мадрасага олиб борадиган йўлга, жанубдан Мулло Бобокул Қурбонбой ўғлининг айвончасига туташган. Ҳамда нисфи машоъ<sup>153</sup> айвончайи рўганфуруший<sup>154</sup> сукниётининг чегараси бу ҳам мазкур шифохона мадрасасида жойлашган. Ғарбдан омма йўлига, шимол ва шарқдан ҳам омма йўлига, жанубдан Сафарбой Абдуллоҳ ўғлининг вақф дўконига туташган. Чегаралари барча ҳуқуқлари, белгилари билан аниқ ажратилган.

<sup>151</sup> Малик ал-Аъллом каломини - Қуръони Карим.

<sup>152</sup> ЎзР МДА, И-323 жамғарма, 1-рўйхат, 369- йиғма жилд.

<sup>153</sup> Тулик бир кишига ёки бир жойда жойлашмаган, тарқок ва бўлинган ерларга нисбатан “нисфи машоъ” деб айтилади.

<sup>154</sup> Айвончайи рўганфуруший – ёғ сотиладиган жой.

1340 ҳижрий йилнинг 21 Шаъбон оёи (1922 йил 18 апрель)да Мулло Жўрабой Мулло Юнус ўғли ва Акрам Турсунбой ўғли фахрли [машхур] Бухорийи Шариф шаҳрининг иккинчи қозихонасига келиб хабар ва гувоҳлик беришди:

“Биз гувоҳмиз – Аллоҳ учун холис гувоҳлик берамизки, вақф ҳужжатининг бошида чегаралари айтиб ўтилган мазкур масжиднинг икки вақфи Қучор Қуръий гузарида жойлашган. Кунлар ўтиши билан ва замонлар айланиши билан бу вақфнинг ҳужжати йўқ бўлган бўлса ҳам, аммо воқифнинг йўқолган вақф ҳужжатида қилган шартларига биноан шарту шароитлари жорий бўлиб келмоқда. Ушбу вақфнинг мутаваллиси мазкур гузарнинг масжид имоми бўлиши шарт қилинган. [Шунингдек] мазкур мутавалли айвончаларни уларда истикомат қилаётганларнинг қўлидан олиб ўзгартириб, улардан ўз ҳаққи ушрини олиши, қолганларини иккита учдан бири қилиб, унинг икки учдан бирини ўзи имомчилик ҳақи учун олиши ва қолган учдан бирини масжид муаззинига бериши, ҳар душанба ва жума окшомлари воқифнинг руҳига дуо ва фотиҳа ўқиши ва қолганларини бошқа мусулмон камбағалларига бериши шарт этилган”.

Мазкур зикр қилинган гувоҳларнинг гувоҳликларига биноан вақфнинг шарту шароитини қайта ёздик ва бу саҳих, шаръий, доимий, абалий тоқи, Аллоҳ ерни, ундаги нарсаларни мерос қилиб қолдиргунича [зероки Аллоҳ мерос қолдиргувчиларнинг яхшисидир] вақф бўлиб қолди. Ушбу воқеа иккинчи халқ қозиси Мулло Абдунаимхўжа Азимхўжа ўғли ва бошқалар ҳузурда бўлди.

*Қотиб: Муҳаммад Юсуф*

*Муҳрлар: Мулло Абдунаимхўжа қозига тегишли муҳр.*



## Хива хонлиги вақф хужжатлари

Жаннатмакон Муҳаммад Аминхон мархумининг мадрасаларига мавкуфа (вақф этилган) ерлар баёни<sup>155</sup>

1. Хони мазкурнинг вақф этилган ерларининг жумласидин баркашида (ўлчами) ўттиз таноб<sup>156</sup> ерким, койина (жойлашган) дур Кўхна Урганчда шарқ томондан мамлақати подшоҳий, шимол ва ғарбдан қум (сахро ёки чўл худуди) ва жануб томондан омма ёфи (умумий фойдаланиладиган канал). Мазкур ердин ҳар йил беш тилло чўп пули<sup>157</sup> олинур эркан, мутавалли иқрори ва дафтари билан (дафтарига мувофик).

2. Доғи ул-жумлади (яна, шунингдек) етти қитъа (бўлак) ерким, Тошҳовуз мавзесиди (жойлашган). Аввалги қитъаси, ўлчами – етмиш таноб, шарқ ва шимол томондан омма ёфи (умумий фойдаланиладиган канал), ғарбдан Шохмурод Иноқ ва Муҳаммад Мурод Махрам ва жануб томондан Худоёр Бий, Муҳаммад Назарбой, Саййид Муҳаммад ва баъзи (айрим қисми) вақфи муайян (билан чегарадош).

Иккинчиси, ўлчами – ўтгуз таноб, шарқда вақфи муайян, шимолда омма ёфи, ғарбда ка-шарқа (шарқдагидек чегараланган), жанубда кўл.

Учинчиси ўлчами – ўн беш таноб, шарқ томондан Қурбонқал, шимолдан умумий йўл, ғарбдан Қутушқуса, жанубдан Шохобод ёфи (билан чегараланган).

Тўртинчиси, ўлчами – тўрт таноб, шарқда Мулло Ошур, баъзи (айрим қисми) мамлақати подшоҳий, шимолда мазкур Мулло Ошур ва баъзи (айрим қисми) Қаландар ва Сафобой, Абдулғаффор, ғарбда омма,

<sup>155</sup>ЎЗР МДА, И-125 жамғарма, 1-рўйхат, 483- йиғма жилд, 114-варак.

<sup>156</sup> 1 таноб – 0,4 гектар.

<sup>157</sup>Хива хонлигида амалда бўлган солиқ турларидан бири.

жанубда ғарбдагидек чегараланган, баъзи (айрим қисми) Муҳаммад Ниёзбек (билан чегарадош).

Бешинчиси, ўлчами – бир таноб, шарқдан Усто Қувондик, шимолдан, ғарбдан ва жанубдан мамлақати подшоҳий.

Олтинчи қитъаси (бўлаги), ўлчами – олти ярим таноб. Шарқдан Муҳаммад Сафобой, шимолдан Жумъа Ниёзбой, ғарбдан Абдулкарим ва Отаниёз, жанубдан омма йўли.

Еттинчиси, ўлчами – ўн таноб, шарқда ва шимолда муштарак (шерикчилик асосда фойдаланиладиган) солма<sup>158</sup>, ғарбда Абдулғаффор ва Абдулжаббор матрукаси (мерос қолган мол-мулклари), жанубда омма ёфи. Жами: бир юз ўттиз олти ярим таноб.

Мазкурни ижараси ҳар ўн танобиға ўн олти ботмон ғалла, нисфи (ярми) бугдой ва жугари (жўхори). Мазкур барча мулкларнинг бир юз ўн саккиз таноби ахё (экиладиган ер) бўлуб, бир юз саксон тўққиз ботмон ғаллани мутавалли олур эркан. Мундин боқий (қолган) ўн саккиз ярим таноби адро (экилмайдиған ер) эркан...<sup>159</sup>

Муҳаммад Аминхон мархумининг ахё (экиладиган ер) мавкуфалари (вақф ерлари)нинг жами 10 957,75 таноб. Мазкурнинг жами: 17400 ботмон ғалла, 8700 ботмон бугдой ва 8 700 ботмон жўхори. 3 123 таноб ернинг ижара (хақи) 435 тилло. Энди чўп пули 9 танга ижарасига берилган ерларнинг жами 13 681 таноб, 3 сари<sup>160</sup>, 64,5

<sup>158</sup> Солма – арик.

<sup>159</sup> Кейинги ўринларда мазкур мадрасага тегишли, Хива хонлиги бўйича 30 (жами-32) бўлак ер вақф мулклари рўйхати ва уларнинг жойлашган чегаралари, ерлар турлари ҳамда ўлчами, ижара шarti ҳақида маълумотлар келтирилди.

<sup>160</sup> Сари – оғирлик ўлчови, 1/40 мани. Мани (ботмон) Хива, Хазорасб, Тошҳовуз, Шохобод (Шовот), Кат ва бошқа худудларда 20 кг, Хонка, Урганч, Кўнгирот, Бешарик, Шўраҳон ва Шайх Аббос Вали (Шаббоз) 40 кг га тенг оғирлик ўлчови. (Қарағ: Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. Москва, 1970. С. 87.)



агри<sup>161</sup>. Ширшоли мавзеидаги 1 000 таноб ер Ибодуллох Тўрада. Ижараси 20 ботмон жўхори. Тангасининг жами 1013 тилло. Энди бу мазкурлардин жами 8 100 таноб 40 агриким, 15000 таноб ер адро (экилмайдиган ер) турур. Энди мажмуи 33 754,5 таноб 24,5 агридурур.

Яна вақф мулклари жумласидан бир ҳаммом, унинг ижараси (ҳақи) 40 тилло. Яна дўкон ижаралари (ҳақи) 15 тилло. Яна 440 тилло, ижараси (ҳақи) 44 тилло. Жами 99 тилло.

#### Қорихонаи Мусо Тўра мархуми вақфи<sup>162</sup>

Мазкура вақф этилган мулклар жумласидин баркашида (ўлчами) 750 таноб ерким (Абдурахмон мутавалли), Юмри мавзеида жойлашган. Шарқда Калхоним Бека, шимолда омма ёфи (умумий фойдаланиладиган канал), ғарбда солмаи муштарака (шерикчилик асосда фойдаланиладиган арик), баъзи (айрим қисми) матрука-и Султон Маҳмуд Бий мархуми (билан чегарадош), жанубда йўл, баъзи (айрим қисми) матрукаи Султон Маҳмуд Бий мархуми. Ижара: ҳар танобиға бир ботмон ғалла. Мазкурни 370 таноби ахё (экиладиган ер) бўлиб, 370 ботмон ғалла (ижара ҳақи) олинур. Бокий (қолган) 380 таноби адро (экилмайдиган) бўлуб, ҳеч нимарса (нима) олинмас экан. Мазкурнинг шарт: кулли (барча) махсулот уч тақсим этилур. Баъд аз даҳяк (1/10 миқдордаги ҳақ олингач), ондин (ундан) бир қисмини қорихонадаги тўрт қорига берилур. Ва икки қисмини бир мартаба қорихонада ва икки мартаба мадрасада хатм ва ифтор қилинур.

<sup>161</sup> Агри – оғирлик ўлчови, 62,5 грамм. (Қаранг: Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. Москва, 1970. С. 79.)

<sup>162</sup> ЎзР МДА, И-125 жамгарма, 1-рўйхат, 485-йигма жилд, 311-варақнинг орқаси.

#### Тоҳир Эшон алайҳи ал-Роҳманинг масжидларини(нг) баёни<sup>163</sup>

Ул жумлади (шу жумладан) тахминан 30 таноб ер, Оқёқда жойлашган. Шарқдан вақф билан муштарака солма (шерикчилик асосда фойдаланиладиган арик), шимолдан шарқдагидек чегарадош, муштарака қорим, баъзи (айрим қисми) йўл ва яна қорим (билан чегараланган), ғарбдан шарқдагидек чегарадош, жанубдан Абдуллох Тўра ёфи (канал)дин ўтиб муштарака солма (шерикчилик асосда фойдаланиладиган арик), баъзи (айрим қисми) ёфи (канал) Оқёф. Мазкур ер мутавалли икрорига кўра 35 таноб. Ижара (ҳақи) ҳар таноби икки ботмон ғалла. Ушбудин 69,5 ботмон ғалла олинур. Мазкурни шарт: Ийд ва Жума оқшомларида оби ош этилур.

Яна ул-жумладин (шулар жумласидан) тахминан 7 таноб ер Оқёқда (жойлашган), вақфномаси йўқ бўлгон. Мутаваллиси Иброҳим Хўжанинг икрори била Бекжон ва Паҳлавон ва Бекжони дигар (шу исмли бошқа шахс) ларнинг қўлларида. Ижараси бир ботмон, чироғ ёғи олинур.

Яна, ўлчами – 1 таноб ер Ғавикда жойлашган, шарқдан Ота Ниёз, шимолдан Усто Бобо ва Муҳаммад Яъқуб, ғарбдан Эш Ниёз, жанубдан роҳи омма (умумий йўл). Ижара (ҳақи) 2,5 ботмон ғалла олинур.

Яна тахминан чаҳор як-кам 2 (1,75) таноб Шоҳободда (жойлашган), шарқдан Дўсим, шимолдан ёф, ғарбдан Нур Муҳаммад ва жанубдан йўл (билан чегарадош). Ижара (ҳақи) 4 ботмон ғалла олинур.

Яна тахминан бир таноб, Шоҳободда (жойлашган), шарқдан Кутлукмурод, шимолдан Кутлукмурод дигар (шу исмли бошқа шахс), ғарбдан, жанубан – Ҳаким Оталиқ

<sup>163</sup> ЎзР МДА, И-125 жамгарма, 1-рўйхат, 485-йигма жилд, 77-варақ.



(билан чегарадош). Ижара (ҳақи) 2 ботмон ғалла. Мазкур ер адро (экилмайдиган ер).

Яна, ўлчами – 10 таноб ер, Тошоёкли Эрниеъ Қоранинг қавмида (жойлашган) шарқда Эшмурод мироб, шимолда солма (арик)дин ўтуб Рўзмуҳаммад, баъзи (айрим қисми) Ота Ниёз, баъзи (айрим қисми) Бобо, ғарбда ҳам Бобо, жанубда Абдужаббор Шайх билан чегарадош. Ижара ҳақи 20 ботмон ғалла олинур.

Яна бир бўлак ер, Иброҳим Атожон мутаваллиларнинг иқрори билан, (ҳисобга олинган ва) Сирчалида (жойлашган), вақфномаси йўқ бўлгон. Муҳаммад Шариф, Абдуллоҳларнинг кўлида. Ижара (ҳақи) 15 ботмон ғалла олинур.

Мажмуи: 45,5 таноб. Мазкур жамидин 111 ботмон ғалла. Мазкур ғалладин 41,5 ботмон ғалла имомтан(га). Бокийси (қолган) мазкур оби ош. Мутаваллиси Иброҳим Хўжаи мазкур.

Яна эшони мазкурнинг имомтан(га тегишли) маблағи мавкуфалари 2120,5 тилло. Мазкурдин 852 тилло 3 танга рибҳи (фойдаси) аслига зам бўлуб ал-он (ҳозир) шул маблағи мазкурга етишгондур, 1331 (милодий 1912) йилда, моҳи Шавволда.

Доғи (яна) муаззинтан(га) маблағи мавкуфалари (вақф мулклари) 560 тилло (этиб белгиланган). Яна 200 тилло таҳоратхона (учун), 50 тилло бисоти (гилам) масжид (учун), 33 тилло оби ош (учун), ифтор (учун) 50 тилло. 20 тилло мактабхона ўтунига (сарфлаш учун тақсимланган). Яна 220 тилло хатмона (учун мўлжалланган).

Мажмуи: 3 253,5 тилло.

### 3 §. Қозилик ҳужжатлари

*ХІХ аср охири – ХХ аср бошидаги ижтимоий масалалар тарихини ўрганишида ўша даврда фаолият юритган маҳаллий суд тизими вакиллари – қозилар фаолиятига оид ҳужжатлар тадқиқи катта аҳамият касб этади. Бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида И-164 рақами остида сақланаётган “Тошкент қозикалони” ҳамда И-364- рақамли “Кўкча даҳаси қозисининг жамғармаси” да сақланади.*

*“Тошкент қозикалони” жамғармасида 1869-1892 йилларда Тошкент шаҳрининг Себзор даҳаси қозиси лавозимида хизмат қилган Муҳаммад Муҳиддинхўжа ва унинг аجدодлари, қариндошлари фаолиятига оид ҳужжатлар сақланади. Ҳужжатлар даврий жиҳатдан 1822-1922 йилларни қамраб олади. Уларнинг асосий қисми Муҳаммад Муҳиддинхўжа томонидан тўпланган. Жамғарманинг “Тошкент қозикалони” деб аталишининг сабаби ундаги қатор ҳужжатлар Муҳаммад Муҳиддинхўжанинг отаси, Тошкент шаҳрининг қозикалони Ҳакимхўжа Эшон ибн Норхўжа фаолиятига оидлиги билан изоҳланади. Мазкур жамғармадаги жами 800 дан ортиқ ҳужжат 58 жилда жамланган бўлиб, улар асосан ўзбек, форс-тожик, қисман рус тилида ёзилган.*

*“Кўкча даҳаси қозисининг жамғармаси” 91 та йиғма жилд ҳамда 3 та китобдан иборат бўлиб, улар “Кўкча қозисининг ҳукми ва эълонлари китоби”, “Ҳукмлар китоби”, “Далолатномалар китоби” деб номланади.*

*Ушбу жамғармалардаги ҳужжатларда ўша даврдаги муҳим ижтимоий муаммолар, хусусан, сағирлар, яъни етим болалар ҳақини расмийлаштириши масалалари ўрин олган.*



Қуйида қозилик фаолиятида етим болалар ҳуқуқи ва мероси билан боғлиқ турли ҳужжатлар – тилхат, ибро, далолатнома, васиқа каби ҳужжатлардан баъзи намуналар келтирилади.

т.ф.н. Ш.Зиёдов

Н.Мирзаев

### Тилхат

**Тилхат**<sup>164</sup>. Файзи биби бинти Окбўтабойнинг ўзининг ёш болалари эҳтиёжи учун марҳум эрининг вақф қилинган матрукаси ҳисобидан Эшон Муҳиддинхўжа қозидан 20 сўм пул ва “Маслак ул-муттақийн”<sup>165</sup> китобини олгани ҳақида.

1307 йил 13 Рамазон/1890 й. 2 майда (ҳошияда 1890 й. 20 апрель, жума) марҳум Мулло Саййид Акрамнинг хотини, 11 ёшлик Санъатуллоҳ, 9 ёшлик Лутфуллоҳ ва 14 ёшлик Зоҳида бибининг онаси Файзи биби бинти Окбўтабой тўғри ва шаръий асосда ушбу мазмунда иқрор бўлган: мен мазкур марҳумнинг барча қарзларини узиш учун вақф қилинган ва Эшон Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози валади Ҳакимхўжа қози қалонга топширилган матрукасидан мазкур сағирларнинг эҳтиёжи учун, яъни, уларни боқиш ва кийинтиришга зарур 20 сўм рус пулини (рубль) мазкур қози қўлидан олдим. Шунингдек, мазкур марҳумнинг матрукасидан мазкур Зоҳида биби мактабда ўқиши учун битта *Маслак ул-муттақийн* кўлёзма китобини мазкур жаноб Эшон қозидан ориятан<sup>166</sup> олдим.

<sup>164</sup> ҲЗР МДА, И-164 жамгарма, 1<sup>а</sup>-рўйхат, 7-йиғма жилд, 41<sup>а</sup>-варақ, 1890 й.

<sup>165</sup> Сўфи Аллоҳёр (ваф. 1720 ёки 1723 й.)нинг форс тилидаги шеърӣ асари, 1699-1700 йилда ёзилган.

<sup>166</sup> Бирон нарсанинги ориятан берилишининг омонатга берилишдан фарқи шундаки, омонатга берилган нарса ишлатилмай сақланади ва муддати келганда эгасига топширилади. Ориятан олинган нарса эса эгасига топширгунча ишлатиш ва фойдаланиш мумкин.

Мазкур Файзи биби ва унинг муаррифи<sup>167</sup> (таништирувчиси) Бобоқўзи оксоқол валади Рўзимухаммадбой хат билмагани сабабли илтимосларига кўра Шох Саййидхўжа Шох Обидхўжа ўғли кўл қўйган.

Гувоҳлар: Исроилхўжа Охундхўжа ўғли, Шаҳобиддинхон Имоммуҳаммадхон ўғли, Муҳаммад расул Собирбой ўғли. Матн остида Шайх Хованд Тохур даҳаси қозиси Қози Саййидумар маҳдум имзоси бор.

*Мухр: Қози Саййид Умар маҳдум ибн домолло Мирибодуллоҳ охунд ағлам марҳумий, 1307/1890 й. 4,2 см (думалоқ);*

Васиқанинги 1956 йил 5 октябрда Нурхўжаев ва Сағдуллаева тарафидан амалга оширилган қисқача русча тавсифи алоҳида карточкада мавжуд.

Ўлчами: қоғоз: 19x22,5 см; матн 12x18 см; 11 сатр.

### Ибро<sup>168</sup>

**Ибро**<sup>169</sup>. Тарновбоши маҳалласида яшовчи Тошхўжа Улуғхўжа Эшон ўғлининг ўзи вакил ва васий бўлган кишиларга тегишли 456 сўм 96 тийин ақчани Эшон Муҳиддинхўжа қозидан олгани ва бошқа ҳеч қандай ҳақ ва даъволари йўқлиги ҳақида.

1899 йил 13 февралда (рус санаси), яъни 1317 йилнинг 15 Шаввол ойида Тошкент шаҳри Себзор даҳаси фуқароси Тарновбоши маҳалласида яшовчи 42 ёшлик Тошхўжа Улуғхўжа Эшон ўғли марҳум Абдумаликхўжанинги бева хотини Асолат биби Авлиёхўжа Эшон қизи тарафидан шаръий вакил сифатида мазкур Асолат биби номидан ҳамда мазкур Абдумаликхўжанинги вояга етмаган

<sup>167</sup> Аёл киши паранжида бўлгани учун уни яхши танийдиган эркак унга муарриф бўлган.

<sup>168</sup> Ибро – ҳақдан кечиш.

<sup>169</sup> ҲЗР МДА, И-164 жамгарма, 1<sup>а</sup>-рўйхат, 7-йиғма жилд, 37<sup>а</sup>-варақ, 1899 й.



фарзандлари – Абдурахимхўжа, Абдушукурхўжа, Каромат поча ва Жаннат почанинг васийси сифатида улар тарафидан ўтган 1898 йилда Себзор қозихонасида 516-рақамда бўлган васийлик хати бўйича, мазкур 1898 йилда Себзор қозихонасида 518-рақамда бўлган ваколоти бўйича Тошкент шаҳрининг Шайх Хованд Тохур даҳаси қозихонасида ўз ихтиёри билан ҳозир бўлиб, шаръий асосда ушбу мазмунда иқроп бўлган:

Мен мазкур сағирларнинг ҳақи бўлган ва Эшон Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози валади Ҳакимхўжа қозикалонга муҳофазат учун топширилган 456 сўм 96 тийин ақчани тўлалигича мазкур қози қўлидан олдим. Энди мен вакил ва васий бўлган кишиларнинг мазкур қози зиммасида мазкур маблағ ёки бошқа нарса юзасидан ҳеч қандай ҳақлари ва даъволари қолмади.

Гувоҳлар: Мулло Пирмуҳаммад муфтий Турсунмуҳаммад халифа ўғли, Алибек Бадалмуҳаммад ўғли, Муҳаммадрасул Собирбой ўғли.

Матн остида Шайх Хованд Тохур даҳаси қозиси Мулло Эшонхўжа домулло Муҳаммад халифа ўғлининг имзоси бор.

*Печать: Судьи Шайхантаурской части г. Ташкента Сырдарьинской области.* 3 см (думалок); Ўлчами: қоғоз: 24x22 см; матн 21x18,5 см; 19 сатр.

**Ибро**<sup>170</sup>. Бибижон биби бинти Мулла Сиддик охунднинг васий сифатида ўз болалари Аҳмадали ва Абдуллоҳга тегишли подшоҳлик банкининг 4800 рус сўмидан иборат чекни Эшон Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози қўлидан тўла олгани ҳақидаги иқрори.

<sup>170</sup>ЎзР МДА, И-164 жамғарма, 1<sup>а</sup>-рўйхат, 7-йиғма жилд, 47<sup>а</sup>-варақ, форс/ўзб. 1309/1892 й.

1309 йил 6 Шаббон/1892 й. 6 январда Мулло Муҳаммадали охунднинг бева хотини Охунд гузари маҳалласида яшовчи 37 ёшлиқ Бибижон биби бинти Мулло Сиддик охунд ўзининг ва мазкур Мулло Муҳаммадалининг сағир болалари Аҳмадали ва Абдуллоҳнинг барча ишларини бажарувчи шаръий васий сифатида тўғри ва шаръий асосда ушбу мазмунда иқроп бўлган: мен мазкур васийлик асосида Аҳмадали ва Абдуллоҳнинг ҳақи ва мулки бўлган подшоҳлик банкининг 4800 рус сўмидан (рубль) иборат 2026-рақамли ва 1892 йил 20 февраль санасига оид чекни Эшон Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози валади Ҳакимхўжа қозикалон қўлидан тўла-тўқис олдим. Бундан сўнг менинг ва мен васий бўлган кишиларнинг мазкур чек ва бошқа бирон нарса юзасидан Муҳаммад Муҳиддинхўжа қозига нисбатан ҳеч қандай ҳақимиз ва даъвомиз йўқ. Иқроп бўлувчини таништирувчилар: Муҳаммадкарим хожи валади Раҳимбой хожи, Ҳасанбой валади мазкур Мулло Сиддик охунд. Туркийда: Бибижон биби ва Муҳаммадкарим Хожи ва Ҳасанбой мазкурлар хат билмаганлари сабабли илтимослари билан Мулло Тошмуҳаммад Султонбой ўғли қўлим қўйдим.

Гувоҳлар: Муҳаммадтурсун Муҳаммадхалифа ўғли, Усмонхўжа Дадахўжа ўғли.

Кўкча қозиси Муҳаммад Умарбек қози қўл қўйиб муҳр босган.

*Печать: Народного судьи Кукчинской части гор. Ташкента Сырдарьинской области.* 3,5 см (думалок). Ўлчами: қоғоз: 25,5x22 см; матн 17,5x18,5 см; 14 сатр.

**Ибро**<sup>171</sup>. Мулло Тожи Ҳакимнинг ўз хотини Фазилат бибининг вакили сифатида Муҳиддинхўжа Эшон қўлида

<sup>171</sup>ЎзР МДА, И-164 жамғарма, 1<sup>а</sup>- рўйхат, 7-йиғма жилд, 52<sup>а</sup>-варақ, 1896 й.



бўлган мархум Султонбой саррофнинг болаларига тегишли маблағни тўла олганлиги ҳақидаги иқрори.

1896 й. декабрь/1314 йил Ражабда Тошкент шаҳри Себзор даҳасига тобъе Хўжагон маҳалласида турувчи 46 ёшлик Мулло Тожи ҳаким Суюндукбой ўғли ўз ихтиёри ва ризоси билан Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳаси қозихонасида ҳозир бўлиб шаръий ушбу мазмунда иқроп бўлган:

Мен мархум Султонбой саррофнинг сағир болалари – Раҳматуллох, Шарофат биби ва Саломат бибиларнинг васиялари бўлмиш ўз хотиним Фазилат биби Миртолиб ҳожи кизи тарафидан вакил бўлиб, Себзор қозиси Муҳаммад Муҳиддинхўжа Эшоннинг ушбу йилда 2072-рақамда берган гувоҳномалари бўйича подшоҳлик банкисида мазкур сағирлар номларига турган ақчаларидан 333 сўм ақча келтириб, Себзор қозихонасида Муҳаммад Муҳиддинхўжа қози кўлига топширган эдим. Ушбу ақчадан мазкур сағирлар сарф-харажатлари учун мазкур қози кўлларида 33 сўм ақча олган эдим. Мазкур Раҳматуллох улғайиб, менинг иштирокимда 97 сўм ақчани мазкур қози кўлидан олиб 2091-рақамда васиқа берди.

Яна ушбу ақчалардан 100 сўмини Мирзикруллох чойфуруш Мирабдуллох ўғли учун шаръий ижара тариқасида мазкур Саломат биби номига бердириб, тилидан Себзор қозихонасида 2113-рақамда васиқа олдим. Энди мазкур қози кўлларида қолган 103 сўм ақчани мазкур Шарофат бибининг тегишли жиҳозларига сарф-харажат қилиш учун олдим. Пуллар мазкур васия машварати (маслаҳати) бўйича сарфланиб, банкадан келтирилган 333 сўмдан мазкур қози кўлларида ҳеч нарса қолмади, деб мазкур васиянинг вакили Мулло Тожи Суюндук ўғли кўлим кўйдим.

Гувоҳлар: Нурмуҳаммад қори Мирзо Муҳаммад ўғли, Мулло Иномжон Додожон ўғли.

Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси қозиси Абдурашидхўжа Якубхўжа аълам ўғли кўл кўйиб муҳр босган.

*Печать (Муҳр):*

1) *Народного судьи Кукчинской части гор. Ташкента Сырдарьинской области. 3,5 см (думалоқ).*

2) *Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси қозиси.*

Ўлчами: қоғоз: 30,5x22 см; матн 20x18,5 см; 17 сатр.

**Ибро**<sup>172</sup>. Хосият бибининг васий сифатида ўз сағира қизларига тегишли маблағни Муҳиддинхўжа Эшон кўлидан тўла олганлиги ҳақидаги иқрори.

1897 й. 11 октябрь /1315 йил 27 Жумод ал-аввалда Янги шаҳардаги Чигатой маҳаллалик 31 ёшлик Хосият биби уста Иброҳим кизи ўз ихтиёри билан қозихонага келиб, ўз болалари – Себзор даҳасидаги Чигитбоши маҳаллалик мархум Тўлаганбойнинг сағира қизлари – Каромат биби ва Шаҳодат бибининг васийси сифатида шаръий иқроп қилди: ўтган 1895 йил 4 ноябрда Себзор қозихонасида 2239-рақамли васоят хати бўйича ўз ихтиёри ва ризоси билан мазкур сағираларга тегишли 567 сўм ва 65 тийин маблағни Себзор даҳасининг хурматли қозиси Муҳаммад Муҳиддинхўжа Эшон қози валади Ҳакимхўжа қозикалон кўлларида топширилиб, баъзи одамларга муомалайи шаръияга берилган эди. Мазкурларнинг муддати тамом бўлгандан сўнг, ушбу 567 сўм 65 тийин ақчани жаноб қози Муҳаммад Муҳиддинхўжа кўлидан олдим.

Энди мазкур қози зиммасида мазкур сағираларимга тегишли ва ё мен иқроп бўлувчининг ўзига тегишли ҳеч

<sup>172</sup> ЎЗР МДА, И-164 жамгарма, 1<sup>а</sup>- рўйхат, 7-йиғма жилд, 61<sup>а</sup>-варақ 1897 й.



бир нарса қолмади, деб ушбу васия Хосият бибини таништирувчи ўз отаси мазкур уста Иброҳимбой темурчи Бобожонбой ўғлидир. Хосият биби Иброҳимбой қизи қўлим қўйдим, мазкур Хосият бибининг муаррифи Абдуллоҳбой темурчи Мулло Абдуҳаким ўғли ҳам қўл қўйган.

Гувоҳлар: Мулло Исомухаммад Имоммухаммад ўғли, Нурмухаммад Мирзомухаммад ўғли. Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси қозиси Абдурашидхўжа Яъқубхўжа аълам ўғли қўл қўйиб муҳр босган.

*Печать (Муҳр):*

1) *Народного судьи Кукчинской части гор. Ташкента Сырьдарьинской области. 3,5 см (думалок);*

2) *Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси қозиси*

Ўлчами: қоғоз: 27x22 см; матн 20x18 см; 17 сатр.

### Далолатнома

#### 1899 йилги 7-рақамли далолатнома<sup>173</sup>

Обназир маҳаллалик Йўлдошжон 18 ёшли ва Усмонжон 15 ёшли ва Жамилабиби 16 ёшли марҳум Комилжонбой етим болаларининг шаръий васийси ўз амакиси мазкур маҳаллалик Мулло Пўладжон Мулложонбой ўғлидир. Унинг қўлида мазкур етимларга тегишли маблағ ўн уч минг саккиз юз қирқ тўрт сўмдир. Мазкур етимларга тегишли ушбу маҳаллада бир ҳовли<sup>174</sup> ҳамда Кўкча Оқтепасида бир бўлак мулклари бор ва улардан даромад йўқ.

Ушбу йилда мазкур васийни қозихонага ҳозир қилиб сўралганда мазкур васий айтдики, бўлиб ўтган Раҳимхўжа қози замонида мени чақирганларида Йўлдошжонни бирга

<sup>173</sup> ЎзР МДА, И-164 жамғарма, 1<sup>а</sup>- рўйхат, 50-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>174</sup> Бу ерда ҳовли уй маъносида ишлатилган.

олиб бориб ҳисоб берган эдим, деб. Раҳимхўжа Эшонни қилган ҳисоб дафтари кўриб чиқилди. Унда васий Йўлдошжонни қозихонага ҳозир қилиб айтдики, Йўлдошжон вояга етган. Энди ўз ҳиссасидан пул олиб тижорат қилмоғига изн берилади.

Йўлдошжон ҳолатидан келиб чиқиб, унинг ақлирасо бўлгани (ёши катта бўлгани)ни кўриб шунга биноан мазкурни тижорат қилмоғига изн берилди. Мазкур пулдан Йўлдошжонни ҳиссаси беш минг беш юз ўттиз олти сўм экан, мазкур васий уни ҳиссаси учун ўз тилидан 332-рақамдаги васиқа<sup>175</sup> берди ва қолган 8719 сўм Усмонжон ва Жамилабибига тегишли экани (маълум қилинди). Маълум бўлсинки, мазкур болаларни пуллари юқорида зикр бўлган 13844 сўмнинг фойдаси маблағи тўрт юз ўн бир сўм (411) қўшилиб жами 14255 сўмга васиқа бўлди деб (васий баён қилди). Васийга тайин қилиндики, Йўлдошжонни тижорат ишини ҳамиша мулоҳаза қилиб, (ундан) хабардор бўлиб, секин-секин ишга ўргатгин деб.

Мазкур васий иқрори шаръий қилиб мазкур тариқада ҳисоб бўлганини тасдиқлаб мазкур пул мени қўлимда ва тасарруфимда турубди деб иқдор қилди. Агар ҳалок ва нобуд қилсам, ўз молимдан тўларман, деб Пўлоджон қўлим қўйдим.

*Гувоҳлар: Исмоилбек Иброҳимбек ўғли ва Мулло Муҳаммад Айюб Муҳаммад Раҳим қори ўғли.*

*(Қози) Мулло Одил Исҳоқбой ўғли муҳрим(ни) босдим.*

#### 1899 йилги 8-рақамли далолатнома<sup>176</sup>

Каллаҳона маҳаллалик Каримбобо ...ёшли ва Сабриннисо ва Мариямнисо марҳум Мулло Инъом Ҳожи етимларининг шаръий васийси ўз акалари Мулло Абдул-

<sup>175</sup> Васиқа - тилхат, ҳужжат.

<sup>176</sup> ЎзР МДА, И-164 жамғарма, 1<sup>а</sup>- рўйхат, 50-йиғма жилд, 5-варақ орқаси.



кодир қори мазкур Инъомхожи ўғли. Мазкур етимларга тегишли бош пуллари маблағи бир минг олти юз тўқсон икки сўм. Мазкур етимларга тегишли мазкур маҳаллада бир ховли ва Айрилиш маҳаллада бир бўлак ер ва Тошкент уездига тобеъ Кенгсой мавзеида бир бўлак ерлари бор улардан даромад йўқ. Мазкур васийни қозихонага ҳозир қилиб сўралганда васий бир (қарздорлик) васиқа кўрсатди. Иломбобо Ҳожи мазкур Инъом Ҳожи ўғли икром қилдики, мазкур маблағга қарздорман деб (васиқани тасдиқлади). Ўтган йилда 1081-рақамда васиқа берган экан, жоиз бўлган савдо (тўғрисида). Лекин, васиқани(нг) муддати ўтиб кетган, шу сабабли мазкур васийга буюрилди. Мазкур пулни мадюн (қарздор)дан ундириб подшоҳлик банкига қўйгин, деб (қози васийга буюрган). Ҳодиса шу эди, ёзилди. Мазкур Абдулқодир қори қўлим қўйдим. 208-рақамга асосан қарздор васийга қарзини тўлашга ҳукм қилинди.

*Гувоҳлар: Мулло Муҳаммад Айюб Мулло Муҳаммад Раҳимқори ва Исмоилбек Иброҳимбек ўғли.*

*Қози: Мулло Одил Исҳоқбой ўғли муҳрум(ни) бостум.*

#### 1899 йилги 11- рақамли далолатнома<sup>177</sup>

Пичоқчи маҳаллалик Иноятбой 10 ёшли ва Ҳожарбиби ...ёшли Мулло Аҳмаджон етим болаларининг шаръий васийси Хадичабиби Муҳаммадийбой қизи қўлида мазкур етимларга тегишли бош пуллари маблағи икки минг уч юз ўн сўм (бордир). Мазкур пулдан Иноятга тегишли бир минг уч юз йигирма саккиз сўм ва Ҳожар бибига тегишли тўққиз юз тўқсон етти сўм 50 тийин бор экан. Мазкур пулларни васий дуруст ўринда ишлата олмагани сабабли, (бўлиб) ўтган йилда Раҳимхўжа Эшон ҳукм қилган эканки, мазкур васий пулларни подшоҳлик

<sup>177</sup>ЎзР МДА, И-364 жамғарма, 1-рўйхат, 50-йиғма жилд, 7-варақ.

банкига топширсин, деб (буюрган). Шу сабабдан, тегишли оқсоқолга (буюриб), 118-рақамли қоғоз ёзилди. Мазкур ҳукми ўрнига келтурмоқлик (амалга ошириш) учун. Ҳодиса шу эди, ёзилди. Мазкур қоғозни оқибати (натижаси) маълум бўлмаганлиги сабабидан 1901-йили 5-мартда яна тегишли (мазкур) оқсоқолга 118-рақамли қоғоз (хат) ёзилдики, тезлик билан ишнинг натижасини маълум қилгин, деб.

*Гувоҳи: Исмоилбек (Иброҳимбек ўғли).*

*Қози: Мулло Одил Исҳоқбой ўғли.*

#### 1899 йилги 12- рақамли далолатнома<sup>178</sup>

Чақичмон (Сақичмон) маҳаллалик марҳум Расул Муҳаммаднинг етим ўғли Эргаш 14 ёшли, мазкур етимнинг васийси ўз онаси Дурмоҳбиби Ганибой қизидир. Мазкур етимга тегишли пул уч юз ўттуз сўм, мазкур маҳалладаги сотилган ховлидан теккан хиссасидир. Ва яна мазкур етимга тегишли Қорасув мавзеида бир китъа (парча) мулки бор, ярми бедазор ва (қолган) ярми дарахтзор (дан ташкил топган) экан. Мазкур васий пуллардан уч юз сўмни Чуқур Кўкча маҳаллалик Муқим Кунжи Турсунбой ўғлига бериб ундан васиқа (хат) қилиб олган экан. Қолган ўттиз сўм пул васийнинг қўлида экан ҳамда мазкур мулк мазкур васийнинг тасарруфида (бўлиб турган) экан. Ҳодиса шу эрди ёзилди. Мазкур васий хат (ёзишни) билмаганлиги учун (ўрнига) Исо Муҳаммад Имом Муҳаммад ўғли қўл қўйган (экан).

*Гувоҳлар: Мулло Мирзо Раҳматбой ўғли.*

*Қози: Мулло Одил Исҳоқбой ўғли.*

<sup>178</sup>ЎзР МДА, И-364 жамғарма, 1-рўйхат, 50-йиғма жилд, 7-варақ орқаси.



## Васиқа

*Қозилик ҳужжатлари турларидан бири бўлган қуйидаги васиқа ўзига хос мазмунга эга. Чунки бу васиқа оқсоқол томонидан муҳрланган бўлиб, унда ўша даврнинг нуфузли кишиларидан бири, Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжага тегишли мулкларни тасдиқловчи васиқаларнинг маҳаллий бошқарув тизими вакиллари томонидан қайта кўрилиб, уларнинг ҳақиқий эканлиги тасдиқланганлигини намоён этади. Бу ҳол қозилар томонидан тасдиқланган васиқалар зарурият туғилганда маҳаллий бошқарув тизими вакиллари – оқсоқоллар томонидан қайта кўрилиб, тасдиқланганлигидан далолат беради.*

**Васиқа**<sup>179</sup>. Тошкент ҳокими фармойишига биноан Себзор оқсоқоли гувоҳлар иштирокида Мулла Муҳаммад Муҳиддинхўжа валади марҳум козикалон Муҳаммад Ҳакимхўжанинг Тошкент шаҳрига тобеъ Қизилкўрғоннинг Тиканлик мазор мавзесидаги ерларининг чегаралари, уларнинг ҳақиқатдан ўз мулки эканлигини тасдиқловчи васиқаларни текширгани ҳақида тузилган ҳужжат. Себзор оқсоқоли номидан ёзилган бўлиб, остига унинг муҳри босилган.

1883 йил 25 декабрьда Себзор оқсоқоли қуйидаги гувоҳлар: Авлиёхўжа ибн Шох Юнусхўжа, Усмонхўжа Дадахўжа ўгли, Мирсоатбой Усмонбой ўгли ва Сойибназар Эшназар ўгли билан Мулла Муҳаммад Муҳиддинхўжа валади марҳум козикалон Муҳаммад Ҳакимхўжанинг Тошкент шаҳрига тобеъ Қизилкўрғоннинг Тиканлик мазор мавзесидаги ерларига бориб, ушбу васиқани ёзган.

1-бўлак ер: мазкур мавзедаги Лабзах ариғи соҳилида. Қибла тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 1149 сар-

<sup>179</sup>ЎзР МДА, И-164 жамғарма, 1<sup>а</sup>-рўйхат, 6-йиғма жыл, 6<sup>а</sup>-варак, ўзб. 1883 й.

жин; жануб тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 1108 саржин; шимол тарафи ҳаммаси Гавриил Михайлович Беляков мулкига туташган ва 382 саржин; шарқий тарафи баъзиси Абдурауфхўжа валади Абдурахимхўжа мулкига туташган ва 105 саржин.

2-бўлак ер: мазкур мавзеда жойлашган бўлиб, алоҳида кўрғонча, иморат ва дарахтлари бор. Қибла тарафи ҳаммаси Солор ариғига туташган ва 297 саржин; шарқ тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 240 саржин; жануб тарафи Солор ариғининг хос йўлига туташган ва 103 саржин; шимол тарафи ҳаммаси Солор ариғининг тўғонига борадиган йўлга туташган ва 169 саржин.

3-бўлак ер: мазкур мавзеда жойлашган. Қибла тарафи Ҳазрат Миён Рофеъ валади Ҳазрат Калон мулкига туташган ва 197 саржин; шимол тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 169 саржин; шарқий тарафи баъзиси Зайниддинхўжа валади Раҳматуллохўжа мулкига туташган ва 169 саржин, баъзиси Ганчтепа ва Орқакўча маҳалласи одамлари мулкига туташган ва 73 саржин; жануб тарафи ҳаммаси мазкур маҳалла одамлари мулкига туташган ва 122 саржин.

4-бўлак ер: мазкур мавзеда жойлашган. Шимол тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 410 саржин; шарқ тарафи баъзиси Ойхўжа Эшон матрукасига туташган ва 150 саржин, баъзиси орқа кўча маҳалласи одамлари мулкига туташган ва 21 саржин; жануб тарафи ҳаммаси мазкур маҳалла одамлари мулкига туташган ва 220 саржин; қибла тарафи ҳаммаси мазкур маҳалла одамлари мулкига туташган ва 200 саржин.

Юкоридаги ерлар текширилиб, гувоҳлар хабаридан маълум бўлдики, ҳаммаси Муҳаммад Муҳиддинхўжа Эшоннинг хос мулклари экан. Мазкур ерларга ҳеч кимнинг даҳли ва даъвоси йўқ экан. Муҳиддинхўжанинг кў-



лида кўп хат ва васиқалари бор экан. Жумладан: 1-васиқа 1081 (1670) йилга оид, яъни тузилганига 220 йил бўлган; 2-васиқа 1150 (1737) йилга оид, яъни тузилганига 151 йил бўлган; 3-васиқа 1210 (1795) йилга оид, яъни тузилганига 91 йил бўлган; 4-васиқа 1289 (1872) йилга оид, яъни тузилганига 13 йил бўлган экан. Мазкур ерда бошқа ҳеч бир одамнинг ҳақи ва даъвоси йўқ. Уни қандай тасарруф қилиш мазкур мулк эгаси ихтиёридадир. Мазкур ерларнинг баҳоси 1500 сўмдир.

“Таҳқиқ қилиб, манга маълум бўлган ҳодисани ёзиб, гувоҳнома қилиб Себзор оқсоқоли муҳрим босдим”.

*Мухр: Тошкент Себзор оқсоқоли Муҳаммад Субҳон. 1,6x2 см (саккизбурчак).*

Ўлчами (матн 6<sup>а-б</sup>-варақнинг чап тараф ярмига битилган бўлиб, варақнинг қолган ярмига русча таржимаси ёзилган): в. 6<sup>а</sup>: қоғоз 35,5x22 см; матн 32x9,5 см; 23 сатр; в. 6<sup>б</sup>: матн 31x10 см; 23 сатр.

### III БОБ. МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

*XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда даврий матбуотнинг вужудга келиши минтақа ижтимоий-маданий ҳаётидаги муҳим воқелик бўлди. Зеро, даврий матбуот саҳифаларида илк бор ўлкада содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳамда жамият ҳаётидаги ижтимоий-маданий муаммолар ёритила бошланди.*

*Ўлкада 1870 йилда таъкил этилган “Туркестанские ведомости” газетаси Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий органи эди. Маҳаллий тилда нашр этилган илк босма расмий нашр – “Туркистон вилоятининг газети” эса дастлаб унга илова сифатида чиқарилган. 1883 йилдан мустақил газета мақомини олган. “Туркистон вилоятининг газети” 1917 йилгача мунтазам равишда чоп этилган.*

*XX аср бошида Туркистонда илк миллий газета ва журналларнинг нашр қилиниши бевосита жаҳид тараққийпарварларининг номи билан боғлиқ эди. Ўлкада расмий ҳукуматнинг тазйиқлари сабабли қисқа фурсатларда ёпиб қўйилган илк миллий матбуот намуналари, хусусан, “Тараққий” (1906 йил, Тошкент), “Тужжор” (1907 йил, Тошкент), “Самарқанд” (1913 йил, Самарқанд) газеталари, “Ойна” журнали (1913-1915 йиллар, Самарқанд), “Садои Туркистон” (1914-1915 йиллар, Тошкент), “Садои Фарғона” (1914-1915 йиллар, Қўқон), “Бухоройи шариф” (1912-1913 йиллар, Бухоро), “Турон” (1912-1913 йиллар, Бухоро) газеталарининг фаолиятида ўз замонасининг илғор фикрли зиёлилари – Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Музаффаров (Рауф Музаффарзода), Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Обиджон*



Маҳмудов, Исҳоқхон Ибрат, Садриддин Айний, Оллоёр, Ниёзий Ражабзода, Ҳожи Муин каби ўнлаб маърифатпарварлар муҳим ўрин тутганлар.

Миллий матбуот нашрларининг аксарияти маърифатпарварлик маслагиде бўлиб, жамиятда кечаётган жараёнларга танқидий ёндошув, миллий тараққиёт зояларини халққа сингдирилиши сингари эзгу ниятлар муаллифларнинг асосий мақсади эканлиги матбуот саҳифаларидан ўрин олган мақолалар мазмунида яққол акс этган.

Миллий матбуотда энг аввало, анъанавий ижтимоий-маданий ҳаётнинг турли жабҳаларида учраган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинган, иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиёт билан боғлиқ масалалар қизгин муҳокама қилинган. Тараққийпарвар зиёлилар миллий матбуот воситасида ўлкадаги мавжуд таълим тизимини ислоҳ қилиши, иқтисодий ҳаётда рўй бераётган янгилаНИШЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШИ, жамиятда учраган ижтимоий муаммоларни ёритиши, маданият соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни тарғиб қилиши, умуман олганда, ўлка тараққиёти борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, йўл-йўриқ кўрсатишига ҳаракат қилганлар. Айнан шу сабабли даврий матбуот материаллари ўша даврдаги ижтимоий-маданий муаммоларга турли хил қарашларни акс эттирувчи тарихий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бошқа манбаларда, хусусан, расмий ҳукумат архиви ҳужжатлари ёки маҳаллий манбаларда ушбу масалалар бу қадар кенг акс эттирилмаган.

Қўйида ўқувчилар эътиборига миллий матбуот саҳифаларидан ўрин олган мақолалар ҳавола этилмоқда. XX аср бошида ўзбек публицистикаси эндигина шаклланаётган даврда матбуот саҳифаларида турли иборалар, кундалик мулоқот сўзларининг кенг қўлланилиши, араб, форс ва рус тилларидан кириб келган

сўзларнинг бузиб ёки айнан ишлатилиши, шунингдек, матнлар араб алифбосида ёзилгани боис тиниши белгиларининг деярли қўйилмаганлиги яққол намоён бўлади. Бу сўзларга имкон қадар изоҳ берилсада, кўп ҳолларда асл ҳолида қолдирилди.

Т.ф.д., профессор Д.Зияева, т.ф.д. С.Шадманова

## 1 §. Туркистон миллий матбуоти материаллари

### Эски баракотлик савдогарчилик

Қадим замонда аҳли савдогарлар тўрт қисм бўлур эканлар: эски савдогарлар, янги савдогарлар, меросий савдогарлар, хизматчи савдогар, яъни, фойда шерик — бировнинг пулини ишлатиб, фойдасини бўлиб оладурғон савдогар. Ушбулардан баъзилари Тройский, Москов, Стамбул ва узоқ-яқин ерларга мол олиб боруб, олиб келуб турадурғон, баъзилари ғалла ва ҳар хил молларни нақдга олуб, омбор қилуб, яна нақдга ва қисқа муддатлик насияга сотар эдилар. Баъзилари кутидорлик қилиб, нақд ва насияга олуб-сотуб ва бир неча мирзо саклаб, нақд ва насияларни теруб, тижорат силсиласини тутуб турар эдилар. Баъзилари отасидан қолган дастмоя ва амлоққа соҳиб бўлуб, бойбаччалик бирла ерларини бошлиғига боруб, ўзи яхши отлар ва кўшлар саклаб умр ўткарурлар эди. Бунлардан бошқа дўкандор, косиб, аҳли талаба ва казо — ҳаммаси юқорида айтилган тўрт қисм савдогарлар маданиятига етушмоқни орзу қилур эдилар ва лекин ушбу аҳли косиблар ҳамма вақт мазкур тўрт синф савдогарни бир пирга ўхшатуб, эъзоз қилуб юрар эдилар. Ва иттифоқан бир иш бошқа тушса, ... ва бир ҳовли олса, ушбу юқоридаги тўрт синф савдогарнинг қайсиларига боруб: “бойбачча, элликта тутинг!”, деб тўрт-беш юз сўм қарз сўрса, бойлар сандуқларини очуб, дўкандорларнинг



хожатлари учун чикоруб берур эдилар. Уч ой – беш ойдан сўнг қарздорлар икки-уч таксим қилиб берур эдилар. Лекин бирор тийин процент деган нарса йўқ эди, балки қарзи ҳасана тарика ... берур эдилар.

Миролимбой, Олимжонхожи, Хонбобобой ва амсоллари шу атрофдаги одамлар кўп эдилар. Бовужуд аз рўйи хурмат, ўрталарида бир нафарларини бош қилишуб кўяр эдиларки, мабодо маҳалла ва бозор орасида бирор талашлик бўлса, дўкондор савдогарни қайсисида айб бўлса, ул жаноблар сўкуб, урушиб, сулҳга келтуруб эдилар. Демакки, сулҳкорни хурмат ва таъзим юзасидан сўзларини қабул қилиб, ҳар ҳолда сукут қилуб, инсоф тарафидан чиқолмай ва ўталмай қолурлар эди. Шу афъали ҳасана хосиятидан ҳар ишда баракат ҳам кўб эди.

Фақат йигирма беш йилдан буён Фарғонада уч-тўрт хил қоида чиқди, ҳар иш боғланди. Мурувватли инсоният деган нарса, манфаати шахсия деган худбинликка мабдил бўлди. Дўкондор қосиблар ҳам расво бўлди. Таназил, таназил, ағдарма, ағдарма – деган сўзлар чиқди. Тамом оламга ҳижолатликдан бошқа сўз йўқ. Яъни, ул вақтларда “Лахтин, Виктур” деган фирмалар танзилга пул ва насияға мол оладурғон ва сотадурғонлар чиқди. Агар бошларига иш тушса, бойларға югуриб келадурғон аҳли касабаларға процент бирла узок ваъдага насия мол сотмоқға бошладилар. Ва юқоридаги қор қилинган саройнишин қутидор бойлардан мазкур Виктур ва Лахтинлар нақд ақчани процентга қарз ола бошладилар.

Уч-тўрт йил ўтиб Лахтин, Виктўрлар синуб, бечора саройнишин қутидорларни ҳам баробар синдируб, лахта-лахта қилдилар. Ва кичик аҳли касабалар ҳам катта ишни бошқара олмасдан синуб... қочуб кетмоқға бошладилар. Ва бойларға Виктор, Лахтинлар ҳам биздан қирк процентдан фойда олдингизлар эмди, инсоф қилинглр

деб синуб, йўқ ўлдилар. Ва бизнинг барокатлик мансаф қутидор бойларимиз ҳам, воқеан бизнинг пулимиз Лахтин бирла Викторнинг насияси экан, бизлар омонат никоҳдор эканмиз, ҳақ жойиға қарор топди, деб бирам-бирам дўкон олушуб, дўкондорликға чиқа бошладилар. Ва баъзилари арзон ерлар олуб, деҳқончилик қилмоққа айлануб кетдилар. Ва баъзилари, мўйсафид тўғрилари эса оламдан ўтиб кетдилар.

Яна бир неча вақт мусулмонларимиздан маънилик бойлардан оз қолгандан кейин, мусулмонларимизнинг содалликлари тамом оламға ва фирмаларға маълум бўлди. Ва ҳар фойдалиқ ишда ҳам мусулмонларимизда ихтироз қилуб қолдилар. Фақат бу ҳолда истифода қилуб, Виктор ва Лахтинларға ақчаси тушуб қуймаган яхудийлар бирла московликлар иш бошлаб кетдилар. Баъд мусулмонларимизнинг дастмоеасидан Виктўр ва Лахтинлар ажратуб расво қилганда, яхудийлар бир тийин ҳам қуйдирмадилар. Балки биз мусулмонларда ҳам яхшироқ иш биладурғон эканларин, ҳар ишда биздан муқаддам тижоратда обрў топдилар. Ва бир неча вақтлар яхудий бойлари орқасидан юрсак шояд бирор иш топармиз деб, яхудийлар маслаҳати бирла иш қилиб юрилди. Бора-бора поезд келуб, фирмаларнинг катталари келуб, тижорат ишларига ҳўб зехн солуб кўрдиларки, Фарғона музофотининг тамом ери мусулмонлардан экан. Пахта, пилла ва бошқа зироат ишлари кўп экан. Кўмир ва қийматиға қарамасдан векселға қўл қўядиганлар, мол, ер ва сотарлари турганлари ҳам мусулмонларнинг моли экан. Бу ҳолни кўрган банклар келуб, кредит очилуб, кредит номида ақча бермоқға бошладилар. Бу банкни кўриб, фирмалар “биз банкдан қолишмаймиз”, деб ҳар ерда савдо шўбалари очдилар. Бир одамға банк 5000 сўм кредит очкан бўлса, фирмалар 10000 сўм кредит очдилар. Биз мусулмонлар бу



пудни банкдан олдик ва молларни фирмалардан олдик. Яна кишлоқларга насияга пахтадан бермоқга сотмоқ керак деб, куз сезон деб ваъдага сотдилар. Пахта вақтида насиядан акча ундурмоқ сентябр, ўктябрда бўладур деб, гўё йилнинг ўнг-сўнг келишига қарамасдан, гофилонга ғурур кетдилар. Баъзи пахтачи фирмаларни доверенности билдик, фалончини фалон кишлоқга рафт ва омади деб, фирмадан мол олиб, пахтага беруб номимизни “чистажиб” қўйиб, дафъат пахтага 5000 сўм акча олуб, чистажий бўлдик, дафтарлар қилдик. Жайдари мирзолар қилдук. Банкдан учотка олган пудни основной капитал деб билуб, чистожий бўлуб, фирмадан насияга олган молларни запасной капитал деб билуб, акча қилиб, муваққат сандукга солуб қўюб, яхши от-аробалар олуб, қимматбахо иморатлар қилиб, бидъат исроф тўйлар қилуб, улоқ, карнай, мусиконий деган ўюнлар ясаб ва ортиб қолган акчаларга узоқ ерлардан таноби беш юз – олти юз сўмлик ер олуб, банк учун обрўйи бўлсин деб, растадан 100 сўм ижара унадургон дўконни 5000 сўмга олуб, ушбу равишда етти саккиз йил чакмоқни ўтидек, ялт-юлт қилдик, бизлар ялтураган сари банклар атроф-жавонибга карнай чалдилар. Акча керак бўлса, Фарғонага кел ва юринглар деб, бир неча кунда 25 фирма, 10 банк, 5-10 комисионный контуралар очилиб, процентни олти ва гоҳи етти, саккиз, ўн, ўн бир қилишиб, ўн-йигирма тарафдан акчани торта-тортавердилар. Бир тарафдан пахтачи фирмалар пахтани ниҳоятда Москов бофт қилуб олуб, набодияга бир навъ эскидаги деган қоида жорий қилишуб, 10 тийиндан неча сўмга қадар камайтуруб олуб, хариддан фуруши арзонлашуб қолди.

Бир тарафдан ғишт ҳам катта мол бўлуб, условия таомилликда ўнг минг пуддан юз минг пудларга қадар овонс (аванс) – қишки акчага сотуб қўюб, вақтида еткун-

рилмасдан, чигитдан 10-15 тийин зиёда бўлса ҳам устимиздан харид қилуб, фирма-зовудчилик ўз ишларини битируб, сўнгра пахтачи, газборчи ғиштлардан сизўн охиринада расчўт ва отчўт (хисоб-китоб) сўрашиб бечора ёлтирок, қолтуроқ банк чистожийдан акча олмоқда: фақат запаснўй ва основнуй капиталдан (захира ва асосий сармоя) айрилиб, яна устига бир неча ўнларча минг сўм қарздор бўлиб савдогарларни синдурадилар. Бу синган савдогарларнинг хотири учун илтимос вексел берган ҳам, одамлар ҳам балои аъзиймга қолуб, биргалашуб синуб, хуллас олам хароб бўлмоқга бошлади. Не учунки, бул вақт мусулмонлар ўз шариатларига қарамасдан, банк ва фирмалар фақат низомга тўғри келтуруб, ишларини ўзлари хоҳлаганларича қилуб, қанча инсофсизлик қила билсалар, қилдилар. Ва бир-бирларини талаганларича таладилар.

Бу шўрлик жоҳил ва нодон савдогар, нокаслар электрик шуъласи каби ялтираб йўқ бўлиб, бир оз кундан сўнг кошки 20-25 тийиндан битишуб, бир-икки йилдан сўнг двойной кўпияси бўлуб кўкрак керуб юролсалар экан!!!

Ул кунги вексел протес бўла бошласа, шул кундан бошлаб бечора синуклар била хўра маслахатчилар бизла маслахат, маслахат деб юриб, бир неча юз сўмлар маслахат ошига кетуб, балки синдурган фирмалар акчасини олгунча ўртага киришган била хўралар еб, тамом қилурлар. Бечора савдогар ва дехконлар кўқариб, унуб-ўсуб, яшасунлар!!!

Кўп дафъалар ўзларини атрофда экишган қатор тол-терақларини кесуб сотуб, хожатларини битирмасдан шаҳарга келуб, харис ва фирибгар пахтачилардан акча олуб, шаҳар самовархоналарида еб, яшаб, нима ва насаф акчани кишлоқига сарф қилиб битируб, пахта ўсмай, унмай қолган йилларда ерни ўзини сотуб, қарзига



берурлар. Лекин дарахтларини сотуб хожатларини битирсалар ажаб эмас эдики, ерни(нг) ўзи сотилмаса...

*Обиджон Маҳмудов.*

*Садои Фаргона. 1914 йил, 23 май, 22-сон.*

#### *Туркистонда тижорат ва зироат*

Зотан бу йилларда Туркистонда тижорат ва зироат ишлари таназзул қилиб, кейин кетиб турмоқдадир. Бу йиллардаги мувафақиятсизликларимизнинг биринчи сабаби “насия”дур. Кичкина савдогарлардан бошлаб Москов, Варшава фирмаларига қадар шул мудҳиш насия балосига мубтало бўлмишлар. Чунончи, Москов бойлари хориж мамлакат банкларидан 3-4 фоиз ила кўп ақча олурлар ва миллионлар сарф этиб, катта-катта фабрика ва заводлар очарлар. Бундай корхоналар ҳар ерда ва ҳар шаҳарда вужудга келиб, ортиб-кўпайиб турмоқдадур. Ашё ва мол эса керак миқдордан кўп ортиқ ишланиб, халқнинг хожатларидан ортиб қолур. Энди Москов бойлари, яъни корхона сохиблари шул молларни тезроқ сотмоқ ва сотиб қарзларидан қутулмоқнинг ҳаракатини қилурлар. Бизнинг Туркистон савдогарлари 5-6 минг сўм ақча ила Московга борсалар, Москов фирмалари 10-15 минг сўмни насия қилиб, 15-20 минг сўмлик мол бериб юборурлар. Бизнинг савдогарларимиз ул молларни Московдан 10 фоиз ила олиб келиб қиммат баҳо ила (насияга) сотарлар. Агар насияга бермасалар, ишлари тўхталиб қолур. Чунки, нақд ақчага муштарий топилмайдур. Шу тариқа насия риштаси телефон чабғи каби Московдан бошлаб Туркистоннинг шаҳар ва қурияларига (қишлоқларига) қадар чўзилур...

Насия унмай қолувининг сабаби халқнинг фақирлигидан келур. Халқнинг фақир ва камбағал бўлишининг сабаби зироат ишига аҳамият бермасликларидур. Бу йилларда дехқончилик бутун аҳамиятдан тушуб борадир.

Аҳолимизнинг кўпроғи, балки ҳаммаси илмсиз ва ақчасиз куйларинча савдогар бўлишни хохладилар.

Халқимиз ва бойларимиз ушбу кундан эътиборан зироат ишига аҳамият бериб, дехқончилик ва боғдорчилик ишларини тараққий қилдирсалар, сувсиз ерларга арик қазиб, сувлар чиқарсалар, эскирган ерларни янгилаб, янги асбоб ва машиналар иқтисод кучига молик бўлишимиз муқаррардир. Чунки, бу тақдирда халқимиз насия ва қарздан қутулиб, топган ақчаларининг ҳаммаси ўз чўнтақларига кириб турар эди. Зироат ишларимиз тараққий қилиб, иқтисодий қувватларга молик бўлсак, охишта охишта саноат ишларини ҳам ўз қўлимизга олурмиз.

*Й. Н.*

*Садои Туркистон. 1914 йил, 11 май, 9-сон.*

#### *Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик*

Мухтарам муҳаррир афанди! ...Бутун Русияда манботлик жиҳатдан ватанимиз Туркистоннинг илгариде эканлиги ҳаммага маълумдир. Ва, ҳатто, бутун дунёда манботликнинг биринчиси Америка бўлса, бизнинг Туркистон ҳам иккинчи сонгадур. Ватанимизнинг тупроғи шунча манбот бўлса ҳам, ўзимиз ҳар вақт умримизни банк эшиклари остида судралиб ўтказамиз, ҳар куни газеталарда фалончи синди, фалончи вексели процент бўлди, дўкони печатланди, дегонга ўхшаш қўрқинчлик хабарларни ўқиб эшитмоқда ва кўриб билмоқда бўлсак ҳам, аммо ибрат ололмаймиз, сабабини ҳеч текширмаймиз, ёлғиз бозор касод деб ўтаверамиз. Аммо бозорнинг касод эконлигини текширмаймиз. Бундай таассуфлик хабарларни эшитган америкаликлар таъжуб қилсалар керакким, шундай манбот тупроқлик халқи нимага бундоғ, деб. Аммо, ул америкаликлар экин асбоблари ишлатиб, биз ўн киши ўн кунда қилган ишимизни улар



икки киши билан ўн соатда қилмоқдадурлар. Уларда ўриш, сочиш, чопиш, териш, экиш, ҳаммаси осон, машина билан тез тайёр бўладур. Улар ўша машина билан вақтида тез йиғиштириб олурулар. Биз бўлсак, еримизни тўплаб ташигунча ёмғир, қор ёғиб қолса, далада тамом қолдирамиз. Шу осон асбоблар Русияни(нг) бутун деҳқонларида бордур. Бизлар ҳам шу экин асбобларидан олиб ишлатсак, оғир меҳнатларимиз енгилланур эди.

Бу тўғрида “Ойна”, “Садои Фарғона”лар мумкин бўлса қишлоқ тилида кўпроқ ёзиб аңлатсалар. Бор-йўқдан иборат ёшларимиз ҳам бўш вақтларида қишлоқларга чиққанларида, оғизларига папирос солиб, онгламаган халқга сафсата сотмай, шундоғ фойдали нарсалардан билдирсалар ва тушунтурсалар, халқ турмушини енгиллик тарафига неча одим отлатган бўлур эдилар.

...Ўтган мақоламда деҳқон қариндошларимиздан ҳеч бирларининг зироат машиналари ишлатмаганликларини ёзган эдим.

Мақолани ёзгандан сўнг қишлоқларда юриб, ўзим кўп деҳқонлар билан кўришиб, фикр алмашдим. Энди уларнинг фикрларини ўйлаган миллатпарвар киши кўзларидан қонлик ёшларни оқизмай мумкин эмас. Улар айтадики, “Дуруст зироат машиналари фойдалиқ экан, аммо пул керак. Бизнинг кўлимизда бўлса нақд тайёр пул йўқдур”. Мен айтдим, экин вақтида пул бўлур ёки пул ўрнига эккан экинлардан олиб бориб берсангиз ҳам мумкинми?

Улар шу таассуфлик жавобини бердилар.

Пахта эксак ўзасигача, бугдой эксак сомониғача қарзимиз бадалига хўжайинларимиз – бойларга олиб бориб берамиз. Яна икки экинга борадурғон бўлиб, бойлардан пул олиб, қиш бўйи бола-чақаларимиз ила минг машаққат ва минг қийинчилик ила овқат ўтказамиз.

Қиш чиққандан кейин бола-чақаларимиз била(н) ишга тушамиз. Болаларимиз ўқишдан қоладилар, мардикор олсак, яна сарф зиёда бўладур. Пул йўқ. Ноилож болаларимизнинг мактабдан қолишига ризо бўлиб бўлса ҳам, болаларимизни далага олиб чиқиб, қўш ҳайдаш, ўза чопиш, чигит экиш, шунга ўхшаш қийин ишларга кўямиз. Чигитга пул деб борсак, хўжайинлар сўкиб ҳар турли ҳақоратлар ила йиғим-терим вақтида 100 сўм қилиб беришга қирқ-эллик сўм берадурлар. ... Яна бу аҳволнинг устига бир тўй-мўй бўлиб қолса, тамом, оч-яланғоч, ерсувларимиз бойлар кўлида, кўчаларда талончи (тиланчи) гадо бўлиб қолурмиз, қани бунга чора, дедилар.

Буларни ўйлаганда кўзлардан тамом қонлик ёшлар тўқмоқга тўғри келадур. Эй тараққийпарвар ёшлар! Сиз ҳам ёзсангизлар, ҳар вақт бечора, мазлум деҳқонларни пулдорлардан қуллик, есирликдан қутулдурмоқ чоралари тўғрисида ёзинглар. Ҳаммадан бул керак...

Чўлпон.

Садои Фарғона. 1914 йил, 7 май, 13-сон;

26 сентябрь, 65-сон.

#### *Саноя молиямиз ёхуд фаолияти иқтисодия*

Афандилар, кичик мақоламизда айтган эдикки, дунёда кун кўрмоқ ҳаёт ўтказмоқ ва истикболи таълим қилмоқ учун биз мусулмонларга тижорат ва зироат, саноятга аҳамият ва ...гайрат қилмоқдан бошқа илож йўқдур. Ҳақиқатдан биз – мусулмонлар учун тижорат ва иқтисодга аҳамият бермоқ – назариядан амалиётга чиқазмоқ учун саъи ва тараддудимиз йўқдур. Асл масаланинг ҳақли жиҳатлари шудур. Биз кун бўлар амалиётга бошлармиз. Назариядан чиқмаган бўлурмиз. Фақат иш вақтидан ўтган бўлур. Ҳасратлар, фиғонлар ул вақтда суд қилмас. Газетчиларнинг сўзларини ул вақтда



такдирда қилурмиз. Лекин фойда бермас. Биз бухорийлар, балким умумтуркистонликлар вақти билан қанча илмга, синоатга молик эдик, ҳолда асарлари кўрилмоқдадур, озмоз назаргоҳимизда кўринганлари сўнмоқда ва учмоқда бўлган шамдек ялт-ялт этмоқдадур. Ҳар нарса бизга боболаримиздан қолган бўлса, бизнинг кўлимиздан тортишлар бўлиб, кундун-кун маҳв бўлмоқ ҳолатидадурмиз.

Неча юз йиллар ул бир синоат ва бир илмни олган, кўрган бўлсак, шу ҳолатча қолдиурмиз. Ислоҳга ва янгисига ғайрат қилмаймиз. Афандилар, замонлар бошқа бўлур, эҳтиёж ўзгарур экан, деб фикр ва хаёлимизга келтирмаймиз. Санъатимиз, хунаримиз замон эҳтиёжига мувофиқ бўлмоқдан чиқибдур. Шу жиҳатдан кўлимиздаги нарсалар баробар-баробар чиқмоқдадур.

Бир кун бўлурки, бу кетишимиз билан маданият ҳозир кундан-кун кўр, чўлоқ бўлуб қолурмиз... Масала, бугун Бухоромизнинг эски саноат ва хунарлари баробар кўлимиздан чиқмоқда. Ва бу саноатларимиздан рағбат ва илтифот кундан-кун озаймоқдур. Ҳолбуки, биз ул саноатлар билан мингларча сана яшадик ва ҳаёт қурдик, маишатимизни таъмин қилдик. Ажабким, сабаб бўлдики, у кунимизга кифоя қилгон ва ярагон саноатимиз бугун яроқсиз, кифоятсиз. Албатта, бунда бир сабаб бордур. Шубҳасизки, биринчи сабаб ул саноатларимизнинг ривожига ва таракқийсига ва уларнинг замонига мувофиқ суратда ислоҳотга ғайрат ва иштиҳод қилмагонимиздандур. Кўл қазимаси, оёқ қазимаси саъй, яъни жарорат қилмоқ лозимлигини қатъиян кўрмоқда. Бизни шундоғ қилди, деб қараб ўтирмоққа шубҳа солмоқдадур.

Ер юзиндаги давлатларнинг сиёсат ва тадбирлари ва муҳораба қилмоқлари, мингларча одамларнинг ҳалок бўлиб кетмоқлари – ҳаммаси ақча учундир. Кўз

олдимизда Япония ила Русия муҳорабаси... ақча учундир. Ақчаси тўлмаган бир миллат эмасдур...

Балким мудҳиш тоғларга, денгизларга хулоса бутун табиат ва тижорат ҳукмрондур. Биз мусулмонлар нима учун ақчага бу қадар эътиборсизлик қиламиз ва ҳосил бўладургон тариқларига тавсил қиламиз. Агар ўзимизнинг баҳомизни ва саломат истикболимизни, маданий миллатлардек бўлмоғимизни хоҳласак, албатта бизга ҳам ақча лозимдур. Ақча топмоқ учун қон тўкмоқ ё жон бермоқ билан бўлмас. Балки фаолияти иқтисод деган ғоят машруа ва ғоят муборак бир тарих бордур.

Иқтисод маъно луғати бир нарсани ҳолати эътиборда тутмоқдан иборатдур. Маъно умумийси тижорат ва зироатнинг даража камолига етказмоқдур. Таракқиёт тўсиғи солиб юбормоқдур, у кун ер юзида қанча маданий ва соҳиби иқтидор миллатлар ва давлатлар мавжуддурлар. Ҳаммалари иқтисодни риоя қилмоқдан матаркий ва оламгир бўлганлар. Бу иқтисод бугунги кунда бир катта оламга илм бўлиб бу калиманинг ифода қилдига маънога васоит берилибдур. Олами тижоратда илмлик воқиф бўлмаган зот миллионларча ақча ва сароватга молик бўлса ҳам, иш кўра билмас, ожиз бўлур...

...Чунки илм иқтисоди сароват ақчанинг нечук ҳосил бўлмоғини кунда мендайн кавоид ва шароит илан кунда таҳсин бўлинмоқ хусусиятлариндан баҳс қиладур. Оврўпа Россиядан қанча фабрика ва мунча машиналар ва мингларча асбоб ва саноатлар кўрарсиз. Буларнинг ҳаммаси иқтисоднинг четдан амалга келган нарсалардур. Европа давлатлари бугун икки илмнинг соясига ёришурлар. Бири сиёсий, иккинчи(си) иқтисодийдур. Сиёсатлар ҳам иқтисодга боғлиқдур. Иқтисодимиз сиёсат йўлига кетмас. Ҳар давлатлар бир бошқа давлатнинг сиёсат ишига мадохла қилмоқни хоҳласа, ибтидо иқтисод масаласидан



бошлаб айтадурки, керак фалон ва фалон имтиёзни менга берсанг ва фалон тижорат муковаласанг, имзоласанг, оз бир вақтга мағлуб иқтисодидур, кечиб мағлуб сиёсий ҳам бўлодур. Яна бунга ўхшаш бир неча мисоллар бор. Масалан, инглиз давлати бундан бир неча аср мукаддам бир кичкина ҳукумат эдики, иқтисоди ғарбда ҳамма давлатлардан узоқ бир ерда балиқчилик билан умрини ўтказар эди. То янги илм ва ҳунар яна иқтисоднинг бир кетин ювош-ювош оксай ғарбдан бош кўтариб, беш китъа марта мискунча истикбол илмини барпо қилиб, олам сиёсатига бир катта рол ўйнадургон бўлди. Осиё ва Африканинг ниҳоят олий ерларига соҳиб ва молик бўлиб, бир неча салтанатларни маҳв ва нобуд қилди. Бу тараққий ва толеъси нимадан бўлди. Албатта, иқтисоддан бўлди. Яна Эрон давлати барқарор бундай ул дунёга биринчи давлатман деб, ўз подшоҳларини шаҳаншоҳ ва фалон олам деб, ифтихор этар эдилар. Беш минг йиллик катта бир салтанат эди. Энди беилмликдан ва беҳунарликдан ва саноатсизликдан бир ўликка ўхшайдур. Бунинг ҳам сабаби... иқтисодга аҳамият бермаганлигидандур. Чунки, ота-боболарининг улкан қиличларига орқа бўлуб, иқтисодга риоя қилмасдан ғафлат қилиб юрганларига, бугун бу фалокатларга гирифтор бўлдилар. Тижорат ва китоблар очиб, тамом керакли нарсаларни ўз қўллари билан ясаб, маъданлар, темир йўллари копитоллари, банклар, ширкатнинг имтиёзини бошқаларга бермасдан, ўзлари қилар эдилар. Албатта бунча тупроқлар ва сувлар ва жоридлари ўзларига қолиб, бугун ҳам аввалгидек олам сиёсатига бир яхши мақом тутар эдилар. Нима нафга Оврўпадан иқтисод энди орқада қолгандурлар. Аллох таолло ўзи чора қилсун.

*Ражабзода Ниёзий.*

*Садои Фаргона. 1914 йил, 2 сентябрь, 66-сон.*

### *Бухорода бозорнинг аҳамияти*

Бухорони(нг) бозори хусусида ёзибдурларки, Бухоро бозори ҳамма ишларга пайваста бўлуб, ҳаттоки вақтни ҳам бозордин ҳисоб қилодурлар. Чунончи, бирор одам бир бўлгон ходиса қайси вақтда эди, дегонда жавоб беродурларки, икки бозор ёки уч бозор илгари, деб. Ва яна жамаи ҳукумат тарафидин элом [эълон] қилинадургон ишлар ҳам бозорда бўлодур. Бирор буйруқ бўлса, ёки писта йиғмоқ ва молиёт тўлаш вақти ва ё бирор хурсандлик хабар, байрам ва шунга ўхшаш нимарсаларни ҳам Бухоро чиновниклари жарчи орқалик бозорда элом қилодурлар. Ва аввал бозорларда халқни(нг) кўз олдида гуноҳкор одамлар қатл қилинуб, насиа молларин ва қарз ақчалар муомаласи ҳам бозорда бўлуб ва ҳам кейинги келодургон бозоргача нонга, молга, гўштга, ёғга, тухумга ва ҳам бошқа нимарсаларга баҳо миқдор бўлур экон. Бозор кунлар амлоқдорларга ниҳоятда хурсандлик кун бўлса керак, на учунким ўшал кунларда фуқаролар мулкдор эшикларига ўзларини баҳс-у жанжол (жанжал), фитна ва фасод ишлари бирлан соат саккиздин то кундузи соат биргача амлоқдорларни(нг) ҳовлисида жангу жадаллар ва даъволар сўролиб, иштрофлар ҳукм бўлуб... хуллас калом, бозор кунлари жанг-у жадал кўб бўлуб, ҳар қайси Бухоро чиновникига емиш топилур экон. Масалан, биров-бировни уруб ёки биров-бировни чофонини йиртиб, қарз берган одам ўзини(нг) қарздор одамини тутуб олиб келиб, амлоқдорларга ва қозиларга даромад бўлмайдургон бозор куни кам бўлур экон. Ва яна бозор кунлари савдогарларга ҳам зарур кун бўлуб, молларини нақд ва насиага ўткузуб ва ҳам моллар харид қилиб, савдогарлар харид қилсалар, ақча тўламасдин, они муздиға мол тўлаб, шул сабаб молларини нархини ниҳоятда қиммат баҳо қўядурлар. Аммо, ҳар хил ажнос, чунончи, писта, биринж,



пахталарга фақат ақча тўлаб ва бошқа нимарсаларни насияга ярмига ақча тўлаб, ярмига мол тўлаб, бир қанча фойда килодурлар эканлар. Молларни насияга бергон вақтда баҳосини ваъда қилгон муҳлатга қараб, баҳо қуйур экон. Чунончи, бир тўф тикни нақдга ўттуз беш – қирк тангага сотсалар, қарзга бергон вақтда бирор фойдасига сотур эконлар. Бир ойга сотсалар қирк танга, олти ойга саксон танга, бир йилга юз танга, харидорни(нг) аҳволига қараб сотур эконлар. Аксари фуқароларда ақча камлигинин молларни насияга оладурлар ва ҳам фуқаролар молни насияга олмоқликка кўб рағбат килодурлар. Аммо, савдогарлари харидорга насияга мол бергон вақтда кафил сўройдурлар. Аммо доимо кафил топмақлик мушкул бўлодур, на учунким, ҳар қайси кафил бўлодургон одам амлоқдор тарафидин бир иштрофга қолмойлук, деб хавф килодур. Шулар сабабдин, шулар тариқа харидорларга мирохўр кафил бўлодур. Агарда насия олган харидор ақчасини ўз вақтида топиб бермас, ул вақтда мирохўр ул одамни ақчасини топиб бергунча ижарасига ишлатадур. Бухорода иштраф [штраф] учун ақча бермақлик лозим бўлодур, аммо шариятда иштраф ақча олмоқлик манъ бўлгон сабабидин ва ҳам ҳар қайси одам ақча тўғрисиға қаттиқ бўлгон сабабдин, Бухоро чиновниклари иштроф ақчани ўрниға мол олмоқликка рози бўлодур. Қарз қилдукка бирор иштроф тушгон одам насияга бир тўф тикни саксон тангага олгон бўлса, ул тикни амлоқдор ёки қози ўттиз беш тангадин ортукка олмай, бир соатдин ёки икки соатдин кейин ёки кейинги бозорда ул олгон бир тўф тикни қози ёки амлоқдор ўшал сотгон савдогарга юбориб, ул тикни қирк тангага сотадур. Ул савдогар дархол яна бир шундоғ балоки, учраган харидорга сотадур. Шулар тариқа бирлан йигирма ёки ўттуз тўф тик ёки чит савдогарни(нг) дўконидин амлоқдор-

ни(нг) кўлиға тушуб, андин яна дўконга қайтиб келиб, сарсон бўлуб юродур. Бухоро бозорида бозор кунларида кўлида тўф чит ва тик олиб юргон кўб одамларни кўруб, ани сабабини билмасдин Бухоро бозорида савдо яхши, деб фикр килодурлар. Агар шулар тариқа фикр қилгон одам бозор тамом бўлгунча қараб турса кўрар эрдик, бозордин бир ёки икки тўф харидорда қолиб, қолгон тўфлар амлоқдорни(нг) ёки қозини(нг) уйида парда орқасига тикилотур эрди. Ва яна ажойиброкки, Бухоро савдогарларида харидорни чақирмоқ ул тарафда турсун, молларни мактамоқ расми ҳам йўқ. Русия савдогари харидор келгонда молини мактаб, кўп ҳаракат бирлан харидорни алдаса, Бухоро савдогарлари мактамасдин, бу ҳаракат Русия савдогаридин кўра ўхшотиб, алдайдур. Мазкур савдогарларни чақирмасликка сабаб, тахтага оладургон харидор ҳам йўқ. Агар насияга алдаб чақирсалар, ул вақтда ул насиячи харидорларидин дўконларида молларини бир соатга қўймай, олиб кетсалар керак.

Бухорода бозор кунлари бозор кеч бошланиб, айни бозор соат ўндин ўн иккигача қизиб, ўшал фурсатда бозорга ҳамма жойлардин одамлар келиб, тикилиб, шовқун, тўпалонг [тўполон] бўлуб, баъзи вақтларда қарз бергон одамлар ўзларини қарздорларини бозорда топиб, шовқун қилиб ёки бир жангу жадал бўлуб қолиб, шовқун бўлодур. Хусусан, бетартиблик ва жанжолға даллоллар сабаб бўлодур. На учунким, уларсиз ҳеч бир мол олмоқлик, сотмақликни(нг) иложи йўқдур. Даллоллар беш-ўн тангадин олиб, савдогар бирлан савдо кила бошлаб, неча маротаба тиллари чиқиб, қанча қасамлар ичиб, мол сотадургон одамни(нг) кўлини олиб, бир танга-икки тангадин ошиб чиқиб, охирига зўрликдек қилиб, савдогарга бий пули (патта) беродур. Ул савдогар бий пулини олган замон савдогар бирлан харидорни(нг) бир-



бировини қўл қоқиштуруб, ишни битируб, икки тарафдин бир ёки икки тангадин олиб, яқин жойда қараб ўлтургон Бухоро чиновнигига ул ақчани олиб, оҳиста келиб, яна икки тарафдин ҳам уч-тўрт тангадин низомдин ташқари ақчани оладур. Бул орада мазкур даллол янада бошқа жойда шул тариқа бир-икки савдогарни иштини битирадур...

Бозор бошлангон соатдин бошлаб то тамом бўлгунча амлоқдорларни хизматқорлари қўлларида узун кизил таёғ бирлан юруб, ўтун ... ва шунга ўхшаш бозорға сотмақликка олиб келгон нимарсалардин бож олодурлар. Наройвончада подшоҳлик тарозу(си) бўлуб, Бухоро чиновниги ул тарозуға олиб келгон ун, арпа ва шунга ўхшош нимарсаларни тортиб, тортгони учун ҳар қайси ўн қадок нимарсадин бир қадокни олодурлар эмиш.

*Туркистон вилоятининг газети.*

*1910 йил, 21 ноябрь, 87-сон.*

#### *Тупроқ надур?*

Тупроқларни янгидан яхши қилмоқ учун ҳозирда жуда кўп чоралар бордир. Зироат хусусида бўлган китобларни мутолаа қилсалар, ернинг ўстириш қувватини ортдурмоқ учун тупроққа солинатурган нарсалар бордир. Қишлоқларда гўнг ила ҳам ерни ислоҳ қилмоқ одатдир. Гўнг ёниб тупроқ холига айланса, ернинг энг яхши ажри бўладур.

Ризқимизни ва маишатимизни таъмин қилиш, базм учун зироат касбидан бошқа ҳеч мумкин эмас. Чунки бизда ҳунар-маърифат йўқ. Ҳозирги кунда дунёда яшамоқ учун бори икки йўл бор: бири зироат ва иккинчиси илм ва ҳунар ила улуг мартабалар ҳосил қилиб яшамоқдир.

Чунки, аввалларда бизнинг қўлимизда вайрон ҳолда ётиб, оз баҳога сотилган боғларимиз ҳозирда энг мукамал боғ бўлиб, эгаларини бойитмоқдадур. Қўлимизда илм

ва ҳунар бўлмагани каби, дунёдан ўзимизга бўлиб берилган хиссаларимизни ҳам яхши ислоҳ қилмаймиз.

*Рауф Музаффарзода.*

*Садои Туркистон. 1914 йил, 16-сон.*

#### *Туркистонда савдогарлик*

Бизда зўр сармояли савдогарлар оз бўлиб, озгина сармояли савдогарлар ниҳоятда кўпдир. Бизнинг савдогарларнинг банкротлик кўчасига тушувларига биринчи сабаб бўлган нарса – банклардур. Бу вақтдан 15-20 йиллар илгари банклар янги очилган вақтларда банк ила иш қилгувчилар оз бўлганидан банк мутасаддилари савдогарларимизга мурожаат қилиб, “Банк очишимиздан асл мақсадимиз савдогарларга керак вақтда ақча бериш ва ақчаси бекор турган кишиларнинг ақчаларини олиб, ижарага сақлаб беришдур. Келингиз, бизнинг банкимиз ила олиш-бериш қилингиз”, деганларида ул вақтдаги онгли савдогарларимиз: “Худо кўрсатмасин, бу қандай мумкин? Олмаймиз ҳам бермаймиз”, деб жавоб қилур эдилар. Кўп вақт ўтмасдан, банкка камол атона ила ёпиша бошладилар.

Бошқа миллат савдогарлари ҳам банк пули ила иш юритурлар. Фақат улар аввало қиладиган ишларидан чиқадиган фойдани ҳисоб қилурлар, 10 процент ила банкдан пул олганларида 20 процент фойда чиқмоғига кўзлари аниқ етгандан сўнграгина олурулар, бизнинг савдогарларимиз эса ҳисоб-мисоб қилиб ўтирмас.

Касалдан тузаламиз, деб саломатлик учун энг лозим бўлган конини сулукка (зулукка) сўрдирган одамдек, савдогарларимиз ҳам фойда кўраман деб минг машаққат ила топган фойдаларини банкларга сўрдириб турибдилар. Бошқа миллат савдогарлари банклар воситасила зўр-зўр ишлар вужудга чиқариб турган замонларида бизнинг



савдогарлар банклар воситаси ила яхшигина ишлардан ажраб турибдилар. Бунинг сабаби ўқимаганлигимиз, савдо илмини яхши билмаганлигимиз.

*Садои Туркистон. 1914 йил, 13 июнь, 18-сон.*

*Оҳ, бонкалар бизни барбод этди*

- Шундайми?
- Албатта йўқ.
- Бас, нима бизни барбод этди?
- Нозоалла, ҳисобсизлик. Тўғриси, ақл ва тарбиясизлик бизни барбот этди.

Айб бонкада йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зоҳиран бонкалар сабаби ила барбод ва фақир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз қўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни(нг) тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замонадан беҳабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандур.

Бонка сабаби ила яхудий, армани ва бошқалар давлатлик бўлуб, биз бўлса, билъакс давлатимиздан, мулк ва обрўйимиздан айрилармиз. Чунончи, қўлдаги бор нимарсамизни тўй ва азоға, беҳуда одатларга сарф этармиз. Қўрпамизга қараб оёқ узатмаймиз. Қарз ила иморат, тўй, фиск ва бойлик қилармиз. Исроф қилармиз. Охири “Хаср ал-дунё ва-л охира”<sup>180</sup> бўлурмиз. Бу сабаб ила фақирлик даражасинда тушуб, сўнгра бонкадан додхоҳлик қилармиз. Бир карра диққат қилинсун, бир яхудий, бир ўрус, бир армани ҳеч вақт тўй деган балога беш минг сўм, ҳатто, бир-икки минг сўм сарф қилгани эшитилмайдур. Биз бўлса, йигирма минг сўмлаб сарф этармиз. Кошки бу пул ўзимизники бўлса эдики, ялғуз

<sup>180</sup> Хаср ал-дунё ва-л охира – дунё ва охиратни барбод этиш.

исроф гуноҳи ила қутулардук. Йўқ, балки биз ҳақ-ул-абддан<sup>181</sup> кўркатургон мусулмонлар бошқалар ақчасини барбод этиб, охиратга қарзи дунёга кулфат ортдурармиз. Мундан номаъкул ҳаракот, албатта, шаръан ва ақлан гуноҳи азимдур, девоналикдур. Хўқанддан жаноб М.Д.Р.М. афанди ёзадурларки, бонкадан фойдалиқ ақча олмоқ дурустми? Ва биз, мусулмонлар нима учун бонкадан пул олиб синармиз? Аввалги савол учун жавоб берармизки, шаръан бонкадан пул қарз олмоқ тўғрисида мўътабар “Шўро” мажалласинда тафсили илан кўб ёзилди. Хохласангиз, “Шўро”дан ўқуб огоҳ бўларсиз ва ул сиз учун хозиржавобдур. Иккинчи саволга қисқалиқ ила шуни ёзармиз. Масалан, Абдуллабой баззозни ўзидан беш минг сўм сармоёси бор. Дўконидан 500 сўмлик молни олти ой ваъда ила насия сотди. Албатта, бу сотилган молга ақлан 50 сўм фойда кўюб эдики, юзда ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол оз эди, яна мол олмоқ учун ақча йўқ. Кантурдан нася олса, аввалда нақдага нисбатан 7-8 хисса қиммат қилиб берур. Масалан, 400 сўмлик молни олти ойга 470 сўм, балки зиёда қилиб берар ҳамда яхши молга ёмонни қўшар. Агарда Абдуллабой баззоз бонкага сотилган моли учун олган векселини кўйса, олти бонка 500 сўм нақд бериб, фақат 15 ё 20 сўмгина фойда сахлайдурки, бизни баззозимиз ушбу пулга 4-5 кантурдан чеккасиға чертиб, сийлаб молни арзон нархга олур. Ана бонка ҳикмати ва кераклиги шундан иборатдур ва ҳам шундай ўлчав ила муомала қилинса, ҳар ким бонкадан фойда кўрар. Йўқ, бонка уни учун эмаски, бир пулсиз дўкон ўлтуруб ва бонка пулини насия қилиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва шароратга, кўбқари ва азоға сарф қилиб ё бонкадан қарз олиб, ҳаж бориб, дунёга баобрў ва охиратга қарз юклаб учун эмасдур. Муҳтарам М.Д.Р.М.

<sup>181</sup> Ҳақ ул-абд – банданинг ҳақи



афанди! Мундан бошқа яна синамоқимизга сабаб тарийқи тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошқа ғалла тўғрисида Амиқо, Африқо ва Оврупа бозор ва зироатларини ҳолидан, бўлган ва бўлмаганидан беҳабарлигимиздур. Бизни тожирлар аксарият ила ҳеч жойдан беҳабар “таваккал” деб иш қиладурларки, ташаббуссиз таваккал ила иш қилмоқни шаръан манхийлигидан беҳабарлигимиз боисдур. Энг охирги сабаб синмоқимизга шулки, тижорат майдонинда нодонлигимиздан бошқалар тарафидан алданармиз. Хулоса, бизлар коммерсант, яъни тожири замоний эмас, балки бизларга деҳқонлик лозим. Аммо маалтаассуф, унга ҳам илми басират ва ҳисоб лозимки, бизга шу илми замоний йўқ, бинобарин келаримиз ниҳоят қоронғудур. Мулкларимиз аксари қўлдан кетар ва қора меҳнаткаш бўлуб қолурмиз. Аллоҳ басират берсун. Шайх Саъдий деюр: “... мудохили<sup>182</sup> ўн саккиз ва мухорижи<sup>183</sup> йигирмалик киши ҳолига йиғламоқ керак. Кундуз чироғ ёкқан аблаҳнинг оқшом қоронғуда ўлтурганини яқиндан кўрарсан”.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1914 йил, 19-сон, 342-344-бетлар.*

#### *Банклар ҳақида*

Бизнинг Туркистонда фойдаланадиган банкларимиз “подшо халқ”, “акционерний банклар” (акциядорлик банки) ва “общество и заёмный кредит”лардир.

1) Подшо халқ банклар (яъни подшо халқига махсус ақчалар сақланадурган ўрин). Шул мамлакатнинг подшо халқига махсус ақчадан бир қисмини бунга капитал (сармоя) қилиб айрилур. Бу банкга хос бўлган подшо халқ нақадар зўр ва қувватли (кучли) ва бошқа подшоҳлар

<sup>182</sup> Мудохил - кирувчи

<sup>183</sup> Мухожир - чикувчи

қошида эътиборли бўлсалар, бу банк (подшо халқ банки) ҳам халқ орасида шу қадар эътиборли бўладур. Ақчаси бўш ва ўзи ишлатолмайдиган кишиларнинг ортиқ ақчалари ёки бир ғараз ила узоқ сақланадиган ақчалар (масалан, хайрия жамиятларининг ортуқ ақчалари ва бошқалар) бир оз фойда муқобилига сақлаб бермоқ учун бу банкка бериладур. Шундай банкларнинг капитали ҳамиша бўлган кучли ва бой подшо халқининг бўш ақчаси ва халқнинг бўш ақчасидан иборат бўлгани учун кўп суммалар йиғиладур. Банк ушбу суммаларни бекорга сақлаб ётмайдур, балки қиска муддатга ишончли банк, савдохоналарга ва савдогарларга бериб турадур. Шу восита ила улардан бир оз ҳақ олиниб, ақча сохибларига қадар алҳисса тақсим қилинур.

2) Акционер банклар. Бу банкни қўлидаги ортиқ ақчасини ўзи ишлатолмайдиган, ишлата билса ҳам оз фойдага қаноат қилмаган, тўғриси “лойқа сувда балик тутмоқчи” бўлган ижтиҳодли кишилар тарафидан аксия воситаси ила ақча йиғиб очиладур. Бу банкларнинг кадр ва эътибори иш бошида турган кишиларнинг эътибор ва обрўси ва сотилган аксияларидан йиғилган сумманинг кўплиги ва қилган фойдаларига қараб тайин қилинадур. Бу банклар суммаларининг кўпли-гига қараб ҳар шаҳарда шўъбалар оча олурлар. Бизнинг Туркистон қитъа азимасида илдиз отган энг ишлакли (ишбилармон) савдогарларимизнинг фойдаларин сулук каби сўриб ётган банклар шундай банклардур. Буларга берган фойдаларимизнинг бир тийини бўлсин, бизга қайтиб келмайдур. Минг машаққат ила топган фойдамиз буларнинг чўнтақларига доим оқиб турмоқдадур.

3) “Общество ва заём кредит” исмли банклардур. Бундай банклар сўнгги вақтларда очила бошлади. Буларнинг бири иккинчисига ёрдам қилмоқни хоҳлаган, ўзи-



нинг оз-моз акчаси бор бўлса ҳам, ёлғиз ўз ҳолича иш қилмаганликдан шу акчасини ишга киргизиб, шундан ҳисоб олиб, хўжайин бўлиб турмоқни хоҳлаган, “акционер банк”ларининг қисувидан тўйган ва уларга фойдасининг ҳаммасини беришни тиламаган, бир қисмини бўлсун, ўзига қайтаришни хоҳлаган, “подшо, халқ” ва “акционер” банклар ила сўйлашувга қадар бўлмаган майда савдогарлар ва қосибларга, ҳунарчи ва деҳқонларга ва бировнинг хизматида туриб қосиб-қимтаб ордурган акчасини фойда келтурадурган ўринда сақлаб, керакли вақтларда ортиғи ила олишни хоҳлаган кишиларга йўл кўрсатмоқчи бўлган, ўз миллатини ва ўз шаҳридаги халқнинг машаққатини таҳмил қилувчи (ҳомий) ва уларда бўлган савдо, ҳунар, саноат ва зироатнинг илгари қадам босмоқни хоҳлагувчилар тарафидан очиладур. Бу “заём кредит” ўзига аъзо бўлган кишиларнинг акчаси бўш турган вақтда бошқа банклар берадурган фойдалан зиёда фойда топиб берадур. Муҳтож бўлган кишиларга мумкин қадар бошқа банклардан арзон қилиб акча берадур.

Аммо член (аъзо) бўлган киши ишининг охорини тамом англаса ва ҳар вақт иш бошига қўйилган кишилардан шуни талаб қилиб турса, шунда юқоридаги мақсад вужудга чиққан бўладур. Йўқса, член бўлганига мағрур ва акча олганига вақти ҳуш бўлиб, на маслаҳатдан, на ҳисобдан, на текширувидан ва на сайловдан хабари бўлмаса, иш бошига қўйилган ишчиларни хўжа ва акча берувни тайин қиладурган кишиларни акча эгаси деб таниса, ул вақт албатта юқоридаги мақсад вужудга чикмайдур.

Бизнинг туркистонликлар акционер банкларга соғадурган сигир бўлса, сўнгги вақтларда очила бошлаган “заём кредит”ларга ҳам тилсиз хизматлар бўлиб турадурлар. Қайда бўлса ҳам, машруа ҳаққимиздан

фойдалана олмоғонмиз каби бунда ҳам ўз ихтиёримизда ва ўз қўлимизда бўладиган бу ишдан лозиминча фойдалана олмаймиз. Акционер банкларга соғимли сигир бўлгуси келмаган савдогарларимиз ва унга ачинган онгли синфимиз “общество ва зиём кредит”лар йўқ жойда уни вужудга чиқариб, бор ерда ҳар бир тарика ила унга ёрдам қилиб, уни ўз банкимиз ва акчасини ўз акчамиз ва унинг қилган фойда ва зарарини ўзимизга оид эканини англаб, керагича фойдаланув вақтдур. Бошқа халқдан акционер банклар(ни) вужудга чиқарув ва уларга хўжа бўлиб, ҳозирда бизга мумкин эмас экан, не учун мумкин бўладурганини қилмаймиз? Етар энди, ушбу вақтгача фурсатни қочирувимиз, бундан сўнг асло қочирмайлик. Иш бошлаган вақтда ҳаддан ташқари капитал ва билимга ҳожат бўлмайдур. Бундай “общество ва заём кредит” банкни йўқ ерларга очайлик ва бўлганига ҳар бир тарика ила ёрдам қилайлик ва унинг воситаси ила ўзимиздаги савдо, ҳунар, саноат ва зироатни мумкин қадар ривожлантиришга ҳаракат қилайлик. Бу вазифа ҳозирги вақтда ўзларининг борликларин кўрсата бошлаган онгли синфимиз ва савдогарларимизга юкланадур. Бу тўғрида оз-моз вақтларин сарф этиб, онинг жорий бўлишига саъй ва ҳаракат қилсалар ва қўлидан келганча ҳар ким ёрдамда бўлса, албатта, қўзланган мақсадларига восил бўлсалар керак. Чиндан ихлос ила қилинган ижтиҳод ҳеч вақтда бекор кетмайдур. Бу ҳар кимга маълумдир.

*Туркистонлик С.М.*

*Садои Туркистон. 1914 йил, 20 июнь, 20-сон.*

#### *Банк хусусида*

Ўтган газетамизда замонамизнинг банклари ва банкга қиладиган муомалалари хусусида ёзилиб эрди. Банк хусусида “Ойна” журнали бош мақоласи бу тарика



ёзибди. Банклар бизни барбод этдими? Албатта, йўқ. Нима бизни барбод этди? Нодонлик, ҳисобсизлик, тўғриси, ақл ва тартибсизлик бизни барбод этди. Айб банкда. Йўқ, айб бизда, чунки бошқа миллатлар банклар сабаби билан обод бўлиб, мулки ортур. Аммо, бизнинг зоҳир банклар сабаби ила барбод ва фақир бўлурмиз. Бор мулкимизнинг қўлдан кетишига асл сабаб банк эмас, ўзимизнинг тарбиясизлигимиз ва ақлсизлигимиз ва беҳисобсизлигимиз ва наф ва зараримизни билмагонимиз тижорат тилидан ва замонадан беҳабарлигимиздан хулоса жаҳолат ва нодонлигимиздир. Банк сабаби ила яҳудий, арман ва бошқалар давлатлик бўлур, биз бўлса давлатимиздан ва обрўйимиздан айрилармиз. Чунки, қўлдаги бор нарсамизни тўй ва азага беҳуда одамларга сарф этамиз. Кўрпамизга қараб оёқ узатмаймиз. Қарз билан иморат, тўй ва бойлик қиламиз. Бу сабаб ила фақирлик даражасига тушиб, сўнгра банкдан дод қиламиз. Дикқат қилинса, бирор яҳудий ва ўрис арман ҳеч вақт тўй деган балога 5000 сўм, ҳатто 100 сўм сарф қилгани эшитилмайди. Биз бўлса, 20000 сўмлаб сарф этамиз. Кошки бу пул ўзимизники бўлса эдики, ёлғиз исроф гуноҳидин кутулар эдик. Йўқ, балки биз ҳақ Аллоҳдан кўрқадиган мусулмонлар бошқалар ақчасини барбод этиб охиратга қарз, дунёга кулфат орттираамиз. Бундан номакул ҳарорат албатта шаръан ва ақлан гуноҳи азимдир. Қўқондан жаноб М.Д.Р.М. афанди ёзадики, банкдан фойдали ақча олмоқ дурустми? Биз мусулмонлар нима учун банкдан пул олиб, сипорамиз? Савол учун жавоб берамизки, шаръан банкдан пул қарз олмоқ тўғрисида мўътабар шўро мажалласида тавсифли ила кўп ёзилди. Хоҳласангиз шўродан ўкиб огоҳ бўларсиз. 2-саволга қисқалик ила... ёзармиз. Масалан, Абдуллобой бозорнинг ўзида 5000 сўм сармояси бор дўқондан 500 сўмлик молни

6 ой ваъда ила насия сотди. Албатта, бу сотилган молга оклаб 50 сўм фойда қўйиб эдики, юзда ўн юзасидан бўлур, энди дўқондаги мол оз эди, яна мол олмоқ учун ақча йўқ. Конторадан насия олса, аввалги нақдга нисбат 7-8 ҳисса қиммат қилиб берур. Масалан, 400 сўмлик молни 6 ойга 470 сўм, балки зиёд қилиб берур ҳамда яхши молга ямонни қўшар. Агарда Абдуллобой баззоот сотган мол учун олган векселини банкга қўйса, олти ойга банк 500 сўм нақд бериб, фақат 15 ё 20 сўмлик фойда хоҳлайдики, бизнинг баззоотимиз ушбу пулни 4-5 конторадан чаккасига чертиб, силаб, молни арзон нархга олар. Ана банк ҳиммати ва кераклиги шундан иборатдир. Шундай ўлчов ила муомала қилинса, ҳар ким банкдан фойда кўрар. Йўқ, банк унинг учун эмаски, биз пулсиз дўқон ўтириб ва банк пулини насия қилиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва кўпқари ва азага сарфлаб, ё банкдан қарз олиб, ҳаж бориб, дунёга беобрў ва охиратга қарз юклаб кетмоқ учун эмасдир. Муҳтарам М.Д.Р.М. афанди, бундан бошқа яна синмоғимизга сабаб тарика тижоратнинг молини олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошқа ғалла тўғрисида Амрико, Африко ва Оврупа бозор ва зироатларининг ҳолидан ва қандай бўлган ва бўлмаганидан беҳабарлигимиздир. Бизнинг тижоратлар аксарият ила ҳеч жойдан беҳабар, таваккал деб иш қиларлар.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1914 йил, 9 март. 21-сон.*

### *Зўраки бой*

Охирги вақтларда биз туркистонлилар тижорат, ҳатто, зироат ва дўқондорлик ишларинда на учун синармиз, яъни ифлос этармиз. Мунинг энг биринчи сабаби илмсизлик, тўғриси ақлсизлигимиздур. Оре, билиб туруб ўз зарарини қилмоқ ақлсизликдур. Чунончи, “Зўраки бой” жаноблари-



ни ўн минг сўмлик мероси, боғ ва хонаси бор эди. Бу одам агарда боғини яхши ишлатса, мувофоқи шарият ва инсоф тириклик қилса, исрофгарлик этмаса, тўй ва азо деб ўзини барбод этмаса, албатта ортдурарди. Бу одам ўзидек ва хатто, ўздан оз нимарсалик кишиларни кўрарга ўғул тўйига икки-уч минг сўм сарф этар. Ўғлига хотун олиб берса, яна бир, икки, уч минг сўм сарф этар. Бир ўлук кўмса, беш-олти юз сўм харж этар. Хатто, олти ойлик боласини(нг) сочини олганда ва ё олти кунлик боласини бешикга боғлаганда бир-икки юз сўм сарф этар. Фотиҳа, чанлади<sup>184</sup>, ... култапўшон<sup>185</sup>, мўйлабгирон... ва бошқаларини нари қўйдук, хулоса, бечора ўн минг сўмлик мулкдор қарайдурки, иш бўлмайдур. Ўғул ва кизлар катта бўлуб турубдур. Тўй лозим, хатна, никоҳ, унинг орқасидан кети узулмас бир сурук маърака ва қондалар лозим. Кўбдан чиқиб бўлмайдур. Бечора одам ўйлавга тушар. Тўй қилмоқ учун бир-икки таноб боғдан ва ердан сотса, кўзи киймайдур. Тўй қилмаса, бўлмайдур. Бас, ноилож ўйлаб-ўйлаб, дўкандорлик, яъни базозлик ва чойфурушлик ва ё бошқасини қилмоқ бўлуб, дўкон очар. Бонкалардан кредит очар. Ўн минг сўмлик меросий мулки бор экан, беш бонкадан уч минг сўмдан 15 минг қарз олуру. Чой, қизил мол, газвор, чиннивор, ... хуллас, хар навъ кантур ва фермалардан ҳам бир-икки йилга етмасдан бир ўн беш минг сўм урар. Бир вақт кўрарсан, 30 минг сўм ишлатгучи қиб-қизил бир катта бой. Ўзини муфт деҳқонлиги ила рўзгор қилур экан, бир минг сўмни бутун умрига санамаган 30 минг сўмлик мол ичинда кўмгаини кўруб, бизни деҳқонбойни аввалги торгина ақли ҳам учдикетди.

<sup>184</sup> Чанлади – чарлари.

<sup>185</sup> Култапўш – аёллар княдиган бош кийим.

Қавму-қариндошдан вексел олиб, бонкага кўяр. Сасиб ётган ва аларни сўзинча, эгасиз фабрикант молини тўғри келган кишига насия берар. Бир тарафдан яхши от ва аробаларга ҳаваси кетар. Экипаж файтунар ва Маскав отлари олинур. Дигар тарафдан, ҳовлига замона одами ўлтуратургон иморатлар қилинур. Усти темур, ости тахта, девори ранго-ранг шишакори шаҳнишинлар, бир неча меҳмонхоналар ва онда замона асбоблари олинур. Бу иморатларни ва дастгоҳни одамларга кўрсатмоқ учун зиёфатлар, базмлар керак. Ферма ва бонкларни мудир ва аъзоларини-да алафранг шампанскилик зиёфатлар қилмоқ керак. “Зўраки бой” жанобларини хотун ва ўғли ҳам мундан ранг олиб, исрофга юз кўяр. Чунки, худо берган давлат қаердан келиб, қаерга кетар? Зўраки бойни ўзи ҳам билмас. Бир вақт тўй навбати етди. Энди терламоқни замони келди. Машваратлар, прўграммлар [программалар] тузалур. Хўқанд, Андижон, Туркистон ва Тошкентдан бошлаб, Марв, Бухоро, Карки ва Афғонистон худудинча шуҳратлик бойлар ва кўрмаган ошнолар рўйхат бўлур. Ол-а... Мунча одамга хат ёзмоқ мушкул. Босмахонада зарҳаллик хатлар сипориш берилур. Ёддан чикқани тилгиром [телеграмма] ила таклиф қилинур. Хивадан, Фарғона ва Бухородан машҳур жувон ва мутриб ва хонандалар чакирилур. Базмда фирмаларнинг мудир ва бонкаларнинг мубошири, хатто, ражоли ҳукумат таклиф қилинур. У қадар исроф, у қадар беҳуда масориф бўлурки, ҳисоби сингандан сўнгра маълум бўлуб. Бу тўйни базми, жувони, кўбкариси, фашанги, инъоми у қадар кўб, у қадар кизик бўлдики, мунга ўхшаган бошка бир зўраки бой ҳам ўзини анга ўхшатмоқ, балки ўткармоқ учун ўзини жардан ташламоқга ҳозирланур. Яъни, мундан зиёда этмоқчидур. Биз аввалги зўраки бойнинг тўйи сўзини тамом қилган йўқ эдук, бойга яна бир никоҳ тўйи воқеъ бўлди, яъни жаноб-



лари ёш хотун олдилар. Табиий, эллик-олтмиш яшарга ўн беш яшарни икки-уч минг сўм масорифсиз берилмайдур.

Сўзни қисқа қилайлук. Бир вақт эшитилур, зўраки бой бонкага пул еткуролмайдурлар. Имонсиз сарроф ҳам така-так шилдирни билиб, пул бермайдур. Иш “права учўт”га қолди. Бир неча вақт сўнгра яна эшитилурки, векселлар “протест” (бекор) бўлди. Ўн минг сўмлик мулк ила дўкондаги беш-олти минг сўмлик мол ҳажз [арест]га олинди. Ҳисоб килиб кўрулса, билинурки, 30 минг сўм қарз майдонда. Отадан қолган мулк ила тўрт-беш минг сўмлик ароба-ғалтак оту тек дўкон мол энди нима бўлур дерсиз? Олти ой – бир йилгача аввалги мулклар судга сотилиб, бечора зўраки бой ахлу аёли ила дарбадар қолур. Чунки, ақалли мартаба синган яхудийдан ибрат олиб, биргина ховлисини ҳам хотуни отиға ўткармаган эди. ... Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни дўст тутмайдур. Зероки, бой жанобларини таржимаи ҳолидан “Ойна”да кўб кўрунган эди, аммо қисқартиб ёзилди. Балки боқияси бўлур.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1914 йил, 16-сон, 270-273 бетлар.*

#### *Наманган темир йўли*

Наманган илан Хўқанд ўртасига янгидан барпо бўладургон оташ аробага ушбу август числосидан бошлаб релслар, яъни ўнинчи августда ўн тўрт саржинлик Султон баёз музидан ўтиб, Аччиқ деган кўлга етқурубдурлар. Онда қатта узун кўл бор учун ғишт ва семиндан стальба (симёғоч) қилинадур экан, бинобарин, уч-тўрт кун таъмир бўлиб, сентябрга дарё беркилса керак, деб ўйлашурлар. Бул биз Наманган халқига ниҳоятда фойдалиқ иш бўлиб, ҳамма халқ, алалхусус, савдогар ва саёҳат қиладургон кишига зарурдир, иншооллоҳ. Ноябрь ойларида Наманганга борса керак.

Чунончи, ўзим Тошкентга бормок бўлиб Тўрақўргондан ўз қоляскам бирлан Чустга келиб, андин бир кунда бир от илан Хўқандга соат бешда кирдим. Кўрдимки, бир муддат қоляска роҳат ҳам бўлса, оти эски ва йўллар янгики, ҳеч илож бўлмай, ниҳоятда қийинлик илан Тўрақўргондин Хўқандга келгунча икки кун йўл азобини тортиб, ўз кўзимиз илан кўриб мушоҳада қилдук. Аммо, Хўқанддан Тошкентга келгунча бир оз ҳузур ва томошадин ўзга ҳеч ва ҳою ҳавас бўлмай, кечкурун соат тўртда Хўқанддан аробага ўлтуриб, кечаси соат тўққизда Черняевскийда бўлиб, анда икки соат туруб жўнаб, эрта соат саккизда Тошкандга кирдук. Бовужуд шунча йироқ йўл, бамашаққат шаҳар азобидан қутулиб қолдилар, аммоки, бизлар бирга бормок бўлсак, албатта, сарт ароба ёки дилижон деган ароба ёки извошчик илан борилур. Ҳар жойда машаққатлидур. Бинобарин, бул тўғрида кўрган қийинлик ва онсонликларни ва ҳам оташ ароба хусусида айтган манзума тарихимни газитга ёзмаққа лозим кўрдим.

#### *Манзума тарих*

Наманган элига хўп ўлди, бир яхши омон келди,

Муроду халойиқ узра бир жони жаҳон келди.

Дема жони жаҳон, овқат учун бу халққа дон келди,

Дема дон, балки бунлар бемашаққат узра нон келди,

Ажаб бир фоизи узоқ инсони вагон келди.

*Исҳоқхон Ибрат.*

*Туркистон вилоятининг газети.*

*1911 йил, 13 октябрь, 77-сон, 3-бет.*

#### *Кўқон – Наманган темир йўлининг очилиши*

Ушбу еттинчи июльда Наманган оташ ароба йўли битиб, унинг очилганлигига шукрона байрами бўлибдир. Ўшал куни соат бирга Хўқанд истансиясига [станция] бобойлардин йиғилиб Наманганга борадургон поездни



кўп зийнатлар бериб, байроқлар осиб ва алифлар билан зийнат берилиб, ул жойда дуо ва фотиҳалар қилиб, ул йўлни(нг) биносига сабаб бўлган одамларни(нг) ҳам ҳақларига дуо қилиб бўлиб, мазкур ясатилганни олиб келдилар. Сар тортиб қўйилган лентани кесиб, онинг устига “Наманганга салом” деб ёзган ёзувни вокзалга рўбарў қилиб, ул поездга Наманганга шукрона байрамига борадургон одамлар тушиб, алоҳида чиройлик қилинган, устига яхши соатда деб ёзган дарвозадан поезд ўтиб, Наманганга қараб жўнабди. Ўшал аснода фотоафлар ва ҳам алоҳида чакирилган синематоафлар ўшал ерда ҳозир бўлиб, тасвирларини олиб турибдур. Ул поезд Чуст станциясига расмий юришда юриб бориб, ондин кейин Сирдарёга кўп харажатлар билан бино қилинган ёғоч кўприқдан ўтибдир. Ул йўлларда кўп жойларда, хусусан, икки чуқурлик жойга, бири саккиз саржин, бири ўн икки саржин жойга кўприк солиб, бул икки кўприк ул йўлни тезлик билан битмаслигига сабаб бўлибдур.

Мазкур поезд Чуст ва Тўрақўрғон истансаларига келганда кишлоқ фуқаролари тарафларидан мутасаддилар қарши чиқиб, нон-туз ушлаб, Чуст мутасаддилари Фарғона области жаноби военной губернаторини ноиблариндан, ҳукуматдорлариндан ...ҳам оташ аробани тезлик билан келмоғига матонат кўрсатмоқликни илтимос қилибдурлар ва ҳам ўз тарафларидан беақча ул оташ аробага кераклик ерларни бермоқликка ваъда қилибдурлар. Поезд Наманганга келгандан кейин, истансага ниҳоятда кўп сартиялар йиғилиб, атроф кишлоқлардан умрида оташ аробани кўрмаган одамлар келиб, ул оташ аробани бир неча маротаба кўриб, ҳайрон қолиб, поезд келиб етган вақтда оқ саллалик одамлар адади ниҳоятда кўп, 25 – 30 мингга етубдур. Наманганга етиб, дуо ва фотиҳа қила бошлаганда, ул кўп гуҷум бўлган (тўпланган) сартияларни (махаллий аҳоли)

политсиялар (полиция миршаблари) машаққатлар бирлан тарқатиб, чеккаларга чиқарибдурлар. Поезд тўхтаган жойда Наманган тарафидан кўп зийнатлик дарбоза қилиниб, ул дарбозани калом ва байроқлар билан зийнат қилиниб, “хуш келдинглар”, деган сўз ёзиб қўйилган экан.

Келган меҳмонларни Наманганлик мутасаддилар кўп яхши қарши олиб, ҳозирда битмаган вокзал яқинида беш адад одамга дастурхон тайёр қилиб, зиёфат қилиб, кўп ажойиб мушаклар ҳам тайёр қилинган экан. Икки нафар асқария музикантлари (ҳарбий оркестр) нағма чалиб турибдурлар. Ул нағмакорларни(нг) бари Хўқанддан поезд бирлан йўлларда машқ қилиб келибдур. Зиёфат таъом вақтида ўлтурган одамлар кўп куллуқлар айтиб, ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатори отлик асқарларини генерали Самсонов жанобларидан муборакбод қилиб юборган тилигромни ўқибдурлар. Ва ул темир йўлни биносига саъй ва тарадуд қилган одамларнинг саломатликларини ва Туркистон вилоятини ободончилигини тилабдурлар ва яна кўп адад муборакбод қилиб юборган тилигромлар ўқилибдур.

Шул тариха қилиб, Наманган шаҳри ул бир неча поездни қарши олмоқликка харажатни аямабдурлар ва соат тўртда эрта бирлан Намангондин ул поезд Хўқандга қараб борган меҳмонларни олиб жўнаб, соат еттида Хўқандга келибдур.

*Исҳоқхон Ибрат.*

*Туркистон вилоятининг газети.*

*1912 йил, 15 июль, 54-сон.*

#### *Ватанимиз Туркистонда темир йўллар*

Ушбу сана ўтган апрель ойидан бошлаб Андижоннинг кўп кишлоқларига темир йўллар ғоят тезлик билан ишланиб турмоқладур. Чунончи, биринчи Намангандан



келуб, Андижонга, Андижондан Ҳазрат Айюбга, Ҳазрат Айюбдан чўзилиб Олмаота тарафларга кетадир. Иккинчи, Андижондан бир шох чиқиб Хўқанд қишлоқ, Мосий Бозорқўрғон тарафларга, учинчи, Андижондан Ўш, Жалолобод, Ўзган билан Қитой (Хитой)нинг Қошғар худудигача борадур. Бул йўллар ҳаммаси “Ўрта Осиё темир йўли”га туташиб, ғоят мукамал бўладур. Бул темир йўлларнинг кўп экин жойларини босуб ўтмоғи, масжид ва хоналарни вайрон қилуб ўтмоғидек зарарлари бўлса ҳам, фойдаси яна кўпроқдур.

Йўл босмачилари ва бошқа ўсолларнинг хужумидан қутилмоқга фойдаси тегар, қишлоқлар яқинлашар, обод бўлуб маъмурлашар, арзон ерлар қиймат бўлур. Фақат газета-мажаллаларимиз ва темир йўл бўйидаги бахтли қариндошларимиз “Садои Фарғона”нинг 18-нўмирисидаги андижонлик Ибодуллоххўжа Сулаймоний жанобларининг “Туркистондаги ва билҳисса Фарғонадаги мусулмон қариндошларимизга хитоб” унвонли (номли) мақола-сининг мазмунига қараб амал қилмоқларингиз керакдир. Темир йўлларнинг бормоғи билан таноби 100 сўмлик ерлар албатта 1000 сўмгача чиқар. Фақат Ибодуллох афандининг айтганича “бебақо мингларга қизиқмаслик керак”. Ақча баттар қадрли кетар, аммо ул ерларни топиб бўлмас. Замонимиз шундоғ замондурки, тирикчилик билан рақобат қилмоқга, маишат зулмидан қутулмоқга кўлда ер бўлмоқ керакдур. Ер сотган, пулга қизиқгонларни маишат, тирикчилик тошқини ва тўлқини келуб уруб, парча-парча қилмокига шубҳа йўқдир. 100 сўмлик еримиз бора-бора обод бўлиб, 5-10 минг сўмга ҳам чиқар, буни яхши ўйламоқ керак. Ер ва тупроқ сотган бола-чақа ва наслини сотган билан баробардур. Бир ота ерини сотди, демоқ бола-чақа ва наслини то қиёмат оч ва яланғоч қолдурди, демоқдур. Ватан тупроғи шундоғ онадурки,

буни хор қилдук, ўзимизнинг ҳам хор бўлмоғимиз кўз олдидадур. Ер сотуб, хонавайрон бўлганлардан ибрат олайлик! Жаноб ҳақ икки кўз ва ақл берулдир. Кўзларимиз ила кўруб, аклимиз илан ўйлайлук! Ўзимиз дунёга яланғоч куюнча келуб, онамиз, ватанимиз, тупроғимиз бизни боқар, ризқ берар, катта қилар. Дунёда яшатар улонани сотганлар, албатта неъматнинг қадрини билмаган куфрони неъмат қилган бўларларки, кўп ёмон гуноҳга ботарлар.

Тупроқдан яратулдик, демак, тупроқ танимиздур, ўз танимизни ўзимиз сотсак, беақллик эмасму? Ажабо!!

Ватанимиз аввал обод эмас эди, мана темир йўллар келмоғи ва солинмоғи билан обод бўлар, қишлоқларга ҳам маданият кирар.

Эй қариндошлар! Шахарликлар бўлдик! Бўлдик! Аммо қишлоқлардан катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпонинг мўдасидан, шишасидан, бузук ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларга бул жихатдан тақлид қилмасдан, балки илм, фан, хунар саноатига ўхшашлик маданиятларидан намуна олуб, бул жихатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур...

Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм, фан, саноат, хунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олиш қилуб, жоҳилликдан асорат қуллигидан қутулдурадур. Биродарлар, кўзларингизни очуб, яхши ўйланглар!

Мана шул Фарғона темир йўлида бир суюнадурғон иш бордурки: 700 танобча ерга истанса вокзал ва искалад қилмоқ ишини Намангандан туруб асли тошкентлик мухтарам Мулло Абдуллох Афанди Ҳамидуллоюф(ев) олмишдур. Вокзални томошо қилмоқ учун борганимизда Мулло Абдуллох афандининг укаси Абдулазиз афанди ила кўришганимизда Абдулазиз афанди таъсуф қилуб де-



дики: шундоғ катта муассасаларнинг фойдасини оврунадилар кўриб, онларнинг кунлариға ўтаётганиға ичимиз очишуб, Наманган истонсасини бино қилмоқға ҳам олган эдик. Энди мана Андижон катта истонсасини ҳам олдик, дейдур.

Вагунлаб тасимнат<sup>186</sup> келуб турмоқдадур. Тасимнатдан хиштлар (ғишт) куюб туродурлар. Биринчи бошлаб истисноларга армани ва руслар келуб ўтирмоқдадур. Бечора мусулмонлар бўлса, ерларини ойлик қилиб бермоқдадурлар. Ҳозирдан ижарага берсалар, бора-бора оз пул билан сотуб ҳам қўёларлар. Вокзалга яқин ерларда, истанса атрофида энди ғайри миллат кўринмоқға бошлади, дейдур. Мана шундоғ гапларни Абдулазиз билан сўзлашуб ўлтирдик.

Қариндошлар, диққат лозим! Сўнг пушаймон бўлмоқдан фойдаси йўқлиги ҳаммамизга маълумдир. Ҳеч бўлмаса, Абдуллоҳ Афандидек намуна кўрсатғувчи фидокор савдогарларимиздан ибрат олиб, ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтагига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтагимизда олуб юрмагимиз керакдур. Бизга шундоғ ишларга киришмоқға вақт!...

Биз ҳам инсонмиз. Инсондек яшайлик!... Маишат тўлқуни билан урушайлик! Қариндошлар!... Вақт ғаниматдур.

*Чўлпон.*

*Садои Фаргона. 1914 йил, 6 июнь, 26-сон.*

### *Истиқбол қайғуси*

Маълумдирки, ҳар миллатнинг тараққийси илм ила бўлуб, илми бор миллатнинг истиқболи мунаввар ва ўзи осойишда ҳам ажнабийлар қошида маҳобатли ва ҳурматлик кўрунур. Соҳиби илм ва мутараққий миллатларнинг аломатлариндан баъзиси шулки, ибтидоний мактаблари

<sup>186</sup> Тасимнат – цемент.

мунтазам бўлуб, ўрта ва олий ҳар турли мадрасалари бўладур. Бу мадрасаларда ўқуб чиқгон болалари фаол одам бўлуб, ҳол ва даражаларига муносиб иш-хунар – тижорат ва руҳоний ўрунларга киришуб кетарлар. Шу йўл ила мутамаддун<sup>187</sup> миллатлар ўз ишларини ўзлари бошқаруб, ҳеч вайдан ўзгаларга мухтож бўлмай, роҳатда яшайдурлар. Ўз мадрасаларига диний, дунёвий илм ва фанларни лозиминча ўргануб чиқарлар. Онинг учун на динларини кўлдан берурлар ва на дунёвий ишларини.

Демакки, бир қавмнинг ҳаёт ва саодати илм иладур. Сувсиз балиқ тирик қолмагани каби илмсиз, иттифоқсиз миллатларнинг яшай олмаслиги табиийдур. Мен бу маҳалда илм ва фан каторинда сарват, яъни бойликни ёзмадим, ҳолбуки тирикчилик шартларидан бириси ақча ва мол эди. Чунки, мол ва мулк илмнинг ниҳоятсиз самараларидан бир жузъийдур. Илми бор одам озгина ҳаракат ва ғайрат қилса, албатта, бой бўлур. Юқорида илмлик миллатлар яшайдур, демиш эдим. Муниг аксинча, нодон миллатлар мутлақ яшамас, тадрижий йўқ бўлур. Алалхусус, бу замонда, илми замонийсиз миллатларнинг яшамайинча, тезлик ила мунқариз<sup>188</sup> бўлиши муқаррардур.

Бурунги замонда темир йўл, парохуд, телеграф, айруплон ва шунга ўхшаш маданият асбоблари йўқлигидан дунёдаги ҳукуматлар бир-бирдан узоқ туруб, як дигарининг<sup>189</sup> қувваи асқария<sup>190</sup> ва молиясини тамом билмас эди. Шунинг учун ҳукуматларнинг бир-бири устуга боруб, ҳужум қилиши ниҳоятда мушкул эди. Шул вайдан аввалги замондаги ҳукуматларнинг аҳволи аҳёнан табаддулот ва тағйиротга учрар эди. Аммо бу замон бўлса, бутун бошқадур.

<sup>187</sup> Мутамаддун – тараққий топган.

<sup>188</sup> Мунқариз – инқироз.

<sup>189</sup> Як дигарининг – бир-бирининг.

<sup>190</sup> Қувваи асқария – ҳарбий қувват.



Илм ва фанинг тараққийси ва ёрдами ила ер юзиндаги мухталиф<sup>191</sup> миллатларнинг ҳар навъ аҳволи мутамаддун оврупалиларнинг кўзи олдидадур. Бу дунё ҳаёт муборизаси майдони бўлгонидан, бир кучли нимарса кучсизини эзар, ютар. Бу қонуни табиат ҳар бир жонсиз ва жонлик нарсалар ҳақида умумий ва жорий бўлиб келмақдадур. Масалан, ғарбдаги Амриқо ҳукумати шарқдаги Япуниёни бил фарз кучсиз топса денгиз ичидан келуб, бир ой зарифида тамом Япуниёни истило ва тасхир<sup>192</sup> этмоқчи мумкинди. Анинг учундирки, замонамиздаги ҳукуматлар бошига тез-тез янги ҳодисалар воқеъ бўлуб, ушбу замон силоҳи ила қуролланмаган ҳукуматлар ўз мамлакат ва истиклолларидин маҳрум бўлмоқдадурлар.

Мисол учун ҳозирги замонамизда кам илм ва бепарволигидан жаннат каби шаҳарларидан айрилуб, юз мингларча аскарлар ва бегуноҳ хотун, бола-чақаларининг талафиға сабаб бўлган Туркия ҳукумати ила нодонлик ва ўз ичидаги фитна ва иғтишош сабабли бир-икки ҳамсоясининг тузоғига илиниб, мухтажорлик ҳолатига келган Форс ҳукуматини кўрсатурмизки, булар ҳар бир кўзи очик жаридохонларга маълумдир...

Эмди келайлук мақсудимизга, бизларнинг замониға мувофиқ, яъни замонча эҳтиёжимизга ярайтургон мактаб, мадраса, дорилсаноъа<sup>193</sup>... ила замоний илм ва фанларни билатургон уламо, ағниё, тужжорларимиз ва хунармандларимиз йўқ. Токи, бизлар ҳам ўзгалар қошида (муборизаи ҳаёт) майдонида эзилмай, илмимиз ила динимизни, молимиз ила ҳаётимизни муҳофаза қилиб яшасак. Шундай қилмаганимиз ҳолда, бора-бора охир ҳолимиз табоҳ<sup>194</sup> – болаларимизнинг иши оҳ ва вой бўлуб,

<sup>191</sup> Мухталиф – турли.

<sup>192</sup> Тасхир – масҳара.

<sup>193</sup> Дорилсаноъа – корхона, саноатхона.

<sup>194</sup> Табоҳ – ёмон.

ҳам дин ва ҳам дунёимизни қўлдин беруб мунқариз бўлурмиз. Ушбу вақтдан бошлаб истикбол ғамини еб, таъмини истикболимиз йўлида ҳаракат қилмоқ ҳар биримизнинг вазифаи лозималаримиздур.

*Ойна. 1913 йил, 2-сон.*

#### *Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб*

Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиғи каби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз, гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас. Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда кусурлик кўрсатмақчи зотлар мавжуддирлар. Ва лекин дунёға нима учун келгонини билмай, илм ва маорифға асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўчабақўча кездириб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиенат оталар ҳам орамизда оз эмасдур.

Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабға бермай, орқаларидин эргаштириб, руслар эшигида ўзлари каби хизматчиликка ўргатиб, дунё ва охиратнинг саодати ўлгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибодат қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутиб мактабға олиб борур. Муаллимдан толиб қилурға: “Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники, устихони бизники, бир илож қилиб, тезлик ила нақд ва насиё ёзмоқни ўргатиб берурсиз”, дер.

“Эшагига яраша тушови” деган ўзбек мақолича, муаллимлар ҳам аксарлари қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидан бечора



маъсумаларни истейдоди зотиясига наззора [назоран]<sup>195</sup> икки йил зарифида жамиъ лавозумоти динияни билдирмоқ мумкин ўлгон ҳолда тўрт-беш йилгача ҳижжа<sup>196</sup> усули бирла ... Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедил каби мушкул манзума<sup>197</sup> китобларга умри азизини барбод этарлар.

Эй ватандошлар! Диққат назари ила боқинг! Бир болани мактабга бермакдан мақсуди вожибот диниямиз ўлгон илми қироат, масоили эътиқодия<sup>198</sup>, фарз, вожиб, суннат мустаҳаб<sup>199</sup>, харом, макруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларни ҳам заруроти дунёвиямиз ўлгон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан, “Тарихи Ислом” каби фойдалиқ илмларни билдурмоқ ўлгон ҳолда жоҳил домлаларнинг “таълими фалоний, қоши қаро, қаро кўзи, қаро юзи, оҳ, сўзи ширин”, деб болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладургон манзума китоблар ўлмиш. Бу хусусда отада айб йўқ, чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмоқ ёлғиз нақд ва насиё ёздурмоқдин иборатдур.

Муаллимда ҳам айб йўқ, чунки бу зикр қилингон улуми зарурияларни<sup>200</sup> бечора муаллимнинг ўзи билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларга ўқитгудек булардан бошқа бир китоб топилмагон замонларда ўзи ўқиб, билган китоблари шу китоблар ўлдиги чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмакдадурлар.

Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуғ зотларни таҳқир қилди, деб гумон

<sup>195</sup> Наззора [назоран] – жиҳатидан.

<sup>196</sup> Ҳижжа – ҳижжалаб ўқитиш (харфма-харф).

<sup>197</sup> Манзума – назм.

<sup>198</sup> Масоили эътиқодия – эътиқод масалалари.

<sup>199</sup> Мустаҳаб – яхши саналган амал.

<sup>200</sup> Улуми зарурия – зарурий илмлар.

қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларни зотан бефойда демак эмас, балки ёш болаларға бу китобларнинг таълими бефойда, демақдир.

Мисолан бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий ўрнига масоили эътиқодия, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалиға илми ҳисоб ўқитилса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб, мусулмон ўлур. Билъакс, бу китобларнинг ўзи ўқитулгон ҳолда, бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасод ахлоққа мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдир. Чунки, бу китобларни тасниф қилгон зотлар Оллоҳ таолийға қурбат пайдо қилгон кишилар ўлгонлари учун айтган сўзларининг зоҳири шариатга муҳолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдир. Чунончи мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур бизда тоат тангри-чун, зоҳид,  
Киши кўрсанг сен, ўз динингда таклифи намоз айла.

Ёки

Хўблар меҳроби абрўсина майл этмаз фақиҳ,  
Ўлса қофирдур, мусулмонлар, анго қилманг намоз.

Мавлоно Ҳофиз дерки:

Май нўшки, умри жовидоний ин аст,

Кайфияти рўзгори фоний ин аст.

Ҳангоми гулу, лолау ёрон сармаст,

Хушбош, дамеки, зиндагоний ин аст.

Бу каби сўзларнинг зоҳирий муҳолифи китоб, суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бир бошқадир. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдурки, буни ҳақиқатда билмаслар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар.

Ночор зоҳири ила амал қилиб, фасод ахлоқға мубтало бўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жуҳало<sup>201</sup> дермишки, бу тартиб ҳазрат Имоми Аъзамнинг тартиблари, буни

<sup>201</sup> Жуҳало – жоҳил, нодон.



бузаман деган кишининг ўзи бузулур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурми? Бу жаҳли мураккаб эмасму?

Чунки, бу жохиллар ҳазрат Имоми Аъзамнинг умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмағонини билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобнинг замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа Ҳофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларга таълим бердилар. Ул жаноб каби зотнинг ҳақларига бу каби бўлгон ифтиро<sup>202</sup>, тухмат қилгон жохилни иншооллоҳ ўзи билур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқимагунча болаларнинг саводи чикмас. Бу ҳам эътиқоди фосид<sup>203</sup> ва даъвои бедалилдур. Чунки, бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч кимнинг саводи ўлмас эди. Ваҳолонки, бошқа вилоятларда хат билмайдургон киши юздан ўн бўлса, Туркистон вилоятида юздан тўқсондир. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чикмақ бу китобларни ўқумоққа муваккуф эмас, балки бу китоблар гоят қийинликидин болаларни бесавод қолмоғига ҳам сабаб ўлур. Чунки, бу китоблар ўқилдургон мактабларда эллик боладин ўн бола тўрт-беш йилда базўр ушбу китобларнинг ўзинигина хатини тануб чикур.

Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо, бу китоблар ўқилмайдургон жадид мактабларида икки йил ичида эллик болани(нг) қирқ тўққизи, балки ҳаммаси алашавия неча хил илмлардан имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Хайр, дурустроқ ҳам билмасун? Лекин, билмағони бирла бу боланинг на дунёсига ва на охиратиға ҳеч бир зарари йўқ. Чунки, бу китобларнинг

<sup>202</sup> Ифтиро – тўқилган гаплар.

<sup>203</sup> Фосид – бузук.

ўзини дунё ва охиратга ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарининг эҳтимоли болада зикр қилинди.

Хайр, келайлик садади<sup>204</sup> каломғаки, ўглини мактабга бермақдин мақсади нақд ва насиа ёздурмоқ ўлгон жохил отанинг ўглиға қилгон муаллим бечоранинг тарбияти, чеккан машаққатини ва маъсум бечораға мактабда берган кулфатини ёзиб битирмақ мумкин эмасдир. Кўргуси ва билгуси келган киши бизнинг Тошканд мактабларининг бирига кириб, икки соат истиқомат қилсун. Шунча демак мумкиндирки, муаллим афанди кўлида зўр бир таёқ, қайси боланинг боши ҳаракатдин қолса, ушбу таёқ шу боланинг бошида ўлур. Аммо, ўқуғон-ўқумағони ила ҳеч кимнинг иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтурса кифоя қилур. Хаттоки, ўтган йилларда бу тарика золим муаллимларнинг таёки остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди.

Бу тарика золим ва бадхулқ, жохил муаллимларнинг тарбиясида ўсган болалардин нима умид қилмоқ керак? Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жохил оталарни умид этдуклари нақд ва насиа ёзмоқ ҳам танҳо ўндан бир, йигирмадан бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари эса “мактабда ўқумоқ, игна ила чоҳ қазимокдан ҳам қийин (мушкул) экан”, дея қочар-кетар.

Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиги, мактабнинг бенизомлиги ўлур. Агар бизларнинг мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомға қўйилиб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик кишилардин муаллимлар тайин қилинса эди, маъсум авлодларнинг руҳини ҳаётиға, дунё ва охиратининг саодатиға биринчи сабаб ўладургон илм ва маорифдин бу даражада маҳрум ўлмакиға сабаб бўлмас эдук.

Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз гафлат уйқусидин очиб, атрофимизға назар солмакимиз лозим-

<sup>204</sup> Садади – тўғри сўз.



дир. Ҳар миллат ўз саодат ҳол ва истиқболини муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмакиға қаноат ҳосил қилиб, илм ва маорифға ортиқ даражада қўшиш қилган бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб ҳамма оламга масхара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир. Балки, бу жаҳолат зулматида саодати ухравиядин ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидир. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдиғимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслонкаби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарға сарф этмақладурлар.

*Мунаввар қори Абдурашидхонов.*

*Тараққий. 1906 йил, 14 июнь.*

#### *Ўқувчиларға ёрдам керак*

Ҳозирги замон аҳволиға ошно кишиларға ва бошиға иш тушганларға, барча тожир ва мансабдорларға албатта маълумдурки, бизга мувофиқи замона одамлар керак. Яъни мусулмон дўхтур, мусулмон муҳандис [инженер, плончи], мусулмон закўнчи, тижоратхоналарда мусулмон оғент [агент], ишбошилар, подшоҳлик маҳкамаларида мусулмон судьялари, нотариус (муковилот муҳаррирлари), банкларда мусулмон саркорлари ... керақдур. Агарда биздан мазкур тариқада одамлар етишса, тижорат ва маишат ишларида аларни бизға нафъи тегиб, яна бизни ҳукуматға яқинроқ этарлар ва ҳозирги замонанинг илм, ҳунар ва маданиятини бизларни орамизга нашр этарлар. Хулоса тараққий ва рифоҳимизға боис бўлурлар. Биз хоҳласакки, ўзимизни бошқаларнинг маданий ва иқтисодий ютулишидан сақланилса, юқоридаги айтилган

кишиларни ҳозирлаб, яъни олими замоний тайёрламоғимиз керақдур. Дигар тарафдан, замонадан хабардор олими диний етиштурмоқ учун-да саъй ва ғайрат этиш-да лозимдур. Мактаб ва мадрасаларнинг усули таълимини ислоҳ қилмоқ кераклиги кўзи очик кишиларға маълумдур. Аммо, ислохотни ким ижро этар? Русча ўқимоқ лозим. Ким ўқитар? Замона илми диний ва замоний керак. Они ўзи бўлурми? Мана бу сувопларға жавоб лозим, ҳеч нимарса керак йўқ. Ота-бободан қолган нимарсадан бошқа ҳар шайи бидъат ва залолат деганларни ўз холиға қўймоқ керак. Чунки алар ўйламасдан ва баъзилари муҳокама ва мулоҳазасиз сўйлайдур. Шариатға ҳар бир нафлик илми ўқумоқ қарз ва лозимдур. Чунончи, ҳазрати пайғамбаримиз с.а.в. дейдиларки, “Илм иккидур. Бири илми бадан, иккинчи илми дин”. Албатта, бадан соғ бўлмаса, дин иши муаътал (бекор) қолур. Яна дейдиларки, “Ҳукамолар ила аралаш бўлингиз!” Бас, бу ҳадислардан маълум бўлурки, биз мусулмонларға илми тиб ва илми ҳикмат ўқумоқ керак. Илми ҳирфат<sup>205</sup> ва синоат ҳам фарздур. Касб фарздур. Ҳар бир фарзнинг илмини билмоқ яна фарздур. Ва бул фарзларға ҳеч ким мункир бўлолмайдур. Илми дунё доим саъй ва таҷриба ила тараққий этар. Масалан, беш юз сана муқадамки, илми тиб ва ҳикмат ила ҳозирги орасида ниҳоят катта фарқ бор. Асбобу даволар тараққий этган ва аммо илми тибни мавзуики касални даволамоқдур, тағйир топгани<sup>206</sup> йўқ. Аввалги мусулмонлар тибни юноний китобларидан ўқуб амалга киргузар эканлар. Энди русча ва фарангчадан ўқуб амалга на боис бордур. Бир қарра ўқуб билдими? Ўзиники бўлди, кетти. Зотан, илм муштаракдур. Билганниқидур. “Илм Хитойда бўлса-да, талаб қилинг”ни маъносида илми

<sup>205</sup> Ҳирфат – касб илми.

<sup>206</sup> Тағйир топмоқ – ўзгармоқ.



замонавийдур. Ва илло, илми диннинг асли Қуръон ва Ҳадис экан – Хитой мажусиларига на иш бор эди. Албатта, ҳазрати пайғамбаримизни муродлари илми замоний эди. Олайлик “бидъат”ни замони ҳазрати пайғамбаримизга, йўқ ҳар бир нимарса бидъатдур, янгидур. Бидъатни уламо икки қисмга ойиргандурлар. Халқга нафъ келтурадургон нимарсани яхши бидъат (бидъати ҳасана) дерлар. Масалан, мадраса, мактаб, минора, доруложизин ва шифохоналар бино қилмоқ, китоблар ёзмоқ битъати ҳасанадур. Замони ҳазрати пайғамбарда мадраса, минора, бу кунги китоблар, вақф, маъхазлар<sup>207</sup> йўқ эди. Дигари ямон бидъат (бидъати саййиъа) ки, динга зарар келур. Баъзи уламо дерларки, гуноҳи бидъат шудур-ки, замони пайғамбардаги диний ақида ва амалга бир нимарса ортдурулса: хулоса бидъатни меъёри шулки, замони ҳазратга бўлмай, сўнгра пайдо бўлган нимарсалар агарда миллатга нафъ еткурса ва асли динга муҳолиф бўлмаса, дуруст ва илло гуноҳдур. Бас энди карамай-ки, замона илму асбобларидан қайсики бизга нафъ келтурадур, албатта анга майл этармиз ва агарда асли динга муҳолиф бўлмаса, масалан, илми тиб динга зарар этмайдур, албатта ўқурмиз. Илми ҳикмат, илми тижорат, инженерлик. Илми зироат, маъданият, илми синоат ва бошқалар, ҳоказо... Бу нафълик илмларни ўқумоғи бидъат деган кишини сўзи: “Мадинаи Мунаварага оташ аробага ўлтуруб бормоқ бидъат” деган каbidур. Ҳолбуки, юқоридаги илмларни минг сана мукаддамки, мусулмонлар юноний ва финикалилардан олиб таржима ва таклим этиб, беш-олти юз сана ишлаб тараққий этдурдилар ва мусулмонларни таназзули ила дунявий илмлар фарангларга ўтиб, бу кунги даражага етди. Мавжуд ишлар ҳеч кимга махсус эмас ва балки саъй эткувчи-

<sup>207</sup> Маъхаз – пул оладиган ёки даромад тушадиган жой, ёрдам пули, нарсалар.

ларни моли муштаракидур<sup>208</sup>. Чунончи, билатургон кишилар учун бу дунёга кўп аломатлар бор, мазмунинда бир ояти шариф Қуръонда бордур. Бас энди ўйламасдан нафълик илму ишни бидъат деб қочмоқга ва бечора халойикни тараққий ва илм йўлидан қайтармоқга на маъно бордур? Матлабимиз<sup>209</sup> замоний илмларни ўқуйдургонларга ёрдам этмоқ эди. Лекин на чораки, ҳар бир ишни мукаддимасиз сўйлаёлмаймиз. Чунки ҳар шайдан аввал олдимизга бидъат деган сўз келар турар. Матлабни хулоса қилайлук. Юқоридаги илмларни ўқумоқ ақча ила бўлур. Ақчалик оталар ҳеч қизгонмасдан болаларини ҳукумат мактабларига бериб ўқитмоқлари лозим. Жамъияти хайриялар барпо этиб, ақча жамлаб фақир болаларинида жамъият ақчаси ила ўқитмоқ керак. Замоний одамлар етуштурмоқ учун Ўрунбург, Қозон, Крим, Кавказ ва Истанбул мактабларига, мадрасаларни ислоҳи учун Макка, Мадина ва Мисрға талаба юбормоқ керақдур. Ва ҳар бир шогирд учун ҳар сана 300 сўмдан 400 сўмгача ақча лозим. Бу шогирдларнинг муддати таҳсили 4 йилдан 12 йилгача бўлур. Бу кунда ҳаракат қилинса тўрт-беш йилда сўнгра натижаси маълум бўлур. “Ўқувчиларга ёрдам жамъияти”ни очмоқ ёшларнинг ҳиммат ва ҳамиятига мавкуфдир. Ҳукумат ҳам бу ишга яхши кўз ила қорайдур. Ёшлардан ҳиммат ва ғайрат, бойлардан шафқат ва марҳамат керак.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1914 йил, 31-сон, 601-604-бетлар.*

*Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги  
ёхуд тараққийнинг йўли*

Мактаб ва мадраса бир миллатнинг, ҳатто бани одамнинг даражайи тараққий ва таолоси деб бўладур.

<sup>208</sup> Моли муштарак – шерикчилик ёки оммавий моллар.

<sup>209</sup> Матлаб – талаб.



Фақат тараққий ва таоло, мактаб ва мадрасаларнинг кўплигига бўлмайинча, балки низом ва тартиблик бўлуб, яхши идора этилмоғи ила бўладур. Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактабдан бошларлар. Ҳақиқатан, тараққий ва таоло учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса, умум ишлар ислоҳ ва тартибга кирди, деб бўладур. Чунки, камрок бўлса ҳам ислоҳ қилинган мактабдан чиққан болалар ислоҳпарвар бўладурлар. Биз туркистонийларга лозимдурки, болаларимизнинг кўз очиб кўра турган 8-10 йиллар умр сарф қилатурган “доруттарбия”лари бўлган мактабларнинг ҳолига назари диққат ила қарасак, хоҳ Бухоро, Самарқанд, Тошканд, хуллас, умум Туркистон шаҳарларинда бўлган мусулмон қариндошларимиз инсоф ила фикр қилсалар, мактабларимизни кўп паришон ва беинтизом ҳолатда кўрарлар. Таҳзиб<sup>210</sup> ва тасфийи ахлоқ<sup>211</sup> деган нарса мактабларимизда ҳеч йўқ. Муддати таҳсил кўп узок бўлганлиги учун кўп кишилар болаларини 8-10 йил мактабга кўёлмайдурлар. Чунки кудрати истеъдодлари етмайдир. Ҳам мактабларимизга интизом йўқдур. Шунинг учун мактабга юрган болаларимиздан 10 ё 8 нафардан 2 ё 3 нафари аҳли савод бўлуб чиқадурлар.

Мактабларда зарур китоблардан таълим бермаганлари ва ўқуган китобнинг маъносини болаларга билдурмаганлари учун болалар ўқимоқ ва ёзмоқдан бошқа мактабдан ҳеч бир маълумот ололмайдилар. Мактаб ва мадраса бир миллат ва бир қавмнинг эмас, бутун куррайи арзда яшайтурган инсонларнинг даражайи ва таолоси бўлуб, мактаб ва мадрасалари бўлмаган, ёхуд бўлуб-да низом ва тартибга кўюлмаган миллатнинг ҳоли паришон, мозийси барбод ва истиқболи қоронғу ва умидсиз бўладур. Бугун

<sup>210</sup> Таҳзиб – тарбия.

<sup>211</sup> Тасфийи ахлоқ – хулқи софлаштириш.

Бухорода юзларча мадраса ва қарийб 350 қадар ибтидоий мактаблар бордур. Булардан ҳеч бириси тартиб ва интизомлик эмас...

Илмнинг фазилати нима эканини ақлу зеҳн ила билмоқ мумкин бўлгандек, Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифга ҳам баён қилинуб, таҳсилу таълим ҳаққинда ташвику тарғиблар кўпдур. Илму фан ҳадди зотинда саноат жумласидан бўлганлиги учун бошқа санъатлар каби маданият ва умронга тобеъдур. Маданият илгари кетган ҳолда илм ҳам тараққий этиб илгари кетадур. Нафси илм санъат жумласидан бўлган каби таълим ва тарбия равишлари ҳам санъат жумласидандур. Бано (Биноан) алайх<sup>212</sup> замон ва маданият тараққий этиб эҳтиёж ва изтирор<sup>213</sup> каби шайлар кўп воқеъ бўлганча ва тарбиянинг равиш ва суръатлари ҳам тағйир<sup>214</sup> ва табдил<sup>215</sup> топадур. Бул тариқа тағйир этуб ўзгарганига ақлу фаросат аҳллари ҳам иттифок этгандурлар. Бизларга ўхшаш оламга масҳара бўлуб, ўз ораларида бул (усули жаид) ва ул (усули қадим) деб, низолашуб турганлар. Асри саодатда илмлар ҳамиша қалбларда сахлануб, умумий таълим ва дарслар жомеъларда бўлиноб эди. Сўнгралари маслаҳат иқтисосига қараб илмни, нашр (тарқатмоқ) учун маҳсус жойлар ҳозирлаб, онларга (мактаб ва мадраса) деган номлар кўюбдурлар. Шундан маълум бўладурки, асри саодатда мактаб, мадрасалар йўқ экан, сўнгра зуҳуд топубдур. Ҳозирда мактабларни идора жиҳатидан мактаби умумия ва мактаби хусусия деб, иккига ойирдилар. Таълим ва тадрис назаридан ҳам ибтидоий<sup>216</sup>, рўшдий<sup>217</sup>, эъдодий<sup>218</sup> ва олий номларига

<sup>212</sup> (Биноан) алайх – шунга биноан.

<sup>213</sup> Изтирор – зарур.

<sup>214</sup> Тағйир – ўзгармоқ.

<sup>215</sup> Табдил – алмашмоқ, ўзгартириш.

<sup>216</sup> Ибтидоий – бошланғич таълим.



тақсим қилинуб юритиладур. Ибтидоий мактаблар эса инсонларнинг энг илгариги ва маориф хонаси бўлуб, онда: заруриёти диния, одоб, ахлоқ, ўқув, ёзув, кироат ва хуруфот дарслари таълим этилуб тахсил қилинур. Ибтидоий мактаблар болаларни қандай бир йўл ва маслакга кирмоқ хоҳласа, ул йўл ва маслакка ёритурган суратда бир кувват пайдо қилинуб чиқарга ҳозир этуб берадур. Шунинг учун ибтидоий мактаблар кўп олдин тугиладур. Илму маърифатсиз ҳеч бир миллат муборизайи ҳаёт майдонида туролмас. Хоҳ ул миллат миллати ҳокима ва хоҳ миллати маҳкума бўлсун, илму маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва хунар соҳиби бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбур бўладур. Чунончи, зироат, саноат, тижорат каби лавозимоти инсониятнинг вужудга келмоғи мактаб, мадрасаларнинг тартиблик дарсларнинг замон ва маконга мувофиқ бўлганлигидандур.

Миллати маҳкум сифати ила яшойтургон миллатлар агарда ўзларнинг дин ва миллиятларни ғойиб этмай ёшмоқчи бўлса, аларга давлат ва бойлик ҳосил этмоқ лозим бўладур. Бой бўлган миллат дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, ҳатто миллатига ва шахсиятига ҳеч ким тега олмайди. Масалан, ерсиз, сувсиз қолган яҳудийларнинг ҳолига қараб ибрат олсак ҳам бўладур. Аларни ҳар бир мамлакат халқи ўзларининг ерида турганларига рози бўлуб изн ва жавоб бермайлар. Лекин, алар ҳамонда турарлар. Аларга қарасак қандай улуг ва катта шаҳарларнинг энг яхши ва энг тузук жойлариға турарлар. Нимага яхши жойлариға турарлар? Чунки яҳуд миллати бадавлат ва хунарманддур. Хунарлик ва бой бўлмоқ учун нима лозимдур? Албатта, илму

<sup>217</sup> Рўшдий – ўрта таълим.

<sup>218</sup> Эълодий – маҳсуе таълим.

маърифат лозимдур. Илму маърифат учун мактаб, мадрасаларнинг ислоҳ қилинуб, низом ва тартибқа киргузилмоғи лозимдур. Хунар ва маърифатлик бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлиб, дарвешлар қиёфасига кируб, гадойлик қилуб юрмайлар. Кўрармизки, ерлари оз, халқ ва аҳолиси кўп бўлган Англия ва Германия мамлакатлари илму санъатлар орқасида ер юзининг бойлигини ўзларига қоратуб олибдурлар. Аммо ерлари кўп, халқи оз. Нима эксак, шул ҳосил бўлурлик. Эрон, Бухоро мамлакатлари фақир бўлуб, ўзгаларнинг турли мол ва матолариға муҳтож бўлуб турадурлар. Бухоро ва Туркистон мусулмонлари учун зироатдан сўнгра энг аҳамиятли нарса савдо ва тижоратдур. Мусулмон деҳқон ва чўпонларининг меҳнати соясида умум Туркистондан ҳар йил икки юз миллион сўмға қарийб нарса ҳосил бўладурки, шунинг юздан тўқсони яҳудий тужжорининг қўлдан ўтадур. Фақат биз мусулмонлар ҳар ишда кейин борганимиздек савдо ва тижоратда яҳудийларнинг асири бўлдук.

Биз ерли мусулмонларга ҳаммоллик ва маъмуриятдан бошқа ортиқ бир мавқеъи муҳим қолмади. Катта бино ва мағозинларни соҳиби ва хўжаси яҳудийдир. Меҳнат қилувчилар биз мусулмонлардурмиз. Бутун савдо ва тижоратни қўлиға олган ҳомийси яҳудий миллатидур. Яҳудийларға ўпка қилмаймиз ва адоватимиз йўқдур. Алар ўз гайрат ва маҳоратлари ила ушбу пояга чиқдилар. Ҳар қанча нуқсон ва айб эса яна ўзимизгадур. Савдо ва тижоратда яҳудийлар тутган йўлни тутмадук. Яҳудийлар билган ишни биз билмадик. Бизлар эса айшу ишрат ила умр ўткардук. Имдод<sup>219</sup> ва муъованат<sup>220</sup> қилувчиларға қўл узатмадик. Биз ташаббус қилсак, ҳар ишда бизга руслар

<sup>219</sup> Имдод – ёрдам.

<sup>220</sup> Муъованат – қўмақ, ҳамкорлик.



ёрдам қилурлар. Зотан, руслар ҳам бизнинг бу ҳолимизга таассуф қиладурлар. Биз савдо ва тижоратда ҳам қуруқ сўз ва таёқ ила ўрун тутмаймиз. Яна илмга, мактабга муҳтож бўлурмиз. Бизни тараққий ва таоло қилдирғувчи ибтидоий мактабдур. Бизга йўл кўрсатмоқ ва бизни тараққий қилдурмоқ, уламо ва руҳонийларнинг вазифаси эди. Лекин булар ўз вазифаларини ийфо этмай, бизларни жаҳолатда қолдуруб, хароб қилдилар. Худойи таоло жазоларини берсун, омин!

Энг катта олим, муфти аъёнимиздан: “Ислоннинг бу ҳолатга тушганига сабаб нима?” деб сўра эсак, “Алҳамду-лиллоҳ, ислонга ҳеч нима бўлгани йўқ”, мазмунида жавоб оладурмиз.

Афандилар! Такрор айтарманки, катталардан умид кесмоқ керак. Бизни ва қора гуруҳ авомни тараққий қилдирувчи, жаҳл ва асоратдан қутқарувчи мактабдур. Биз туркистонийларнинг ғоят муҳим масаламиз мактаб масаласидур. Мактабларимиз муайян бир йўлга кирса, яъни ислоҳ ва танзим топилса, мунинг орқасидан бошқа миллий, диний ишларимиз ислоҳ йўлига кируб, миллатимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этмоқи ва юзларимизга нажот ва рифоҳият эшигининг ўзидан ўзи очилуб кетмоғи мумкиндур. Яқин фурсатда “Ойна” хон қариндошларимизга: оз замонда кўп тараққий этган миллатларнинг йўлларида бирисини ёзиб тақдим этарман. “Иншоллоҳ таоло!”...

*Ниёзий Ражабзода.*

*Ойна. 1914 йил, 38-сон.*

#### *Маҳаллий мактаблар масаласига доир*

“Туркистон вилоятининг газети”нинг бир неча сонларида кўрилганига назарам Давлат Думаси (матнда – *Государственная Дума*)да Россия маҳкумидаги мусулмон-

ларнинг ибтидоий мактабларининг таҳсили ва иш тартиби хусусида гуфтигу борлиги ва ул хусусида бир нечалар тарафидин тартибномалар ва программалар ёзилгани маълум бўладур. Ул хусусинда Туркистон газети неча мартада ёзиб, мусулмон фузалоларидин фахмларин истихсор<sup>221</sup> ва ул хусусинда мактаблар ислоҳи учун лозим бўлган маслаҳат бўлса, ёзиб баён қилмоқларидин тамени қилингон эди. Улар тўғрисида ҳеч бир тарафдин бирор жавоб ва бирор исхори ислоҳ ёзилмай, магар биргина зот тарафидин бул хусусда бир мақола ёзилса ҳам, унинг мазмуни ул мактаблар таҳсили ва таҳсил программасига тегишли бўлмай, тарихи таълимни тузатмоқ ўрнига, биргина мақсади мактаби ибтидоийлардаги муаллимлар маош вазифаларин кўпайтирмоқ такмил<sup>222</sup> қилмоқдин ибрат ўлди. Аммо бу ваҳм дуруст ва лекин, агар муаллим яхши олим ва фозил бўлса, унинг учун вазифанинг ҳаммадин илгари мулоҳазаси лозим эмас, чунки яхши муаллим вазифа ахтармас, балки вазифаси яхши муаллимни ахтариб, аммо ҳар қайси замон мардумни ўз маслағига тобе қилмоғида ҳар қайси зот мажбур тоъбидур. Чунки аксар ишлар борки, ҳеч ким ани қилмоқга талаб қилмаса ҳам, халойиқ қилмоқга таъби иқтисозинга мажбурмиз. Зероки, бу диёрда Россия келмасдин илгари халойиқ аҳволи қандай ва қай даражада, қай тариқада эканлигин андак мулоҳаза қилган зот албатта яхши билса керак. Чунки илгариги аҳволот билан эндиги ҳаёт ўтасинда тафовут булдурки, албатта ҳар кимга маълумдур. Таъбий мажбурлик булки, Россия келмасдин илгари сафолчироғбонга<sup>223</sup> зигир мойи солиб, андак пахтани филлик қилиб чироғ ёқиб, унинг ёруғида

<sup>221</sup> Истихсор – мухтасар, қисқа.

<sup>222</sup> Такмил – мукаммал, тўлиқ, тақомияллаштириш.

<sup>223</sup> Сафолчироғбон – мойчироғ.



тирикчил ила хурсанд бўлиб, умур ўткарган зотлар эндиликда ўнинчи ламфанинг (лпмпа) ёруғи хурсанд қилмай, йигирманчи ва қирқинчи ламфа истайдурлар. Буни ҳақиқий мулоҳаза қилганда маълум бўладурки, ҳар қайси замонда ҳар хил тирикчилик бўлуб, ҳар қайси табиат замонасиға мувофиқ тирикчиликни мувофиқ орзу ва ҳавасни лозим тутадур. Россия келмасидан илгари бу тарафда йўқ нарсалар, масалан, резина қалиш, картошка ва бошқа нарсаларким, Русия бу тарафларга келгандан сўнг пайдо бўлган ҳолда, масалан резина қалошни Русия қалиши деб ва картошкани Россия сабзиси деб ўйлардик. Ижтиноб қилган одамларни ҳам кўрилган эди. Ўшал одамлар кейинроқ вақтда замон парваришга мувофиқ феъл-хуй ва одат қилиб, резина қалошдан бошқа кавуш киймагани, тарбияти бадан бобида нораводек кўриб, ҳеч бир таомлари картошкадин ҳам ҳоли бўлмади. Шунга ўхшаш, замон хоҳишига мувофиқ, миллий мактабларимизда илгариги расмда, яъни қадимда бир бола қорахат танимоғи учун қадимий мактабда ўн йил тупроққа қорилиб ўтирмоғи одамларга маъқул бўлмай, сулуки жаҳид<sup>224</sup> мактабларинда ижод қилиб, ўн йил биладурган илмларини икки-уч йилда билдириб, таҳсили илм ва камолот бир навси<sup>225</sup> осонлиги пайдо бўлганлиги учун, Туркистон вилоятининг ҳар қайси шаҳарларида сулуки жаҳид мактаблар очилиб, ҳар қайсисига ушбу замон аҳлининг чин кўнгилдин хайрихоҳликлари ошқора ўлуб, фарзандларин топширмоқлари ила шогирдлар тўдмоқладур. Ваҳоланки, бу хусусда бир навъ қадимий ва кўҳна олимларимиз ва ғайри баъзи муътасидлар Туркистон вилоятинда аввал мартаба сулуки жаҳид тартибини исталган ва ул хусусда мактаблар мактодилари учун

<sup>224</sup> Сулуки жаҳид – жаҳид йўли.

<sup>225</sup> Навс – навъ.

“Устози аввал номи алифбо” китобча таъриф қилган ва унинг ижроси учун бош ҳокимлардин ижоза(т) олган ва мундоқ яхши ишга биринчи даражада сабаб бўлган тошкентлик Саид Расул хўжа ҳақиға ҳейли нолайик сўзларни газет воситаси ила ва ғайри расмий суҳбатлар воситаси ила интиқод эткурмоқда эдилар. Энди бу замонда шу қадар сулук қадимга тарафдорлик қилган зотлар тамом орзулари ва хайрихоҳликлари билан фарзандларин усули жаҳид мактабларига элтиб, менинг ўғлимни ҳам ҳимояи тарбиятингизга олинг, деб қўлларин кўксиларига қўйиб, илтимос қилмоқдалар. У “Устоди аввал алифбо” ким, ул ҳар ким андин қочмоқ ва унинг хусусида нолайик сўзлар айтди. Кейинги замонларда мардум анга кам бадтадриж<sup>226</sup> одат қилиб, унинг нима эканлигин фаҳмлаб, хоҳанда ва муштариийлар кўпайиб, бул усули жаҳид хусусида унинг муфидлиги ва яхши таълиф қилинганлиги халойикқа машҳур бўлиб, унинг билан бош шогирдларни ўқитилганда, ул китоб расмий сортия тилимизда бўлгани сабабли гўдақлар тез тушуниб ва манфаати тез зоҳир бўлган мажидин<sup>227</sup> муштариийлар кўпайиб, кўп сарф бўлгани важҳидин ушбу иккинчи ҳамалда ул китоб ўнинчи мартаба чопдин чиқа бошлабдурки, аксари муштариийлар қўлларида кўринганича назара ул китобнинг ўнинчи таъби аввалги нашрига қараганда ҳийла равнақлик ва мазин бўлуб, аввалги чоп қилинганларига қараганда иборатларин насоҳат ва балоғати зиёда яхши ва марғуб ўлуб, холо ҳам ул китоб ўз муаллифи мазкур Саид Расул хўжа чоп қилмоғи ила унинг қўлида сотилмоқда экан.

Бу жумла бўлган мазмун ҳаммаси замон хоҳиши билан мардум киришган ва ўз табиатлари манобур қилган

<sup>226</sup> Бадтадриж – тартибсиз.

<sup>227</sup> Мажидин – хурматидан.



ишдурки, андак янги асарлардан ғайр аз фойда, зарар кўрган киши бўлмайду ва бўлмайди. Аммо бизнинг бу тарафда бир хусусда бизларнинг бепарволигимиз борга ўхшайду. Ул шул бўлсамуки, бизлар ўз она тилимизни фасохат<sup>228</sup> ва балоғатининг мухофаза қилмоқдин ожиз бўлмоққа яхшилашибмиз, чунки бизларнинг ҳар қайси мактабларимиз татарлар шеъвасида ва ислоҳларида тасниф қилинган китоб ва рисоалар билан тўлмоқдадур. Гарчандки, аҳли исломлик важхидин тафриқаси<sup>229</sup> лозим эмасдур. Лекин бизларга ўз тилимизни тарк қилмоқ ҳам лозим эмас. Зероки, бизларнинг миллий тилимиз араб тили бўлгонлиги бизлар мусулмонликни араб қабиласидин пайғамбаримиз Соллоллоху алайҳи вассалам араб бўлганлари сабабли сўз қилиб, аввалдин охиригача мусулмонлигимиз равнак ва зиёли араб тили билан бўлмоқда. Бизларга ҳам доим унинг таҳсили лозим бўлиб, ҳамма улуғ ва кичик мадрасаларда унинг таҳсилига машғулмиз. Ва адабиёт китоб ва рисоаларимиз форсий истилоҳида бўлгани сабабли ул ҳам бизларга кифоя қилгудек машғулимиздир. Энди бу замонда нима сабаб бўлдики, бизларга татарларнинг улуғиндан бўлдуғиндан бурчимиз тариқида дағал ислоҳларин ўрганмоққа амал қилиб, ўз истилоҳ ва фасохатимизни<sup>230</sup> тарк қилмоққа мажбур бўлдик. Бизларни бу истилоҳимизда ушбу ҳолда ҳам арабий ва форсий ва сартий бўлган сабабдин ўз тилимиз истеъмолида учун бир забон эди.

Энди татарлар бузуқ тилларин ҳам кўшиб ўз тилимизни тўртган бир даражага келтириб, ўз тилимизни бутун истеъмолдан чиқарамиз. Биз халқнинг ўз тилимизнинг мухофазаси лозим эканлигига зеҳнларимиз кириш-

<sup>228</sup> Фасохат – гўзаллик, сўзомоллик.

<sup>229</sup> Тафрика – фирка, ажраланиш.

<sup>230</sup> Истилоҳ ва фасохатимиз – тилга доир гўзал ишлатиш, гапириш.

ган вақтда ғайри миллат бўлса ҳам, 1890-1899 йиллар Тошкентдаги аёни мамлакатлар ионатлари билан очилмоқ бўлган қори Абдулманноф мактабида муаллим татар бўлмай, сартия бўлса ҳам, андаги ибтидои мактаб китоблари татар тилида бўлгани сабабли ул мактаби Туркистон генерал-губернатори тарофларидан ёпилган эди. Шул ваъж биланким, ҳар қайси халқ ўз тилида ўқисин, ўз тилини мухофаза қилсин деб ёпилган.

*Туркистон вилоятининг газети.*

*1911 йил, 10 март, 17-сон.*

### *Муҳтарам ёшларга мурожаат*

Ҳар бир мамлакатда ислохот ва маданият асбобиға тавассул<sup>231</sup> ва ташаббус этмоқлик ҳаракати у мамлакатнинг ёшлари тарафидан зухур эта бошлагани каби, бизнинг Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя ила интибоҳ<sup>232</sup> ва ислохот жарчиси бўлган миллий матбуот ғайратлу ёшларнинг ҳаракоти маорифпарвар оналари соясида вужудга келди. Шунинг учун ҳар бир миллий ҳавойижимиздан бўлган мушкул ишларда ёлғиз ёшларимизни маржаъ ва умидгоҳ тутиб, алардан ёрдам сўраймиз (моллари ёки сўзлари ила миллат фойдасиға ёрдамлари текган баъзи уламоу агниёмиз ҳам ёшлар қаторидадурлар).

Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндулки, макотиб-тараккийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараккий йўлиға кируб, маданиятдан фойдаланмас. Маданияти хозирадан маҳрум қолуб, саноеъ<sup>233</sup> ва маориф

<sup>231</sup> Тавассул – боғланиш.

<sup>232</sup> Интибоҳ – зътибор.

<sup>233</sup> Саноеъ – саноят.



салоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. “Муборизаи ҳаёт”<sup>234</sup> майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлуб кетар.

Биноан алайҳ, ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясиға ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизом ва акмолиға аҳамият беруб, болаларини миллий ва диний руҳда мукамал суратда етушдурарлар. Анинг учундурки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётға молик бўлуб, ҳар ишда диёнат ва миллиятни муқаддам тутарлар. Ва лузуми келганда бу йўлда молу жонларини фидо этмоқға ҳозир турарлар. Мана, ҳозирги урушлар ва иқтисодий тортишлар диёнат ва миллият ҳиссиёти натижасидур.

Энди, бизни Туркистонда мундай ҳиссиётлар қайда? Модомики, биз туркистонийлар илму маорифдан ҳақкинча истифода этмаймиз. Фазойили инсониядан саналган шайлар қандай ҳосил бўлур? Чин инсоният нимадан иборат эканлигини қайдан билурмиз?

Бизларда бир фазилат бор бўлса, ул ҳам фақат таассуботи жоҳилонадан иборатдур. Демак, бизлар ҳозирги нимкола<sup>235</sup> диёнатимизни ёлғуз таассуб соясида сақлаб турубмиз. Лекин ушбу тамаддун асрида илмсиз қурук таассуб ила ҳам яшаб бўлмас. Чунки замонамиз шундай зўрки, озгина фурсатда қурук таассуботимизни асосидан қўпаруб ташлайдур. Шунинг учун замонанинг муҳлик асбобиға қарши муқовамат<sup>236</sup> этадургон бир нарса бор бўлса, улда маорифдур.

<sup>234</sup> Муборизаи ҳаёт – ҳаёт билан жанг.

<sup>235</sup> Нимкола – чала, ярим.

<sup>236</sup> Муҳлик асбобиға қарши муқовамат – ҳалокат сабабларига қарши куч тўплаш.

Таҳсили маорифни ибтидоий қисми мунтазам мактаблар бўлган учун энди биз Туркистон мусулмонларига ибтидоий мактабларни кўпайтурмоқ лозимдур. Табиий, мактаб муаллимсиз кўпаймас. Ҳозирда эса Туркистонда муаллим оз бўлуб, муаллимларга эҳтиёжимиз шадиддур. Чунки бу кунларда янги мактаб ҳаваскорони кундан-кун зиёдалашмоқдадурки, муаллимлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар йил Туркистонда юзларча мактаб очмоқ мумкиндур.

Энди ушбу мушкул ҳолларни назари эътиборға олуб, Туркистон ёшлари муаллиф етушдурмоқнинг чорасини топмоқлари лозимдур. Агар букунги ёшларимиз ушбу муҳим вазифа ва хизматни ифо этмакға қасд эта бошласалар, муаллиф етушдурмоқни чораси ҳам топилса керак. Чунончи, Туркистонда муаллим чикормак учун дорилмуаллимин бўлмаса ҳам, ҳар шаҳарда усули таълимдан хабардор бир-икки нафар муаллим албатта бордур. Ана, муаллимликка толиб кишиларни аларнинг хузуриға юборуб, 3-4 ой зарфида<sup>237</sup> усули таълимдан хабардор қилдурмоқ мумкиндур. Агар бояфарз, ушбу хизматни муаллимларимиз интизом<sup>238</sup> қилмасалар, ул ҳолда муаллимликка ҳаваскор ёшларни бироз заҳматлик бўлса ҳам тўғридан-тўғри Тошкандда Мунавварқори жанобларининг мактабиға юбормоқ керакдурки, мушорун алайҳнинг<sup>239</sup> мундай толибларни маъа ал-мамнуният<sup>240</sup> қабул этмоқларига аминдурмиз. Ишта, муҳтарам қариндошлар, миллатимизнинг тилаги ва энг зўр эҳтиёжи ушбу шайлар эдики, назари олийларингиза арзу тақдим этдук. Энди гайрат сизлардан, тавфик Оллодандур.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1914 йил, 41-сон, 970-972-бетлар.*

<sup>237</sup> Зарф – миқдор, муддат, идиш, ўлчов бирлиги.

<sup>238</sup> Интизом – жиддий қабул қилиш.

<sup>239</sup> Мушорун алайҳ – назарда тутилган.

<sup>240</sup> Маъа ал-мамнуният – мамнуният билан.



### *Жамиятлар қандай очилур*

Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси мактабдир. Ер юзиндаги маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасина шул дарвозадангина кирмишлар, яъни маориф ва маданият йўлига сафар проғрами ясалганда, биринчи моддасини шул “Мактаб очмак” масаласини кўймишлар. Ишларини шул “мактаб”дангина бошлайлар.

Мактаб очуб, билфеъл иш бошлагонларидин сўнгра ҳар тарафдин турли-турли нуксонлар ва эҳтиёжлар кўрила бошламишдир. Мактабни очуб кўя қолгон ила иш битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъованатлар, ғайрат ва ҳимматлар лозим эконлиги онглашилмишдир. Бунинг учун энг яхши чора ўларок “Жамият”ни тузмишлар. Яъни, расмий бир қонун доирасинда халқдан иона йигиб, очилмиш ва очиладурғон мактаб ва дорулудумларнинг нуксон ва эҳтиёжларин енгиллик ила ислоҳ қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар.

Бора-бора бу “Жамият” шул қадар тараққий қилмиш ва раҳмат касб этмишки, маданий миллатларнинг бутун тараққиёти диния ва эҳтиёжиёти миллиялари учун энг ишончли суянчик ва муттақои эттиҳоз<sup>241</sup> ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экон, ҳозир кўп ерларда мактабни иккинчиликка қолдируб, биринчи босқичлик номи муқаддасини жамият ўзига олмишдир.

Маориф ва маданият йўлига янги қадам кўя бошлагон Туркистон мусулмонлари ҳам, табиий, шул босқичларни босмакка ва шул дарвозалардан кирмакка мажбурдурлар. Биноаналайх, ҳозирда бизим Туркистон тараққийпарварни кўброқ шул мактаб ва жамият атрофида айланмакдалар.

<sup>241</sup> Муттақои эттиҳоз – таянч.

Лекин бу мактаб жамиятларни очмак учун қандай тадбирлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинуур? Қандай устав ва програмлар ила очмак фойдали бўлуур?

Мана бу хусусларда идорадан йўл ва машваратлар<sup>242</sup> сўраб мактуб ёзуурлар. Бундай мактублар ниҳоятда кўб бўлгонлиги учун ҳар бирини айрим-айрим жавоб ёзууб ўлтирмак идора учун ҳейли мушкуллик бўладур.

Тараққийи миллат ва маориф учун бундан фойдали ишларга ташаббус қила бошлагон зотларга ташаккур этмак ила баробар сўраган саволларининг жавобини хусусий мактуб ила бера олмагонимиз учун афуларини рижо қилурмиз. Ва жамият очмак хусусидаги саволларина жавобан ушбу мақолани тақдим қиламиз: ҳозирда Тошканд, Ўренбург, Қозон, Боку, Боғчасарой каби мусулмони кўб бўлгон шаҳарларнинг ҳар бирида мусулмон жамиятлари бор.

Бир ерда жамият очмоқчи бўлгон кишиларга аввало шул шаҳарлардаги жариди идораларина ёхуд машхурроқ кишиларга мактуб ёзууб, жамият қонунномасини, яъни уставини сўрамак лозим. Мактуб олгон зотлар ҳам бундай фойдали илтимосни аҳамиятсиз қолдурмасдан, уставни топуб юборадурлар. Мана бу уставлардан бир нечасини кўлга киритгандан сўнгра беш-олти киши бир ерда ўтуруб, шул уставларни ўқуб чиқурлар. Машварат қилишуб, шунлардан бирини айнан ёхуд бир оз ислоҳ ила қабул қилурлар. Ёхуд бунлардан интиҳоб қилуб, янги бир устав ясарлар. Жамиятга муносиб бир исм топуб кўюурлар.

Устав сайламоқ ёхуд интиҳоб қилмак қайси моддаларини нима учун киритилганлигини аҳли мажлисга яхшилаб тушундирмак учун мажлисда замондан ва илми

<sup>242</sup> Машварат – маслаҳат.



хукукдан, ҳеч бўлмағонда, жамият ишларидан хабардор-рок бир кишининг вужуди (иштироки) лозимдир.

Устав ясолуб, тамом бўлгондан сўнгра: “Ушбу аризамиз баробаринда топширилмиш қонун доирасинда бир жамият очмакка рухсат берсонгиз экон”, мазмунида бир ариза ёздируб, лоақал беш кишидан устав ҳам аризани имзолатиб, военний губернатўрға топширилуру. Ушбу ариза ва уставға қўл қўйган кишилар жамиятнинг муассислари деб аталурулар. Хукуматнинг рухсат бермоғи осонроқ бўлсун учун уставнинг кўб кенгайиб кетмаслиги ҳамда муассисларнинг хукумат қошида эътиборлироқ кишилардан бўлмоқлари яхшироқдур. Бундай кишилар топилмоғон такдирда, суд ҳукми ила айбланмоғон ва хукумат қошида сиёсий жихатдан шубҳали саналмағон ҳар бир кишининг муассисликка киришмоғи мумкиндир.

Ариза берилгондан сўнгра муассисларни тафтиш ва исправка килуб кўрмак учун аризалари палиса идорасина топширилуру. Бу вақтда, эҳтимолки, баъзи билмағон кишилар тарафидан кўркитувлар ҳам воқеъ ўлуру. Жамиятга ижозат сўрамак муҳолифи низом бир иш ўлмай, халқ учун ҳам, хукумат учун ҳам фойдали бир иш бўлгонлиги учун бунда кўрқиш ва кўркутишларға сабаб бўладургон ҳеч бир нарса йўқдур. Биноаналайҳ ҳеч бир кўркмасдан, чарчамасдан, бу ишнинг орқасидан юрмак лозим.

Агарда бирор сабаб ила биринчи мартабада тасдик қилмасдан рад қилинса, они тузотиб, иккинчи мартаба рад қилинса, учинчи мартаба мурожаат қилмакка аввалдан жазм ва қарор беруру қўймак керак. Агарда масъул муассислар орасинда, бу ишнинг орқасиндан юруруға лойиқ кишилар бўлмаса, ёнларина бир адвокат ёллаб, шунинг воситаси ила юрутулса, яна енгилроқ бўлуру. Жамиятга рухсат берилгондан сўнгра, аввало, масъуллар

йиғилишиб, ўз оралариндан бир садрнишин<sup>243</sup>, бир саркотиб ва бир хазиначи сайларлар. Қолгонлари идора аъзоси ҳисоб ўлинурулар. Бу кундан эътиборан жамиятнинг ҳақиқий хизмати бошлануру.

Пул топмак, аъзо кўпайтирмак ва қонун доирасида жамият воситасила манфаати умумияға хизмат қилмак каби улуғ ҳиммат, ғайрат ва фидокорликларға навбат келуру. Фақат иш бу даражаға етганда, муассис ёнина бир неча ўзлари каби фидокор миллат ходимлари тўплангон бўлиб, мақсудларина охиста-охиста етуша бошлайлар. Ишда миллий бир жамиятни вужудға чиқармак учун керак ўлан йўл, тартиб ва тадбирлар шундан иборатдур.

Кўшеш бадасту по ё ин аз асар навмид нест,

Ин зори дом охир мекашад нахжирро.

*Садои Туркистон. 1914 йил, 14 июнь.*

#### *Мусулмон мактаблари устидан назоратнинг муҳимлиги ҳақида*

Кейинги вақтларда газеталардин кўринадурким, Русия мамлакатининг ичкари шаҳарларида нўғайлар ораларида хукумат кўп нафар муаллимларни титкилаб, аксарларини хибс қила бошлабдурлар. Ҳаттоки, якин фурсатда Бурчи номлик қишлоқда бир мактабхонани ёпиб, муаллимни хибс қилибдурлар. Албатта, хукумат бирон гумон қилса, ҳар қайси одамини титиб кўрадур. Ундан ёмон иш зоҳир бўлса, ул одамайлик бўлса керак. Тинтилган одам хибс қилинса, албатта бесабаб бўлмаса керак. Бул тарика ишларға сабаб мусулмон мактабларини рус инспекторларининг ҳимояларида бўлмаганлигининг бўлса керак. Чунки мусулмон мактабларининг муаллимларининг аксари Низом қодаларидин беҳабар одамлардин бўлиб, баъзи вақтда хукуматга беҳилоф тўғри одам бўлсалар ҳам,

<sup>243</sup> Садрнишин – раис.



низоми билмаганликларидин баъзи ҳукумат низомига хилоф китобларни ушлаб бошларига бало ёғдурадурлар.

Агарда мактабхона одамлари инспекторларни химоятда бўлиб, инспекторлар хабардор бўлиб турган бўлса, албатта мазкур тариқадаги низоми билмайдурган муаллимларни хилофи низоми ишларидин огоҳ ва хабардор қилиб туродур эдилар. Билмаганларини билдириб туриб ва ҳам ул муаллимни ҳатто қилган ишига ҳукумат ёки бошқа жазо бермак бўлганда ул муаллимни инспекторлар дуруст одам эканлигига гувоҳлик бериб уни тарафдори бўлиб, қутқариб олмақликни тараддудида бўлур эрди ва мусулмон мактабларига рус инспекторлари қараб турсалар, ул мактаблар уларга паноҳ бўлиб, уларни бошига тушган қаттиқ ташвишларини дафъи бўлса керак. Аммо, ўз ихтиёрига очилиб турган мусулмон мактабларидин гумондор бўлиб ўқийдурган китоблардин хавф қилиб титиб кўрса жоиздур. Аммо муаллимни ҳибс қилмоқликга катта сабаб бўлса керакки, ўзбекда бир мақол борки, шамол бўлмаса дарахтни(нг) барги қимирламас, деган.

Ажнабий халқларни мактабхоналарини инспекторлар назоратига топширмақ биргина Русия мамлакатига турк илмия вазири назоралари мактабхоналаридин хабардор бўлиб турмоқликка тартибнома чиқарибдур. Ул тартибномага мувофиқ, ҳукумат инспектори мазкур мактабхоналарга қараб-туруб хабардор бўлганлигини вазирга маълум қилиб, агарда вазир мактабни бирор бетартиблигинин нохуш бўлса, тартиб жорий қилмоқлик потриарх воситаси билан бажо келтириб, талаб қилиб, агарда таҳсили улум қилмоқликка Турк мамлақати билан баробар насора мактаби бўлса ҳам насоро<sup>244</sup> болалари турк мадрасаларига таҳсили улум қилмоқликка кирса, турк тилида имтиҳон берса керак. Шунга ўхшаш неча хил тартиблар жорий

<sup>244</sup> Насоро – христиан динига мансуб.

экан ва шунга ўхшаш бошқа мамлакатларда ҳукумат ўзини ажнабий фуқароларини мактабхоналаридин беназорат турмайдур. Бизнинг Турон вилоятини мусулмон мактабхоналарига ҳукумат визорат<sup>245</sup> таъин қилишса, албатта ул ўз ғами эмас, балки ҳар хил ташвишлардин ташқари бўлса керак.

*Мунаввар қори Абдурашидхонов.  
Туркистон вилоятининг газети.  
1911 йил, 28 апрель, 30-сон.*

#### *Бухородаги янгилик*

Бухоро ҳукумати янада янгидин мактабхоналарга инспектур мансаби жорий қилибдур. Бухорода 140 адад мактаб бўлуб, ул мактабларни баъзиларида уч ёки тўрт нафар шогирд болалар бўлуб ва ҳар қайси маҳалла масжидида бир ададдин мактаб бўлгон сабабдин бир неча мактабни жамъ қилмоқликка муқаррар қилибдурлар. Ва ҳам мактаблар вақф ақчасидин бино бўлуб туруб, баъзи вақф ақчалари кифоя қилмагон сабабдин жаноби олий амири Бухоро ҳазратлари олтмиш тилло даромад бўлмойдургон вақфликни мактабхоналарга харажат бермақлик фармойиш қилибдурлар ва яна Бухоро сарбозларини ораларидаги қари ва баъзи ёшларига жавоб берибдурлар.

*Туркистон вилоятининг газети.  
1911 йил, 10 апрель, 26-сон.*

#### *Туркистон вилоятидаги мударрисларнинг дастурамали*

Туркистон вилоятидаги мадрасаларнинг катта мударрисларига ҳукумат томонидан берилган дастурамал:

1. Ҳар бир мадрасанинг мударриси 2 тадан кўп бўлса, шу мадрасани катта мударрис бошқариб туради.

<sup>245</sup> Визорат – вазирлик.



2. Мадрасанинг мударриси бир бўлса, унга мадрасани бошқариш ҳукуки берилади.
3. Ҳар бир мадрасанинг кичик мударрис, мутавалли ва муллолари ўз мадрасасининг катта мударрисига итоат этишлари, низом ва фармойишларни адо этишлари керак.
4. Ҳар бир мадрасанинг мударриси мадрасанинг устида турган катта инспекторга ва бошқа Россия мансабдорларининг низомига мувофиқ қилган фармойишларига келтирган.
5. Мадрасада пайдо бўлган ҳар қандай воқеа ва хабарларни катта мударрис инспекторга етказиб туриши керак.
6. Мадрасада истикомат қилиб турган одамлардан бири халок бўлса, ёнғин ва кўнгилсизлик, бахтсизлик бўлса, катта мударрис бунинг хабарини инспекторга ва участковой пристуфга, уезд ҳукуматига дарров етказиши керак.
7. Ҳар бир мадрасанинг катта мударриси ҳар йили декабр мударрис, мутавалли ва муллолар рўйхати ва даражаси, неча йилдан бери яшайди бу даражада мана шулар ҳақида рўйхатни инспекторга кўрсатиш керак.
8. Катта мударриснинг ўз мадрасасининг вақф мулкларидан ва унинг маҳсулотларидан хабари бўлмаса, шу ҳақда мадрасанинг мутаваллисидан сўраши жоиздир.
9. Ҳар йили февраль (хут) бошида катта мадрасанинг вақфида қанча маҳсулот бўлди ва шу маҳсулотлардан мударрис ва мутавалли ва муллолар бошқа аҳоли мадраса ўртасида қанча пул тақсим қилинган ва яна мадраса вақфининг камайгани ва кўпайганидан инспекторни воқиф қилиши лозим.
10. Мадраса тоза, озода бўлишини катта мударрис идора қилиб туради.
11. Ва яна мутавалли мадрасанинг шикаст ва рўйхатини зарурат бор вақт қилгонини катта мударрис эҳтиёт қилиб турса керак.

12. Мадрасанинг вақф саройи ва дўкони ва жоме ва бошқа жойларига етган.

*Туркистон вилоятининг газети.  
1899 йил, 16 апрель, 15-сон.*

#### *Чалақозоқ мадрасасида имтиҳон*

Ушбу куни Тошкент шахрининг Себзор даҳаси Муҳаммад Каримбой Ҳожи мадрасасида катта мударрис Баҳодиржон маҳдумнинг шогирдлари орасида имтиҳон бўлди. Имтиҳонда Бешёғоч, Шайхонтохур ва Себзор даҳаларининг народний судялари, бир неча мударрислар ва муфтийлар ва газета муҳаррири Мулло Алим Маҳдум, член управления Мулло Бокижонбой ва Саидкаримбой Саидазимбой ўғли, Мирза Абдуллох Муҳаммадбой ўғли ва Вали Ҳожи Мулло Абдумалик ўғли ва бошқа хурматлик бой афандилар ва оталар катнашдилар. Талабалар ўз ҳамдарслари билан жамоа-жамоа бўлиб, аввал жамоа баҳс ҳарфи деган дарсни ўқийди, сўнгра маъносини форсчадан туркийчага таржима қилиб ва яна шу жамоадан шарҳ мулло, шамсия ва ҳошия то мулло жалол ва талхис салом дарсларига ўз шериклари билан ўқиб, арабий ибораларни форсий ва туркий тилга таржима қилдилар. Шу тариқа имтиҳон олингандан сўнг Мулло Манноп қори Куръон ўқийди. Сўнгра йиғилганларга дастурхон қилиниб, ширинликлар (қанд, нишолда, мураббо ва бошқа ширинликлар), ош тортилади. Бундай имтиҳон аввал Тошкентдаги Саид Бароқхон мадрасасида бўлган. Шундан сўнг ушбу мадрасада 2 маротаба (имтиҳон) бўлди. Бошқа мадрасаларда ҳам шу тарзда имтиҳонлар бўлса, илмнинг ривожини яхши бўлар эди.

*Туркистон вилоятининг газети.  
1903 йил, 28 апрель, 6-сон.*



2. Мадрасанинг мударриси бир бўлса, унга мадрасани бошқариш ҳукуки берилади.
3. Ҳар бир мадрасанинг кичик мударрис, мутавалли ва муллолари ўз мадрасасининг катта мударрисига итоат этишлари, низом ва фармойишларни адо этишлари керак.
4. Ҳар бир мадрасанинг мударриси мадрасанинг устида турган катта инспекторга ва бошқа Россия мансабдорларининг низомига мувофиқ қилган фармойишларига келтирган.
5. Мадрасада пайдо бўлган ҳар қандай воқеа ва хабарларни катта мударрис инспекторга етказиб туриши керак.
6. Мадрасада истикомат қилиб турган одамлардан бири халок бўлса, ёнғин ва кўнгилсизлик, бахтсизлик бўлса, катта мударрис бунинг хабарини инспекторга ва участкавой пристуфга, уезд ҳукуматига дарров етказиши керак.
7. Ҳар бир мадрасанинг катта мударриси ҳар йили декабр мударрис, мутавалли ва муллолар рўйхати ва даражаси, неча йилдан бери яшайди бу даражада мана шулар ҳақида рўйхатни инспекторга кўрсатиш керак.
8. Катта мударриснинг ўз мадрасасининг вақф мулкларидан ва унинг маҳсулотларидан хабари бўлмаса, шу ҳақда мадрасанинг мутаваллисидан сўраши жоиздир.
9. Ҳар йили февраль (хут) бошида катта мадрасанинг вақфида қанча маҳсулот бўлди ва шу маҳсулотлардан мударрис ва мутавалли ва муллолар бошқа аҳоли мадраса ўртасида қанча пул тақсим қилинган ва яна мадраса вақфининг камайгани ва кўпайганидан инспекторни воқиф қилиши лозим.
10. Мадраса тоза, озода бўлишини катта мударрис идора қилиб туради.
11. Ва яна мутавалли мадрасанинг шикаст ва рўйхатини зарурат бор вақт қилгонини катта мударрис эҳтиёт қилиб турса керак.

12. Мадрасанинг вақф саройи ва дўкони ва жоме ва бошқа жойларига етган.

*Туркистон вилоятининг газети.  
1899 йил, 16 апрель, 15-сон.*

#### *Чалақозоқ мадрасасида имтиҳон*

Ушбу куни Тошкент шахрининг Себзор даҳаси Муҳаммад Каримбой Ҳожи мадрасасида катта мударрис Баҳодиржон маҳдумнинг шогирдлари орасида имтиҳон бўлди. Имтиҳонда Бешёғоч, Шайхонтохур ва Себзор даҳаларининг народний судялари, бир неча мударрислар ва муфтийлар ва газета муҳаррири Мулло Алим Маҳдум, член управления Мулло Бокижонбой ва Саидкаримбой Саидазимбой ўғли, Мирза Абдуллох Муҳаммадбой ўғли ва Вали Ҳожи Мулло Абдумалик ўғли ва бошқа ҳурматлик бой афандилар ва оталар қатнашдилар. Талабалар ўз ҳамдарслари билан жамоа-жамоа бўлиб, аввал жамоа баҳс ҳарфи деган дарсни ўқийди, сўнгра маъносини форсчадан туркийчага таржима қилиб ва яна шу жамоадан шарҳ мулло, шамсия ва хошия то мулло жалол ва талхис салом дарсларигача ўз шериклари билан ўқиб, арабий ибораларни форсий ва туркий тилга таржима қилдилар. Шу тарика имтиҳон олингандан сўнг Мулло Манноп қори Куръон ўқийди. Сўнгра йиғилганларга дастурхон қилиниб, ширинликлар (канд, нишолда, мураббо ва бошқа ширинликлар), ош тортилади. Бундай имтиҳон аввал Тошкентдаги Саид Барокхон мадрасасида бўлган. Шундан сўнг ушбу мадрасада 2 маротаба (имтиҳон) бўлди. Бошқа мадрасаларда ҳам шу тарзда имтиҳонлар бўлса, илмнинг ривожини яхши бўлар эди.

*Туркистон вилоятининг газети.  
1903 йил, 28 апрель, 6-сон.*



### *Бухородаги ислохотларга доир*

Вақт газетасига Бухоро шахридин ёзибдурларки, яқин фурсатда ...Бухоро шахрида мадрасаси бор ажнабий мударрисларга мошиёна (маош) берибдурлар. Ушбу вақтгача мазкур мударрислар шогирдлардин йигиб олгон ақчага истиқомат қилиб турур эконлар. Жаноби оли(й) аларга яқинда мошиёна таъин қилибдур. Бул биринчи мошиёна ни қози калон бош бўлуб туриб, кўшбеги ўз қўллари бирлан бериб, кўп узун нутқ сўзлаб, муъаллимларга шогирдларга яхши таълим бериб, ўз мамлакатларига ихлослик бўлмақ хусусида насиҳатлар қилиб, кўп яхши сўзлар айтиб, минбаъд ҳам жаноби оли(й)дин аларни аҳволларига яхши тараххум<sup>246</sup> қилмақлиги(ни) илтимос қилмақ бўлубдурлар.

*Туркистон вилоятининг газети.  
1911 йил, 29 май, 39-сон.*

### *Сабаби тартиб*

Болаларга ўқув, ёзув билдирмақ учун усули савтиянинг осонлиги неча йиллик тажрибалар ила маълум ўлдиғиндан жумла ислом вилоятларининг макотиб ва мадрасалари бу усул ила тазйин ва ислох этдиклари каби 1319-1320 (милодий 1902-1903) йилларда бизнинг Туркистон вилоятининг ҳам кўп муаллимлари бу усулни ўз орзу ва ихтиёрлари ила қабул этиб, мактабларда бу усул ила таълим бермакка бошламишлар эди.

Локин, таассуфки, ғайратлик муаллимларимизнинг ҳаракатлари узоққа бормади. Тездан бу усулни тарк этиб, эски усулларини фойдалиқ топиб, анга ружуъ этдилар. Бунга сабаб на ўлди? Жумла макотиби исломияга ярагон усули савтия Туркистон мактабларина ярамадими? Хайр, афандиларим, албатта, яраб эди. Балки бу усулнинг

<sup>246</sup> Тараххум - раҳм, шафқат.

воситаси ила ҳанузгача Туркистон мусулмонлари ҳейли тараққий топар эдилар.

Муаллимларнинг бу ружуъларина<sup>247</sup> сабаб аввало усули савтиянинг надан иборат эконин билмаганлари, сониян Туркистон шеваи туркияси ила тартиб этилмиш усули жадида китобчаларина молик ўлмагонлари ўлди. Модомики, бу сабаблар мавжуд экан, муаллим-афандиларимиз ружуъларида ҳақли эдилар. Чунки ул вақтларда Туркистон мусулмонларининг гумонларича, усули савтия ёлғиз Иброҳим Ҳаққийнинг “Ақоид” манзумаси ила “Ўқу Куръон яхшилаб” мисрасини кўп зикр этган тоторча бир тажвид<sup>248</sup> манзумадан иборат ўлуб, ҳамма мактабларда, ҳатто кўчаларда турлук савтлар ила ул икки рисола ни ўқита бошламишлар эди.

Ул рисоалар ўз тилларида ўлмадиғиндан маъносини болалар тугул, муаллимларнинг ўзлари ҳам дуруст билмас эдилар. Ҳол бўйла ўлса, усули савтиядан на фойда ўлсун, албатта, оз муддатда халқни ҳам, муаллимларни ҳам усули савтиядан кўнгиллари қолиб, усули қадимияга қайтмақлари табиий, ҳам қайтдилар. Энди эса, алҳамдулиллоҳ, ул замонлар ўтиб, Туркистон мусулмонларини ул вақтларда дамани кўрсатган усули савтия бу вақтларда бошқа аъзоларини ҳам кўрсатмакка бошлади. Истанбулдан, Мисрдан, Қозондан ва ҳар тарафдан муктадир муаллимлар келиб, охиста-охиста ҳар ердан мактаб очмакка, Туркистон муаллимларина усули савтия надан иборат эконин имтиҳонлар воситаси ила билдурмакка бошладилар.

Туркистон муаллимлари ҳам усули савтия болаларига ҳарфларнинг овозлари ила танитмоқ, ўқулгон сўзларни

<sup>247</sup> Ружуъ – қайтиш, қаршилик

<sup>248</sup> Тажвид – Куръонни ўқитиш усулига бағишланган назм усулида ёзилган китоб, рисола.



ёздириб, маъносини билдирмак, Бедил, Хўжа Ҳофизлар каби форсий ва мушкул китобларнинг бадалига эътиқод, имло, ҳуснихат, илми ҳол, ҳисоб, тарихи ислом, жўғрофия, хандаса, ҳайъат ва соирлар каби диний ва дунёвий илмларни ҳар кимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўқитиб билдирмакдан иборат эконин билиб, ҳар бирларининг кўнгиллариға усули савтияни қайтадан қабул этмак фикри тушди. Лекин на қилсунлар, бу этилмиш ишларнинг ҳеч бирини доир ўз тилларида ёзилмиш китоблари йўқ. Истанбулча, тоторча ёзилгон китоблардан эса ўз тилларини дуруст билмаган ёш болаларға бир нарсани билдирмак мумкин эмас даражада машаққатдур.

Энди Туркистон мактабларина усули савтиянинг умуман жорий бўлмағонида бир манъи бор эса, ул ҳам китобсизликдир. Чунки фақир усули жадида тарафчиси ўлдиғиндан кўринган муаллимни усули жадида таклиф этмакда ва алардан “Ўз тил ва хатимизда китоб йўқ, тоторча китобларни ўзимиз билмаймиз, билсамиз ҳам, болаларға билдира олмаймиз”, жавоблари ила алзом этилмакда ўлдиғим каби ўзим ҳам беш йилдан бери китобсизлик меҳнатини чекмакда, болаларға ўқитган нарсаларимни алифбоға қадар Туркистон тили ва хатиға таржима қилиб, ёзиб ўтмакдаман. Модомики, ҳол бўйла экан, Туркистон муҳаррирлари ханузгача усули жадида китобларини таҳрир ва таржимасини шуруъ этмаганлари фақир қалам ожизонасини, гарчи ҳолиға немуносиб ўлса ҳам, оли қадар алҳол усули жадида китобчаларини таҳрир ва таржимасини маҳсур ва мажбур этди.

Ҳар ишни алифбосидан, яъни аввалидан бошлаб қилмак қонунни адабдан ўлдиғи учун таҳрир этгон китобчаларимни бошлаб алифбосини, яъни бу “Адиби аввал”ни бостириб, хурматлу муҳаррир ва муаллимлари-

мизни интизори олияларина такдим этмагим ила баробар рижо қилурмизки, маним бу китобчамни назари диққат ила боқуб, кўрингон нуқсонлариндан усули савтияға хилоф ўлгон ёки болаларға билдурмаки мушкул ўлгон ерларидан фақирни огоҳ қилмак ила ёрдам берсалар, шоядки 2-чи таъбақим бенуксонрок ўлурди. Вассалом.

*Мунаввар қори Абдурашидхонов.*

*Тужжор. 1907 йил, 8 октябрь.*

#### *Бизни ҳоллар ва ишлар*

12-адад “Ойна”да Самарқанднинг Мирзо Улуғбек ҳазратлари жомеъинда муаззин тарафидан усули жадида мактабинда ва ҳам русча ўқумокни ямонлиги ҳақинда жумадаги мусулмонларға нутқ қилингани ва ҳар ким усули жадида мактабиға бола берса “ўзи кофир, хотуни талок” дегани ва бир неча самарақандийни от туруб, алар кофир ва ўрус, дегани ёзилиб эди. Ушбу нутқ ҳукуматға маълум бўлуб, ҳукумат тарафидан Мадрасайи Тиллокор ва Мадрасайи Мирзо Улуғбек мударрислари жаноби мулло Имомназар ва жаноби Мулло Салим ва ҳам нутқ қилган муаззиндан сўралибдур. Жаноби мударрислар ушбу нутқдан хабаримиз йўқ дебдурлар. Муаззин айтибдурки, ман усули жадида ва ё русча ўқумок ва ё усули жадидачилар ҳақинда ҳеч бир нимарса айтганим йўқ. Фақат “Анжуман Арвоҳ” исминдаги янги чиққан рисолаға эътиқод қилманглар, дедим, деб бошқа айтганларига мункир бўлубдур. Ҳукумат тарафидан билдурилибдурки, баъдинда шундай ямон ҳаракатлар воқеъ бўлса, сабабчини беш йиллик бадарға қилинур. Китоб тўғрисида зокун бўйинча ҳаракат лозим. Бечора муаззин масжиди жомеъда бир неча минг киши ҳузуринда айтган сўзиға мункир бўлғони, уни қайси даражадаги одамлигини кўрсатур. “Ойна” муҳамаррини инмонига ҳам ўшал муаззин чанг солибдур,



деган сўзлар ҳам эшитиладур. Бул сўз собит бўлганда “Ойна” муҳаррири, албатта, унга даъво қазф қилур. Алон муаззин сўзиға умумий тарафдан қараб бироз муҳокама қилармиз. Усули жаид ва русча ўкумок раддиға сўйлагани собитдур. Биз аввалан шуни ёзармизки, на усули жаида мактабиға ўкуган сабабли, ва на русча ўкугани важҳидаң киши кофир бўлмайдур. Муаззин мунга ҳеч далили шаръий ва аклий кўрсатолмайдур. Мундан қатъи назар муаззиннинг устози муҳтарам Ҳожи Мулло Тўрахўжа мударрис жаноблари усули жаид мактабининг бонийси ҳисобланурлар. Усули жаидчиларни ва русча ўкуганларни маълум мажлисда куфр қудуғи бўйниға сураган самарқандий муҳтарам Мулло Саййид Аҳмад Васлий шoir жаноблари ва Ҳожи Аҳмад мударрис жаноблари ва Ҳожи Аҳмад мударрис жанобларининг устозлари муҳтарам Ҳожи Мулло Тўрахўжа жаноблариға Истанбул Шайхул-исломи: Туркистон ва Бухорода усули жаид мактабларини ривож бермоқға ва Русия мактаблариға бола бермоқға уламнинг саъйу ҳаракати лозимдур, деб айтганларини мазкур муҳтарам Ҳожи Мулло Аҳмад мударрис жаноблари нақл қилиб айтдилар. Ҳамда Мулло Аҳмад афанди айтиб эдиларки, Истанбул шайх ул-исломини устодим Эшон тўра илан зиёрат қилдим. Шайх ул-ислом жаноблари дедиларки, биз эшитармизки, Бухоро ва Туркистон уламси усули жаидни ямон дер эмишлар, ажабо! Далиллари надур, деб мулоҳаза қилмоқчи бўлганда ман, Мулло Ҳожи Аҳмад, дедимки: Афандим бизни шайхимиз (Эшон Тўрахўжа домлани мурод этар) усули жаидни мудофеъи ва хомийсидурлар, деб қутулдик. Ажабо, Ҳожи Мулло Аҳмад мударрис жаноблари Истанбулдан шул қадар сўзлаб, яна қандай ҳам номи киромийлари илан бир-икки жаидчини маълум майлисда алар ғойибонасиға жаноби устоди муҳтарам Ҳожи Мулло Абдулжалил Маҳмуд му-

даррис ва Ҳожи Мулло Тўрахўжа мударрис хузурларинда куфрға берган одамлариданки, бири русий ўқиган расмий маъмури ҳукумат, дигари русча билмайдурган оддий бир кишидур. Алар ҳаққинда ҳурмат ва риоят, балки ионатдан бошка бир нимарса содир бўлгани йўқдур.

Ўтайлук, ҳануз олти ой бўлгани йўқ. Усули жаид мактабинда волий вилоят хузуринда Самарқанд қозиси ва Самарқандни акбар уламо ва ... жаноби қози Мулло Муҳаммад Исохўжа мударрис ва қози Абулхай хўжа ва қози мулло Абулқосим ва қози Мулло Бақохўжа жаноблари усули жаид мактабини ойни шариат ва усули қадимдан кўра нофеълигини баён қилиб эдиларки, “Самарқанд” жаридаси ёзиб эди. Ажабо! Олти ой ўтмасдан қандай бўлдики, усули жаид мактаби ва усули жаидчилар мажлисларда, ҳатто жомеъи шарифда такфир қилинадур? “Анжумани арвоҳ” рисоласи ҳаққинда ҳам жаноби қози Мулло Муҳаммад Исохўжани сўзлари ҳамма тўғри ва дуруст, деганлари ривоят қилинур. Ҳаммадан ажойиби булки, муаззин минглар ила киши хузуринда айтган сўзлариға ҳукумат хузуринда ҳамда ўзини устоди хузуринда мункир бўлур. Биз бу сўзни ёзмас эдук. Ва, аммо, бутун халқ орасинда шухрат топгани ва жомеъи шарифда сўйлангани учун ва Туркистондаки юз минг оталарға болалари усули жаид мактабиға ўқийдур. Аларға дафъа иштибоҳ қилмоқ учун ва халойиқни ҳар нимарсадан азиз иймониға чанг урилгани учун ёзиб, фурсатимизни фавт қилармиз. Ва илло, айтиб туриб мункир бўлгувчи киши сўзини бир пуллик эътибори йўқдур. Ох, биз қандай кейин қолганмиз. Халқи олам усули жаид ва илми замонавий ила осмонларға учар. Биз ҳануз бир-биримизни такфир ва таъийн ила вақт ўтқарармиз.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*“Ойна”, 1914 йил, 13-сон. 200-202 бетлар.*



### *Бухорода усули жадиd*

Усули жадиd масаласи Бухорода ҳар хил ҳолларга сабаб бўлбдур ва ҳар жойларда тафтиш бўлиб, Бухоро ҳукуматдорлари нўғой муаллимларни ва сартия муаллимларини текшириб, қаровул топмокда эмишлар. Абдулрахмон номли бир муаллим кундуз кунларида катта ва кабир одамларни ҳат ёзмакга таълим бера бошлагон экон. Кўшбеги тарафидин тўрт нафар кумуш камарлик кишилар келиб манъ қилибдур. Баъзи хабарга қарагонда бу ишни тотор (татар) Қамариддин Ғана қилдургон эмиш. Онинг маъмурлар ила муносабати бор экан. Шундан фойдаланиб, усули жадиdнинг авом орасиға торқотишидин хавф қилиб, бу ишни қилгон эмиш. Яна Питербурғдин бир тафтишчи келиб, Кўкалтош мадрасасиға халқни йиғиб, бир неча саволлар сўрамиш. Саволларнинг бири усули жадиd экон.

Тафтиш 27 нчи мартда Кўкалтош мадрасасида бир мажлис ажлос бўлуб, қози калон ишон, раис ишон, аълам, ўн бир муфти ва бир неча мударрислар ҳозир бўлуб, тахминан юз нафарга яқин одам жамъ бўлгон экон. Питербурғдин қилгон муфаттиш<sup>249</sup> русча ҳам форсча сўзлашодур эмиш. Саволлари:

1. Мактаби жадиdни нима учун манъ қилосиз? Мунга сабаб нимадур?

2. Мадрасаларда ҳужраларни байъ-широ<sup>250</sup> қилосилар эмиш, бу иш шариятча дўрустму?

3. Зироятлардин подшоҳликға олунодургон ушр ва хирож шариятга мувофиқму?

Шул уч саволнинг жавобларига ривоят топиб, мухр босиб берасизлар деб уламо ҳаммалари иттифоқ илан бу ишни ишони аъламга тобшурдилар. Ишони аълам ўн кун

<sup>249</sup>Муфаттиш – текширувчи, тафтиш қилувчи.

<sup>250</sup>Байъ-широ – савдо-сотик

муҳлат олиб, жавоб бермакчи бўлбдурлар. Бул хусусда уламолар орасида кўб мухолифат бўлбдур.

*Туркистон вилоятининг газети.*

*1910 йил, 6 май. 33-сон.*

### *Икки эмас, тўрт тил лозим*

Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо<sup>251</sup> тилидур. Букунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни(нг) тақриру<sup>252</sup> таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби – арабий, муаллим – туркий, тақриру таржимани форсийлиги хийла ажибдур.

Туркистонда қадимдан бери бу уч тил жорийдур. Чунончи, эски ёрликлардан маълум бўлурки, Туркистонда эски амир ва хонларни(нг) амри фармойиш ва муборак номалари доимо туркий, яна айни замонда дорулқазо<sup>253</sup> адабиёт таҳрирлари форсий ёзилар экан. Бу коидалар зотан яхшидур. Аммо, бора-бора, ённки кела-кела усули таълим ва китобатға эҳмол<sup>254</sup> пайдо бўлуб, ҳозир бир даражаға келибдурки, аҳли савод ённки аҳли илмни юздан тўксон тўққузи бу уч тилда мукамал тақрири адабийға молик йўқдур. Яъни, усули таълим ва тадрисни ислоҳ этмак керак. Ўтайлук. Туркистоннинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларинда форсча сўйлайтурган бир неча шахар

<sup>251</sup>Удабо – адиблар.

<sup>252</sup>Тақрир – иқроқ, баён.

<sup>253</sup>Дорулқазо – маҳкама, қозихона.

<sup>254</sup>Эҳмол – бепарволик.



ва кишлоклар бордур. Бухоро ҳукуматининг тили форсийдур. Форс шоиру удабоси асарлари киёматгача лаззати кетмайтурган хазинаи маънавийдурки, мундан фойдаланмоқ учун оврупалилар миллиардлар сарф этарлар.

Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни таҳсилсиз билурмиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсни туркий билмоғи лозимдур. Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, “Маснавий”дан<sup>255</sup> қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Боқий<sup>256</sup>, Сомий<sup>257</sup>, Абдулҳак Ҳомид<sup>258</sup>, Акрамбек<sup>259</sup>, Санойи<sup>260</sup>, Нобий<sup>261</sup>, Ножийлардан<sup>262</sup>, яна Толстуй, Жюль Верн ва уламои замоний асарини туркий таржимасидан лаззат шундай оладур.

Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмак туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Қазон турклари замона уламози асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтиргандурлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафълик китоблар барча тилда таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Сукрот, Букрот, Фалотунлардан фойдаланганидек, замони ҳозира маданияти Толстуй, Жюль Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур. Мақсаддан узок тушдик.

Бизга лозимки, ўз нафъимиз учун русча билайлук, ҳукумат мактабларинда ўқуйлик. Давлат мансаблариға

<sup>255</sup> “Маснавий” – Ж. Румийнинг машҳур асари.

<sup>256</sup> Маҳмуд Абдул Боқий (1526-1600) – машҳур усмонли шоирларидан, “Сумбул қасидаси”нинг муаллифи.

<sup>257</sup> Сомий (1850-1904) – “Қомўсул аълом”нинг муаллифи.

<sup>258</sup> Абдулҳак Ҳомид (1852-1937) – машҳур турк шоири.

<sup>259</sup> Акрамбек – Риқоизода Акрам (1847-1914) – “тарбчи” жаҳид шоири.

<sup>260</sup> Санойи (Иброҳим Шиносий бўлса керак) (1826-1874) – машҳур турк масалнавис шоири.

<sup>261</sup> Нобий (Юсуф Нобий) (1640-1712) – усмонли шоирларидан.

<sup>262</sup> Муаллим Ножий (1850-1893) – “шарқчи” шоир.

кирайлук. Ватанимизга ва ўз динимизга хизмат этайлук. Мусулмон бўлуб туриб тараққий қилайлук. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат илмсиз бўлмайдур. Масалан, бугунги “подшолик дума”ға ўз дин ва миллатимиз нафъига сўзламоқ бизлар учун мумкин бўлур. Аммо, анда бориб сўйлагувчи киши бизга йўк. Анда бориб нафъи бир ўн сана ўқумок керак, замондан, қонундан хабардор бўлмоқ керакдур.

Хулоса, бугун бизларға тўрт тилға таҳрир ва тақрир эттувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий.

Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур.

Ҳадиси шарифдан маълум бўладурки, жаноби пайгамбар ўз саҳобаларидан Зайд бин Собит(ға) яҳудий хатини ўқуб-ўрганмоқга буюрган эканлар. Ва ул жаноб Умар ҳазрат нубувват паноҳи ила яҳудий хатини ўрганиб, ҳазрат пайгамбарға яҳудийлардан келатургон хатларни ўқуб берар эканлар (Саҳихи Бухорий, жуз 4, саҳифа 156).

Ҳолбуки, ул зоти бобарокот пайгамбаримиз қуввати хокима эгаси эдилар. Яҳудийлар маҳкум ва тобеъ эди. Алон Русия хоким, бизлар анга тобеъ ва ўз тириклигимиз учун алар хатини билмоқ зарур ва Ҳадиси шариф далолатинча дурустлигиға жойи инкор бўлмаса керакдур.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1913 йил, 1-сон. 12-14-бетлар.*

#### *Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар*

...Замонамиздаги энг муҳим масалалардан бирида тил масаласидур. Ҳушёр миллатлар мунинг аҳамиятини барча масалалардан ортик санайдурлар. Чунончи, тилларини кундан-кун софландуруб, тиллари ичиға кирган бегона сўзларни ташқари отиб, ислоҳ қилурлар. Бир даражаға



тилларидан хабардорлик қиладурларким, ўрни келганда бир ажнабий сўзи ўрнига икки ё уч калима ўз сўзларидан қўшиб адо қиладурлар. Мана шул сабабдан адабиёт ва миллиятлари кундан-кун тараққий қилиб бормоқдалар. Дарвоқе, қайси бир миллатким, ўз тилини бегона луғатлардан озод сақласа ва ўз миллатини муҳофаза қилса, дин ва ойинини кўлдан бермайдур. Аммо, биз туркистонликлар эса гафлат ва жаҳолатимизнинг кўплиги сабабли, бу муҳим масаладан ҳам беҳабармиз. Ўз тилимизда туркийча ва арабча сўзлар бор бўлган суратда, яна ҳавасаки рус ё фаранги сўзларини ўртага сукиб истеъмол қиламиз. Икки туркистонлик турк бир-бирови ила сўзлашганда ҳавасаки рус луғатларини ўртага келтуруб суқмоқлиғи айни ҳамоқат<sup>263</sup> бўлса керак. Бошқа ҳушёр ва тарбиятлик миллатлар бул ишни ор ва катта айб санайдурлар. Бошқа ерлини нари кўйдук, ушбу Туркистонимизда қайси бир рус, ё қайси бир армани ўз тилини кўйиб, бир-бирови ила туркча сўйлайдур. Аммо, бизнинг сўйлаганимиз вақтида ҳеч бир бўлмаса, ҳар бир калима рус сўзи эшитилур. Масалан, “манго бироз помагат қилинг”, “они мунча иштраф қилдилар”, “фалон одамнинг дўкони печат қилинди”, “Беҳмадончанинг боғига орест солдилар”, “ман қарзимни софсем тамом қилдим”, “бул жой кўп чиста экан”, “юринг, гулат қиламиз”, “фалонча персиённи ёки сарт?”. Ваҳоланки, бул сўзларнинг ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан: Помогат – ёрдам, иштраф – жарима, печат – муҳр, орест – ҳибс, овоқ, софсем – тамом, бутун, чиста – тоза, персиён – эрони, сарт – туркистоний ёки ўзбек. Муни ҳам айтмай кўймаймизким, буларни ёзмок ила мақсадимиз русча ўқимаслик ёки ўрганмаслик эмасдур. Ҳошокаллоҳ<sup>264</sup>, ҳеч

<sup>263</sup>Ҳамоқат – ахмоқлик.

<sup>264</sup>Ҳошакаллоҳ – Аллоҳ сақлагур.

бир оқил ва ҳушлик киши русча ўқиб сўйлашмоқликнинг лузуми йўқдур, деб айтолмас. Лекин ўз тилингни кўйиб ўз ҳамзабон, ҳамдининг ила русча, фарангча ва ғайра сўйлашсанг айбдур, ордур. Бошқа сўз ила гошлиқдур, деб айтулур. Агар тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўшаберсак, бироз замонда тил ва миллиятимизни йўқотурмиз. Миллиятимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзила албатта йўқолур. Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур.

*Садриддин Айний.*

*Ойна. 1914 йил, 35-сон. 836-838-бетлар.*

#### *Тил ва имло масаласи*

Бу кунда бутун Турк қабилаларининг иш қилуб вужудга чиқарилгон, фақат ҳар замонда хотирга ачинуб, онинг хусусида қанча музокора ва мубоҳасалар бўлуб турса ҳам, ҳалигача катти бир натижа бермаган умумий бир масала борки, шубҳасиз тил ва имло масаласидир. Тил ва имлони майин бир изга кўйиш, матбуот ва адабиёт учун энг муҳим бўлгон бир масаладир. Баноъ олия [биноан алайх] миллий матбуотга эга бўлгон ҳар халқ бошлаб ўзларининг тил ва имлолариға диққат этадилар. Одам боласи сўзлашмак учун тилга не кадар муҳтож бўлса, матбуот, адабиёт ҳам яхши имлоға шунча муҳтождир. Тили ва имлоси лойиқинча<sup>265</sup> ислоҳ этилмаган миллатнинг матбуоти, адабиёти асрларча аралашиб келган кирлар ила қоралангон ҳолда бўлур. Буни кўриб ўқувчиларнинг рухлари бузилур, ҳавас ва рисоалари кайтар, матбуотда бир-бирига муҳолиф, чуволгон нарсаларни кўруб ичлари бўша бошлар.

<sup>265</sup>Лойиқинча – лойиқ бўлгунча.



Тилсизлик, имлосизлик миллатга бергон маънавий зарарларни, билъакс тузатилган тил ва имлонинг келтургон фойдаларини ёза бошласак, ўзи бир неча мақола бўлиши эътиборга олинуб, бу тўғрида сўзни кесамиз. Зотан, тил ва имло масаласи нимадан иборат бўлгонин фаҳмлайдургон бир ховуч зиёлиларимизга бу ҳақиқатлар очик маълум бўлса керак. Фақат масаланинг бизим учун энг муҳим бўлгон нуқтаси тил ва имло деган нарсаларининг ўқугон синфимиз орасида хануз эътиборга олинмаслиги ва бу тўғрида на тилларда ва на матбуотда жиддий муҳокамаларнинг бошланмасидир. Тил ва имло масаласи бизда энг мушкул ва чувалгон бир масала бўлғони учун қанча илгарироқ бошланса, шунча яхши ва фойдали бўлур эди.

Холбуки, тил ва имло ҳақида бизда ҳалигача улув жузъиягина<sup>266</sup> бўлсун, сўз чиқаргон киши бўлмади. Ёзувчиларимиз ва шоирларимиз бу йўлда ҳеч бир турли ташаббус кўрсатмадилар. Бахусус, шаҳарларимизнинг имлоларин кўруб, нозик ҳисларимиз бузилуб келди. Бу жиҳатдан қараганда ҳам адабиёт бозорида уларнинг қийматларига ҳалол келар эди. Ёзувчиларимиз бўлса кўпроқ халқ орасида кўрилиб турган одатларни ва келишилмаган ҳолларни танқид қилуб кифояландилар. Миллатнинг ҳозирги ҳолига ва халқда бўлгон савия фикрларга қараганда, тил ва имло масалалари ила жаридалар тўлдириб чиқармакдан албатта кўб фойда ҳосил бўлмас. Эҳтимол зарар бўлса. Фақат бу каби адабий масалаларни муҳокамасига боруб афкор оммага иштирок қилурдай ўзларидан мулоҳазалар тақдим этардай савиялар авомдан кутуб турмак ва энди таъсис қилунмакга бошлаган янги адабиётимизни ҳам ҳозиргача давом этиб келган эски имломиз ила қораламак фикр ожизимизга бино ҳеч

<sup>266</sup>Улув жузъия – энг кам, жузъий даражада.

маъқул эмасдир. Жаридаларимизни, мақолаларимизни, яъни асарлар ила мактаб китобларимизни секин-секин ислоҳ этуб янги амал ила чиқармакга ғайрат этмак ҳалиги бир ховуч муҳаррир, адиб ва муаллимларимизнинг вазифаларидир. Бу ишни қачон бўлса ҳам умум қилуб бермас, балки шул зиёлиларимиз ўзлари қилурлар. Энди миллатда илмий ва адабий қувват ҳосил бўлиб, ҳақиқатда илум ва маориф даври келгонга бепарволик қилунмасдан, бу кундан эътибора ҳар хусусимизни ва шул жумладан, тил ва имломизни тадрижа ислоҳ этмакга кирушса, жуда яхши бўлур эди. Шундай бўлса ҳам, бу иш жуда узун муддатга чўзулур, бу хусусда ёзилгон кўб мулоҳазалар олдиндаги каби самарасиз қолурларки, лекин кейиндан албатта бир замон келур. Саналарча экилгон донлар тешилуб, кўкариб чиқар ва ул вақтдаги тилчиларимиз ва имлочиларимиз тарафидан тақбия этиллуб, ниҳоят оз самара бермакга бошлар эдилар. Йўқса, биз ҳозирда тил ва имло масаласида ниҳоят даражада кейинда қолгонмиз. Ҳали бизда миллий матбуот ва адабиётимизнинг тил ва имлоси ислоҳ қилуниш, халқ орасига имло ва китобат усулларин кўрсатадиргон мажмуалар таратуш ва бунга ўхшаш илмий ва адабий тадбирлар ҳеч йўқдир. Ҳатто, биз бу кунда сал янги рух ўралган усул жадида мактабларимизда ўқийдургон ва эндигина қўлларига қалам ушлаб она тилининг хатини ёзмакга бошлагон маъсум бир идораларимизни ҳам имло ва тил бузуқлигидан сақлай олмадук. Оқ, қора, тўғри ва хатони ҳеч ўйламасдан хусусий мақсадларимиз йўлида бир қадам бўлса ҳам олдинга чиқуб олмак фарзлари ила у тарафдан – бу тарафдан баъзи ишлар тўпладикда, мактаб ва синф китоби ёзгондай бўлуб, кўтариб бозорга чиқардук. Ёзгон нарсаларимизнинг қиммат илмиялари, мансуб бўлгон мактаб ва синфларига мувофиқ шоғирдларнинг булардан истеъфодалари



ва олгон фикрлари уларнинг рухларида қандай ҳислар ва таъсурлар вужудга чиқарув ва тарбия, мактаб ва матбуот дунёсида тутгон мавқелари эътиборга олинурми? Ё эса, мутлақо бир китоб шаклида бозорга чиқарадурларигина мақсад этилуб кузатилдими? Бу саволларга жавобни, қориларим, ўзингиз беруб унарсиз. Энди бу ўринда жавоб бериладиган савол имлолари, тиллар, ифодалари ва иншолари ва буларга ўхшаш ибтидий мактаб учун энг муҳим бўлгон асослар, мактаб китобларимизда диққатга олинадими, масаласидир. Мана бу саволга берилган жавобдан ибтидий мактабларимизнинг тил ва имло жиҳатдан бўлгон даражалари, она тилига қилуб ётган хизматлари, мактаб китоблари ёзувчи муаллимларимизнинг китоб ёзгондаги вазифаларини тушуниб-тушунмаганликлари шояд онглашилур. Ўрун тор бўлғони учун ҳозирги мақолага ниҳоят берамиз.

*Рауф Музаффарзода.*

*Садои Туркистон. 1915 йил, 19 февраль. 60-сон.*

#### *Тил масаласи*

Туркчанинг шўъба ва шох(а)лари бўлган ўзбекчиғатой, тотор, озарбайжон, қозоқ ва туркман лаҳжалариндаги янги матбуотнинг энг аҳамиятлик масалаларидан бири, албатта, шева, лаҳжа, имло масалаларидур. Юқоридаги лаҳжаларда сўйлайтургон турк болалари бирикки минг санадан бери Эрон халқининг аларга ва ё аларни эронийларга истило этганлари сабабидан форс маданияти ва адабиёти ва луғатлари нуфузига маҳкум бўлуб, форс тилидан бир ҳейли луғат ва жумлаларни хоҳу нохоҳ, абадий ва доимий суратда олганларки, у жумла ва луғатлардан бир қисмини туркий лаҳжалардан чиқориб ташламоқ гўё мумкин эмасдур. Ва бир қисмини муро-

лифи<sup>267</sup> туркчадан топилмаслик даражада ғойиб бўлгандур. Балки... биз туркчага бугун истеъмом қилинатургон баъзи форсий сўзларимизни муқобил ва муродофи халқ тилидан ва адабиётидан йўқолгандур. Масалан, шанба, якшанба, душанба, сешанба, чаҳоршанба, панҷшанба, одина<sup>268</sup> кунларининг оти каби... Ҳол шундай экан, яна юқоридаги туркий лаҳжаларнинг халқи ўн икки асрдан бери дин манбаимиз ва Куръони карим тили бўлган арабийнинг нуфузига<sup>269</sup> учраб, табаррукан ва мажбуран кўп луғат ва жумлаларни янада олдилар. Ва баъзи ифротпарастлар<sup>270</sup> тарафидан янгидан букунгача яна олинмокдадур.

Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у қадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан қўшулуб, “усмонли тили” аталди. Ушбу уч тилни адабиёт ва қовдаларидан бохабар бўлмагунча усмонли шевасинда ёзмоқ мумкин эмасдур. Усмонли шевасига ёзатургонларда охирги саналарда ўз сахвларини билиб, форсий ва арабийсини озроқ айтиб ёзмоқдадурлар. Азбаски, усмонли шевасинда ёзилган асарларнинг аксарини усмонли туркларнинг камсаводи англамайдур. Турк қавмининг Кафкоз, Эрон ва Қиримдаги қисмларининг тилига арабий ва форсий жумлалар усмонличадан кўра ҳейли оз бўлуб, аммо туркий тилларнинг бошқа шеваларидан кўра усмонличага энг яқинидур. Чунончи, букунги Кафкоз ва Қирим матбуотининг ўқуб англайдургон киши усмонличани, албатта, ўқуб фахмлайдур. Чунки, орасиндаги фарқ жуда оздур. Хусусан, охирги саналарда арабий ва форсийларини озайтуруб ёзилган усмонлича ва ёинки туркча Қирим ва Кафкоз шевасидан оз фарқликдур.

<sup>267</sup> Муродифи – синоними.

<sup>268</sup> Одина – жума куни.

<sup>269</sup> Нуфуз – даража.

<sup>270</sup> Ифротпараст – ҳаддан ошувчилар.



Тоторча ёинки нўгойча аталатургон шевага келсак, Қирим ва Кафкоз шевасидан кўра оз арабий ва форсийлик бўлуб, бовужуд шул бу кунги тотор матбуотининг ҳеч бир стунни, балки ҳеч бир сатри хати форсча ва ё арабчадан қутулолмайду. Ҳатто сирфи<sup>271</sup> тоторча ёзмок тарафдори бўлган матбуот ва мухаррирлари-да арабий ва форсийсиз бир нимарса ёзолмайдулар...

Келайлук Туркистон ва ёинки Осиён Вусто<sup>272</sup> халқларининг тил ва шеваларига: Туркистоннинг ўзиға тейиншли шеваси турк тилининг чигатой лахжаси бўлуб, Навоий(нинг) китоби бу лахжанинг гўё мухим китобидур. Аммо, кўпдан бери Туркистонда маданият ва салтанат ва адабиёт таданний<sup>273</sup> этгани учун халқ бу лахжани бузганлар. Бузмок нари турсун, Туркистоннинг ҳар бир шаҳарининг ва хатто баъзи бир қасаба ва кўйларининг шеваси бошқадур. Масалан: анда, мунда, шундани – ул ерла, бул ерда, шул ерда; ўтда, бўтда, шўтда; этга, бетга, шетга; ўрда, бўрда, шўрда; ўра, бўра, шўра кайфиятинда сўйлайдурган шаҳарлар бўлуб, мундай бузук сўзларни навъи ва адади жуда кўпдур. Туркистон туркчасига форсий ва арабийни кўшулгани ҳам барча ерда бир ҳолда бўлмай, балки мавқеъи жуғрофиясига караб ҳар навдур. Чунончи, Бухоро аморати ва Самарқанд вилоятининг туркча тилига форсий ва арабий кўб кўшулгандур...

Фарғонанинг Хўқанд ва бошқа шаҳарларида ҳам форсий ривожда бўлуб, уламо ва машойихни форсийга майли кўпдур. Табиийдулки, форсий кўб ёйилган ерларда арабийни ҳукми зиёдадур. Форсчани ҳукми Тошканд шаҳри ва Сирдарё музофотиға озайиб, форсий билатурган киши, эхтимол, мингда бир ҳам топилмаса, Фарғона

<sup>271</sup> Сирфи - оддий

<sup>272</sup> Осиён Вусто – Ўрта Осиё.

<sup>273</sup> Таданний – тараққий, ривожланган.

вилоятининг Хўқанд ва бошқа шаҳарларида букун форс тилинда ерли шоирлар-да мавжуддур.

Хўқанд хони Умархон жанобларининг “Девони Умархон”ига форсий адабиётлар иншод қилингонига караганда, қадимдан бери Фарғонада форсий тилини(нг) жорийлиги маълум бўлур.

Туркистон шарқида форсийнинг ҳукми озайиб, бовужуд шул уламо орасинда оз бўлса-да, сўйланур. Туркистон жануби ва Туркистони Афғонийга бўлса, туркий ва форсий тили гўё баробардур. Туркистоннинг Мовароуннаҳр, Хазар қисмиға аксарият ила туркман шеваси ҳукмфармо бўлса ҳам, Эрон ва Афғонистон ва Бухоронинг ҳамсоялиги сабабидан яна форсийнинг нуфузидан қутулуб бўлмайду. Хиваға келганча, мунинг тили яна усмонличаға якин бўлуб, фақат арабий ва форсий кўшимчалари оздур. Хулоса шулки, нафси<sup>274</sup> Туркистон, Бухоро, Хива, Туркистон Афғони ва Кошғар ўлкалариндаги туркча шеваси дохилан ўн қадар бузук ва тузук лахжаға айрилиб, аммо бу лахжа ила сўйлайтургонларнинг ҳар бири бошқасини сўзиға тушунадурлар. Китобатға келсак, букунгача Туркистон, Бухоро ва Хивада ҳар ким ўз лахжасига мувофиқ ёзса ҳам, бир-бирига қарибдур. Чунки, котибларни муаллимлари мавжуд туркча ва форсча назм ва наср китоблар бўлуб, баҳри Хазардан то Кошғар ва Туркистон Афғонигача қадим мактабларда “Навоий”, “Фузулий”, “Саботул ожизин”, “Ҳикмат”, “Хувайдо” ва бошқалари, форсийдан “Чаҳор китоб”, “Хўжа Ҳофиз”, “Бедил”, “Саъдий” ва бошқалари ўқулурки, бу китоблар ахли саводни тил бирлигиға сабаб бўлур. Аммо, авомларни сўзи тахти тахрирға кирмайдир.

Аввалги мақолада туркча тилининг аҳамиятлик шўъбаларини қисқалик билан ёзиб эдим. Энди тилни бутун

<sup>274</sup> Нафси – ўзи, ўзида.



соддалаштуруб индурмоқ ва ёинки адабийлаштуруб тараккий килдурмоқдан бетарофона ёзарман.

Матбуот майдониға биздан мукаддам отилган ва дўстлар ила жариди ва мажаллаларға соҳиб бўлган ичкари Русия ва Кафкоз мусулмонларини матбуот тили ва ҳам кўча тилиға диққатлик кишиға маълумдурки, матбуотлари кўча тилидан неча даража олийдур. Ва кундан-кун яна олийлашмоқдадур. Ўрам<sup>275</sup> тили тарафдори ёинки содда тил тарафдори бўлган баъзи тотор матбуоти йилдан-йилға адабийға айланмоқдадур. Масалан, “Вақт”, “Шўро”, “Юлдуз” жаридаларининг аввалгилари ила ҳозиргисини тафтиш қилинса, ҳозиргиларини адабийлиги зоҳир бўлур. Кафкоз матбуоти аввалдан адабий бўлуб, ўн саналардан бери матбуот, коғаз устиндаги адабий тилни, халқни тил ва сўзига таъсир этиб ўткардики, бул ўшал вилоятларда диққат этганларға маълум бўлур. Ҳеч бир фирқа ва ё лаҳжанинг авом тили матбуотға кирмайдур. Кирса-да, мактаб рисоаларига ва фанний китобларға кирмайдур. Азбаски, фанний, адаб, таълим, тарбия ва диний китобларни сирф<sup>276</sup> авом тилиға ёзмоқ мумкин эмасдур. Ҳатто, бу замонда фан ва хунар тараккий этгани учун ва янги чикгон бегона луғатдаги исмлиқ нимарсаларға туркий исм тақадургон жамиятлар барпо этиб, туркий тилимизға, хизмат этатургон кишиларни бизға йўқлиги учун бегона тилдаги исмлар ила кўп нимарсаларни ёзмоқға мажбур бўлармиз. Ҳатто, мундан тараккий этган миллатлар-да қутулган йўқ. Масалан, арабий илм “Алжабр”ни букун тараккий этган миллатларда “Алжабр” ва аларда “ж” йўқлиги(дан) “Алгебра” дерлар.

Бу тил масаласи Русия мусулмонлари матбуотиға бир ҳейли баҳс бўлуб, фаалан ва амалан авом тили ва ёинки

<sup>275</sup> Ўрам – мураккаб.

<sup>276</sup> Сирф – оддий.

содда тил тарафдорларини мағлубияти ила натижаланимоқ-дадур. Бизнинг Туркистон матбуотида, табиий, бу масалани бошидан ўткарур. Шунинг натижаси ва навбати бўлуб мўътабар “Садойи Туркистон” рафиқимизда тил масаласи мақолалари ёзилмоқдадур. Баъзи афандилар меҳмонни “қўноқ” дейилсун деб таклиф этарлар. Ҳолбуки, қўноқ деганда, бир турк фахмлайдур. Меҳмон деганда, турк фахмлагани устида, яна бир форсий мусулмон кариндошимиз-да англайдур. “Тилимиздан форсий ва арабийни кувайлук”, бу кўп енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур. Масалан, мунинг тарафдори бўлган мўътабар “Садойи Туркистон”ни “Турк эли довуши” лозим бўлур. Туркистонни “Турк эли” ёхуд “Турк ери” ёзмоқ керак бўлур.

Тошканд, Хўканд ва бошқа минглар ила жўғрофиёвий исмларни рижоли тарихия<sup>277</sup> ва ёинки тарихий воқеаларни маҳаллий ва машҳур одамлари ва ой ҳам йили, куни ва ...лариғача тағйир<sup>278</sup> бериб, туркий исмлар токиб, аларға янги луғатлар тайёрлаб, янгидан тадвин этмоқ<sup>279</sup> лозим келур. Ва ўшал ҳолдагина турк тилини арабий ва форсий луғатлардан ажратиб бўлурки, мунга ҳамма ишни кўюб, ҳамма бирдан ҳаракат этса, эҳтимолки, бир неча юз саналарда хаёлан зўрға воқеъ бўлса. Ҳолбуки, бул, ижроси мумкин эмас курук, хаёли фосидгинадур<sup>280</sup>.

Бир неча минг санадан бери форсий ва араб тили ва маданияти ва салтанати таъсири остида қолган туркийни яна бир неча минг санада буларни таъсиридан чикармоқ нари турсун, балки маънан ва моддатан ва фаннан маҳкум миллатларни тили бўлган тилимизға яна тараккий этган миллатларни луғатлари хужум этар.

<sup>277</sup> Рижоли тарихия – тарихий шахслар.

<sup>278</sup> Тағйир – ўзгартирниш.

<sup>279</sup> Тадвин этмоқ – ёзиш.

<sup>280</sup> Хаёли фосид – пуч хаёл.



Туркистон халқининг мактаб ва мадрасасиндаги китобларга, жариди ва мажалласиндаги мақолаларга, сирфи форсий ва арабийни қўймас тарафдори кишиларни ўйловларига, тўғриси, шошармиз. Масалан, мактаб, мадраса, жариди, мажалла, китоб – ҳаммаси арабники, исми мизни ўндан тўққузи арабий. Энди, бу ниҳоясиз нимарсаларни ҳаммасига туркийдан исм охтарибми, дунёдан ўтармиз?

Мухтарам А.Музаффар афанди 63-рақам “Садойи Туркистон”да хандасадаги арабий истилоҳ ва исмларга туркий муқобиллар кўрсатурлар. Анга қараганда, хандасани ўзига “андоза” форсийнинг муарраби ва ёинки бузулгонидур. Анга ҳам туркча ва барча улум ва фунун ва Қуръонга ҳам туркча исм қўймоқ лозим келур. Ҳолбуки, баъзи бир нимарсани исми, луғатан мусаммасининг<sup>281</sup> маъносига далолат қилмай, аммо истилоҳан, таълиман ва тарихан ва ёинки замонан анга исм ва алам (ъалам)<sup>282</sup> бўлуб қолгандур. Чунончи, “воҳид қиёси” маъноий фанийсини “солиштириш ўлчови” адо этмайдур. Бўлса-бўлмаса, бу бир истилоҳ бўлуб, “солиштириш ўлчови”, яъни воҳид қиёси дейилмагунча фаҳмланилмас. Авом учун бу сўзлар ёзилатургон бўлса, ул иккисини-да фаҳхламайдур. Агарда мактаб талабалари учун бўлса, Туркистонда йўқ туркий хандаса китобимиздан муқаддам бир-да лоятиноҳо янги истилоҳи туркия луғати чиқормок лозим келур.

Фикримча, бу ўйловлар фазладур<sup>283</sup>. Тўғридан-тўғри демоқ керакки, бақадри имкон арабий оз ёзулсун. Арабий исмлиқ нимарсалар жамланганда, туркча жамлансун. Масалан, улум, фунун, уламо, ва куззот демоқ еринда

<sup>281</sup> Мусамма – номли, номланиш.

<sup>282</sup> Алам – атоқли исм.

<sup>283</sup> Фазла – ортикча.

фанлар, илмлар, элимлар, ва қозилар ёзингиз. Ёинки муътабар “Садойи Туркистон”нинг 64-рақаминдаги “Тил масаласи”да “Қурраи арзча яшамақда бўлган ҳар миллатни ўзига махсус бир лисони миллийси “вордур” жумлаларни бир оз туркча ёзмок кераклигига машварат бермок лозим. Аммо, бугун фанний ва илмий ва диний истилоҳ ва иборатларга муқобил туркчадан исм таъйин қилмок фикрига чўммок ўзни чарчатиб ва матбуотни зоёё қилмокдан бошқа нимарса эмасдур.

“Тил масаласи” муҳаррирларидан бири дер: “Тиллар замон ила ислоҳ бўлур, бирдан ислоҳ этилмаслар”. Содда тил нима учун керак? Атрофиндаги қавму қариндоши илан сўйлашмок учун. Адабий ва илмий тил нимага керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмок ва алардан фойдаланмок учун. Энди бизга лозимки, атроф, яъни теварагимизни адабийлаштурсак, мунавварлаштурсак, яъни илму фан ила ёрутсак. Илму фан бўлса, бизни тилга тобеъ бўлмай, балки бизни ўзига жабран тобеъ этар. Энди бу содда тилни бизни ҳар қишлоқ ва маҳаллада бир-биридан фарқи бордур. Аммо илмий ва адабий тилни ҳар бир қишлоқ ва кўйдаги оналарни тилинда бўлмоклиги ва алардан бошланмоғи мумкин эмасдур. Оре, англис ва франсуз оналари ва ўқутон рус ва усмонли оналарини(нг) тили матбуот ва мактабдаги адабий ва илмий тилни айни ва худ ўзидур. Аммо, алар бир неча юз санадан бери, қориндан қорингача ўқуб келган оналардур. Бизни мазлум оналаримиз батанан баъд батан<sup>284</sup> ўкумай келганлар. Энди у мазлумларга хандасанинг туркча истилоҳларини ютдургон ила она тили бўлуб туруб аввалан ул онани ўзига англашилмайдур. Модомики, бизга илму фан керак ва модом(ики), турк тилининг баъзи шўъба ва лаҳжаларига замоний, фаний, диний, тарихий ҳар навъ

<sup>284</sup> Батанан баъд батан – авлоддан-авлодга.



китоблар бордур. Ани ўқуб фаххламоқиға ғайрат этишимиз лозимдур. Масалан, Кафкоз ва Қирим лаҳжасини билатургонлар бу кунги дунёмизда мавжуд аксар, балки ҳама илму фанларни туркча тилда билурлар. Дунёмизни илму фанидан хабардор бўлмоқ учун рус, немис, франсавий, англис, итолиёли, арабий, жопуний тилларидан бирини билмоқ керак ва аларни билмаганда Кафкоз ва ё Қрим лаҳжаи адабиясини билган кишини дунёдан хабарлик бўлушиға восита бўлур. Аммо қадим чигатойча, мўғулча, ўрхўнча ва сахройи тилларни тиргузгон ила на фойда? Ва у тилларга каю илму фанлар бор? Ҳозирги сўзимизга қўшулган форсий ва арабий сўзлар бизни арабу форсга бир даража яқин этар. Илму фан китоблариға яқинлашмоқимизға восита бўлур. Баъзи биродарларимизни соф она тили бор. Аммо она тилида мактаб, мадраса, фанний ва илмий китоблар таъсис этолмайдурлар. Чунки сўз етишмайдур. Агарда алар тараққий этса ва маданий бўлса, хукман ҳозирги тилни ўзгартириб бўлур. Ҳамда минг йил аввалги тилға қайтмоқ қонуни табиатға муҳолифдур. Чунки мозийға ружуь мумкин йўк. Бегона тилдан сўз олмақдан кутулган тил йўкдур. Англисчани арабчадан сўнгра энг бой тил дерлар. Маъа фихи<sup>285</sup>, ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини ёзарлар. Хулоса фикримиз шуки, ялгуз туркча сўйламак ва ёзмоқ абадан мумкин йўк. Бақадри имкон арабий ва форсийни оз ёзайлук. Барча илму фан истилоҳ ва луғатлариға туркчадан муқобил оқтариб вақтни зое этмайлук. Тараққий этган туркий шевадаги илми ва фанний китобларни англамоқға саъй ва ғайрат этайлук. Келар замон учун ҳозирланайлук, ўтган замон учун эмас. “Она тили, она тили”, бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилиға мактабий китоблар ёзила

<sup>285</sup> Маъа фихи – Шу билан бирга.

берса, Туркистонда ададсиз бузук она тиллар шеvasига ададсиз китоблар ёзмоқ лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиёотада ёзилгани Қаршида англашилмайдур. Чунки бу оналарни тили бир-биридан фарқликдур. Тараққий этган миллатлар оналари ўкутар экан, биз аввал онамизни ўкутуб, анга тил ўргатмоқимиз керак. Чунки, бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур. Бинобарин, бақадри имкон оз арабий ва форсий, оддий, туркий луғат ила ҳозирги шеваларча ёза бермоқдан бошқа илож йўкдур.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1915 йил, 11, 12-сонлар,  
274—277, 306—311-бетлар.*

#### *Рус лисонининг аҳамияти*

Муҳтарам ўқувчиларимизға ибрат учун маданиятнинг қони, манбаи ва чиққон ери ўлон Осиё қитъасидаги Арабистон ярим ороли олтинчи асрда дини мубин<sup>286</sup> ислом ила баробар маданият денгизлари ҳаракат қилди ва бу қитъада яшамис араблар ўзлари борган мамлакат ва қитъаларға маданият саволларини ҳам сувуб бордилар. Орадан бир неча аср ўтар-ўтмас, маданият тўлқунлари Осиёдан қўчуб, Оврўпа қитъасини босди. Оврўпалилар ҳозирги йигирманчи асрға маданият тўлқунлари ичра яшадилар ва бу чолишқон европалилар маданият тўлқунларидан қўркмадилар, қочмадилар, ҳаракат қилдилар, асбоб ва машиналар ҳозирладилар ва бу маданият тўлқунлари ўзлариға асир ва изҳор қилуб олдилар. Ўн бешинчи асрда маданият сувларини суруб, Амрико қитъасиға олиб бордилар. Амриқони берли ваҳший халқлари “эшиқлари-дан оққон сувнинг қадри(ни) билмадилар” маданиятға қириншмадилар, қабул қилмадилар. Ота-боболаридан

<sup>286</sup> Мубин – очик.



қоқкон одатларини ташламадилар, ўзларича ваҳшатда ўринларини япроқлар ила ўртуб, бошларига товус патларини санчуб, белгочга дарахтлар устидаги, кафалардаги ертўлаларда дўмбира ва чирмандаларига чалуб, ёши бир даблар маданият орқаларидан қувди – қочдилар. На ерга борсалар, маданият ҳам борди, қочуб қутулмадилар, охирда маданият ғалаба қилуб, инқироз дунёсига кузатиб юборди. Мана шу жумладан ярим-ёрти ваҳшатда яшави Ўрта Осиёга, Туркистонимизга Россия ҳукумати ила баробар маданият сувлари келиб кирди. Ҳозир ярим асрдаги маданият бизни орқамиздан қувюур.

Биз кирдан кирга қочурмиз, қаршимиздан маишат машаққатлари чиқуб хужум қилур, ўзлигимиздан билимсизлик ва жаҳолат келуб жонларимизни сиқур. Сўнггимиздан мисрифлик, факирлик ва бидъатлар чиқуб, йўлимизни тўсур. Дангасалик, ялқовлик, ишсизлик, устимиздан босуб бўғмак истарар. Ажабо! Бизлар ҳамон бу имконга (рамка) орасидан чиқуб қочмак истамаймиз. Бир оз тушунмак ва ўйламак лозимки, бу рамка орасидан чиқуб қочмоқ ва қутулмак мумкинми? Йўқми? Бизим фикримизча, қочмакнинг имкони йўқ, қутулмак ва халос бўлмакнинг фақат биргина йўли учрамаса, бордирки маданиятни қабул қилмак ва маданиятга киришмакдир. Лекин киришганда ҳам маданиятнинг ҳақиқатини билмак ва ҳақиқий маданиятга киришмак лозимдир.

Баъзи ёшларимизга у шош усти ялтираган, ичи қалтираган бўлуб, бошларига европа қалпоғини кийиб, “маданият!”, “маданият!” деб оғзиларини кўпуртируб, оз-моз мусулмонча, чала-ярим русча сўйлашуб кулги бўлуб юрмак маданият бўлмай, масхарабозликнинг бир шаъбаидир. Агарда табиатнинг жилловини нафсимиз қўлига берсак, ул безорини на бирга олиб бормасун, чиройли учка бил қизор ила ўйнашмакни, рестуранга боруб, қимор

ўйнамак ва ичкулик қилуб тонг отқузмакни, бир оз қизишгандан сўнг одобдан ташқари маданиятга ярашмаган сўзларни айтишмакни, хати урушмакни, жабр ва зулм қилишмакни... (йўл қўйиш мумкин). Лекин маданият қонунида (уставида) шундай фано<sup>287</sup> ва бузуқ ишлар бўлмаса керак. Маданий бўлмак ва маданиятга кирмак учун бундай ёмон сифатлардан сақланмак ва ҳазар қилмак ила баробар ҳақиқий маданият йўлини тутмак лозимдир. Ҳақиқий маданият илмий, маиший ва ахлоқий исмлар ила уч қисмга бўлинади. Агар миллат болалари бу хислатни мукамал суръатда ўзларига дарбар олсалар<sup>288</sup>, мана шул вақтда биз “маданиятни қабул қилдук, маданият(ли) бўлдук”, деб лоф урсак, мақтансак кулги бўлмаймиз.

Ёшларимиздан маданиятга лойиқ равишда ўқуб диний ва маданий кишилар ҳозирланса, тарбия ва таълимга моҳир илм ва илмия, адиб ва адибаларимиз етишса, мактаб ва мадрасаларимиз мунтазам ва тартиблик бўлса, зироат, саноат ва тижорат ишларига моҳир кишилар етушуб замонага мувофиқ равишда иш юритилса, тартиблик “Дор ал-етим” етимхоналари, “Дор ал-ожизийн” камбағалхоналар, китобхона ва қироатхоналар ишласа, ширкат (творчество)лар барпо қилинса, юқорида дедимиз каби халқимиз орасидан замонага лойиқ илм ва фунундан бохабар олимларимиз кўпайса, оч ва яланғоч кишиларимизнинг маишатларини тузатмак учун ҳаракат қилинса, ўқутулса, ахлоқ ва одоб ўргатилса, шул вақтда исканжа орасидан чиқуб ҳақиқий маданият бўстонига юзланган ҳамда маданият тўлқунларидан қутулуб соҳил саломат чикқон бўлур эдук...

Оллоёр.

Садои Туркистон. 1914 йил, 17 май. 10-сон.

<sup>287</sup> Фано – туговчи.

<sup>288</sup> Дарбар олмоқ – қабул қилса.



### Кўрқинчли натижалар

... Ислом бизим назаримизда ниҳоятда кадрли ва муқаддас бўлган бир диндир. Дини исломни мусулмонлар тоқатларидан келган кадр таъзим ва тақрим<sup>289</sup> қиладиларми, йўқми, буниси ҳолимиздан фаҳмланса керак. Фақат мусулмонларга ўзларининг муқаддас динларини назр илагина эмас, амал ила ҳам бу қадар ғало тоқат<sup>290</sup> ҳаракат этмак ва энг биринчи вазифани доимо адо қилуб турмакга виждона мажбур, дунё маъмурдорлари<sup>291</sup> бир одим зоҳира<sup>292</sup> маълум бири маслакка кируб ботина<sup>293</sup> унинг хилофинда бўлса, ул кишининг инсоният дунёсига қанча жиноят билиши шояд яширин бўлмаса керак.

Бу иш албатта маслақлар орасида шов-шув қолгон заиф табиатли, саводсиз ва идроксиз кишилардан ёхуд мунофиқлик касбидан бир қадар лаззат топгон шахслардан содир бўлур. Чин ва ҳақиқий инсон ўзининг муносиб бўлиндиғи маслакни керача андин бўлақлия [бил-куллия]<sup>294</sup> рози бўлмаса ҳам, хурмат қилур ва ҳеч вақт онинг фидо бўлинмас. Дин масаласига келсак ҳам ҳақиқат тамом бунинг айнидир. Маълумдирки, бир динга иймон келтуруб онинг ҳол фидо амал қилмак ила ҳеч ким динли ва иймонли бўлмайду. Бу кун иймон ниҳоятда заиф, асоссиз вазни бўлган ақида ҳукмини олур. Ҳақиқий ва қатъи бўлган иймон одамга очик ва тўғру биргина йўл кўрсатурга ортиқ иккинчи бир тарафга майл этмак эҳтимоли қолмаган бўлур. Ёздиғимиз бу ҳақиқат, ҳақли ҳал фидо илгари қаттиғ сабот кўрсатган кишилар тарафидан ҳам тасдиқ қилинадурган равшан бир сўздир.

<sup>289</sup> Таъзим ва тақрим – иззат ва ихром.

<sup>290</sup> Ўғло тоқат – тоқатга яраша.

<sup>291</sup> Маъмурдор – амалдор.

<sup>292</sup> Зоҳира – кўринган.

<sup>293</sup> Ботина – ичи.

<sup>294</sup> Бўлақлия [бил-куллия] – бутунлай.

Бас, динли ва маслақли бўлмак ани қабул қилиш илагина собит бўлмайду, балки онинг доирасини яхши ўргануб, ондан чикмасдан доимо амални шунга татбиқ билмак илагина бўлиши мумкиндир. Энди дини исломни қабул этган аҳли исломга қарасак, ҳақиқий ҳолларнинг не қадар бузулганини кўруб, дарҳол виждонлар азоблана бошлар. Ажабо! Мусулмонлар нима сабабли динларига бунча ҳурматсизлик кўрсатур эканлар. Орамизда доимо юрадурган аҳком динияни олсак, шубҳасиз, бир неча моддадан ошмайду. Алар ҳам нафл<sup>295</sup> ва мустаҳаб даражада бўлган ҳокимлардан иборат бўлуб қолубдир. Франсуз ва ушботнинг (вожиботнинг) мусулмонлар тарафидан нафл баробарин ҳам эътиборга олинмолиғини кўруб ҳар вақт юраклар ачинаду, умидлар кесиладу. Дарвоқе, бизда дин номидан энг кўб ижро қилинган ҳукмлар соч, мўйлаб, кийум масалалари каби амалий, жуда осон, дин назарида ниҳоятда кичик бўлгон амирлардир. Намоз, рўза, закот, каби улуғ маъмурияларни мусулмонлар фарз деб эътикод этсалар ҳам, фарзнинг баландлигига мувофиқ эътибор ва риоя қилувчилар юздан бир нечагина зот топилмоғига ким шубҳа қилур? Аммо, шариятда бўлган манҳи айналар, яъни харом ва макрух ҳукмларга қарасак, ҳолнинг бутунлай аксини кўрурмиз. Бунда энг кўб юрадиғанлари харомнинг ниҳоят даражада зарарли ва қабих бўлғанлари эканлиги шубҳасиздир. Дарвоқе, бизим орамизда энг кўб эътибор қозонгон ишлар ичкулик, зино қилмак ва қимор ўйнамак каби ила одатига<sup>296</sup> ва иқтисодий ҳаётимизга жуда зарарли бўлгон ишлардир. Мусулмонларнинг шариятга кўрсатган бу ободсизликлари Оллоҳ ва пайгамбар тарафидан эмас, ҳатто диёнатли ва ҳақиқий бир мусулмон тарафидан ҳам

<sup>295</sup> Нафл – ихтиёрий ва қўшимча ибодат.

<sup>296</sup> Ила одатига – халқ одатларига.



ҳеч оғу этилмаслик бир тасвирдир (таъсурдир). Дин бу келиб, мусулмон номини тошуб бутун вужудлари ила сихоқот<sup>297</sup> дарёсиға чўмғон хирсизлар киёматда ўзларининг жазоларини кўрган каби, фарз ва ажиб амалларини хотираларига ҳам кетурмасдан, динга жиноят этувчи ибодатсизлар ҳам тегишли жазоларни кўрурлар. Болаларига кўрсатган оталик ва оналиклари нечук бўлса, дунёда ва охиратда шунинг меvasини еюрлар.

Бутун ислом дунёсининг юзларига қора суртувчи бу миллат микроблари диндан жабрсиз бўлганлари каби. ўзларининг нима қилганларидан ҳам хабардор эмасдилар. Бу сўфилар фирқасининг жоҳилона ҳаракатлари ила<sup>298</sup> ҳаётига иқтисодий ва ижтимоий аҳволимизга шундай бир зарбадирки, бунинг хабарсиз ва кўрқинчли натижаларини хотирларига келтурган диёнат аҳллариға вуждона ҳеч ер истироҳат қолмайди<sup>299</sup>. Очкўзлик, киморбозлик ва зино касалларига мубтало бўлган ярим инсонлар чўнтақларига йиғилишиб, энг сўнгги тийинларига захар сотуб олурлар ва бунинг ила ўзларинигина эмас, бутун наслларини захарларлар. Оилаларининг икки кўзлари кутуб турдиқлари таом ва ош пуллари захарли банкаларга солинуб, бунинг бирор-бирига яна бутун насл ва оилани ҳалок этадурган кўрқинчли ва нафратли касаллар келтирурлар. Уч пулға арзимаслик нафс орзуларига асир бўлғон сафоҳат<sup>300</sup> аскарлари энди дин ва миллатни ажал оғулари ила захарлайдилар. Ой сифати фиروقсиз!<sup>301</sup> Сизда инсоф деган нарса борми? Бу ишларининг натижаларидан хабарингиз борми? Рамазон хурмати учун сизга этамиз: мундай бузукликларга

<sup>297</sup> Сихоқот – гуноҳ.

<sup>298</sup> Ила – халқ.

<sup>299</sup> Ер истироҳат қолмайди – ҳеч жойда хотиржамлик бўлмайди.

<sup>300</sup> Сафоҳат – жиннилик, тентаклик, зино.

<sup>301</sup> Ой сифати фиروقсиз! – Эй бадсифатлар!

кирмангиз, ахлоқингизни тузатингиз, ... динингизни маҳкам тутингиз, оилангизнинг бахт ва саодатига ҳаракат қилингиз.

Миллатимизни иқтисодий таҳликага тушурдингиз, муқаддас динимизни хуворлар (хор) қилдингиз, юзингиз ила бир супуриб топган пулларингизни сафоҳат (зино) йўллариға исроф қилуб, оилангизни оч қолдирдингиз. Сизнинг бу ишлардан мақсадингиз шумиди? Агар шул бўлса энди, тилаганингизга эришдингиз.

Ахлоқ муаллимларининг ва руҳонийларимизнинг бу масалага диққатларини жалб қиламиз. Энди шул йўлда бир оз хунар ва ғайрат кўрсатуб, рамазон ойида масжидларда аҳолимизнинг онги ва фикрларига қараб таъсирли ваъзлар айтсалар, халқ ва миллатга зўр фойдали бир иш қилинғон бўлур эдилар. Дин қариндошларимиз орасида бўлғон бундоқ ғайри матлуб<sup>302</sup> ҳолларни кўруб, ҳар вақтда ваъз ва насиҳат қилмак ва бу каби кўрқинчлик натижалар хусусида қаноатланадурғон сўзлар сўйламак дин ва ахлоқ муаллимларини(нг), минбар ва меҳроб<sup>303</sup> эгаларининг диний вазифаларидир. Рамазон шарифда бу нуқтаға хусусий аҳамият бериш керак эди.

*Рауф Музаффарзода.*

*Садои Туркистон. 1914 йил, 22 июль. 29-сон.*

*“Турон” театри очилишида сўзланган нутқ  
(1914 йил 27 февралда Тошкандда “Колизей” театри  
биносида “Турон” труппасининг расмий очилиши  
муносабати ила сўзланган нутқ)*

Жамоат!

Сиз хурматлуларга тиётр хусусида бир неча сўз айтмакка жасорат қилиб, қаршуларингизга чикдим. Бу

<sup>302</sup> Ғайри матлуб – ножоиз

<sup>303</sup> Меҳроб – масжидда имомлар хутба ўқиш учун турадиган жой.



хусусда маним густоҳона ҳаракатимни афу этмаганингизни ожизона рижо қилурман.

Бизни Тошканд шаҳрида бир неча мартаба миллий тиётрлар ўйналган бўлса ҳам, ҳолис Туркистон тилида ҳануз бир тиётр ўйналмагонлиғи барчамизга маълумдир. Шулар сабабли баъзи кишиларимиз тиётрга, эҳтимолки, ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби, деган сўздур.

Тиётр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва кабиҳини, айб ва нуқсонини кўруб ибрат олур. Ва бу сахнада кўзига ёмон кўрунган паст одатлардин ва бузук ахлоқлардин узр қилмоқга ҳаракат қилур. Биноаналайх, тиётрни бузук ахлоқ касалларининг энг ёқимли давосига ўхшатган киши ёлғончи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тиётр сахнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига киргон зотлар гўёки табиби ҳозик мисолиндадурлар. Бунлар аччиқ романларни ширия даволари ила халқга едирурлар ва аччиқ насиҳатларни чучук<sup>304</sup> сўзлари ила халқга эшитдурурлар. Биз шу зотларга ва тиётрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак?

Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий<sup>305</sup> мамлакатларга боқайлик. Мисли устимизга ҳоким бўлуб тургон русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яҳудийларга ва бошқаларга, кўб узок кетмайлуқ, энг яқин қўшниларимиз бўлгон Қофқоз мусулмонларига.

Бундан ўттиз йил муқаддам Қофқоз мусулмонларидин энг аввал чиқиб тиётр китоблари ёзган ва юзига ун суртиб

<sup>304</sup> Чучук – ширия.

<sup>305</sup> Мутараққий – тараққий топган, ривожланган.

тиётр сахнасига чиқгон, адиби шаҳид Мирза Фатҳали Охундов жанобларига халқ қандай кўз ила қаради?

Марҳум Охундов халқнинг нуқсонини кўрсатгон, миллат тараққийсига ва мамлакат ободлиғига хизмат қилгон, исми ҳар ерда ҳақорат ила зикр қилинурди ва ўзидан ҳар ким нафрат қилурди. Лекин ўттиз йил ўтгандин сўнг марҳум Охундов жанобларининг чеккан машаққатлари ва тортгон заҳматларини миллат ўйлаб, тақдир қилуб, онинг хотираси ва руҳининг шодлиғи учун улуғ бир юбилей, яъни дуо мажлиси ясадиларки, ҳозирга қадар бундай улуғ мажлис мусулмонлардин ҳеч бир киши учун ясалғони йўқдур. Марҳум Охундов тутган йўлнинг улуғ фойдалари ҳозирда кўринмақда бошлади. Қофқозиянинг ҳар бир ерида жамияти хайриялар очилуб, аларнинг тиётру шуъбалари ташкил топди, буларнинг энг машҳурлари Бокуда “Нажот жамияти” дурки, бу жамият тиётр воситасила Қофқоз халқининг ахлоқини ҳийла ислоҳ қилди, гафлатдин уйғонтурди, тараққий ва маорифга ҳавасларин ортдирди.

Ҳозирда тиётр воситасила ҳар йил мингларча ақча жамъ қилур. Юзларча мусулмон фақир ва ожизларга ёрдам берур. Қўлидан келгунча миллатининг номус ва обрўсини ҳифз<sup>306</sup> қилур ва шаҳарнинг атрофида бўлгон кишлокларда ўттузга яқин мактаблар очуб, ислом болаларини тарбия ва таълим қилур. Юзларча миллат болаларини тарбия қилуб, ўқитуб, ҳақиқий миллат ва ватан ходимлари этиб майдонга чиқарур. Модомики, бизим энг яқин қўшниларимиз ва ватандошларимиз ва диндошларимиз бўлгон тоторлар ва Қофқоз мусулмонлари бу тариқа тараққий ва тамаддунга қадам кўйдилар. Ва ёлғиз тиётр воситасила ўз миллат ва ватанларина бунча хизматлар кўрсатдилар.

<sup>306</sup> Ҳифз – сақлаш.



Биз, туркистонликлар на учун онлардин ибрат олмаймиз? На учун ўз тилимизда тиётрлар ясаб, орамизда бўлгон бузук одатларни йўқ қилмоқға ҳаракат қилмаймиз? На учун Туркистонда биргина бўлгон жамиятимизни ва фақирликдин инкирозга юз тутган мактаб ва маорифимизни ободлигига саъй ва кўшиш қилмаймиз? Бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидин энг бой мамлакатлардин бўла туруб, на учун ўзумиз бундан фойдалана олмаймиз?

Мана, кетба-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдин хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдур. Бу нодонлик ва дунёдин хабарсизлик балосидан кутулмак учун энг аввал орамизда ҳукм сурган бузук одатларнинг бузуклигини билмак ва ўрганмак керакдур. Бас, бизга бу билдурғувчи ва ўргатувчи ёлғиз тиётр саҳнасидур. Сониян онларни тарк қилмак керакдурки, они тарк қилдирувчи яна жамият ва тиётр воситасила очилгон мактаб ва мадрасамиздур. Шул сабабли ҳимматли ёшларимиздан ва ҳимматли бойларимиздан бу тиётрларга фақат ўюн ва масхарабозлик кўзила боқмасдан, миллат ва ахлоқ жиҳатидан энг ибратли бир манзара ва улуғлар учун очилгон фойдали бир мактаб назари ила боқмоқларини ожизона арз ва истирҳом қилурман.

*Мунаввар қори Абдурашидхонов.*

*Туркистон вилоятининг газети. 1914 йил, 2 март.*

### *Теётр (театр) надур?*

Теётр надур? Жавобиға теётр ибратнамодур, теётр ваъзхонадур, теётр таъзир адабидир. Теётр ойнадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, кар-кулоқсизлар эшитиб, асарланур. Хулоса, теётр ваъз ва танбиҳ этгувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабих ва зарарини аёнан кўрсатгувчи-

дур. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очик ҳақиқатни билдурғувчидур. Айни замонда яна тамошогоҳ ва ёинки кўнгул очгувчи миллий ва адабий жамъиятларни боисидур. Тараққий қилган миллатлар теётрхоналарни улуғлар учун мактаби адаб ва ибрат атайдурлар. Тараққий қилмоқни энг биринчи сабаб ва боисларидан бири теётрлардур деюрлар. Теётрларнинг яхши ва ямон одатларни сарроф<sup>307</sup> ва мунаққиди дерлар. Умумий одатларни нафъи ва зараридан пайдо бўлатургон натижаларни теётрхонада айнан кўрсатурларки, ҳар ким мундан таъсирланиб, ямон одатларни тарк этиб, яхшиликни зиёда ишламоқға сабаб бўлур. Ҳар замонни бир усули эҳтисоби<sup>308</sup> бордур. Бу замонда теётрхоналар ҳам ямон ва зарарлик одатларни эҳтисоб ва танқид қилиб ямонлигини, қабихини ҳалойикға кўрсатиб ваъз ва насихат этгувчи бир жойдур. Теётрхона саҳналаринда кўюлатургон асарлар фожеа, яъни қайғулик, музҳика, яъни кулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб, ҳалойикға кўрсатилур. Ул воқеадаги ямонлик ва яхшиликни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким кўруб, англаб, ибрат олур ва ямонликдан қочиб, яхшиликға ҳаракат қилмоқға, теётрда кўрсатилгон воқеалар сабаб бўлур.

Ҳикоят ва ёинки насихат китобларинда баъзи бир ҳодисани баён қилингандурки, ўқуб, асабланиб, лаззат олинадур. Аммо теётрға махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшиткандан зиёдадур. Яна теётрда саводсиз одам кўзи ила кўруб, кўзсиз одам эшитиб, кар мушоҳада этиб, ибрат ва лаззат олар. Хулоса: теётр бир навъ мактаб ҳукминдадур. Тараққий қилган халқлар ўртасинда теётр у қадар тараққий эткандурки, ҳар кун бир янги асар тасниф бўлуб,

<sup>307</sup> Сарроф – пул даллоли.

<sup>308</sup> Усули эҳтисоби – ҳисоб китоб усули.



сахнада кўюлур. Асарни ёзган муҳаррирға минг сўм ва ўн минг сўмлаб ҳадя бериб, асарини мушаххислар<sup>309</sup> сотиб олиб, сахнада кўюб фойда қиладурлар. Баъзи бир теётр асарлари эски бўлмай ва ҳалойикни кўнглиға урмай, бир шаҳарда йигирма-ўттиз, ҳатто юзинчи дафъа кўюлганлари бордир. Теётрға кўюлгон асарни ортуқча ва ё оз ерларини ва егишмаганларини маишати миллиядан хориж нуқталарини муҳаррирлар, жаридалар ила танқид этадурлар. Халойикға маъкул бўлуб ва ё бўлмагани ила теётр муҳарририни хурсанд ва ё ғамлик бўлур. Муҳаррирни асари яхши чиқса, ҳар ким они табрик этар ва шуҳрати зиёда бўлур. Ва бул бошка муҳаррирларни ҳаракатға келишиб, яхши асарлар ёзилмоқларига боис бўлур. Теётр учун муҳаррирни не қадар чуқур ўйлагувчи зариф ва назокатлиги лозим бўлса, мушаххас (ходисани кўрсатгувчи)ларни ҳам тавоно ва муқаллид ва ҳар нимарсани ўзидек қилиб кўрсатгучи, нуқтадон бўлиши лозим бўлиб, бул алоҳида бир санъатдурки, оврупалилар мунга ҳам алоҳида мактаб ижод қилгандурлар.

Сўзни қисқаси, теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва анда мушаххис бўлатургонлар “ўюнчи ва масхарабоз” бўлмай, балки мушаххис ва муаллими ахлоқдурлар. Тараккий қилган халойик орасинда мушаххислар ҳам кибор ва муҳтарам синфлар қаториндадур. Хусусан, ўз киссаси нафъига мушаххислик қилмай, балки мактаб ва ўз миллати нафъига мушаххислик қилганларни қадри ду боло<sup>310</sup> зиёдадур.

Бизни Туркистон ва Бухорода миллий теётрдан асар йўқ эди. Муҳаррири ожиз “Падаркуш”ни ёздики, ўтган февраль ойинда Самарқанд, Хўжанд, Бухоро ва Тошканд ва Каттакўрғон шаҳарларинда миллат нафъи учун

<sup>309</sup> Мушаххис – шахсийлаштириш, худпараст, индивидуалист

<sup>310</sup> Ду боло – икки баробар.

кўнгулли-лар сахнада кўюб, тўрт-беш минг сўмни тўрт-беш кечада жамлаб, мактаблар фойдасига бердилар. Мана энди муҳтарам Самарқандий кўнгулли мушаххислар гайрат қилиб, яна “Падаркуш”ни Самарқандда еттинчи мойда сахнага кўюб, ҳосилини мактабларға сарф учун бердилар. Муҳтарам ҳамшаҳарларимиздан рижо этармизки, келиб кўргонлари гуноҳ бўлгон жойини кўрсатсалар. Инчунун, асарни танқид этиб, бузук ерини матбуот ила баён этсалар, токи боиси ислоҳ бўлинса. Аммо, бу кунгача муҳтарам аҳли қалам “Падаркуш”ни бузук ерини кўрсатмай, балки “кулдургучи ва ҳам йиғлатгучи носих ва нофё асардур” холинда табрик ва тақризлар ила ёздиларки, биз аларға ташаккур айтармиз. Асаримизни кабиҳини ёзгон кишиға зиёдароқ ташаккур этмоқға мадёнмиз, чунки боис ислоҳдур. “Мутақаллимро тоайб нагиранд – суханаш ислоҳ напазирад (“Сўз сўйлагувчини айб этмагунча, сўзи тузалмайдур). Баъзи бир аҳли ватаннинг теётр асари ёзмоқға машғулликлари эшитилурки, асарларига чаҳор-чашм<sup>311</sup> ила мунтазирмиз. Ёзилган асарларни кўнгулли дасталари сотиб олиб бостурсалар, фойда ҳам қиладурлар. Чунки бир кишиға ҳам асар ёзиб, ҳам бостуруб ва ҳамда сахнада кўйдурмоқ мушкулдур. Дасталар сотиб ола берсалар, асар-да кўпаюр. Туркистонда ойинда бир асар таҳрир бўлинсада, кўблик қилмайдур.

*Маҳмудхўжа Бехбудий.*

*Ойна. 1914 йил, 29-сон. 550-553 бетлар.*

#### *Тошкандда мусулмон жамияти*

Тошкандда бундан тўрт сана муқаддам очилмиш бир мусулмон “Жамияти хайрия” бор. Бу жамият бошида

<sup>311</sup> Чоҳарчашм – тўрткўзлик.



ёшларнинг саъй ва ижтиҳоди<sup>312</sup> ила очилган бўлса ҳам, баъзи сабаблара мубанний Тошканд ағниёларина<sup>313</sup> топширилмиш ва шул замонғача ёшлардан фақат бир-икки кишининг таҳрик ва иштирокила бойлар тарафидан идора қилинмоқда эди.

Жамият ағниёи киром қўллариди ўз шаънига муносиб зўр ишлай олмаган бўлса ҳам, моддий жиҳатдан хийли кувватланди. Етти минг сўмдан зиёда сармояга молик бўлди. Ҳар йили икки-уч мартаба умумий мажлис ва ўн-ўн икки мартаба идора мажлислари ясаб, аъзолардан пул йиғди. Ариза бериб, иона сўровчи беш-ўн (нафар) факир ва ожизлара ёрдам бериб турди.

Ағниёи киром жамиятдан ўз ёрдам ва ионаларин дариг тутмадилар. Бунинг исботи учун Тошканд ағниёларидан хурматлук Орифхўжа эшон жанобларини ўтган йил жамиятга бирдан минг сўм иона берганларин ва шаҳарнинг ўртасидан бир ҳовлиларини “Дорул ожизин” учун инъом қилганларин зикр этмак қофи ўлса керак. Лекин олти-етти милён мусулмонли Туркистоннинг маркази ўлан Тошкандда очилмиш бир мусулмон жамиятининг жузъий (майда) ишлар илангина қаноат этуб турмоғидан Тошканд ёшлари ҳар вақт сиқиладурлар ва санавий ҳисобнома ва сарфномаларини газеталарда ёзуб, нашр этмақдан уйолурлар эди, биноаналайх, Тошканд жамияти халқ ҳам ҳукумат номинда бутунлай эътибордан тушмиш ва ўлмакка маҳкум, оғир бир хасталикка дучор ўлмиш каби эди.

Жамиятнинг эски обрўсин қайтармак ва уйқудан уйғатмак учун бирдан-бир чора идора ишларини бутунлай ёшлар қўлина бермак, лоакал идора аъзоларининг аксарини ёшлардан сайламак фикри такрор-такрор талқин

<sup>312</sup> Ижтиҳод – ҳаракат, жаҳдлар.

<sup>313</sup> Ағниёларина – бойларига.

ўлинса ҳам, бунга эътибор этувчи оз эди, балки “Жамият ёшлар қўлина берилса, йиғилган пулларни сарф қилиб тамом килурлар, ўзлари пул йиғолмай, шунинг ила жамият бепул бўлиб ёпилур”, дейучилар кўпроқ топилур эди. Ёшлар эса жамиятдан ҳамон умид узмилар, энг оғир ишларни ишлилар ва ҳар йили бир-икки мартаба кўзғатиб, умумий мажлислар ва сайловлар қилиб ва ўзларидан кўпроқ киши ўткармакка мулойимона ҳаракатларда бўлиналар эди, лекин келажакда ағниёларнинг иона ва ҳимматлари жамият учун биринчи даражада лозим ўлдиғини эътиборга олиб, онларга қаршу жиддий ҳаракатлардан мумкин қадар сақланар эдилар.

Ёшларнинг бу совуққонлик ва сабрликлари бу сана яхши натижалар берди. Бойларнинг ўзлари иттифок қилиб, ўз ораларидан фақат бир раис ва машварат аъзоси вериб, бошқа аъзоларнинг барчасин ёшлардан сайладилар, ёшлар ҳар ишда бойлар ила машварат қилиб турмакни, бойлар ҳам ҳар вақт қўлларидан келган ёрдам ва ионаларини дариг тутмасликни бир-бирларина ваъда қилишиб, қўлга-қўл беришиб, иттифок ила ишга тутиндилар.

Бу иттифокнинг натижаси ўлса керакки, Тошканд жамияти бу йил бутунлай бошқа тусга кирди. Уйқудан уйғониб, кўзларин укалаб, атрофга назар сола бошлади. Қонунда зикр этилган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шуруъ қилди, бошлаб бир неча йилдан бери қарор берилубда очилмай ётган “Дорул ожизин”ни расман очуб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга олди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки юз сўмлаб ионалар берди. Бир неча бева ва бечораларга ойлик ионалар бермакда ва олтмиш қадар факир ва қашшок болаларни турли мактабларда ўқитуб тарбия қилиб турмакдадир.



Жамиятнинг янги аъзолари бундай сарф илагина қаноатланмади, балки молия жиҳатини қутламак учун аъзоларнинг йилда берадургон олти сўм садақалари кифоя қилмаслигини билиб, пул топмакка ҳам янги йўллар излади, бошлаб “Грамофон общество” сила сўйлашиб, ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмоқ шартила бир неча ҳофизларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларининг товушин сотди, бундан фақат шу йил ичиндагина лоақал икки минг сўм кирса керакдур.

Учинчи йўлда шаҳар боғининг ёзлик театрусида бир мартаба инспектакл қўйиб, олти юз сўмга яқин фойда қилди. Бунинг устига, ушбу августнинг 8-куни рамазон муносабатила Шайховандитохур боғида бир мартаба “Томоша кечаси” ясади, ушбу томоша кечасининг даромадва буромади ушбу тарика бўлди:

Сотилган билетлардан 1387 сўм 54 тийин.

Чойхонадан дохил 59 сўм 42 тийин.

Жаъми даромад 1446 сўм 96 тийин.

Масорифи билет маркаси 126 сўм 14 тийин.

Бошқа масорифлар 233 сўм 65 тийин.

Жаъми масориф 359 сўм 79 тийин.

Жамиятга қолган хос фойда 1087 сўм 17 тийин.

Мусулмонлар тарафиндан биринчи мартаба ясалган ушбу томоша кечасиндан бунча фойда ўз-ўзидан чиқмади, балки бунинг учун Тошканд ёшларининг кўп ғайрат ва ижтиҳодлари ҳам чарчамай ва ҳеч кимнинг шикоят ва ҳақоратига қулоқ солмай қилган саъй ва ҳаракатлари ўлди.

Бу томошалар жамиятга фақат моддий жиҳатдангина фойда келтуруб қолмай, балки маънавий жиҳатдан ҳам кўп фойдалар келтурди. Тошканд жамиятининг исмини унутган ёки ҳеч бир жамият деган сўзни эшитмаган Тошканд мусулмонларининг етти яшаридан етмиш

яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яхудий ва арманилар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмак мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очик билинди, бу эса Тошканд мусулмонларининг ҳийли рухлари кўтарилмоғига ва жамиятга муҳаббат ила қарамокларига сабаб ўлди, шу сабабли ушбу томошаларни бошқарган ёшларга ва буларга ёрдам бериб турган шаҳар полиция мейстрина жамият аъзоси чин кўнгулдан ташаккур этадур ва келажакда яна шундай хизматларда бўлиниб, халқ ва жамиятга фойда еткуродургон ёш йигитларимизнинг амсолларин кўпайтирмакни жаноби Ҳақдин истидоъ қиладур.

Жамият раиси муовини: Мунаввар қори.

*Мунаввар қори Абдурашидхонов.*

*“Самарқанд” газетаси. 1913 йил, 20-23 август.*

#### *Газета ўқумоқ манфаати*

Биз туркистондиларга газета ўқумоқ у қадар расм ва таомил эмас. Агар газета ўқумоқнинг манфаатини билса эдук, ёки газета ўқув маъносиға тушунса эдук, хатто бир нафас ўлсун, газета мутолаасидин воз кечмас эдук.

Газета ўқумоқ у қадар лаззатли шайдурки, бунинг лаззатини фақат қалам ила тасвир қилиб бўлмас.

Лекин газета ўқуб лаззат топмоқ учун тарих ва жуғрофиядан хабардор бўлмоқ керак. Чунончи, бу кундаги Туркия ила Италиё сўғушиға<sup>314</sup> мутааллук<sup>315</sup> хабарларни ўқуб англамоқ учун бу икки давлатнинг, филжумла жуғрофияси ила тарихини билиб, мавқеъи муҳораба<sup>316</sup> харитасини кўз олдиға тутмоқ керак. Шундай бўлмагон ҳолда газета ўқувчи ўқиған хабарларидин истифода эта

<sup>314</sup> Суғушиға – бирлашшиға, келишишиға.

<sup>315</sup> Мутааллук – таалукли.

<sup>316</sup> Муҳораба – урушиш, жанг қилиш, ҳарбий.



олмайду. Бизнинг халқ аксарият ила газета ўкумайлар. Газета ўқувчиларидин ҳам ўн нафаридин тўққизи газетадан лозим даражада истифода қила олмайду. Чунки тарих ва жуғрофиядан озгина ўлсун хабари йўқ. Ҳатто ўз баладасини<sup>317</sup> жуғрофиясини ҳам билмас.

Билмоқ керакким, газеталарни яхши ва истифодалисини<sup>318</sup> ўлдиғи каби истифодсиз<sup>319</sup> лиғи ҳам бўлу. Шунинг учун газета ўқувчи бул хусусида диққат ила газета интиҳоб қилмоғи керак. Бир давлат ёки миллатни маориф ва саноғи<sup>320</sup> тўғрисида на даражада эдикини билмоқчи бўлсангиз, жуғрофия ва газета воситаси ила билурсиз.

Хулоса, жуғрофия ва газета бир ойнаи жаҳоннамодурки, тамом ҳаракат ва аҳволи аҳли илм буларнинг воситасила билиниб тураду. Буларни ва тарихни ўқуган киши бир миллатнинг тараққийси ва ё инкирози налар ила ўлажағини камокона билур<sup>321</sup>.

Ва бундин сўнг дин ва миллатни яши кўратурган бўлса, тараққийси учун мумкин қадар ҳар бир чорая ташбиш эдар.

Бизнинг Туркистонга эса ҳатто бир дона ўлсун, миллий газета йўқду. Бизнинг ҳаётсизлигимиз ва ҳам маорифи замон ва саноғи жадидадан бутун бебахра ўлдугимиз далил бўлса керак. То бир миллий газетая молик бўлгунча, биз ушбу “Туркистон” газетасига мақолаларимизни юбориб турармиз.

Ҳар ким ҳар на деса десун, биз ўз маслакимизда хизмат эдармиз.

<sup>317</sup> Балада – шаҳар, давлат.

<sup>318</sup> Истифода – фойдали.

<sup>319</sup> Истифодсиз – фойдасиз.

<sup>320</sup> Саноғи – санъат.

<sup>321</sup> Камокона билур – озгина бўлса, ҳам.

Мақолаларимизни газетага дарж этдики учун соҳибидин ҳам миннатдормиз.

*Ҳожи Муин.*

*Туркистон вилоятининг газети. 1911 йил, 24 ноябрь.*

*Ўз байрамларимизни эҳтиром этмоқ керак*

...Ер юзидаги ҳар миллат, хусусан, ҳиссиёти диния ва миллияси ила мутахассис бўлган мутамаддун миллатлар ўзларининг муқаддас диний ва миллий байрамларини ҳурмат қилуб, байрам кунларида одатий касбу корларини таътил этарлар. Ва ўз динларинча муқаддас саналган байрам кунларини қариндош ва ёру дўстларининг ҳолидан хабар олмоқ, халқ фойдасини назар эътиборга олиб, мажлислар ясаб, миллий ва диний маслаҳатлар ила ўтқарурлар. Улар ўз манфаати шахсиялари учун касби мол ва таҳсили сарфат<sup>322</sup> йўлида нақадар ижтиҳод этсалар, замоне келганда нафъи халқ ва таъмини истиқбол йўлида ғайрат ва сарфи мол этмақдан тортинмайлар. Ҳатто, вақти келган ватан ва миллат йўлига жон фидо қилмоқни ўзларига шараф ва саодат билурлар. Хулоса, ўзга миллатлар таҳсили маориф ва сарватни нақадар севсалар, дин ва миллат байрамларини ҳам шул нисбатда яхши кўруб, ақча учун байрам ва миллий ишлардан воз кечмайдилар. Энди ўзимизга келсак, ҳафталик жумъа байрамимиз нари турсун йилда бир маротабадан келатургон ийди рамазон ва қурбон ва мавлуд кунларида ҳам касбу коримиздан қўл тортмаймиз. Баъзан қўл тортганда ҳам шундай муқаддас кунларни, қадр ҳикматини билмай, самовархоналарда чойхўрлик, базм мажлисини куруб, жувон ўйнатмоқ ва майхоналарда юруб ичгулик, фаҳш ва фасод ила ўтқарурмиз...

...Бу нимадандур? Аҳқому фалсафиёти диниямиздан ҳаққинча хабардор бўлмаганимиздан. Мухтарам дин

<sup>322</sup> Сарфат – харажат.



бошлиқларимизнинг ўз вазойифи динияларини эҳмол килиб, ҳар ишни тақдирга ҳавола қилганларидан тўғриси жаҳолатни ҳукмфармоликдандур, десак фикримизга асобат қилган бўлурмиз. Ҳар ҳолда биз истиқболимиздан ноумид эмасмиз. Чунки, бу сўнг кунларда бизнинг Туркистонда ҳам бироз интибоҳ асари кўруна бошлади.

Онинг натижаси ўлароқ бир ёқдан неча адад мактаб вужудга келди. Иккинчи тарафдин ўз шевамизда икки-уч миллий жаридалар чиғабошлаб, бақадрал ҳол ўз вазифаларини адо этмақдадурлар. Агар ушбу ҳол ила давом қилаверсак, яъни Туркистон ёшлари мактаби ибтидоиянинг кўпаймоғига ҳаракат қилуб, жариди воситаси ила миллий, диний ишларимизнинг ислоҳ йўлини кўрсатаверсалар, оз замонда Туркистонимиз ҳам маданиятли мамлакатлар қаторига кируб, ҳаёт ва мамот масаласидан иборат бўлган ҳуқуқи мадания ва миллия каби шайлардан хабардор бўлуб кетишимиз шубҳасиздир. Юқоридаги сўзлардан маълум бўлурки, диний ва миллий байрамларнинг қадрини билмақ учун илм керақдур. Илмсиз миллат на дин, на байрам каби муқаддас шайларнинг ҳақиқат ва ҳикматларини танимас экан, бас, биз Туркистон мусулмонларига ўз динимизни тамоман билмоқ ва миллиятимизни лозимизича муҳофаза қилмоқ учун ўзга миллатлар каби таҳсили улум ва фунун йўлига ижтиҳод ва ғайрат, сабот ва истиқомат қилмоқ лозимдур.

Ҳар оқил ўлур гарчи ризододаи тақдир,  
Лекин яна тадбир орёмақ бошқа закодур.  
Ғайратдур эдан одами ҳар мақсада нойил,  
Танбалликка майл этмаки, анжоми фанодур.

*Ойна. 1914 йил, 35-сон, 826-827-бетлар.*

*Наманганда маҳаллий амалдорларнинг  
сайланиши ҳақида*

Туземной газит идорасига бир хабар афсуси аср 1910 йилги аҳволоти халқияларимиздин надомат қиладургон ишлар воқъе бўлиб, халқни ҳаракатга соладур. Оли афсус, аҳли илм ва аҳли фатвойи шаърият ишларига алоқадорлик ёки мирофлик<sup>323</sup> одамларга гўё табодул олам<sup>324</sup> ёки табодул мулк<sup>325</sup> бўлгон каби кўринадур, чунончи, ҳар ерда бўлган сайловлар хусусидаги бетартибликлар ва бефикрликлар миллатга ошно кишиларни ниҳоятда гусса ва андишаларга соладур. Чунончи, Ўзганд қози сайловидек Наманган аҳолисига ҳам атрофларида кўп бўлишлар муҳофизоти қилиб, ўз қозилари илан тортишиб, элликбоши дегонлар халқларни ўз ихтиёрига қўймаганларини, ҳамма ерда пристав ва ҳокимлар билиб туриб монъе қилмаганлари фикрга соладурки, бўлустнўйлар фақат одам ҳозирлаб бермакка ҳадди бор. Бўлак хусусида даҳли йўқ деб фаҳм қиладилар. Эмди маълум бўлдики, бўлак хусусда ҳам кўп даҳли бор экан. Иккинчи шулки, элликбошилар сайловида халқ элликбошини андиша ва фикрлик дарбон кишидан қилмаганлари ўзи инқирозга йўл тутганларини кўрсатадур. Машалло, бир одамни қозиликка сайладилар. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон, майли, қози бўлишни положенияда 223 бобда зикр қилгондурки, эътибори бор, етти кундин зиёда ҳибс бўлмагон, 30 сўмдин зиёда штраф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам бўлур, деган экан. Олим ё илми аҳмоқ, ё доно киши, ё шариат биладургон ва ёки низом биладургон демагани шулки, фақат инсон бўлсун. Мазкур айбларга дучор бўлмагон бўлсин дегони бул вилоятларимизга катта

<sup>323</sup> Мирофлик – маҳкамадаги мансабдор шахс (қози).

<sup>324</sup> Табодул олам – олам ўзгариши.

<sup>325</sup> Табодул мулк – ҳуқумат ўзгариши.



йўл бўлиб, саводи бўлмаса ҳам майли, саводи бўлса ҳам майли, положенияда илм кифоя қиладургон ҳам деб ёзмоғондур. Ҳибс бўлмагон, штраф тўламагон, ёши йигирма бешдан зиёда деган сўз катта важ бўлиб, алҳолда кўрасиз кимларни қўлларига бул катта шарият ҳукмини топширадурлар. Ўн бешинчи номерлик газитда бир муҳаққиқ Салоҳ имзосида ёзгон мақола хўп дуруст, тўғри мақола эканки, башарти қозилар мулладин, уламолардан бўлса қодир имтиҳон бўлурлар эди. Бул инсони фақирни мансаби қозига ўтқузганда ажаб томошалар чиқаду. Лекин, сўзи ҳақ, ўзимиз айбдор, на учунким миллатимизни қавий бўлмағони.

Ҳеч фикр андиша қиладургон киши йўқ, андиша қиладургон одамни одам ҳам ҳисоб қилмайдурлар. Бул ҳам ўзимизни бефикрлигимиздан бўлур. Хўп оми ҳам бўлсун, оми ҳам фақат ўз раъйи илан иш қилишга қодир эмас, шарият масалаларини муфти ва уламолар кўрсатиб фатво берадурлар. Анда ҳукм қилса керак. Шунчалик эканки, фалон ерда омидан қози қилибдур, раҳмат ёки лаънат деганда, ўттиз минг аҳли бўлса ўттиз мингдан раҳмат ёки лаънат тегадир. Шунчалик, бари хулоса ва ҳукмлар бўлса, положенияни бобига мувофиқ, элликбоши деган халқ хоҳлаганига мувофиқ, кимгаки шарр<sup>326</sup> кўп тушса, они ёзар экан. На қилсунлар, бул хил қилсалар положенияга мувофиқ бўладир. Положенияда шаърият биладургон мулладин дегон эмас экан, ўзимиз хоҳлаганимиз нима ва ким бўлса они қилурлар, уларга ким ва нима бўлса ҳам даркор эмас экан. Бинобарин, ўз халқимиз бири паст, бири баланд, деб беиттифоқ бўлурлар.

*Исҳоқхон Ибрат.*

*Туркистон вилоятининг газети.  
1910 йил, 21 март. 22-сон, 2-бет.*

## 1 §. Бухоро амирлиги матбуот материаллари

### *Имрон ватан*

Бу кун газитамизда Термиздан идорамизга юборилган бир мактубни мақола(да) фатхор дарж қиламиз<sup>327</sup>. Ватандошларимизнинг ғайратлари илан ва фаолиятлариндан бир намуна ва ҳасор кимга<sup>328</sup> дарс ибрат бўлган бу мактубни умумнинг назар диққатларига арз қиламиз. ...Мана бу кун Шеробод вилоятининг муҳтарам аҳолиси бўлган ватандошларим мани бу ҳисрат шубҳадан чиқардилар. Бол фамол амлият илан кўрсатдиларки, фил ҳақиқа ғайрнинг ҳиммати тоғларни ериндан йўқ ва яксон қилар экан.

Инженер Онануф (Аннаньев)нинг тарх<sup>329</sup> ва тартиби важи илан уч дурут санада<sup>330</sup> ва милиунларча мазораф<sup>331</sup> илан бўлажақ 30–40 чақиримлик ариқ (канал) ни 1500 одам 50 кунда тамом қилибдурлар. Эллик кунлик ҳимматлари илан фақат Шеробод эмас, балки такмил<sup>332</sup> ватанимизга обод ва умумватандошларимизга бир дарс ибрат бўлибдирлар. Умумдеҳқон қариндошларимиз мундан ибрат олсунлар ва ... муни назар диққатларига ва фикр-мулоҳазаларига олуб, деҳқон қариндошларимизга таблиғ<sup>333</sup> қилсунлар.

Чунки, Бухоро шаҳри атрофини, саҳролари ва туманлари баъзи саналар сувсизликдан паришон бўлуб қоладир. Шаҳар аҳолиси ҳар турли хасталиқларга сабаб бўлгучи

<sup>327</sup> Фатхор дарж қиламиз – фахр билан баён қиламиз.

<sup>328</sup> Ҳасор кимга – ҳар кимга.

<sup>329</sup> Тарх – қискартириш, минус қилиш.

<sup>330</sup> Уч дурут санада – уч йил олдин.

<sup>331</sup> Мазораф – харажат.

<sup>332</sup> Такмил – бутун.

<sup>333</sup> Таблиғ – тарғибот, тушунтириш.



сувлар ичарга маҳкум бўлуб, нақадар жонлар, одамлар ғайуб ва талаф қиладир<sup>334</sup>.

Агар мамлакатимизда Оврупадек ҳар иш хусусинда истатистук<sup>335</sup> ҳисоботи бўлса эди, кўрурдикки, Бухорои шариф аҳолиси хусусларининг зарариндан ҳар сана қадар одам ғайб<sup>336</sup> қиладир.

Дигар жиҳатдан саҳроларимизнинг маҳсулот ва мазраъатида<sup>337</sup> сувсизликдан қанча зарардида бўлуб бормокдадир. Агар худо бериб, Зарафшон наҳриндан оз-моз сув келса маҳсулотимиз яхши, агар сув бўлмаса мамлакатимизда қаҳат ҳукумфармо бўлмоғи бошлайдир. Зарафшон наҳрининг суви тоғларда қор, водийларда ях бўлса, ҳосил бўладир. Бўлмаса, бир катра сув ҳосил бўлмайди.

(Жайхун) наҳри соатда милиунларча машак<sup>338</sup> сувни бекорга (Орол) денгизига окизмокдадир. Муҳандислар Шерободда кўрсатганларидек, Амударёдан Бухорога келтуражақ (канал) учунда милиунларча матараф ва саналарча муддат кўрсатган эдилар. Агар бу кун шерободликлардан ибрат олуб, Амударё лабиндан бўлган (Фароб) истансасининг шимол тарафлариндан Бухорога тўғри бир канал ва наҳр очилурга ғайрат қилунса, ўз вақтида тамом бўлуб муфкиг<sup>339</sup> ҳосил бўлажағи шубҳасиздир. Бу канални қазимоқ ғоят осон ва енгил бўлажақдир. Чунки, Амударё илан Бухоро орасинда баланд бўлган тоғлар йўқдир. Ерлари аксари юмшоқ ва қумлоқдир. Шул сабабдан қазилмоғи учун заҳмат оз бўлажақдир. Янада, Амударёдан қазилажақ каналнинг

<sup>334</sup> Ғайуб ва талаф қиладилар – касалликка чалинадилар, вафот қиладилар.

<sup>335</sup> Истатистук – статистик.

<sup>336</sup> Ғайб – нобуд.

<sup>337</sup> Мазраъат – экинзор.

<sup>338</sup> Машак – лойка, (сарик).

<sup>339</sup> Муфкиг – мақсад, мурод.

узунлиги ниҳоят юз чақиримдир бўлажақдир. Шерободда 1500 одамнинг 50 кун ғайрати илан 30-40 чақиримлик ер қазилган каби, Бухоро ва атрофиндан жаъм қилинажақ 3000 одам илан Амударёдан юз чақиримлик (канал) нинг 87 кунда қазилуб тамом бўлмоғи лозимдир. Хусусан, бизнинг деҳқонларимизда хашар бир одат ҳукминдадир. Доимо хашарга кетмоқ, ариқ қазимоқ илан кун ўтқарадилар. Ҳукумат жалиламит<sup>340</sup> жаннат миробининг ва ё бошқа бир фаол одамнинг тоат риёсатинда неча зотдан ибора ҳайъат ташкил қилдируб, умумий хашар барпо қилдурса, оз фурсатда мамлакатимиз обод бўлурди. Хусусан, шу вақтлар зимистон муносабати илан деҳқонларимиз бекордилар. Нувбат ва нувбат саҳролар, туманларидан одам жаъм қилинса, деҳқонларимиз учунда кўб мушкул бўлмасди. (Канал) қозигучиларга хазина жалиладан ва Бухорон Шариф аҳолисидан моддий ёрдамлар қилинса, иш осон бўлурди.

Хулоса, бир ғайрат, бир ҳиммат илан муборак ватанимиз обод, маъруф бўлур ва ката бир асар маданияда вужудга келган бўлур. Ғайрат! Ҳиммат! Ватандошлар!

*Ғиёсалиддин (Ғиёсиддин).*

*Турон. 1912 йил, 4 декабрь. 38-сон.*

#### *Ободи ватан*

Бухорои шариф давлатида Шеробод вилоятининг фуқаролари мундағи хуво Русия ва хуво мусулмонларни таъжуб ва ҳайратда қолдирдилар. Яъни, инжинир (муҳандис) Анануф номлик бир киши Шеробод ерларини обод қиламан деб тараддуд қилур эди. Яъни, неча милиун сўм харажат қилиб Сурхон дарёсидан сув чиқармоқ учун уч ва тўрт йил ариқ қазитмоқчи эди. Шул жиҳатдан неча милиун сўм пул охтариб, Маскувга-да кетган эди. Ҳолбу-

<sup>340</sup> Жалила – буюк.



ки, бу Маскувга кетгач, Шеробод вилоятининг фуқаролари бир минг беш юз мардикор илан эллик кун муддатда мазкур Сурхон дарёсидан ўтгиз-кирқ чақирим ерга катта ариғ, наҳр казиб сув чиқардилар. Дафъада<sup>341</sup> бенихоя бугдой, арпа экдилар, вақтида кўп пахта ҳам экадирлар. ...Бемухандис тез фурсатда мундоғ гайрат қилган фуқароларга тахсин ва офарин қилмоқ ҳар бир одамга лозимдир. Худо мувофиқ қилса, келадурган йил Шеробод вилоятида ғалла кўп бўлиб, манфаат давлатхона олий учун ва мундоғи Русия (гарнизунияга) ҳам кўп манфаат бўлса керак деб умид қиламиз. Ажабо бемилиун иш бўлди!

*Мулло Абдурашид.*

*Турон. 1912 йил, 4 декабрь. 38-сон.*

#### *Мактуб (Руки)*

Ҳозирги кунда, Бухоро мулкида фойда ва манфаат берадиган, иқтисодий ва тижорий тўкинчилик келтирадиган нарса бу – курмак<sup>342</sup>, яъни пилла савдоси бўлиб, у барчага фойда келтиради. Курмак етиштиришда биринчи навбатда унинг тухумидан эҳтиёт бўлиш зарур. Курмак тухумини етиштирувчи аниқ корхонадан ёки Самарканддаги корхоналардан олиб келиш зарур. Бу икки нарса унинг яхшилигига кафолот қилади. Уни олиб келгандан сўнг, хонанинг ҳаволи ва намсиз, ҳидланмаган жойига қўйиш керак. Бундан кўпчилик воқифдир. Қўйган жойи оғил<sup>343</sup> бўлса ҳам, у жой ёруғ, куёш нури тушадиган жой бўлса, фойда олиб бўлади.

Айниқса, елвизакли жойда пилладан зарар кўрилади, пилла қилса ҳам, бебарокот бўлади. Барг зада бўлмаган, ёмғир ёки кумда қолмаган бўлиши керак. Италияга

<sup>341</sup> Дафъада – тезда.

<sup>342</sup> Курмак – пилла (шева).

<sup>343</sup> Оғил – молхона.

тижорат билан борган дўстлардан бирининг айтишича, у Италияга пилла етиштириш пайти бориб қолган. Италиянинг барча олий хонадонлари 20-30 минг франк сарфлаб, курмак боқадиган уйлар қурадилар.... Катта чиллада ҳар бир киши курмакка 4-5 бор барг солиши керак. Биродарлар бу нарсадан фойдалансалар, қўллари анча пул кўриб, зарурий эҳтиёжлари қопланган бўлур эди.

*М. Б.*

*Бухоройи шариф. 1912 йил, 1 апрель. 18-сон.*

#### *Пилла олиш*

Бугунги кунда Бухорода пиллачилик таназзулга юз тутган бўлиб, айримлар рўзномамизга бу ҳақда шикоят қилмоқдалар. Бу фойдали ишни тараққий қилдириш йўлларини газетамиздан сўрамоқдалар. Дарҳақиқат, охириги пайтларда Бухорода, ёйинки, бутун Туркистонда пиллачилик қадим вақтларга қараганда таназзулга юз тутган. Чунончи, маълумки, пиллачиликнинг асл мабдаси Хитойдир. Узоқ замонлар пиллачилик фақат хитойларга хос бўлган. Ундан жуда катта тижорий фойда олганлар. Бутун дунёга абричин (абришум)<sup>344</sup> Хитойдан кетган ва ҳамма унга мухтож бўлган. Ва қадимги румликлар ҳам ўзларини шу материаллар билан беаганлар. Бу шойиларни ташиш ва ўтказиш фақат туркистонликларга хос эди. Улар бу тижорат молларини Хитойдан арзон олиб, ғарб вилоятларига етказганлар. Кўп вақтлар туркистонликлар шу иш билан, яъни ташиш ва ўтказиш билан кифояланиб қолганлар. Уни Туркистонда етказиш фикри бўлмаган. Бу тижоратни ривожлантиришдан катта манфаатлар борлигини кўргач, уни Туркистонга олиб келиш ва етиштириш фикрига келганлар ва кўп жидди жаҳдлардан сўнг пиллакорликни ўрганиб, чинлиларга

<sup>344</sup> Абричин – шойи (ипак).



мухтож бўлмасдан, ўзлари етиштира бошлаганлар. Ҳатто, бу тижоратни олиб бориш учун ҳамсоя<sup>345</sup> давлатлар билан кўплаб жанглари олиб борганлар ва ғарбга ўзлари олиб борганлар. Кўпинча, уни ўша вақтлардаги румликлар ва юнонларга сотар эдилар. Чунки, ўша вақтларда Европада шулардан бойроқ мамлакатлар йўқ эди. Лекин бора-бора турк ва мўғул тоифалари(нинг) бир-бирлари билан урушлари туфайли кучсизланиб, бўлиниб, бу тижоратдан ажралиб қолдилар.

Шундан сўнг, бу тижорат туркистонлилар кўлидан кетиб, румийлар кўлига ўтди ва улар ўз мамлакатларида бу санъатни ниҳоятда тараққий қилдириб, бутун Европага ёйдилар. Туркистон ва Хитой улардан орқада қолиб фойда кўрмади. Ҳозир ҳам Туркистон аҳолиси ... аждодларининг хатоларини тушуниб, бу ишни тараққий қилдирса, катта фойдалар олиши турган гап. Чунки, Туркистон ҳавоси бу ишга ниҳоятда қулай. Сотиб олувчилар ҳам кўп. Шунча пайт ухлаганимиз кифоя қилар, ҳалиям уйғониш учун вақт бор. Бу деҳқончилик ва пахтакорликка нисбатан анча осон ва фойдалироқдир. Агар Бухоро ҳукумати ва маҳаллий аҳоли кўлни-кўлга бериб ишласа, кўп фойдалар олади. Биз ҳам ўз газетамиз саҳифаларида бу масала борасида имкониятимиз даражасида таништириб борамиз ва фойдали мақолаларни мамнуният билан чоп этиб борамиз.

*М.Р.*

*Бухоройи шариф. 1912 йил, 15 апрель. 30-сон.*

#### *Туркистонда ипакчилик ислоҳи*

Питербургда 8 декабрда (ипакчилик жамияти)нинг мажлисида (Субулиувский) маърузоти ўқилди. Маърузот (доклад) ипакчиликнинг ҳозирги замонда Туркистондаги

<sup>345</sup> Ҳамсоя – кўшни.

аҳволдан бахотдир. (Субулиувский) ёзув хатида, Маскав жамияти тарафиндан Сирдарё, Самарканд ва Фарғона вилоятларинда ипакчиликнинг аҳволини билмоқ учун юборилган эди. Ипакчиликнинг кўп тараққий қилган ери Шарқий Туркистон<sup>346</sup> ва Закавказ (Кавказорти) вилоятидир.

Ипакчиликнинг Туркистонда марказлари Хўжанд, Самарканд ва Фарғона атрофларидир. Кўброқ тоғларга яқин қишлоқлардадир. Умум Туркистонда йиллик ... пилла ҳосилоти 200-250 минг пудга қадар тахмин қилинур. Қиммати 4-5 миллион сўмлар бўладир. Пилланинг кўпроғи Марсил (Марсел, Франция) ва Милан (Италияда), бир оз Маскавга (Москва) юбориладир. Қолгани Туркистонда сарф бўладир. Ипакчилик ишининг тараққийсинда бу сўнгги йилларда пахта монетъ бўлмоқдадир. Чунки, пахтадан фойда кўпроқ чиқади. Пилла тарбиясини яхши билмаганликдан баъзи зарар чекадилар.

Туркистонда жорий пилла тарбияси Италия ва Япония қодаларига мувофиқ эмасдир. Хориждан кетурилган пилла қуртиндан халқ кўп зарарга тушадилар.

Чунки, бу қуртлар аксар касал ва ярамас бўлурлар. Бу вилоятда икки пилла қуртининг қорхонаси бор эсада, ноқисдилар. Бу қорхоналар хориждан кетурилган ярамас, арзон қуртлар илан рақобат қилмоққа мажбурдилар. Бир қисм пилла уруғи Туркистоннинг шарқ сарҳадидан Қошғар ва Хўтанга юбориладир. (Ипакчилик жамияти) қобилият табииясини назар диккатга олуб, айтадур, Туркистондан 4-5 миллион сўмлик пилла чиқармоқ мумкин бўладир.

Туркистонда пиллачиликнинг тараққийси ва бир қадар тахтига олинмоғи учун ҳукумат ташаббуси лозимдир.

<sup>346</sup> Шарқий Туркистон – ҳозирги Хитойнинг Шинжаң уйғур мухтор автоном райони.



Ҳукумат ҳозирга қадар ипакчиликнинг тараққийси учун ... 6000 сўм сарф қилур экан. Пилла уруғи ссудасини бир қадар ва доира маҳдудга киргизмоқ ва касал бўлган уруғларни бозордан чиқармоқ учун иш ҳукуматнинг жиддий назоратига муҳтождир.... Русияда ипакчилик тараққий қилса ҳам, пилла мамлакат хорижияга юборилув экани, мамлакат хорижиядан олмоққа ҳожат қолмас эди. Жамият хабар олубдурки, ер ишларининг бош идорасинда Туркистонда ипакчиликнинг тараққийси учун бир муассаса илмия биносига лойиҳа ҳозир қилинмоқдадир. Ҳукуматнинг Туркистонда ипакчиликни тараққий қилдирмоқ учун ташаббуслар, ёрдам қилмоқға (ипакчилик жамияти) беш кишидан иборат бир ҳайъат ташкил қилубдир.

Турон.

1912 йил, 19 декабрь. 44-сон.

#### Қарши темир йўли

...Бу кунда Бухородан Қаршига тўғри тамдиднинг<sup>347</sup> Бухоро учун қандай фойдалари борлигини арз қиламиз:

Агар Қарши темир йўли Когондан тамдид қилинса, Русиядан келган моллар тўғри Бухорога келур. Ҳукумат жалиламизнинг вадоти кўб тазойид қилур<sup>348</sup>. Закоат ҳосилоти тазоф қилур<sup>349</sup>. Катта ссудалар Бухоро бойларининг қўлида бўлур. Бошқа мамлакатнинг жаъми савдогарлари Бухорога келурлар. Бунлардан, Бухорода кўп ақча қолур. Қаршига қадар темир йўл холис Бухоро туфроқиндан ўтар. Йўл бўйинда бўлган ерлар обод бўлур. Чўл ишга кирур. Зироат ва фаллоҳот<sup>350</sup> тараққий қилур. Йўл бўйинда бўлган шаҳарлар, туманлар, вилоятлар маъмур

<sup>347</sup> Тамдид – узайтириш, йўл ётқизмоқ (чўзилмоқ).

<sup>348</sup> Вадоти кўб тазойид қилур – ҳукумат хазинаси бойийди.

<sup>349</sup> Тазоф қилади – кўшилади.

<sup>350</sup> Фаллоҳот – деҳқончилик

бўлур ва шаҳарларда зироат бонкалари очилур. Фақир ҳиндиларга юзга қирк ва эллик қарз олмоқдан халос бўлур. Фақат юзга саккиз илан истақроз<sup>351</sup> қилуб, иш кўрмоққа одат қиладир. Когон катта бир шаҳар бўлур. Жаноб олий ҳазрат амирнинг вадодлари фавқулудда кўп бўлур. Мазкур темир йўл бир вақт Ҳисор тарафларига тамдид қилинса<sup>352</sup>, бошдан бошқа Бухоро мамлакат воҳасининг ғалласи вам увод<sup>353</sup> тижорияси тўғридан-тўғри Бухоро шаҳрига оқар. Йўл бўйиндаги мамданлар<sup>354</sup> чиқарилса, уларда тўғри Бухорога келур.

Афғонистон моллари учунда Бухоро тижорат маркази бўлур. Афғон ва Бухоро моллари олмоқ учун Русия ва Оврупадан келган савдогарлар Бухорога келиб, кўп ақчалар қолдириб кетарлар.

Мазкур йўл бир вақтлар Кофиристон<sup>355</sup> ва Ҳиндистонга қадар тамдид қилинурса, Ҳиндустон моллари учунда Бухоро тижорат маркази бўлур. Ҳиндистон моллари Оврупага Бухоро воситаси илан юборилур. Хулоса, Бухоро бу йўл воситаси илан дунёда биринчи тижорат маркази бўлур. Шулар маслаҳатларни савдогарлар, бойлар ва ҳукуматдорларимиз назар диққатларига олсунлар.

Мазкур йўл Самарқанддан кетарса, шубҳасиз, Бухоро бир шаҳар манзилинда бўлиб қолажақдир. Савдо-тижорат битар. Бухорода бўлган бунча банкалар, муассасоти молиялар барбод бўлур, изсиз йўқолур. Кўп одамлар ҳижрат қилурга мажбур бўлур. Ҳовлилар, ерлар арзон бўлур. Кўп одамлар ҳар тарафдан зардида бўлур. Бойлар, савдогарлар афсус қилур.

<sup>351</sup> Истақроз – кредит.

<sup>352</sup> Тамдид қилинса – чўзилса.

<sup>353</sup> Вам увод – бутун, тўлалигича.

<sup>354</sup> Мамданлар – маъданлар, ер ости бойликлари.

<sup>355</sup> Кофиристон – Афғонистоннинг шимоли-шарқида жойлашган тоғли вилоят, ҳозирги Нуристон.



Мана шу балолардан кутилмоқнинг чораси ҳар ҳолда Қаршига қалар бино қилинажак темир йўлни Когондан тамдид қилмоқдир. Бошқа чора йўқдир.

Когондан Қаршига тамдид ва тузилмоғи ширкат учунда, масрафликдор<sup>356</sup> муқа жихатинданда яхшидир. Катта тоғларга, восиъ нахрлар<sup>357</sup> га таздиф<sup>358</sup> қилинмайтур. Тахт мастуй (муставий) бир ердан темир фаш<sup>359</sup> қилинадур. Бул жихатдан ширкат учунда онса оти кўп арзон ва машаққатсиз бўлур. Ҳам тез тамом бўладир. Аммо, Самарқанддан тамдид қилинганда йўлда ҳеч баланд тоғларга, васиъ нахрларга тасаддуф қилинадир. Ҳам йўл узун бўладир. Ширкат учун машаққатлик ва масрафлик бўладир...

Ҳукумат жалиламиздан Бухоронинг хайъатиға (хаётиға) ва мамотиға таълуқ қилинган бул йўлнинг Когондан Қаршига тамдид қилинмоғи хусусинда саъй ва жихотни туқа<sup>360</sup> қиламиз. Ҳатто лозим бўлса, темир йўлнинг Бухородан Қаршига қадар ишғол қилинатурган ... турган ерларини бепул, манфаат ширкатга мақовлонома<sup>361</sup> доирасинда бермоғи мувофиқдир. Чунки, Бухоронинг иқтисодий тараккийси темир йўлнинг олатурган ерлариндан хайрликдир.

Бунинг иланда бўлмайуб, ҳамон Самарқанддан тамдид қилинар экан, масала қарор топган(га) қадар Бухоро мамлақати дохилинда<sup>362</sup> темир йўлнинг ўтатурган ерлари учун ғоят баланд баҳо қўйилганлиги шерикка эълон қилинсун. Масалан, (Жумъа) истансасиндан Қаршига қадар темир йўл қазилатурган ерларнинг бир газ

<sup>356</sup> Масрафликдор – сарф-харажат камрок.

<sup>357</sup> Восиъ нахр – кенг, чуқур дарё.

<sup>358</sup> Таздиф – тўқнаш.

<sup>359</sup> Тахти мастуй (муставий) бир ердан темир фаш қилинадур – текис ерда темир йўл ётқизилади.

<sup>360</sup> Туқа – илтимос, ўтинч.

<sup>361</sup> Мақовлонома – расмий.

<sup>362</sup> Дохилинда – ичда.

марбахи<sup>363</sup> учун ширкатдан кўб ақчалар талаб қилинсун. Шоядки, Бухородан тамдидига (чўзилишга) восила<sup>364</sup> бўлур. Фақат ҳар ташбат (ташаббус) Петербурғдан қарор лойиҳаси берилгунга қадар бўлмоқ лозимдир. Бир даъфа қарор берилгач, ишбонни кидирмоқ мушкулдир.

Шавкатли императур аъзам ҳазратларининг ноиблари мухтарам консул жанобларидан ва ҳукумат жалилиямиз<sup>365</sup> дан такрор ва олий алтакрор истиҳом қиламиз. Мазкур Қарши темир йўлининг тамдидини Когондан бўлдирмоқ хусусинда илтифот этсунлар. Токи Бухоро истиқболдаги иқтисодий инқилобдан нажот топсун. Бухоро савдогар ва тужжорларинингда бул хусусда назардиккатларини жалб қиламиз. Бухоронинг ҳаёт ва мамотиға таълуқ қилган бу темир йўл Бухоройи шарифнинг савдо ва тижоратиғада ўшандоқ таъсирликдир. Бу кун фурсатни ғанимат билиб савдогарларимиз, ҳукумат жалилиямизнинг садр аъзами бўлгучи жаноб ҳазрат паноҳки ва марҳамат марҳаматув императур аъзам ҳазратларининг ноиблари фаҳамту<sup>366</sup> консул жанобларига мазкур темир йўлнинг Бухородан тамдидини сўраб мурожаат қилмоқликлари ҳамияти ватанияндандир.

*Турон. 1912 йил, 27 август. 13-сон.*

#### *Мулоҳаза*

Айрим зоҳирий мулоҳазаларга кўра, биз мусулмонлар мавжуд манфаатларимиздан маҳрум бўлиб ўтяпмиз. Биз ўз дунёқарашимиз бўйича хатти-ҳаракатларимиз исломий деб ўйласакда, аслида ислом ва инсониятга ҳос эмас. Худди шу масалаларимиздан бири савдо-сотик ва судхўрлик масалаларини Қуръони қаримга мос деймиз.

<sup>363</sup> Марбах – фойда, нарх-наво.

<sup>364</sup> Восила бўлур – етишди.

<sup>365</sup> Ҳукумат жалилиямиз – буюк ҳукуматимиз.

<sup>366</sup> Фаҳамат – улуғ, ҳурматли.



Айтамизки, судхўрлик ҳаром деб. Агар биз бирор ширкат ташкил қилсак, заиф биродарларимизни қўллаб-қувватлаб ёрдам берсак деб ўйлаймиз, уларнинг хизматини қилсак деб ўйлаймиз ва улардан манфаат кутганлигимиз учун ҳам у судхўрлик ҳисобланади. Бас, биз судхўрликка аралашган бўламиз. Ва шариатнинг тижорат ҳукумларидан узоқлашамиз, яъники, бир диндор биродаримиз 100 сўм (манат) қарздорлигини кўрсак, уни четга тортиб, 100 сўм берамиз. Шу шарт ва қарор биланки, у бечора бир йилгача пулимизни беролмаса уч, тўрт баробар кўпини сўраймиз. Унинг мол-мулкию хонаси (уйи)ни юлиб оламиз. Аслида, бирор киши айта олмайдики, бу мусулмонларнинг иши деб. Дунёда ҳар қаерда мусулмонлар бор, улар 100 минг марта муқаддас шариат амрида юрибмиз, десаларда, кўпчиликлари судхўрлик билан шуғулланидилар. Менинг ўзим кўрдимки ва шуғулландимки, бир кишига бошқаси 500 сўм қарз бериб, етти йил давомида 1800 сўм қилиб олган. Ҳозир инсофу виждон арбоблари мулоҳаза қилсинларки, бу ишларнинг қайси бири шариатнинг ҳукум ва фармонларига тўғри келади? Маълум бўлсинки, муқаддас шариатнинг талабларини жойига қўймас эканмиз, бу бизнинг афсус-надоматларимизга сабаб бўлади. Баъзи вақтлар шахс манфаатлари ҳақида гапирамиз. Фил жумладан, агар биз манфаат бўлмайдиган бўлса, дарҳол бошимизга ҳалолу, ҳаром номи билан бир кулоҳ кийиб оламиз. Агар мусулмонлик даъвосини қиладиган бўлсак, агар мусулмонликдан дунё ва охиратдан фойда етсин десак, муқаддас шариатда бир унвоңлар қилиб, ўшандан ўзимизга мезон қилиб олайлик. Вақтики, ҳар бир киши ўзининг фойдаси учун ўзига фоиз олар эканмиз, ундан кўра яхшироқ бўлар эдики, умумни ... фикрини олиб, ўзимизга тўғри ва шаърий мезон қилиб олсак.

...Мақолани давомини бошлашимиздан олдин жасорат кўрсатиб, уч сатр гапирмоқчимиз, биринчидан, мухтарам биродар, бизнинг шу номли мақоламизга ўзларининг мулоҳазаларини билдирганликлари учун раҳмат айтамиз. Иккинчидан, уларнинг мулоҳазаларига ўз фикримизни билдирамиз. У киши дейди: 9-сондаги “Мулоҳаза” номли мақола остида уламолар наздидаги солиҳ амаллар, аҳли суннат ва жамоат имонига мос ва баъзи дунёвий амаллар ҳақида ҳам ёзилган. Мухтарам мудирнинг карашларида баъзи муҳим қўшимчалар бор. Арз қиламизки, гўёки уларнинг ўша сонда арз қилинган мулоҳаза бўлиб қолмай, балки мухтасар қалби иймон ақидаларига ҳам анча тўғри келади. Фақирнинг назарича, билдирилаётган бу фикрлар одоб юзасидандир. Арз қилинадикки, дунёвий ишларни аъмолимиз сифати деймиз. Мақсадимиз ўз аъмолимизнинг зоҳирини намоеън қилишдир. Ва зоҳирий аъмоллар ҳам энг муҳим касб ва муомалалардандир. Яхши аъмоллар рўза, намоз ва бошқалар билан белгиланиб қолмайди. Муомалалар ҳам агар шариат ҳукмига мос келса, у ҳам амали солиҳ бўлади. Ҳозир амали солиҳни имон шартидан деб билсангиз, бу бизнинг талабимиздан бўлади. Биз ўзимиз ҳам касб муомалаларини қонун ва шаърий мезон, адли инсоф билан бўлиши тарафдоримиз, агар жавобгарлик бирор шубҳа бўлса, хатосини айтасиз. Биз кўпчилигимиз қарз беришда инсофсизлик қиламиз ва бир муҳтожга 10 сўм бериб, 10 ойдан сўнг ундан 20 сўм оламиз. Бирор-бир дурустроқ миллий ширкат бўлса, заифлар ва бойларнинг судхўрлиги камайиб, тижоратимиз равнақ топиб, ажнабийларга муҳтож бўлмасдик. Чунончи, дурустроқ миллий ширкат ташкил қилсак ва ишимизнинг асосини шариат билан мустаҳкамласак, судхўрликдан бирданига фориғ бўлар эдик. Масалан, бирортамиз 100 минг сўм ширкатга бир сандуқ (счёт)га ўтказсак ўзимизни ташвиш-



дан холи қилар эдик. Кимнинг маблағга эҳтиёжи бўлса, бориб ширкат шартномаси асосида у пулдан ишлатаверар эди. Бу муқаддас шариатдаги жоиз ва мубоҳ ишларга ишлатилади. Кейин камроқ фойдаси билан берувчига қайтаради. Агар донишманд уламолар бу тижоратнинг шаръий эканлигига бирор важ топиб, қатъий рухсат берсалар, бизнинг мақсадимиз шуки, бизнинг миллатимиз фарзандларини ғайрат ва ҳиммат эгалари оғир ҳаётдан қутқарган бўлар эдилар.

*Жалол.*

*Бухоройи шариф. 1912 йил, 22-23 март. 10-11 сонлар.*

#### *Тижоратимиз ва мактаб*

Туркистон мусулмонлари учун зироатчиликдан сўнгра энг аҳамиятли нарса савдо ва тижоратдир. Мусулмон деҳқон ва чўпонларнинг меҳнати илан умум Туркистондан ҳар йил қарийиб 200 млн. сўмлик нарса ҳосил бўладир. Шунинг юздан тўқсонни яҳуд тижорининг қўлидан ўтадир.

Фақат биз мусулмонлар ҳар ишда орқада қолганимиздек, савдо ва тижоратда ҳам яҳудларнинг асири бўлдик. Биз ерли мусулмонларга ҳаммоллик ва маъмуриятнинг ортиқ бир мавке муҳим қолгани йўқдир. Арабачи, юк ташувчи, қоровул, тупроқ қазувчи, хулласи калом, ҳар бир қора меҳнатда юрувчи мусулмонлар, катта биноларнинг сохиби, меҳнат қилувчиларнинг амири, мағоза<sup>367</sup>ларнинг хўжаси яҳуддир. Бутун савдо ва тижоратни қўлига олган кичкина... яҳуд миллатидир. Яҳудлардан ўпка қилмаймиз. Адоватимиз йўқдир. Ўз ғайрат ва маҳоратлари илан ушбу пояга чиқдилар. Офарин, нуксон ва айб эса яна ўзимиздадир, мусулмонлардадир. Савдо ва тижоратда яҳуд тутган йўлни биз тутмадик. Яҳуд билган ишни биз билмадик.

<sup>367</sup> Мағоза – дўкон, магазин.

Баъзилар айш ва ишратлар илан вақт ўтказдик. Имдод ... қилувчиларга қўл узатмадик. Агар бир ташаббус қилсак, ҳар ишда бизнинг учун руслар ёрдам қилурлар. Ҳатто руслар ҳам бизларнинг бу ҳолимизга таъсуф қиладурлар. Туркистонликлар Россиянинг содиқ тобелари ва ватан ўғулларидирлар. Содиқ тобеларнинг тараққий ва таомийси ҳукуматнинг аҳд ва амалидур.

Биз савдо ва тижоратда ҳам куруқ сўз ва тик илан ўрун тутмаймиз, яна илмга, мактабга муҳтож бўламиз. Бизни ўргатувчи мактабдир. Мактабсиз ботқоққа ботдик. Бизга йўл кўрсатмоқ ва бизни ўзгартмоқ вазибалари бўлганлар бизни ... хароб қиладирлар. Такрор айтамикки, катталардан умид кутмоқ керак. Бизни ва ... авомни тараққий қилдирувчи ... асоратдан қутқарувчи ибтидоий мактабдир. Ёрдам қилувчи эса руслардир. Бу кун биз туркистонликлар ғоят муҳим ва умумий маслагимиз мактаб масаласидур.

Ватан ва ҳукуматнинг жанжал ва ярамас бир хантари бўлмоқдан кўра керакли бир миллати бўлмоғимиз афзалроқдир.

*(Муаллиф: араб имлосида Айн қўйилган)*

*Турош. 1912 йил, 30 декабрь. 48-сон.*

#### *Соглиқни сақлаш*

Ичимлик сувларимиз ва уларнинг сақланадиган маконлари пок ва тоза бўлиши керак, бугунги кунда рўйи замин табибларининг аксарияти фикрича, касалликларнинг асосий сабаби ёмон ичимлик суви ва уларнинг ёмон жойда сақланганлигидадир. Сув бир жойда узоқ қолиб кетса, ифлосланади ва унда тирик жониворлар (бактериялар), микроблар пайдо бўлиб, касалликни келтириб чиқаради. Ҳавонинг ифлослиги ҳам микроблар борлигини билдиради. Бу микроблар овқатланаётганда, сув ичаётганда,



ҳаводан қўшилиб, меъда ва ўпкага боради ва аҳолини касаллантиради. Бинобарин, шундай экан, ғўлаи оҳани<sup>368</sup> орқали ҳар манзил маконга водопровод (фаввора) ўтказиб, покиза сувларни етказиб назорат қилиш керак. Покиза ислом шариати бўйича уламолар ҳовузлар қуришга ва сувдан истеъмол қилишга рухсат берганлар. Лекин айтмаганларки, унинг сувини тозаламасдан, лойқа ҳолда ичинглар деб. Ҳазрати расул (с.а.в.) айтадиларки, тозалик имондандир, деб. Нега биз бу айтилган буйруққа амал қилмаймиз? Бизнинг ҳаммомларимиз бадан чирқларини ва жонобатни кетказиш учун қурилган, холос. Нега уларнинг сақланаётган сувлари аср олинмайди? Болаларнинг ва деярли барча тери касалликларининг (масалан: кўфт, оташ, захм ва бошқалар) келтириб чиқарувчи(лари) шу сувлардир...

...Илм юзасидан маълум бўладикки, ёмон ичимлик сувлари ифлос ҳаволи жойларда намлик пайдо қилади ва унда микроблар вужудга келиб, инсонга ўтади. Ҳайвонлар микроби ҳам микроскопик (матнда заррабини, яъни майда зарраларни кўрувчи микроскоп маъносига тўғри келади) касалликлар манбаидир. Вабо, ... сил ўзига хос микроблар билан бўлади. Кўз уларни кўра олмайди. Фақат зарраларни катталаштириб кўрсатадиган микроскоп билан кўриш мумкин. Соғлиқни сақлаш касалликларни даволашдан, уларни олдини олиш орқали осон бўлади. Кўз яхши кўргани, кулоқ яхши эшитгани, кўл-оёқ яхши ишлагани билан ҳаракат лозим. Ҳаракат ҳазм қилувчи, қонни айланттирувчи ва тозаловчи бўлиб, уни мунтазам қилиб бориш керак. Бу инсонни(нг) табиий қувватларини қувватлантириб, микробдан сақлайди.

*Мирзо Сирож Мирзохўрдов ҳаким.  
Бухороий шариф. 1912 йил, 26-27 март. 13-14-сонлар.*

<sup>368</sup> Ғўлаи оҳани – темир кувур.

### *Тартиб керак*

Ҳозиргача биз жамият ва маориф ривожини учун маромнома ва низомнома тузишни истаймиз. Шу(нинг) учун айтадиларки, аввал ерни текисла, кейин нақш чиз, яъни жойни пайдо қилиб, сўнг қайси нақшни хоҳласанг чизавер. Бизнинг раисларимиз жамият биносини қуриш учун ҳиммат кўрсатсалар, биз кўлимиздан келган барча ишларни қилишга тайёрмиз. Жамият фазилати ва ҳақиқати тўғрисида Қуръони Каримда ҳам айтиб ўтилган. Ҳақиқий ақл кишилар билан кенгашда бўлади. Пайғамбаримиз айтганлар: “оллоҳнинг қўли жамоатдадир”. Шундайки, бир иш учун жамоа бирлашиб ҳаракат қилинса, албатта у ишда хато камроқ бўлади. Ҳар ким ўз сўзини айтадиган бўлса, иттифоқ билан унинг ўртачасига келишилади. Ва ҳамма бирлашиб ўшанинг ижросига киришади. Шу суръатда ўша иш осонроқ ва тезроқ амалга ошади. Аввало илму-ирфон<sup>369</sup> арбоблари(нинг) кўзи очиқ бўлади. Бизнинг хато ва қусурларимизни кўриб, тушунтира оладилар, кўлни кўлга бериб, бизнинг тараққий этишимизга хизмат қила оладилар.

“Эй бизнинг муҳтарам оталаримиз, бизнинг ҳолимизга раҳмингиз келсин. Биз сизларнинг авлодингизимиз, авлодининг қандайлиги отанинг қандайлигини кўрсатади ва отанинг сирларини очади. Шундай бўлсинки, биз сизнинг орқангиздан борайлик. Кимки бизни кўрса, сизларга раҳмат ва истиғфор айтсин”.

Яна мақсадга қайтайлик. Бухорои шариф учун жамиятда лозим бўладиган нарса маорифни ёйишда ва камчиликларни тузатишда ҳаракат қилсинлар. Ҳали ҳамки жаноби олийнинг бир даражада марҳаматлари билан мадрасаларда ислохот ўтказилмоқда. Шундай баланд ҳимматга ёрдам қилмаслик инсофсизлик бўлар эди. Агарки,

<sup>369</sup> Ирфон – маърифат.



қавмининг ишбилармонлари ва раислари амри муборакнинг ижросига кўшиш қилмасалар, ҳумоюн ирода амалга ошмай қолади. Бас, мухтарам уламолар, орифлар, оксоқоллар, пулдорлар бир жамият ташкил қилиб, маорифни ёйиш учун кўмак қилишлари ва жаноби олийнинг иродаларига кўшилиши лозим.

*Жалол.*

*Бухорои шариф. 1912 йил, 19 март. 7-сон.*

#### *Бир оз фаолият лозим*

Баъзида кўзимизни очиб ўтган замонларга назар ташласак, биз илм ва олий фанлардан илгор миллат эдик ва бир неча миллатларнинг ҳаракатга келишига ҳисса қўшганмиз. Бизнинг муаллимимиз Форобий, ҳакимимиз Абу Али, уламоларимиз Бухорий, шуароларимиз (шоирларимиз) Рудакий эдиларки, ҳар бири аср яғонаси ва дурдонаси эдилар. Ҳозиргача улар тарих саҳифаларида зийнатдирлар. Биргина Улугбегимиз учун Петербург илмий академияси ёдгорлик бино қилмоқчилар. Ханузгача вайрон бўлаётган мадрасаларимизда санъат намуналари кўришиб турибди. Бундан беш юз йиллар илгари қурилган Бухоро ва Самарқанднинг жоме масжид ва мадрасаларида шу қадар чуқур фикрлар билдирилиб, китоблар битилганки, бизнинг асримизга қадар уларнинг паришон<sup>370</sup> варақларидан қанча устодлар илм бермоқдалар. Бас, ҳозиргача бизга нима бўлибдики ва нима моненьлик қилмоқдаки, бизнинг кўзларимиз ҳозирги илм-фанни кўриш у ёқда турсин, аввалги илм-фандан ҳам ёпиқ қолмоқда? Оддий айтадиган бўлсак, пахта, ёғ, газлама маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган бирорта корхонага эга эмасмиз. Нега бирорта дуруст тижоратхона ёки бирор ширкат идораси мавжуд эмас, бизнинг тиб илми, соғлиқни

<sup>370</sup> Паришон – чала етиб келган, тарқок.

саклаш умуман йўқолиб, ному нишон қолмаган. Шундайки, бирорта тиб илмидан хабардор табиб йўқ. Бирорта тўғри ташҳис қўйиш илмидан хабардор жарроҳимиз йўқ. Ҳар атторни табиб деб, ҳар саргарошни жарроҳ деб фалсафа тўкиб юрибмиз, бирор киши сўрамайдики, бу ишларнинг таҳсилини йўлга қўйиш керакми, йўқми? Ҳеч киши бундан аввал шогирд чиқарса, шукуррези<sup>371</sup> қилмаган, илмни ҳар қайси мактабдан керак бўлса олган. Худо кўрсатмасин, Бухоро минорасига шикаст етса, биз аввалгидек қуриб биламизми, йўқми? Жавоб шундай бўладики, биз четдан уста келтирамиз ёки жойига (ўз ҳолига) ташлаб қўямиз.

*Камсуқум табиб М. С. Мирзохўрдов.*

*Бухорои шариф. 1912 йил, 22 март. 10-сон.*

#### *Ибрат*

Бу кун ғазитамизда дарж килиндиғимиз<sup>372</sup> Миср дорулфунунининг дарс жадвали сазовори ибрат ва диққатдир. Мисрлиларнинг бойлари ҳиммат ва арбоб-олимлари ташбат<sup>373</sup> қилиб шундайин дер. Дорулфунунимизни вужудга келтирганлар ҳукумат бино қилмабдир. Аҳоли пул берубдир, жавлон қилубдир – шундайин олий бир мадрасани туғдирубдир.

Ажабо, Мисрда илм йўқ эдими? Мадраса йўқ эдими? Илм (олим) йўқ эдими? Талаба, олим йўқ эдими? Мисрлилар саналарга ижтиҳод саҳий қилуб, мундайин мадраса вужудга келтурмоқ учун захматлар ва машаққатлар тортибдурлар. Бу қадар фидокорликлар қилубдирлар. Ҳолбуки, Мисрнинг фақат бир (жомеъ ал-Азҳар) мадрасаси юзларча мударрис ва 10-15 минг қадар толиби илмга молик

<sup>371</sup> Шукуррези – кўл бериш, шукронага ош бериш.

<sup>372</sup> Дарж қилмоқ – нашр қилиш.

<sup>373</sup> Ташбат – даъват.



ва соҳибдир. Ҳатто, Миср эскидан ерли илм еридир ... Хусусан, алмойи исломия ва ватанфин исломиянинг машхури масқатроси кўп сонча Мисрдадир ва Мисрдан чиққанлардир. Беш мисрлиларга. Нима Мисрга зарур бўлди ва ким мажбур қилдики, милиунларча пул ва саналарча машаққат тортуб, мундаин мадраса бино қиладилар. Жадвалда кўрулган фанларнинг таҳсилига бу қадар ғайрат қиладилар?

Албатта, мисрлиларни ҳеч ким мажбур қилмагандир. Фақат замон ва йигирманчи аср маданияти мажбур қилган. Дунёда яшамок, ҳаёт кўрмоқ, борлиқни муҳофаза қилмоқнинг фикрлари, ғайратлари ва таноза бақо оламида рақобат қилмоқнинг ғамлари мажбур қилган. Чунки, бу кун дунёда илмсиз, маърифатсиз кун кўрмоқ мумкин эмасдир. Илм, маърифат бўлмаган бир миллат ва қавмнинг бир пуллик кадр ва қиммати йўқдир. Мисрлиларнинг жадвалларида берилган илм ва фунун (қонун) дан хабарсиз қавм ва миллат жамият башария тўфонда қаторинда ҳисоб қилинмайдур. Мана шул сабабдан мисрлилар ўзларини башарият хузурига исбот қилмоқ учун бу қадар ғайрат қилибдурлар. Мисрлилар бу ғайрат фидокорликлари илан янги бир иш қилмабдурлар, балки, ўзларининг ва умуммусулмонларнинг ғайиб қилган ва йиғлатқан нарсаларини топубдилар. Чунки, мусулмонлар бундан 4-5 юз йил аввал шундайин илм ва фанлар таҳсил қилар эдилар. Ва мундаин мадрасаларга молик эдилар. Бу кун Мисрда аҳолининг ҳамияти илан барпо бўлган дорулфунунлардек дорулфунунлар ва дорулулумлар ислом ҳукуматлари тарафиндан бино қилинган эди. Ҳатто бундан 325 сана муқаддам Миср султони Ҳаким ибн Имрон тарафиндан бино қилинган (Дорулхукум) дорулфунунининг дарслари ва уламолари бутун дунёда машхур ва маъруфдур. У дорул муаллимда шарқ ва ғарбда ташинган илм ва ирфон келиб,

таҳсил қилар эдилар. Мисрлилар ибо ва аждодлариндир қолган ва исломнинг ғайб қилган нарсаларини такрор очибдурлар. Чунки, бобо ва аждодлардек азот ва шарафлик бўлмоқ учун унлардек таҳсил илм ва ирфон қилмоқ лозим. Кўп фанларда олим бўлмоқ лозимдир.

Биз шу муносабат илан қатордан хато олуб, ўзимизнинг муборак ва азиз ватанимиз ва ватандошларимизга мурожаат қиламиз. Ажабо, бизнинг Бухоромизда вақти илан Мисрнинг дорулфунунларидек дорулфунунлар йўқ эдими? Нечун дунёда зўр илм ва ирфон нашр қилган муллалар ва уламолар йўқ эдими?

Абу Али Синолар, Ҳаким ат-Термизийлар, Форобийлар, Жавҳарийлар ва Бухорийлар вағир (ва бошқа) мингларча олим, фузалоларимиз йўқ эдими?. Албатта, бор эдилар, худо онларни ғариқи раҳмат қилсун. Ул муборак зотлар эдики, Бухоромизни (Бухоро) қилиб кетдилар. Нима бўладир, қабу гумбазларда ул аждод аъзоларимизнинг руҳи поклари(ни) ёд қилсак. Онларнинг асрорларини, дорулфунунларини ахий<sup>374</sup> қилсак. Мисрлилардан биз ибрат олуб, бизда шул муборак шаҳримизда бир дорулим очсак, шаҳримизда бўлган мингларча талаба олимни илм ва фунуни лозима<sup>375</sup> ва нафъа<sup>376</sup> илан сероб қилсак. Биздан худо, Муҳаммад, ислом ва аждод рози бўлур эди.

*Турон. 1912 йил, 6 декабрь, 39-сон.*

<sup>374</sup> Ахий – ака-ука, битим тузмок.

<sup>375</sup> Фунуни лозима – керакли фанлар.

<sup>376</sup> Нафъа – манфаатли илмлар.



#### IV БОБ. ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР

##### Arminius Vambery. "Travels in Central Asia" ("Марказий Осиё бўйлаб саёхат")<sup>377</sup>

Венгриялик машҳур сайёҳ Арминий Вамбери (1832-1913) ўзининг Марказий Осиёга 1863-1864 йилларда уюштирган сафари асосида яратган асарлари билан тарихда ном қолдирган<sup>378</sup>.

Вамбери 1864 йилда ўз сафар таассуротлари асосида юқорида номи келтирилган асарини нашр этди<sup>379</sup>. Мазкур асарда муаллифнинг ўз сафари давомида Хива, Бухоро ҳамда Қўқон хонликлари ҳудудида кўрган-кечирганлари, кузатган воқеалари, шахсий таассуротлари билан бирга бу ҳудудларнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, бозорлар, масжидлар, мадрасалар, маъмурият, амалдорлар, миришаблар, қуролли кучлар, солиқлар, қозилик фаолияти, қишлоқ ҳўжалиги, хонликнинг аҳолиси ва унинг этник таркиби, шаҳарлари ҳақида қизиқарли ва муҳим маълумотлар қайд этилади.

Қуйида мазкур асардан келтирилган парчаларга айрим жузъий тузатишлар ва аниқликлар киритилди. Хусусан, ўша даврда ишлатилган майдон, оғирлик ва узунлик

<sup>377</sup> Асарнинг инглизча номи: Travels in Central Asia being the account of a journey from Teheran across the Turkoman desert on the eastern shore of the Caspian to Khiva, Bokhara and Samarcand performed in the year 1863 by Arminius Vambery. Member of Hungarian Academy of Pesth, by whom he was sent on this scientific mission. London. John Murray, Albemarle Street, 1864.

<sup>378</sup> А. Вамбери 1863 йилнинг март ойи охирларида Техрон шаҳрида турк Рашид афанди исми билан Маккадан қайтиб келаётган ҳожилар қарвонига қўшилиб, туркман дашти тарафга йўлга отланади. Хива хонлиги марказига ташрифидан сўнг у Амударё орқали Қўнғиротгача бориб, яна Хивага қайтиб келади. Кейин эса, катта машаққат билан Қизилқум орқали Бухорога сафар қилади.

<sup>379</sup> Ушбу китоб деярли барча Европа тилларига таржима қилинди. Китобнинг рус тилига бироз қисқартирилган ҳолдаги илк таржимаси 1865 йилда Петербургда чоп қилинди<sup>379</sup>.

ўлчов бирликлари ўқувчига қулай бўлиши учун ҳозирги кунда истеъмолда бўлган ўлчов бирликларига мослаштирилди, айрим чалкашликларга аниқликлар киритилди  
Х. Абдурасулов, В. Холов.

##### Хива (хонлиги)

Туманлар. Шаҳар асосан икки қисмга бўлинади: а) Хиванинг ўзи; б) Ичонқалъа, яъни девор билан ўраб олинган ва ташқи шаҳардан тўрт дарвоза билан ажратилган шахристон. Ичонқалъа куйидаги маҳаллалардан иборат: Паҳлавон, Уллийўғич, Оқмасжид, Йипакчи, Қўшбеги маҳалласи. Шаҳарнинг ўзида тўққизта дарвоза мавжуд. Шимолга Урганч дарвозаси олиб боради, Гандумгоҳ (Гандимён), Иморат, Исамахмудота, Ҳазорасп дарвозалари шарқ тарафга қараган; Шихлар, Пишканик ва Рафаник дарвозалари жанубга қараган, Бадрхон дарвозаси ғарбга қараган. Шаҳарда 10 та маҳалла мавжуд бўлиб, улар: 1) Ўр; 2) Кафтархона; 3) Мевастон; 4) Мехтаробод; 5) Янгикалъа; 6) катта чинорлар билан ўраб олинган Бола ҳовуз; 7) Нонемас ўрама (нон ейилмайдиган қишлоқ маъносини англатади); 8) Нурриллабой; 9) Богча; 10) Рафаник<sup>380</sup>.

Бозорлар. Хива бозорлари Эрон ёки Шарқнинг бошқа шаҳарилардаги бозор ва савдо расталаридан фарқ қилади. Кичик ва ихчам 120 та дўкон ҳамда қарвонсарой жойлашган баланд гумбазли тимдан иборат. Рус бозори таклиф қилган барча нарсаларни: мовут ва майда-чуйда металл буюмлар, атторлик моллари, зигир толасидан тўқилган матолар ва Бухоро ҳамда кам миқдорда Эрондан келган молларни топиш мумкин. Ёпик бозор атрофида нон, баққоллик, ипак, шам маҳсулотлари сотилади<sup>381</sup>.

<sup>380</sup> Travels in Central Asia..., p. 330.

<sup>381</sup> Travels in Central Asia..., p. 330.



**Масжидлар.** Хивада меъморчиликнинг қадимий ва мохирона ишланган услубдаги масжидларидан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) Ҳазрати Паҳлавон, ушбу иморатнинг ёши 400 йилдан ортиқроқ. Унинг битта катта ва иккита кичик гумбазлари бор; унда Хиванинг ҳомийси ва авлиё деб тавоф этиладиган Паҳлавон Маҳмуднинг мақбараси жойлашган. Унинг ташки қўриниши оддийгина, аммо ичкари қисмининг қошинлари юксак дид билан безалган. Афсуски, масжиднинг ичи қоронғи ва кам ёритилганлиги сабабли анча нарса кўзга кўринмайди. Масжиднинг ичкарисида ҳам, остонасида ҳам Қуръонни кўп эшитганларидан ёдлаб олган ва овоз чиқариб ўқийдиган мухлислар доим тўпланиб туришади; 2) жумъа намози ва ҳозирги хон учун расман хутба ўқиладиган Жумъа масжиди; 3) Ичонқалъадаги хон масжиди 4) хивалик Шоликор томонидан қурилган масжид; 5) Отамурод кўшбеги масжиди; 6) Қораюз (Қорақўз) масжиди<sup>382</sup>.

**Мадрасалар.** Марказий Осиёда мадрасаларнинг сони ва уларнинг безалишига қараб аҳолининг фаровонлиги ва диний билим даражасига баҳо бериш мумкин. Хондан ташқари, оддий хунармандлар ҳам маблағларининг чеғараланганлигига қарамай, хайрияларга тайёр эканлиги ва ғайрат кўрсатаётганлиги албатта юксак мақтовларга сазовордир. Бу масалада Марказий Осиёда ислом тамаддунининг қадимий маркази Бухоро намуна сифатида хизмат қилади, аммо Хивада ҳам номлари қуйида келтирилган бир неча мадрасалар мавжуд:

1. 1851- 1855 йилларда ... қурилган Мадаминхон (Муҳаммад Аминхон) мадрасаси. Унинг ўнг тарафида меъморнинг вафотидан кейин қурилиши тугалланмаган икки қаватли бинодан баландроқ беўхшов минора жойлашган.

<sup>382</sup> Ўша ерда, 331-332-бетлар.

Ушбу мадрасада 130 та хужра бор, бу ерда 260 нафар талаба яшайди; ҳар йили ушбу мадраса 12 минг Хива ботмонида бугдой ва 5 минг тилла пул даромади олади. Ўқувчи ушбу мадраса ҳақида тахминий тассавурга эга бўлиши учун даромадларнинг тақсимланиши орқали бир вақтнинг ўзида ишчи-ходимлар ҳақида маълумотларни келтирамиз:

Ҳар йили 5 нафар охун 3000 ботмон (бугдой) ва 150 тилла, 1 нафар имом 2000 ботмон (бугдой) ва 40 тилла, 1 нафар муаззин 200 ботмон (бугдой), 2 та ходим ҳар бири 200 ботмондан (бугдой), сартарош 200 ботмон (бугдой), 2 нафар мутавалли ёки назоратчи даромаднинг ўндан бир қисмини олади; қолган қисми 3 синфдан иборат ўқувчиларга тақсимлаб берилади: 1-синф 60 ботмон (бугдой) ва 4 тилла, 2-синф 30 ботмон (бугдой) ва 2 тилла, 3-синф 15 ботмон (бугдой) ва 1 тилла олади<sup>383</sup>.

2. Оллоқулихон мадрасаси. Бу мадрасада 120 та хужра бўлиб, унинг тарбияланувчиларининг бир йиллик даромади 50 ботмон (бугдой) ва 2 тиллани ташкил этади (1 фунт стерлинг);

3. Қутлугмурод инок мадрасаси. Мадрасанинг ҳар бир хужраси 50 ботмон (бугдой) ва 3 тилла беради;

4. Араб Муҳаммадхон мадрасаси. Бу ерда хужралар кам, аммо улар жуда яхши таъминланган;

5. Шерғозихон мадрасаси.

Ушбу мадрасаларнинг ҳовлиларида кўп дарахтлар экилган бўлиб, улар боғларга айлантирилган ва тозаликда сақланади. Ўқув фанлари ҳақида биз Марказий Осиёнинг илмий маркази бўлмиш Бухоро ҳақида гап кетганда тўхталиб ўтамиз, ҳозир эса машғулотлар домлаларнинг

<sup>383</sup> Travels in Central Asia..., p. 333.



хоналарида, ўқувчиларнинг қобилиятига асосан тузилган алоҳида гуруҳларда ўтилишини айтиб ўтиш кифоя<sup>384</sup>.

**Миршаблар.** Шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида ўз худудида жамоат тартибига масъул ва кун давомида тўполон, ўғирлик ва бошқа жиноятлар содир этилмаслигини назорат қилувчи миршаб бор.

Шаҳарни оқшом пайтида кўриқлаш тўрт нафар пайшобларга (бош кўриқчи) топширилган бўлиб, улар тун бўйи шаҳристон дарвозасини кўриқлаб туришлари шарт. Уларнинг ҳар бирида саккиз нафар кичик қоровул (жами 32 та) бўлиб, улар миршаблик вазифасини ҳам бажарганлар. Шаҳар атрофларида тунги соат бирдан кейин юрганлар миршаблар томонидан текширилган. Миршаблар айниқса, бировнинг уйига бузиб кирмоқчи бўлганлар ёки ишкий саргузаштлар ахтариб юрганларга алоҳида эътибор берганлар<sup>385</sup>.

#### *Хон ва унинг ҳукумати*<sup>386</sup>

Хива хони ... мамлакатнинг эгаси сифатида худди оиладаги ота кабидир. У баъзида ўз вазирларига ҳам кулоқ солади. Илми ва бенуксон ҳаёт тарзи билан халқ меҳрини қозонган уламолар хонни биров кўрқувда ушлаб туришлари ва унинг зўравонлигига тўсқинлик қилишлари мумкин. Осиёнинг бошқа барча ҳукуматларида ҳам аҳвол шунақа, аммо бу нуксонни ҳукуматнинг низом ва қоидаларининг умуман этишмаслиги билан изоҳлаб бўлмайди. Аксинча, Шарқда доимо, тарихнинг барча даврларида зулм ва зўравонликка қарши қонунлар мавжуд бўлган.

Хива қонунлар тўпламига кўра давлатда қуйидаги ҳукмрон табақалар ва маъмурият мавжуд:

<sup>384</sup> Travels in Central Asia..., pp. 332-333.

<sup>385</sup> Ўша ерда, 333-334-бетлар.

<sup>386</sup> Ўша ерда, 334-337-бетлар.

1) Хон ёки подшоҳ доим ғолиб қабила орасидан сайланади. Хоннинг “ёрдамчилари”: 2) иноқ; (ука маъносини билдиради) – уларнинг сони тўртта бўлиши мумкин: иккитаси хоннинг яқин қариндошларидан, қолган иккитаси хоннинг қабиладошларидан. Улардан бири доим Ҳазораспни бошқариб келади; 3) накиб, диний пешво; у албатта саййидлардан (пайғамбар авлодидан) бўлиши шарт бўлиб, Константинополдаги олий даражадаги диний мансаб билан бир даражада туради; 4) бий (бой билан аралаштирмаслик лозим, у билан фақат номининг маъноси бир хил); жанг пайтида хоннинг ўнг тарафида туриши шарт; 5) оталиқ, ўзига хос маслаҳатчи; албатта ўзбеклардан бўлиши шарт, уларнинг сонини хон тайинлайди; 6) кўшбеги, вазир, ёки хон саройидаги биринчи шахс; аслида ундан ҳукмдор тайинлайдиган амалдорлар жамоаси бошланади. 7) меҳтар, хизматкорлар оғасига ўхшаш лавозим, сарой ва мамлакатни бошқарувига масъул; 8) ясовулбоши, уларнинг сони икки нафар, тансоқчиларнинг бошлиғи, уларнинг вазифаси арзгўйларни хоннинг арзхонасига олиб кириш. Девон ҳам шу мансабга эга, ўзига хос давлат котиби ва шу билан бирга молия маҳкамасининг бошлиғи; 9) маҳрамлар ҳам икки нафар бўлиб, камергер (эшик оғаси) вазифасини ўташади. Улар ишончли одамлар бўлиб, хонга ва ҳукуматга катта таъсир ўтказа оладилар; 10) мингбоши, 1000 отликнинг бошлиғи; (менинг маълумотимга кўра, хон саройининг қуролли кучлари 30 минг кишини ташкил этади, аммо у хавф-хатар юзага келганда ушбу сонни икки бараварга кўпайтира олар экан); 11) юзбоши, 100 та отликнинг бошлиғи; 12) ўнбоши, 10 та отликнинг бошлиғи.

Ушбу 12 тоифа аслини олганда амалдорларни ташкил этади ва сипоҳилар деб аталади. Улар ўз навбатида қуйидагиларга бўлинадилар: а) хон ҳеч қачон лавозимидан



озод қила олмайдиганлар (2, 3, 4, 5-тоифалар); б) маош оладиган хизматчилар (6, 7, 8, 9-тоифалар); в) фақат уруш пайтида хизмат ўтайдиганлар. Юқори мансабли амалдорларга ер-мулклар инъом этилади, оддий аскарлар хондан от ва қурол-яроғ олишади, солиқ ва божлардан озод этилади.

Шу пайтгача гап дунёвий амалдорлар ҳақида кетаётган эди. Уламолар ёки руҳонийлар – уларнинг олий бошлиғи нақиб бўлиб, улар куйидаги тоифаларга бўлинади: 1) кози калон – олий ҳакам, бутун хонликда суд ҳукмларини чиқарувчи; 2) кози ўрда – хонни барча юришларда олий ҳакам сифатида кузатиб юради; 3) аълам – беш муфтийнинг бошлиғи; 4) раис – мактабларни ва диний тартибларнинг бажарилишини назорат қилади; 5) муфтий (ҳар бир йирик шаҳарда бир нафардан); 6) охун – бошланғич мактабнинг ўқитувчиси.

Дастлабки уч тоифа олий табақага мансуб бўлиб, лавозимга киришаётганда хондан анча миқдорда пул олади, кейинги уч тоифа вақфдан етарли миқдорда мева ва пул маош олишади, аммо мавжуд одатга кўра, ҳар йили хон уларга Курбон Ҳайити ва Наврўзда ҳар хил ҳадялар инъом этиб туради. Хивалик уламолар бухоролик уламоларчалик илмда машхур эмаслар...

**Солиқлар.** Хивада солиқнинг икки тури мавжуд: а) бизнинг ер солиғимизга тўғри келадиган “солғит” солиғи: ишлов беришга яроқли ҳар 10 таноб ердан хон ҳар йили 18 танга (10 шиллинг) солиқ олади. Жангчилар (навкар ёки отликлар), уламолар ва хўжалар, ёки саййидлар (пайғамбар авлодлари) солиқ тўламайди; б) закот, ҳар бир олиб кирилган молнинг қийматидан 2,5 фоиз, ҳар йили йирик шохли молдан, туядан ва отлардан – ҳар бир бошга 1 тангадан, қўйлардан ярим тангадан олинади. (Аммо бу

солиқни ўндан кўп бош моли бор, яъни подаси бор одам тўлайди).

Бундан ташқари, рўйхатга олинган ҳар бир дўкондан ҳар йили 6 танга тўланади.

Солғит ҳар йили бевосита қўшбеги ёки меҳтарнинг раҳбарлигида, бош бекликларни айланиб чиқиш пайтида ундирилади, ҳар бир жойда солғитни олиш вазифаси шу ернинг ёшуллисига топширилади. (Хивада табаррук ёшдаги мўйсафидлар ёшулли деб аталади).

Закот йиғишни кўчманчи қабилаларни котиб билан биргаликда отда айланиб чиқадиган хонга яқин меҳтар назорат қилади; чунки қорамолни санаб чиқишнинг иложи йўқ, у ҳар йили қабилаларнинг ёшуллилари билан суҳбат ва келишувдан сўнг ҳар битта қабиллага муайян миқдорда солиқ белгилайди. Албатта, солиқ йиғишнинг ушбу услубида унинг каттагина қисми меҳтарга насиб этади; ўтган йили хон қорақалпоқларда фақат 6 минг бош қорамол, ёвмут ва човдурларда фақат 30 минг қўй борлигига ишонишга мажбур бўлган, эшитишимча, бу сон ҳақиқий миқдорнинг учдан бири экан, холос<sup>387</sup>.

**Судлар.** Суд иши масжидларда ва суд олиб бориш топширилган кози ва муфтийларнинг хусусий уйларида амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳар бир киши шаҳар ёки вилоят бекига ўз арзини етказиши мумкин, у эса урф бўйича, яъни ўз хохишига қараб ҳукм чиқаради. Ҳар бир бек ва хатто хоннинг ўзи ҳам ҳар қуни камида тўрт соат давомида арз тинглаши шарт ва фақат касаллик уни бу мажбуриятдан халос этиши мумкин. Қабулга ҳаммага руҳсат этилгани учун ҳам, кўп ҳолларда ҳукмдор майдачуйда оилавий можароларни эшитишга ва бартараф этишга ҳам мажбур бўлади<sup>388</sup>.

<sup>387</sup> Travels in Central Asia... pp. 337-338.

<sup>388</sup> Travels in Central Asia... pp. 338-339.



*Деҳқончилик маҳсулотлари,  
хунарлар ва савдо-сотик*<sup>389</sup>

Хива тупроғининг ҳосилдорлиги ҳақида бир неча марта эслатиб ўтган эдик. Айниқса дон экинлари, шоли (асосан Гурланники), Шоҳобод ва Янги Урганчнинг аъло ипаклари, пахта, илдизидан қизил бўёқ олинадиган рўён, ширинлигидан нафақат Эронда ва Туркияда, балки Европада ҳам топилмайдиган мевалар, Ҳазораспнинг ажойиб олмалари, Хиванинг нок ва анорлари, тенги йўқ ва таҳсинга лойиқ қовунларининг донғи (мен Венгрияга тўрт хил навини олиб келдим ва биринчи тажрибага қараганда улар Венгриянинг пасттексисликларида ҳосил бериши аниқ) ҳатто узоқ Пекингача етиб борган. Самовий империянинг ҳукмдори унга Хитой Татаристони (Шарқий Туркистон)дан келадиган ҳадялар ичида бир неча-дона Урганч қовунларидан бўлишини талаб қилиб туриш эсидан чиқмаган. Уларнинг нархи ҳатто Россияда ҳам баланд ва қимми бир арава қовун олиб кетса, шунча шакар билан қайтиб келади. Хивада ишлаб чиқарилган моллар ичида Урганч чопони машҳур, уни йўл-йўл икки рангли матодан (жун ёки ипакдан, кўпинча икки тола ҳам аралашган) бизларнинг чопонларимизга ўхшатиб тўкишади. Бундан ташқари, Хиванинг мис идиш-товоклари, Ҳазорасп милтиқлари ва Тошҳовузнинг қалин газламаси машҳур.

Хива асосий савдо-сотиғини Россия билан олиб боради. Бир – икки минг туядан иборат қарвонлар баҳорда Оренбургга, кузда эса Астраханга боришади; улар пахта, ипак, тери, нўғой ва татарлар учун кийим-кечак, Нижний Новгород ярмаркаси учун (улар уни “макариё” деб атайдилар) сахтиён (сафьян) олиб боради ва қайтаётганида қозон ва чўяндан ишланган ҳар хил идиш-товоклар, чит, батист газламалар, мовут, шакар, темир,

сифатсиз милтиқлар ва баъзи атторлик молларини олиб келишади. Балиқ экспортда йирик салмоқни ташкил этади. Орол денгизида жойлашган рус балиқчилик хўжаликларини учта пароход Оролдан Қўнғиротгача бўлган худудда ўз химоясига олган. Хивага келган охириги дипломатик миссия билан тузилган шартномада пароходларнинг Қўнғиротгача келиши белгилаб қўйилган.

Хива Эрон ва Ҳирот билан кам миқдорда савдо-сотик олиб боради. Ҳирот ва унинг атрофларида Хивада тикилган чопонларнинг бозори чакқон, нархи ҳам қиммат, аммо бу ерга келадиган йўллар туркманлар қўлида бўлгани учун чопонлар Бухоро орқали олиб келинади.

Хива билан Астробод ўртасидаги алоқаларни фақат ёвмутлар олиб боришади, улар ҳар йили 100-150 туяда тарок тайёрлаш учун ёғоч ва нефт маҳсулотлари олиб келишади. Хиванинг Бухоро билан савдо-сотиғи эса, аксинча, анча қизғин. Бухорога Хивадан кийим-кечак ва қалин газлама олиб чиқилади, Бухородан эса чой, зираворлар, қоғоз ва маҳаллий атторлик моллари сотиб олинади.

Мамлакатнинг ички савдоси учун ҳар бир шаҳарда ҳафтасига бир-икки марта бозор ўтказилади. Ҳатто фақат кўчманчилар яшайдиган бир дона уй бўлмаган жойларда ҳам бир неча пахса лойдан ишланган кулбалар қурилган бозор майдони (бозорли жой) барпо этилади, бозор бу ерларда байрам тусини олади. Аксар ҳолларда Марказий Осиё кишиси уйдан 10-12 мил узоқдаги бозорга бир неча игна ва бошқа майда-чуйда нарсалар харид қилиш учун ҳам ўзининг энг чиройли отига миниб, энг яхши милтиғини олиб, йўлга чиқади.

<sup>389</sup> Ўша ерда, 342-345-бетлар.



Хивада 1) ўзбеклар; 2) туркманлар; 3) қорақалпоқлар; 4) қозоқлар (уларни бизда киргиз дейишади); 5) сартлар; 6) эронийлар истиқомат қилади.

**Ўзбеклар.** Ўзбеклар – асосан ўтrock ва деҳқончилик билан шуғулланувчи халқнинг номи. Улар Орол денгизининг жанубий қисмидан то Комулгача (Хивадан 40 кунлик йўл) бўлган улкан ҳудудда яшовчи учта хонлик ва Хитой Татаристони (Шарқий Туркистон) аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи халқ ҳисобланади. Ўзбеклар 32 та асосий уруғларга бўлинадилар. Қўнғирот, қипчок, хитой, маңғит, нукус, найман, қулон, қиёт, ос, тоз, соёт, чигатой, уйғур, оқбет, дўрмон, ёшун, қонжиғали, нўгой, болғали, метин, жалоир, кенагас, минг ва бошқалар. Бу тарзда уруғларга бўлиниш қадимдан мавжуд бўлиб, ҳатто айрим қабилалар ушбу ҳудудда жуда кенг тарқалган ва тили, урф-одатлари ва қиёфалари фаркли бўлган хивалик, қўқонлик ва ёркендлик ўзбекларнинг нафақат бир миллатга, балки бир қабиллага, бир уруғга мансублиги киши эътиборини ўзига жалб қиладиган ҳолатдир.

Шуни қайд этиш лозимки, Хивада жуда кўп уруғлар мавжуд ва хиваликлар ўзининг қадимий ўзбек миллатига мансублиги билан жуда фахрланади. ... Ўз хулқи-атвори билан хивалик ўзбек бошқалардан ажралиб туради. У соддадил ва кўнгли очик... Хивалик ўзбекларда Марказий Осиёдаги бошқа миллатларга нисбатан мусиқага ва туркий халқ шеърлятига бўлган иштиёқ жуда кучли, ҳатто Қўқон, Бухоро ва Қашғардагидан ҳам кучлироқ. Хивалик дотор ва қўбиз чалувчилар бутун Туркистон бўйлаб машхурдилар.

<sup>390</sup> Travels in Central Asia..., pp. 345-349.

Буюк ўзбек шоири Навоий ҳаммага машхур, уни ҳар бир киши билади. Ҳар ўн йилда иккинчи ва учинчи лирик намоёндалар пайдо бўлиб туради. Хивада мен икки ака-ука билан танишдим. Бири Мунис бўлиб, у шеър ёзиб туради, баъзиларини мен кейинчалик чоп этмоқчиман; иккинчиси Мироб (Огаҳий). Мирхонднинг буюк тарихий асарини ўғли учун машаққатлар билан у гарчи форс тилини тушунса-да, ўзбек туркий шеvasига таржима қилаётган эди.

Тез-тез намоёишкорона курашлар, жанглар ўтказиб турилади, айниқса дабдабали совринли от пойгалари тез-тез бўлиб туради. Ҳар бир серҳашам тўйда мезбон 9, 19, 29 та соврин тикилган от пойгаси ғолибларига соврин сифатида 9, 19, 29 донадан турли чорва моллари беради, масалан, 9 та қўй, 19 та эчки ва ҳоказо. Ушбу совринлар салмоқли маблағни ташкил қилади. Келиннинг бўлажак эри билан от чоптириши, яъни кўкбўри ҳақида биз гапирган эдик. Қадимий оташпарастликнинг байрам ва ўйинлари Марказий Осиёнинг бошқа қисмларда бугунги кунда анча унут бўлган бўлса-да, Хивада ислом кириб келганидан кейин ҳам сақланиб қолган.

**Туркманлар.** а) ёвмутлар – жанубда Қизилкум этакларида Кўхна Урганчдан Ғазовотгача бўлган жойларда истиқомат қиладиган Қорайилғин, Кўкчага, Ўзбекёп, Бадркент ва Мадамин деган манзилларда яшайдилар; б) човдурлар – Кўхна атрофларида, чунончи Қизил Такир ва Порсу атрофларида, аммо кўпинча ғарбда Орол ва Каспий денгизлари оралигида кўчиб юрадилар. Гўкланлар бу ерда жуда кам.

**Қорақалпоқлар.** Улар Амударёнинг ўнг тарафида, Гурланни қаршисидан то деярли Қўнғиротгача бўлган улкан бутазорлар яқинида яшайдилар. Уларнинг отлари кам, қўйлари деярли йўқ. Уларда 10 та асосий қабилани



санаш мумкин: баймокли, хандакли, терс тамғали, оч-амойли, қайчили хитой, ингакли, кенагас, тўмбўйин, саку, ўнтўрт уруғ. Уларнинг сони 10 минг ўтов билан белгиланади. Қадим замонлардан бери улар Хивага бўйсунди. Қирк йил олдин улар Ойдўст бошчилигида исён кўтариб, Кўнғиротга бостириб киради, аммо кўзғолон кейинчалик Муҳаммад Раҳимхон томонидан бостирилади. Саккиз йил олдин улар Сорлиқ бошчилигида яна бош кўтардилар, айтишларига қараганда сорлиқнинг 20 мингта отлиғи бор экан. Кўп талафотлар етказиб, ахийри исёнчилар Кутлўғмуродбий томонидан тор-мор қилинган ва таркатиб юборилган. Охирги марта улар уч йил олдин яна исён кўтардилар, уларнинг бошлиғи Эрназар ўзига қалъа қурдирди, бироқ у ҳам мағлуб бўлди.

**Қозоклар (қирғизлар).** Энди уларнинг сони Хивада жуда кам, чунки яқин ўтмишда уларнинг катта қисми Россия хукронлигига ўтди.

#### *Кўқон хонлиги*<sup>391</sup>

Кўқон хонлиги бир неча бекликка бўлинган бўлиб, биз бу ерда уларни йирик шаҳарлари номи билан атадик. Хонликнинг пойтахти Кўқон шаҳри бўлиб, уни маҳаллий аҳоли “Хўканди Латиф” деб ҳам атайди, у чиройли водийда жойлашган бўлиб, унинг айланаси Хивадан олти марта, Бухородан уч марта ва Техрондан тўрт марта каттадир. Хоннинг саройи жойлашган жанубий қисм яқинда девор билан ўралган, шимолий қисм эса умуман очиқ. Аҳоли ва уйлар сони нисбатан кам; уйлар катта мевали боғлар билан ўраб олинган ва уни айланиб чиқишга чорак соат вақт кетади. Меъморчилик нуқтаи назаридан Кўқон Бухоронинг ўзидан устунлигини танилади. Фақат тўрт масжид ва катта бозор тошдан қурилган

<sup>391</sup> Travels in Central Asia..., pp. 380-387.

бўлиб, унда рус товарлари арзон баҳода сотилади, аммо улардан ташқари ипак ва жундан ишланган маҳаллий товарлар ҳам сотилади. Чармдан ишланган бежирим ашёлар; эгарлар, қамчилар, от абзаллари ҳамда пойтахта нозик дид билан ишланади ва жуда машхур.

Кўқондан кейин бошқа шаҳарлар орасида Тошкент ажралиб туради, хонликдаги савдо-сотикда биринчи ўринда турадиган Тошкент шаҳрида Оренбург ва Қизилжар (Петропавловск) билан савдо қиладиган бой савдогарлар истиқомат қилади. Тошкент Марказий Осиёнинг энг ажойиб шаҳарларидан бири ҳисобланиб, у Бухоро, Кўқон ва Хитой Татаристони (Шарқий Туркистон) билан транзит савдо-сотик олиб боради.

Тошкентдан кейин алоҳида эътиборга лойиқ шаҳарлар қуйидагилар: Хўжанд - 3000 хонадонга эга, ишлаб чиқариш корхоналари кўп, уларда олача ишлаб чиқарилади, 18 та мадраса ва 36 та масжид мавжуд. Марғилон, Кўқон маърифатнинг бош шаҳри бўлиб, унда Махзуми Аъзам тариқатининг бошлиғи Хўжа Бузрук истиқомат қилади.

Хонликнинг яна ажойиб шаҳарларидан бири Андижон. У ерда хонликдаги энг зўр адрас ишлаб чиқарилади, Наманган - унинг атрофида қипчоқлар яшайди. Яна ахлоқ ва дин ҳақида ёзилган “Машраб” асарининг муаллифи Хўжа Ахмад Яссавий қабри жойлашган Ҳазрати Туркистонни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу китобни ҳалигача кўчманчилар ҳам, Кўқоннинг ўтроқ аҳолиси ҳам бирдек севиб ўқийдилар. Ҳисордан кейин энг яхши пичоқларни ишлаб чиқарадиган Шаҳри Манзил ва Чустнинг пичоқлари Туркистонда энг қиммат баҳода сотилади. Шаҳрихон ўзининг аъло сифатли ипаги билан ажралиб туради, хонликнинг шарқий чегарасида



жойлашган ва Тахти Сулаймон деб аталадиган Ўш шаҳрига ҳар йили жуда кўп зиёратчилар келади<sup>392</sup>...

...Россия бошқа хорижий мамлакатларга нисбатан Марказий Осиё билан кўпроқ алоқалар ўрнатган. Хивадан чиққан карвонлар Астрахан ва Оренбургга боради, у ердан кўпгина бадавлат савдогарлар Нижний Новгород, ҳатто Петербурггача ҳам борадилар. Бухоро ва Оренбург ўртасида бетўхтов алоқалар мавжуд, айниқса, ёзда янада кўпаяди. Ушбу сафар оддий ҳисобланиб, эллик-олтмиш кундан иборат. Сафар эҳтиёжга қараб ёки бирон-бир сабаб билан узоқроқ ёки қисқароқ бўлиши мумкин. Агар қирғизлар орасида ғалаёнлар бўлмаса, кичкина карвонлар ҳам йўлга чиқишга журъат қилади. Тошкентдан карвонлар Оренбург ва Қизилжарга сафарга чиқади. Улар Оренбургга эллик-олтмиш кунда, Петропавловскка етмиш кунда етиб боради. Сафар хавфли бўлгани учун ҳам, карвонлар кўпчилик бўлиб чиқади. Наманган ва Оқсувдан Пўлатга (Семипалатинск) йўлга чиққан карвонлар асосан Кўқондан сафарга чиқишади ва куролланган соқчилар назорати остида кузатиб борилади ва қирқ кунда манзилга етиб келади<sup>393</sup>.

Марказий Осиёдаги ишлаб чиқаришнинг йирик марказлари қуйидагилар: Бухоро, Қарши, Янги Урганч, Кўқон ва Наманган. Ушбу шаҳарларда газламалар ишлаб чиқарилади, пахта, ипак, қаноқ қоп ва чарм маҳсулотлари маҳаллий эҳтиёжларни бутунлай кондиради. Олача деб номланган мато кенг тарқалган бўлиб, эркаклар ва аёллар кийимлари учун ишлатилади. Хивада у пахта ва ипакдан тўқилса, Бухоро ва Кўқонда фақат пахтадан тўқилади. У

<sup>392</sup> Travels in Central Asia..., pp. 385-386.

<sup>393</sup> Ўша ерда, 407-408-бетлар.

ерда махсус тикувчилар бўлмаганлиги учун, ишлаб чиқарувчи уларни тайёр ҳолатда сотади<sup>394</sup>.

Биз Бухорога борганимизда, у ернинг аҳолиси ушбу кийимларнинг баҳоси қимматлигидан нолиган эди, Уларнинг баҳоси қуйидагича:

Кийимлар	1-нав	2-нав	3-нав
Хиваники	30 танга	20 танга	8 танга
Бухороники	20 танга	12 танга	8 танга
Кўқонники	12 танга	8 танга	8 танга

Олачадан ташқари яна ипак матолар, асосан дағал сифатли салла учун жун шолрўмол, йирик гулли қалин сурп ҳам ишланади, ундан Туркистон ва Афғонистонда тўшакка ёпиладиган чойшаб сифатида фойдаланилади<sup>395</sup>.

#### Бухоро хонлиги<sup>396</sup>

Хонлик шарқда Кўқон хонлиги ва Бадахшон тоғлари билан, жанубда Амударё, Керки ва Чоржўй билан, ғарбда ва шимолда эса бепоён чўл билан чегараланади. Демаркация чизиғи аниқ эмаслиги туфайли, аҳоли сонини тўлиқ ҳисоблашнинг имкони йўқ. Юзаки қараганда шуни тахмин қилиш мумкинки, аҳоли сони 2,5 миллион киши бўлиб, ўтроқ ва кўчманчи қатламдан ташкил топган. Миллат тамойили бўйича ҳисобланса, аҳоли ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, араблар, марвликлар, эронликлар, хиндлар ва яҳудийлардан иборат.

#### Бошқаруви

Бухоро бошқарув тизимида араб ва форсларга хос жиҳатлар жуда кам сақлаб қолинган. Бошқарувда турк-мўғул жиҳатларининг устунлиги ҳар жабҳада акс этади.

<sup>394</sup> Travels in Central Asia..., p. 422.

<sup>395</sup> Ўша ерда, 423-бет.

<sup>396</sup> Ўша ерда, 366-367-бетлар.



Давлат тепасидаги амир, таъбир жоиз бўлса, ҳам генерал, ҳам хукмдор ҳам дин пешвосидир.

Ҳарбий ва фуқаролик мансаблари даражаларга қуйидагича бўлинади: а) катта сипохи; б) ўрта сипохи; в) ошоқи (кичик) сипохийлар. Қуйидаги жадвал амирдан бошлаб энг сўнгги поғонагача бўлган турли мансаблар ҳақида қисқача тушунча беради.

Катта сипохийлар	Оталик Девонбеги (котиб) Парвоначи (саройда капалак деб ҳам аталади. Чунки амир уни турли топшириқлар билан турли худудларга жўнатиши мумкин)
Ўрта сипохийлар	Тўқсоба ёки Тўхсахиби Инок Мирохўр
Ошоқи сипохийлар	Чороғаси ёки чехра оғаси Мирзабоши Ясовулбеги ёки Қоравулбеги Юзбоши Панжбоши (Элликбоши) Ўнбоши

Бундан ташқари, амирнинг шахсан измида бўлган саройдаги офицерлар ҳақида ҳам таъкидлаш жоиздир. Уларнинг тепасида кўшбеги ёки вазир, меҳтар, дастурхончи ва закотчи туради. Закотчи шу билан биргаликда молия вазири вазифасини ҳам бажаради ва амирнинг ички харажатларини бошқариб боради. Кейин маҳрамлар келади, уларнинг сони вазиятга қараб ўзгариб туради. Улар турли топшириқлар билан турли вилоятларга жўнатилади. Вилоят ҳокимининг қароридан ҳар қандай

норозилик амирга билдирилганда унга маҳрам тайинланади, маҳрам прокурор сифатида ҳоким билан унинг вилоятига боради, ҳолатни ўрганиб, сўнгги қарорни қабул қилиш учун уни амирга етказади. Шунингдек, эшик оғаси, баковул, жамоат сайилларида амир ўрнида салом-алик оладиган салом оғаси ҳам бор. Ҳозирги дабдаба-ю сайилларни ёқтирмайдиган амир даврида бу барча мансаблар ва амаллар номигагина мавжуд<sup>397</sup>.

#### Армия

Хонликнинг доимий армияси 40 000 отлиқдан иборат бўлиб, кези келганда 60 000 отлиққача етиши мумкин. Бу соннинг катта қисмини Бухоро ва Қарши таъминлайди. Айниқса, бухороликлар ўзларининг довьораклиги билан донг таратган. Бу сон бухороликларнинг ўзлари томонидан келтирилган бўлиб, бўрттирилган бўлиши ҳам мумкин<sup>398</sup>.

#### Полиция (миршаблар)

Бухорода полиция бошқаруви Осиёнинг бошқа шаҳарларига қараганда анча кучли фаолият юритади. Кундуз кунлари раиснинг ўзи бозорлар ва жамоат жойларини айланиб чиқади ёки ўзининг кўп сонли мансабдорлари ёхуд айғокчиларини жўнатади. Қуёш ботгандан икки соат ўтгандан кейин ҳеч ким кўчага чиқишга журъат қила олмаган. Кўшни-кўшниникига чиқа олмаган, бемор тиббий ёрдам етмаслигидан вафот этган, чунки амир мишабларга таъқиқланган соатларда кўчада учраганларнинг барчасини, ҳаттоки унинг ўзини ҳам ҳибсга олишни буюрган<sup>399</sup>.

<sup>397</sup> Travels in Central Asia..., pp. 373-375.

<sup>398</sup> Ўша ерда, 375-376-бетлар.

<sup>399</sup> Ўша ерда, 366-бетлар.



### Бозорлар

Бухородаги бозорлар Эроннинг йирик шаҳарларидаги бозорлардан фарқ қилади. Уларнинг жуда ками куббали ёки тошдан қурилган, фақат энг катталарининг томи ёки шох-шабба ёки камиш билан ёпилиб, ҳодага тортилган. Ҳар бир бозорнинг ўз оқсоқоли бўлиб, у амир томонидан тартиб-интизом ва тўловлар борасида масъул қилиб қўйилган. Бозорлардан ташқари, шаҳарда улгуржи молларни ва сайёҳларни қабул қилиш учун ўттизга яқин кичик карвонсаройлар мавжуд<sup>400</sup>.

**Henry Lansdell. "Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv" ("Россияга бўйсиндирилган ҳамда Ғулжа, Бухоро, Хива ва Марвни ўз ичига олган Марказий Осиё")<sup>401</sup>**

*Ҳенри Лансделл – Буюк Британиялик миссионер ва сайёҳ, Қироллик Фанлар академияси ва Қироллик география жамияти аъзоси. Ҳенри Лансделл ўзининг Туркистон генерал-губернаторлиги ва Бухоро амирлигига уюштирган сайёҳати давомида шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг этник таркиби, касб-кори, йирик шаҳарлардаги маҳаллий яхудиёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи, турма ва зиндонларда сақланаётган маҳбуслар ҳаётига оид маълумотлар тўплаган.*

*Ҳенри Лансделл ўз сафари таассуротлари асосида 1885 йилда чоп этилган 2 жилдли асарида минтақадаги турли соҳаларга оид муҳим статистик маълумотларни келтирган. Муаллиф, шунингдек, ўз асарида бир қатор рус*

<sup>400</sup> Travels in Central Asia..., pp. 365-366.

<sup>401</sup> Асарнинг инглизча номи: Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., M.R.A.S., F.R.G.S. with frontispiece, maps, and illustrations, in two volumes. London. Sampson Low, Martson, Searle and Rivington. 188, Fleet Street. 1885

*ва хорижий сайёҳлар, амалдорларнинг тадқиқотлари ҳамда мемуарларидан ҳам ўринли фойдаланган.*

*Қуйида мазкур асардан келтирилган парчалар илк бор инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда чоп этилмоқда. Наирга тайёрлаш жараёнида ўша даврга оид айрим узунлик, оғирлик ва майдон ўлчов бирликларига бугунги кунда истеъмолда бўлган ўлчов тизимидаги бирликларидан келиб чиққан ҳолда баъзи аниқликлар киритилди.*

Абдурасулов Х.

### Тошкент<sup>402</sup>

*Тошкентнинг Осиё (яъни маҳаллий аҳоли яшовчи) қисмининг 4 даҳаси таърифи.*

Номи иккита сўздан келиб чиққан Тошкент (тош ва кент) шаҳри икки қисмдан иборат шаҳар бўлиб, унинг икки қисми бир-биридан шунақа катта фарқ қиладики, бирор сайёҳ шаҳарнинг бир қисмини кўздан кечириб чиқсунча жуда ҳам кўп йўл босиб чиқади ва йўлида битта ҳам русни ёки шаҳарнинг бошқа қисмида битта ҳам маҳаллий кишини учратмайди.

Шаҳарнинг Европа қисми (яъни руслар яшайдиган янги қисми) яқинда барпо қилинган, унинг эски қисми минг йил олдин, 738 йилда араблар бостириб келганда ҳам мавжуд эди. Шаҳарнинг Осиё қисми маъмурий жиҳатдан 4 қисмга ёки юртга бўлинган. Улар олдин мингбоши томонидан бошқарилган ва Шайхонтохур, Себзор, Кўкча, Бешёғоч деб номланади.

Уларнинг биринчиси, яъни Шайхонтохур шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмини ўз ичига олади, текисликда жойлашган, чуқур жар уни иккига ажратиб туради ва у

<sup>402</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., Vol. I. pp. 438-441.



орқали Анҳор тез оқар канали оқиб ўтади. Шайхонтохур 48 та маҳалладан иборат бўлиб, улардан бир нечтаси шаҳар атрофида жойлашган ва кейинчалик тобора кенгайиб бораётган шаҳарга қўшилган. Ушбу шаҳар атрофидаги мавзеларнинг баъзилари шунчалик каттаки, ушбу маҳалланинг барча аҳолиси оилавий тўй-ҳашам ва байрамларга таклиф қилинганда, уларни санаётганда баъзан ажратиб қўйишган.

Шайхонтохур аҳолиси Л.Костенконинг маълумотиغا қараганда, 3030 хонадонда истиқомат қиладиган 10194 кишидан иборат бўлиб, бу ерда 3 та мадраса, 60 та масжид, 230 нафар ўқувчига эга 10 та мактаб мавжуд бўлган. Шаҳарнинг ушбу қисми аҳолисининг асосий машғулоти чўян эритиш, саррожлик, жувозчилик ва тўқимачи-лик бўлиб, хунарларнинг умумий сони 507 тага етади. Шаҳарнинг ушбу қисмида уй-жой ва бинолардан ташқари боғлар учун ажратилган қисми жуда кичик бўлган - 300 акрдан иборат. Бундан ташқари 860 акр ер яйловлар ва 900 акр ер шולי экиш учун ажратилган.

Себзор шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 38 маҳалладан иборат. У тўрт қисмдан иборат бўлиб, улардан бирининг номи Иброҳим Ота деб номланади ва “йўнғикча” ёки беда етиштириш билан машхур. Кайковус номи (Тошкентнинг собиқ хукмдорларидан бирининг шарафига номланган) бош каналнинг соҳилларида жойлашган қисмидаги 2230 хонадонда 18650 киши истиқомат қилади, шу ерда Себзорнинг барча тегирмонлари жойлашган. Шаҳарнинг ушбу қисми аҳолисининг асосий машғулоти этикдўзлик бўлиб, Туркистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам экспорт қилинади. Тўқимачилик ва газламаларни бўяш ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда турадиган касб ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли ушбу икки хунардан жуда қадимдан бери

фойдаланиб келмоқда ва улар орасидан етиштиб чиққан бой синф улгуржи савдо билан шугуллианади. Бу ерда учта мадраса мавжуд бўлиб, улардан Бекларбеги мадрасаси жуда машхур, унда 260 нафар талаба таҳсил олади ва Себзорнинг зиёлилар қисмини ташкил этади.

Кўкча даҳаси шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 31 маҳалла, 2511 хонадон ва 22088 жондан иборат. Кўкча тепаликлар билан қопланган жойда жойлашган ва чуқур жарлари кўп. Шаҳарнинг бу қисми аҳолиси асосан чармга ишлов бериш билан банд. 1871 йилги статистикага кўра, 695 та хунарманд касибдан 341 нафари чармга бирламчи ишлов бериш билан шугулланса, 218 нафари чармдан пойафзал тайёрлаган. Бундан ташқари, бу ерда гишт пишириш учун 6 дона печь, 7 дона кулолчилик устахонаси, 22 тегирмон ва 22 жувозхона, шунингдек, 2 та мадраса, 34 та мактаб, 51 та масжид ва 18 та макбара бўлиб, охиргисида Бағдоддан бу ерга юборилган ва 400 йил олдин шу ерга дафн қилинган Шайх Зайниддин бобони айтиб ўтиш лойиқ.

Шаҳарнинг тўртинчи қисми Бешёғоч даҳаси бўлиб, унинг жанубий қисмини эгаллайди. Даҳа 32 маҳалла, 1400 хонадон ва 12450 жондан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилигида обод боғлар ва далалар мавжуд. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг бу қисмида аҳоли камроқ яшайди, деҳқонлар ўз далаларига яқинроқ бўлиш ва уларда ишлов бериш учун аҳоли кўчиб борган. Шу тарзда бундан 180 йил олдин шаҳарликлар кўчиб кетиши натижасида Зангиота қишлоғига асос солинди. Бу қишлоққа макбараси шу ерда жойлашган ва жудаям катта хурмагга эга Зангиота номи берилган ва ҳар йили мевалар ҳосил берганда Туркистоннинг барча шаҳарларидан зиёратчилар келади. Бешёғочликларнинг асосий машғулоти гишт



куйиш бўлиб, чамаси шундан 3 та мадраса, 16 та хусусий мактаб ва 68 та масжид барпо қилинган.

Шаҳарнинг Осиё қисми аҳолиси асосан касб-корига қараб бўлинади. Иморатларнинг сони 17500 та. 1868 йилги аҳолини рўйхатга олиш бўйича аҳолининг сони 76000 нафар киши эди. Бино ва иморатлар куйидагилардан иборат: хусусий уй-жойлар – 13260 та, шундан 322 таси – бўш, 23 та карвонсарой (519 та дўкон), 8 та мадраса, 8 та ҳаммом, 255 та масжид, 116 та тегирмон, 42 та бошқа тегирмонлар, катта бозорда 2324 та дўкон, ичи бўш бозорда 307 та дўкон, 594 та дўконча, 96 та бўш ёйма бор.

Шаҳарнинг янги қисми эски қисмидан Бўзсув билан ажратилган. Унга 1865 йилда асос солинганига қарамадан жуда ривожланган.

... Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида бир неча дўкон бор, уларда Европача товарларни икки баробар қиммат пулга сотиб олиш мумкин бўлса-да, масофани ва ушбу жиҳоз ва молларни олиб келиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳисобга олганда, уларнинг қиймати унча баланд деб бўлмайди.

Шаҳарнинг бу қисми ўзининг шаҳардан 1,5 км. узоқликда жойлашган обсерваторияси, Марказий Осиё музейи ва мен шахсан ташриф буюрган театри билан машхур. Бундан ташқари, зобитлар театри ва клуби бор. 1875 йилда шаҳарнинг рус қисми аҳолиси, аскарлардан ташқари, 2982 нафар эркак ва 1870 нафар аёлдан ва диңий нуқтаи назардан православ, мусулмон, яҳудий, католик ва лютеранлардан иборат эди. 100 та касбга бўлинган жами 4852 нафар иш билан банд аҳолидан 532 нафар аёл доимий иш билан таъминланган; 1691 нафар кишида аниқ касб йўқ. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли-

нинг аксар қисми навқирон ёшда бўлиб, уларнинг ёши 20 ва 40 ораларида бўлган<sup>403</sup>.

... Ҳарбий касалхона шаҳардан ташқарида, Салор канали бўйида, узунасига 850 ярд ва энг кенг жойида энига 550 ярд майдонда жойлашган. ... Ушбу муассаса иккинчи тоифали рус ҳарбий касалхонаси ҳисобланиб, 15 зобит, 380 аскар ва 20 аёлга мўлжалланган. У 300 доимий ва 100 та қўшимча ўринга эга<sup>404</sup>. Қишки бинолар пишиқ ғиштдан қурилган, томи тунукадан, ҳар бир бинода ҳаммом ва хожатхона мавжуд. Бир бинода жарроҳлик бўлими бор. Жами олти хонанинг ҳажми 3877 куб футни ташкил қилади.

Тошкентда кенг тарқалган касалликлар безгак ва ичбуруғдир. Бу касалликларни келтириб чиқарадиган сабаб об-ҳаво билан боғлиқ бўлиб, у безгакни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида ичак шиллик пардаларининг яллиғланишига олиб келади. Ундан кейин эса маҳаллий аҳоли “Пашша чакди” деб атайдиган терининг ўзига хос касаллиги бўлиб, русчасига “волчанка” дейилади. Унинг келиб чиқиш сабаби ҳалигача номаълум. Учинчи касаллик эса, офтальмия бўлиб у чанг ва куёшнинг кўзни қамаштирадиган таъсири остида юзага келади. Уч кунлик безгак ҳам кенг тарқалган<sup>405</sup>.

... Тошкентга четдан мол олиб кириш ва четга мол олиб чиқиш масаласи

1876 йилда шаҳарга Россия, Бухоро, Семипалатинск, Туркистон ва Еттисувнинг бошқа жойларидан 23669 та

<sup>403</sup> Диний нуқтаи назардан аҳолининг таркиби 3473 православ, 938 мусулмон, 159 яҳудий ва ҳоказолардан иборат.

<sup>404</sup> Қишки биноларда куйидаги касалликлар учун бўлимлар мавжуд: таносил, диарея, тери, безгак, дибсагилар, зобитлар ва аёллар бўлимлари.

<sup>405</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., Vol. I. p. 449.



туяда, 804 та аравада ва 1355 та отда мол олиб келингани туфайли нотўғри фикр пайдо бўлиши мумкин. Бунинг акси ўлароқ, 2325 та туяда четга мол олиб кетилди, шундан ярмиси Россияга, чорақдан Кўқонга ва Тошкентнинг Осиё қисмига етиб боради. Пойтахтда баҳорги ва кузги ярмаркалар ўтказилади<sup>406</sup>.

#### *Фарғона вилояти*<sup>407</sup>

... Мамлакатнинг бошқа вилоятларидаги каби Фарғона шаҳарларининг жойлашуви уларнинг яқинида дарёларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Юкори Нориннинг сохилларида бир неча казак аҳоли яшайдиган қишлоқлар қурилган. Аммо ушбу дарёнинг Қорадарё билан қўшилган жойида Наманган шаҳри барпо этилган бўлиб, унда пахта етиштирувчилар истиқомат қилишади. Шаҳарда 1000 та дўкон бор. Ҳар йили шаҳарда 300 минг кўй сотилади. Бу ерлик аҳоли соллар ясаб, унинг устига мева-чева, тери, кигиз ортиб, Сирдарёнинг куйи оқими бўйлаб оқизади. Шимоли-ғарбда Косон шаҳри жойлашган бўлиб, у Фарғонада қадимийлиги билан машҳур М.Ужфальвининг фикрича, шаҳарнинг тожик аҳолиси жуда чиройли ҳисобланади.

Сирдарёнинг шимолида жойлашган яна битта шаҳар Чуст, унда ҳам худди Ҳисордаги каби машҳур пичоқлар ясайдилар. Қорадарёнинг сувлари кўпгина шаҳарлардан оқиб ўтиб, энг биринчиси Ўзган, Тяньшан тоғларининг бир дарасининг этагида 3200 фут баландликда жойлашган. Шаҳар авлиё саналмиш Хўжа Юсуфнинг макбараси ёнида бўлганлиги сабабли машҳурдир. Ўзгандан жануб-

<sup>406</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., Vol. I. p. 452.

<sup>407</sup> Уша ерда, 490-502-бетлар.

рокда 2000 фут баландликда Терак доvonини хитойликлардан сақлаб турадиган Гулжа шаҳри жойлашган.

Шарқий Фарғонанинг бош шаҳри Андижон ҳисобланади, уни Қорадарё сувлари сугориб туради. Шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида тез-тез зиёратчилар келиб турадиган сувлари иссиқ, карбонат ангидрид ва олтингу-гуртга бой Жалолобод Айюб жойлашган.

Марғилон Шохимардон дарёси бўйида жойлашган ва қулай об-ҳаво шароити сабабли руслар томонидан вилоятнинг маъмурий маркази сифатида танлаб олинган. Аҳоли сонига қараб Кўқонда 60000, Наманганда 50000, Марғилонда 40000, Ўш ва Андижонда 20000 жон ва жами вилоятда 729690 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маъмурий жиҳатдан вилоят 7 уездга бўлинган бўлиб, энг йириги Андижон ва энг аҳамиятлиси эса Марғилон уездларидир.

#### *Хўжанддан Кўқонгача*<sup>408</sup>

... Биз синагогадан чиқиб бозорга бордик, аммо бозор кунни эмаслиги туфайли уни барча ранг-барангликда кўра олмадим. Одатда бозорлар ҳафтада икки кун – пайшанба ва якшанба кунлари уюштирилади. Е.Скайлер ва М.Ужфальвининг фикрига кўра, маҳаллий бозор Марказий Осиёдаги энг яхши бозор ҳисобланади. Кўчалар куёшдан химоя қилиш мақсадида қатор-қатор баланд пештоқли томлар билан ёпилган. Бу ерда Марказий Осиёнинг барча молларини топиш мумкин: Бухородан ипак ва духоба; Марғилондан газлама ва пишиқ жун газлама; Қарши ва Кўқондан машҳур санъат усталарининг мис буюмлари; Бухородан чарм сандиқлар; ғарбий Хитойдан дунган телпаклари; ранг-баранг дўппилар; атлас ва ипакдан турли хил рангдаги чопонлар; Самарқанддан

<sup>408</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., Vol. I. pp. 511-532



пичоклар, заргарлик моллари, нефрит ва ониксдан ишланган буюмлар олиб келиб, сотилади.

Кўконлик заргарлар сохта тошлар билан безалган бир неча исиргалар тайёрлашади. Кумушдан ишланган худди ўрта асрлардаги каби очик катта билакузуклар, уларнинг олтин манжетаси ва кумуш қатламлари Самарқанд заргарлик буюмлари билан рақобатлашади. Улар ўзига хос шаклга эга бўлиб, базилари ҳақиқий тошлардан ясалган. Бу буюмлар заргарликнинг Марказий Осиёда қадимдан ривожланиб келганидан далолат беради. Қадимий заргарлик буюмлари бу ерда жуда қадрланади.

Мени жездан (мис ва кўрғошин қоришмаси) ясалган ва Кўконни машҳур қилган кўзалар лол қолдирди. Улар нафис ишланган бўлиб, дид билан безалган ва баъзи эски кўзалар сир билан қопланган. Мен шундай чиройли кўзалардан бирини Британия музейи учун сотиб олдим. Анча дид билан ясалган иккинчи кўзани менга Хивада ҳада қилишди. Мен яна шундай нафис ишланган чойнак ҳам, маҳаллий узук ва исиргалар, тўқа, билагузук ва туморлардан намуналар сотиб олдим. Кўконга яқин тоғлардан сотувга олиб келинадиган турли хил мўйналарни кўрсатиш мумкин, улар: сувсар мўйнаси – 2 пенсдан, то қора қўй кўзиси териси – 40 пенсгача, йўлбарс териси – 50 пенсгача<sup>409</sup> нархда баҳоланади.

... Яқинда куни тушда Марказий Осиёда яшовчи яҳудийларни кўришга отландим. Лондон шаҳрининг лорд-мэри ва эзилган Россиялик яҳудийларга ёрдам кўрсатиш кўмитаси раиси Жаноб баронет Уиттакер Эллис менга илтифот кўрсатиб, қўлимга мактуб берган эди. Ушбу мактубда мени касалхоналар, турмаларга инсонпарварлик

<sup>409</sup> Пенс - Буюк Британиянинг пул бирлиги. 12 пенс 1 шиллингга, 20 шиллинг 1 фунт-стерлинг тенг бўлган. Ўша даврда 1 рус коғоз рубли (100 копейка) 2 шиллингга тенг бўлган.

мақсадида ташриф буюриш учун саёхатга чиққанлигим, менга сафарда учраган ва ёрдам бериши мумкин бўлган ҳар бир кишидан илтифот ва эътибор кўрсатишлари сўралган эди.

Ушбу мактуб мен учун Лондоннинг ваколатли бош раввини доктор Ҳерман Адлер томонидан илтифот билан қадимги яҳудий тилига ва менинг илтимосимга биноан қўшимча равишда рус, араб, форс ва ўзбек тилларига таржима қилинди. Бизни Тошкентнинг рус қисмига олиб келишганида менинг сафар мақсадимни тушунтириш мақсадида уларга ушбу мактубни кўрсатдим ва улардан қадимги қўлёзмалар ҳақида сўрадим. Аммо, уларда яҳудийларга оид ҳеч қандай қадимги нарсалар йўқ эди. Синагогада мавжуд нарсалар эса деярли янги экан. Мен олдин ҳеч қачон бундай озода ва ёруғ синагогага кирмаган эдим. Деворлари яқинда оҳак билан оқланган ва маҳаллий безаклар билан безатилган эди.

#### *Зарафшон уезди*<sup>410</sup>

... 1880 йилда чоп қилинган “Туркистон календари” га мувофиқ уезднинг тоғли волостларининг аҳолиси 25565 эркак ва 18167 аёлдан иборат бўлиб, булардан 672 таси рус аскарлари саналади...

...1876 йилда чоп қилинган “Туркестанский ежегодник” нашрида 1872 йилда уезднинг учта волостида, яъни Самарқанд, Панжикент ва Каттакўрғонда тахминан 215 минг одам (119 минг эркак ва 96 минг аёл) яшаётганлиги ҳақидаги маълумотни йиғиб олдим<sup>411</sup>.

Улар этник жиҳатдан қуйидагиларга бўлинади: 582 нафар қирғиз, 67862 нафар тожик, 140154 нафар ўзбек,

<sup>410</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, Vol. I. p. 533-545

<sup>411</sup> Ўша ерда, 544-бет.



2211 нафар эроний, 214 нафар ҳинди, 1974 нафар яхудий. Ижтимоий таркиби эса қуйидагича: 7690 нафар мулла, 9593 нафар савдогар, 28865 нафар ҳунарманд ва косиб, 95429 нафар деҳқон ва қишлоқ меҳнаткашлари, 73986 нафар қора ишчи.

Уездда 5000 хонадон мавжуд, бундан йўл-йўлакай келган 180 нафар оилалар мустасно. 30 та мактаб, 2001 та масжид, 990 та тегирмон, 500 та қолиплайдиган тегирмон ёки пресс, 32 та бозор мавжуд. Уезддаги уй ва бошқа ҳайвонлар сони қуйидагича: 1600 та туя, 46000 та от ва эшак, 61000 та йирик шохли қорамол, 136000 та қўй. Ҳосилнинг асосий турлари: шоли, буғдой, арпа ва беда. Маҳаллий миллатларга оид шаҳарликлардан ташқари 1873 йилда уезд шаҳарларида руслар: Самарқандда 5069 нафар, Каттакўрғонда 1121 нафар, Панжикентда 28 нафар, Камменний Мост фортида 227 нафарни ташкил қилади. Жами 6451 нафар руслардан 5600 нафари аскар, 231 нафари оддий фуқаро, 329 нафари аёл ва 287 нафари боладан иборат. Бундан ташқари, уездда ҳар бирида ўрғача минг кишилиқ 8 та қишлоқ мавжуд. Пайшанбада 4380 ва Ургутда 10200 нафар фуқаро истиқомат қилади.

... Шердор ва Тиллакори мадрасаларига вақф қилинган ерларнинг миқдори 25 та бўлиб, умумий майдони 12500 акрни ташкил этади. Ҳар йили 1000 фунт-стерлинг фойда келтирадиган 8 та дўкон ҳам бор. Самарқанддаги масжид ва мадрасаларнинг сони 58 та, уларнинг мулки — ер майдонлари, дўконлар, карвонсарой, битта бозор, тегирмон ва ҳоказолар ҳар йили 2000 фунт-стерлинг даромад келтиради.

...1876 йилда чоп қилинган “Туркестанский ежегодник” маълумотига биноан бутун уездда 3 та рус мактаби мавжуд эди (учинчиси Каттакўрғонда жойлашган), уларда 6 нафар ўқитувчи ишлаган, 64 нафар ўғил

бола ва 23 нафар кизлар таҳсил олган. 1876 йилда уездда маҳаллий таълим 968 та бошланғич мактабларда ва 31 та мадрасада олиб борилган. Мактабларда 999 нафар ўқитувчи дарс беради, қишда ўқувчиларнинг сони 8642 тани, ёзда эса 2266 тани ташкил қилган. Ушбу таълим муассасалари билан боғлиқ сарф харажатлар уларга ажратилган вақф маблағлари ҳисобидан ёки жамоалар ва айрим ҳолларда ўқитувчилар томонидан таъминланган. Уларнинг йиллик даромади 391 фунт ва камида 32 тонна дондан иборат бўлган, аммо ота-оналар болалари учун озик-овқат ва кийим-кечак кўринишида ҳадялар жўнатиб турганлиги боис умумий даромадни аниқлашнинг имкони йўқ<sup>412</sup>.

... Самарқанддаги уйларнинг сони 4411 та, шундан 200 таси русларга тегишли. Аҳолиси 36000 нафарни ташкил қилади, шулардан 5400 нафари европаликлар ва 30600 нафари маҳаллий аҳолидир. Ишлаб чиқариш корхоналари ва иншоотлари асосан шаҳарнинг Осиё (“эски шаҳар”) қисмида жойлашган бўлиб, заводлар, тўқимачилиқ устахоналари, устахоналар ва бошқалардан иборат. Уларнинг кўриниши Тошкентни эслатади. Ҳунармандлар тўқимачилиқ, темирчилик, мисгарлик, терини ошлаш, дурадгорлик, токарлик, пойафзал тикиш, эгар-жабдук, шунингдек, бўяш, кулолчилик ва тикувчилик билан шуғулланишади.

Биз Зарафшон уездини Бухородан ажратиб турадиган, Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Китоб тоғларининг чўққисига чиқдик. Эни 30 қадамга яқин бўлган тош платформадан орқадаги қуруқ ва сувсиз чўлга назар солдик, бизнинг олдимиздаги манзара анча ёқимли кўринарди. Бу Қашқадарё воҳаси бўлиб, иккала қирғоғида

<sup>412</sup>Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, Vol. I. p. 600.



эгизак шаҳарлар — Китоб ва Шаҳрисабз жойлашган. Дарахтлар ва боғларнинг сероблигидан Шаҳрисабз, яъни “Яшил шаҳар” деб номланган<sup>413</sup>.

Амир Китобда 12 та замбарак, Бухорода эса ундан ҳам кўпроқ замбарак сақлар эди. Унинг армиясида 14 минг нафар жангчи бўлиб, ундан 6000 нафари отлиқ аскарлардир<sup>414</sup>. Саройдаги бошқа аъённинг маълумотига кўра, 20 та батальоннинг ҳар бири 1000 кишилиқ бўлиб, отлиқлар ҳам шунча бўлса борки, аммо кам эмас. Қўшбеги эса менга 15 000 дан 5000 нафари отлиқ аскар эканлигини айтди. Уларнинг барчаси ихтиёрий равишда 18 ёшдан то умрининг охиригача хизмат қилади, уларга яхши ҳақ тўланади. Қишлоқ жойларида 17 шиллинг ва 6 пенс, пойтахтда эса, 20 шиллинг тўланади. Бошқа маълумотга биноан, ҳар ойда 10 шиллинг тўланади, улар ёлланган кўнгиллилар кўшини бўлиб, Бухорода мунтазам армия мавжуд эмас. Улар ўз уйларида яшашади, ҳарбий чақирув вақтидагина келишади. Ҳарбий хизматдан кетишни хошлашса, қуроллари ва кийимларини топшириб, ўз касблари билан шуғулланидилар.

Биз серхосил воҳага, ўзининг тамакиси билан машҳур бўлган Қаршига, анорлари билан машҳур бўлган Шаҳрисабзга, узуми билан машҳур бўлган Китобга ташриф буюрдик. 7 октябрда Қаршида бўлдик. 1832 йилда Александр Бёрнс шаҳарга ташриф буюрган ва уни ташландик бинолардан иборат тартибсиз шаҳар деб таърифлаган. Узунлиги 1 милга (1 миль 1609 метрга тенг) чўзилган ажойиб бозори, 10 минг аҳолиси бор. 1863 йилда Вамбери шаҳарда 25 минг одам яшашини тахмин қилган ҳамда шаҳар девори бўлмаганлигини таъкидлаган. Хаников шаҳарда

<sup>413</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, D.D., Vol. I, p. 9

<sup>414</sup> Ўша ерда. 21-бет.

умумий марказга эга бўлган учта девор мавжудлигини эслатиб ўтган ва мен улардан бирининг юқорисидан айланиб ўтиш учун анча кўп вақт сарфладим. Хаников деворнинг диаметри 2 километр, айланаси 6 километр эканлигини, қалъада 4 та мадраса, бош жомеъ масжиди ва ҳаммом мавжудлигини қайд этган. Қарши хонлиқда иккинчи шаҳар хисобланган...

Бизга айтишларича, бек бизни кечкурун тарихий хотирани эслатувчи Оқсаройда кутиб олади. Биз Бухородан қумлар билан ажралиб турадиган ерлардан, Самарқанддан тоғли доvonлар билан ажралиб турадиган жойлардан ўтдик. Шаҳрисабз аввалроқ маълум қилинган мустақил ҳукуматни шакллантириш учун арзийдиган жой экан<sup>415</sup>. Менга айтишларича, Шаҳрисабзда 90 та масжид ва 3 та мадраса бўлган... Мен сарой масжидини суратга туширдим, лекин у ҳашаматли бино эмас эди.

Доктор Скайлер Шаҳрисабзда 20000 ва Китобда эса 15000 одам яшашини айтган...

...Жаноб Галкин 1865 йилда беклик аҳолиси 70 мингдан иборатлигини тахмин қилган. Ҳозирги ҳукумат эса, аҳолини 50 мингга яқин, деб ҳисоблайди. Булар асосан ўзларининг жасурлиги билан фахрланадиган “кенегас” ўзбекларидир. Ўша муаллиф Шаҳрисабздаги 4 та қалъа ва 20 та қишлоқ номини келтиради. Китоб тепаликларда жойлашган бўлиб, 1910 фут баландликда, Шаҳрисабз эса паст ва серботқоқ ерда жойлашган.<sup>416</sup>

Эрталаб ҳаммомга бордик. Йўлимиз жун сотишга мўлжалланган, 600 ярд узунликдаги шаҳарнинг бозор қисмидан ўтган эди. Бундан ташқари, гўшт, мевалар, сут ва тамаки сотиладиган дўконлар ҳам бор эди. Ушбу жой

<sup>415</sup> Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, Vol. II, P.32.

<sup>416</sup> Ўша ерда, 39-бет.



Ўзининг сути ва пичок ишлаб чиқариши билан машхур экан. Айниқса, қайноқ сувга ботириладиган ва “Обжўши Қарши” деб номланадиган узуми жудаям машхурдир<sup>417</sup>.

Остонақулбийнинг сўзига қараганда, Қарши беклиги Чимдан 40 мил шарққа, Бухоро тарафга қараб чўзилган. Қарши беклиги Қарши, Хозар, Ширабул, Садабад ва Чирокчи туманларидан иборат. Бу ерлардан олинадиган умумий даромад, Бёрнснинг фикрига кўра, 32 минг тиллони ташкил қилади.<sup>418</sup>

Гилдиракли техника (поезд) юрадиган йўллар Қорақўлдан пойтахт орқали Каттакўргон ва Самарқандгача, шунингдек, Самарқанддан айланиб, Жом орқали ёки Бухородан Қаршигача олиб боради<sup>419</sup>.

Косон – улкан савдо манзили бўлиб, воҳанинг ғарбий чеккасида жойлашган. Қаршидан Бухорогача бекатлар номлари ва масофаси (миль ҳисобида) қуйидагича: Косон – 16, Хўжа Муборак – 20, Бакир – 18, Қоровулбозор – 13, Бухоро – 27<sup>420</sup>.

Бухоро деворининг айланаси 7 мил 980 ярд, баландлиги 24 фут ва асосининг қалинлиги 10 футдан иборат. Маҳаллий аҳоли шаҳар аҳолисини 2 миллион кишига етади, деб ҳисоблайди. Вольф фикрига кўра, шаҳар аҳолиси 180 минг кишидан, Ханиковнинг ҳисобига биноан 70-80 минг кишидан иборатдир. Мен охиргисини ҳақиқатга яқин, деб биламан. Хаников шаҳар майдонини 1860 акр ёки 3 кв. мил деб ҳисоблаган<sup>421</sup>.

Кўшбеги ҳузуридан қайтгандан сўнг, биз бир неча бор бозорда бўлдик. М. Петровскийнинг маълумотига кўра,

<sup>417</sup>Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, Vol. II, P. 45.

<sup>418</sup> Ўша ерда, 46-бет.

<sup>419</sup> Ўша ерда, 54-бет.

<sup>420</sup> Ўша ерда, 56-бет.

<sup>421</sup> Ўша ерда, 124-бет.

маҳаллий бозор Тошкентниқидан 5 баровар кенгрок ва унинг савдо айланмаси 4 миллион фунт-стерлинг атрофидадир. Савдо шартномаси ва савдо-сотик ишлари бошқа оддий расталарни ҳисобламаганда, 24 та карвон-саройда ва 6 та тимда амалга оширилади. Бошқа Осиё шаҳарларининг бозорлари каби турли товарлар бир-биридан алоҳида ҳолда сотилади. Хаников қуйидаги доимий бозорлар: этик ва тери маҳсулотлари бозори, нон бозори, балиқ, шағам, ун, арпа, жўхори бозорлари, ўтин, туз, кўмир, хомсурп, мис ва метал буюмлар бозорлари, шунингдек, кўнчилик маҳсулотлари, пойафзал, кепак, қуруқ мевалар, дори-дармон, ковун, анор ва нок, тухум, сут маҳсулотлари бозорлари, от анжомлари, пичок, ёғ, арқон бозорлари фаолият олиб борганлигини эслатиб ўтган<sup>422</sup>.

George Nathaniel Curzon. “Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian question”<sup>423</sup> (“Россия Марказий Осиёда ҳамда Англия-Россия масаласи.”)<sup>424</sup>

*Жорж Натаниэл Керзон (1859-1950) Англия сиёсий арбобларидан бири бўлиб, ўз ҳаёти давомида Англиянинг Ҳиндистондаги Вице-қироли, генерал-губернатори (1899-1905), ташқи ишлар давлат котиби (1919-1924), Лордлар палатаси раиси (1924-1925) каби юқори лавозимларда ишлаган. 1888-1889 йилларда Россия ва Марказий Осиёга, кейинчалик Эронга, Ҳиндихитой ва Кореяга, Афғонистон ва Помирга сафар қилган. Амударёни тадқиқ этиши бўйича фаолияти учун, Қиролик география жа-*

<sup>422</sup>Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv by Henry Lansdell, Vol. II, P. 133.

<sup>423</sup>George Nathaniel Curzon. “Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian question”. London.Longmans, Green. 1889.

<sup>424</sup> Асар 1889 йилда чоп этилганлиги боис сарлавҳада ўша йил кўрсатилган, аммо унда баён этилган тарих кўп йилларни қамраб олади.



миятининг "Royal Geographical Society" олтин медали билан тақдирланган.

Ж.Н.Керзоннинг Марказий Осиёга саёҳатлари асосида тайёрланган "Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian question (Россия 1889 йилда Марказий Осиёда ва Англия-Россия масаласи)" номли асариди минтақанинг XIX асрдаги тарихи ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилган. Бу асар 1889 йилда Лондонда нашр қилинган. Унда ўша даврдаги Россия – Англия муносабатлари, ва иккала давлатнинг Марказий Осиёдан кўзлаган манфаатлари каби масалалар ўз аксини топган. Шунингдек, муаллиф мазкур асарда Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ҳамда Хива хонликларидаги ижтимоий аҳволига оид статистик маълумотларни ўша давр адабиётлари ва матбуот материаллари билан қийслаб, таҳлил қилишга ҳаракат қилган.

В. Холов

Ресурслар, мануфактура ва савдо<sup>425</sup>.

...Туркистондаги 152 500 000 акр<sup>426</sup> ердан, 70 000 000 акри дашт, тоғли ва қумли ерлари мол боқиш [чорвачилик] учун ҳам, экин экиш [деҳқончилик] учун ҳам яроқсиздир. 75 000 000 акр майдон яйловдан иборат бўлса, қолган 7 500 000 миллион акрдан 5 000 000 акри экиладиган ер, 2 500 000 акри эса лалми ерлардир. Асосан донли экинлардан бугдой, гуруч, жўхори, арпа, тарик етиштирилади. Тўқимачилик учун етиштирилдиган маҳсулотлардан пахта биринчи ўринда, зиғир ҳамда каноп иккинчи ва учинчи ўринларда туради. Томорқаларда асосан қовун ва картошка етиштирилади. Экиладиган ерлардан олинади-

<sup>425</sup> George Nathaniel Curzon. Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian question. pp. 254-257

<sup>426</sup> 1 акр – 0,4 гектар (4047 кв м.)га тенг.

ган асосий маҳсулотлар минг пудда қуйидагича ифодаланади: бугдой 17 000; гуруч 10 000; жўхори 8 800, тарик 5 400; арпа 3 100; бошқа донли экинлар 3 600; жами 47 000 пуд. Амударё ва Сирдарё вилояти кўчманчилари йилига 3 000 000 пуд маккажўхори етиштиради. Зарафшон, Курама ва Хўжанд туманларида етиштирилган пахта 400 000 пуд, Фарғонада эса, 150 000 пудни ташкил этади. 1 500 акрдан кўпроқ ерга америка пахта нави қадалган.

Тоғли туманларда зироатчилик кенг тарқалган бўлиб, 250 000 акр ҳудудни эгаллайди ва асосан узум, олма, нок, гилос, олхўри, тут етиштирилади. Туркистоннинг қуритилган мевалари узоқ Сибир ўлкаларига ва Россиянинг жанубий қисмларига жўнатилади. Ипакчилик ҳам саноат тармоғининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, йиллик маҳсулот кўлами қуйидагича: Фарғонада 15 000 пуд; Зарафшонда 10 000 пуд; Хўжандда 3000 пуд; Чимкент ва Туркистонда 2 000 пуд; Бухорода 60 000; Хивада 3 000; Қошғарда 10 000; Марказий Осиёнинг умумий ипаги миқдори 103 000 пуд бўлиб, бир пуд ипак 125 рубл туради ва йиллик даромад тахминан 13 000 000 рублга (1 300 000 фунт) етади.

Туркистондаги чорва маҳсулотлари сони қуйидагича: қўй ва эчкилар 4 810 000 та; отлар 645 000 та; туялар 382 200 та; шохдор чорвалар 525 000 та; жами 6 362 000 та. Сирдарёнинг қуйи оқими ва Оролбўйидаги балиқчилик йилига 10 000 фунт, тери ва жун савдоси эса 55 000 фунт<sup>427</sup> даромад келтиради. Туркистонда минерал бойликлардан фойдаланиш ҳали унчалик ривожланмаган, фақатгина йилига тахминан 750 000 пуд кўмир қазиб олиндиган Хўжанд атрофи бундан мустаснодир.

Марказий Осиёга маҳсус илмий топшириқ билан жўнатилган рус инженерининг яқинда берган

<sup>427</sup> Ўша даврда 1 фунт 10 рублга тенг бўлган.



маълумотига кўра, Самарканд яқинида жойлашган Панжикентдаги нефт конларида камида 9 000 000 пуд энг тоза нефт бор. Маҳаллий ишлаб чиқаришда заводлар ва цехлар сони жуда кўпайганлиги куйидаги рақамларда намоён бўлади: Сирдарё вилоятида 720 та цех ва 3000 та хунармандлик устахонаси, йиллик ишлаб чиқариши 140 000 фунт; Фарғонада 4320 та цех ва 2000 та устахона, йиллик ишлаб чиқариши 80 000 фунт; Зарафшонда 520 та цех ва 1000 та устахона, йиллик ишлаб чиқариши 60 000 фунт; Амударёда 2 та цех ва 50 та устахона, йиллик ишлаб чиқариши 5 000 фунт; жами 1 662 та цех ва 6 050 та устахона бўлиб, йиллик ишлаб чиқариши 285 000 фунтга баҳоланади. Энг муҳим манифактуралар русларга тегишли бўлиб, улар 40 тани ташкил этади ва энг йириклари йилига 50 000 фунт даромад берадиган 12 та бренди спирти заводларини ўз ичига олиб, 5 та сигарет (тамаки), 4 та терига ишлов бериш, иккита пахта тозалаш, битта ёғ-мой ва битта шиша заводларидир.

Кўп сонли маҳаллий кичик мануфактура устахоналари орасида ипак йиғириш ва тўқиш энг асосийлари саналади. Фарғонадаги кичик цехлар 100 000 фунт қийматидан ортиқ ипак ва 30 000 фунт қийматидаги пахта маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар. Шахсий турар жойлардан тахминан уйда йиғирилган 400 000 ярд<sup>428</sup> пахта билан армия таъминланади. Шунингдек, ўлкада гилам ва жун матоларни ишлаб чиқариш ҳам етарли даражада ривожланган. Туркистон савдо айланмасини аниқ рақамларда кўрсатишнинг имкони йўқ. Учта асосий йирик шаҳарлар, Тошкент, Қўқон ва Самарканднинг йиллик савдо ҳажми 1 000 000 фунтга баҳоланади, аммо бу ҳисоб-китоб асл якуний миқдордан анча фарқ қилади. Куйида 1881 йил маълумотлари асосида Туркистондан олиб кетилган ва бу

<sup>428</sup> 1 ярд – 91.44 см га тенг.

ерга олиб келинган савдо молларининг қиймати келтирилади:

*Туркистондан экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати*

Нижний Новгородга	500 000 фунт
Ирбитга	50 000 фунт
Крестовскийга	50 000 фунт
Даштга	100 000 фунт
Оренбург ва Орскка	130 000 фунт
Троицкка	100 000 фунт
Петропавловскка	50 000 фунт
Семипалатинск ва Еттисувга	100 000 фунт
Жами:	1 080 000 фунт.

*Туркистонга кириб келган товарлар қиймати*

Оренбург ва Орскдан	500 000 фунт
Троицкдан	200 000 фунт
Петропавловскдан	150 000 фунт
Семипалатинск ва Еттисувдан	100 000 фунт
Даштдан	200 000 фунт
Жами:	1 200 000 фунт.

Туркистондан Бухоро ва Хива хонликлари ва Хитой таркибидаги Қошғарга қилинган экспорт ҳажми 1884 йилда 600 000 фунтни ташкил этади ва импорт савдоси 550 000 фунтга баҳоланади. 1866-1885 йиллар оралигида Туркистонда савдо икки баробарга ўсди. Россиядан Туркистонга экспорт қилинадиган товарлар орасида, энг асосийларини жун ва пахта газламалари, тери маҳсулотлари, дастгоҳлар ва кийимга зеб берувчи маҳсулотларни ташкил этади. Туркистон бунга ўзининг чорваси ва Ҳиндистондан



келтириладиган 100 000 фунт кийматидаги чойи билан жавоб кайтаради.

... Афғонистон билан савдо кўрсаткичлари<sup>429</sup>

Бухоро ва Афғонистон ўртасидаги савдо карвонларда амалга оширилиб, савдо фаолиятини асосан бухоролик савдогарлар назорат қилади. Аммо россиялик бир савдогарнинг Чорвилоятда савдо қилаётганлиги ва Россия шакарини муваффақиятли сотаётганлиги хабар қилинди. Карвонлар асосан афғон бозорларидан Маймана, Андхўй, Шибирғон, Акча ва Сарипулда тўхтади. Афғонистондан асосий импорт қилинадиган маҳсулотлар – Ҳиндистон транзитининг энг сара маҳсулотларидан кўк чой, нил бўёғи, дори-дармонлар, инглиз ҳарир ипак матоси, шунингдек, Қобул орқали олиб келтириладиган жун, кўй, кўзичоқ ва тулки териси, уруғлар ва пистадан иборат. Россиядан Афғонистонга экспорт қилинадиган асосий маҳсулотларни босма нашрлар, шакар, қадокланган маҳсулотлар, хўл мевалар, ширинликлар, чемоданлар, дастгоҳлар, темир, мис ва гугурт ташкил этади. 1889 йили Россия Молия вазирлиги журнали 1888 йил мобайнида рус-афғон савдоси ҳақида қуйидаги маълумотларни чоп этди. Ушбу савдо Исҳоқхон<sup>430</sup> кўзғолони туфайли жуда катта зиён кўрган.

*Афғонистондан Бухорога жўнатилган маҳсулотлар (фунтда)*

Июнь (1888) (Кўзғолондан олдин)	215 690
Июль	80 270

<sup>429</sup> George Nathaniel Curzon. "Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian question", pp. 282-283.

<sup>430</sup> Сардор Муҳаммад Исҳоқхон – ўша даврдаги Афғонистон амири Абдураҳмонхоннинг амакиваччаси бўлиб, Балхда унга қарши кўзғолонга раҳбарлик қилган.

Август	55 414
Сентябрь	38 611
Октябрь – Ноябрь	55 364
Декабрь	5 417

*Рус маҳсулотларининг Бухоро орқали Афғонистонга экспорт қилиниши (фунтда)*

Июнь (1888) (Кўзғолондан олдин)	123 581
Июль	54 558
Август	53 241
Сентябрь	33 669
Октябрь-Ноябрь	55 364
Декабрь	5 417

Юқоридаги рақамлар Россиянинг Афғонистон билан мол айирбошлаганининг юқори даражасини кўрсатиб, бунда тинчлик даврида эришилган ва урушга тайёрланишда кўтарилган тўлиқ дислокацияни намоён этади...



## V БОБ. МЕМУАРЛАР ТАДҚИҚОТЛАР

### Мусо Туркистоний “Улуғ Туркистон фожиси”

*Муҳаммад Мусо Туркистонийнинг “Улуғ Туркистон фожиси” асари унинг ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирган ва кўрган-билган воқеа таассуротлари асосида ёзилган.*

*Мусо Туркистоний 1904 йили Андижонда диний уламо оиласида таваллуд топган. Ўлкадаги большевиклар маслагини қабул қила олмай, уларнинг дин аҳлига қилган тазйиқларидан қочиб, ўз ватанини тарк этди ва муҳожирликка юз тутди. 1920-1930 йилларда Афғонистонда, Макка ва Мадинада, Қошғарда яшаб, фаолият юритди. 1937 йилдан Макка ва Мадинада муқим яшаб қолди.*

*Мусо Туркистонийнинг “Улуғ Туркистон фожиси” асари икки жилддан иборат бўлиб, биринчи қисми ватанимиз Туркистон тарихига, иккинчи қисми эса, Шарқий Туркистон тарихига бағишланган. Араб алифбосида босилган мазкур асарнинг биринчи жилди ўзбек тилида Мадинада чоп қилинган бўлиб, унда ўлкада мустамлакачилик сиёсатининг асоратлари ёритилган. Қўйида ана шу асардан парчалар келтирилади.*

*Т.ф.д. профессор Д.Зияева*

#### Истило даври

Руслар турли йўллар билан ватанга (Туркистонга) истило этди. Оҳиста-оҳиста тилга истило, сўнгра динга хужум қилишга бошладилар. Аввалларда янги кўза суви тоза дегондек, ҳар бир тўғрида халқга кенгчилик кўрсатилди. Чунончи, тижорат сарбаст, йўллар тузатилди,

темир йўли ва бошқа йўллар тузатилди, халқни Москов тижорати ила машғул қилди. Бир тарафдан пахтачилик ишига ривож берди. Пахта яксиюнчилиги тараққий қилди. Хулоса, руслар ўзиға тинч, дасти дароз кишиларни қўлга олуб, аларнинг воситаларила деҳқонлардан лойиқила фойдаланиш, ишчини ишхоналарга боғлаш, халқни ҳукуматга боғлаш сиёсатларини тутдилар. Бу ишларни кўброқ банк ва ширкатлар орқали амалга оширди.

Банклар рибога пул берди, процент усулиға боғлади.

Оқ вексилга имзо қилиш ривож бўлди. Хусусан, пахта эккан деҳқонлар қарзга ботди. Пахта учун қилгон меҳнат, машаққатларига лойиқ роҳат кўрмадилар. Ширкатлар ва банкларнинг қурғон низомлари натижа эътибо ила русларни, Московни фойдасиға бўлди. Русларни Туркистонга биз маданият келтирдик, Туркистонни обод қилдик, дегон иддаолари бўш сўздан иборат бўлуб қолди. Пахтага пул берадурғон доираларни машхурларидан бири пахта зовудларидур.

Зохирда тўғрига ўхшаб кўринади. Ширкатлар очик, тижорат бардавом, бонкалар халқга қарзга, бунакға пул берди. Аммо юзга мунча, деб оладурғон рибоси (судхўрлиғи) бор. Бу низомлар аксариятнинг зарариға чиқди. Халқ фақирлашди, синди-синди кўпайди. Хулоса, ҳамма иш бонканинг ва ширкатларнинг фойдасиға ҳал бўлди. Масалан:

Бир кишининг банкдан 1000 минг сўм қарзи бор. Вақтида тўлаёлмади. Ҳафталик, ойлик ўсган суди (рибо)си билан у қарз (3000) сўм бўлгонлиғи, у бечора қарздор вафот қилуб, ворислари тўлаёлмай, ниҳоят ҳовли-жойлари, боғлари, бўстонлари сотиладур, пули бонкага тўланадур. Бу ишларнинг айб бўлмай, элда-юртда одатланиб, қонунлашиб қолғони маълумдур. Ер ва сувларни, гайри манқул (кўчмас мулк) нарсаларни ғосбан



сотиб, бонканинг, .... руснинг ҳақларини топшириш учун Русиянинг қонуни ижобий махсус бир идора бордур. Исми “Танфиз идораси”, деб таржима қилинса, фано ўлмаз “судебный исполнитель” дегон раҳмсиз бир доирадур.

Мақомга муносиб пахтадан аламзада бўлгон қарздор бўлуб, тўлаёлмайд бечора деҳқонлар заминдорлар ҳақида сўзлағон ашъоридан намуналар:

Пахтани кўб экишиб, чикди аларнинг пахтаси,

Гар эгар солдирмаса, бошида вексил нуктаси.

Пахтага пул чикса, мардум оч бўридек чопар,

Беришин фикр айламай Пишпек, Тўқмоқга қочар.

Бу мавзу ила алоқадор бўлгон ‘дўхтур Тохир Шокиралибекни 1934 йилда Берлинда босилгон “Туркистон пахта хўжалиғи” исмдаги китобининг 122-саҳифасини айнан кўчириб, мухтарам ўқувчилар диққатиға тақдимни фойдалиқ кўрулди:

Шу нуқтада ёш бола экон. Фарғонали бир пахтачи деҳқондан ўз қарзи устида эшитдикларимни накл этмасдан кечолмайман. Марғилоннинг Яккатут дегон қишлоғидан бўлгон бу киши бир кун бизга келуб, отам билан сўзлашиб ўтурор эди. Ман-да у ерда бир иш билан машгул эдим. Мусоҳаба у кишининг ўз ишларига келди. Хеч укмодингиндин (ўнгламаганидан) шикоят этди. Сабабини сўраганда бир пахтачининг исмини сўйлаб, мана бу кишидан бир неча йил аввал бу қадар пул қарз олгон эрдим. У замондан бери бергон пулларимни ҳисобласам, қарзимни икки мислидан ортик пул тўлаганман. Фақат хўжайиннинг дафтариға қарасангиз, қарзим эскисидан юз сўм қадар ортмишдур. Энди биз қандок қилиб укғормиз (ўнгланамиз), деди.

Ва яна айни ерда ёзодур: Туркистон деҳқонларининг давлат бонкасидан ва бошқа бонкалардан бўлгон қарзи

1912 йилда 156 712 000 сўм олтуи бўлиб, мазкурдан Фарғона деҳқонларини ҳиссасига тушқони 51 % яъни, 80 797 000 сўм олтундур.

Туркистон пахтаси учун Московдан пул келодур. Тўғридур. Аммо руслар пахта учун келгон пулларни турлик-турлик йўллар билан қайтариб Московга олуб кетадур. Масалан, ўт ароба, оташ ароба, шайтон ароба, от аробаси (пойтуи, дилижон ва бошқа ўюн йўллари) ила. От ўюни, картина (синема), электр асбоблари, телефон, чой, шакар, газлама, идиш-товоқлар, иморат асбоблари, зироат заруратлари, саноат машиналари, маориф эҳтиёжлари ва шуларга ўхшаш зарурий ашёларни Русиядан келтуруб, Туркистонга ёғдириб, ҳам пахтани пулини сўруб оладур, ҳам миллатдаги мавжуд бойлиғни шимириб оладургон бўлди. Булар етмас эмиш-да, ичкилик, қимор, фахш, судхўрлик йўллари билан халқни бисотида бор нарсаларини шилиб оладургон бўлди.

Инсонларни ҳаётида эҳтиёжи тушадургон зарурий асбоб ва ашё ва зийнат нарсаларини бошқа давлатлардан келтиришни манъ қилди. Қўшни давлатлардан Эрон, Афғонистон, Ҳиндистондан, Чин (Хитой)дан келтиришга тўсқунлик берди. Фақат ҳамма нарсани руслар Русиядан келтириб, пахта ва бошқа маъдан пулларини ўзи қайтаруб олуб, истеъморда ҳеч қусур қилмас бўлди. Бунинг устиға Туркистонда камёб бир нав мевалар, гулларни Русиядан келтуруб, бизларга сотуб, қўлимизда ва сандуқларимиздаги нақдиналаримизни супуруб оладургон бўлди. Яна Туркистон кирои (край – ўлка) га маданият келтирдик, тараққийсига сабаб бўлдик, деб қилгон иддаолари ошукча бўлди.

Русларнинг мулойим сиёсатларидан бир намуна: руслар халқимизни сиёсат ила доғлаб турор экон, яна бир тарафда волийлар, ҳокимлар халқни жалб қилмоқ қасдила



юмшок сиёсатни кўлдан бермас эрдилар. Масалан, Тошканддаги генерал-губернатор оқ подшоҳнинг Туркистондаги ҳашамат ва салтанатини тамсил этаркан, алардан баъзилари, Черняев, сариг сокол Иванов, Курапаткинга ўхшагонлари мулойим сиёсатлари билан халқни ёғлаб, ўзларига ром қилодургон йўлларга бош урар эрдилар. Чунончи, обрўлик, шарафлик юртнинг катталарини зиёфатларига келиб, урф-одатимизча кўрпакда ўлтуруб, суҳбат қилар, емак, ичмакда ерли усулига тобе бўлуб, бетакаллуф хийлик ила аҳолини овлар эдилар.

...Руслар Туркистонга келуб, яхши томир отиб, ўринлашгандин кейин қилгон ташвиқотлари Туркистоннинг қора чироғлари, жин чироғлари ўрнида фонарлар келтирдик, мум шамъларини бадалида электириклар келтирдик, бўз хом ўрнига читлар, батислар, чакманликлар ерига мовут-юнг газламалар келтирдик, чарх, чигирик, жавозлар ўрнига мошиналар келди, тегирмонгача мошиналашди, тўкума фабрикалар, турли мошиналар ила халқ рафоҳ ва саодатга эришди, деб парупогонда (пропаганда – ташвиқот) қилодургон бўлдилар.

Дуруст, руслар кўлила турлик зовудлар қурулди эса, ҳар хил ширкатлар, чунончи, Кузнитсўф (Кузнецов), Прахроф (Прохоров), Гумбур (Губнер) каби ширкатлар қурулса, темир йўллар узок масофаларга қадар тамдид этди эса, бунда сўз йўқ. Буларнинг вужуди Туркистоннинг бойлигини сўруш учун, маъданларини осонлик билан Московга жўнатиш учун бир василадур. Лазуманда рус аскарларини миштоблик Туркистонни бир бошдин яна бир бошига еткузуш учун фақат, фақат русларни истиротижий (стратегик) манфаати учун бўлгон плон (режа)дур.

Қурулгон ширкатлар кўлиладурки, Туркистоннинг пахтаси, ипаклари, олтуң конлари, маъданлари, петрулуруниюмлари тамомила русларнинг тегирмониға оқторилди (ағдарилди).

#### ...Кўчирма сиёсати

Руслар Туркистонга ерлашгонларидан кейин тутгон сиёсатлари ижобиё Укройинодан қофила-қофила рус дехқонлари, мужикларни, хоҳол (хоҳол)ларни келтиришға бошлади. Мужикларнинг ифлосликлари ила, кўтак аробалари, узун-узун ўроқлари бошда ўлароқ, пода-пода тўнгузлари Туркистонлиларга жуда ҳам оғир келди.

Мужиклар Фарғонанинг энг сувлик, унум ерларига жойлашдилар. Андижон музофотиға тобе Жалолободнинг уст тарафлари, Ўзганд тобелари, Қуршоб, Кампиробод атрофларига ерлашдилар. Дахи Искобилўф (Сим – Скобелев) атрофида рус мужиклари ўринлашдилар. Хусусан, Қозоғистоннинг унумлик жойларига русларни миллионлаб ўринлашдирилди.

Булар етмас эмиш-да, бошқа тарафдан маъкул йўллар билан диндошимиз, иркдошимиз нўғой, татарларни турли баҳоналар ила Туркистонга ёғдирди. Буларнинг аксарияси ўкугон кишидурлар. Алар ишхоналарга, ёзувхоналарга, идораларга, пахта зовудларига баъзилари котиб ва баъзилари тилмоч, муаллим, тарозубон ва турлик-турлик вазифа ила ўринлашдилар.

Буларнинг таърифи мухтасар этилгонда ўқутуб, одатландириб етишдирилгон мустаъмара хаётиға, сиёсатиға рози қилуб тарбиялангон кўлбола қулбаччаларидур (маъмурлардур). Булардан бошқа татарлардан келтиргон аскарларнинг Туркистонда уйланиб, жойланиб ерлик, сувлик бўлишларига, ерликлар



ила бир тигизда бўлишлариға Московнинг мусоадаси бўлди.

Шул усул илаки, Туркистон генерал-губернатори Московдин чиқорилгон конун (закун)га риоят қилмаслик ҳаққининг ҳоизидур. Бу киши ярим пошшодур. Туркистонга фармонфармодур. Шунинг учун Московга боргон дод-фарёд шикоятлари эшитилмайдур...

#### Маориф

Туркистонликлар маорифга муҳтож, маорифга ташна, асрий улум ва фунунларни ўз тилларида ўргонишни ҳақли ўларок истайдур. Лекин рус истибдоди бунга йўл бермайдур.

Руслар эса ҳар қандай илми русча ўларок, рус лисонида ўргатишни ва русчага ҳаср қилиш билан маориф ишларини итлоқила шу равишда юрутодур.

Русларнинг қоидалари:

1. Ибтидоий мактаб русчадур. Ўқувчилар русча ўқийдур (русско-гуземние школы)

2. Ўрта мактаб русчадур (высшее-начальное училище).

Бу мактабнинг талабалари 400 га болиғ талабасидан 2 мусулмон толиб бор эди. Бири Андижондин, яна бири Ўшдин. Бу марҳаладан кейин ўқувчининг миқдороти фақат инспектор ва директорнинг ихтиёридадур.

Ўқувчи маълумотини ортдириш учун гимназияга ёхуд Тошканддаги семинарияга, Петербургдаги академияга жойланиши миссонерларнинг кўлидадур.

Илм таҳсили учун хорижга чиқишга изн йўқ. Диний бўлсун, фанний бўлсун, ҳар қандай илм ўқувчилар Русияни дохилида илм ўқуйдур. Буни Масков ва Петербург таъйин этодур. Аммо нўғойлардан Мисрда, Ҳижозда таҳсил кўргон олимлар чиқди эса-да, жуда ҳам нодирдур. Бормоқ ҳисоблари кифоят қилодургон

даражададур. Бизни Туркистондан хорижий таҳсил кўргон фалоний деб зикр қилишга ҳеч рақам йўқдур.

#### Тилга истило

1. Мусулмонлар ўлтургон шаҳарларда қанча даҳа бўлса, ҳар даҳада бир рус мактаби бўлодур. Нафақаси давлатга оиддур.

2. Русча мактаб очилмоғон жойларда мусулмонларнинг масжид солиш, мадраса қилишлари мамнуъдир.

3. Мусулмон мударрисларнинг, муаллимлар ва имомларнинг ва бошқа диний хизматчиларнинг русчани яхши билишлари шартдур.

4. Аҳоли тарафиндан очилгон диний мактабларни нафақаси халқга оиддур. Русча таълим кўрмагон болалар бундоқ исломий мактабларда ўқуш ҳаққидан маҳрумдурлар.

5. Ерлилар тарафидан русча мактаб очилгон тақдирда муаллимнинг маоши давлатга оид бўлуб, бошқа нафақалари, масрафлари бонийларнинг гарданигадур.

Юқоридаги шартларни таҳаққук этуб-этмаслиги тугролик миссионерларнинг фаолияти собитдур. Миссионерлар, маориф назорати, пўлис (полиция) идораси, ҳаммалари бир кишидур. Гарчи идоралари бошқа, исмлари бошқадур, аммо онан вазифалари бирдур, миссионерларга хизматдир.

Зикр қилингон турлик шартлар ила очилгон мактабларни давомлик суратда контрол қилиш (суруштириш) ўзи миссионер вазифаси, инспектёр бўлгонларнинг ҳаққидур.

Тафтишнинг кайфияти: Зикри кечгон русча мактабларда фақат русча ўқулурму ёхуд бошқа илм ҳам ўқулурму? Муаллимлар мусулмон рухонийларидинму,



рус рухонийларидинму? Мактаблар ҳар даҳадаму, баъзи даҳадаму? Очилгон мактабдаги болалар ўқушга мажбурмулар, ихтиёрликмулар? Талабаларнинг равийяси русларнинг маориф низомига мувофиқму, йўқму? Дарсни ўқулуши маорифнинг лойихасига мутобиқму? Ва шунга ўхшаш баҳслар, саволлар давомлик суратда бўлиб туродур.

#### Ҳаж йўли тўсулди

Мусулмонларга фарз бўлгон ҳаж ибодатини адо қилишдан 1903 йилда Русия императўрлиғи бир фармон ила ман қилди. Бунинг сабаблари кўбдур. Масалан, ҳажга боргон туркистонли у сафар муносабатига чет давлатларни ҳам кўродур. Саёҳатдан фойдаланодур. Кўзи очилодур. Мусулмон давлатларни, хусусан, Туркия салтанатини, исломнинг шавкатини, исломнинг қувватини кўродур. Кўзи очиқ зиёлилар бўлса, истибдодга қарши чиқишни ўрганадур. Маълумотлари зиёдаланиб, зеҳнлари очиладур. Ўрук ўрукни кўруб, олаядур, дегандек, ҳажга боргон туркистонликлар мустақил ҳар давлатларни кўриб, ҳавасланадур. Хулоса, муборак сафар – ҳаж сафарини натижаси ўлароқ, туркистонлилар ўз ҳуқуқларини истиқлолларини талаб қиладурлар. Исён чиқарадурлар, деб ман қилди. Андижондаги Дукчи Эшон ҳодисаси русларнинг шундоқ андишага тушурадурғон бир намунадур...

#### Матбуот

Русларни буйруқларича, мусулмонларнинг матбуотдан истифодаси маҳдуд эди. Озодлик, истиқлол, ҳуррият, ҳокимият мавзуларида халқга талқин қилинадурғон китоблар, рисоалар, мақолаларни нашри мамнуъ эди.

Халқнинг фикрини очадурғон ваъз, иршодлар, мусулмонларни танвир этадурғон нутқлар қатъиян мамнуъ эди.

Хулосаси, бу ҳақдаги таълимот ва талқинотларни ҳаммаси инспекторларнинг изни ила миссионерларнинг чигиригидан ўтказилар эди.

Миссионерларча, ватан туркистонликларнинг ватани. Лекин ватанга эғалиғини сўйлагон бирини жазоси ўлум ёхуд Сибириёдур. Чунки ватан Туркистон русларнинг амрида, ярим подшонинг фармонида, султан комиласидадур.

Туркий қомусил аълум Русиядаги мусулмонларни ёзувчи оталари, боболари десак муболага бўлмаса керак. Қримлик Исмоил мирзо Гаспиралининг қаламила бир энциклапедия китоби ёзилди. Исми ҳам туркий “Қомусул-аълум” кўюлди. Шундоқ муҳим ва муфид бир асар майдонга чиқиб, матбаага ҳозирланди. 1-жузъи тамом бўлди, деб таржимон газитасининг 123-сонида ... нашр қилинди, муждаланди. Мусулмонларга баҳрул-улум айни замонда қирғиз дала газитасида ҳам шул мазмунда эълон чикди. Сўнгра китобни исмини “Баҳрул-улум”, деб от қўюлди. Табъ қилишга рухсат сўраб, бу китобни Петербурғга сензурга йўлланди.

Илмий ва одобий бу асарни табъига изн берилиши учун мусулмонларни дили тўк эди. Зеро, бундоқ бир китобни ўтган замонларда мисли чикмагон эди. Шунинг учун бу китобни юзага чиқиши мусулмонларни адабиётига янги бир хизмат, янги бир ижод бўлар эди. Сиёсат билан ҳеч алоқаси йўқ эди.

Ҳамиша тетик довриниб русларни машҳур мусташриқларидан Илминскийни кўлиға мазкур икки газита кетирилди. Газитани ўқуб кўрғон Илминский “Баҳрул-улум” исмли китобни исмини эшитар-эшитмас, ақли бошидан учди. Ўқуб кўрди. У дақиқада кўлиға қалам



олди. Петрбургдаги бош вазир раисул-вузаро Пўбедантсўф (Победаносцев)га муфассал суръатли мактуб ёзиб, жўнатди. Мазмуни: Бу китоб босилиб тарқалса, русларга етадургон маънавий зарарларини баён қилди ҳолда истиқболда мусулмонларни орасида бундок илмий асарларни бўлиши ўз ораларида нашри русларни катта зарарларга учратадур. Руслар сиёсатда ютқазгон бўладур. Бу эса муҳаққакдур. Гафлат этмасдан китобни босмасдан, муносиб бир тадбир жорий қилинсин, деб мактубни муҳрлади.

Мусташирик (бош вазир) Пўбедантсўф (Победаносцев) бу хатни ўқуб, дархол китоб мусодара қилинсин, таъбиға рухсат берилмасин, деб фармон чиқарди.

Хазинатул-ахбор: китобни таъб қилишга рухсат берилмағони бир дард, китобни мусодара қилинғони икки дард ўларок, мусулмонлар учун дард устиға дард бўлди. Катта таъсир қолдирди. Ишни ич-юзи ҳам англашилди. Шундай бўлса ҳам ғайратлик мусулмонлар қараб турмадилар. Тўрт мусулмон мунавварлари бошини бир жойга тўпладилар. Китобни ася нусхасидан яна бир нусха кўчирдилар. Бунга “Хазинатул-ахбор”, деб бошқача янги бир от қўйдилар.

Бу китобни Тифлис (Кафказ) маориф анжуманга жўнагиб бердилар. Ўтган воқеани баёнила эмди бу китобни таъб қилиш, нашр қилишни, бу ҳақда қўлларидан келгон фидокорлиғни дариг тутмасликларини ражо қилдилар. Биизниллоҳ комёб бўлажақлариға хайрли дуода бўлдилар.

Тифлисидаги Қафқосия маориф анжуманнинг саъйи ва иқдомила устод Сафар Али Валибекўф исмидан “Хазинатул-ахбор” китоби босилди, нашр қилинди.

Бу китобдан бир нусхасини кўргон руслар жони чиқғудек ғазабландилар. Хийла шов-шув бўлди. Илм

кипиларини мудофаасила матбаа қопатилмади. Текшириш давом этди. Аммо китобда илмдан, адабдан, луғатдан бошқа мавзу йўғлиғи учун кимса масъулиятга тортилмади.

### Шаҳарлар

...Туркистон ўлкасини ҳамма шаҳарлари икки тақсим қилинғондур. Янги шаҳар, эски шаҳардур. Эски шаҳарда мусулмонлар ўлтуродур. Янги шаҳарда ўруслар ўлтуродурлар. Янги шаҳарнинг имтиёзи бордур. Кўчалари озода, балдагийя, яхши қорайдур. Эски шаҳарни буджасини олуб, янги шаҳарга ҳаржлайдур. Янги шаҳарни ҳамма жодаларига тош ётқизилгон, лой йўқ, тоза ва мунтазамдур. Кўчалари режалик, тўппа-тўғридур.

Аммо эски шаҳарнинг бир икки буюк жодаларидан бошқасида тош ўтқизилмагон, туфрок, лой ва балчиқ, сув оралашдур. Қиш фаслларида таъриф қилиб тугатиб бўлмайдур, қорамайдур. Шундок бўлса ҳам баладийя идораси (коммунал бўлим) бокмайдур, ғам емайдур. Баладийянинг қоши, кўзи янги шаҳар, кўз нури янги шаҳар, ой туғса янги шаҳарга, кун туғса янги шаҳарга туғсун дейдур. Янги шаҳарнинг имтиёзларидан бири фасод ахлоқ учун омода қилингон фасодхоналар, фоҳишахоналар, қиморхоналар, синемалар ва бошқалар мавжуддур. Хусусан, ичкилик сотиладургон дўконлар, ошхоналар бордур. Зикр қилингон жойларни муштарийлари эски шаҳардан ҳам чиқадурлар, деб ёзилса, қалам масъул бўладурму? Аммо у расвохоналар эски шаҳарда йўқдур.

Янги шаҳарнинг кўчаларининг исмлари ҳаммаси рус миссионерларини, рус қўмондонларини, рус фотехларини исмлари ила исмланғондур. Масалан: Абрамовский жодаси, Куропаткин кўчаси, Жуковский кўчаси... ва



хоказо. Катта мағозалар: Варшавский, Боголюбов... ва хоказо.

...Туркистонни ғарбий Хазар денгизидан келгон темир йўл манзиллари, стансияларини, шаҳарларини то шимолгача, бу тарафи шарқ ақсоғача исмларини бошқа килдилар. Ҳар бир манзилни исмини бир генерални исми билан исмлантирдилар. Бу хусусда темир йўлнинг йўлчиларини дучор бўлгон мушкилотларини ёзгон билан тугамайду. Йўлчилар чипта олиш учун янги исмлланган шаҳарни исмини айтолмайду. Бешариғга чипта деса, ўрус укмайду. Ёхуд кулоғига пахта тиқилгонду. Мушкилот устиға мушкилот арз-дод, фарёдларни Масков, оқ подшо эшитмайду. Берилгон аризаларила ярим подшо дегон Тошканддаги генерал-губернаторга ҳавола бўладу. Андижондан жўнаб, исмлари ўзгартилгон истасюнлардан бизни билганларимиз, чунончи:

Кубо – Федченко

Марғилон – Горчаков

Сим – Скобелев

Олтиариғ – Ванновск

Бағдод – Широов

Бешариғ – Посетовка

Конибодом – Мельников

Ашқобод – Полтарацк

Қаҳқаҳа – Гинсбург

Кизилсув – Красноводск

Еттисув – Семиречье

Қарорчиқавм – Веревкин

Бекобод – Хилков

Хавос – Черняев

Хавоснинг иккинчи исми – Урсатьевский, Ломакин,

Милютин

Бухоро – Когон

Мирзачўл – Голодная степь

Қовунчи – Кауфман

Оқмасжид – Перовск

Қозиали – Гезелимиск (Казалинск)

Чор (оқ) ўрусларни фармонларидан яна бири Тошкандда чиқадургон “Туркестанские ведомости” газетасида 167-сонида расмий фармон ... нашр этилди. Бу тарихдан эътиборан ерли аҳолига темир йўл аробаларида сафар қилиш мамнуьду, деб.

Ва яна рус зобитларига ва маъмурларига кўрулгон ерда холан ерлилар таъзиман салом бероду, деб қатъи суратда амр нашр қилинди.

### Фозилбек Отабек ўғли

#### Дукчи эшон воқеаси

Фозилбек Отабек ўғли 1898 йилда Андижонда мустамлака тузумга қарши кўтарилган халқ кўзғолони ва унинг бостирилиши жараёнларига жонли гувоҳ бўлиб, бу машъум воқеалар ҳақида кейинчалик ўз хотиралари асосида илк мемуар тадқиқот яратган маҳаллий муаллифлардан биридир. 1926 йилда араб алифбосида яратилган ва ўқувчилар кўлига етиб бормай, жамғармаларда саргайиб қолиб кетган мазкур асар мустақилликнинг кўлга киритилиши билан 1992 йилда С. Аҳмад, У. Долимов ва Ш. Ризаев томонидан кирилл алифбосига ўгирилди. Қуйида ана шу асардан парчалар келтирилади.

Т.ф.д., профессор Х. Зиёев

#### Дукчи эшон воқеаси

##### Қатлиом

Андижондан Марғилонга хабар борган он Фарғонанинг ҳарбий бошлиғи Чайковский 250 нафар



аскар билан келиб, янги шаҳардан бошлаб кўринган мусулмонларни отмоққа амр қилди. Ўшал куни неча минг мусулмонларни беғуноҳ отиб, қонини тўкди. Хусусан, беихтиёр ва бу воқеалардан беҳабар ишламоққа чиққан деҳқонларни ва меҳнаткаш камбағалларни беҳад-беҳисоб отиб юборди. Неча минг бола етим ва юзларча хотинлар бева қолди. Шундан кейин Андижон ичидаги мингбошиларни чақириб, тезлик билан эшонни кувиб чиқиб, тутиб келмоққа буюрди. Амалпараст мингбошилар ҳар қайсиси неча-неча кўппакларини ёнига олиб, ҳар тарафга эшонни излаб кетдилар.

Оқ дўппи ила салла фалокати

Ўша вақтда кимлигидан қатъий назар, оқ дўппи кийган бўлса, истибдод солдатлари “Сеники эшон” деб тутиб, урардилар. Ёки салла кийган киши учраса, уни албатта Дукчи эшоннинг муриди гумон қилиб, тутиб, сўроқсиз қамар эди. Шунинг учун шаҳар меҳнаткашлари ва расмий фуқаролари ҳеч салласи билан бозорга чиқолмай қолди. Оқ дўппи деган нарсанинг уруғи ҳам қолмади. Кимда бўлса, куйдириб йўқотди...

Мингбошиларни эшонни тутмоққа юбориб, ҳокимлар қанча аскарларни Мингтепага, эшоннинг ҳовлисига жўнатдилар. Йўлда боргунча ким учраса, отиб ўлдириб, эшоннинг ҳовлисига етиб, дафъатан атрофни ўраб, тинтув қила бошладилар. Эшоннинг қочган хабарини эшитиб, хонақоҳида ҳеч ким қолмади, ҳатто бола-чақалари ҳам бошқа жойга қочгон эканлар, ҳеч ким топилмади. Лекин хонақоҳида ҳеч нарса қўймай тамом олиб ва печать қилиб, жўнар вақт Мингтепада уч соат отиш қилдилар. Бу уч соат ичида солдатлар ҳовлидан ҳовлига юриб, ким кўринса, отиб ўлдирдилар. Муддат битганда, эшонга қарашли нимаики бўлса олиб, шаҳарга келдилар. Ашё жумласида

бир хос сандикда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб, таржима қилиб кўрсалар, тамомиси ҳар кимдан борган дуойи саломлар экан. Бу дуойи саломлар кимдан бўлса, дарҳол шу одамларни тутмоққа амр қилинди. Шунинг учун Андижон шаҳридан кўп фуқаролар қамалдилар. Тўрт-беш кун ичида атроф қамоқлардан ва орқа тоғлардан бениҳоят кишиларни тутиб келиб, қаматилди. Қамоқхона тўлиб, бошқа жойларни ҳам янгидан ҳибсхоналар қилинди.

Бунгача Туркистондаги бор солдатларни йиғиб келдилар. Ҳар кун эски шаҳар кўчаларида тўп-тўп аскарлар юрар эди ва кўрган кишини уриб, чолиб кетар эдилар. Бозордаги катта дўконларнинг кўпини синдириб, талаб олар эдилар.

Бунинг устига, Фарғона губернатори: “Агар эшон тезда тутилмаса, Андижонни уезди билан бирга тамом отиш (қатлиом) қиламан!” деб буйруқ чиқарди ва “Агар шаҳар ва қишлоқ отилмасин, дейилсалар, эшоннинг сўфилари билан кўшлашиб тутиб берилсун!” деган буйруғини шаҳар ва қишлоқ кўчаларининг деворларига ёпиштириб қўйилди. Бу ҳодисадан тўққиз кун ўтиб эди. “Эшон қўлга тушди”, деган хабар эшитилиб қолди.

Асир бўлгон ва қамалгон бечоралар

“Эшонга қарашли” деб кимни тутиб борсалар, бесўроқ қаматилар эди. Хусусан, тоғлардан Элатия катталарини ушлаб келиб, ҳарбий бошлиғи ҳар кун беш-олти-тасини турмадан олиб чиқиб, ўртага ёқизиб калтаклайдилар. Узун қамчи сопидай тут-қайрағоч шохлари билан бандиларни олиб чиқиб, солдатлар ўртасида яланғоч қилиб, дўнг ётқизиб, тўрт солдат босиб турадилар. Тўрти ўшал калтаклар билан орқасига урадилар Агар калтак синиб кетса, бошқасини олиб урадилар. Қирқ-



аскар билан келиб, янги шаҳардан бошлаб кўринган мусулмонларни отмоққа амр қилди. Ўшал куни неча минг мусулмонларни беғуноҳ отиб, қонини тўкди. Хусусан, беихтиёр ва бу воқеалардан беҳабар ишламोकқа чиққан деҳқонларни ва меҳнаткаш камбағалларни беҳад-беҳисоб отиб юборди. Неча минг бола етим ва юзларча хотинлар бева қолди. Шундан кейин Андижон ичидаги мингбошиларни чақириб, тезлик билан эшонни қувиб чиқиб, тутиб келмоққа буюрди. Амалпараст мингбошилар ҳар қайсиси неча-неча кўппакларини ёнига олиб, ҳар тарафга эшонни излаб кетдилар.

Оқ дўппи ила салла фалокати

Ўша вақтда кимлигидан қатъий назар, оқ дўппи кийган бўлса, истибдод солдатлари “Сеники эшон” деб тутиб, урардилар. Ёки салла кийган киши учраса, уни албатта Дукчи эшоннинг муриди гумон қилиб, тутиб, сўроқсиз камар эди. Шунинг учун шаҳар меҳнаткашлари ва расмий фуқаролари ҳеч салласи билан бозорга чиқолмай қолди. Оқ дўппи деган нарсанинг уруғи ҳам қолмади. Кимда бўлса, куйдириб йўқотди...

Мингбошиларни эшонни тутмоққа юбориб, ҳокимлар қанча аскарларни Мингтепага, эшоннинг ҳовлисига жўнатдилар. Йўлда боргунча ким учраса, отиб ўлдириб, эшоннинг ҳовлисига етиб, дафъатан атрофни ўраб, тинтув қила бошладилар. Эшоннинг қочган хабарини эшитиб, хонақоҳида ҳеч ким қолмади, ҳатто бола-чақалари ҳам бошқа жойга қочгон эканлар, ҳеч ким топилмади. Лекин хонақоҳида ҳеч нарса қўймай тамом олиб ва печать қилиб, жўнар вақт Мингтепада уч соат отиш қилдилар. Бу уч соат ичида солдатлар ҳовлидан ҳовлига юриб, ким кўринса, отиб ўлдирдилар. Муддат битганда, эшонга қарашли нимаики бўлса олиб, шаҳарга келдилар. Ашё жумласида

бир хос сандиқда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб, таржима қилиб кўрсалар, тамомиси ҳар кимдан борган дуойи саломлар экан. Бу дуойи саломлар кимдан бўлса, дарҳол шу одамларни тутмоққа амр қилинди. Шунинг учун Андижон шаҳридан кўп фуқаролар камалдилар. Тўрт-беш кун ичида атроф қамоклардан ва орқа тоғлардан бениҳоят кишиларни тутиб келиб, қаматилди. Қамокхона тўлиб, бошқа жойларни ҳам янгидан ҳибсхоналар қилинди.

Бунгача Туркистондаги бор солдатларни йиғиб келдилар. Ҳар кун эски шаҳар кўчаларида тўп-тўп аскарлар юрар эди ва кўрган кишини уриб, чопиб кетар эдилар. Бозордаги катта дўконларнинг кўпини синдириб, талаб олар эдилар.

Бунинг устига, Фарғона губернатори: “Агар эшон тезда тутилмаса, Андижонни уезди билан бирга тамом отиш (қатлиом) қиламан!” дсб буйруқ чиқарди ва “Агар шаҳар ва кишлок отилмасин, дейилсалар, эшоннинг сўфилари билан кўплашиб тутиб берилсун!” деган буйруғини шаҳар ва кишлок кўчаларининг деворларига ёпиштириб қўйилди. Бу ҳодисадан тўққиз кун ўтиб эди. “Эшон қўлга тушди”, деган хабар эшитилиб қолди.

Асир бўлгон ва камалгон бечоралар

“Эшонга қарашли” деб кимни тутиб борсалар, бесўроқ қаматилар эди. Хусусан, тоғлардан Элатия катталарини ушлаб келиб, ҳарбий бошлиғи ҳар кун беш-олти-тасини турмадан олиб чиқиб, ўртага ёкизиб калтаклайдилар. Узун камчи сопидай тут-қайрағоч шохлари билан бандиларни олиб чиқиб, солдатлар ўртасида яланғоч қилиб, дўнг ётқизиб, тўрт солдат босиб турадилар. Тўрти ўшал калтаклар билан орқасига урадилар Агар калтак синиб кетса, бошқасини олиб урадилар. Қирқ-



эллик марта урганча “дод” деб турадилар, бундан сўнг овози чиқмай, беҳуш бўлгандан кейин, иккинчисини ётқизадир, бошқалари қараб турадилар. Шу хилда ҳаммасини уриб бўлиб, ўлгани бўлса, бошқа кўюб, тирик бўлса, зўр билан юрғизиб, турмага олиб кирадилар.

Бир куни сиёсат юзасидан ҳамма шаҳар халқини мингбошилар воситаси билан, асирларни калтаклаганни кўрсун деб, ҳайдаб чиқилди. Ман ҳам одамлар билан чиққан эдим. Тўғри турманинг олдига олиб бориб, халқни қатор қилди. Кейин турмадан беш кишини олиб чиқиб, уларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Бу бечора бандиларни ўртага олиб келиб, бир қанча дашном билан тўн-кўйлагини йиртиб, тортиб ечди. Иккитасини милтиқ қўндоғи билан уриб, ётқизиб, қўл-оёғини солдатлар босиб турди. Бунинг устига мўйсафид хоин губернатор Чайковский келди. Бандиларга қараб: “Сизлар подшоҳи аъзам катталигини билмас эдингизларми? Подшоҳнинг ўтли ҳукмида бўлгон аскарларига шундай муомала қилмоқни ким ўргатди?” деб сиёсат қилди ва солдатларга: “Ур!” деб буюрди.

Солдатлар тўплаб қўйгон узун калтаклардан олиб, бирдан савалаб ургали бошлоганда, бечоралар: “Дод!” деб оламни буздилар. Бири: “Эшон билан бирга бўлмасам-да, тавба қилдим!” деб қичқирди.

Урулганларнинг орқалари ёрилиб, гўштлири узилиб тушди. Ҳушидан кетган вақтда: “Бас, турғаз!” деб эди, солдатлар “Тур”, деб бошига тепганда, бири турмоққа қодир бўлолмади. Иккинчиси “Ё, пирим”, деб турмоққа ҳаракат қилиб эди, губернатор “Нима дейди”, деб, таржимондан сўради, таржимон: “Эшондан ёрдам тилайдир”, деганда, ғазаби келиб: “Ётқизиб, яна ур!” деб буюрди. Янадан урмоққа бошлади, орқасидан гўштлири узулиб

тушди. Иккинчи турмоққа қудрати етмагач, солдатлар судраб чиқиб кетган ҳамон ўлди...

Буни кўриб, бечоралар бизга қараб йиғлаб турар эдилар, шу ҳолда эдики, иккисининг хушлари кетиб йиқилишди. Буларни солдатлар судраб кириб, ўрнига бошқа иккисини олиб чиқдилар. Ҳосили — халқ қошида олти кишини уруб, баъзисини ўлдириб, баъзисини беҳуд қилиб, кейин халққа бирмунча сиёсат қилиб: “Подшоҳи аъзамга осий бўлгонларнинг жазоси шу бўладир!” деб жавоб берди ва “осийлардан 12 киши осиладир. Ҳамма халқ чиқиб томоша қилсун!” деди. Халқ бирдан туруб эски шаҳар томон жўнади. Йўлга чиққанларига пушаймон бўлуб, ҳеч кимда сўзламоққа мажол йўқ эди.

#### Дор тагида

1898-нчи мелодий, 15-нчи жавзо эдики, Эшон исёнини баҳона қилиб, шаҳар ва уезд (шимолдан Еттисув, ғарбидан Ёзиёбон, жанубдан Водил, шарқдан Қашқар довони ўртаси)дан икки минг киши қаматилгон эди. Булар ичида аксарият қирғизлар бўлиб, ўзбек, қозоқ, кипчок, қорақалпоқ, тожик, уйғур ва бошқалардан ҳам “исёнчи”лар деб ушланганлар кўп эдилар. Булардан анчагинаси юқорида айтилганча калтакланиб, урулиб ўлдирилдилар ва бир қанчасини осиб ўлдириш учун 8 та дор қурдилар. Бу дорлар 8-9 газ ердан баланд бўлиб, тепасига ғалтак ўрнаштирилгон ва ўшандан қора арғамчи ўтказилиб қўйилгон эди.

Бир куни эски шаҳардан “Тамом фуқаро янги шаҳарга чиқсун, эшоннинг сўфиларидан 8 киши осиладир”, деб, ҳаммани мажбурий ҳайдаб чиқдилар. Муддаолари фуқарога сиёсат кўрсатмак, уларнинг юракларида қўрқинч қолдирмоқ ва истибдод салтанати тахтида узун замонлар беташвиш барқарор қолмоқ эди. Бу сафар “томоша”га



мажбурий чиққанлардан бири ҳикоя қиладирким: “Бизларни бозордан ва маҳаллалардан катта оқсоқол фармойиши билан миршаблар ҳайдаб, тахминан 500 кишини янги шаҳар крепости (қўрғон) тагига олиб бориб эди: қарасак, адир тарафга 8 та дор қилиб, арғамчиларни тортиб, тайёр қилиб қўйгон экан. Бу ҳолда турмага 50 га яқин солдатлар ўлан (ашула) айтиб кириб, 5 та мусулмонни ҳайдаб чиқди. Бечораларнинг ранг-рўйига асло қараб бўлмайди...”

Биз фуқароларни тикилган дорлар атрофига айлантириб қўюб, аввал беш кишини ниҳоят ғазаб билан ўртага олиб чиқиб, дорнинг тагига олиб келдилар. Буларнинг ҳолини асло баён қилиб бўлмайди. Бечораларнинг ихтиёри ўзида эмас, сўзламокка мажоллари ҳам йўқ эди. Қамалганларига анча кун бўлгон бўлса, овқат емаганлари ҳам маълум эди. Дарҳол 5 та хом сурупдан қилинган халта олиб келдилар. Бир мутакаббир “тўра” қўлига ярим тахта қоғозни олиб, ниҳоят ковоғини солиб ўқиди. Таржимон шу тарика таржима қилдики: “Сизларнинг подшоҳи аъзам, импиратур муаззам аскарлари бораси қилгон ҳамла, ҳужумларингиз ва бу исёнга сабаб бўлган Муҳаммад Али Эшоннинг импратур аъзамнинг улуғ сиёсатидан қўрқмай қилгон феълига шерик бўлиб, ёрдамда бўлгонларингиз сабаб бўлди. Сизларнинг бешовларингизни ҳарбий суд осиб ўлдирмокка ҳукм қилди. Алҳол, сизларга шу ҳукм жорий қилинадир”, деган ҳамон солдатлар бирдан қиличларини суғуриб, пешоналарига тутиб, ярим соатга яқин ноғораларни чалиб турдилар.

Ҳалиги халталарни кийдириб, дорнинг тагига қўйилгон курси устига етаклаб келиб чиқардилар. Бўйинларига дор арғамчисини солиб, оёқ остидаги курсини тепиб юбордилар. Ҳар беши ҳам осилиб қолиб,

тахминан икки минут айланиб, ҳаракат қила туриб, кейин қимирламай қолишди. Андак турғондан кейин бир дўхтур келиб, осилиб тургон бечораларнинг қорнига қулок солиб, кейин бир нима деб қўйди.

Солдатлар келиб, арғамчини бўшатиб, ўликларни дорнинг ёнига кавлаб қўйилган чуқурга тепиб тушуриб, устига курак билан тупрок тортиб қўйди. Буларни кўмуб хотиржам бўлгондан кейин, губернатор фуқароларга қараб, оқ подшоҳни бирмунча мақтаб, “импиратур аъзам казо ва казо!...” деб, охири: “Бу қўрилган сиёсатни қўрмаганларга баён қилинглари, ҳарким исён қилса, мундан баттар бўладилар! деб халққа жавоб берди.

#### Истарший оқсоқол

...Эшонни тутиб келгандан кейин ҳукуматдорлар Андижон шаҳар ва уездининг фуқаросидан ниҳоят хавфсизраган эдилар ва “Эшон билан ҳамма фуқаронинг маслаҳати бир, албатта, булар бир кун эшоннинг орқасидан ҳужум қилсалар керак”, деб эшонни неча қават занжирлар билан боғлагон эдилар.

Шунинг учун эски шаҳарни муҳофазат қилиб туриш ихтиёрини катта оқсоқолга бериб, шундай таъкид қилдики: “Эски шаҳарни эҳтиёт билан сақлаб турасан! Эшонга борди-келди қилгон одамлар бўлса, ҳаммасини суриштириб тутуб берасан! Умумий фуқароларни қайси хил сиёсат билан бўлса — бўлсун, Русия подшоҳига тобеъ ва мутеъ қиласан! Русия амалдорлари эски шаҳарга тушсалар, ҳамма фуқарога ўрнидан туриб, энгашиб салом қилмокка ўргатасан! Дўкондор ва растадагилар бўлса, ҳаммаси бўлсун, ҳоким, пристав, ҳосили, қайси амалдор бўлса — бўлсун, эски шаҳарга тушса, ҳаммалари дўконларининг олдига тушиб қатор бўлуб, энгашиб салом қилиб турсинлар! Муллалар ва мударрислар бўлса,



шогирдларга Дукчи эшондан шикоят қилиб, уни ёмонлаб турсунлар! Ва мактабдорлар бўлса, майда болаларга “Эшон осий бўлди, боғий бўлди” деган гапларга ўргатсунлар! Аълам, муфтилар бўлса, “Дукчи эшонни осий, боғий бўлгани учун тезда ўлим жазосига мустаҳиқ бўлмоғи шариятда ҳам дуруст”, деб фатво берсунлар! Адиб ва шоирлар Дукчи эшоннинг тамом қилгон ёмонлиғи ва хийлаларини шеър (байт) қилиб, газитга юборсунлар! Агар ҳар ким бу хусусда қилгон сиёсат жабриндан арз қилса, биз у аризачини ўзига жазо берамиз!”, деб, қўлига приказ ва мандат қилиб берилди ва ҳар кунги воқеаларни эрта билан билдириб турасан, дейилди.

1898-нчи милодийда, ҳануз Дукчи эшон қамокда турғонда “унга қарашли ёрдамчилар”, деб ўзбек, қирғиз, кипчоқ, қорақалпоқ, қашқарлардан ҳар кун нечтасини тутиб келиб, осиб, қанчасини қалтаклаб, ўлдириб турадир. Ўлгонлар ўрнига атрофдан одамларни тутиб келиб турадир.

Шаҳар ниҳоятда бесаранжом бўлиб, хавфда бўлгон вақтда янги тайин бўлгон катта оқсоқол Қодиркул (шаҳар мингбошиси) кўча-кўчага миршаблар қўюб, маҳаллаларга одамлар юбориб, ҳар масжидда, имом бошлиқ тамом қавм ва аҳли маҳаллаларни олдириб бориб, “Беда бозори” деган яланг ва кенг жойга неча минг кишини саф-саф қилиб қўюб, ҳокимдан эшитган гапларини фуқарога айтиб, сўзининг охирида; “Агар кўча-кўйда ҳоким, пристуф ёки тўралар сизларга рўбаро келса, дарҳол рукуъ қилиб, салом қиласизлар! Ва расталардан ўтуб қолса, ҳаммаларингиз дўкондан баробар тушуб, мана шу турғонларингиздек, қатор бўлуб, растадан ўтуб кетганча энгашиб, салом қилиб турасизлар! Чунончи, ман саломни сизларга ўргатмак учун чақирдим. Мана, мен ҳозир “Ташла!”

дейман. Баробар, намозда энгашгандек, ташлайсиз”, деб бир четга бориб, “Ташла!” дея шовкин соладилар. Бечора халқ баробар ҳайит намозида ёки жума намозида рукуъ қилгондек, энгашадир. У четга бориб, “Тур!” деганда ҳамма баро-бар турадир. Яна “Ташла!” деган ҳамон баробар энгашадир. Агарда бирон киши баландрок турса, ёки паст бўлуб кетса, югуриб келиб, бу одамни дўппослаб, уруб-тепиб, сўкиб, “Баробар турғил”, деб танбех қиладир. Яна, “Ташла!” дейдир, халқ энгашадир.

Алҳосил, бечора фуқарони 20 маротаба “Ташла!” деб рукуъ қилдириб, кейин: “Ҳамма вақт шундай баробар энгашиб турасизлар!”, деб жавоб берадир. Эртаси яна бошқа маҳалла одамларини имомлари билан чақириб, шу таълимни қиладир. Ўртада неча маротаба халқни уруб, юзларига нопок оғзидан тупурар эди.

#### Ўлум жазоси

...Соат саккиз бўлгонда, ҳаммани қатор-қатор қилиб, мактаб болаларини олдига солиб, янги шаҳарда тахминан 8000 киши бўлса, 2000 майда мактаб болаларини олиб чиқиб, Тупроққўрғон олдида, адирнинг тагига қон иси келадиргон, тикиб, сошлаб қўйилгон дорларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Ҳоким чиқиб, фуқаронинг кўплигини кўриб, оқсоқолга “Раҳмат” деб, ёш болаларни ҳам дорнинг бир тарафига қатор қилиб қўймоққа буюрди.

Бир тарафдан жой бўшатиб турғон ҳолда бир киши: “Ёш болалар қўрқарми экан? Одамлар орасига қўйсақ, қалай бўлар экан?” деб мингбошига айтган эди. У бориб ҳокимга айтган экан: “Қўрққани яхшироқ. Эсидан чиқмайди. Дорға яқин кўюлсун”, деб буюрубдур. Мингбоши келиб, дорнинг қибла тарафидан одамларни ҳайдаб юбориб, ҳамма мактаб болаларини қатор қилиб қўйди.



Бир вақт соат ўнга яқин эдики, бир тўл, занжир билан кўл-оёғи боғланган олти кишини ўртага олиб, ўлан айтишиб келди ва дор тагига келтириб, қатор-қатор қилди. Буларнинг олдиға тўрт табл (ноғора) осган солдатларни кўйди. Уларнинг ичида эшонни икки солдат етаклаб, йиғиннинг атрофини айлантириб, “Эшон шу одамми?”, деб сўраб юрди. Ҳеч ким “Шу киши Эшон эмас” ёки “Эшон” деб айтмади. Айтса, “Сен ҳам борган экансан, ёки билар экансан”, деб мени ҳам ушлаб қоладилар”, деб ҳар ким ваҳимада эди...

Шу вақт эдики, йиғин ташқарисида вой-войлаб, дод-фарёд бўлиб кетди. Қарасак, осиладирғон одамларнинг бола-чақалари, хотин-қиз, ушоқ болалари экан. Хотинлар “Тул бўлдик!” деб, болалар бўлса “Етим бўлдик!”, деб фарёд қилар эдилар. Бу ҳолни кўрган халқнинг кўнгли яна бузилиб, хоинлардан кўрқуб, ўзларини йиғидан тўхтатар эдилар...

Бир қанча хотинлар ва болалар қашаб, шовқин солиб йиғлаганларида, ноғоралари билан турган солдатлар бирдан ноғора чалиб юбордилар. Бу ҳолни кўрган мазлумлар дарду ҳузун билан йиғлай бошладилар. Ҳаманинг кўзи ёш билан тўлди. Ташқарида турган губернатор дод-фарёд қилгувчиларни қамаб кўймокқа буюрди. Дарҳол беш-ўн солдат чиқиб, буларни уриб туриб, турмага олиб кирдилар. Ва эшоннинг авлодига кўшиб кўйдилар (Эшоннинг авлоди тамом ушланиб, асир қилиниб, қамалган эди). Буларнинг қамалганини кўргандан кейин ҳеч ким йиғи чиқармай турди.

Бу ҳолда бир мутақаббир тўра дор тагига келиб, чўнтагидан бир тахта қоғоз олиб, баланд овоз билан ўқиди. Таржимон шундай таржима қилди.

Ўлум фармони

“...Мингтепа кишлоғида турғувчи Муҳаммад Али эшон ўзига қарашли бир қанча одам билан подшоҳ ҳазратларига осий бўлиб, тиг кўтариб, Андижон казармасига ҳужум қилиб, 23 та қаҳрамон аскарни шахид қилди. Бинобарин, бу исёнчи эшонни ўзига қарашли одамлари ва муридлари билан ҳукуматдорлар томонидан ушланиб, ҳарбий суд орқали ҳақиқат қилинганида айбларини иқрор қилиб, ўз бўйинларига олдилар. Бинобарин, ҳарбий суд эшонни ва унинг муридлари бўлган ушбу беш кишини осиб ўлдирмакка ҳукм қилди. Ҳозирда бу ўлим жазоси бошқаларға ибрат бўлсун учун ижро қилинур”....

#### Кафан кийдириш

Эшонни дорнинг тагига олиб келиб, оёғидаги темир кишанни очамиз, деб уриндилар, иложи бўлмади, шекилли, болға билан уриб, синдирдилар ва бошқа рафиқларининг кишанларини ҳам уриб синдирилди. Кишанларни четга ташлаб, бир шакар қопчани очиб, ичидаги хом сурпдан қилинган 6 та халтани олиб ташлади. Уезд ҳокими шу ҳолда катта оқсоқолни чақириб: “Бир аълам топинг, буларга иймон ўқутсун!” —дегач, Фахриддин қозини чақириб, дор тагига олиб борди.

Қози биринчи эшонга, иккинчи Чибил бўлусга ва бошқаларига бир-бир иймон ўқутди. Ҳушидан кетган иккитаси ҳам сағал ҳушига келиб қолган эди, буларга ҳам иймон ўқутди. Булар ўқушга қодир бўлдиларми, йўқми, маълум бўлмади. Ҳосили, қози тез-тез бир нарсаларни айтиб, дор тагидан қочмоқ фикрида эди. Бу вақтда Чибил бўлус ўзини ростлаб, дадиллик ва баланд овоз билан: “Ў, мусулмонлар! Гувоҳ бўлунглар, ман ноҳақ кетаётиман. Манга бу ҳокимлар зулм қилар...”, деб сўзлаб туриб эди, ҳоким келиб; “Бас, бас!”, деди. Унга кулоқ солмай яна



сўзлаб туриб эди, икки солдат келиб, милтиқнинг қўндоғи билан 4-5 урди, шундан кейин индамай қолди.

Бу ҳолда бири келиб дорнинг арғамчиларини тушуриб, сиртмоқларини очиб, тузатиб қўйди. Кейин икки солдат ерда турган халталарни ердан баробар кўтариб олиб келиб, қатор турган банди асирлар бошига кийим-бошлари устидан кийдириб қўйди. Бечораларнинг оқ халталар ичида нима ҳолга тушгани бизга маълум эмас, ёлғиз оёқларигина кўрунур эди.

Дафъатан икки солдат эшонни дор тагига етиб келган маҳал бошқа шерикларини ҳам етаклаб кетиб турган ҳолда, иккиси яна беҳуш бўлиб, йиқилди. Буларни судраб, дор тагига келтириб, унинг остига қўйилган икки поғоналик курсига “Чик, чик”, деб эшонни чиқарди.

Шу ҳолда кафан ичида бир ўзи кадам қўйиб чикди ва баланд овоз билан: “Эй мусулмонлар, биродарлар, гувоҳ бўлинглар, мен ноҳақ тухмат билан кетиб турубман. Бола-чакаларим, майда-чуйда, кўп эди. Бу ҳоким ва тўралар яхши адолат қилмади. Тўғри ҳақиқат қилмади. Дуо қилинглр, шу золимларни...” деган вақтда бир тўранинг ишорати билан бирдан сиртмоқларни солиб, курсиларни тепиб юбордилар...

... Буни кўруб турган ёш болаларнинг кўплари кўрқиб: “Дод, ота, она!” деб йиғлаб юбордилар. 4-5 тасининг хуши кетиб қолди ва йиқилди. Болалар турган тараф тўполон бўлиб кетди. Аксар болалар қочиб, чиқиб кетдилар. Одамлар бўлса: “Кўрқди, кўрқди! Болаларни орқага олинглар, юзига сув сепинглр!” деб, тўполон қилиб юбордилар. Хушидан кетган болаларни дарҳол ташқарига чиқариб, одамлар бошларини уқалаб, машаққат билан хушига келтирдилар.

...Дорни тикар вақтида дорларнинг тагига одам бўйидан пастроқ чуқурлар қазилиб, устига бўйра ёпиб

қўйилган экан. Бир тўп солдатлар келиб, қўлларидаги шофлари билан арғамчиларни кесиб юбордилар. Ҳаммалари ерга чўзулуб тушдилар. Кейин бир арава оҳақ келтириб, олти кишини икки чуқурга ташлаб, устидан оҳақ ташладилар. Ҳар тарафдан тупроқларни тортиб, бирор газ тупроқ тушгандан яна оҳақ солиб, ҳосили тупроқни оҳақ билан аралаш қилиб, қаттиқ тепиб, кўмдилар.

Жаноза каби расм ул тарафда турсун, кўмишда мусулмон киши ҳам иштирок қилгани йўқ; ёзиб бўлмайдирғон хорлик ва мазлумият билан кўмилдилар. Кўмилгандан кейин тепасига ҳамма вақт навбатчи солдатлар куюлиб, караб турар эдилар ва эшоннинг ва бошқа рафикларнинг авлодлари ва қавм-қариндошлари келиб, жасадларини олиб кетиш эҳтимолидан сақлар эдилар.

Осилганларни кўрган болалар ўйларида неча кун бетоб бўлуб, кечалари чўчуб уйғониб, уйқуларида шовқун солиб, туруб кетиб, неча кунларгача ота-оналари ухламай, болаларидан кўрқуб, асраб чиқар эдилар. Бу кўрқув натижасида бир неча болалар ҳалок бўлдилар...

#### Халқнинг оворалиғи

Фарғона ҳарбий губернатори эшонни осиб, ҳануз мазлумлар жасади осилиб турган вақтда “Ўлганнинг устига кўмган” дегандек қилиб, умумий мажбурий чикқан фуқароларни йиғиб, қаттиқ сиёсат билан кўрқутуб: “Ҳали Андижон халқининг гуноҳи кўб, бугун Андижон тупроғини осмонга созураман, халқини тамоман ихрож қилиб, ўрнига ичкари Русиядаги беватан крестьянларни олиб келиб ўрнаштираман ва мол-мулкларини мусодара қилиш билан жазо бераман!” деган турли сиёсатлар қилиб, жавоб бергандан кейин, ҳаммага қаттиқ ваҳима



тушди. Шаҳар халки кўпинча ҳовлиларида чуқурлар кавлаб мол-амволлари ва яхши кўрган нарсаларини кўмиб, оғир асбобларини чуқур ҳовузларига ташлаб, кимматбаҳо гилам ва кигизлари бўлса, узоқ қишлоқларга юбориб, неча кунлар саргардон бўлуб, уйларида ётар учун кўрпа-кигиз қолдирмай, майда ва маъсум болалари билан қоқ ерда ётиб, кўб оворалик тортдилар.

...Шундай ваҳимали ва хавфли кунларда: Андижоннинг эски шаҳари отилишдан қолибдир, аммо эшоннинг юрти ва қишлоғи бўлган Мингтепани текис қилмоққа кўб солдатлар неча адад тўплар билан келган эмишлар, деган дув-дув гап чиқиб қолди.

#### Мингтепани тўпга тутуш

Дарҳақиқат, бу хабар саҳиҳ ва рост хабар экан, эртасига Мингтепа фуқароларидан баъзилари шаҳарга қочиб кетдилар. Булардан хабар сўралса, жавобига айтадиларки: “Кеча вақти бор эди. Баъзилар энди турган эдилар ва баъзилар ўринларидан турмаган эдилар, қишлоқнинг жануб тарафидан бирдан тўп (замбарак) ва милтиқ отилиб қолди, тўполон бўлуб, уст-бош ололғағни олиб, баъзилари майда болаларини кўтариб ҳар ким ҳар тарафга қараб туриб кетди”, деб, “Бизда нима айб, ахир, биздан келиб гап сўраса керак”, деб бепарво турган Мингтепа қишлоқ фуқаролари устига кечалаб бориб, жануб томондан саҳар вақтида тўпга тутуб қолибдилар. Аксар хотинлар бешикдаги болаларини зўрға эшиб олиб қочибдилар. Баъзилари шунга ҳам қодир бўлолмай, жонларини олиб қочганлар.

...Мингтепа борган солдатлар уч кун муттасил кўзларига кўринган халқни, ҳатто “машк” деб товук ва итларгача отиб юборган эди. Уч кундан сўнг Мингтепа қишлоғининг ичида ҳеч ким қолмағондан кейин сол-

датлар кириб, талон-тарож қилиб, тамом кўрпа-тўшакларни олиб чиқиб, кигиз ва гиламларни Мингтепанинг катта Йидгоҳ масжидига йиғиб, ҳатто коса ва табоқларини шу масжидга тўплади ва ким бўлса бўлсун, атрофдаги қишлоқлардан мингбошиларга қилган буйруғи билан мардикор чақирди. Атроф қишлоқлардан ҳар қайси мингбоши қўл остидан 2000 дан мардикор ёзиб, олдириб келди.

Мингбошилар 2000 дан мардикорларни ўзларини олиб бордилар. Мингтепа қишлоғининг тамом иморатларини очдилар. ... Ҳосили 15 кун одамларни шу ҳолда мажбурий ишлатиб, тамом қишлоқнинг баландлигини пастга олиб, текис, баробар, мусаттаҳ қилиб қўйди. Эшон ҳовлисини бўлса, 15-нчи кун Андижон ҳокими ва губерна-тури ва кўб тўралар бориб, бир қанча землямер (танобчи)лар ва муҳандислар воситалари билан тамом махфий ишларини ва гапларини очиб, план қилиб, суратларини олиб, камоқан деворлар орасидан қўйилган қувур, трубаларнинг планини қилиб, фуқароларга кўрсатиш учун бостириб чиқариб соттирди.

#### Мингтепага мустамлакачиларни ўрнаштириш

Мингтепа қишлоқ халқига текислатиб, тамом мусаттаҳ қилгандан кейин, уезд ҳокими тўрт-беш ер ўлчайдирган тўралар билан чиқиб, 8 кунда тамом Мингтепани мужикларга чек қилиб ўлчади. Ўртасидан тўғри кўчалар чиқариб, кўчанинг икки томонидан хонажойлик иморат тархини қилиб чизиб, тўрт юз эллик хоналик бир посёлкани тайёрлаб қўйди.

Эшон хонақоҳининг ўрнини текислаб, черков қилишга қарор қилинди. Бу иш эса мусулмонларни хафа қилмоққа бўлган бир хусумат эди, бўлмаса бутхона қиларлик баланд ва соз жойлар ҳам кўп эди. Кейин орадан



бир ой ўтганда, ичкари Русиядан ниҳоят кўб мужиклар келиб қолди. Буларнинг ҳар қайсиларига қарз ва ёрдам пули топиб бериб, шу Мингтепада тайёр ва план қилиб қўйғон жойларга хона, жой бериб, ўрнаштирдилар. Лекин буларнинг тамом иморатлари битгунча мусулмон деҳқонларини навбат билан мардикорликка олиб келиб ишлатиб турдилар...

...Эшон хужум қилган куни эртасидан тортиб бир йилгача тамом буларнинг зулми тобора авж олиб, кўп кишиларни хонумонидан ажратдилар.

Бир кишини эшонга қарашли деб қамаб қўйсалар, юқориға ропурти чиққанда, эшон ҳодисаси зулмга катта баҳона бўлгани учун, терговчилар кўзига зўр иш ва катта жиноят эгаси бўлуб кўрунуб, кўп йиллар Сибирга ҳайдалар эди. Бечорани ажратиб олмоқ пайига тушган қавм-қариндошлари тамом бор-йўғини сарф қилиб, ҳатто ер ва мулкларини сотиб, терговчиларга пора деб берсалар ҳам, натижада яна ўзларини осий ёки Сибирга юборишга қарор бўлар эди...

#### Ҳаканднинг вайрон қилиниши

Уезд маҳкамасида хизмат қилувчи мирзо бир кун: “Ушбу кун Мингтепани хароб қилиб бўлган солдатлардан Шаҳарга қайтишда Йикчи эшоннинг юрадурғон йўлларини икки томондан 15 газдан бузиб борсак, ҳам кўчалар катта бўлиб қолар эди, ҳам ушбу кўча юрган одамларнинг хотираларига подшоҳи аъзамнинг исёнчилар ҳақида қиладирғон танбеҳи тушуб, сиёсатимиз янгиланиб турар эди”, деб ижозат сўраган хат келди. Катталар унинг маслаҳатига киришдилар. “Агар эртагача шу гап маъкул бўлиб чиқса, шаҳар ичидан ҳам кўп ҳовли ва жойлар бузулуб кетадир”, деган хавfli хабарни олиб келди.

Бу ёмон гап кулоқдан кулоққа эшитилиб, шаҳар ичида эшон юрган кўчалар четида бўлган одамларга маълум бўлуб, ниҳоят бесаранжомликка тушдилар...

1898-нчи йили 25 саратонда бир тўп землемер (ер ўлчовчи) лар Ҳакандга чиқиб, янги шаҳарга зич (қўшилган) яқин жойларни Авғон боғдан бошлаб ўтаб, байроқ тутиб келдилар. Бу байроқлар Ҳаканд фуқароларининг энг обод иморат ва ҳовлилари ва боғларига тўғри келган эди. Айланаси тахминан 5 чақирим жойгача вайрон қилиш аломати бўлган байроқ қурилган эди.

Вайрон қилишга маъмур бўлган тўралар тахминан 25 кун Ҳаканд қишлоғида юриб, Дукчи эшоннинг юрган йўлини ўртага олиб, янги шаҳарнинг кун кўруш тарафини тамоман бузиш учун ўлчаб, аломатлар қўйдилар. Бу аломатлар қўйилуб, вайрон қилинмоғи собит бўлғонидан кейин бечора ватан эгалариким, тахминан 500 уйлик хона ва боғлар эди, буларнинг ҳаммалари тўпланиб, турлитуман аризалар билан Тошкентгача мурожаат қилиб, сиёсат эшитиш ва ғамгинликдан бошқа ҳеч нарса кўрмадилар.

Бир кун буларни губернатор чақириб: “Сизлар ҳеч жойга овора бўлиб арз қилманглар; аризаларингиз қабулга кирмайдур, худога шукр қилингларким, подшоҳ император муаззам сизларнинг жойларингизни мусодара қилиш билангина кўнди. Ҳаммаларингизни қатлиом қилиб, бола-чақаларингиз билан ер юзидан қувиб юбориш эҳтимоли бор эди. Аммо оқ подшоҳ сизларга иноят ва марҳамат қилди. Энди сизлар 15 кун муддат ичида байроқ тикилган жойлардаги иморат ва боғларингиз бўлса, очиб, бўшатиб қўйинглар! Бўлмаса, 15 кундан сўнг солдатлар орқали тўпга тутиб, текис қиламиз. У ҳолда иморат ва асбоб-рўзгорларингиздан маҳрум қоларсизлар. Ҳам ўзларингизни подшоҳи аъзам фармонига қаршилиқ



қилганлар қаторида кўриб, жазога мустаҳиқ қилинадир, чиқинглар!” деб хайдаб чиқарди.

Шундан кейин бир канчалари пул тўплаб, Тошкентга арз қилмоқ учун бир неча одамларни юборган эдилар. Лекин булар қайтиб келгунларича у ердаги ҳокимлар қолганларини чақириб: “Нима учун шу вақтгача очмайсизлар”, деб, неча хил дашномлар билан сиёсатлар қилиб турган эдилар. Қайтиб келиб, бош губернатордан каттик сиёсатлар ва дашномлар эшитганликлари ва арзларининг тингланмаганини билдирдилар. Кейин Андижон уез ҳокими буларни, 15 кишини камаб кўйди. Баҳонаси “Сизлар Тошкентга бориб арз қилибсизлар-, гўёки бизларнинг ҳукмимизга норозилик изҳор қилибсизлар!” демак эди. Кўпчилик бориб, буларни қамокдан қутқармоқчи бўлганда, бир ҳафта муддат ичида иш бошламоққа тилхат бериб, йиглаб-йиглаб қайтишдилар.

Бу кунларда ҳам атроф тоғлар ва қишлоқлардан баъзи мингбошиларга ёки аминларга бир замонда ёмон сўз айтилган бўлса ёки адовати бўлса, у одамни олиб келиб, аввал бир нарса чикса — хўб, чиқмаса, дарҳол “Эшоннинг муриди ёки мухлиси эди”, деб ропурт бериб, фалокатга дучор қилар эдилар. Маъмур бўлгон тўралар ўз аскарлари билан чодирларини тикиб, халқ кўзида ҳар кун машқ қилиб турдилар.

Бир кун тамом фуқарони чақириб, губернатор томонидан берилган фармон қоғозини ушлаб туруб халққа шундай амр ва фармойиш қилди: “Агар сизлар ушбу кундан бошлаб байроқ тикилган жойлардаги иморат ва боғларингизни бузиб, бир ҳафта ичида саранжом қилиб, яланг қилмасангизлар, биз ўзимиз бузамиз. У вақтда сизлар ҳеч нарсангизга молик бўла олмайсизлар, ҳар нарсаки кўлимизта кирса, ўлган солдатларнинг фойдасига

олинадир. Эртадан иш бошласангизлар хўб, то сизлар тамом очиб олиб, яланг қилиб бизга топширганларингизгача ўзимиз устида турамыз. Шунга кўнмасангизлар ўзларингизга ҳам Дукчи эшонга берилган жазо бериладир. “Шунга нима дейсизлар?” деганда халқ замоннинг кўрқинчли вақтидан хавфланиб: “Таксир тўралар! Бизга бу йил фурсат берсангизлар, меваларимиз ва узумларимизи йиғиштириб, сотиб олсак. Кўлимизга пул тушиб, кейин бир жойга бориб ватан қилиб ўлтирсак, алҳол, бузуб ол, дейсиз, қандай қилиб шу мева қилиб турган дарахтларни кесамиз?”, — деб арз қилдилар.

Золимлар бераҳмлиқни интиҳосига етказиб: “Боғ, иморат оқ подшоҳнинг қўл остида йўқдир. Унинг ҳукмини бажо келтиришдан бошқа чора йўқ. Эртага бузасизми еки бузмайсизми? Шунга айтасиз, агар бузмас экансизлар, бу кун биз тўп қуввати ила вайрон қилиб, ер билан баробар қиламыз. Ўзингизни императур аъзамга қарши бўлган ва ҳукуматга қаршилиқ қилганлар қаторида ҳисоб қиламыз. Гап, шул, хайда, жўна!” деб қувиб юборди.

Мазлумлар йиглаб-йиглаб тарқалгандан кейин, отарава тарадуд қилиб, эртаси асбоб ва рўзгорларини бўшатдилар. Қишлоқнинг четидаги ҳовлиларга ташимоққа бошладилар. Ғоят шошилиқ суръатда рўзгорларини ташиб, кейин қон йиглаб, иморатларни очиб ташладилар, бу йиглаб юрган мазлумлар устига тўралар ва солдатлар келиб: “Санми, эшон!”, — деб масхара қилар эдилар. Бир деҳқоннинг кўп йиғлаганини бир солдат кўруб: “Нима учун йиғлайсан?”, деб савол қилади. У жавобиға: “Ҳоким губернаторларнинг бераҳмлиғига, биздек камбағал фуқароларни бехонумон қилганиға ва бола-чақаларимиз билан кўчада қолганимизға йиғлайман”, деганда: “Сен ҳоким губернаторни золим де-



дин”, деб ўн йиллик Сибирга ҳукм қилиб, бола-чақаларига кўрсатмай, жўнатиб юборилгандир.

Мана бу зулм хабарини бошқалар эшитиб, ҳар қанча йиғласалар ҳам, бирорта солдат ё тўрани кўрсалар, дарҳол ўзларини тўхтатиб, йиғламас бўлар эдилар. Ҳатто хотин-қизлар ва бола-чақалар вақт танг, фурсат оз қолғони учун баробар кеча-кундуз ишлаб, қўлларига бир ҳафта ичида кирган нарсани ғанимат билиб қолди.

### Ўликфурушлар

...Дукчи эшоннинг тоғ ва тошдағи, шаҳар ва қишлоқларда ошкор зулм ва қаҳрларига чидамай, жонидан тўйиб қилган ҳужуми зўр баҳона бўлуб, фуқарони икки тарафдан муддаларининг борича ва қўлларидан келганича эзиб ёмонлиқларини қилдилар. Солдатларини кўча ва саҳрода ётқизиб қўйиб, юқорида кўрсатилгандек, 15 кунгача кимирлаган жонни қўймай отиб турди. Беихтиёр ишлашга ва мардикорчиликка, айниқса, курт тутган ва вақти бўлгани учун барг кесишга борган меҳнатчи бечораларни тутдек тўкиб, ўликларини ит, қуш еб кетди. Ҳатто қатиғ ва сут сотмоққа кетиб турган маъсум болалар бераҳмлиқ билан отиб ўлдирилди.

Маъсум болаларнинг ота-оналари ўзлари кўчага чиқа олмай ёки болаларининг ўлиги устига боролмай, кечалари солдатларни оҳиста чақириб, болаларининг ўлигини топиб бериш учун басеъ қилиб, кўб миқдорда пул бериб, топиб олдиран эдилар. “Пора берилса, ўликларни солдатлар оҳиста топиб берар экан”, деб кўб кишилар бу йўл билан бориб солдатлардан ўликларини сотиб олар эдилар. Бора-бора бу иш тўраларга ҳам маълум бўлуб, булар ҳам мусулмонлар билан кечалари сўзлашиб, ўликфурушлиқ қилишга киришдилар.

Биз фуқаронинг беғуноҳ ўлганларимиз етмай, ўз ўлик жасадларимизни ўликларига ит, қуш тегиб, қайсиси қўлсиз, қайсиси оёқсиз ва қайси бирисининг юз-кўзи йиртиқ ҳолда сотиб олинган. Бундан бошқа қалам билан такрор қилиб бўлмаслик даражадаги ҳақоратлар тирикларимизгагина бўлмай, ўлган она, иниларимизга ҳам теккан эди. Мана бу каби ҳақоратни моддий зиёнимиз ва чор ҳукуматининг Туркистон деҳқонларига қилган моддий ва маънавий адовати ва золимлиги деб ном бсрсак, ёлғон ёзмагон бўламиз.

### Вайрона ва “Марҳамат”

Шақоватпаноҳ тўралар, фалокатмаоб ҳокимлар Андижон шаҳрининг боғ ва бўстони бўлган Ҳаканд қишлоғини “Дукчи эшоннинг юрган йўли” деб баҳона қилиб, юқорида ёзилгондек, ватан эгаларини милтиқлари билан отиб ўлдириб, қанча болаларни етим, қанча хотинларни тул қилиб, обод боғ ва бўстонлиқ навнихол дарахтларни илдизи билан ўз эгаларита кестириб, ишком (валиш)ларни буздириб, ҳатто теп-текис қилдирдилар. Ҳаканднинг текисланган жойини бир қанча солдат ва тўралар чиқиб айланиб кўрдик, 25 кун илгариги боғ ва бўстонлардан асло нишона қолмаган...

Аскарлар Мингтепани халқи билан тўпга тутиб, қари ва ожиз кишилар ва ёш болалари тўпнинг ўқи билан парчаланиб кетдилар. Тамом иморатларини вайрон қилиб ташлаб бўлгандан кейин, тўпга -тутмоққа борган солдатларнинг бошлиғи 25 кундан сўнг Андижон шаҳрига келиб, губернаторнинг қилган зулми ва ситамининг отини подшохи аъзамга тиғ кўтаргувчиларга танбих” қўйиб, ропурт топширди. Бу топширган ропурти эски дафтарлар сақланадурган архивларда бўлса керак. Дукчи эшон қишлоғи бўлган Мингтепани гўристонга айлантиргандан



кейин ярим подшоҳ ички Русияга бориб, тўрт юз уйлик мужик талаб қилди ва мужикларга Мингтепа қишлоғини марҳамат қилдик, деб қишлоқ отини “Марҳамат” кўйди Саратов ва Самара тарафлардаги ранг-рўйига қараб бўлмайдурғон ...лардан Андижонга тўрт юз уйлик етиб келдилар. Буларнинг ҳаммасини хотин, бола-чакалари билан Мингтепага олиб бориб жойлаштирди.

Бу янги келган “мехмон”ларнинг атроф қишлоқлардаги мусулмон деҳқонларига қилган зулмлари асло айтилиб битирилмайдирган ва бепоёнدير. Бу келганлар андак кунда бой бўлуб, қишлоқ фуқаросининг кўпини ўзларига хизматкор қилган эдилар ва Фарғона фуқаросини истисмор қилишда нар хардек шовқун солар эдилар...

## VI БОБ. РУС МАНБАЛАРИ

### 1 §. Архив ҳужжатлари

**Россия Давлат думаси йиғилиши стенограммаси**<sup>431</sup>  
(Тўртинчи чақириқ, 5-сессия, 16-мажлис)

*Туркистонда 1916 йил 25 июнда маҳаллий аҳолини фронтга сафарбар этиши ишлари ҳақидаги Россия императори эълон қилган фармонга қарши кўтарилган халқ кўзғолони бутун ўлкани қамраб олган эди. Бу кўзғолон ўлка маъмурияти томонидан шафқатсизлик билан бостирилиб, кўзғолончилар ёппасига қувгин ва қиргинга учрадилар.*

*Туркистон зиёлиларининг таниқли вакилларидан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Мустафо Ҷўқаевлар 1916 июлди Петербурга келиб, Давлат Думасига ўлкада содир бўлаётган воқеалар юзасидан арыз қиладилар. Сафарбарлик ҳақидаги фармоннинг адолатсизлигини таъкидлаб, бундай ҳолатга чек қўйишни, аҳволни ўрганиши учун Туркистонга комиссия юборишни талаб қиладилар.*

*Уларнинг талаблари билан Россия Давлат Думасидан Туркистондаги аҳвол билан бевосита танишиши учун меҳнаткашлар фракциясининг вакили А.Керенский ва мусулмонлар фракцияси вакили Қутлуғ Муҳаммад Ботиргареев-Тевкелевлардан иборат комиссия тузилиб, ўлкага жўнатилади.*

*Депутатлар 15 августда Тошкентга ташириф буюрадилар ва 10 кун давомида Жиззах, Қўқон, Андижон, Самарқанд каби шаҳарларда бўлиб Мустафо Ҷўқаев таржимонлигида маҳаллий аҳоли билан юзма-юз*

<sup>431</sup> ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 31-рўйхат, 1100-йиғма жилд, 265-375 варақлардан тегишли парчалар таржима қилинди.



(маъмурлар ва мириаблар иштирокисиз) суҳбатлашадилар.

Халқ содир бўлган воқеаларнинг сабаблари, тафсилот ва оқибатлари ҳақида руй-рост кўрсатма беради. Натижада депутатлар юз берган воқеалар хусусида энг ишончли манба – кўзголон кўтарган халқ берган маълумотлар асосида ҳаққоний тасаввурга эга бўладилар. Туркистон вакиллари - зиёлилар талабига кўра 1916 йил воқеалари Россия Давлат Думаси муҳокамасига киритилиб, ўша йили 13 ва 15 декабрда, тор доирада, ёпиқ кенгашида муҳокама этилади.

Муҳокамада Туркистон вакиллари иштирок этмаганлар, чунки улар Дума Мусулмонлар фракциясига аъзоликдан маҳрум эдилар. Кенгашида Туркистондаги аҳвол ҳақида ўлкада бўлиб қайтган депутат А.Керенский ва мусулмонлар фракцияси вакили Мансуровлар ахборот берадилар.

Қуйида мазкур мажлис стенограммасидан парча келтирилади.

*т.ф.д. Ж.Исмоилова*

*т.ф.д., профессор Д.Зияева*

**Раис:** Давлат Думасининг мажлисини очик деб эълон қиламан. Туркистон ва Дашт (Степной) генерал-губернаторликларининг айрим жойларида юз берган ҳодисалар юзасидан 133-модда тартибида Вазирлар Кенгаши Раиси, Ҳарбий, Ички ишлар ва Адлия вазирларига мурожаат ҳақидаги аризани кўриб чиқишга киришамиз. Бир-бирига ўхшаш бир нечта талаб тушган. Давлат Думаси уларни жамлаб, биргаликда кўриб чиқишни таклиф қилади.

**Овозлар:**

- Маъкул! ...

**Раис:** Сўз Давлат Думаси аъзоси Керенскийга.

**Керенский:**

- Жаноблар, муҳтарам Давлат Думаси аъзолари! Бугун биз кўриб чиқишимиз лозим бўлган ҳодисалар бундан анча вақт олдин юз берган, лекин уларнинг оқибатлари ҳақида шу пайтгача гапирилаяпти ва нафақат Туркистон ёки Дашт вилоятлари ҳаётида, балки бутун Россия ҳаётида бу ҳақда ҳали кўп гапирилади. Бугун сизнинг олдингизда, жаноблар, мен мавжуд хужжатларга асосланиб, Туркистон ва Дашт вилоятларида юз берган воқеаларни холисона баён қилиб бермоқчиман... Ушбу масалада, узок бир чекка вилоятлар масаласида ... ерли аҳолиларга оид давлат сиёсати масаласида бизнинг ўзаро мураккаб келишмовчиликларимизни “арзимас” деб кўрсатиб, хаспўшлаш мумкинмикан? Ушбу келишмовчиликлар Россия сиёсий ҳаётидаги кўплаб ёки деярли барча масалаларда бизни ажратиб туради. Бу воқеалар, жаноблар иқтисодий вайронагарчиликларга олиб келиш билан бирга Россиянинг катта-катта вилоятларидаги тинч ҳаёт оқимини алғов-далғов қилиб юборди, руслар томонидан ҳам, маҳаллий аҳоли томонидан ҳам қурбонлар бўлди. Бир неча минг рус аҳолиси, бир неча ўн минглаб маҳаллий аҳоли халок бўлди.

Ушбу мудҳиш фожиа сабабларини таҳлил қилиш, ҳодиса айбдорларини аниқлаш, Туркистондаги аҳволни шу даражага етказган сабабларнинг илдинини топиш ва келажакда бунга йўл қўймаслик лозим. Мен ўз олдимга шундай масалани қўйдим.

Жаноблар, 1916 йил 25 июнда чиқиб, 6 июлда чоп этилган Олий фармон билан мудофаа иншоотларини



қуриш, армия ҳаракатланаётган жойларда ҳарбий истехкомлар барпо этиш ишларига Империядаги ғайритабаа (Туркистон маҳаллий аҳолиси назарда тутилган – тарж.) аҳолига мансуб 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар мажбуран жалб қилинган эди. Жаноблар, мазкур Олий фармон қандай қилиб чиқди? Чикмаслиги керак эди-ку! Ушбу Олий фармон Россия Империясининг асосий қонунига зид-ку!...

Ушбу фармон реквизиция тўғрисидаги қонунга, унинг 87-моддасига асосланиб берилган... Бироқ у мутлақо нотўғри ишлаб чиқилган! Реквизиция тўғрисидаги қонуннинг 137, 138, 139 ва кейинги моддаларини, ҳамда 1914 йилги Ҳарбий маҳкама буйруқларини олиб қарасангиз, уларда, яъни реквизиция тўғрисидаги қоидаларда 1916 йил 25 июнда чиқарилган фармондаги чалкашликлар назарда тутилмаганини кўрасиз.

Реквизиция тўғрисидаги қоидалар кўшин қўмондонлари ва армиянинг маҳаллий бошлиқларига ... маҳаллий аҳолини, айнан маҳаллий аҳолини мажбурий равишда ишга жалб қилиш ҳуқуқини беради. Биз фронтда ва фронтга яқин жойларда хандақлар қазилар ва бошқа муодофаа истехкомлари қуриш учун реквизиция тартибда барча маҳаллий аҳолининг ишга жалб этилган ҳолатларни яхши биламиз. Аммо мазкур ҳолатда ғайритабаалар армия қўмондонлиги ёки ҳатто ҳарбий вазир қўл остида ишга жалб этилиши мумкин бўлган аҳоли сифатида эмас, балки Россия империясидаги ерли аҳоли вакили сифатида мажбурий ишга жалб этилган.

Шундай бўлгач, ерли аҳолини айбдор деб топиб, мажбурий меҳнатга жалб қилиш 71-модда талаблари бўйича амалга оширилиши керак эди.

Фармон ўз мазмунига кўра ҳукуматнинг қонунчилик ва буйруқлари тўпламида эълон қилинмаслиги керак эди.

Ўз мазмунига кўра Асосий қонунни бузувчи ушбу қонуннинг эълон қилинишини тўхтатиб туриш лозим эди.

Бундан ташқари, жаноблар, Асосий қонуннинг 93-моддасида жойларда янги қонунлар ёки олий ҳокимият фармонлари қай тартибда амалга киритилиши аниқ кўрсатиб қўйилган. Унда айтилишича, ҳукумат томонидан қонунийлаштирилган у ёки бу фармойиш ҳукуматнинг расмий фармойишлари тўпламида чоп этилиб, тегишли жойга етиб борганидан кейингина амалга киритилади. Агар бу қонун чиқарилган заҳоти амалга киритилиши лозим бўлса, бу ҳақда мазкур қонуннинг ўзидаёқ қайд этилиши шарт.

...1914 йил 19 августда чиқарилган фармойишнинг 5-бандида эса шундай дейилади: мазкур фармон телеграф орқали қабул қилинган заҳоти унинг ижросига киришилсин. Ваҳоланки, 25 июндаги олий фармонда бундай банд йўқ; демак, 53-моддада кўзда тутилган ҳолатдан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятнинг ушбу фармон ижросига киришишга ҳаққи йўқ эди.

Вазирлар Кенгаши Раиси ҳам, Ички ишлар вазири ҳам июнь ойининг охирида, яъни, ҳукуматнинг расмий фармойишлари тўплами чоп этилмасдан туриб, мазкур тўпланда 6 июлда эълон қилиниши мўлжалланган фармоннинг ижросини маҳаллий ҳокимиятлардан телеграф орқали талаб қилишга ҳам ҳақли эмас эдилар...

Ва ниҳоят, жаноблар, маҳаллий ҳокимиятлардан мазкур фармоннинг ижросини талаб қилар экан, Ички ишлар вазири ҳам, Вазирлар Кенгаши Раиси ҳам олий фармоннинг аниқ ижросини назорат қилишни ўзига эпп кўрмаган.

Олий фармоннинг иккинчи бандида қайд этилишича: “мажбурий меҳнатга жалб қилиниши лозим бўлган ерли аҳолининг ёшини аниқлаш, уларни ишга жалб қилишнинг



муфассал қоидаларини Ҳарбий Кенгашнинг 1914 йил 3 августда тасдиқланган тартибига мувофиқлаштириш Ҳарбий ва Ички ишлар вазирлари тасдиғига тақдим этилади”.

Олий фармонни зудлик билан ижро этиш ҳақида телеграф орқали буйруқ бериб, Ички ишлар вазири ва Вазирлар Кенгаши Раиси, шунингдек, Ҳарбий вазир ҳам олий фармоннинг 2-бандини бажармаган. Ҳалигача Ички ишлар вазири ва Ҳарбий вазирнинг розилиги билан ўрнатилган муфассал қоидалар мавжуд эмас. Ҳалигача олий фармоннинг 2-бандида белгиланган тартибда неча ёшли ерли аҳоли вакиллари мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган. Шундай қилиб, жаноблар, 25 июндаги биргина олий фармонни эълон қилиш ва ҳаётга татбиқ этишда Россия империясининг асосий ва асосий бўлмаган қонунларидан нимани бузиш мумкин бўлса, бари бузилган. Бу факт, бу ҳодиса жуда антика! Чунки бу ерда вазирларнинг асосий қонунларга ҳурматсизлиги, мамлакат манфаатлари ва эҳтиёжлари билан ҳисоблашмасликлари яққол намоён бўлмоқда. Улар ўзларини Россия империясидаги мутлак ҳукмдор деб биладилар. Гўёки Россияда уларнинг иродасини чеклайдиган ҳеч бир куч йўқ. Улар учун ҳатто олий ҳокимият фармонларининг бажарилиши ҳам гўё мажбурий эмас.

Шундай улкан аҳамиятга молик тадбирни амалга ошира туриб, жон ҳам койитмадилар. Ҳатто маҳаллий ҳокимиятдан “Сизлар нима деб ўйлайсизлар, ушбу фармонни бажариб бўладими ўзи? Мумкин бўлса, уни қачон ва қай тартибда амалга ошириш керак? Кимларни мажбурий меҳнатга жалб қилса бўлади? Бу ишимиз хунук оқибатларни келтириб чиқармаслиги учун қандай

маҳаллий шароитларни ҳисобга олишимиз керак?” деб сўраб ҳам ўтиришмади...

Телеграмма қуйида мазмунда эди: “25 июндаги олий фармон зудлик билан ижро этилиб, 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган маҳаллий аҳоли фармонда кўрсатилган мажбурий ишларга жалб қилинсин”.

Давлат Думаси аъзолари! Сизлар қайси партияга мансублигингиз, қизиқишингиз ва дунёқарашингиздан қатъий назар, шу ерда ўтирган барча жаноблар, сизлардан сўрамоқчиман: агар Тамбов ёки Москва губернияларида айни деҳқончилик мавсумида, далада иш қизгин кетаётган пайтда меҳнатга яроқли эркак аҳолини тезлик билан номаълум бир жойга олиб кетиш ҳақида тутуруксиз, аҳмоқона буйруқ чикса, бу буйруқ бажарилармиди? Агар у ҳаётга татбиқ этила бошласа, ўша Тамбов губерниясида қандай оқибатларни келтириб чиқарар эди? Мен шунга аминманки, жаноблар, бу оқибатлар нафақат Туркистон ёки Дашт вилоятларидаги каби, балки ундан ҳам кенг миқёсда ва хунукроқ бўлар эди...

Туркистонга жўнатилган телеграммада шундай дейилади: “... Ушбу тадбирни амалга ошириш маҳаллий бошқармага топширилсин”. Ҳолбуки, Туркистонда бундай бошқарма мавжуд эмас эди. ...Мен ҳамма маҳаллий маъмуриятлардан, “ҳамма” деганда кўпчиликни назарда тутаяпман, маъмуриятнинг барча табақаси вакиллари билан сўраб чиқдим, барча маҳаллий аҳоли... ҳамда ўша воқеалардан жабр кўрганлар билан гаплашиб чиқдим. Уларнинг барчаси бир овоздан эътироф этишча, олий фармон эълон қилингунга қадар Туркистонда бўлажак тўс-тўполондан заррача ҳам асар йўқ эди...

Бундан ташқари, жаноблар, бутун уруш давомида маҳаллий аҳолидан тўхтовсиз равишда реквизиция (мол-мулкни унинг қийматини тўлаш шарти билан мажбурий



равишда давлат ихтиёрига олиш — тарж.) йиғимлари, отлар, аравалар, асбоб-ускуналар олиб турилган. Аҳоли шилинаверилган, шилинаверилган. Бу ерда шуниси қизиқки, жаноблар, ҳар сафар уларнинг пули, мол-мулкани олишганда “яна кўпроқ беринглар, уруш даврида сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди (яъни, сиз урушга олинмайсиз)” деб уқдиришган. Мана, менинг олдимда маҳаллий маъмур томонидан имзоланган, қишлоқ хўжалигида ишловчи урушга кетган рус деҳқонлари оилаларига ёрдам тариқасида 100 000 рубль маблағ йиғилганлиги ҳақида тузилган ҳисоботлардан бири. ...Улар (маҳаллий аҳоли — тарж.) бу йўлда кўп нарсани етказиб бердилар ва урушга кетганларга ҳам ёрдам бериб турдилар.

...29 июнь куни фармон берилди, 7 июлда эса дастлабки тартибсизликлар рўй беради. Уларни келтириб чиқарган сабаб нимада? Мен сизга қатъий ва мутлақо аниқ жавобни айтаман: Туркистонда юз берган воқеаларнинг ҳаммасига сабабчи конун ва ҳуқуқнинг энг оддий талабларини бузган, ноқонуний тартибсизликларга йўл қўйган, ноқонуний буйрукни чиқариб, уни ҳаётга татбиқ қилган марказий ҳукуматдир. Буларнинг барчасига айбдор улар, негаки, улар бу гуллаётган ўлкани хонавайрон қилдилар, маҳаллий аҳолини очликка гирифтор қилдилар. Бунга улар айбдор, жаноблар, негаки улар барча уруш фронтларига яна янги, Туркистон фронтини кўшдилар...

Ахир маҳаллий турмуш шароити, аҳолининг иқтисодий аҳолини ҳисобга олмай, муҳокама қилинмай, ҳеч қандай тайёргарликсиз амалга оширилган бу фармон бутун ҳаётни чилпарчин қилди! Бу фармон амалиётга жорий қилишга мутлақо яроқсиз эди!

Фармонни амалга оширишда танлаш имконияти бор бўлса-да, энг ноқулай давр танланди. Бу вақтда Туркистонда қишлоқ хўжалиги мавсуми авжида эди, маҳаллий шароитга кўра, бу мавсум октябрь охирида тугайди, бу пайтда 19 дан 43 ёшгача бўлган кишилар далаларда, боғларда иш билан банд эдилар.

Бу пайтда мусулмонларнинг энг улуғ байрамлари — рамазон рўзаси бошланган эди. Мусулмон аҳолиси куёш чиққандан то ботғунича, (биласиз, ёзда кун қандай узун бўлади) ҳеч нарса ичмайди ҳам, емайди ҳам. Фақат тунда овқатланиб, ибодат билан банд бўладилар. Бу даврда барча мусулмонлар ўзларининг диний одатларига кўра бутун тун бўйи ухламай, диний маросимларини адо этиб чиқадилар.

Жаноблар, Туркистонда хотин-қизлар аҳоли ҳам мутлақо ўзгача. Туркистонда қишлоқ хўжалигида банд эркакларнинг фронт ортига кетиши оилани батамом боқувчисиз қолдиради. Негаки, маҳаллий, яъни мусулмон аёллари ташқи дунёдан батамом узилган бўлиб, кўчага юзлари мутлақо беркитилган ҳолда, махсус пардали кийимда (паранжи-чачвон — тарж.) чиқадилар ҳамда уларга ҳар қандай бегона эркаклар билан суҳбатлашиш ман қилинган. Агар катта ёшли эркаклар кетса, ҳосилни йиғиштириб олиш, уни бозорга чиқариш, пахтани ижарадорга етказиб бериш ҳам тўхтайд.

Жаноблар, ушбу фармоннинг қабул қилиниши маҳаллий аҳоли учун ниҳоятда оғриқли бўлишига олиб келган бошқа сабабларни айтиб ўтирмайман. ...Шу тариқа июнь ойининг бошидаёқ барча губернатор, пристав, уезд бошлиқлари ва бошқа-бошқаларга хандақлар казишга олиб кетиш учун зудлик билан эркак аҳолининг рўйхатини тузиш ҳақида фармон берилди.



Ва шунда жаноблар, барча эркакларни уруш кетаётган жойга, ҳаракатдаги армияга жўнатилаётганлиги ҳақида миш-миш тарқалди ва бунга томонидан маҳаллий ҳукумат изоҳ бермаганлиги боис, фармонни аҳоли мутлако тескари тушунди...

Яъни, жаноблар, маҳаллий аҳоли фронтнинг олдинги чизикларига, рус солдатлари олдида хандақ қазиш учун жўнатилади, қуролсиз маҳаллий аҳоли икки томондан, яъни немислар ва руслар отаётган ўқлар орасида қолади, улар нафақат чуқур қазишга, балки аскаликка ҳам жалб қилинади, деб тушундилар. Мен буни ўзимда бор ҳужжат билан тасдиқлайман...

Маъмурият ушбу буйруқни олгач, ўзи учун янги, мислсиз олтин фаввора очилганидек, бу худди эртақлардагидек чексиз бойлик орттиришнинг янги манбаи, аҳолини талаш, эзиш манбаи эканлигини дарҳол англаб етди. Фармондан олди-сотди тарзида, зудлик билан бойлик орттириш учун фойдаланилди... Жаноблар, мен алоҳида ҳолларга тўхталиб, алоҳида шахслар айбини санаб ўтирмайман.

Бирок бу ишларда фақат маҳаллий маъмурларни айблаётган ҳукуматга ўзимни кескин норозилигимни билдираман. Бу мутлақо нотўғри. Маҳаллий маъмурлар – элликбоши, қишлоқ оқсоқоли рус маъмурларининг жосуслари ҳолос, рус маъмурияти аҳолини шулар орқали талаган, эзган... Жаноблар, наҳотки, сиз рус маъмуриятини билмасангиз?! Наҳотки амалдор кийимидаги Иванов ёки Петровга бирор-бир кишининг, масалан Маҳмуднинг ёшини ўз фаросати билан аниқлаш имкони тугилганда, уларни қандай иш тутишини тасаввур эта олмасангиз? Туркистонда оилавий рўйхат йўқлиги, ҳарбий мажбурият йўлга қўйилмагани туфайли кишилар ёши ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Буни уларнинг ташқи кўринишидан аниқлаш лозим бўлган. Ана энди маъмурларнинг кимни ёши қанча эканлигини қандай аниқлашини тасаввур эта оласизми? Улар одамларнинг ёшини чўнтақларига солинган пулга қараб аниқлашган. Мен ўз кўзим билан кўрган 60 ёшли қария рўйхатга 30 ёш деб ёзилган, чунки 300 сўм пора тўлашга қурби етмаган. 25-30 ёш йигитча эса бойваччалиги туфайли 50 ёш деб қайд этилган...

Сиз қувилган, ҳайдалган, таҳқирланган аҳолининг аҳволини бир тасаввур этиб кўринг. Эрлари тортиб олиниб, очарчилик, йўқчиликка гирифтор этилган аёллар аҳволини тасаввур этиб кўринг. Ғалаёнларни дастлаб ана шу аёллар бошлаган...

Аҳолининг бор-йўғини шилиб олиб бўлгач, таъмагирликнинг иккинчи босқичи бошланади – улар ҳокимиятга қаршилик кўрсатгани учун ўлим жазоси билан кўрkitилиб, яна пул талаб этила бошланди.

Жазодан қутулиш учун берилиши керак бўлган пулнинг аниқ миқдори ҳам белгиланган бўлиб, буни фақат маҳаллий аҳоли эмас, у ердаги руслар ҳам тасдиқлайди... Наманган, Қўқон ва бошқа майда шаҳарларда юзлаб, баъзан минглаб бегуноҳ кишилар ёши ва жинсидан қатъий назар тутиб келтирилган, қўллари боғланган ҳолда сақланган ва фақат пул тўлаганларгина озод этилган.

Жиззахда ғалаёнлар рўй берганда бу ерга пиёда артиллерия, кавалериядан иборат жазо отрядлари юборилди ва уларга йўлда учраган маҳаллий аҳолини ёши ва жинсидан қатъий назар қириб ташлаш буюрилди... Гўдаклар, қариялар ўлдирилди. Жиззах ғалаёнлари 13 июлда содир бўлган эди, 3 августда, яъни орадан деярли бир ой ўтгач, қуйидаги буйруқ чиқарилди: “Жиззах шаҳрининг барча маҳаллий аҳолиси 3 кун ичида



айбдорларни тутиб бермаса, шаҳардан қувиб чиқарилсин!”. 7 август куни буйруқ бажарилди.

Тонгда асосан аёллар, болалар, қариялардан иборат омма тўп ўқлари остида уй-жойидан чиқарилиб, чўлларга ҳайдалди, шаҳар эса бутунлай яқсон этилди. Мен Жиззахда аввал бўлганман, унинг вайроналарини ҳам бориб кўрдим... Мен жаноблар, икки фронтда – ҳарбий фронт ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин бунақасини кўрмаганман... Бироқ, бу билан чекланиб қолинмади. Шаҳар ва унинг атрофи давлат ихтиёрига мусодара этилди

**Жаъфаров:** ерли аҳолиларни фронт ортига жалб қилиш ҳақидаги фармон чиқиши билан, шу заҳотиёқ Империянинг турли чеккаларидан Ички ишлар вазири ва Ҳарбий вазирлик идораларига сафарбарлик муддатини орқага суриш ва айрим ҳолларда имтиёзлар бериш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар ва илтимослар келиб туша бошлади. Биз мусулмонлар гуруҳига ҳам бундай материаллар кўп миқдорда келиб тушди.

Ҳаммага яхши маълумки, фармон ёзги йиғим-терим қизиган пайтида чиқди. Вилоятларда ерли аҳолилар ўз ерларида ва рус аҳолиси ерларида қишлоқ хўжалик ишлари билан банд эди. Кўп жойларда ерли аҳолилар бу ишларни рус халқига ачиниб, ҳақ олмасдан бажарар эдилар.

Фармон ниҳоятда ноқулай пайтда юзага келди ва Давлат Думаси аъзоларига бир қанча чоралар кўришга тўғри келди. Биз шу вақтда Ҳарбий вазирликка, Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилдик ва “ғайритабаа”ларни чуқур қавлаш ишларига чақирувнинг нуқсонларини кўрсатдик.

Биз зудлик билан ерли аҳолини бу ишларга чақиришнинг мукамал шароитларини ишлаб чиқишни

таклиф қилдик. Бироқ бизнинг овозимиз ҳеч ким қулоқ солмайдиган гапга айланиб қолди.

Ваҳоланки, Туркистон ўлкасида бўлиши мумкин бўлган ғалаёнлар ҳақида Дума аъзолари Ржевский, Некрасов ва бошқалар томонидан Олий бош қўмондон Штаби бошлиғи ва Ҳарбий вазир номига ёзилган телеграммаларда огохлантирилган эди.

Мен шуни қайд этмоқчиманки, кирғиз, сарт, туркманларга келганда қонун ҳамиша эътиборга олинмай қолади. Ҳамма нарсага ҳокимият кучи билан эришилади, бунинг учун маъмурлар, миршаблардан иборат катта куч мавжуд...

Жойларда бу тадбирларнинг амалга оширилиш тавсифига ўтамиз...

“Илгари — деб ёзади Фарғона вилояти Андижон шаҳридан 50 ёшли Хўжаев депутатлар Тевкелев ва Керенскийга, — бизнинг болаларни аскарликка олмайдилар, шунинг учун сизлар отларингиз ва барча мумкин бўлган нарсалардан бошликлар сизларга мурожаат қилганда беришингиз лозим, дедилар. Биз имкониятимиз борица пул ва буюмлар бердик; урушга кетган деҳқон ерларини ишлов беришга одам юбориб, ишлов бердик...”

Маъмурият доимо маҳаллий аҳолининг урушда қатнашишдан озод эканлигини таъкидлар эди. Маҳаллий аҳоли уруш эҳтиёжларига қўнгилли равишда иона бериш ҳақидаги даъватни ҳам қўллаб-қувватлади. Маҳаллий аҳолининг ҳарбий мажбуриятдан озод қилинганлиги 1915 йил 19 апрел қонунда ҳам тасдиқланди.

Унга асосан аҳолининг натурал ҳарбий мажбуриятдан озод қилинган қисмига давлат мажбурияти оғирлигини тенглаштириш ва тақсимлаш мақсадида оддий солиқларга қўшимча ҳарбий йиғимлар тўлаш мажбурияти юкланди.

Маҳаллий аҳоли ундан нима талаб қилинаётганлигини



мутлако тушунмас, кутилмаганда юкланган янги мажбуриятнинг на мақсадини, на моҳиятини англамас эди.

Андижон шаҳри аҳолисига уезд бошлиғи... 9 июнда эрталаб Жомеъ масжидига йиғилиш ҳақида эълон қилди. Халқ кўп йиғилмади, чунки у вақтда мусулмонларнинг рўза кунлари эди. Полковник ... бозордан ҳамма халқни чақиришни буюрди. Катта оломон йиғилди.

19 ёшдан 31 ёшгача бўлган шахсларнинг рўйхатини тузиш талабномаси уларни довдиратиб қўйди. “Бизни алда-дилар, подшоҳнинг коғозини кўрсатинглар. Биз рўза тугагач, одам йиғишни сўраймиз” деган хитоблар бўлди. Полковник ... ҳеч қандай сўз айтмай, масжиддан чиқиб кетди ва бир қанча вақтдан кейин казаклар взводи билан кириб келди. Одамлар тўдаси тинчгина тарқалди.

Бозорда уезд бошлиғига рўпара келган 150-200 киши чамасидаги оломон билан мулоқот отишмага айланиб кетди. Тинч кайфиятдаги қуролсиз маҳаллий аҳоли ҳар ёққа қочиб кетди. Бир неча киши ўлдирилди, кўпчилик яраланган.

Тошкентда маҳаллий аҳолини фронт орқаси ишларига жалб қилиш тўғрисидаги Олий фармон 7 июлда... ўнбоши ва имомлар орқали эълон қилиниб, ҳеч қандай изоҳ берилмади. 10 июль куни эликбошилар ва имомлар, Тошкентнинг маҳаллий аҳолиси полицмейстер бошқармасига таклиф қилинди.

Бундай хабарни эшитган маҳаллий аёллар тўдаси ва бир неча минг кишилиқ аҳоли аниқ маълумот олиш ва чақириқни орқага суриш мақсадида бошқармага йўл оладилар.

Полициячилар бошқармаси дарвозаси олдида уларни ҳовлига қўймадилар. Оломон борган сари кўпаяётганини кўриб, полициячилар бошқармага кириб, у ердан полиция

бошлиғи вазифасини бажарувчи Масоловни бошлаб чиқдилар ва майдон бўйлаб сартларни (маҳаллий аҳолини – тарж.) ва уларнинг орасидаги сарт аёлларини ҳам ҳақоратли сўзлар билан сўкиб, зудлик билан тарқалишни буюрдилар, оломонга қарата ўқ отила бошланди.

Ғазабланган бир аёл полиция бошлиғига мурожаат қилиб: “Нега бегуноҳ ёш одамларни ўлдирасиз? Яхшиси мени ўлдириңглар!” дея кўксини тутди. У эса ўша заҳоти унга ўқ узиб, аёлни ўлдирди. Ундан сўнг яна бир неча ўқ отилди, натижада ўнтадан кўп киши ўлдирилди, ярадорлар ҳам кўп эди.

Кўкон уезди Кончирабон қишлоғида қишлоқ оқсоқоли рўйхат тузишда таъмагирлик қилаётганликда шубҳа қилинади, шу боис маҳаллий аҳоли тузилган рўйхатни ўқиб беришни талаб қилади. Қишлоқ бошқарувчиси бу ҳақда уезд бошлиғи, катта маслаҳатчи Лядинскийга маълум қилади. У эса қуролланган аскар юборишга буйруқ беради.

Қишлоқ бошқарувчиси ҳовлисида турган маҳаллий аҳолининг барчаси дарҳол боғланиб, аравага солинади ва бутун шаҳар кўчалари бўйлаб сазойи қилинади, аёвсиз калтакланади. Буни кўрган маҳаллий аҳоли ҳар ёққа қочиб кетди, жабрланганлар кўп бўлди, ҳамма дўконлар ёпилди, казаклар чақирилди.

Ўзининг ўрнига бошқа одамни юбориш характери аҳолининг мулкдор ва камбағал табақалари орасида талай англашилмовчиликларни келтириб чиқарди. Камбағаллар ҳаёти гаровга қўйилаётган бир пайтда бойлар пул билан кутулиб қола бошладилар.

...Жиззах кўзғолони ҳақидаги хабар Тошкентга етиб бориши билан полковник Иванов бошчилигидаги жазолаш экспедицияси қуроллантирилди, полковник Иванов ўрнига полковник Красноярецев тайинланди.



Полковник Красноярцев Жиззахга келиб аҳолидан шаҳар ва қишлоқ чеккаларидан, боғлардан исёнчиларни тутиб беришни талаб қилади. Уч кун муддат ичида Жиззах аҳолисига майдонга чиқишга буйруқ берилиб, сафланган аскарлар олдида ўтган воқеанинг айбдорларини кўрсатишни талаб қиладилар.

“Айбдорлар” камокқа олиб кетилади, аҳолига эса шаҳарни ташлаб кетиш таклиф қилинади.

20 000 аҳоли яшаган Жиззах вайроналари юз берган ҳодисаларни сўзсиз ифодалайди. Бирон-бир бутун бино қолмаган... Шаҳар ер билан яксон қилинган. Шаҳарни тўпдан ўкка тутишдан аввал талаганлар.

Жазо отрядлари Жиззах уездининг анча ичкарасига кириб, маҳаллий кийимдаги ҳар бир кишидан суриштирмай, ўч олганлар. Қўшни шаҳарга яширинганлар 2-3 hafta давомида очиқ жойда юролмай, яшириниб ётганлар, уларни куёндек овлаганлар, жазо отрядлари кўзига кўринганлар сўзсиз ўлдирилган.

Тоғларда ўз бошпаналарини ташлаб кетган аҳолининг кўпчилиги очликдан азобланиб, ҳалок бўлдилар. Чекка қишлоқ аҳолиси ўзлари кўрган котиллик манзарасини кўрков билан сўзлаб бердилар.

Жазолаш экспедицияси ҳеч кимни аямади. Аёллар ва болалар дарёларга ва хандақларга бекиндилар, ўт ва дарахт барглари билан ўзларини пана қилдилар.

...Самарқандда бир мавзедаги 100 ҳовлидан 90 та ишчи талаб қилинади. Ваҳоланки, 19 дан 43 ёшгача бўлган эркаклар 30 нафар эди. Бундай вазиятда уй эгаларининг рўйхатига боласиз аёллар ва бевалар ҳам кириб қолди. Маҳаллий маъмурият батартиб ҳамма уйларни рўйхатга киритиб, ишчи беришни талаб қилди.

Сотиб олиш ҳуқуқи, яъни ўзаро келишувга биноан ўз ўрнига бошқа шахсни ёллаш ҳам кўп тартибсизликларни

келтириб чиқарди. Ишчиларни очиқ-ойдин сотиш натижасида баҳолар ошиб борди.

Илгари кимнингдир ўрнига 75-100 сўмга келган бўлсалар, энди 200-300 сўм талаб қила бошладилар. Ишчилар етишмаслигидан уларни ҳатто пулга ҳам сотиб олишнинг иложи бўлмади. Мулки фақатгина ҳовлидан иборат боласиз бевалар мажбуриятни бажариш учун ҳовлиларини сотишга мажбур бўлдилар. Тошкентда, Самарқандда ва Андижонда юзтубан йиқилган аёлларни кўриш мумкин эди. Улар кўзларида мунг билан ялиниб, оқ подшога ўзларининг оғир аҳолини етказмоқчи бўлардилар.

Ҳатто бева аёллар ҳам арзимас баҳога уй-жойларини сотиб, мардикорлик мажбуриятини тўлашга мажбур этилган... Мардикорликка ҳатто фалаж бўлиб қолган беморлар ҳам ёзиб олинган, улар фақатгина пул тўлаб рўйхатдан ўчиши мумкин бўлган. Мардикорлик чеки тушмаган ҳовлилар мардикор берган оилалар учун пул тўлаган.

Масалан, Скобелев уездидаги Мархамат қишлоғи ҳовли эгалари ишчи бера олмаганлари учун 90 та ишчи учун пул беришлари керак эди. Бу 90 ишчининг ҳар бирига 100 сўмдан берилиши керак эди. Найман қишлоғида ҳам шундай бўлди.

Шундай қилиб, Кулий волостининг Куликке қишлоғидан 12 000 сўм, ўша волостнинг Асаф қишлоғидан 74 000 сўм йиғилди. Бу пулни йиғиш учун аҳоли ўзида бор нарсани гаровга қўйишгача мажбур бўлди, бу эса уларнинг хўжалиklarини хонавайрон қилди.

Шундай қилиб, ишчилар йиғиш тартиби тўғрисидаги мукамал қоидаларнинг йўқлиги натижасида аҳолига бир йўла икки мажбурият – ишчи бериш ва пул тўлаш юклатилди.



Пулга одам ёллаш чораси бойлар билан камбағалларнинг муносабатини кескинлаштириб, ўзаро низоларга сабаб бўлган.

Аҳолининг илк ғалаёнлари бўлиб ўтиши биланоқ, Туркистон маъмурияти маҳаллий аҳолининг темир йўл бўйлаб махсус рухсатсиз юриши таъқиқлангани ҳақида фармойиш берди. Маҳаллий аҳоли шахсий, оилавий ёки савдо ишлари билан темир йўл бўйлаб бир неча чақирим юришга ҳам махсус рухсатнома олиши лозим эди. Бундай тадбир ҳар қандай кишини ғазаблантириши турган гап эди. Бу қандай ҳокимиятки, ҳар бир маҳаллий кишини жиноятчиликда гумон қилса?! Саноати жадал ривожланаётган, аҳолиси кўп сонли ўлка яхлит камокхонага айланса?!

Лекин бу ҳам камлик қилиб, ўлка маҳкамалари вакиллари ҳамда барча даражадаги ҳарбийлар ва амалдорларни халқ тик туриб, таъзим билан қарши олиши кераклиги тўғрисида буйруқ чиқарилди. Бу буйруқнинг маъносини бир ўйлаб кўринг. Бизнинг рус шароитида инсон қадр-қиммати шу қадар камситилди, туб жойли кишиларнинг шахсияти полиция ҳукмронлигининг ўзбошимчалиги ва зўравонлигидан ҳимоя қилинмади.

Бу буйруқ билан рус ҳокимиятининг обрўсини кўтаришни ўйладилар. Лекин бу обрўни лойга ботириб, рус тўрасининг номини жабр-зулм қилувчи ва қул қилувчига айлантирдилар. Рус бюрократияси бу ўлкага шундай хизмат кўрсатди!

Мен кўрсатилган фармойиш таъсирида, агар Туркистоннинг янги генерал-губернатори Куропаткин уни бекор қилмаса, ўлка ҳаётида қандай оқибатлар содир қилиши устида батафсил тўхталиб ўтирмайман.

Шуни айтаманки, мажбурий саломлашиш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинди, Туркистоннинг бир қанча шахар

ва қишлоқларида маҳаллий халқ устидан зўравонлик ва уларнинг таъқирланиши аҳолини ғазаблантирувчи саҳналарга баҳона бўлиб хизмат қилди.

Бу буйруқ ҳамма амалдорлар кўлидаги даҳшатли курул бўлиб, уларга маҳаллий аҳолини жазога тортиш ва қалтаклаш учун имконият ва ҳуқуқ берди. Бундай жазоларни бекор қилиш учун айбдорнинг ижтимоий аҳволига қараб, маълум миқдорда пул талаб қилинган. Ҳатто кекса чоллар ҳам амалдорларни кўрган заҳоти тезда отдан тушиб, қўлларини кўкрагига қовуштириб, таъзим билан салом беришлари лозим эди.

Бундай таъқирларни кўтаролмаган зиёли маҳаллий аҳоли хўрланишни истамай, кўчага чикмай кўйдилар ва кун бўйи уйда ўтиришга мажбур бўлдилар. Орқадан келаётган полицмейстерни сезмай қолиб, йўлдан бурилиб кетган, отдан тушмаган ва таъзим қилмаганлар қалтакланади, харидорга мол кўрсатиш билан банд бўлгани учун кўчанинг нариги томонидан ўтган амалдорни кўрмай қолганлар ҳам қалтакланади.

Куропаткин (ўлка генерал-губернатори) кўзғолонда жабрланган руслар учун қасос олиб, уларнинг қони тўкилган ерларни давлат ихтиёрига мусодара қилди. Ўша ерларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли вакилларига ўз экинларини йиғиштириб олиш ва янги мулк олиш, олиб кетиб бўлмайдиган дарахтларни қолдириш учун рухсат берилди.

Албатта, жазо экспедицияси даҳшатларига дучор этилган бахтсиз аҳолининг олиб кетадиган ҳеч нарсаси йуқ эди – аянчли қулбалар, экинлар, талон-тарож қилинган ва вайрон бўлган мол-мулк. Улар ўзларининг ерга нисбатан охирги ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилдилар. Катта уруш (Биринчи жаҳон уруши – тарж.) кетаётган бир найтда ўлка маъмуриятининг фуқароларни мулкидан



махрум қилиш билан шуғулланиши жуда ажабланарли!  
Жуда ғалати!

...Мардикорликка ишга олинганларга эса қаттиқ турма режими ўрнатилган. Улар қариндошлари билан учраштирилмайди. Озик-овқат узатиш учун дарвоза олдида солдатга пул бериш керак. Арзимас гуноҳ учун қалтакланади... Ишчилар доимий суръатда соқчилар назоратида бўладилар. Уларнинг ҳаёт шароитлари чидаб бўлмас даражада оғир. Улар зах ерларда, сувда туриб ишлайдилар. Бараклар ҳам зах. Ишчилар ревматизм каби касалликлар билан оғир хасталанган. Уларга тиббий ёрдам кўрсатилмайди. Чарчаш ёки бетобликдан ҳасрат қилганлар уриб, сўкилади. Энг оғир жазо – карцерга қамаш даражасигача борилади...

#### Туркистондан Россия кутубхоналарига олиб кетилган ноёб китоблар

Ўрта Осиёга Россия империясининг тажовузи жараёнида ва ундан кейинги йилларда мамлакатда асрлар давомида яратилган, жуда кўп моддий ва ёзма манбалар талон-тарож қилинди. Саройлар, кутубхоналарда сақланиб келган маданий дурдоналар – ўнлаб шарқ қўлёзмалари тўпланиб, Петербург кутубхоналарига ташиб кетилди.

Бу масалага ҳукумат даражасида муҳим вазифа сифатида қаралиб, шахсан генерал-губернатор фон Кауфман ҳамда ҳарбий юришларга бошчилик қилган бошқа генераллар назоратида амалга оширилди.

Хивага юриши пайтида К.П.Кауфманга ҳамроҳлик қилган шарқшунос А.Л. Кун Шарқ қўлёзмалари ва ҳужжатларидан иборат ниҳоятда ноёб коллекцияда – 140 жилддан иборат тарихий асарлар, ҳуқуқшунослик ва

илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилд асар, 18 нусха Қуръон ва 50 та дарелик, жами 300 та қўлёзма асарларни тўплаб, Император халқ кутубхонасига топширди.<sup>1</sup>

Кўқон хонлигига қариш юришлар давомида эса А.Л. Кун тарих, тиббиёт, ҳуқуқ ва илоҳиётга доир 130 та қўлёзма тўплаб, Россиянинг Император кутубхонасига топширади.

Китоб беклигини босиб олиш жараёнида Жўрабек Қаландарҳожиги ўғли саройидаги шарқ қўлёзма асарларидан иборат кутубхона тўлиқлигича қўлга олинади<sup>432</sup>.

А.Л. Кун томонидан Шаҳрисабз беклигидан ҳам ўнлаб қўлёзма асарлар тўпланади. Китоб ва Шаҳрисабз бекликларидан жами 100 нусха асар тўпланади.

Қўйида Россия империяси кўшиқларининг Бухоро амирлигидаги Китоб беклигини босиб олиш жараёнида қўлга киритилган ва метрополия музейларига олиб кетилган ноёб қўлёзмалар рўйхати ҳамда бу ҳақда сақланиб қолган тарихий ҳужжат нусхаси келтирилади.

Т.ф.д. Б.Ҳасанов

<sup>1</sup> Кун томонидан тузилган рўйхат Россия ФА Археология институти Санкт-Петербург бўлими архивида сақланади. И-33-жамғарма, 1-рўйхат, 179-йигма жилд, 1-варақ.

<sup>432</sup> ЎзР МДА.И-1 жамғарма, 15-рўйхат, 69-йигма жилд, 66 варақ







Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шайхонини софронини ба  
Кичикдони

Китоб шахридан олиб кетилган асарлар рўйхати  
Факсимиле







## Хива хонлигида савдо алоқалари<sup>433</sup>

Россия империяси 1873 йилда Хива хонлигини босиб олгандан кейин мамлакатнинг метрополия билан савдо алоқалари кенгайиб, фаоллашиб борди. Асосан мамлакат хом-ашё ресурсларини ўзлаштириб, рус саноат маҳсулотларини Хива бозорларида реализация қилишга йўналтирилган ушбу савдо алоқаларининг кўлами ва предмети ҳақида Россия архивларида қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан, Санкт-Петербург Марказий давлат архивининг 183-жамгармасида сақланаётган қуйидаги ҳужжатлар 1881-1882 ва 1908 йилларга оид бўлиб, шу даврдаги Россия – Хива савдо алоқалари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади. Илгари илмий истеъмолга киритилмаган ушбу маълумотлар илк бор ўзбек тилида чоп этилмоқда.

Х.Абдурасулов

### Ички савдо (1881-1882 йиллар)

...Агар мунтазам равишда у ёки бу нарсани сотиш билан шуғулланадиган ҳар бир одам савдогар деб аталса, у ҳолда хонликнинг деярли барча эркак аҳолисини савдогар дейиш мумкин бўлади. Маъмуриятга алоқаси бўлмаган, давлат хизматчиси ҳисобланмаган шаҳар аҳолиси албатта хунармандчиликнинг бирор тури билан шуғулланиб, бозор кунлари ўзлари ишлаб чиқарган ёки кишлоқликлардан харид қилинган маҳсулотларни сотадилар.

Хонликда четдан мол келтириш ва четга мол чиқариш билан алоҳида уюшмалар, касби савдогар бўлган

<sup>433</sup> Санкт-Петербург Марказий Давлат тарихий архиви, 183-жамгарма, 1-рўйхат, 12-йиғма жилд, 1-7 варақлар.

одамлар шуғулланади. Бу ёпиқ уюшма эмас, унга ўз сармояси ва кредитга эга бўлган ҳар бир киши аъзо бўлиши мумкин. Улар орасида маъмурият вакили ва рухоний (уламо)ни ҳам учратиш мумкин. Касодга учраган савдогар эса маҳаллий маҳсулотларни қайта сотадиган олибсотарга айланади, деҳқончилик қилади ёхуд кимгадир ишчи бўлиб ёлланади.

Аҳоли пунктларда бозор кунлари дўконлар турли маҳсулотлар билан тўла бўлиб, уларнинг деярли бешдан бир қисмида чиройи билан ўзига жалб қиладиган маҳсулотлар – чит, рўмол, мовут парчалари ва Бухоро маҳсулотлари, яъни дока, дўппи, олача, адрас, мустаҳкам йигирилган ип ва бошқа товарлар сотилади. Уларни улгуржи савдогарлардан насияга олиб, ҳар бозор охирида бўлиб-бўлиб қарзни қайтариш мажбуриятини олган савдогарлар сотади.

Бозорлар ҳар бир шаҳарда ҳар хил кунлари ўтказилиши сабабли, савдогарлар бозор тугаши билан маҳсулотларини йиғиб, агар бошқа бозор яқин бўлса, кечкурун ёки узоқ бўлса, эртаси куни эрталаб, савдо-сотик бўладиган жойга олиб борадилар. Демак, бир турдаги мол муайян савдогар томонидан ҳафта давомида икки ва уч шаҳарда алоҳида бозор кунлари сотилади.

### Четдан олиб келинадиган маҳсулотлар билан савдо

Хонликнинг йирик савдогарлари ва уларнинг йиллик савдо айланмаси:

Йирик савдогарлар	Йиллик савдо айланмаси (рубль)
<b>Хивада:</b>	
Худойберган	270 000
Полвон Девон	90 000



Мадраимов	54 000
Жами:	514 000
<b>Урганчда:</b>	
Увайс Бобо Бакқол	200 000
Хўжаш Читкар	200 000
Полвон <i>Совутчи</i>	150 000
Бобо Уломон	100 000
Муҳаммад Шарип <i>Пеша</i>	70 000
Бобожон <i>Гулак</i>	70 000
<i>Гушан</i> Қора	50 000
Саидкул <i>Панал</i>	30 000
Бой Отажонбой	20 000
Ҳожи Муҳаммад	20 000
<b>Бухороликлар:</b>	
Бокибой	40 000
Норбой	40 000
Сапокул	40 000
Мирзо Ҳисомиддин	60 000
18 та майда фирмалар	100 000
Жами:	1 190 000
<b>Хонқада:</b>	
Гавдон Раззоқберди	100 000
Тилло Жанак	10 000-15 000
Мадирбой	10 000-15 000
Оллоберганбой	10 000-15 000
Фозилбой	10 000-15 000
Олимбой	10 000-15 000
Авазниёзбой	10 000-15 000
Олти нафарнинг жами пули:	200 000
Жами	300 000
<b>Ҳазораспда:</b>	
Ваисбой	18 000
Саидхон	30 000

Жами:	48 000
<b>Тошховузда:</b>	
Болли	14 400
Курамбой	7 200
Жами:	21 600
<b>Илёлида:</b>	
Хўжабой	18000
<b>Гурланда:</b>	
Увайсбой	36 000

Хулоса қилиб айтганда, хонликнинг савдо айланмаси 2,5 миллион, ҳатто 3 миллион рублни ташкил этади, деб тахмин қилиш мумкин.

Айтиб ўтилганидек, савдогарлар на хонликка ва на хонликдан ташқарига пул олиб чиқмайди, балки у ёки бу тарафга фақат товар ташийдилар.

Россиядан биринчи карвон май ойида чиқиб, (Москвада зарур нарсалар сотиб олинади), хонликка июль ойининг охирида етиб келади. Нижний Новгороддан эса, августда йўлга тушган карвон ноябрда ўз манзилига етиб келади.

Россиядан келаётган маҳсулотлар икки йўналиш орқали – Оренбургдан Казалинска ва Шох Аббос Вали орқали Амударёни кечиб ўтади, ёки Оренбургдан Эмба қальаси ёнидан Устюрт орқали Кўнгиротга ва у ердан қайиқларда Урганчга етиб келади. Маҳсулотларнинг жуда оз қисмигина Волга ва Каспий орқали Красноводска, ундан эса туяларга ортилган ҳолда хонликка кириб келади.

Қайси йўл билан кириб келишидан қатъий назар, товарлар Хива ёки Урганч карвонсаройларига етказилиши шарт. Бу ерда товарлар унинг эгаси ёки ишончли вакили ҳузурида, закот йиғувчи ҳамда маҳсулотнинг бозор



бахосини аниқлаб берувчи даллол (маклер) томонидан очилади. Хонликка кириб келаётган барча маҳсулотлар шу тарзда текшириб чиқилиб, уларнинг миқдори ва киймати коғозга ёзилади. Кейин бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда, хивалик савдогарларга тегишли ушбу маҳсулотларнинг 1/40 қисми ушлаб қолинади (яъни, ҳар бир рублдан 2,5 копеек ушланади). Рус фуқароларининг маҳсулотлари фақат рўйхатга олинади, аммо улардан бож ундирилмайди.

Маҳсулотдан закот божи олингач ёки ушбу божни муайян муддатда тўлаш ҳақида қарз мажбурияти олингач, улар ўз эгасининг ихтиёрига ўтади.

...1882 йилнинг 1 мартда Кўнғиротдан Оренбургга пахта олиб чиқиш куйидаги карвонбошилар томонидан 7700 туя ёлланди:

Савдогарлар	1 март 1882 йилда жўнатилган туялар сони
Адамов	600
Ибрагимов	700
Салимжонов	500
Мустафо	300
<b>Жами</b>	<b>2 100</b>
Увайс Баққол	400
Хўжаш Читқар	300
Бобо Уломон	150
Машариш Пеша	100
Боғаржонбой	200
<b>Жами</b>	<b>1 150</b>
Боқибой	120
Норбой	80
Саидқул	150
Авазям	50

<b>Жами:</b>	Ҳозирлангани 400 туя жўнатилгани 500 туя савдо маҳсулоти
Урганчдан	300
Қурбонбой Дав	100
Хонқалик Гавдон	800
ва бошқалар	200
Гурланлик савдогарлар	500
Тошҳовузлик савдогарлар	200
<b>Жами:</b>	<b>2 100</b>
<b>Хивадан:</b>	
Худойберганов	700
Мадримов	300
Полвон Девон	300
бошқалар	200
<b>Жами:</b>	<b>1 500</b>
Қиркёп ёнидаги Қорамозидан	150
<b>Жами:</b>	<b>2100</b>
<b>Ҳазораспдан:</b>	
Саидмурод	60
Ваисбой	40
<b>ЖАМИ:</b>	<b>100</b>

1884 йилда эса Кўнғиротдан юқорида номлари кўрсатиб ўтилган савдогарларга тегишли жами 9650 туяда товар чиқиб кетган.

Хонликдан Россияга пахтадан ташқари ярим ишлов берилган қорамол териси, кўзи териси, чопонлар, пўстин ва кам миқдорда ўрик олиб чиқилади.

1881 йилда савдогарларнинг товар жўнатиш куйидагича бўлган:

Савдогарлар	Маҳсулот олиб
-------------	---------------



	кетилган туялар сони:
Умар Кўшалок	150
Хўжаш Читкар	100
Худойберганов	150
Урганчлик майда савдогарлар	200
Урганчдаги Россиялик татарлар	200
Амударё бўлимнинг Кўнгирот ва Хўжайли фирмалари, россиялик татарлар ва маҳаллий савдогарлар	200
<b>Жами:</b>	<b>23 000 пуд</b>
	<b>1 150 та туя</b>

Хонликка олиб кириладиган маҳсулотлар қиймати 2,5 миллион рубл атрофида бўлса, хонликдан эса 3,5 миллион рубль қийматига тенг маҳсулотлар четга жўнатилади<sup>434</sup>.

Шундай қилиб, хонлик бошқа мамлакатларга анчагина хомашё чиқаради, қайта ишланган ҳолда фойдаланиладиган буюмлар (ярим тайёр, тайёр ва ускуналар) ни чет мамлакатлардан олиб келади.

1908 йилга келиб Хива хонлиги сарҳадларидан тахминан қуйидаги миқдорда турли хил маҳсулотлар четга олиб чиқилади:

№	Товарлар	Миқдори (пуд)
	Тозаланган пахта	700 000
	Эчки териси	1 500
	Сигир териси	25 000
	Ишланмаган кўй териси	4 000
	Кўй ичак-чавоғи	1 200
	Меша (ишланган кўй териси)	4 500
	Жун	10 000

<sup>434</sup> Санкт-Петербург Давлат тарих архиви, 1396 жамғарма, 1-рўйхат, 33-йиғма жилд.

	Беда уруғи	180 000
	Балик	33 000
	Қорақўл	800
	Чопон ва кигиз	25 000
	Шоли (гуруч)	60 000
	Гилам ва палослар	4 700
	Сигир ёғи	20 000
	Ранг ва рўён	500
	<b>Жами:</b>	<b>1 079 700</b>

Пахта ва бошқа хомашё асосан Москва ва Нижний Новгород ярмаркаларига, жун эса, уни қайта ишлайдиган фабрикалари мавжуд бўлган ўрта Волгабўйи шаҳарларига жўнатилади. Баликни эса, Оренбург савдогарлари сотиб олади. Ичак-чавоқ ва беда чет элга (Гамбургга), гиламлар Туркияга юборилади...

1908 йилда Хива ўлкасига четдан олиб кирилган юкларнинг миқдори ва тури тахминан қуйидагича бўлган:

№	Маҳсулот тури	Миқдори (пуд хисобида)
<b>Москва ва Нижний Новгороддан келтирилган товарлар</b>		
1.	Мануфактура	145 000
2.	Атторлик маҳсулотлари	20 000
3.	Баққоллик маҳсулотлари	105 000
4.	Дори-дармонлар	1 000
5.	Сандиклар	10 000
6.	Қозон ва қумғонлар	16 500
7.	Йиғирилган ип	29 000
8.	Қандолат ва обаки	21 500
9.	Шам	1 500
10.	Темир	15 000



11.	Идиш-товоклар	10 000
12.	Арок ва ичимликлар	8 500
13.	Темир буюмлар	95 000
14.	Мис буюмлар ва мис	20 000
<b>Бошқа ҳудудлардан келтирилган товарлар</b>		
15.	Чоржўйдан – ёғоч-тахта	100 000
16.	Владикавказдан – ун	15 000
17.	Чоржўйдан – керосин	150 000
18.	Ашхобод ва Бухородан – кўк чой	60 000
19.	Киевдан – қанд	120 000
20.	Чоржўйдан – гугурт	10 000
21.	Оренбургдан – булғори чарм	20 000
22.	Сакич, шам	10 000
23.	Бошқа шаҳарлардан – кварц, бўёк	8 000

## 2 §. Тарихий адабиётлар

*Туркистоннинг мустамлака давр тарихини ўрганишида ўша даврда яратилган тарихий адабиётлар ҳам муҳим манба ҳисобланади. Зеро, уларнинг кўпчилиги ўлканинг салоҳияти, иқтисодий аҳволи, қишлоқ хўжалиги ва савдо алоқалари таҳлилига бағишланган тадқиқотлар бўлиб, стратегик мақсадларда яратилган ва расмий хизмат доираси учун кам нусхада чоп этилган. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, Туркистонда савдо ва саноат тараққиёти масалаларига бағишланган тадқиқотлар тарихий маълумотлар ва статистик фактларга бойлиги билан муҳим тарихий манба сифатида қизиқиши уйғотади.*

**Д.Н.Логофет. “Бухарское ханство и его современное состояние” (Бухоро хонлиги ва унинг замонавий ҳолати)<sup>435</sup>**

*Рус амалдори, генерал Дмитрий Николаевич Логофет XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигига бир неча бор ташириф буюрган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир нечта йирик асарлар яратган. Д.Н.Логофет Бухоро амирлигини Россия империяси таркибига қўшиб юбориши зоясининг ашаддий тарафдорларидан бўлиб, ўз тадқиқотларини стратегик мақсадларда ёзган муаллифлардан бири эди. Шу боис у ўз асарларида амирликдаги маъмурий бошқарув тизими, унинг чегаралари, табиати, иқлими, мамлакатнинг ички ва ташқи савдо алоқалари, табиий бойликлари, ишлаб чиқариши ва иқтисодий салоҳияти ҳақида маълумотлар тўплаган ва ўз асарларида батафсил ёритилишига ҳаракат*

<sup>435</sup> Д.Н.Логофет. Страна бесправия: Бухарское ханство и его современное состояние. СПб., 1909 г.



қилган. Аммо, унинг асарларидаги баъзи маълумотларни, хусусан, амир фаолияти ва халқнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларни Бухородаги Рус сиёсий агенти ва бошқалар вазият ниҳоятда бўрттириб кўрсатилганлиги боис, танқид остига олганлар. Шунга қарамай, унинг асарлари тарихий фактларга ниҳоятда бойлиги билан муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Қуйида унинг “Страна бесправия: Бухарское ханство и его современное состояние. Санкт-Петербургъ. 1909” ва “Бухарское ханство под русским протекторатом. Санкт-Петербург, 1914” асарларидан парчалар келтирилади.

И. Азизов, В. Холов

**...Бухоронинг маъмурий тузилиши.** Бухоро хонлигида бошқарув тизими молиявий, маъмурий, суд ва диний идораларга бўлинади.

Марказий муассасаларнинг барчасида бошқарув ҳокимияти бош маъмурий шахс – Қўшбегига қарайди. Ички ишлар, амирнинг йўқлигида барча бошқарув унинг вазифасига киради ва маҳаллий беклар тўғридан-тўғри унга бўйсунди. Ундан ташқари иккинчи Қўшбеги бўлиб, у ташқи ишлар билан шуғулланади ва Санкт-Петербургга элчи сифатида ҳам юборилади.

Хонликнинг маълум бир ҳудудини бошқарган амалдор бек деб аталиб, русларнинг губернатор лавозимига тўғри келади. Хонлик 25 бекликка бўлиниб, ҳар бир бекликнинг аҳолиси 50 мингдан 300 минггача бўлиб, турлича ҳудудий майдонга эга. Аҳоли сонига қараб, ҳар бир беклик 3 тадан 24 тагача амлоқдорликка бўлинган. Амлоқдорликни амлоқдор бошқаради, у русларнинг уезд бошлиғи лавозимига тўғри келади.

Ҳар бир аҳоли пунктини оксоқол бошқаради. Бир неча аҳоли пунктини мингбоши бошқаради. Кўчманчи аҳолида ҳар бир қабилани элбеги (қабил бошлиғи) бошқаради.

Диний бошқарувнинг асосий бошлиғи калон деб номланиб, унинг зиммасига дин ишлари назорати, барча олий тоифадаги ва бошланғич мадрасалар назорати киради. Ҳар бир бекликда раис лавозими бўлиб, амлоқдорлик таркибида бўлади. Лекин у амлоқдор ва бекдан мустақил равишда бекликдаги бош раисга бўйсунди, бош раис эса ўз ўрнида калонга (қозикалон – тарж.) бўйсунди.

Молиявий соҳа бошлиғи бош закотчи бўлиб, унга амлоқдорликдаги ва бекликдаги барча закотчилар бўйсунди. Закотчилар муқим йиғин бўлган закотни йиғиш билан шуғулланади; улар ўз ишларини беклардан мустақил ва уларга бўйсунмаган ҳолатда бажарганлар.

Ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш (нотариал хизматлар – тарж.), суд ва дин ишларини қўшбеги лавозими билан баробар бўлган юқорида таъкидланган калон лавозимига эга бўлган амалдор бошқарган. Беклик ва амлоқдорликдаги қозилар калонга бўйсуниб, бекларга бўйсунмаган ҳолда ишлаган. Ўз ўрнида қози, раис ва закотчиларнинг вазифасига ўз туманларидаги ҳосил ҳақида маълумот ва солиқ йиғиш вазифаси кирган. Ўз ўрнида амлоқдорлар ва беклар қози, раис ва закотчи билан алоқадор ишларда уларни хабардор қилиб туради. Қонун бузилмаслиги нуқтаи назаридан шу тариқа бир-бирларини назорат қилади. Бухоро ҳукуматининг фикрига кўра, бир-бирини назорат қилишнинг ушбу усули қонунни бузиш ҳолатларига йўл қўймайди.

Ҳарбий бошқарув муҳим амалдор – тўпчибоши (артиллерия бошлиғи) лавозими зиммасида бўлган. Батальон бошликлари бекликларда ташкил қилинган бўлиб, тўпчибоши уларни моддий жиҳатдан таъминлайди.



Ҳар бир вакил ўз бошлиғи олдида ҳисобот бериб, ҳеч қандай тафтиш усули йўлга қўйилмаган. Оқсоқол, мингбоши ва элбеги аҳоли томонидан сайланиб, ҳуқуқбузарлик ва шикоят бўлмаган вазиятларда ўз вазифасидан озод қилинмайди.

Ҳар бир амлоқдорлик ва бекликда полиция вазифасини бажарувчи амалдорга қарашли навкарлар (полиция) иш олиб боради.

Раис, закотчи, бек, қози ва амлоқдорлар амирдан ҳеч қандай маош олмайди. Кичик амалдорлар амир ва беклардан маош олаган. Ҳар бир бекликда жинойтчилар учун кичик бир қамоқхона бор. Бутун амирликда ҳарбийлардан ташқари кичик амалдорларнинг сони тахминан 50 000 мингга етади.

**Аҳолиси.** 3 миллионни ташкил этувчи Бухоро хонлиги-нинг аҳолиси этнографик жиҳатдан қуйидаги қавмларга бўлинади: 1) ўзбеклар - амирнинг ушбу қавмнинг манғит уруғидан келиб чиққанлиги сабабли, аҳолининг имтиёзга эга қисми ҳисобланади. Улар бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалиб, [давлатнинг юқори] мансабларини эгаллаганлар; 2) кирғизлар чорвачилик билан шуғулланадилар. Улар Ҳисор тоғ тизмаларида, шунингдек, Қизил ва Тоир-Су дарёлари оқимлари бўйлаб, Кўлоб, Балжувон ҳамда Қоратегин бекликларининг тоғли водийларида яшайдилар; 3) туркманлар Амударё ва Панж дарёлари кирғоклари бўйлаб яшайдилар; 4) тожиклар Шарқий Бухоро тоғлари майдонларининг катта қисмида истиқомат қилади; 5) Бухоро яҳудийлари асосан Бухоро, Шахрисабз ва Қаршида яшайдилар; 6) хиндлар мамлакатнинг деярли барча шаҳарларида учрайди; 7) хазарлар Балжувон ҳамда Кўрғонтепа бекликларида яшайдилар; 8) афғонлар Амударё ва Панжобда истиқомат қиладилар...

Мамлакат жами аҳолисининг тақсимланиши кўриб чиқилмаган бўлса, Зарафшон дарёси, Қашқадарё, Амударё, шунингдек, Сурхон, Кофирнихон ҳамда Қизилсув воҳалари аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар ҳисобланади. Аҳоли сони бўйича эса энг кўп аҳолиси бор шаҳарлар Бухородан кейин Қарши, Шахрисабз, Ҳисор, Ғузор, Балжувон, Чоржўй, Керки, Кўлоб шаҳарлари ҳисобланади. Ушбу шаҳарлар билан номланган бекликлар катта дарёлар яқинида жойлашгани боис, аҳолиси зич ва кўп жойлашган.

**Д.Н.Логофет. “Бухарское ханство  
под русским протекторатом”  
 (“Бухоро хонлиги рус протекторати остида”)<sup>436</sup>**

**Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш, қончилик ва  
савдо**

... Хонликда қуйидаги ишлаб чиқариш соҳалари кенг тарқалган:

1) **Гилямдўзлик.** Кўй ва туя жунларининг катта қисми яшаш жойлари – ўтов ва юрта қуриш, гилям, палос, намат ва қоплар тайёрлаш учун ишлатилган. Гилямдўзлик билан асосан туркманлар шуғулланган бўлиб, улар намуна ва рангни Эрондан олганлар. Гилямларнинг асосий қисмини Керки ва Келиф бекликларида маҳаллий туркманлар томони тайёрлаган. Гилямлар ўсимлик ранглари билан бўялган, аммо кейинчалик арзон бўёқлар аҳоли орасида тарқалиб, гилямларнинг сифати ва чидамлилигига салбий таъсир этди.

Хорижда гилямларга талаб ошганлиги сабабли, нархлар 1 кв. аршинга<sup>437</sup> 4 рублдан 8 рублгача кўтарилди.

<sup>436</sup> Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб., 1914.

<sup>437</sup> 1 аршин 0,71 метрга тенг.



Гидам тўқиш билан асосан шу соҳада ишга жойлашган аёллар шуғулланган. Гидамдан ташқари, палос, шол, хуржинлар тайёрланган. Шаҳрисабз ва Қарши бекликларининг бир қатор араб қишлоқларида палосларда арабча сурат ва нақшлар акс эттирилган бўлса, Нурота, Қорақўл, Ҳисор, Конибодом, Қўрғонтепа бекликларида қирғиз аҳолиси кигиз, қалин палослар, қоплар, арконлар ва бошқалар тайёрлаган. Бу барча моллар маҳаллий бозорларга чиқарилган ва Бухорога келтирилган. Гидамларнинг бир қисми Бухородан Россияга ва бошқа хориж мамлакатларига, кигизлар эса рус ва Сибир губернияларига олиб борилган. Хорижга олиб чиқилган гидамларнинг йиллик қиймати 100 000 рублга етади.

1) **Газлама ишлаб чиқариш.** Газлама-матолар аҳолининг талабидан келиб чиқиб, уй шароитида, паст сифатда тайёрланган. Улар турлари:

1. Олача – турли ранглар билан бўялган мато бўлиб, асосан халат тикишда ишлатилган.
2. Сурп – оқ мато.
3. Хос доқа – рўмолнинг паст сорти.
4. Бўз – дағал оқ мато.
5. Мисти ва чапанаш – Яктак ва чопон тикиладиган мато.

2) **Ипак ва ярим ипак мато ишлаб чиқариш.**

Ипакчилик билан хонликнинг Бухоро, Қармана, Шаҳрисабз, Чирокчи, Конибодом ва Ҳисор бекликлари аҳолиси кўпроқ шуғулланади ва ипак толасидан қуйидаги матолар тўкилади:

1. Байроқ олача – ярми маҳаллий, ярми рус йиғирилган ипидан қилинадиган мато.
2. Духоба олача – рус йиғириладиган ипидан қилинган мато.
3. Адрас – кучли крахмалланган ярим ипак мато.
4. Шойи – юмшоқ соф ипакдан мато.

5. Чесунча – пилладан йиғириладиган, Хитой шойисидан ҳам яхши.

6. Олача – ярим ипак мато.

Хонлик йилига 2 миллион пуд пилла етиштириб, 100 000 пуд ипак олади ва бунинг деярли ярмиси бутун Ўрта Осиёга тарқалади.

3) **Кўнчилик.** Саноатнинг бу тури хонликнинг деярли барча бекликларида тарқалган бўлиб, от териси яхши ошланиб, кизилга бўялади ва қурол-аслаҳа, эгаржабдук яшашда ишлатилган. Мол териси оёқ кийими тайёрлашда ишлатилади, аммо сифати юқори эмас. Қўй ва эчки терилари ярим хом-ашё сифатида Россияга олиб кетилади ва йиллик нархи тахминан 300 000 рублни ташкил этади.

4) **Темирчилик.** Таглик, мих, болта, омочлар учун тиш, кетмон ва бошқа асбобларни тайёрлаш хонликнинг шаҳар, қишлоқ, уста-темирчиларининг асосий маҳсулоти бўлиб, Ҳисор, Қалъаи Хум ва Қалъаи Гармда пичоқлар, ханжар қинлари тайёрланган ва бутун хонликда сотилган.

5) **Ёғоч ўймакорлиги** жуда кенг тарқалган бўлиб, Масжид ва уй эшиклари, устун, стол ва панжараларни безашда фойдаланилган.

Асосан ёғоқ дарахти танасидан фойдаланилган, аммо бошқа қаттиқ ва юмшоқ дарахтлар ҳам ишлатилган. Бу соҳа йилдан-йилга пасайиб, усталар сони камаймоқда. Улар асосан шаҳарларда учрайди.

6) **Кулолчилик** унчалик ривожланмаган. Яхши тайёрланган идишлар асосан Бухорода сотилади.

7) **Зардўзлик.** Бу соҳа асосан Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз бекликларида кенг тарқалган. Дўппи, белбоғ, от ёпинчиклари тикилиб, терига, матога зар урилади. Бу иш билан асосан аёллар шуғулланиб, савдога олиб сотарлар орқали чиқарилади. Аммо кейинги пайтларда



рус моллари маҳаллий молларни бозордан сиқиб чиқара бошлади.

8) **Этиқдўзлик.** Хонликнинг барча шаҳарларида ривожланган бўлиб, косиблар туркман услубида оёқ кийимларининг учини кўтариб, пошнасини баланд қилиб тайёрлаганлар. Этиқлар сариқ теридан тайёрланган. Шунингдек, пошнасиз этиқлар ва кавушлар кенг тарқалган. Бозорга рус этиқларнинг кириб келиши маҳаллий маҳсулотни сиқиб чиқара бошлади.

9) **Заргарлик.** Загарлик хонликнинг барча йирик шаҳарларида кенг тарқалган, асосан камарлар йирик олтин ва кумуш нишонлари билан безатилади. Аёллар учун эса безак ашёлари – билагузук, халқа, узук ва бошқалар тайёрланади.

10) **Кумуш ва мисгарлик.** Бухоро ва Қаршида мисдан кумфон, тоғора, патнис, чилим, сиёхдон ва бошқа буюмлар тайёрланиб, қадимги нақшлар билан безатилган. Кейинги йилларда миснинг нархи ошганлиги сабабли, усталар сони ҳам қисқара бошлади. Асосан ёши катта усталар амир ва бойларнинг талаби билан буюм тайёрлайди.

11) **Ун ишлаб чиқариш.** Уннинг сифатини ошириш учун, асосан шаҳар атрофи аҳолисини ун тегирмони ва шоли тегирмони қуришга мажбур қиладилар.

12) **Ёғ-мой ишлаб чиқариш.** Хонликнинг шарқий қисмида ўсимликлар уруғларидан ёғ олинади. Бунда жувозлардан фойдаланилади ва жувозни айлантиришда асосан отлар меҳнатидан фойдаланилади. Йилига бир от билан жувоз орқали 200-250 пуд мой олиш мумкин. Аммо мойнинг бир қисми кунжарасида қолиб кетади. Жувозлар деярли ҳар бир катта қишлоқда бор.

13) **Совун ва шам ишлаб чиқариш.** Бу соҳа унча ривожланмаган. Совун асосан ҳайвонлар ёгини ковриш

орқали олинган бўлиб, деярли ҳар бир қишлоқда бўлган. Аммо жуда оз миқдорда чиқарилади. Шам ишлаб чиқариш сўнгги йилларда керосиннинг кенг тарқалиши натижасида бироз пасайган. Бухоро бозорларида кимматроқ бўлиб, нархи бир фунтга 10-12 коп. баҳоланади.

14) **Виночилик заводлари.** Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш яҳудийларга диний томондан рухсат берилган бўлса-да, хонликда уларга амир томонидан рухсат берилиши керак бўлган ва шу билан бирга, мусулмонларга сотиш қатъиян ман қилинган. Берилган рухсатнома натижасида Бухоро, Душанбе, Қарши, Ҳисор бекликларида вино ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Спиртли ичимликлар кишмиш ва бошқа мевалардан фойдаланилади.

Шунингдек, хонликда хомашёни ярим тайёр ҳолатга келтириш ҳам йўлга қўйила бошланди.

1) **Пахта тозалаш заводлари.** Заводлар Янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Керки, Кармана, Термиз ва бир қатор темир йўл бекатлари яқинида қурилган. 1911 йилга келиб, уларнинг сони 15 тани ташкил этди. Тозаланган пахта Россияга жўнатилади. Бухоро ҳукуматида темир йўлдан 2 верстан узок жойда завод қуришни ман этилганлиги бу соҳанинг кенг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Бунинг натижасида Бухоро аҳолиси уй шароитида кўл усқуналарида пахтани тозалашда давом этяпти ва бу пахта нархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Бухоро пахтаси Москва ва Лодздаги фабрикаларга жўнатилади ва у ерда газлама ҳолига келтирилади. Сўнгра, Бухоро бозорларига келтирилиб, сотилади. 1908 йилда Бухоро ва Чоржўй темир йўл станцияларидан 1 200 000 пуд пахта ҳар пудига 8,50 рублдан, жами 10 000 000 рублга баҳоланиб, олиб кетилган.



2) **Гугурт ишлаб чиқариш.** Хонлик худудида ягона кичик гугурт ишлаб чиқарувчи фабрика Янги Бухоро шахрида бўлса-да, чиқарилган маҳсулот бошқа рус шахарларида чиқарилган маҳсулотлар билан эркин рақобатлаша олади.

3) **Сунъий минерал сув ва шарбат ишлаб чиқариш.** Иссиқ иқлимнинг талабларидан келиб чиқиб, Чоржўй, Керки, Янги Бухоро, Термиз шахарларида кичик заводлар бор. Сифати паст бўлса-да, нархи арзонлиги билан бу маҳсулотлар жуда харидоргир.

4) **Ёғ заводи.** Керкида жихозланган завод кунига 5 000 пуд ёғ ишлаб чиқаради.

5) **Ун заводлари.** Хонлик худудида 2 та ун заводи бор.

6) **Тамаки ишлаб чиқариш.** Бири Чоржўйда, яна бири Янги Бухорода бўлган заводлар кичик ҳажмда тамаки ишлаб чиқаради.

7) **Виночилик.** Қоракўл бекатида Француз жамияти узум виноси заводи жойлашган.

Сахий табиат томонидан ато этилган бойликларнинг кўплигига қарамасдан, нафақат ер ости бойликлари, балки ер усти бойликларига ҳам деярли қўл тегмаган.

1) **Олтин** – Дарвоз тоғлари атрофларидан, Панж дарёсининг оқимидан, ва Шарқий Бухоронинг Ях-Сув, Вахш ва бошқа кичик дарёлари бўйларидан куми билан олинади.

2) **Мис конлари** – Дарвоза тоғларидан, Буюк Пётр ва Ҳисор тоғ тизмаларидан казиб олинади.

3) **Темир** – Буюк Пётр, Ҳисор ва Дарвоза-Мозор тоғ тизмаларидан казиб олинади.

4) **Қимматбаҳо тошлар** – Дарвоза тоғларидан олинади.

5) **Мармар** – Дарвоза ва Ҳисор тоғлари атрофидан олинади.

6) **Нефт ва озокерит (тоғ муми)** Ҳисор атрофидан, Қўғонтепа беклиги Сарой қишлоғи атрофидан, Қора Тов тоғларидан, Шеробод шахри атрофидан, Оқ Жумалон тоғидан, Шакарлик Остона ва бошқа жойларда мавжуд.

7) **Олтингугурт** – Кугинтонг Тау тоғида, Келиф яқинидаги Жалолтепада, Шеробод атрофида ва Қизил Урда мавжуд.

8) **Тузлар** – Қоракўл беклигининг тузли қўлларида, Кўлоб беклигидаги Чубек яқинидаги Хўжа Мўмин тузли тоғидан, шу бекликнинг Анжерой қишлоғидан ва Ҳисор тизмасидан олинади.

9) **Тошқўмир** – Бойсун, Ҳисор ва Қўрғонтепа бекликларидан олинади.

10) **Кўрғошин** Қуйтандан олинади.

11) **Охра** – Қоратоғ тоғидан, Қўрғонтепа беклигидан ва Ҳисор тизмасидан олинади.

Аммо юқорида кўрсатилган минерал бойликлар ва улар жойлашган худудлар бу ҳақда ҳақида тўлиқ маълумот бермайди, улар баъзи бир шахслар томонидан очилган, холос. Хонликда мутахассислар томонидан махсус геологик тадқиқотлар олиб борилмаган. Баъзи бир геологлар, жумладан, Крафт, Леват, Михайлов, Журавско-Покорский ўз изланишлари орқали махсус топшириқ билан Сафетдарёнинг олтинга бой кумларини топиш мақсадида фақатгина Дарвоза, Ях-Сув дарёси бўйларига сафар уюштирганлар.

Ишлаб чиқаришда сармоянинг такомиллашган жихозлари, замонавий конструкциядаги ёритиш печларининг йўқлиги боис, бухороликлар ҳозирда олтин, темир, олтингугурт ва тузни жуда кам миқдорда оладилар.



1) Олтин қонлари Бухоро хонлиги тоғ тизмаларида бор.

2) Олтингугурт қазиб олиш. Келиф ва Шеробод бекликлари қатламларидан туб жой аҳолиси томонидан қазиб олинади ва тозаланмасдан сотувга чиқарилади. Қазиб олинган олтингугурт миқдори катта эмас.

3) Темир – қуроллар, қишлоқ хўжалиги жиҳозлари ясашда ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Дарвоза, Қоратегин, Ҳисор бекликларидан қазиб олиниб, эски печларда эритилади. Темир ишлаб чиқариш йилига 3-4 минг пуддан ошмаган ва чўян ҳам шу миқдорда олинади.

4) Туз – Қоракўл ва Нурота бекликларидаги шўр кўллардан қазиб олинади. Туз қалин қатламни ташкил этади.

**Савдо.** 1903 йилга оид маълумотларга кўра, товарлар Бухоро ва Чоржўй бекатларида қабул қилинади ва мазкур бекатлардан жўнатилади. Хонликка 2 500 000 пуд маҳсулот олиб келинади ва хонликдан Россияга эса, 1 700 000 пуд хомашё ва товарлар олиб кетилган.

#### Россияга 1903 йилда олиб кетилган товарлар:

Товарлар	Миқдори (пуд)	Нархи (рубль)
Пахта	1 200 000	10 000 000
Қоракўл тери	1 000 000	6 000 000
Жун	150 000	1 000 000
Илак	300 000	800 000
Ошланган кўй териси	80 000	640 000
Хомашё	85 000	250 000
Қоплар (кўй терисидан)	15 000	200 000
Қишмиш	50 000	100 000
Қуритилган мева	80 000	200 000

Йиғирилган ип		250 000
Гидамлар		100 000
Ёғ		500 000
Жами	2 100 000	20 000 000

#### Россиядан хонликка келтирилган товарлар:

Товарлар	Миқдори (пуд)	Нархи (рубль)
Мануфактура моллари	200 000	8 000 000
Шакар	150 000	900 000
Ип-газламалар	25 000	500 000
Керосин	300 000	300 000
Бўёқлар, пардоз анжомлари ва совун	20 000	300 000
Атторлик моллари	100 000	1 000 000
Темир буюмлар	250 000	1 000 000
Пичоқчилик моллари	10 000	200 000
Фаянс идиш-товоклар	100 000	1 000 000
Рус чарми	10 000	200 000
Қоғоз, ўқув қуроллари	20 000	320 000
Мис, жез, рух	100 000	150 000
Стеарин шамлари	5 000	50 000
Турли хил моллар	300 000	3 000 000
Жами	2 000 000	17 000 000

Йиллик савдо айланмаси 40 000 000 рублни ташкил этган. Булардан ташқари, 1 000 000 рубль қийматида чой ҳам келтирилган.

#### Бухоро хонлигидан четга олиб чиқилган товарларнинг қиймати:



№	Мамлакатлар	Қиймати (рублда)
1.	Россия	20 000 000
2.	Афғонистон	2 500 000
3.	Эрон	200 000
4.	Ҳиндистон	500 000
	<b>Жами:</b>	<b>23 200 000</b>

**Бухоро хонлигига четдан олиб келинган товарлар қиймати:**

№	Мамлакатлар	Қиймати (рублда)
1.	Россия	17 000 000
2.	Хитой	2 000 000
3.	Эрон	200 000
4.	Афғонистон	3 500 000
5.	Ҳиндистон	800 000
	<b>Жами</b>	<b>23 500 000</b>

Рақамларда савдо айланмаси 46 700 000 рубль қийматида кўрсатилса-да, аслида бу кўрсаткич 50 000 000 рублдан ошган.

Рус фирмаларининг Бухоро, Чоржўй, Термиз, Когонда ўз шахобчалари ва омборларини очишлари савдо фаолиятини сезиларли даражада оширди. Савдодаги катта даромадни кўриб, амир ўзи ишонган кишилар орқали хонликдаги савдода қатнашиб, қорақўл, кўзичоқ териси, чой ва мануфактура савдосини олиб борди.

Бухоро хонлигида кредит тизимининг ва нақд пулнинг йўқлиги маҳаллий савдогарларни оғир аҳволга туширди. Бундан фойдаланиб, амир ўз саррофлари орқали жуда катта фоизда пул бера бошлаган ва буни йилдан-йилга кенгайтириб борган. Бу амирга катта даромад берса-

да, савдонинг ривожланишига у қадар яхши таъсир қилмади. Шу боис Бухорода акционерлик банкни очиш борасида таклифлар туша бошлади. Бу масалада оренбурглик савдогарлар 1882 йилда амирга мурожаат қиладилар. Амир бунга хайрихоҳлик билдириб, агар Бухорода банк очилса, 70 млн. беришни ваъда қилади. Аммо бу иш узок чўзилиб кетади ва фақатгина 1894 йилга келиб, Янги Бухоро (Когон)да биринчи Россия Давлат банки бўлими, 1902 йилда эса мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрида Рус-Хитой банки ва Халқаро банк бўлимлари очилади.

**В.Н.Оглоблин. “Промышленность и торговля Туркестана” (“Туркистон саноати ва савдоси”)<sup>438</sup>**

*В.Н. Оглоблиннинг ушбу тадқиқотида муаллиф рус сармоядорларининг ва ҳукуматининг Туркистонда саноат ишлаб чиқариш ҳамда ўлканинг иқтисодий салоҳияти ва табиий неъматларидан катта даромад олиш мақсадида юритган қизғин савдо фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Тадқиқот якунида В.Н. Оглоблин бу соҳалардан метрополия манфаатлари учун келажакда қандай даромад олиш мумкин ва қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлиги ҳақида ўз тавсияларини беради, бу эса асарнинг стратегик мақсадларда яратилганлигини яна бир бор намоён этади. Қўйида шу асардан айрим парчалар илк бор ўзбек тилида чоп этилмоқда.*

*т.ф.д. С.Шодмонова*

<sup>438</sup> Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – М., 1914. (19-46 бетлар)



Туркистонга 1900 йилда қилган илк саёхатимдан кейин, 1913 йилнинг баҳорида яна ўлкага келишга мушарраф бўлдим. Бу эса, сўнгги 10-11 йил давомида Туркистонда савдо ва саноат қандай ривожланганлигини аниқлаш имконини берди.

Рус жамияти Ўрта Осиё худудини босиб олишда ўлканинг бой табиатидан фойдаланишга жуда катта умид қилган эди. Шу тариқа ўтган йилларнинг қиёсий тахлили катта кизиқиш уйғотади.

**Пахтачилик.** Пахтачилик Туркистонда ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади ва келажақда рус тўқмачилик саноатини Ўрта Осиё пахтаси билан тўлик таъминлаш имконини беради...

1887-1912 йилларда Туркистонда пахта экин майдонлари ва олинадиган ҳосил унумдорлигининг ўсиши қуйидаги жадвалда намоён бўлади.

Йиллар	Ер майдони (десятина ҳисобида)	Олинган пахта (пуд ҳисобида)
1887	61 000	10 000
1893	136 000	
1895		3 273 300
1899	30 000	5 757 900
1903		7 000 000
1907		8 227 000
1908		7 380 000
1909		10 870 000
1910	380 000	13 588 000
1911	425 200	12 997 000
1912	430 000	14 000 000

Кўриниб турибдики, Россиянинг Туркистонда ўтган ярим аср ҳукмронлиги мобайнида пахта экин майдонлари

7 баробарга, пахта ҳосили эса 1400 мартага кўпайди ва бу пахтачилик соҳасидаги ўсишни яққол намоён этади...

АҚШда эса пахтачилик майдони сўнгги 15 йилда 1,5 баробарга, пахта ҳосили эса 2 баробарга ўсди.

Берилаётган маълумотларнинг қиёсий тахлили Туркистонда пахтачилик ва ҳосилдорликнинг салмоқли ўсганлигини намоён қилади.

Туркистонда пахтачилик ва унинг ҳосилдорлигининг ўсиш суратлари АҚШ билан солиштирганда қуйидагича бўлган:

Йиллар	Экиладиган пахта майдони (десятина ҳисобида)		Пахта ҳосили (пуд ҳисобида)		Пахта ҳосили (1 десятинадан пуд ҳисобида)	
	Туркистон	АҚШ	Туркистон	АҚШ	Туркистон	АҚШ
1899	300 000	12 138 000	5 757 930	141 540 000	19.0	11.6
1911	425 000	18 340 000	12 997 000	247 500 000	30.5	13.4
1899	41.6 %	51.0 %	125.3 %	74.8 %	60.5 %	15.5 %
1911						

Демак, пахта экин майдонлари АҚШда нисбатан анча катталигига қарамай, 1899 йилдан 1911 йилгача пахта микдори, экин майдонлари ҳамда пахта ҳосили (бир десятинадан) унумдорлиги борасида Туркистон АҚШга нисбатан анча ўзиб кетди.

...Туркистоннинг ер майдони 130 миллион десятинали ташкил қилиб, у давлат мулки деб эълон қилинган. Шундан 5,33 миллион десятинаси аҳолининг томорка ерларига тўғри келади. 1910 йилга оид статистик маълумотларига кўра, Туркистонда суғориладиган ерлар 2,25 миллион десятинали ташкил этган.



...Туркистоннинг кулай иқлим шароити ва унумдор ерларида галла, арпа ва картошкага нисбатан, кўпроқ пахта, узум ва шоли етиштиришда фойдаланилади. Шу сабабли, Туркистонда қишлоқ хўжалиги махсулотлари кескин қимматлашади...

**Чорвачилик.** Туркистонда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг фойдали соҳаларидан бири ҳисобланади.

Туркистонда кўйчилик йилдан-йилга ўсиб бормоқда, айниқса қоракўлчиликка эътибор кучаймоқда. Ашхободаги тажриба майдонида кўй наслини яхшилаш устида иш олиб борилиб, зотдор кўйлар Туркистоннинг узок-яқин қисмларга тарқатилаяпти... Қоракўлчилик Туркистонда, айниқса, Бухоро хонлигининг Ҳисор ўлкасида кенг тарқалди. Биргина Ғузур шаҳрининг ўзида ҳар йили 4-7 млн. рубль қийматидаги 1-1,5 млн. қоракўл териси чиқарилаяпти.

Темир йўл қурилиши билан Туркистондан қоракўл олиб кетиш кучайди. Дастлабки йилларда қоракўлнинг нархи баланд бўлмай, махсулот тез сотилди ва бутун дунёга танилди. Қоракўлга талабнинг ўсиб бориши билан чорвадорлар қоракўл териси берадиган кўйларни ҳам кўпайтирдилар. Шу тариқа, Бухорода йилига 2-3 млн. Қоракўл териси етиштириладиган бўлди. Бухоронинг 50-55 млн. рублга тенг савдо айланмасидан қоракўл савдоси 17-18 млн. рублни ташкил қилди.

Ҳисор қоракўли нафақат Бухоро, балки Нижегород ва Москва бозорларининг ҳам фаҳрига айланди. У ўзининг алоҳида сифатлари билан дунёга машҳурдир. Россиянинг жанубий губерниялари, шунингдек Ғарбий Европанинг кўпчилиги тадбиркорлари Бухородан қоракўл кўйларини олиб кетиб, ўз ерларида қоракўлчиликни ривожлантиришга қилган ҳаракатлари зое кетди, чунки қоракўл кўйлари Европада қисқа вақт ичида ўзгариб кетди. Қоракўл кўйла-

ри фақат Туркистон, айниқса Бухоро яйловларида ва бу ер иқлими шароитида ўз наслини сақлаб қолади...

Умуман олганда, Туркистонда пахтачилик ва боғдорчиликнинг жуда фойдали бўлганлиги боис, келажакда ўлкада чорвачиликни ривожлантиришга куч сарфлаш зарур эмас (Еттисув вилояти бундан мастасно), боз устига мавжуд яйловлар пахта, узум, тамаки етиштириш ва боғларга берилиб қискариб бормоқда. Келажакда Туркистонга гўштни Сибирь, Еттисув вилояти, Мўғулистон ва Россиянинг Европа қисмидан музлаткичли вагонларда олиб келиш мумкин.

**Ёғ ишлаб чиқариш.** 1900 йилда Наманган уездининг Чуст қишлоғида К.М. Соловьев томонидан кичик ёғ ишлаб чиқариш заводи очилган. 1904 йилдан бошлаб Фарғона вилоятида қатор ёғ ишлаб чиқариш заводлари қурила бошлади. 1910 йилда эса, АҚШ дан келтирилган, сўнгги талабларга жавоб бера оладиган ёғ ишлаб чиқариш техникаси билан жиҳозланган Вадьяев заводи вужудга келди. Ушбу завод 250 иш кунида 12 млн. пуд чигитдан 1800 минг пуд пахта ёғи ишлаб чиқаради, шу билан бир қаторда 4 млн. пуд кунжара, 6 млн. пуд шелуха ва 150 минг пуд линтер пахта олади.

Туркистонда ишлаб чиқарилган пахта ёғининг фақат 25 фоизи ички эҳтиёж учун ишлатилади, қатта қисми Россиянинг Европа қисмига чиқарилади.

Кўкон биржа қўмитасининг хабарига кўра, Туркистондан пахта ёғи олиб чиқиш қуйидагича ўсиб борган:

Йиллар	Миқдори (пуд ҳисобида)
1905	387 958



1906	556 878
1907	525 685
1908	569 733
1909	1 102 876
1910	1 575 980
1911	1 772 186

**Пахта тозалаш заводлари.** 1893 йилда Туркистонда 100 га яқин пахта тозалаш заводлари бўлса, эндиликда 120 тага етди. Аммо, амалда пахта тозалаш заводларининг сони кўрсатилган миқдордан кўп.

1 млн. рубль акционерлик маблағига эга бўлган Эрон ва Ўрта Осиёдаги савдо ва саноат ширкати, 450 минг рубль маблағга эга бўлган Ўрта Осиё савдо саноат ширкати, 1,5 млн. рубль маблағга эга бўлган К.М. Соловьёв Туркистон савдо саноат ширкати 1 млн. рубль маблағга эга бўлган Туркистон кишлок хўжалиги ва саноат ширкати ва 1,5 млн. рублга эга бўлган “Пахта” акциядорлик жамияти, 600 минг рубль маблағга эга пахта тозалаш Туркистон савдо-саноат ширкати ва бошқа кўпгина кичик заводлар мавжудлиги пахта тозалаш заводларининг қанчалик кучли ривожланганини кўрсатади...

**Мануфактура маҳсулотлари ва пахта ёғи савдоси.** Туркистонга хориждан пахта маҳсулотлари олиб кириш жуда кичик фоизни ташкил этади<sup>439</sup>: 1898 йил Четдан 800 000 пуд пахта олиб кирилган. Пахта маҳсулотларидан факат 130 фунт стерлинг (1897 йил) қийматида инглиз докаси (кисея) олиб келинган. Туркистонда инглиз пахта маҳсулотларининг ўрнини Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эгаллаган, бунга сабаб уларнинг нафислиги,

<sup>439</sup> Туркистонга кўшни мамлакатлардан Россияга жўнатиш учун маълум миқдорда пахта олиб келинган.

гулларининг хилма-хиллиги ва энг асосийси, ҳукуматнинг солиқ сиёсатидаги ҳомийлигидир. Туркистон бозорларида читларга бўлган эҳтиёж камайиб борди, уларнинг ўрнини Россиянинг Европа қисмида харидоргир бўлган читлар билан эгаллади. Аммо Россиянинг Европа қисмидаги фабрикаларда ишлаб чиқарилган қиммат читлар Қашғарда, Афғонистонда ва қисман Эронда сотилаётган инглиз читлари билан рақобатлаша олмаяпти...

Туркистонда пахта ҳосили яхши бўлмаган йилларда ўлка аҳолиси пахтадан яхши даромад олмасдан, буғдой ва ем-хашакни қимматга сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Улар асосан Россиянинг Европа қисмидан олинмоқда ва бундай ҳолат Туркистондан катта маблағнинг чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Аммо, бундай ҳолатни Туркистонда пахта ҳосили яхши бўлган ва Россиянинг Европа қисмида буғдой яхши бўлмаган вақтларда ҳам кузатиш мумкин.

Масалан, 1911-1912 йилларда пахта ҳосили яхши бўлишига қарамасдан, унинг нархи паст бўлган ва Россиянинг Европа қисмида буғдой ҳосили яхши бўлмаганлиги туфайли унинг нархи кўтарилиб кетган ҳамда маҳаллий айланма маблағдан Туркистонга олиб келинган 15 млн. пуд галла учун Россиянинг Европа қисмига 30 млн. рублгача тўланган.

Туркистонда пахта савдоси билан қуйидаги банк ва фирмалар - Москва ҳисоб банки, Сибирь, Азов, Донск, Волга, Камск, Рус Осиё, Савдо, Рус ташки савдо, Крафт; ширкатлар: Москва Эрон, Бухоро, Каспийорти саноати, Катта Ярославл мануфактураси, Катта Москва мануфактураси, Андреев, Москва ва Лодз районлари вакиллари, пахта савдо саноат жамияти, Лев Сквирский, Флакман, Шлозбер, Юсуф Давидов, Киорковлар, Потеляхов,



Вадяевлар, Устинов, Муравьев ва бошқалар шуғулландилар.

1887-1912 йилларда пахта ҳосили ва ундан олинган даромад қуйидаги тартибда ўсиб борган:

Йиллар	Олинган пахта (тахминий ҳисобда) (пуд)	бир йилда олинадиган даромад (рубль)
1887	10 000	128 500
1895	3 200	40 млн.
1903	7 000	90 млн.
1909	10 800	1 285 млн.
1910	13 500	173 млн.
1911	12 900	166 млн.
1912	14 000	180 млн.

Пахтадан ташқари, Туркистонда етиштирилган бошқа маҳсулотлар ҳам катта пул айланмасини ташкил қилади. Масалан, 1901-1910 йилларда Туркистондан пахта ёғи олиб чиқиш қуйидаги маълумотларда кўринади:

Йиллар	Четга олиб чиқилган пахта ёғи ҳажми (пуд)
1901	30 800
1902	66 300
1903	73 800
1904	167 700
1905	417 400
1906	586 900
1908	595 900
1909	1 102 900
1910	1 576 000

Ушбу маълумотлардан кўринадики, Туркистондан Россиянинг Европа қисмига ва Ғарбий Европага пахта ёғи олиб чиқиш кўпайиб борди ва ўн йил ичида 30,8 минг пуддан 1,5 млн. пудга кўпайди. Туркистондан Ғарбий Европага пахта ёғи Одесса, Батуми, Либава, Рига орқали олиб чиқилган. Хорижда бу ёғ зайтун ёғига аралаштириш учун ишлатилган, шунингдек, Марселда совун ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган.

**Европага мевалар, дармана ва бошқа маҳсулотларнинг жўнатилиши.** Бошқа жойларни ҳисобга олмганда, фақат Кушка атрофидан ҳар йили 25 вагон хандон писта олиб кетилган. Фақатгина Фарғона вилоятидан 1 млн. рубль қийматида ёнғок олиб кетилган. Охириги йилларгача Туркистондан Россиянинг Европа қисмига мевалар асосан қуритилган, қисман янги узилган ҳолда олиб кетилар эди. Масалан, Тошкентга яқин темир йўл бекатидан фақатгина Англияга 1 млн. пуд олма олиб чиқилмоқда... Узум Туркистондан Лондон ва Швейцарияга жўнатишмоқда.

Туркистон Россиянинг Европа қисмига, Германияга ва умуман, хорижга дармана (сантонин – шифобахш гиёҳ) уруғи ва дармананинг ўзини сотадиган ягона ўлка ҳисобланади...



**А.П.Демидов. “Экономический очерк хлопководства, хлопкоторговли и хлопковой промышленности Туркестана” (“Туркистонда пахтачилик, пахта савдоси ва саноати ҳақида иқтисодий очерк”)<sup>440</sup>.**

*Туркистонда мустамлакачилик даврда олиб борилган пахтачиликни ривожлантириш сиёсати ўлкада қимматли ва сифатли пахта хомашёсини арзон ишчи кучи билан, сифатли етиштириб, арзон нархларда сотиб олиш ва ташиб кетиш мақсадларига қаратилган эди. Бундай сиёсат пахтани оғир меҳнат билан етиштирган пахтакор деҳқонни асоратга солиб, унинг даромадини кўпайтириш ўрнига, бўйнига қарздорлик сиртмогини илиб қўйди. Рус иқтисодчи тадқиқотчиси А.П. Демидовнинг Туркистонда пахтачилик ва пахта савдоси масалалари ўз аксини топган тадқиқотида бу масала атрофлича ёритилган бўлиб, қўйида шу асарнинг пахта етиштирувчиларнинг аҳволи ҳақидаги матнидан нарча келтирилади.*

*Ж.Перемкулов*

... XX аср бошларида пахтакорларни бўйнидаги қарз пуллари жуда кўпайиб кетган... Маълумотларга кўра, пахтакорларнинг давлат ва хусусий банклардан қарзининг 51 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келган.

Қарзнинг ниҳоятда оғир устама тўловларидан толиққан, бир неча маротаба алданган ва ҳисобидан адаштирилган деҳқон жуда ачинарли ҳаёт кечирарди. Қарзнинг ҳисоб китоби вақтида деҳқон уни бир неча маротаба узганлиги ёки тўлай олмаслигига қарамай, барибир каттиқ қийноқ остига олинган. Қарзларни

<sup>440</sup> Демидов А.П. Экономической очерк хлопководства, хлопкоторговли и хлопковой промышленности Туркестана, М., 1922.

ундириш фақат мол-мулк билан чегараланмаган. Баъзи вақтларда Европада аллақачонлар қолиб кетган усуллар қўлланилган. Айрим фирмалар ўзбошимчалик билан чорва молларини тортиб олиб, ўз одамлари орқали уларни бозорда соттирганлар ва пулини кассага ўтказганлар. Баъзи олғир савдогарлар кулоқ эшитмаган зўравонликларни қилиб, қарздорларни ўз омборларига қамаганлар ва уларнинг қариндошлари томонидан сотиб олинishi ёки қарзни тўлашини кутганлар. Қарздорларни калтаклаш ёки жазолаш ҳар йилги пахта мавсумининг такрорланиб турадиган воқеаси ҳисобланган. Баъзи вақтларда олғир савдогарлар хатто қарздорларнинг хотинини сотишгача борганлар. Пировардида умидлари пучга чикқан қарздорларнинг иши адвокатлар қўлига ўтган. Адвокатнинг бутун юриш туриши, харажатлари фирмаларда сақланаётган деҳқоннинг қарздорлик хужжати (“Васиқа”)га ёзиб берилган.

Кўкон давлат банки бошқарувчиси Карпинскийнинг маърузасида келтирилган маълумотларга кўра, 1912 йил 1 ноябргача аҳоли ўлкадаги кредит ташкилотларидан, хусусан, давлат банкидан 2 753 000 рубль, хусусий банклардан 129 182 000 рубль қарз бўлган. Ўлкадаги қарздорликнинг 51 фоизи Фарғона вилоятига тўғри келган, бу 80 797 000 рубль қийматга тенг эди.

М.И. Сосновскийнинг съездда қилган маърузасида пахта фирмаларининг ҳар йили аҳолига бериладиган ссудалари миқдори 35 000 000 рублни ташкил этганлиги қайд қилинган. Фарғона вилояти аҳолиси қарздорлигининг ўсиб боришини қўйидаги рақамлардан билиш мумкин. 1909 йил 1 ноябрга онд маълумотларга кўра, вилоят аҳолиси Фарғонада фаолият юритган 10 та банкдан 16 000 000 рубль қарздор бўлса, 1911 йилда бу 30 000 000 рублни ташкил этган.



Мол-мулкидан махрум этилган ўн мингларча пахтакорларнинг анча қисми қишлоқларда йирик ер эгаларининг ерларида чорикорлик қилишга мажбур бўлганлар. Чорикор йирик ер эгаларининг ерини ижарага олиб, ҳосилнинг ярми ёки бундан ортиқроқ қисмини унга беришни ўз зиммасига оларди. Экин майдони 2 гектардан кам эмас эди. Бундай катта ерда ишлашга чорикорнинг кудрати етмаган. У пахтани оила аъзолари билан биргаликда етиштирган. Агар оила аъзоларидан бирортаси бетоб бўлиб қолса, чорикорнинг аҳволи ғоятда оғирлашиб, мўлжалланган ҳосилни етиштиришнинг иложи бўлмаган.

Чорикорларнинг етиштирилган ҳосилдан олинадиган улуши бир хилда бўлмаган. У йирик ер эгаларидан ер билан бир қаторда иш ҳайвони, уруғлик, деҳқончилик куроллари ва яна қарзга пул олган бўлса, у вақтда ҳосилнинг  $\frac{3}{5}$  қисми ер эгасига теккан. Бунинг устига чорикор қарз пулини ва деҳқончилик куроллари ер эгасига қайтариши шарт эди. Умуман, чорикор ер эгасидан ердан ташқари қўшимча нималар олган бўлса, шунга мувофиқ унинг ҳосилдан оладиган улушининг миқдори белгиланган. Масалан, 1914 йилда Фарғона вилоятида ижарага берилган 111 887,7 гектар ернинг 39,1 фоизида ҳосилнинг ярми, 14 фоизида ҳосилнинг  $\frac{2}{3}$  қисми ва 39,6 фоизида ҳосилнинг  $\frac{3}{5}$  қисмини чорикорга бериш белгиланган эди. Бироқ амалда чорикор кўрсатилган шартларни бажаришга кучи етмаган. Чунки 1914 йилга тегишли маълумотларга кўра, чорикорнинг бир гектар ерда пахта етиштириш учун сарфланадиган харажати ва машаққатли меҳнати пул ҳисобида 207,3 сўмни ташкил этиб, шундан 194 сўм 86 тийини ижара ҳақиға, қарзнинг устама тўловига ва солиқларга кетган. Натижада, чорикорнинг бир кунлик даромади 9 тийиндан ошмаган.

Бу даромад бир гектар ердан 9 центнер пахта ҳосилини етиштирган тақдирдагина олинган. Ваҳоланки, пахта ҳосили кўпинча, кўрсатилган миқдордан паст бўларди.

Оқибатда чорикорлар қарздорликка тобора чуқурроқ ботиб, уларнинг хўжалиги ниҳоятда қашшоқлашган. Буни ўз кўзи билан кўрган замондошлардан бирининг тасвирлашича, “деҳқоннинг уйи ва хўжалиги шу даражада ачинарлики, унга ўхшаганини бошқа жойда кўрганлигимни айтолмайман. Уйдаги бор нарса ерда ёки девор тоқчаларида онда-сонда турган 2-3 та темир асбоблар ва 2-3 та сопол идишлардан иборат холос. Уйнинг бурчагида хунук, йиртиқ ва яғири чиққан бир нечта ёстиқ ва кўрпалар пала-партиш тўпланиб ётибди. Деҳқонлар яғир кўйлак устидан йиртиқ тўн кийганлар. Хотин ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юраган. Улар машаққатли меҳнатдан кейин куч тўплаш учун озгина қовурилиб, сувда пиширилган атала ёки жўхори, буғдой ёки арпани қатикқа аралаштириб ейди. Уларда ҳамма вақт бир хил овқат ва машаққатли меҳнат”.

Чорикорлар билан бир қаторда ерсиз ва кам ерли мардикорларнинг аҳволи ҳам жуда ачинарли ҳисобланган. Мардикорлар ер эгаларининг ерларида кунбай ҳисобида ишлаган. Уларнинг меҳнатидан ерни чопиш ва бошқа оғир ишларда кенг қўлланилган. Мардикорлар ўлканинг шаҳар ва қишлоқларида иш қидириб юрганлар. Уларнинг бир кунлик иш ҳақи 50 тийиндан ошмаган. Бу ҳисобга унинг овқатланиш харажатлари ҳам кирган.

Мардикорларнинг иш куни эрта тонгдан – соат олтидан то қоронғугача давом этиб, йирик ер эгаларининг қаттиқ назорати остида меҳнат қилганлар. Хуллас, чорикорлар, мардикорлар ва уй-жойсиз тентираб юрган қашшоқлар қишлоқларда оғир ҳаёт гирдобидида ҳаёт кечирганлар.



### 3-§. Ҳарбий статистика тадқиқотлари

В.Гиршфельд . “Военно-статистическое описание Хивинского оазиса” (“Хива воҳасининг ҳарбий статистик баёни”)

1867 йилда Туркистон генерал губернаторлигининг ҳарбий кўшини сифатида ташкил этилган Туркистон Ҳарбий Округининг муҳим вазифаларидан бири минтақада ҳарбий стратегик тадқиқотлар ва рекогносцировка ишларини олиб бориш эди. Шу мақсадда Хива воҳасига ХХ аср бошида капитан В. Гиршфельд томонидан махсус экспедиция уюштирилди. Мазкур экспедиция натижалари Амударё бўлими бошлиги генерал-майор М.Галкин томонидан қайта ишланиб, нашр этилади. Асарнинг биринчи қисмида Хива воҳасининг географик ўрнги ва топографияси, иқлими, табиати, чегаралари тўғрисида, иккинчи қисмида эса Хива хонлиги ва Амударё бўлимининг маълумий-худудий тузилиши, бошқарув тизими, ҳарбий ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида қимматли статистик маълумотлар келтирилади. Айрим маълумотларда чалкашликлар ва ноаниқликлар бўлса-да, тадқиқот ўша давр тарихини акс эттирувчи қимматли манбалардан ҳисобланади.

Кўйида ушбу асардан айрим лавҳалар ўзбек тилида илк бор чоп этилмоқда.

Қ.Якубов

...1717 йилда Хива хонлигига Бекович-Черкасский бошчилигида уюштирилган экспедиция Шерғоaxonнинг қўллаган ҳарбий хийласи туфайли муваффақиятсизликка учради... 1839 йилнинг қиш ойларида Перовский томонидан бошланган ҳарбий экспедиция ҳам об-ҳавонинг

нокулай келиши туфайли 1840 йилда қатор йўқотишлар билан яқунланди. 1841 йилда Хивага Оллоқулихон саройига Никифиров бошчилигида рус дипломатияси ташриф буюрди. У бир неча шартлар акс этган шартнома ни имзолаш талаби билан келган эди, бироқ у жавобсиз қолди...

1842 йилда эса полковник Данилевский бошчилигидаги элчилар Хивага юборилди ва у юқорида зикр этилган шартномани Раҳимқулихон билан имзолади. Бироқ шартнома шартлари бажарилмай қолди. Данилевскийнинг миссияси ҳам муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, у Базингел билан биргаликда Хива ҳақида қимматли маълумотлар билан ортга қайтди...

1869 йилда Красноводск бўғозининг олиниси билан руслар Хивани 3 томондан ўраб олдилар. Хонлик ғарбдан Кавказ округи, шимолдан Оренбург округи ва шарқдан Туркистон округи билан чегараланган эди... 1872 йилда Хивага қарши юриш масаласи ҳал қилинди ва у 1873 йил баҳорида бошланди. Кўшин 3 томондан – Кавказ, Оренбург ва Туркистондан ҳарбий ҳаракат бошлади ва уларга фон Кауфман бошчилик қилди. 1873 йил 29 майда 3 томондан ҳаракатланган кўшин Хива яқинида бирлашди ва шаҳар ишғол этилди. Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон билан шартнома имзоланди. Шартнома шартларига кўра, Амударёнинг ўнг соҳили русларга берилди ва у ерда кейинчалик, Амударё бўлими ташкил этилди.

Орол–Каспий паст текислигининг шимоли-шарқий қисмини эгаллаган Хива воҳаси Амударё бўлими ва Хива хонлигидан ташкил топган. У шимол ва шарқдан Орол денгизи ва Сирдарё вилоятининг Казалинск, Перовск, ва Чимкент уездлари, Самарқанд вилоятининг Жиззах уезди билан, жанубдан Бухоро амирлигига тобе худудлар ва Каспийорти вилоятининг Марв, Ашхабод ва Красноводск



уездлари билан, ғарбдан Каспийорти вилоятининг Мангишлок уезди билан чегарадош...

Унинг худуди 130 590 квадрат верст бўлиб, шундан 75 900 кв.верст Амударё бўлимига, 54 690 кв.верст Хива хонлигига тегишли...

Шайх-Жалил ва Султон Увайс тоғи Хива районидаги энг муҳим тоғ тизмаларидан саналади. Султон Увайс тоғ тизмасига бу ном шу ерга дафн қилинган диний уламо шарафига қўйилган. Тоғларнинг энг баланд чўққиси 2 000-3 000 футга етади...

Султон-Сарой кўлининг шарқий қирғоғи бўйлаб баланд чўққили тоғлар, унинг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмида баланд бўлмаган тоғлар жойлашган.

Хива районидаги барча кумликларнинг умумий майдони 80 000 кв. верстни ташкил этади. Шундан 56 000 кв. верст Қизилқумга ва қолган 24 000 кв. верст Қорақумга тўғри келади... Хива аҳолиси ўзи фойдаланаётган деҳқончилик ерида шамол орқали келган ва экинларга зарар етказадиган қум уюмлари билан курашиб келган.

1873 йилги шартнома бўйича, Амударёнинг ўнг соҳили Амударё округи ихтиёрига ўтгач, Хива хонлиги ерлари устидан рус бошлиғи назорати ўрнатилди ва унга округ бошқарувида катта имтиёзлар берилди ҳамда Туркистон генерал-губернаторига тўғридан-тўғри бўйсунуши белгилаб қўйилди...

Маъмурий жиҳатдан Хива хонлиги 20 та бекликка ва 2 ноибликка бўлинади. Шунингдек, Хива шаҳри ва унинг атрофи хон кўл остидаги алоҳида маъмурий худудни ташкил этади.

Бекликлар қуйидагилардан иборат: 1) Питнак; 2) Хазорасп; 3) Хонқа; 4) Урганч; 5) Қўшқўпир; 6) Ғазовот; 7) Қиёт; 8) Шох Обод ёки Шовот; 9) Тошҳовуз; 10)

Амбар-Манок; 11) Гурлан; 12) Мангит; 13) Қилич Ниёзбой; 14) Қипчок; 15) Порсу; 16) Илёли; 17) Кўхна Урганч; 18) Хўжайли; 19) Чуманой ва 20) Кўнғирот. Бундан ташқари, Бешариқ ноиблиги 5 та ноиб томонидан ва Қиёт-Кўнғирот 2 ноиб томонидан бошқарилади.

Бекликларга хон томонидан тайинланган ҳоким бошчилик қилади. Унга ўз худудининг ўзбек ва сарт (ўтроқ – тарж.) аҳолиси тўғридан-тўғри бўйсунди. Кўчманчи аҳоли – туркман, қирғиз ва қорақалпоқлар ўз оксоқоллари томонидан бошқарилади. Ҳоким 10 тадан 100 тагача ўз аскарига эга бўлади. Энг кичик маъмурий-худудий бирлик масжид қавмлари (жамоаси)дан ташкил топган...

Уруғ оксоқоллари туркманларда – кадхудо, оксоқол, қорақалпоқларда – бий ва қирғизларда – оталик деб аталади. Барча уруғ оксоқоллари бекларбегига бўйсунди. Ушбу лавозимларнинг барчаси авлоддан-авлодга ўтади...

Ҳар бир шаҳарда иккита қози мавжуд. Хива шаҳрида даражаси бўйича хонликда энг нуфузга эга 2 қози – Қозикалон ва Қозиўрда мавжуд. Улар хузурида аълам ва муфтийлар фаолият кўрсатадилар. Шунингдек, ҳар бир шаҳарда битта қози-раис фаолият кўрсатади. Унга мусулмон аҳолининг кундалик ҳаётда шариат аҳкомларига асосланиб яшаётгани устидан назорат топширилган...

Хива хонлигида қуйидаги солиқ ва йиғим турлари мавжуд:

- 1) ер солиғи – солғут, солғут-кесма ва даҳяк;
- 2) Эрон, Бухоро ва Афғонистондан олиб келинган чорва моллари учун – закот;
- 3) мазкур худудлардан олиб келинган товарлар учун – закот ва савдо ҳуқуқини берувчи – кесим;
- 4) ўтов солиғи;
- 5) тағижой ёки бозор йиғими;



6) тарози пули;

7) чўп пули ёки давлат ерларида чорвасини ўтлатиш хукукни берувчи йиғим.

Хонликдаги барча ерларни 2 га бўлиш мумкин: давлат ерлари ва мулк (хусусий) ерлари...

Солиқ тўлаш жиҳатдан ерлар куйидагиларга бўлинади: ёрликли мулк, атойи мулк ва мулк...

Давлат ерларида ишловчилар меросий ижарачилар сифатида чиғир ёрдамида суғориладиган подшолик ерларига ҳосилнинг  $\frac{1}{10}$  миқдорида даҳяк, чиғир ёрдамида суғорилмайдиган ерларга  $\frac{1}{5}$  миқдорда солиқ тўлайдилар. Даҳяк хонлик ғазнасига 35 000 рубль фойда келтиради...

Ёрликли мулк – ерлари алоҳида хизмати ва бошқа сабабларга кўра турли даврларда давлат ерлари ҳисобидан шахсларга умрбод мулк қилиб берилган ерлардир. Улар ёрлик асосида хон ва қозиқалон муҳри билан расмийлаштирилган. Бундай ерларнинг ҳар 10 танобидан давлат 4 тилло миқдорда солгут ундириб олади. Мулкдорлар ҳам худди шу миқдорни тўлайди. Ушбу солиқнинг жами 60 300 рублни ташкил этади...

Атойи-мулк (меросий мулклар) хукукий жиҳатдан ёрликли мулклардан фарқ қилмайди. Бироқ солиқ тўлашда фарқ қилади. Бу мулк тури аъло (йилига 6 тилло солиқ), авсат (4 тилло солиқ), ва адно (2 тилло солиқ) кабиларга бўлинади...

Отлик ерлари туркманларга тегишли ерлар бўлиб, аввал туркманлар ўз ерларидан солиқ тўламаганлар. Лекин хон талаби билан ҳар 30 таноб ер ҳисобидан битта отлик берганлар. Шу боис, 30 таноб ер отлик деб ҳам номланади. Хива маҳкамаси ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, туркманлар қўл остида 2 250 отлик – 67500 таноб ер бўлган. Руслар босқинидан кейин отлик қўшинга зарурат сезмаган Хива хонлари отлик ерларга ҳам солиқ

солдилар. Унинг миқдори ҳар 30 танобга 12 тилло миқдорда белгиланган ва солгут-кесма деб номланган...

Хон ёрликларига эга бўлган вақф ерлари, баъзи мансабдорлар, барча саидлар ва аксар хўжалар солиқлардан озод этилган. Хива хонлигида саид ва хўжалар умумий сони 4000 оила (хўжалик)ни ташкил этган. Ҳарбий хизматини ўтаётган навкарлар ҳам солиқ тўлашдан озод этилганлар. Улар доимий ғазнадан иш ҳақи олмаганлар, уларга ерлар берилган...

Хива хонлигининг 2 400 қўшини бўлиб, шундан 2000 таси аҳолининг деҳқон қисмидан шакллантирилган. Қолган 400 таси Хивада хон ва унинг мулозимлари хизматида бўлганлар...

Қирғиз ва қорақалпоқлардан авваллари  $\frac{2}{5}$  миқдорда ер учун даҳяк ва  $\frac{1}{40}$  миқдорда қорамолдан закот олинган. Кейинчалик бу солиқ турлари чўп пули билан алмаштирилган. Қўйдан 5 копеек, йирик қорамолдан 0.5 танга ва 1 танга туялардан олина бошлаган. Туркманлар ҳам чўп пули тўлаганлар. Солиқлар асосан кузда йиғиб олинган. Солиқлардан тушган даромаднинг 10 фоизи солиқ йиғувчи шахсларга иш ҳақи сифатида берилган...

Қора молларни сотиш ҳисобидан ҳам закот олинган. Қорамоллардан закот миқдори унинг умумий таннархининг 1 фоизи атрофида бўлган. Чет ўлкалардан олиб келинган қорамол учун унинг таннархининг  $\frac{1}{40}$  миқдорида солиқ солинган. Айрим савдо товарларидан 1897 йилгача закот олинган. Кейинчалик у кесим билан алмаштирилган. Бироқ руслар хонликда савдо қилишда имтиёзга эга бўлиб, улар ҳеч қандай солиққа ва мажбурий меҳнатга жалб этилмаганлар.

Бозорларда тарози пули ва тағижой каби солиқлар амал қилган. Тарози пули сотилаётган товарнинг ҳар пудидан 2 копдан ундириб олинган. Тағижой эса



бозордаги ҳар бир дўкандан йилига 1 тилло миқдорда олинган. Руслар таркибида бўлган қирғизларга қўй учун 5 коп., қорамол ва отдан 10 коп. миқдорда чўп пули жорий этилган... Паспорт учун ҳам 1 тилло миқдорда давлат божи тўланади...

Хонликда ҳарбий хизматдан ташқари бегар ва обхўр каби мажбуриятлар ҳам бўлиб, улар ирригация иншоотларини қуриш таъмирлаш, йўлларни қуриш билан боғлиқ. Ҳар бир бегарга чиқувчи шахс 30 коп. миқдорда афинак пули тўлаганлар. Бу маблағ ирригация иншоотларига масъул мансабдор шахсга унинг хизмати учун тўланган.

1897 йилда Амударё бўлимида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган. Хива хонлиги аҳолисининг умумий сони камида 600 000, Амударё бўлими аҳолиси сони тахминан 205 000 ни ташкил этади...

Хонликдаги ўзбеклар 30 уруғга бўлинганлар. Хонликдаги барча туркманлар 7 та катта уруғга бўлинади: Ессен-Или, Ёвмут, Имрели, Қорадошли, Гўклан, Ота ва Арабачи. Ушбу уруғлар бир неча уруғча ва қисмларга бўлинади. Хонлик ва Амударё бўлимида туркманларнинг умумий сони 30 050 хонадон тахминан 152 370 кишини ташкил этади.

Воҳада қорақалпоқлар XVIII асрда пайдо бўлганлар. Уларнинг умумий сони 115 000 кишини ташкил этади. Шулардан йигирма минги хонликда, қолганлари бўлимда яшайди. Барча қорақалпоқлар 2 га: Кўнғирот ва Ўнгўртуруғга бўлинади.

Воҳадаги қирғиз (козок)лар 3 та йирик уруғга бўлинади: Табин, Алим ва Бойули.

Амударё бўлимида руслар сони 3 113 кишини (қўшинни ҳисобга олмаганда) ташкил этади.

Хонликда немислар Кауфман таклифи билан Туркистон ўлкасига кишлок хўжалиги ҳолатини яхшилаш учун Саратовдан келганлар. Кейинчалик улар Хонликка кўчиб ўтганлар. Улар 36 хонадон, 142 кишини ташкил этадилар.

Воҳада арманлар ҳам бор, улар савдо-сотик билан шуғулланадилар...

Бўлимда аҳолининг ўсиши йилига 2,4 фоизни ташкил этади.

Воҳанинг умумий аҳолиси 136 496 хонадон – 713 937 кишидан иборат. Қум ва чўл ҳудудлари воҳа ҳудудининг 74 фоизини ташкил этади. Воҳанинг аҳолиси 2 га: 1) ўтрок (91,4 фоиз) ва кўчманчига (8,6 фоиз) бўлинади. Аҳолининг 95 фоизи кишлокларда ва 5 фоиз эса шаҳарларда истиқомат қилади. Воҳада жами 25 та шаҳар мавжуд. Петро-Александровск шаҳри Амударёдан, Бўзёб ва Тўртқўлдан 1,5 верст ораликда жойлашган. Унда 800 га яқин уйлар мавжуд...

Хивада 3 840 хонадон мавжуд бўлиб, унинг аҳолиси 19 000 кишидан ортиқ. Хивада 7 та хон саройи, 20 масжид, 38 мадраса, бир неча қарвонсаройлар ва бозорлар мавжуд...

**Шаҳарлар.** Янги Урганч Хивадан 31 верст (чақирим - 1,06 км) шимоли-шарқда жойлашган. Унда 15 та масжид ва 250 та хонадон, 1 250 киши яшайди. Янги Урганчда йирик савдогарлар ва ҳунармандлар истиқомат қилади. Пахта заводи ва қарвонсарой ҳам мавжуд.

Кўҳна Урганч шаҳрида эса 50 хонадон яшайди. Катта бозор мавжуд ва унда асосан воҳа туркманлари савдо-сотик қиладилар. Шаҳарда 6 та масжид ва 6 та мадраса бор. Масжидлардан бирига Шайх Нажмиддин Кубро хоки дафн этилган. Мақбарани қуриш учун Нақшбандий талаби билан Амир Темур томонидан



Самарканддан мохир усталар юборилган. Кўхна Урганч бозори Шайх Кубро масжиди вақфи саналади.

Хўжайли шаҳри – туркманлар каби хонликнинг шимолий қисмидаги қирғиз ва қорақалпоқлар учун муҳим шаҳар. Шаҳарда йирик Хўжайли бозори бор. 20 та хонадон бор ва шаҳар боғ ва суғориладиган ерлар билан ўралган. Кўнғирот шаҳри – хонликнинг шимолий чеккасида жойлашган. 68 хонадон ва йирик бозор бор.

Чимбойда 801 хонадон, 4000 аҳоли истикомат қилади. Чимбой дельтадаги асосий савдо марказидир.

Гулдурсун қалъа харобаси – Шўраҳон участкасида жойлашган бўлиб, араблар келган даврда ҳам бўлган.

Амударёнинг чап қирғоғи бўйида икки йирик шаҳар - Даудан ва Шоҳ Сенема харобалари мавжуд.

Қадимги Журжония – 20 кв. верст майдонни эгаллаган. Шаҳарда масжид, мадраса ва қарвонсарой харобалари сақланиб қолган. Журжониядан 0,5 верст шарқда Оққалъа харобаси жойлашган. У Кўхна Урганчни туркманлардан химоя қилиш учун Арабхон томонидан қурилган. Унинг майдони 350 кв. сажень (1 сажень=2.134 метр) (107–139-бетлар).

**Қишлоқ хўжалиги.** Воҳада ҳайдаладиган ер жами ерларнинг 2,8 фоиз (хонликда 5,7 фоиз)ни ташкил этади.

Воҳада қуйидаги галла ўсимликлари экилади: бугдой, шоли, арпа, тарик, жўхори. Шунингдек, дуккакли ўсимликлардан ясмиқ ва нўхот экилади. Пахта, наша, тамаки, рўян, кунжут ва беда экилади.

Хонликда суғориладиган ерлар 380 025 десятинали ташкил этади ва ҳар бир хонадонга 7,6 таноб ёки 2,9 десятина демақдир. 100 000 десятина хон ва унинг қариндошлари ва мулозимлари, бойларга тегишлидир...

Аҳоли магистрал каналларни ёб деб, улардан ерларни суғоришга мўлжалланган иккинчи даражали

каналларни *солма* деб атайдилар. Чиғир – сувни юқорига олиб чикувчи ускуна...

Хонликда катта тегирмонлар йўқ. Ҳар бир қишлоқда 3-4 та кичик тегирмонлар мавжуд ва уларда от ва туя меҳнатидан фойдаланилади...

Хонликда боғдорчилик ва полизчилик жуда ривожланган. Воҳада суғориладиган ерларнинг 8,8 фоизига (33 510 десятинага) (хонликда 9,1 фоиз – 29 530 десятина) пахта экилади. Воҳада ҳар йили 426 900 пуд тоза пахта толаси ишлаб чиқарилади.

Майсазорларнинг етишмаслиги сабабли ўтроқ аҳоли орасида чорвачилик яхши ривожланмаган. Қирғиз ва туркман кўчманчи аҳолиси кўй, от, туя ва эшакларни, қорақалпоқларнинг ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси йирик қорамол кўпайтириш билан машғул бўлганлар...

Воҳада отлар сони 159 600 бош (Хива хонлигида – 97300)га етади. Воҳада отларнинг қирғиз, қорабайир ва арғамақ каби турлари учрайди. Туялар қирғиз (бир ва икки ўрқачли) ва туркманлар (бир ўқачли) томонидан етиштирилади. Бир ўрқачли туя – нор, икки ўрқачли туя – аир-урқуш деб аталади. Туялар 30 йилгача умр кўради...

Воҳада ҳар йили жами 350 пуд шойи етиштирилади.

Кўчманчи аҳоли орасида гилам ва шойи ишлаб чиқариш кенг ривожланган. Энг яхши шойилардан бири ёвмут шойилари бўлган.

Туз ишлаб чиқариш воҳада Питнак атрофи ва Кўнғирот яқинида ривожланган..

Балиқчилик билан асосан қирғиз ва қорақалпоқлар шуғулланадилар...

Кўхна Урганчдан селитра олинадилар ва ундан порох хосил қилинадилар (140–193-бетлар).

**Савдо.** Катта миқдорда улгуржи савдо амалга ошириладиган шаҳар Янги Урганчдир. Шунингдек, Хива,



Хўжайли ва Хонқа каби шаҳарлари ҳам улгуржи савдо марказларидандир. Майда савдолар асосан бозорларда ҳафтасига икки марта хонликнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказиб турилади. Катта ва кичик турдаги бозорлар мавжуд. Бозорлар устидан назорат, бож тўлови масалалари Матниёз девонбеги томонидан олиб борилади...

Хива хонлигида асосан кумуш танга муомалада кенг тарқалган. Ундан кейин тилла бўлиб, у 9 тангага тенг. 18 танга – *пухта тиллани* ташкил этади. Тангада хон исми ва унвони зарб қилинган бўлиб, пулни зарб қилиш Хивадаги хон саройи зарбхонасида амалга оширилади. 1892 йилдан бошлаб Хивада танга зарб қилиш рус ҳукумати талаби билан тақиқлаб қўйилди...

Хивада импорт юкори ўринда бўлиб, экспорт ҳажми импорт ҳажмидан 2 баробар кам. Асосий савдо йўли Амударё бўлиб, ушбу йўлга барча савдо (юки)нинг  $\frac{2}{3}$  қисми тўғри келади. Шунингдек, Қўнғирот-Оренбург, Қазалинск-Оренбург ва Красноводск каби савдо йўллари ҳам мавжуд.

Воҳанинг барча қуруқликдаги йўллари 2 га бўлиш мумкин: аҳоли яшайдиган ҳудудларга туташган йўллар ва Хива воҳасини 3 томондан ўраб турувчи қарвон йўллари. Чўллардан ўтган йўллар йўналиши қудуқларга қараб аниқланади. Амударё бўйлаб ҳаракатланувчи кемаларнинг умумий сони 300 та. Кемалар Ҳазорасп, Хонқа ва Тошқовузда қурилади.

## ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

## А

- Абричин** (абришум) – шойи (шпак). 309.  
**Авсат** – Ўрта Осиё хонликлари ҳудудидаги мадраса талабаларининг ўрта гуруҳи. 67, 148, 149, 150, 151, 153, 158.  
**Ағниё** – бой. 39, 230, 249, 296, 297.  
**Адад** – сон, рақам шакли. 26, 27, 28, 32, 64, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 148, 152, 153, 154, 155, 159, 224, 225, 257, 263, 277, 283, 302.  
**Адно** – мадраса талабаларининг бошланғич гуруҳи. 148, 149, 150, 151, 153, 154, 158.  
**Айвончан рўғанфуруший** - Ёғ сотиладиган жой. 172.  
**Ақобир** – катталар (амалдорлар) 13, 14, 22, 23, 29.  
**Ақонд** – диний эътиқодлар 55, 261.  
**Амир** – йирик ҳукмдор ёки лашкарбошига нисбатан қўлланилган. 5, 6, 13, 14, 16, 17, 18, 20, 43, 44, 47, 49, 50, 56, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 67, 68, 70, 74, 80, 81, 85, 90, 92, 94, 106, 108, 109, 112, 121, 122, 125, 126, 127, 134, 162, 164, 169, 170, 172, 257, 268, 288, 305, 312, 318, 342, 343, 344, 356.  
**Амлоқдор** – Бухоро амирлигига қаршли энг кичик маъмурий ҳудудий бўлинма – амлоқни бошқарувчи мансабдор. 23, 63, 66, 207, 208, 209, 210.  
**Ахий** – ака-ука, шерик 325.

## Б

- Бадтадриж** – тартибсиз 247.  
**Байъ-широ** – савдо-сотик 267.  
**Балада** – шаҳар, давлат. 300.  
**Бано алайх (биноан алайх)** – шунга биноан. 241, 250, 251, 253, 254, 272, 290, 297.  
**Батнан баъда батнин** – авлоддан-авлодга. 282.  
**Бек** – хонликлардаги беклик ёки вилоят бошлиғи. 34, 35, 36, 59, 61, 63, 333, 357.  
**Бидъат** – динда пайдо бўлган янгиликлар. “Бидъати ҳасана” дин қабул қилиши мумкин бўлган янгиликлар, “Бидъати саййиъа” дин қабул қилиши мумкин бўлмаган янгиликлар. 198, 237, 238, 239, 284.  
**Бий** – кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларининг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. 61, 331.  
**Боргоҳ** – зодагон, мансабдорлар даргоҳи, 13, 34, 35.  
**Ботина** – ички, бу ерда ховли уй маъносида ишлатилган. 286.  
**Бўлаклия [бил-қуллия]** – бутунлай. 287.

## В

- Вадоти қўб тазойид килур** – ҳукумат хазинаси бойийди. 312.  
**Вам увод** – бутун, тўлалигича 313.



**Вардонзе** – эрамизнинг V-VIII асрларида мавжуд бўлган вардонхудотлар салтанатининг махсус қароргоҳи, ҳозирда Бухоро вилояти Шофурқон тумани ҳудудида жойлашган. Паршахийнинг ёзишича, Вардонзе Бухоро шаҳридан қадимийроқ бўлган. Халқ ўртасида “Қўрғони Вардонзе” номи билан машҳур. 66.

**Васика** - Тилхат, ҳужжат. 157, 181, 184, 187, 188, 189, 190, 192.

**Вақф** – давлат ва ҳусусий шахслар томонидан диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мол-мулк. 5, 6, 27, 28, 40, 43, 47, 48, 49, 59, 68, 71, 72, 73, 74, 120, 143, 144, 145, 146, 147, 148, 149, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174, 175, 176, 178, 180, 257, 258, 259, 332, 354, 355.

**Визорат** – вазирлик. 257.

**Воис (восиъ) нахр** – кенг, чуқур дарё. 314.

**Волост** – Россияда ва Туркистондаги маъмурий-ҳудудий тизимнинг энг қуйи бўғини ёки бўлинмаси, уезднинг маълум бир бўлаги. 153, 154, 355.

**Ворис** – мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, мерос эгаси, меросхўр. 367.

**Восила бўлур** – етишади. 315.

## Д

**Дарбар** – даргоҳ, олди, қабул қилиш. 285.

**Дарж** – нашр. 301, 305, 323.

**Дафала (дафъада)** – тезда, бир мартада, зудлик билан. 307.

**Даҳяк** - 1) Ўрта Осиё хонликларида давлат ва ҳусусий ерларнинг ҳосилидан  $\frac{1}{10}$  миқдорда олинадиган солиқ, 2) Бухоро амирлигида вақф ерлардан олинган даромаднинг мадраса толибларига бериладиган қисми. 59, 63, 67, 68, 176.

**Девонбеги** – девонхона бошлиғи. Хонликлар даврида бож, солиқ ва молия ишларига маъсул мансабдор. 31, 39, 41, 44, 59, 61, 62, 342.

**Дигар** – бошқа 177, 220, 229, 237, 238, 265, 306.

**Додхоҳ** – хонликлар даврида мансабдор амалдорлар ва ҳарбийларга берилган унвон. 12, 17, 59, 61, 99, 112, 113, 146, 147, 152, 212.

**Дорилсангоъа** – қорхона, саноатхона. 230.

**Дорул-ғурурдан дорул-сурурга, завқу ҳузур боғига рихлат қилди** – оламдан ўтди. 16.

**Дорулқазо** – маҳкамалар, қозихона. 268.

**Доҳилинда** – ичида. 315.

**Ду боло** – икки баробар. 295.

**Дурўи фуруш** – мато четига тикиладиган махсус қисмини тайёрлаб сотувчи хунараманд. 147

## Е

**Ер истироҳат қолмайди** – ҳеч жойда хотиржамлик бўлмайди. 289.

## Ё

**Ёф** – ариқ, канал. 40, 42, 174, 175, 176, 177.

**Ёшлар** - Садриддин Айний “Ёш бухороликлар”ни назарда тутган. 97, 100, 101, 103, 104, 105.

## Ж

**Жалила** – буюқ. 306, 307, 312, 314.

**Жухало** – жоҳилнинг қўшқикда қўлланилиши, нодонлар. 233.

## З

**Закоат** – Шариатта мувофиқ, сармоясини муайян нисобдан ортган мусулмон мол-мулки ва сармоясининг  $\frac{1}{40}$  улушини закоат сифатида мухтожлар, етим-есирлар, бемор, бева ёки ёлғиз аёлларга хайр-эҳсон сифатида берган. 19, 23, 29, 59, 60, 135, 233, 289, 313, 334.

**Зарф** – миқдор, муддат, идиш, ўлчов бирлиги. 252.

**Зокун низоми** – Қонун низоми. 26.

**Зоҳира** – кўринган, ташқи ҳолати. 213, 287.

## И

**Ибтидоий** – бошланғич. 71, 72, 74, 81, 229, 240, 241, 242, 243, 245, 246, 250, 251, 252, 275, 320, 373.

**Ижтиҳод** – ҳаракат, жаҳдлар. 215, 217, 296, 299, 302, 303, 324.

**Изтироқ** – зарур. 241.

**Имдод** – ёрдам, мадад. 243, 320.

**Иноқи калон** – Бухоро амирлигида ҳукмдорнинг амр-фармонларини ва буйруқларини тегишли шахс ва маҳкамаларга етказувчи, амир қабулига муяссар бўлганларни унинг ҳузурига киритувчи мансабдор. 59.

**Иноқи хурд** – Бухоро амирлигида амир номига келган хатлар ва номаларни қабул қилиб, овоз чиқариб ўқувчи мансабдор. 59.

**Интибоҳ** – эътибор. 249, 302.

**Интизом** – тартиб, жиддий қабул қилиш. 240, 241, 250, 344.

**Ислоҳ** – Бирор соҳада ўтказилган туб ўзгариш, реформа, ислохот. 58, 59, 62, 70, 74, 97, 194, 204, 210, 237, 239, 240, 243, 244, 245, 248, 249, 252, 254, 260, 268, 270, 272, 273, 281, 292, 295, 296, 302, 310.

**Ирфон** – маърифат. 321, 325.

**Истақроз (истиқроз)** – қарз олиш кредит. 312.

**Истатистуқ** – статистик. 306.

**Истифода** – фойдаланиш. 94, 197, 250, 300, 374.

**Истифодасиз** – фойдасиз. 300.



**Истихсор** – мухтасар, қисқа. 245.  
**Ифротпараст** – хаддан ошувчилар. 275.  
**Ифтиро** – тўқилган гаплар. 234.

## Й

**Йўли омма (ёки роҳи омма)** – кўпчилик юрадиган катта йўл. 40.

## К

**Кадуфуруший** – ковоқ сотиладиган раста. 166.  
**Камоқона билур** – озгина бўлса, ҳам. 301.  
**Кофиристон** – Афғонистоннинг шимоли-шарқида жойлашган тоғли вилоят, ҳозирги Нуристон. 76, 313.  
**Куллий** – барча. 119, 176.  
**Култапўш** – аёллар киядиган бош кийим. 220.  
**Курмак** – пилла (шева). 308.

## Л

**Лижомгарон растаси** – бозорнинг отга юган ясаб сотувчи хунармандлар жойлашган қисми. 146.  
**Лойқинча** – лойиқ бўлгунча. 272.

## М

**Маъа ал-мамнуният** – мамнуният билан. 251.  
**Маъа фикхи** – Шу билан бирга. 283.  
**Майизфуруший** – Майиз сотиладиган жой. 166.  
**Мағоза** – дўкон, магазин. 318, 378.  
**Мажидин** – хурмагидан. 247.  
**Мазораф** – харажат. 305.  
**Мазраъат** – экинзор. 306.  
**Мақария** – Нижний Новгороддаги савдо ярмаркаси. 100.  
**Мақовлонома** – расмий. 314.  
**Мамданлар** – маъданлар, ер ости бойликлари. 313.  
**Манзума** – назм, рисола. 223, 232, 261.  
**Манн** – 1) ер ўлчов бирлиги, Ўрта Осиё ҳудудда ер юзасини ўлчашда катта (20 кг гача) ва кичик (4,32 кг гача) манн ишлатилган. Ерни ўлчашда маълум бир огирликдаги дон экиладиган ер назарда тутилган. 2) огирлик ўлчови, минтақа бўйлаб турли огирликда қўлланилган. Тошкентда манн ўрнида кўпроқ ботмон ишлатилган. 3) Манн Хива, Хазорасб, Тошқовуз, Шохобод (Шовот), Кат ва бошқа ҳудудларда 20 кг, Хонқа, Урганч, Қўнғирот, Бешариқ, Шўраҳон ва Шайх Аббос Вали (Шаббоз) 40 кг. га тенг огирлик ўлчови. 157.  
**Марбах** – фойда, нарх-наво. 315.

**Маркабхона** – Уловлар турар жойи. 166.  
**Масоили этиқодия** – этиқод масалалари. 232, 233.  
**Масрафликдор муқа жиҳатинданда ихшидир** – сарф-харажат камрок. 314.  
**Матлаб** – талаб. 92, 93, 97, 239.  
**Машак** – лойка, (сарик). 306.  
**Машварат** – маслаҳат. 59, 60, 138, 184, 221, 253, 281, 298.  
**Маъмурдор** – амалдор. 286.  
**Меҳроб** – масжидда имомлар хутба ўқиш учун турадиган жой. 233, 290.  
**Мингбоши** – ҳарбий ва маъмурий унвон. Қўқон хонлигида хондан кейинги мансаб. Асосан ҳарбий ишлар билан шуғулланган. Россия империяси мустамлакаси йилларида Тошкент даҳаларининг бошликлари ҳам мингбоши дейилган. 29, 63, 157, 331, 345.  
**Мироббоши** – миробларга бошчилик қилган мансабдор. 59.  
**Мирофлик** – маҳкамадаги мансабдор шахс (қози). 303.  
**Мирохўр** – Бухоро амирлигида сарой мансабдорларидан бири. 59, 60, 61, 208.  
**Миршаб** – хонлиқлар даврида шаҳарда тунда жамоат тартибини сақлашга маъсул лавозим эгаси. 59, 62, 66, 326, 330, 343, 344.  
**Моли муштарак** – шерикчиликдаги мол, оммавий моллар. 239  
**Муаххаз** – ёрдам пули, нарсалар. 238  
**Мубини** – очик-ойдин, равшан. 283  
**Муборизан ҳаёт** – ҳаёт билан жанг. 230, 250  
**Муваккил** – вақилга ишонч билдирувчи шахс. 163  
**Мударрис** – мадраса ўқитувчиси. 67, 68, 73, 105, 106, 145, 146, 147, 148, 149, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 171, 258, 259, 260, 263, 264, 265, 266, 267, 324, 373  
**Мулки хурр** – солиқлардан озод ер. 168  
**Мунқариз** – инкироз. 229  
**Муродиф** – синоним. 275  
**Мусамма (мусаммот)** – эркак ва аёлларнинг исмлари олдида келиб, номли, исмли деган маънони англатади, номланиш. 163, 180  
**Мустаҳаб** – яхши саналган амал. 232, 287  
**Мутааллуқ** – тааллуқли. 300  
**Мутаваллий** – вақф мулкига ва ундан келадиган даромадни назорат қилиш, тақсимлаш, вақф мулкларини ижарага бериш, вақф хўжалиги ишларини юритиш билан шуғуллаган. 17, 18  
**Мутамаддуни** – тараққиёти, тамаддуни. 229, 230, 301  
**Мутараккий** – тараққий топган, ривожланган. 228, 291  
**Муттақон этиқоз** – таянч. 252  
**Муфаттиш** – текширувчи. тафтиш аъзолари. 267  
**Муфқит** – мақсад, мурод. 306



**Муфтий** – диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш, шариат қоидаларини тадбиқ этиш масалаларида фатво берувчи ҳуқуқшунос. 22, 67, 68, 151, 182, 332, 333  
**Мухталиф** – турли, ихтилофли, ҳар-хил. 230  
**Мухлик** – ҳалокат (олиб борувчи, ҳалок қилувчи) 36  
**Мухораба** – курашиш, жанг қилиш. 14, 18, 92, 95, 99, 103, 133, 137, 204, 300  
**Мушорун алайх** – назарда тутилган. 251  
**Муъованат** – қўмак, ҳамкорлик. 243

## Н

**Навс** – наъв. 246  
**Наззора** [назоран] – жиҳатидан. 232  
**Намакфуруший** – туз сотиладиган раста. 165  
**Насоро** – христиан динига мансуб. 257  
**Нафл** – ихтиёрий, қўшимча ибодат. 287  
**Нафси** – ўзи, ўзида. 94, 241, 277, 285  
**Нафъа** – манфаатли илмлар. 325  
**Нимкола** – чала, ярим. 250  
**Нисфи машоъ** – Айнан бир китобга тегишли бўлмаган ёки бир жойда жойлашмаган, тарқок ва бўлинган ер. 172  
**Нуфуз** – даража. 22, 92, 94, 275, 277

## О

**Одина** – якка, ягона, битта, жума. 275  
**Олтоқат** (ъало тоқат) – тоқатга яраша. 286  
**Осиёи Вусто** – Ўрта Осиё. 276  
**Оташ ароба** – паровоз, поезд. 222, 223, 224, 238, 370  
**Охунд** – диний билими юқори даражада бўлган уламо, муфтийнинг яқин ёрдамчиси. 17, 18, 20, 21, 22, 24, 33, 41, 49, 60, 63, 71, 145, 150, 155, 156, 158, 159, 160, 161, 181, 182, 183.  
**Оғил** – молхона. 308

## П

**Паришон** – чала етиб келган, тарқок. 37, 240, 305, 322  
**Парвоначи** – хонликлар даврида йирик мансабдор шахсларга берилган унвон ва даража. 59, 112, 113, 149, 169, 170, 342

## Р

**Раис** – Хонликлар даврида раислар ҳар бир беклик, туман ва шаҳарда фаолият юритган, раис бозорларда нарх-наво, тарози ҳақи, ўлчовлар, ҳисоб-китоблар тўғрилигини, мусулмон аҳолининг шариат қонун-қоидаларига риоя қилишларини, ўз вақтида намоз ўқиб, рўза тутишларини,

болаларни мактаб таълимига беришларини назорат қилган. 59, 60, 61, 62, 63, 64, 66, 67, 255, 266, 298, 299, 321, 322, 331, 343, 352, 360, 376  
**Ражол** – шахс. 221, 279  
**Ружуъ** – мурожаат қилиш, кайтиш. каршилик. 261, 282  
**Рўшдий** – ўрта (таълим), эътикод масаласида тўғри йўлдан юрувчи. 241

## С

**Садади** – тўғри сўз. 235  
**Садр** – Хонликлар давридан диний уламоларга бериладиган унвон. 67, 68, 105.  
**Садринишин** – раис. 255  
**Саноъ** – саноат. 250  
**Саноъи** – санъат 300  
**Сарроф** – пул даллоли. 184, 221, 293  
**Сарфат** – харажат. 302  
**Сафахат (сафохат)** – жиннилик, тентаклик, зино. 289  
**Сафолчирогбон** – мойчирог. 245  
**Сиқохот** – гуноҳ. 288  
**Сирф** – оддий. 276, 278, 280, 276  
**Собунгар** – собунчи. 168  
**Сугушига** – бирлашишига, келишишига. 300  
**Сулукӣ жадид** – жадид йўли. 246

## Т

**Табдил** – алмашмоқ, ўзгартириш. 91, 144, 241  
**Таблиғ** – тарғибот, тушунтириш, етказиш. 305  
**Табодул мулк** – ҳуқумат ўзгариши. 303  
**Табодул олам** – олам ўзгариши. 303  
**Табоҳ** – ёмон. 230  
**Тавассул** – боғланиш. 249  
**Таданий** – тараккий, ривожланган. 276  
**Тадвин** – ёзиш. 279  
**Тажвид** – Қуръон ўқиш қоидалари. 260  
**Таздиф** – тўқнаш. 314  
**Тазоф қилмоқ** – қўшилиш. 312  
**Такмил** – бутун, тўлиқ. 245, 305  
**Тамдид** – йўл етказмоқ (чўзилмоқ) 312, 313, 314, 315, 370  
**Таноб** – Ўрта Осиёда кенг тарқалган сатҳ ўлчов бирлиги, минтақалар бўйича турлича. 35, 39, 41, 44, 48, 49, 82, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 149, 150, 151, 154, 157, 158, 159, 160, 168, 169, 174, 175, 176, 177, 178, 198, 220, 226, 227, 331  
**Тараххум** – раҳм, шафқат. 260  
**Тарх** – қисқартириш, минус қилиш. 305



Тасимнат – цемент. 228  
Тасфийи ахлоқ – хулқи софлаштириш. 240  
Тасхир – масхара. 230  
Тафрика – фирка, ажралиш. 248  
Ташбат – даъват. 315, 323  
Таъзим ва тақрим – иззат ва иқром. 286  
Тақрир – иқро, баён. 267, 268  
Тағйир – ўзгармок. 229, 237, 241, 279  
Таҳзиб – тарбия. 240  
Тука – илтимос, ўтинч. 314  
Тўқсоба – хонликлар давридаги ҳарбий унвон. 103, 112, 113, 342

#### У

Удабо – адиблар. 267, 268  
Уезд – Россия империяси ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида жорий этилган туман даражасидаги маъмурий-худудий бўлинма. 24, 26, 27, 159, 160, 188, 258, 351, 353, 354, 355  
Улув жузъийя – жузъий, энг кам даражада. 272  
Улуми зарурия – зарурий илмлар. 232  
Усули эҳтисоби – ҳисоб китоб усули. 293  
Уч дурат санада – уч йил олдин. 306  
Ушр – ўндан бир хисса. 63, 67, 164, 169, 173, 267

#### Ф

Фазла – ортикча. 281  
Фаллоҳот – деҳқончилик. 313  
Фано – туговчи, фоний, яқун топгучи. 285, 303, 368  
Фарсах (Фарсанг, парсанг) – Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда қадимдан ишлатилиб келинган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсах 9-12 минг кадамга ёки 6-8 км.га тенг бўлган. 56  
Фасоҳат – гўзаллик, чиройли гапирувчи, сўзомол. 248  
Фатҳор – фахр. 305  
Фаҳамат – улуғ, ҳурматли. 315  
Фосид – бузук. 234, 279  
Фунт – Буюк Британиянинг пул бирлиги фунт стерлинг деб номланади. 1 фунт стерлинг 20 шиллингдан; 1 шиллинг 12 пенсдан иборат. Воқеалар содир бўлаётган ўша даврда 1 рус қоғоз рубли (100 копейка) 2 шиллингга тенг бўлган. 329, 352, 354, 355, 359, 361, 362, 363, 364

#### Х

Хатми хўжа – тасаввуф аҳли тарафидан ўтказиладиган махсус хатм маросими, “хатми хўжагон” деб ҳам аталади. 154  
Ҳижжа – ҳижжалаб ўқитиш (харфма-харф). 232

#### Ч

Чанлади – чарлари. 220  
Чохарчашм – тўрткўзлик. 296  
Чучук – ширин. 291  
Чўп пули – Хива хонлигида амалда бўлган солиқ турларидан бири. 175

#### Ш

Шабоҳун – 1) кечаси кўкқисдан бостириб кирмок, хужум қилмок; 2) қочмок. 20  
Шиговул – элчилар ва чопарларни хон ҳузурига олиб киришга, хон ёки подшо саройида тантана маросимларини бошқариб ва назорат қилиб турадиган қатта амалдор. 43, 58, 62  
Ширифуруший – ширинликлар сотиладиган жой. 167  
Шукуррезни – қўл бериш, шукронага ош бериш. 323

#### Э

Эҳмол – бепарволик. 302  
Эълодий – махсус таълим. 240

#### Ў

Ўрам – мураккаб. 278

#### Қ

Қози – мусулмон давлатларида шарият асосида суд ишларини олиб борган судья. 5, 17, 22, 23, 24, 27, 31, 35, 63, 64, 66, 78, 79, 80, 94, 95, 100, 105, 110, 146, 147, 150, 156, 157, 159, 160, 164, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 179, 180, 181, 182, 183, 184, 185, 186, 187, 188, 189, 207, 208, 209, 260, 265, 266, 303, 304, 332, 333  
Қозикалон – шарият қонунларига асосланган суд тизими иерархиясидаги энг олий мансаб. Бош қози ҳам диний, ҳам адлия ишларини бошқарган. 21, 44, 59, 60, 61, 62, 63, 67, 95, 96, 101, 103, 150, 153, 179, 180, 182, 183, 185, 190, 260, 266, 332  
Қувваи аскарни – ҳарбий қувват. 229  
Қўшбеги – Хонликлар даврида давлат бошқарув тизимидаги олий даражадаги мансабдор. Бухоро амирлигида қўшбеги бош вазир ҳисобланган. Мангитлар сулоласи даврида қўшбегига барча вилоятларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амирнинг пойтахтда бўлмаган вақтида хонлиқнинг барча ишларини бошқарган. 6, 18, 21, 44, 51, 52, 59, 60, 61, 62, 71, 72, 95, 98, 99, 100, 101, 108, 109, 110, 112, 121, 127, 150, 156, 158, 260, 266, 328, 331, 333, 342, 356, 359.

#### Ғ

Ғазот – жанг, “муқаддас” уруш. 20



Ғайб – нобуд, гоиб, кўзга кўринмас. 306, 325

Ғайри матлуб – ноқониз. 289

Ғайуб ва талаф қиладилар – касалликка чалинадилар, вафот қиладилар. 306

Ғўлан охани – темир қувур. 320

## Х

Ҳамсоя – кўшни. 123, 125, 133, 136, 230, 277, 309.

Ҳасор қимга – ҳар қимга. 305

Ҳифз – сақлаш. 292

Ҳирфат – касб илми. 237

Ҳолиф – хилоф, қарама-қарши. 286

Ҳошақалло – Аллоҳ сақлагур. 271

Ҳукумат жалилиямиз – буюк ҳукуматимиз. 315

## Ўлчов бирликлари

1 агри – 62,5 грамм. 175

1 акр – 0,4 гектар. (4047 м<sup>2</sup>). 346, 354, 359, 360, 361

1 аршин – 0,71 метр 441

1 ботмон – 163,8 кг. 158, 175.

1 мани – 20 кг., 40 кг. 156.

1 миль – 1609 м. (куруқликда). 356, 357, 358

1 пуд – 16,38 кг. 129, 130, 158, 175, 198, 311, 361, 362

1 сажень – 2,134 метр 474

1 сари –  $\frac{1}{40}$  мани. 175, 198

1 таноб – 0,4 гектар. 35, 39, 41, 44, 48, 49, 82, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 149, 150, 151, 154, 157, 158, 159, 160, 168, 169, 174, 175, 176, 177, 178, 198, 220, 226, 227, 331

1 фунт – ўша даврда 10 рубль. 329, 352, 354, 355, 359, 361, 362, 363, 364

1 шиллинг – 1,8 танга. 332, 352, 356

1 ярд – 91,44 см. 349, 358

## КЎРСАТКИЧЛАР

### ИСМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абдуҷаббор Шайх 178  
Абдулазизхон ибн Абдуллахон 53  
Абдулвосит оксоқол 168  
Абдулғаффор 174, 175,  
Абдулҷаббор 175  
Абдулжалил 165  
Абдулжалил Маҳмуд мударрис 265  
Абдулқарим 175  
Абдулқаримбек тўқсоба 112  
Абдулқодир қори 188  
Абдулқодир парвоначи 112  
Абдулқодирбек мирохўр 113  
Абдулқорбек тўқсоба 113  
Абдулла Болтаев 43, 47, 48  
Абдуллоҳон қози 156  
Абдуллоҳ 139, 163, 166, 178, 182,  
183, 186  
Абдуллоҳ Афанди Ҳамидуллоноф  
(Ҳамидуллоев) 227, 228  
Абдуллоҳ Қўчқор 110  
Абдуллоҳ Қўшбеги 110  
Абдуллоҳ тўра 177  
Абдуллоҳбой темирчи Мулла Аб-  
дуҳаким ўгли 186  
Абдуллоҳ Мулло Мўмин ўгли 166  
Абдулмажидхон 149, 156  
Абдулраҳимбек тўқсоба 113  
Абдулраҳимбекбий 113  
Абдулраҳмон 266  
Абдулсатторбий Баҳрайни 113  
Абдулҳакимбой Файзбой 164  
Абдулҳак Ҳомид 268  
Абдулҳалилбий парвоначи 112  
Абдулҳафиз оксоқол 168  
Абдулшукур бин Абдулрасул Бухо-  
рий 164, 172  
Абдумавлон 158  
Абдумавлон муфти 143  
Абдумаликхўжа 181  
Абдумуталлиб Исмоилжонбой 152  
Абдунаср маҳдум Судурзода 105  
Абдурауф Фитрат 70, 98, 100, 101,  
103  
Абдурауфхўжа валади Абдура-  
ҳимхўжа 191  
Абдурахмон мутавалли 176  
Абдурахмон Худойберганбой 160  
Абдурахмонхўжа 146  
Абдурашид 309  
Абдурашидхўжа Якубхўжа аълам  
ўгли 185, 186  
Абдусаттор маҳзум Алиакбар-хўжа  
эшон ўгли 153  
Абдусаттор мударрис Ярашбой 160  
Абдуҳолиқ Марғилоний 17  
Абдуҳаким Мирзо ўгли 158  
Абдушукур муфтий 151  
Абдушукурхўжа 182  
Аброро Хўжа Ҳоди Хўжа ўгли 165  
Абу Бакр Ригдамуний 56  
Абу Бакр Саъд 56  
Абу Бакр Тархон 56  
Абу Бакр Фазл 56  
Абу Ҳанафия 56  
Абулқосим мулла Боймуҳаммад 155  
Абулқосим эшон 161  
Абулхай хўжа 265  
Авлиёкулбекбий Додхон 113  
Авлиёхўжа ибн Шох Юнусхўжа 190  
Авлиёхўжа Муҳаммад Раҳим-хўжа  
ўгли 144-145  
Азизлархон қози мударрис Ойхўжа  
эшон ўгли 159  
Азимбойвачча Отабойхожи 161  
Акбар қори 150  
Акбархон 102  
Акрам Турсунбой ўгли 172  
Ақрамбек 268  
Ақромхон тўра 113



Алексой Николович (Алексей Николаевич) 42  
 Али Мухаммад охунд 158  
 Алиакбархўжа мударрис 147  
 Алиакбархўжа эшон Абдурахимхўжа ўгли 146  
 Алибек Бадалмухаммад ўгли 182  
 Алим Махдум 259  
 Алимқули 13, 14, 15, 16, 18, 20  
 Алишер Навоий 10, 232, 233, 234, 268, 276, 278, 337  
 Алмосбий Додхох 112  
 Алчакуф тўра 153  
 Аминжон махдум Зиёий 105  
 Амир Музаффар 126, 127  
 Амир Темура 65, 471  
 Асадуллахўжаев Убайдуллахўжа 401  
 Асолат биби Авлиёхўжа Эшон кизи 181  
 Асфандиёр 31, 34, 37, 38, 39  
 Аҳмад Жандий 55  
 Аҳмад Камол 105  
 Аҳмад С.379  
 Аҳмадали 182  
 Аҳмаджон 188  
 Аҳмаджон махдум 99, 105  
 Аҳмадулло махдум мулла Мўминжон ўгли 161  
 Аҳмадхўжа эшон 22, 157  
 Ашур махрам 37  
 Ашур сўфи 151  
 Базингел 465  
 Бақохўжа 265  
 Бақодиржон махдум 259  
 Бақоуддин махдум мулла Мирисо ўгли 146  
 Бақовуддин Накшбанд 54  
 Бедил 232  
 Бекжон 177  
 Бекович-Черкасский 464  
 Бибижон биби бинти Мулла Сиддик охунд 182  
 Бобо Самосний 56  
 Бобоқўзи оксокол валади Рўзимухаммадбой 181  
 Бобокул Курбонбой ўгли 172  
 Ботиргареев Кутлуг Мухаммад - Тевкелевл 401  
 Бокий 268  
 Букрот 269  
 Бўрихўжа Бобошайх ўгли 152  
 Бурхониддин козикалон 95  
 Бухорий 323  
 Вали Ҳожи мулло Абдумалик ўгли 259  
 Вадяевлар 458  
 Вамбери Арминий 326, 356  
 Вельман 93  
 Галкин М.Н. 357  
 Давидов Юсуф 458  
 Данилевский 465  
 Довудхўжа Сулаймонхўжа ўгли 146  
 Долимов У. 379  
 Дукчи Эшон 375, 380, 386, 395, 397, 398, 399, 400  
 Дурмоҳибби Ганибой кизи 189  
 Дўсим 177  
 Ёкутой 163  
 Жавҳарий 325  
 Жалол 318, 322  
 Жалолиддин Бохарзий 54  
 Жамлабиби 186, 187  
 Жаннат почта 181  
 Жаъфаров 412,  
 Жиян сўфи 150  
 Жонмирзобий Парвоначи 113  
 Жумъа Ниёзбой 175  
 Жўрабек Қаландархожи ўгли 420  
 Жўрабой Мулло Юнус ўгли 172  
 Жўрабой оксокол 168  
 Жўрабой Фозилбой ўгли 167  
 Журавско-Покорский 447  
 Журжис бинни Бахтяшў 77  
 Жюль Верн 268, 269  
 Зайд бин Собит 269

Зайнуддин махдум 146, 147, 153  
 Зиёуддин махдум 104  
 Зоҳида биби 180  
 Зуннун кори 159  
 Зухуриддин Фатхиддинзода 104  
 Ибодуллох афанди 226  
 Ибодуллоххўжа Сулаймоний 226  
 Ибодуллох тўра 176  
 Иброҳим Атожон 178  
 Иброҳим Ҳаккий 261  
 Иброҳимбой темурчи Бобожонбой ўгли 186  
 Иброҳимбойвачча Аъзамбой ўгли 154  
 Иброҳимхўжа 31, 177, 178  
 Иброҳимхўжа Шоҳхўжа ўгли 145  
 Иванов 140, 141, 370, 415  
 Иломбобо Ҳожи 188  
 Имом Абу Ҳафси Кабир Бухорий 55  
 Имом Қозихон 55, 109  
 Имомни Аъзам 233, 234  
 Имомназар 263  
 Имомхон махдум 149  
 Имомхон эшон 156  
 Иномжон Додожон ўгли 185  
 Иноятбой 188  
 Инъомхўжа мингбоши 157  
 Инъомхожи 187, 188  
 Ирис Мухаммад сўфи 149  
 Исмонл махдум 27, 28  
 Исмонл мирзо Гаспирали 375  
 Исмонл Садрий 105  
 Исмонл Сомоний 55  
 Исмонлбек Иброҳимбек ўгли 187, 188, 189  
 Исмонлжонбой Бобожонбой ўгли Бўрихўжа 152  
 Исмонлхўжа Абдурахимхўжа ўгли 146  
 Исмонлхўжа имом 17  
 Исмонлхўжа охунд 33  
 Исо Мухаммад Имом Мухаммад ўгли 186, 189  
 Исо Мухаммад кори домудла Холдор ўгли 152  
 Исроилхўжа Охундхўжа ўгли 181  
 Исҳоқ яхудий Якуб яхудий ўгли 170  
 Исҳоқхон Ибрат 194, 223, 225, 304  
 Исҳоқхон Махмуд дастурхончи ўгли 145  
 Йўлдошжон 186, 187  
 Каримбобо 187  
 Каромат биби 185  
 Каромат почта 182  
 Карпинский 461  
 Кауфман К.П. 25, 127, 132, 139, 379, 420, 465, 471  
 Керенский А.А. 401, 402, 403,  
 Кеплер 269  
 Керзон Жорж Натаниэл 359, 360  
 Киорковлар 458  
 Колесов 106  
 Комилжонбой 186  
 Коперник 269  
 Костенко Л. 347  
 Красноярцев 415  
 Кузницсўф (Кузнецов) Петр Евдакимович 370  
 Кун А.Л. 420  
 Курапаткин А.Н. 370, 418, 419,  
 Логофет Д.Н. 437, 441  
 Лядинский 415  
 Лутфуллох 180  
 Лутфуллох охунд мударрис Мирхон ўгли 145  
 Мавлон 148, 149  
 Мавлонберди Карвонбоши 164  
 Мавлоно Ҳусайн 55  
 Мавлоно Шамсиддин Қахистоний 55  
 Мавлонхон Зиё махдум ўгли 154  
 Мадаминхон (Мухаммад Амин-хон) 330  
 Маъхар махдум Бурхон ўгли 105, 106  
 Манноп кори 259



Мансуров 401  
 Мариямнисо 187  
 Мархум Охундов 291  
 Масолов 414  
 Маткарим Наққош Неъматуллох ўгли 48  
 Матниёз девонбеги 474  
 Махмуд бобо дастурхончи Ҳасан-жон ўгли 144, 145, 153, 154  
 Махмуд Хўжа 103  
 Махмудхўжа аълам 146  
 Махмудхўжа Беҳбудий 105, 193, 214, 219, 222, 239, 252, 266, 270, 283, 296  
 Махмудхўжа эшон Неъматхўжа эшон ўгли 153  
 Миён Рофёв 191  
 Мизроббой Раҳимбой Андхуйи 162, 163  
 Мир Бадий махзум 161  
 Мир Бурхониддин 169  
 Мир Икром махдум 95  
 Мир Камол 168  
 Мир Убайд шайх Мир Ҳомид ўгли 164  
 Мир Умодуддин 55  
 Мир Ҳоди 164  
 Мирза Абдуллох Муҳаммадбой ўгли 259  
 Мирзо Абдувоҳид Манзум 99, 105  
 Мирзо Абдуқодир Муҳиддин 105  
 Мирзо Аҳмад кўшбеги 149, 156, 158  
 Мирзо Аҳмад парвоначи 149  
 Мирзо Аҳмадбек 95, 96  
 Мирзо Бадриддин 167  
 Мирзо Иззатулла 100  
 Мирзо Муҳаммад 105  
 Мирзо Муҳаммад аълам 148, 149  
 Мирзо Муҳаммад тўқсеба 113  
 Мирзо Муҳиддин Мансур ўгли 103, 105  
 Мирзо Назруллох Абдуғафур ўгли 105  
 Мирзо Насруллох 100  
 Мирзо Раҳматбой ўгли 189  
 Мирзо Сақбо 99  
 Мирзо Сирож Мирзохўрдов ҳаким 321  
 Мирзо Урганжий 100  
 Мирзо Фўлад (Пўлат) 106  
 Мирзобой Оксокол 164  
 Миррахим мулла Алимбой ўгли 144  
 Мирсаид Ғиёсиддин ўгли 168  
 Мирсайид сўфи 151  
 Мирсоатбой Усмонбой ўгли 190  
 Миртоҳиршоҳ 149  
 Мирхонд 338  
 Музаффар махзум 148, 155  
 Музаффархўжа Бадалхўжа ўгли 166  
 Мукмишдин махдум 103, 105  
 Муравьев 458  
 Муқим Куяжи Турсунбой ўгли 189  
 Муқимбой Абдуллох ўгли 166  
 Мўминбек Мирохўр 113  
 Мўминхонтўра Сайидхонтўра 160  
 Мунаввар қори Абдурашидхонов 236, 257, 263, 293, 299 308  
 Мунис 30, 337  
 Мусаммот Мунаввараой Мирзо Умар кизи 168  
 Мусо Тўра 176  
 Мусо Туркистоний 366  
 Мусожон Йўлдош ўгли 105  
 Мусохўжа Ўрок 115  
 Муҳаммад Азиз Марғилоний 24, 25  
 Муҳаммад Айюб Муҳаммад Раҳим қори ўгли 187  
 Муҳаммад Али Балжувоний 49  
 Муҳаммад Али Эшон 383, 384, 389  
 Муҳаммадали охунд 183  
 Муҳаммад Амин 36, 37, 174, 175, 329  
 Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон 465  
 Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон 465  
 Муҳаммад Исохўжа мударрис 265  
 Муҳаммад Карим 28, 183, 259

Муҳаммад Мурод Махрам 174  
 Муҳаммад Муродбий Додхоҳ 112  
 Муҳаммад Муҳиддинхўжа 179, 180, 181, 182, 183, 184, 185, 190, 191  
 Муҳаммад Назар махдум 105  
 Муҳаммад Назарбой 174  
 Муҳаммад Ниёзбек 175  
 Муҳаммад Обид Бобоҷон охунд ўгли эшон 159-160  
 Муҳаммад Расул 33, 181  
 Муҳаммад Раҳимхон 31, 34, 132, 133, 338  
 Муҳаммад Салим 32, 35, 41  
 Муҳаммад Сафобой 175  
 Муҳаммад Солих Хўқандий 164  
 Муҳаммад Солиххўжа Тошқандий 12, 152  
 Муҳаммад Субхон 192  
 Муҳаммад Тақобий 113  
 Муҳаммад Умарбек 183  
 Муҳаммад Ғиёзжор 55  
 Муҳаммад Шариф 169, 170, 178  
 Муҳаммад Юсуф Баёний 30  
 Муҳаммад Яқуб уста Жуманиёз 31  
 Муҳаммадвафо қарвонбоши 42  
 Муҳаммадмурод девонбеги 31  
 Муҳиддин махдум 100, 105  
 Муҳсин 166  
 Нажмиддин Кубро 471  
 Нажмиддин Мулло Шамсиддин 169  
 Нажмиддинхўжа Каттаҳўжа ўгли 154  
 Назар Муҳаммад Қўлибой ўгли 145  
 Назарбек 156  
 Наср ибн Иброҳим Тамғочхон Қораноний 53  
 Насриддинхонтўра Тўражонтўра ўгли 160  
 Насруллохўжа Азаматхўжа ўгли 146  
 Насруллохўжа мударрис 147  
 Насруллохўжа эшон Қорахўжа эшон ўгли 153  
 Насруллох кўшбеги 98  
 Некрасов 412  
 Неъматхўжа муфти мударрис 147  
 Ниёз Муҳаммад Бекларбеги ўгли 152  
 Ниёз Муҳаммад Лашкар бекларбеги ўгли 148  
 Никифиров 465  
 Нур Муҳаммад 177  
 Нуриддин махзум 160  
 Нуробод Имом Абу Ҳафс 55  
 Нуриллобек 32  
 Нурмуҳаммад қори 185  
 Нурмуҳаммад Мирзомуҳаммад 186  
 Нуруллох 165  
 Нурхўжаев 181  
 Нуъмон махзум 155  
 Ньютон 269  
 Оғаҳий 30  
 Одил Бойқон ўгли 165  
 Одил Исоқбой ўгли 187  
 Ойбиби 163  
 Ойдўст 339  
 Ойхўжа 150  
 Олимбой 164  
 Оллоёр 194  
 Оллоқулихон 464  
 Онануф 306  
 Ориф Ревғари 56  
 Орифхўжа махзум Шарифхўжа 153  
 Остонақул Қулмуҳаммад ўгли 163  
 Остонақулбек кўшбеги 112  
 Острёмов Н.П. 151  
 Ота Ниёз 177  
 Ота Фозил 165  
 Отабойхожи 161  
 Отажон девон 35, 36, 40, 41  
 Отаниёз 175  
 Отаподшоҳхўжа аълам 146  
 Охунҷонбой хожи 28  
 Ошур 42, 174  
 Паҳлавон 177  
 Петровский М. 359



Пирмухаммад муфтий 182  
Перовский А.В. 464  
Пирназар парвоначи 112  
Победоносцев (Победантсёф) 376  
Порсо Хўжа Хасан Хўжа ўгли 105  
Потеляхов 458  
Пўладжон Мулложонбой ўгли 186  
Расул Мухаммад 189  
Рауф Музаффарзода (Абдурауф Музаффаров) 193, 210, 274  
Рахимберган 36, 40  
Рахимберди 151  
Рахимжон мударрис 145  
Рахимхўжа 186, 187, 188  
Рахимкулбой Абдулхакимбой ўгли 169  
Раҳматуллаҳўжа Аъзамхўжа 153  
Раҳматуллоҳ 184  
Раҳматуллоҳбек тўқсоба 113  
Рашид афанди 327  
Ржевский 412  
Ризасев Ш. 379  
Сабриннисо 187  
Сагдуллаева 181  
Садриддин 167, 168  
Садриддин Айний 90, 91, 97, 101, 105, 194, 271.  
Саид Барокхон 260  
Саид Расул хўжа 247  
Сандкаримбой Саидазимбой ўгли 259  
Саййиджон 105  
Саййидумар Маҳдум 181  
Саййид Акрам 180  
Саййид Аҳмад Васлий 264  
Саййид Аҳмад охунд 150, 156  
Саййид Ганнхўжа 156  
Саййид Ислон Хўжа 39, 40, 41  
Саййид Музаффар махзум 155  
Саййид Умар махзум 155  
Саййидалихўжа Сулаймонхўжа ўгли 152  
Саййид Абдулло тўра 34  
Саййид Аминбой 164  
Саййид Амир Абдулахад 172  
Саййид Амир Кулол 56  
Саййидкулбек Тўқсоба 113  
Салим 263  
Салимбой 27, 28,  
Салимжон 106  
Салимжон мударрис Ҳалимжон ўгли 145  
Салимхон охунд мударрис 160  
Саломат биби 184  
Санойи 268  
Санъатуллоҳ 179  
Сафар Али Валибекўф (Валибеков) 377  
Сафарбой Абдуллоҳ ўгли 172  
Сафобой 174  
Саъдий 214, 268, 278  
Сиддик охунд 182  
Сиевуш Вали 55, 56  
Сирож Мирзохўрдов 321  
Сквирский Лев 457  
Содик сўфи 149  
Сойибназар Эшназар ўгли 194  
Солихбек охунд 18, 20, 21, 22, 24, 160  
Соловьев К.М. 455, 456  
Сомий 268  
Сорлик 339  
Сосновский М.И. 461  
Сулаймон 341  
Султон Махмуд Бий 176  
Султон Махмудхўжа 153  
Султон Хўжа 164  
Султонбой сарроф 184  
Сўфи Абдурахим 305  
Темургози тўра 42  
Тохир Эшон 177  
Тохирбой 168  
Тошхўжа Улуғхўжа Эшон 181  
Тўлаганбой 185  
Тўра Мўминхон 112  
Тўрахўжа Судур 113

Тўрахўжа эшон 153  
Туроббой 164  
Улуғхўжа 148  
Умар ибн Садр уш-шария 55  
Умарбек охунд 159  
Усмон 56, 148  
Усмонжон 186, 187  
Усмонхўжа Дадахўжа 183, 190  
Уста Абдулвахоб 146  
Устинов 458  
Усто Бобо 177  
Усто Қувондик 175  
Усто Содик 165  
Ҳазилат биби 183, 184  
Ҳазил Аҳад кори 158  
Ҳазилдин маҳдум 101, 105, 106  
Ҳайзи биби 180, 181  
Ҳайзибой Абдулмўминбой ўгли 169  
Ҳахриддин 389  
Ҳирдавсий 268  
Ҳлакман 457  
Ҳозилбекбий 113  
Ҳозилжон Абдуллоҳ ўгли 163  
Ҳозилбек Отабек ўгли 379  
Ҳоробий 323, 326  
Ҳузулий 232, 233, 234, 268, 278  
Ҳулод яҳудий 170  
Ҳадичабиби Муҳаммадийбой 188  
Ҳалифа Мансур 77  
Хўжа Аҳрор 12, 159, 160  
Ҳалбиби Одина кизи 166  
Ҳонхўжа эшон 149, 156, 163  
Ҳорун-ар-Рашид 78  
Ҳосият биби 188, 189  
Ҳудоёр Бий 177  
Ҳудойберганбой 163  
Ҳудойлод Вали 56  
Хўжа Исмаил 55  
Хўжа Ҳофиз 235, 236, 237, 265, 281  
Хўжабек Қовоқли 113  
Хўжамберди 148  
Ҳайковский 380, 382  
Ҳахор Бакр 56  
Черняев (Ширинув) 18, 19, 21, 22, 23, 371  
Чўкаев Мустафо 401  
Шайх Сайфиддин Бохарзий 54  
Шайхназарбой 39, 41  
Шамтуб яҳудий 170  
Шарифжон Садр 105  
Шарифхўжа кози 159  
Шарл Санвиос 73-74  
Шарофат биби 184  
Шарофуддин махзум 148  
Шахобиддинхон Имоммухаммадхон ўгли 181  
Шаходат биби 185  
Шох Абдуқахорхўжа эшон 151  
Шерғозихон 464  
Шлозбер 458  
Шох Аҳмадхўжа Шох Мансурхўжа 144  
Шоҳмаҳмуд 148, 155  
Шохмурод Инок 174  
Шохсайидхўжа Шохобидхўжа 181  
Шох Юнусхўжа 158  
Эргаш 189  
Эрназар 339  
Эрназарбий Додхоҳ 113  
Эш Ниёз 177  
Эшмурод мироб 178  
Эшон Бобохўжа махзум 157  
Эшон кози мударрис 147  
Эшонжон Махмуд 154  
Эшонкули додхоҳ 146  
Эшонхўжа махзум 153  
Эшонхўжа Нажмиддинхўжа 154  
Юнусхон эшон Хонхўжа эшон 160  
Юсуф махрам 31  
Юсуф Мусо яҳудий ўгли 170  
Яъқуб охунд Неъматшайх ўгли 160  
Яъқубжон 149, 151, 158  
Яъқубхўжа аълам 147  
Яъқубхўжа эшон 146, 153  
Қадам ясавулбоши 31  
Қаландархўжа Абдуллоҳхўжа 169



Қамариддин Ғана 266  
Қизил Арслонхон 54, 56, 57  
Қодир Абдуллох ўғли 154  
Қозихон 57  
Қодиркул 386  
Қорабек Тўқсоба 113  
Қори Ҳошим Шоик 105, 106  
Қосимбой 154, 155  
Қосимбой Қоратуғий Тошкандий 18  
Қувондик Норбўта ўғли 152  
Қулмуҳаммад тўқсоба 113  
Қурбон Абдуллох ўғли 166  
Қурбонқал 174  
Қутайба ибн Муслим 53  
Ғиёсалиддин 308  
Ғозибек 99  
Ғулом Қодир 103  
Ғўфрон панох 169, 170, 171, 172  
Ҳазрат бобо Шавк 54  
Ҳазрати Расул (с.а.в.) 172, 321  
Ҳайдаркулбекбий Додхох 113  
Ҳайит Хусайн ўғли 163  
Ҳайит Муҳаммад 146  
Ҳаким ибн Имрон 325

#### ГЕОГРАФИК ЖОЙ НОМЛАРИ

Амбар-Маноқ 466  
Амиробод 110  
Амударё 43, 133, 140, 141, 142,  
306, 338, 341, 360, 361, 362, 431,  
440, 441, 465, 466, 471, 472, 474,  
Англия 86, 243, 359, 360, 459  
Андалус 75  
Андижон 221, 225, 226, 228, 283,  
339, 351, 366, 371, 372, 374, 378,  
379, 380, 381, 389, 392, 393, 399,  
400, 401, 413, 416  
Андижон уезди 26, 27  
Андхўй 165,  
Андхўй вилояти 162, 164  
Анжерой 447  
Арабистон 283  
Асаф кишлоғи 417,

Ҳаким собунгар 112, 168  
Ҳакимхўжа 21, 23, 150, 179, 180,  
182, 183, 185, 190, 193  
Ҳалоқухон (Элхон Ҳалука) 57  
Ҳасанбой 183  
Ҳасанмурод Лафғасий 37, 38  
Ҳикматуллох охунд 41  
Ҳоди аълам 155  
Ҳожарбиби 188  
Ҳожи Абдумажид 103  
Ҳожи Абдусаттор даллол 105, 106  
Ҳожи Аҳмад мударрис 264  
Ҳожи Додхох 99  
Ҳожи Остон Қулмуҳаммадбой 166  
Ҳожи Тўрахўжа 264, 265  
Ҳожи Насруллох Раҳматбой 167  
Ҳожи Рофеъ 105, 106  
Ҳожи Сирож 105, 106  
Ҳожи Ҳамрох Йўлдош ўғли 105  
Ҳомид Хўжа Меҳрий 105, 106  
Ҳошиди Гумном 55  
Хусайн Муҳаммадбой 31  
Хусайнбек маҳзум 160

Астрахан 335, 340

Астробод 336

Афғонистон 129, 221, 227, 314,  
341, 360, 364, 365, 366, 369, 450,  
457

Ашхобод 378, 436, 454, 465

Ашфара 15

АҚШ 453, 455

Бағдод 75, 77, 78, 347, 378

Бадахшон 341

Балжувон 66, 112, 440, 441

Батуми 459

Бекларбеги 147, 155, 347

Бекобод 378

Берлин 368

Бешариқ 467

Бешариғ 378

Бешёғоч 24, 159, 259, 345, 347  
Бируни 111  
Бойсун 66, 112, 447  
Боку 130, 253, 292  
Бухоро 12, 50, 51, 53, 54, 56, 57,  
59, 62, 66, 67, 68, 78, 81, 82, 83, 84,  
86, 87, 88, 93, 97, 99, 100, 106, 108,  
124, 125, 128, 129, 145, 162, 163,  
164, 165, 166, 167, 168, 170, 172,  
193, 204, 206, 207, 208, 209, 210,  
221, 240, 260, 283, 295, 305, 306,  
307, 308, 309, 312, 313, 314, 315,  
321, 322, 323, 328, 330, 335, 338,  
339, 340, 341, 343, 349, 351, 356,  
357, 358, 361, 379, 429, 436, 438-  
448, 450, 451, 454, 455, 465, 467  
Бухоро амирлиги б. 20, 49, 50, 63,  
64, 65, 66, 67, 69, 70, 71, 72, 73, 74,  
76, 78, 79, 89, 90, 92, 93, 94, 95,  
101, 102, 103, 104, 108, 112, 121,  
122, 123, 124, 125, 126, 127, 130,  
131, 134, 143, 162, 169, 193, 241,  
243, 257, 260, 264, 265, 266, 268,  
277, 295, 305, 310, 313, 325, 326,  
327, 337, 339, 341, 342, 343, 344,  
355, 360, 363, 364, 365,  
Буюк Пётр 446  
Бўзёб 471  
Вагонзи тумани 113  
Вардонзе 66  
Варшавский 378  
Вахш 446  
Венгрия 335  
Владикавказ 436  
Вобканд 66, 104  
Вобканд тумани 113  
Водия 383  
Волга 431, 457  
Волгабўйи 435  
Гамбург 435  
Гандумгоҳ (Гандимён) 327  
Ганчтепа 191  
Германия 86, 98, 243, 459

Говкушон 51, 54, 71, 73, 109  
Гурлан 45, 141, 334, 338, 431, 466  
Дарвоз вилояти 66, 112  
Дарвоз 446, 447  
Дарвоза-Мозор 446  
Даудан 472  
Дашти Қитчюк 14, 15  
Дашт (Степной) генерал-  
губернаторлиги 402  
Дашт вилоятлари 403, 407  
Девонбеги 44, 46, 51, 53, 72, 163  
Денов 112  
Дорғонота 39  
Дўрмон 111  
Душанбе 66, 445  
Европа (Оврупа) 75, 76, 78, 128,  
129, 205, 213, 219, 295, 306, 309,  
310, 313, 334, 345, 348, 355, 451,  
459, 460  
Етисув (Семиречье) 349, 363,  
378, 383, 455  
Ёзиёбон 383  
Жайхун 66  
Жалолобод 226, 351, 371  
Жалолтепа 447  
Жиззах 401, 411, 412, 415, 416, 464  
Журжония 472  
Закавказ (Кавказорти) 310  
Закаспий (Каспийорти) 129, 130,  
131  
Зарафшон 306, 353, 354, 361, 362  
Зарафшон дарёси 441  
Зиёвуддин 66  
Илоли Емрели Туркмения 45, 431,  
466  
Илёли  
Искобилўф (Скобелев) 371  
Испания 75  
Истанбул 21, 79, 106, 128, 239,  
262, 264, 265  
Италия 309, 312  
Ичан қалъа (Ичон Қалъа) 132, 328,  
328



Кавказ (Кафказ, Тифлис) 239, 269, 376, 412, 464  
Казалинск 135, 379, 431, 465, 474  
Кампиробод 371  
Карбос 72  
Карки 66, 103, 104, 221  
Кармана 113, 442, 445  
Каспий 431, 465  
Каспийорти 457, 465  
Каспий денгизи 130, 338  
Каттакўрғон 353, 354, 358  
Келиф 441, 447, 448  
Керки 113, 341, 441, 445, 446  
Киев 436  
Кийикчи 104  
Кимухтарон 109  
Китоб 66, 113, 355, 356, 357, 420,  
Кичик Қозиработ 159  
Когон 106, 312, 313, 314, 315, 379  
Кокилан Калон 109  
Кокилан Хўрд 110  
Конибодом 379, 440, 442, 447  
Константинопол 332  
Кончирабон 415  
Кофиристон (Нуристон) 313  
Кофиринхон 441  
Красноводск 431, 465, 474  
Кулий волости 417  
Кулике кишлоғи 417  
Купка 459  
Кўлоб 440, 441, 447  
Кўхна Урганч 467, 471, 472, 473  
Кўкалдош 12, 51, 71, 73, 101, 102,  
160  
Кўкча даҳаси 23, 152, 158, 159,  
179, 184, 185, 186, 345, 347  
Кўлоб 66, 112  
Кунград 66  
Кўхна Урганч 45, 174, 337  
Либава 459  
Лодз 445, 457  
Лондон 353, 354, 361, 459  
Мадина 79, 151, 238, 239, 366

Маймана 364  
Макка 239, 366  
Мангит 45, 118, 466  
Марв 221, 465  
Марғилон 25, 26, 27, 28, 29, 339,  
351, 368, 378  
Марсел 459  
Мархамат кишлоғи 417  
Машхад 29  
Милан 312  
Мингтепа 380, 381, 389, 392, 393,  
394, 399, 400  
Мингўрик 13  
Мирзачўл 380  
Миср 75, 239, 262, 323, 324, 325,  
372, 382  
Мовароуннахр 67, 125, 133, 134,  
135, 136, 227  
Москва (Маскав, Масков) 88, 91,  
220, 310, 311, 372, 378, 380, 407  
Мўғулистон 455  
Найман кишлоғи 417  
Наманган 27, 222, 223, 224, 225,  
227, 303, 339, 340, 350, 351, 411,  
455  
Насаф 66  
Ниёзбек 153  
Нижний Новгород 335, 340, 363,  
431, 435  
Норин 350  
Нурота 66, 113, 442, 448  
Одесса 459  
Окмасжид (Перовск) 15, 20, 23,  
111, 153, 161, 327, 379  
Октепа 149, 156, 159, 186  
Ок Жумалон  
Олмату (Олмаота) 15, 225  
Олтиариг 379  
Олтинтепа 13, 14  
Оренбург (Ўрунбург) 135, 239,  
335, 339, 340, 363, 431, 432, 435,  
436, 465, 474

Орол денгизи 133, 306, 335, 336,  
338, 465  
Оролбўйи 361  
Орек 364  
Панж 440, 446  
Панжикент 353, 354, 362  
Панжоб 440  
Перовск 465  
Пекин 334  
Петербург (Фитербурк, Петер-  
бург) 19, 21, 38, 316, 322, 340, 372,  
375, 420  
Петро-Александровск 471  
Петропавловск 339, 340, 365  
Питнак 466  
Пишпек 368  
Порсу 466  
Регистон 146, 147, 155  
Риштон 27  
Рига 459  
Ромитон 66  
Россия (Русия, Ўрусия) 5, 6, 11,  
12, 19, 23, 28, 76, 79, 92, 108, 121,  
122, 123, 127, 128, 132, 133, 134,  
135, 136, 137, 139, 157, 205, 244,  
245, 246, 258, 334, 338, 340, 349,  
350, 360, 361, 363, 364, 365, 385,  
392, 394, 400, 401, 402, 403, 404,  
406, 420, 427, 430, 432, 433, 436,  
441, 442, 444, 447, 448, 449, 452-  
458, 473  
Самарканд 80, 81, 82, 103, 121,  
123, 126, 193, 140, 263, 265, 268,  
277, 295, 308, 310, 311, 313, 314,  
322, 352, 354, 355, 357, 358, 362,  
363, 401, 416, 464, 471, 472 Санкт-  
Петербург 401, 420, 428, 438  
Саратов 471  
Сариогоч 149, 156  
Сариосиё (Сарижўй) 66  
Сарипул 110, 364  
Сарой 447  
Сафетдарё 447

Себзор 147, 152, 153, 155, 159,  
179, 181, 182, 184, 185, 190, 192,  
259, 345, 346, 347  
Семипалатинск 340, 349, 363  
Сибир 360, 375, 398  
Сирдарё 224, 277, 350, 361, 364,  
442, 455, 457  
Сирдарё вилояти 42, 149, 310, 361,  
362, 465  
Султон Увайс 466  
Султон-Сарой 466  
Сурхон 441  
Сўфиён 53, 110  
Термиз 305, 445, 446, 450  
Техрон 338  
Тоир-Су дарёи 440  
Тошкент 11, 12, 13, 18, 22, 23, 143,  
144, 152, 179, 181, 182, 184, 185,  
186, 190, 192, 193, 221, 222, 223,  
249, 259, 260, 339, 340, 345, 346,  
349, 350, 353, 355, 363, 395, 396,  
401, 414, 415, 416, 458  
Тошовуз (Тошховуз) 45, 117, 174,  
334, 431, 466, 474  
Троицк 363  
Тўкмоқ 15, 368  
Тупроккўрғон 25, 387  
Туркистон 6, 15, 19, 20, 21, 25, 65,  
67, 75, 123, 124, 125, 127, 131, 132,  
139, 140, 193, 195, 199, 200, 201,  
211, 214, 215, 221, 225, 226, 234,  
240, 243, 244, 246, 249, 250, 251,  
253, 258, 260, 261, 262, 264, 265,  
267, 268, 276, 277, 278, 279, 280,  
281, 283, 284, 290, 292, 295, 296,  
297, 301, 302, 303, 309, 310, 311,  
312, 318, 337, 340, 341, 344, 346,  
348, 349, 360, 361, 362, 363, 364,  
366, 367, 368, 369, 370, 371, 372,  
373, 375, 377, 378, 401, 402, 403,  
404, 407, 408, 409, 410, 417, 418,  
420, 436, 450-459, 463, 464, 465,  
470



Туркия 98, 230, 261, 281, 300, 334, 374, 435  
Турон 65, 257  
Тўрткўл 471  
Урганч (Урганж) 20, 45, 116, 119, 141, 174, 175, 334, 337, 340, 430, 431, 432, 433, 434, 466, 467, 471  
Ургут 355  
Устюрт 431  
Уфа 104  
Учтепа 151  
Фарангистон 75, 79  
Фарғона 19, 20, 24, 25, 26, 27, 29, 196, 197, 198, 221, 224, 226, 227, 277, 311, 350, 351, 361, 362, 369, 371, 380, 381, 391, 400, 413, 455, 459, 460, 461, 462  
Хазар 277, 279  
Хазорасп 327, 331, 334  
Хайробод 66  
Хатирчи 66, 82, 113  
Хатлон 66  
Хива 6, 31, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 47, 48, 49, 108, 114, 115, 120, 121, 122, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 139, 140, 142, 143, 174, 175, 221, 277, 327, 327, 328, 329, 330, 331, 332, 333, 334, 335, 336, 337, 338, 340, 341, 352, 360, 361, 363, 428, 430, 432, 433, 434, 464, 465, 466, 467, 468, 469, 470, 471, 473, 474  
Хиёбон 20, 22, 51, 54, 71  
Хитой (Чин, Қитой) 54, 75, 76, 226, 237, 238, 309, 310, 351, 363, 369, 443, 450  
Хонка 116, 141, 430, 466, 474  
Хоразм 20, 30, 43, 48  
Хўжайли 45, 118, 141, 467, 474  
Хўжанд 295, 311, 339, 351, 361, 362  
Хўжа Мўмин 447  
Фулжа (Хулжа) 15, 20, 350

Хуросон 66, 130  
Чакчимон 189  
Чигатой 150, 185  
Чимбой 472  
Чимкент 15, 21, 361, 465  
Чирокчи 66, 113, 3584, 442  
Чирчик (Фарак) 13  
Чоржўй (Чоржуй) 66, 104, 113, 341, 436, 441, 445, 446, 448, 450  
Чорсу 161  
Чубек 447  
Чуманой 467  
Чуст 222, 224, 340, 350, 455  
Шайховандитохур (Шайхонтохур, Шайх Хованди Тохур) 13, 16, 22, 23, 144, 145, 146, 152, 153, 156, 181, 182, 259, 289, 345, 346  
Шайх-Жалил 466  
Шакарлик Остона 447  
Шаркий Туркистон (Хитой Татариyasi) 311, 335, 337, 340, 367  
Шахрисабз (Кеш) 66, 79, 80, 81, 103, 113, 121, 127, 356, 357, 421, 440, 441, 442, 443  
Шахрихон 340  
Швейцария 459  
Шеробод 66, 112, 305, 306, 307, 308, 447, 448  
Шибиргон 364  
Шох Аббос Вали 431  
Шоҳобод (Шовот) 117, 174, 177, 334, 466  
Шох Севема 472  
Шўраҳон 472  
Шўркўл 167, 168  
Шўртепа 13, 14  
Эрон 75, 129, 130, 206, 243, 275, 276, 277, 327, 334, 335, 344, 359, 369, 441, 450, 456, 457, 467  
Эски Бадалбек 72  
Юнон 75  
Яккабоғ 66, 113  
Янгикаля 328

Янги Бухоро 445, 446, 451  
Япония (Япуния) 204, 311  
Ях-Сув 446, 447  
Ўзбекистон 3, 4, 7, 8, 9, 10, 43, 90, 108, 112, 121, 127, 139, 143, 162, 179  
Ўзганд (Ўзган) 226, 303, 350, 371  
Ўрта Осиё (Осиёи Вусто) 11, 121, 149, 157, 226, 276, 284, 328, 329, 336, 337, 339, 340, 352, 359, 360, 361, 362, 420, 443, 452, 456  
Қалъаи Гарм 443  
Қалъаи Хум 443  
Қарши 57, 66, 78, 80, 82, 113, 283, 312, 313, 314, 315, 340, 343, 351, 356, 357, 358, 440, 441, 442, 443, 444, 445, 465,  
Қатакон 109  
Қашғар (Кашғар, Қошғар) 226, 227, 278, 311, 337, 361, 363, 366, 457  
Қашқадарё 441  
Қиёт 12, 16, 147, 152, 466  
Қиёт-Қўнғирот 467  
Қизил дарё 440  
Қизил Ур 447  
Қизилқум 337, 466  
Қизилқўрғон 190  
Қизилсув 440, 441  
Қилич Ниёзбой 466  
Қипчоқ 466  
Қобул 365  
Ковунчи (Кауфман) 379  
Қознали (Казалинск) 379  
Қозғистон 371

Қозон 239, 253, 262  
Қора Тов 447  
Қорақўл 57, 66, 95, 104, 113, 357, 435, 442, 446, 447, 448  
Қоракум 466  
Қоратегин 66, 112, 440, 448  
Қрим (Қирим) 239, 276, 282, 375  
Қуғинтонг Тау 447  
Қўйтан 447  
Қўжон (Хўқанд) 12, 14, 24, 193, 212, 218, 221, 223, 225, 327, 277, 279, 336, 337, 338, 339, 340, 341, 350, 351, 352, 363, 401, 411, 415, 420, 454, 460.  
Қўнғирот 45, 72, 119, 335, 338, 431, 432, 433, 434, 467, 470, 472, 473, 474  
Қурама 159, 160, 361  
Қўрғонтепа 66, 440, 442, 447  
Қўшқўпир 466  
Ғазовот 466  
Ғарбий Европа 454, 458  
Ғиждувон 97, 104  
Ғозиобод 45, 115  
Ғозиён 51, 54, 72, 110  
Ғузур 66, 113, 441, 454  
Ғазорасп (Ғазорасб) 44, 115, 431, 433, 466, 474  
Ғаканд 394, 395, 399  
Ғиндистон 450  
Ғиндихитой 359  
Ғирот 336  
Ғисор 66, 112, 313, 339, 350, 441, 442, 443, 445, 446, 447, 448, 451  
Ғонка 45



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-10
<b>I БОБ. МАҲАЛЛИЙ ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА АСАРЛАР</b>	11-107
<b>1 §. Қўлёзма асарлар</b>	11-69
• <i>Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандий. "Тарихи жадидаи Тошканд"</i>	12-24
• <i>Муҳаммад Азиз Марғилоний. "Тарихи Азизий"</i>	24-30
• <i>Муҳаммад Юсуф Баёний. "Шажарайи Хоразмиохий"</i>	30-37
• <i>Ҳасанмурод Лаффасий. "Гулишани саодат"</i>	37-42
• <i>А. Болтаев. "Хоразм тарихига материаллар"</i>	43-49
• <i>Муҳаммад Али Балжувоний. "Тарихи нофеий" ("Фойдали тарих")</i>	49-69
<b>2 §. Тошбосма асарлар</b>	70-107
• <i>Абдурауф Фитрат. "Ҳинд сайёҳининг қиссаси"</i>	70-90
• <i>Садриддин Айний. "Бухоро инқилобининг тарихи"</i>	90-107
<b>II БОБ. МАҲАЛЛИЙ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ</b>	108-142
<b>1 §. Маъмурий ҳужжатлар</b>	
• <i>Бухоро амирлиги маъмурий-худудий тузилмасига оид ҳужжатлар</i>	108-113
• <i>Хива хонлиги маъмурий-худудий тузилмасига оид ҳужжатлар</i>	114-120
• <i>Сулҳ шартномалари, расмий келишувлар билан боғлиқ ҳужжатлар</i>	121-142
<b>2 §. Вақф ҳужжатлари</b>	143-178
• <i>Тошкент мадрасаларининг вақф муяжжидига оид ҳужжатлар</i>	143-161
• <i>Бухоро амирлиги вақф ҳужжатлари</i>	162-173
• <i>Хива хонлиги вақф ҳужжатлари</i>	174-178
<b>3 §. Қозилик ҳужжатлари</b>	179-192
• <i>Тилхат</i>	180-181

• <i>Ибро</i>	181-186
• <i>Далолатнома</i>	186-189
• <i>Васиқа</i>	190-192
<b>III БОБ. МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b>	193-325
<b>1 §. Туркистон миллий матбуоти материаллари</b>	195-304
<b>2 §. Бухоро амирлиги матбуот материаллари</b>	305-325
<b>IV БОБ. ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР</b>	326-365
• <i>Arminius Vambery. "Travels in Central Asia" ("Марказий Осиё бўйлаб саёҳат")</i>	326-344
• <i>Henry Lansdell. "Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv" ("Россияга бўйсиндирилган ҳамда Гулжа, Бухоро, Хива ва Марғани ўз ичига олган Марказий Осиё")</i>	344-359
• <i>George Nathaniel Curzon. "Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian question" ("Россия 1889 йилда Марказий Осиёда ҳамда Англия-Россия масаласи")</i>	359-365
<b>V БОБ. МЕМУАР ТАДҚИҚОТЛАР</b>	366-400
• <i>Мусо Туркистоний. "Улуғ Туркистон фожияси"</i>	366-379
• <i>Фозилбек Отабек ўғли. "Дукчи эшон воқеаси"</i>	379-400
<b>VI БОБ. РУС МАНБАЛАРИ</b>	401-474
<b>1 §. Архив ҳужжатлари</b>	401-436
• <i>Россия Давлат думаси йиғилиши стенограммаси</i>	401-420
• <i>Туркистондан Россия кутубхоналарига олиб кетилган ноёб китоблар</i>	420-427
• <i>Хива хонлигининг савдо алоқалари</i>	428-436
<b>2 §. Тарихий адабиётлар</b>	437-463
• <i>Д.Н.Логофет. "Бухарское ханство и его современное состояние" ("Бухоро хонлиги ва унинг замонавий ҳолати")</i>	437-441
• <i>Д.Н.Логофет. "Бухарское ханство под русским"</i>	441-451



- протекторатом" ("Бухоро хонлиги рус протекторати остида")
- В.Н.Оглоблин. "Промышленность и торговля Туркестана" ("Туркистонда саноат ва савдо") 451-459
  - А.П.Демидов. "Экономический очерк хлопководства, хлопкоторговли и хлопковой промышленности Туркестана" ("Туркистонда пахтачилик, пахта савдоси ва саноати ҳақида иқтисодий очерк") 460-463
  - 3-§. Ҳарбий статистика тадқиқотлари 464-474
  - В.Гиришфельд. "Военно-статистическое описание Хивинского оазиса" ("Хива воҳасининг ҳарбий статистик баёни") 475-484
  - ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ** 485-497
  - КЎРСАТКИЧЛАР**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

### ХРЕСТОМАТИЯ

4-жилд  
1860-1917 йиллар

КБК 80.12 (5Ў36)  
М - 40  
УДК 618.6.5.

Мухаррир:  
Халилов Илхом

Техник муҳаррир:  
Перемкулов Жамшид

Компьютерда саҳифаловчи:  
Имамов Искандар

---

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.  
Шартли босма табоғи: 31,375. Адади 100. Буюртма № 56.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«GEO FAN POLIGRAF» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилган.  
Босмаҳона манзили: 100170, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 24-уй.

© «Navro'z» нашриёти.  
ISBN 978-9943-381-35-3



ISBN 978-9943-381-35-3



9 789943 381353